

АБДУЛҲАМИД НУРМОҲОВ

ТАНЛАНГАН АСАРЛАР

2-ЖИЛД

ТОШКЕНТ - 2012

ТАНЛАНГАН АСАРЛАР

2-ЖИЛД

**ЛИНГВИСТИК ТАЪЛИМОТЛАР
ТАРИХИ**

КИРИШ

Табиат ва жамиятдаги ҳар бир нарса, ҳодисанинг пайдо бўлиш, ривожланиш тарихи бўлгани каби бу нарса ва ҳодисаларни ўрганувчи фанларнинг ҳам ўз тарихи мавжуд. Фанлар системасида ўзининг муносиб ўрнига эга бўлган тилшунослик ҳам бундан мустасно эмас.

Тилшунослик фан сифатида шакллангандан бошлаб то ҳозирги кунимизгача доимий равишда ривожланиб, такомиллашиб борди. Бу даврда турли тадқиқот йўналишлари, бу йўналишларга дахлдор тушунча ва атамалар системаси майдонга келди. Мазкур йўналишлар тилшуносликни янги ғоялар, тадқиқот методлари билан бойитиб, унинг ривожига катта таъсир қилди. Шунинг учун улардан бир қанчаси бугунги тилшунослик учун ҳам кадр-кимматини йўқотгани йўқ.

Тилшунослик тарихидаги ҳар бир йўналиш муайян ижтимоий шарт-шароит талаби билан пайдо бўлган. Шу сабабли ҳар қандай лингвистик йўналиш ана шундай тарихий шарт-шароит контекстидан келиб чиқиб баҳоланмоғи адолатдан бўлади.

Бир объект турли томондан қаралиб, турлича баҳоланиши мумкин. Тилшуносликда ҳам бир лингвистик тушунча турли лингвистик йўналиш вакиллари томонидан турлича изоҳлангани, уларнинг айримлари лингвистика тарихида кенг илмий жамоатчилик томонидан маъқулланиб, анъанага айланиб кетган бўлса, айримлари муайян бир давргача қўлланиб, кейинчалик истеъмолдан чиққанига гувоҳ бўламиз.

Жамият тараққиёти оддийдан мураккабга қараб доимий равишда ўсиб, ўзгариб боргани каби, ҳар қандай фан тарихи муайян босқичлардан иборат бўлиб, янги босқич аввалгисининг бағрида унинг вориси сифатида дунёга келади. Аввалги босқич йўл қўйган камчиликларга танқидий баҳо берган ҳолда, уларни бартараф этишга ёрдам берадиган тадқиқот методологияси ва методларини қидиради.

“Тарихсиз келажак йўқ”, – дейди юртбошимиз Ислом Каримов. Чунки тарих сабоқларини эътиборга олмай туриб, олдимизга қўйган эзгу мақсадларга осонликча эришиб бўлмайди. Бу ҳар бир фанга дахлдордир. У ёки бу фаннинг тарихий тараққиёт жараёнларини, турли босқичлардаги ютуқ ва камчиликларини эътиборга олиш янги вазифаларни тез ҳамда осон йўл билан ҳал қилиш имконини беради.

Шундай экан, ҳар бир фаннинг ҳозирги ҳолатини чуқур ўрганиш унинг тарихий тараққиёти билан боғлаб олиб борилгандагина кутилган саамарани беради. Демак, кишиларнинг алоқа воситаси бўлган тилнинг ички тузилиши, тузилиш бирликлари, бу бирликларнинг нутқий жараёнда воқеланиши, тилнинг жамият билан муносабати, тил ва тафаккур муносабати, тилларнинг генеологик ва типологик таснифи муаммолари билан шуғулланувчи “Тилшунослик назарияси” билан бу муаммоларнинг ўрганилиш тарихи масалаларини ёритиб берувчи “Тилшунослик тарихи” ўзаро узвий боғлиқдир. Шу билан бирга “Тилни ўрганиш методологияси ва методлари” ҳам

“Тилшунослик назарияси”, “Тилшунослик тарихи” билан ўзаро алоқада. Айни сабабга кўра олий ўқув юртларининг Филология факультетларида бу уч тармоқ бир умумий ном – “Умумий тилшунослик” номи остида ўрганиб келинади.

Аслида тилшунослик назарияси ҳамда тилни ўрганиш методологияси ва методларининг ўз тарихий тараққиёти бор. Шунинг учун ҳам бу икки тармоқ тарихий тараққиётини “Умумий тилшунослик” курсидан алоҳида ўрганиш фойдадан холи эмас.

“Тилшунослик тарихи” курси бўйича шўролар даврида бир қанча асарлар майдонга келди. Лекин буларда асосан ҳинд-оврўпо тилшунослиги вакилларининг лингвистик қарашлари, лингвистик тафаккур ривожига кўшган ҳиссалари юзасидан фикр юритилди. Фақат тилшунослик пайдо бўлишида ҳинд, хитой, араб олимларининг хизматлари эслаб ўтилди. Туркий халқлардан етишиб чиққан буюк алломаларнинг лингвистика тараққиётига кўшган ҳиссалари назардан четда қолди.

Шўролар даврида йўл қўйилган ана шу камчиликка барҳам бериш мақсадида ушбу китобда туркийшунослар, хусусан, ўзбек олимларининг тилшунослик назарияси такомили учун кўшган ҳиссаларини ёритишга кўпроқ эътибор қаратилди. Шунинг учун асар икки қисмга бўлиниб, биринчи қисмда ҳинд-оврупо, иккинчи қисмда эса ўзбек тилшунослиги тарихи баён қилинди.

“Ҳинд-оврупо тилшунослиги тарихи” қисмида рус тилидаги “Тилшунослик тарихи” китобларидан маълум бўлган материалларга қисқароқ, уларда ёритилган мавзуларга кенгроқ ўрин берилди. Хусусан, Ф.Ф.Фортунатов, А.А.Потебня, Г.Шухардт, Э.Бенвенист, Л.Теньер сингари олимларнинг лингвистик қарашлари кенгроқ баён қилинди.

“Лингвистик таълимотлар тарихи” китоби учун муаллифнинг илгари нашр қилинган “*Ўзбек тилшунослик тарихи*” (Тошкент: Ўқитувчи, 2002), “*Struktur tilshunoslik: ildizlari va yo'nalishlari*” (Тошкент: Та'лим, 2009) китоблари асос бўлиб хизмат қилди.

Ўзбек тилшунослиги тарихида бундай асар илк марта нашр қилинаётганлиги учун унда айрим нуқсонлар, бир ёқлама талқинларга йўл қўйилган бўлиши мумкин. Бунинг учун муаллиф зукко китобхонлардан узр сўрайди.

Мазкур асарнинг нашрга тайёрланишида ва нашр қилинишида беминнат маслаҳатлари ҳамда хизматларини аямаган филология фанлари доктори, профессор Д.Қуронов; филология фанлари номзодлари: М.Саидхонов, А.Раҳимов; ўқитувчилар: А.Умаров, К.Умаров, Б.Аҳмедов ва Ф.Усмоновларга муаллиф самимий миннатдорчилик билдиради.

I ҚИСМ

ҲИНД-ОВРУПО ТИЛШУНОСЛИГИ ТАРИХИ

Тилшуносликнинг майдонга келиши Қадимги ҳинд тилшунослиги

Тилшунослик фанининг бешиги қадимги Ҳиндистон ҳисобланади. Чунки худди шу мамлакатда биринчи бўлиб кишиларнинг алоқа воситаси бўлган тилни ўрганишга қизиқиш пайдо бўлди.

Тарихдан маълумки, ҳар қандай фан кишиларнинг амалий эҳтиёжини қондириш зарурияти туфайли дунёга келган. Масалан, нарсаларни ҳисоблаш эҳтиёжи математикани, ерни ўлчаш эҳтиёжи геометрияни, осмон жисмлари ҳаракатини ўрганиш эса астрономияни юзага келтирган. Худди шу сингари қадимги Ҳиндистонда тилни ўрганишга ҳам катта эҳтиёж пайдо бўлди. Чунки ведалар деб номланган ҳинд диний кўшиқлари қадимги ҳинд ёзма тили бўлган санскритда ёзилган бўлиб, даврлар ўтиши билан пракрит деб номланувчи ҳинд жонли сўзлашув тили ундан анча узоқлаша бошлади. Ўртадаги фарқ кўпайган сари санскрит мантиларини шарҳлаш, изоҳлаш эҳтиёжи юзага келди.

Дастлабки муқаддас ҳинд кўшиқлари эрамиздан 1500 йиллар олдин пайдо бўлган деб тахмин қилинади. Санскрит эрамиздан олдин V асрдаёқ жамиятнинг кундалик алоқа воситаси вазифасини йўқотиб, ўлик тилга айланган бўлса ҳам, диний ва маданий анъаналарни ўзида сақловчи мумтоз тил сифатида сақланиб келди. Қадимги ведалар тилини шарҳлаш, сўзларнинг тўғри талаффузини сақлаб қолиш эҳтиёжи тилшунослик фанининг пайдо бўлишига олиб келди.

Санскрит ўзиги хос меъёрларга эга бўлган адабий тил сифатида бу меъёрларни махсус ўрганишни талаб қилар эди. Ана шу талаб ортидан фақат сўзларни тўғри талаффуз қилишнигина эмас, балки сўз шаклларини тўғри қўллашни кўрсатиб берувчи тавсифий грамматикалар дунёга келди. Грамматика ҳиндлар томонидан “вьякарана” (парчалаш, бўлиш) деб номланди.

Эрамиздан ўн минг йиллар олдин ведалардаги тушунарсиз бўлиб қолган сўзларни изоҳловчи дастлабки луғатлар дунёга келди.

Қадимги ҳинд грамматикалари ичида энг машҳури Панини грамматикасидир. Панини милодгача IV асрларда яшаган машҳур ҳинд тилшуносидир. У томонидан яратилган “Саккиз китоб” деб юритилувчи грамматика назмда ёзилган 4000 та қоида (сутр)лардан ташкил топган. Бу қоидалар шеърий йўл билан ёзилганлиги туфайли, уларни ёдлаш осон бўлган. Ҳинд олими Джагдиш Прасад Димрининг эътирофи этишича,

Панининг мазкур китоби санскрит морфологиясини хайрон қоларли даражада аниқ ва тўлиқ таҳлил қилгани ҳамда товуш таркибини чуқур тавсифлагани билан ажралиб туради. Шунинг учун ҳам қадимги ҳинд тилшунослиги эришган ютуқлар ҳақида фикр юритилганда, Панини грамматикасига суянилади.

Машҳур тилшунос В.Томсен қадимги ҳинд тилшунослигига баҳо берар экан, бу тилшунослик шундай ютуқларга эришдики, Оврупо лингвистлари ҳинд тилшунослигидан озикланган ҳолда XIX асрдагина улар забт этган чўққига кўтарила олди холос, дейди.

Қадимги ҳинд тилшунослари ведаларда ишлатилган сўзларнинг тўғри талаффузини сақлаб қолишга ҳаракат қилганликлари туфайли фонетика бўйича катта ютуқларни қўлга киритдилар. Уларнинг фикрича, веда матни тўғри талаффуз қилингандагина ўзининг диний-магик қувватини сақлаб қолади. Талаффуз тўғрилигини таъминлашга интилиш фонетик тадқиқотларнинг кучайишига сабаб бўлди.

Ҳинд фонетистларининг катта ютуғи шундаки, улар тилшунослик тарихида биринчилардан бўлиб реал талаффуз қилинган товуш билан тил эгаси хотирасидаги шу товушнинг андозасини фарқладилар. Бу фарқлаш кейинчалик Оврупо тилшунослигида товуш ва фонема атамалари билан ифодаланди. Шуниси характерлики, қадимги ҳинд тилшунослари реал талаффуз қилинган товушнинг тил хотирасидаги андозасини аташ учун махсус *sphota* атамасидан фойдаландилар.

Ҳинд тилшунослари товушлар таснифида физиологик тамойилга асосландилар. Шунинг учун товушлар артикуляцияси ҳақида аниқ маълумот бердилар.

Улар тилшунослик тарихида биринчилардан бўлиб унли ва ундош товушларни, товушларнинг чўзиқлик-қисқалик белгисини фарқладилар. Шунингдек, урғуга ва нутқ оқимида товушларнинг бир-бирига таъсирини ўрганишга катта эътибор қаратдилар. Товушларга физиологик нуқтаи назардан ёндашилганлиги учун ҳинд тилшунослари нутқ аъзолари ва нутқ товушларининг пайдо бўлиш ўринлари ҳақида чуқур маълумот бердилар. Унли ва ундошлар нутқ аъзоларининг бир-бирига тегиш-тегмаслигига кўра фарқланди. Икки нутқ аъзоси бир-бирига тегиб ўпкадан чиқаётган ҳавони тўсса, ундош, икки нутқ аъзоси бир-бирига тегмасдан, ўпкадан чиқаётган ҳаво эркин ўтса, унли товуш ҳисобланди.

Қадимги ҳинд фонетистлари ҳинд-оврупо тилларида катта аҳамиятга эга бўлган унлилар алмашинувига алоҳида эътибор қаратдилар. Хусусан, *vidya* “маъно”, *veda* “мен биламан”, *vaidyas* “билувчи олим” сўзлари *i-e-ai* товушларининг алмашинуви асосида бир ўзакдан ҳосил бўлган.

Қадимги ҳинд тилшунослари морфология бўйича ҳам қимматли фикрларни баён қилдилар. Улар морфологиянинг ўрганиш объекти сифатида сўзларни туркумларга ажратиш, уларнинг ясалиши ва ўзгаришини тушундилар. Ҳиндлар тўртта сўз туркумини ажратдилар: *исмлар*, *феъллар*, *олдқўмакчилар* ва *ёрдамчилар*. Предметни билдирувчи сўзлар *исмлар*,

харакатни билдирувчи сўзлар *феъллар*, исм ва феълларни аниқлаб келувчи сўзлар *олдкўмакчилар* ҳисобланди. Ёрдамчилар боғловчи, қиёсловчи ва шеър кўринишидаги формал элемент сифатида фойдаланилувчи бўш элементларга ажратилди. Олмош ва равишлар исмлар ва феъллар таркибида ўрганилди.

Сўз таҳлилида сўз шаклининг ўхшаш ва фарқли белгиларига асосландилар. Натижада бир сўзнинг турли шакллари, таркибий қисмларини тўғри белгилашга эришдилар. Сўз таркибидан ўзак, суффикс ва кўшимчаларни ажратдилар. Қадимги ҳинд тилшунослари гапнинг фикр ифодалаш хусусиятини алоҳида таъкидласалар ҳам, лекин синтаксис билан махсус шуғулланмадилар. Уларнинг асосий эътибори гапнинг ташкил бўлишида хизмат қилувчи сўз шакллари ўрганишга қаратилган. Қадимги ҳинд тилшунослиги эришган ютуқлар бошқа халқларга ҳам таъсирини кўрсатди. Хусусан, ҳинд грамматик ғоялари буддизм орқали Хитойга кириб келди. Милодгача бўлган даврдаёқ ҳинд тилшунослиги Эрон орқали Юнонистонга ҳам ўз таъсирини кўрсатган. Шунингдек, бу тилшунослик XI асрлардан бошлаб араб тилшунослигининг шаклланиши ва ривожига асос бўлган.

Кўриниб турибдики, ҳинд тилшунослиги ғоялари турли мамлакатларга тарқалган ва тилшунослик фанининг шаклланиши ҳамда раванқ топишига замин яратган. Бу қадимги Ҳиндистон жаҳон тилшунослик фанининг бешиги, деган хулоса чиқаришга тўла ҳуқуқ беради.

ҚАДИМГИ ЮНОН ВА РИМ ТИЛШУНОСЛИГИ

1. Қадимги юнон тилшунослиги

Қадимги ҳинд тилшунослиги соф амалий эҳтиёж асосида юзага келган ва эмпирик характерга эга бўлган бўлса, қадимги юнон тилшунослиги фалсафа муаммоларини ҳал қилиш жараёнида шаклланди. Файласуфлар баҳсларида тил масаласи марказий ўринни эгаллади. Шунинг учун ҳам тилга фалсафий нуқтаи назардан ёндашув кучайди. Хусусан, тушунча ва сўз, нарса ва ном ўртасидаги муносабатни ҳал қилиш фалсафанинг бош муаммосига айланди ҳамда бу муаммо файласуфлар ўртасида турли баҳс-мунозараларга сабаб бўлди.

Қадимги юнон файласуфлари сўзнинг пайдо бўлиши, нарса билан унинг номи ўртасидаги муносабат юзасидан қизгин баҳс-мунозара олиб бордилар. Бу муаммо бўйича улар икки қарама-қарши гуруҳга бўлиндилар. Бир гуруҳ нарса билан унинг номи ўртасида табиий муносабат мавжуд, деб қараса, иккинчи гуруҳ бу муносабат табиий эмас, шартлидир дейди.

Кўринадики, бу баҳслар тилшуносликнинг жуда катта фалсафий муаммосини камраб олган. Сўзларнинг табиий асосда, сабаб-натижа муносабати туфайли келиб чиққанини эътироф этувчилар бу муносабатни *phusei* (фюзей) “табиий асосда” деб атадилар. Бу муносабатни инкор этувчилар эса *thesei* (тезей) “шартли” атамасига суяндилар ва нарса билан унинг номи ўртасидаги муносабат шартли эканини таъкидладилар.

Бу баҳс-мунозара машҳур юнон файласуфлари **Гераклит** ва **Демокрит** қарашларида ёрқин акс этади.

Гераклит (милодгача 540-480йй.) биринчи қарашнинг вакили бўлиб, ҳар қандай ном у ифодалаган нарса билан узвий боғлиқ, ном нарсанинг моҳиятини очиб беради деб ҳисоблайди.

Демокрит (милодгача 460-370йй.) эса, аксинча, ном билан у ифодалаган нарса ўртасида табиий боғланишнинг йўқлигини, улар орасидаги муносабат шартли эканини, аждодларимиздан анъана бўлиб ўтгани туфайли шундай номланишини баён қилади. У ўз фикрини ном ва нарса ўртасидаги бир қатор номувофиклик асосида исботлашга ҳаракат қилади: 1) баъзи сўзлар бирдан ортиқ нарсани ифодалайди. Яъни нарса номдан кўп; 2) айрим нарсалар бир неча ном билан юритилади, яъни ном нарсадан кўп; 3) бир қанча тушунчалар сўз ифодасига эга эмас; 4) даврлар ўтиши билан нарсаларнинг номлари ўзгариши мумкин.

Ном ва нарса муносабати ҳақидаги бу баҳс Афлотун (милодгача 429-348 йй) нинг машҳур “**Кратил**” диалогиди ифодасини топган. Бир-бирига зид икки қарашни ўзида акс эттирган бу диалогнинг майдонга келиши тилшунослик фанининг шаклланиши ва ривожиди муҳим бир қадам бўлиб хизмат қилди. Мазкур диалог Гормоген ва Кратил баҳси асосига қурилган. Сукрот баҳсга ҳакамлик қилади. Кратил нарса билан ном ўртасида боғлиқлик бор, бундай боғлиқлик мавжуд номлар тўғри номлар, боғлиқлик бўлмаган номлар эса нотўғри номлар ҳисобланади, дейди. Бундай қараш тарафдорлари **аналогистлар** деб ҳам юритилади. Демак, Кратил аналогистлар қарашларини ифода қилади.

Гормоген эса, аксинча, номнинг табиий асосда, ўзи ифодалаган нарса билан табиий боғлиқ равишда пайдо бўлганини рад қилади. У **аномалистлар** деб юритилувчи оқим қарашларини ҳимоя қилади. Номнинг нарса билан табиий боғлиқликда эмас, балки шартли равишда вужудга келиши ва аждодлардан мерос сифатида авлодларга ўтиши, ном билан нарса ўртасида номувофикликнинг мавжудлигини эътироф этувчи оқим вакиллари **аномалистлар** ҳисобланади.

Муаллифнинг, яъни Афлотуннинг ўзи Сукрот тимсолида ўрта позицияни эгаллайди. У аналогистларни ҳам, аномалистларни ҳам ёқламайди. Номлар табиий асосда ҳам, шартли асосда ҳам келиб чиқиши мумкинлигини таъкидлайди. Унинг фикрича, дастлаб сўзнинг товуш томони билан тушунча ўртасида қандайдир ички алоқа мавжуд бўлган. Бундай асосда номнинг пайдо бўлиши товуш символикаси ёки ономатопоэтик тамойил саналади. Дастлаб ана шу тамойил асосида пайдо бўлган сўзлар асосида тил эгалари бошқа қатор сўзларни ясаганлар, натижада вақт ўтиши билан ном ва нарса ўртасидаги мотивация муносабати бузилган. Бу баҳс-мунозара маълум натижага олиб келмаган бўлса ҳам, тилшунослик тараққиётида катта аҳамиятга касб этди.

Қадимги юнон тилшунослиги шаклланиши ва ривожиди **Арастунинг** (милодгача 384-322 йй.) ўрни бекиёсдир. Арасту грамматика масалаларини

мантиқ категорияларига қиёсан белгилади. Унинг грамматика ҳақидаги қарашлари “Поэтика” асарида маълум даражада ифодасини топган. У инсон нутқини *ҳарф*, *бўгин*, *боғловчи*, *исм*, *фёъл*, *аъзо*, *келишиқ* ва *гаплар*дан ташкил топишини баён қилади. Нутқнинг бундай парчалари нутқ бўлақлари ҳисобланади. Демак, нутқ бўлақларидан энг кичиги ҳарфдир. Унинг фикрича, ҳарф бўлинмас товушдир. Лекин ҳар қандай товуш ҳарф бўлавермайди. Демак, сўзларни шакллантириш учун хизмат қилувчи товушларгина ҳарф ҳисобланади. Шу боис ҳайвон товушлари ҳарфлар сирасига киритилмайди.

Ҳарфлар унли, ундош ва унсиз турларга бўлинади. Аввало, ундош ва унсизлар тилнинг иштирок этиш-этмаслиги белгисига кўра, унлиларга қарама-қарши қўйилади. Ундош ва унсизлар талаффузида тил иштирок этса, унлилар талаффузида иштирок этмайди.

Ўз навбатида, ундош ва унсизлар ҳам уннинг қатнашиш-қатнашмаслиги белгисига кўра бир-биридан фарқ қилади. Тил иштирок этиб, фақат шовқиндан иборат бўлган ҳарфлар ундош (масалан, п, к каби), шовқинга жаранг қўшилган ҳарфлар унсиз (масалан б, г каби) ҳисобланади.

Бўгин унлилардан ва унли ҳамда ундошлардан ташкил топган маъносиз товушлардир.

Боғловчи мустақил маънога эга бўлмаган, бирон сўзнинг ясалишига ҳалақит этмайдиган ва кўмаклашмайдиган сўздир. У гапнинг охирида ва ўртасида келиши мумкин, лекин гап бошида келолмаслиги таъкидланади.

Аъзо гапнинг бошини, охирини ёки бирор бўлагини билдирувчи мустақил маъно англатмайдиган сўздир.

От замон маъносини билдириш-билдирмаслик белгисига кўра фёълга қарама-қарши қўйилади. Бундай белгига эга бўлган сўзлар фёъл, эга бўлмаган сўзлар от ҳисобланади. Хусусан, *одам* ёки *оқ* сўзлари замонни англатмайди, *боряпти* ёки *келдими* сўзлари бошқа маънолардан ташқари, ҳозирги ёки ўтган замонни ҳам англатади.

Келишиқ атамаси остида от шакллари ҳам, фёъл шакллари ҳам тушунилади. Шунинг учун келишиқлар иккига бўлинади: 1) от келишиги, 2) фёъл келишиги. Отларнинг келишиқ, сон (бирлик ва кўплик) сингари шакллари от келишиқлар, шахс-сон, майл сингари шакллари фёъл келишиқлар ҳисобланади.

Гаплар, Арасту фикрича, мустақил маъно англатувчи, қисмлари ҳам мустақил маънога эга бўлган сўзлар йиғиндидир.

Арасту сўзларнинг тузилиши, фаолликка, эмоционал-экспрессивликка кўра турлари ҳақида ҳам қимматли фикрлар билдиради. Сўзлар тузилишига кўра содда ва мураккаб турларга ажратилади. Мустақил маънога эга бўлмаган қисмлардан ташкил топган сўзлар (отлар) содда (масалан, тупроқ), икки ва ундан ортиқ мустақил маъноли қисмлардан ташкил топган сўзлар мураккаб (масалан, гермоканкоксанф) ҳисобланади. Сўзлар қўлланиш фаоллигига кўра умумистеъмолдаги сўзлар ва кам қўлланидиган (қўлланиш доираси чекланган) сўзларга ажратилади.

Ҳамма ишлатадиган, яъни умумистеъмолдаги сўзлар кенг қўлланадиган, тор доирага хос (ҳамма ишлатмайдиган) сўзлар ноёб сўзлар ҳисобланади.

Арастунинг “Поэтика” асарида кўчимлар ҳақида батафсил маълумот берилади.

Нарсага хос бўлмаган, жиндан турга, турдан жинсга, ёки турдан турга кўчирилган сўзлар кўчма сўзлар саналади. Ниманинг нимага кўчиришига кўра кўчма сўзлар тўрт турга ажратилади:

1. Жиндан турга кўчирилган сўзлар. Масалан, *Ана, менинг кемам ҳам турибди* жумласидаги *турибди* сўзи бир қанча маънолардан биттаси – “лангарда турибди” хусусий маъносида қўлланган.

2. Турдан жинсга кўчирилган сўзлар. Масалан, *Минглаб шавкатли ишлар қилди Одиссей* жумласидаги “минглаб” сўзи кўплаб сўзининг хусусий ҳолати бўлганлиги учун у “кўплаб” маъносини англатади.

3. Турдан турга кўчирилган сўзлар. Масалан, *Мис билан жонини бўшатиб ва Сув заррасин чарчамас мис билан кесиб* жумлаларининг биринчисида “бўшатиб” сўзи “кесиб” маъносида, иккинчисида “кесиб” сўзи “бўшатиб” маъносида қўлланган.

4. Ўхшатирилган сўзлар. Бу ўринда Арасту иккинчи сўз биринчисига қанчалик алоқадор бўлса, тўртинчи сўз учинчисига шунчалик алоқадор бўлган сўзларни назарда тутди. Масалан, *Коса Дионисга қанчалик алоқадор бўлса, қалқон Аресга шунчалик алоқадор.* Шунинг учун косани “Диониснинг қалқони”, қалқонни эса “Арес косаси” дейиш мумкин. Шунингдек, қарилик билан умр алоқаси шом билан кундуз алоқасига ўхшайди. Шунинг учун қариликни “Умр шом”, шомни “Кундузнинг қарилиги” дейиш мумкин. Шунингдек, деҳқоннинг уруғ сочишини “экиш” дейиш ҳам, бу сўзнинг қуёш нурларига нисбатан қўлланиши ҳам (масалан, “Тангри ато этган нурларни экиб”) ўхшатиш йўли билан кўчишга киритилади.

Бундан ташқари, сўзлар янгилик белгисига эга бўлган (янги сўзлар) ва эга бўлмаган гуруҳларга бўлинади. “Ҳеч қачон ҳеч ким томонидан ишлатилмаган, фақат маълум адиб томонидан қўлланилган сўзлар” “янги сўзлар” ҳисобланади. Масалан, *шоҳлар ўрнига муғузчалар, қоҳин ўрнига дуоғўй* дейиш каби.

Сўзларнинг муайян мақсад билан чўзилиш (ортиқчалик) ва қисқариш (тежамлилик) ҳодисасига учраши ҳақида ҳам фикр юритилади. Отларда жинс (эрлик, аёллик ва оралик жинслари) категорияси юзасидан маълумот берилади.

Арастунинг товуш, бўғин, сўз туркумлари, гап, сўз кўчиши ҳақидаги фикрлари тилшуносликнинг кейинги тараққиёти учун асос бўлиб хизмат қилди. Арастудан сўнг тилни ўрганишга стоиклар номи билан юритилувчи фалсафий мактаб вакиллари катта ҳисса қўшдилар. Стоикларнинг ёрқин вакили Хрисипп (милодгача 280-206 йй) саналади.

Стоиклар сўз билан нарсани ўртасидаги боғлиқлик мавжудлигини, сўзлар нарсанинг ички моҳиятини ифодалашини, чунки инсон нарсадан чиққан

товуш таассуроти орқали уни номлаганини эътироф этадилар. Кўринадики, стоиклар нарса ва сўз ўртасидаги муносабат ҳақида фалсафий мунозарадаги аналогистлар позициясини маъқуллайди. Шу туфайли сўзларни таҳлил қилиш асосида у ифодалаган нарсанинг моҳиятига кириб бориш, сўзнинг асл табиатини, **этимонини** (юноча “ҳақиқат”) очиш мумкин, деб ҳисоблайдилар. Сўзларнинг ана шундай асл табиатини очишга ҳаракат туфайли тилшуносликда алоҳида йўналиш бўлган **этимология** майдонга келди. Лекин мазкур йўналиш ҳали сўзларнинг этимологиясини муайян фонетик қонуниятлар асосида илмий талқин қилиш даражасига кўтарилмаган, этимологизациянинг тамойиллари яратилмаган эди. Бундай илмий этимология қиёсий-тарихий тилшуносликнинг шаклланиши ва у берган материаллардан унумли фойдаланиш натижасида майдонга келди.

Стоиклар грамматик категорияларни белгилашда ҳам катта ютуқларга эришдилар. Уларнинг грамматик қарашлари бошқа халқларга ҳам таъсир қилди. Хусусан, “нутқ бўлаклари”(сўз туркумлари) атамасини мантиқдан тилшуносликка олиб ўтдилар. Улар турдош ва атоқли отларни алоҳида-алоҳида сўз туркумлари ҳисоблаб, бешта сўз туркумини ажратдилар: феъл, боғловчи, аъзо, (артикл ва олмош), турдош от ва атоқли от. Келишикларнинг отга хос категория эканлиги ҳақида узил-кесил бир фикрга келдилар.

Юнон тилшунослигининг гуллаган даври милодгача 334-331 йилларда забт этилган Мисрдаги Александрия, Кичик Осиё қирғоғидаги Пергам ва Родос оролларида шаклланган юнон маданиятининг эллин даврига тўғри келди. Бу юнон тилшунослигининг грамматика даври деб юритилади.

Эллин даври тилшунослиги ҳинд тилшунослиги каби амалий эҳтиёж туфайли майдонга келди. Ўша пайтлар мамлакатдан узоқдаги юнонларнинг дунёга машҳур эски адабиёти ва тилини бошқа халқлар таъсиридан сақлаб қолишга уриниш ҳаракати мавжуд эди. Александриялик олимлар Гомернинг тўла матнини тикладилар. Эсхил ва Сафокл асарларидаги лексик ҳамда грамматик элементларга шарҳлар бердилар. Юнон адабий тилини сақлаб қолишга ҳаракат қилдилар.

Александриялик тилшунослар тилнинг фалсафий муаммоларини ҳам назардан кочирмадилар. Тилда кўпинча қонуниятдан четланиш, яъни аномалия мавжудлигини эътироф этувчи стоикларга қарама-қарши ўларок александрияликлар баъзи истиснолар – аномалияларни рад этмаган ҳолда, қатъий қонуният, гармоник система мавжудлигини баён қилдилар. Тилдаги системалилик сабабини аномалиядан анологиянинг устунлигида деб изоҳладилар. Тил қатъий қоидаларига амал қилиши эътироф этилгач, бу системавий грамматикаларнинг яратилишига асос бўлиб хизмат қилди. Мазкур йўналишнинг йирик вакили Аристарх (милодгача 215 – 143 йй.) саналанади. У ўз шогирдлари билан ҳамкорликда Гомер асарларининг тўлиқ матнини тузди.

Аристархнинг грамматик қарашларини ифодаловчи бирор асари бизгача етиб келмаган. Фақат ундан кейинги даврда ёзилган баъзи асарларда

учрайдиган изоҳлар орқали Аристархнинг грамматик қарашлари юзасидан муайян маълумотларни олиш мумкин.

Унинг ўқувчиси фракиялик Дионисий (милодгача 170 – 90 йй.) Аристарх ғояларидан фойдаланган ҳолда “Грамматика санъати” (“*technē grammatikē*”) номли илк юнон систематик грамматикасини тузди. Шунингдек, илк юнон синтаксиси бўлган “Синтаксис ҳақида” (“*Peri syntakseos*”) китобининг муаллифи машҳур юнон грамматисти *Аполлоний Дискол* (милодгача II аср) ҳам Аристарх ва Дионисий фикрларини давом эттирди.

Александриялик олимлар фонетика масалаларига алоҳида аҳамият бердилар. Товушларни изоҳлашда акустик тамойилга амал қилдилар. Уларни унли ва ундош товушларга бўлдилар. Унлилар чўзиқ ва қисқа унлиларга ажратилди. Дионисий чўзиқ унлилар, дифтонгларни ҳам фарқлайди. Сўзлар боғли нутқнинг кичик қисми, гаплар эса сўзлар боғланишидан ташкил топган фикр ифодаловчи нутқ парчаси сифатида изоҳланади.

Аристарх саккизта сўз туркуми ҳақида фикр юритади: 1) исм, 2) феъл, 3) сифатдош, 4) аъзо (артикл) 5) олмош, 6) кўмакчи, 7) равиш, 8) боғловчи.

Сўз туркумларини белгилашда сўзларнинг синтактик функциялари билан биргаликда морфологик белгилари, хусусан, сўз ўзгариш хусусиятлари ҳамда семантикаси ҳам этиборга олинди. Масалан, Дионисий томонидан исм нарса билдирувчи, турланиш хусусиятига эга сўз туркуми сифатида баҳоланди. Исmlарнинг келишик ва сон шакллари билан ўзгариши таъкидланди.

Феъл замон, шахс, сон шаклларига эга бўлган ҳаракатни билдурвчи келишиксиз сўз туркуми деб таърифланади.

Кўринадики, семантик жиҳатдан феъл замон билдириши, исmlар нарса билдириши билан бир-биридан фарқланади.

Равиш феълга қўшилиб, унинг белгисини билдирадиган ўзгармас сўз туркуми сифатида баҳоланади.

2. Рим тилшунослиги

Александрияликларнинг грамматик таълимоти римликларга кўчирилди. Римликлар юнонлар эришган грамматик ютуқлардан озикландилар ва бу таълимотни давом эттирдилар. Рим олимлари латин тилида артикл бўлмаганидан юнонлар ишлаб чиққан сўз туркумлари системасидаги артикл ўрнига *ундов*ларни киритдилар. Деярли барча юнон лингвистик терминлари латин тилига таржима қилинди ва бу терминлар латин тили негизида бошқа тилшуносликларга тарқалди.

Юнон ва латин тилшунослиги дунё тилшунослигининг шаклланиши ва ривожига катта аҳамиятга эга бўлди. Александрияликлар грамматикани мустақил фанга айлантirdилар. Исmlар ва феълларнинг асосий грамматик категорияларини белгиладилар. Юнонлар фонетика, морфология, синтаксис,

этимология фанларининг шакланишига замин яратдилар. Сўз ва гапни фарқладилар ҳамда сўзларни туркумларга ажратдилар.

Европанинг грамматик системаси XIX асрга қадар юнонларнинг грамматик таълимотига ва унинг лотинлар томонидан бир оз ўзгартирилган вариантыга асосланди.

ОВРУПОДА УЙҒОНИШ ДАВРИ ТИЛШУНОСЛИГИ

Варварлар томонидан Римнинг таланиши ва ёқиб юборилиши (476 йил)дан то Колумб томонидан Американинг қайта “кашф қилиниши” (1492 йил)га қадар бўлган давр ўрта асрлар ҳисобланади. Бу даврда шарқда, ўзбек маданиятини ҳам ўз ичига олган ва дунёга арабларники сифатида машхур бўлган маданият гуллаб-яшнаган бўлса, Оврупода турғунлик, хурофот кучайган эди. Илму маърифат ўрнини хурофот эгаллагани туфайли илмий ҳаётда сезиларли ўзгариш рўй бермади.

XV асрдан бошлаб Оврупо ижтимоий-маданий ҳаётида кучли кўтарилиш кузатилди. Феодал тузум емирилиб, саноат ривожлана бошлади. Хурофот ўрнини фан эгаллади. Буюк географик кашфиётлар қилинди. Ижтимоий муносабатларнинг кучайиши билан миллат ва миллий маданият шакллана бошлади.

Уйғониш даврида географик кашфиётларнинг қилиниши, янги ерларнинг ва элларнинг топилиши бу ўлкаларнинг тили ва маданияти ҳақида материаллар ҳам йиғилишига, дунё тиллари географиясининг кенгайишига олиб келди. Бу даврда тилшуносликда уч йўналишда фаолият олиб борди: 1) миллий тилларни шакллантириш ва ривожлантириш; 2) халқаро миқёсда турли тилларни ўрганиш ва ўзлаштириш; 3) антик ва ўрта аср лингвистик меросини қайта кўриб чиқиш.

Уйғониш даври иқтисодий ва географик сабабларга кўра илк бор Италияда бошланди ва бу даврнинг йирик вакили сифатида Данте Олигъери майдонга келди. У ўрта аср маданиятининг сўнгги, уйғониш даврининг эса илк шоири саналади. Данте (1265-1321) йирик шоир бўлиш билан бирга, тилшунослик масалалари бўйича ҳам қимматли фикрлар баён қилди. Бунинг объектив сабаблари бор эди. Чунки ўрта аср маданияти динга асосланган, таълим ва бадиий адабиёт ўлик лотин тилида бўлгани туфайли, классик адабий ва жонли сўзлашув тили ўртасида катта узилиш рўй берган эди. Данте олдида улкан муаммо турарди. Ўз асарларини классик лотин тилида ёзадими, ёки халқнинг жонли сўзлашув тилида? У ўз даврининг буюк маърифатпарвари сифатида иккинчи йўлни танлади. Лотиндан воз кечиб замонавий итальян тилида яратилган илк асар “Илоҳий комедия” бўлди. Муаллиф бу асарни ёзиш чоғида халқ тилини чуқур ўрганар экан, табиийки, тилшунослик муаммоларига ҳам дуч келди. У “Халқ нотиклик санъти ҳақида” (*De vulgari elegendia*) асарида (1305 й) халқ тилининг лотиндан устунлиги ҳақида мулоҳаза юритар экан, фикрини исботлаш учун халқ

тилидан қатор далиллар келтирадики, бу унинг итальян тили устида қанчалар аниқ кузатишлар олиб борганидан далолат беради.

Данте тилнинг келиб чиқиши ҳақида ҳам қимматли фикр юритади. Унингча, кишилар фақат имо-ишоралар билангина ўзаро алоқа қилишлари мумкин эмас. Кишиларда ўз фикрларини ифодалаш учун онгли ва товуш сезгиси билан қабул қилиш мумкин бўлган белгиларга катта эҳтиёж туғилди. Ана шундай белги вазифасини бажариш учун тил майдонга келди.

Данте тилнинг икки томонлама табиатини эътироф этади: товуш орқали намоён бўлувчи сезги аъзоларимизга таъсир этувчи томони ва ифодаланмиш томони. Шунингдек, Данте халқ тили билан адабий тилни фарқлайди. Халқ тилининг лотиндан бойроқ ва табиийроқ эканини таъкидлайди ва уни ўрганиш асосида итальян миллий адабий тилини яратиш тарафдори бўлади.

Уйғониш даврида амалга ошган буюк географик кашфиётлар туфайли кўплаб янги тиллар билан танишиш, уларни бир-бирига таққослаш, қиёслаш имконияти туғилди. Қиёслаш натижасида эса улар ўртасидаги қатор ўхшаш жиҳатлар маълум бўлди. Олимлар олдида ана шу ўхшаш томонларнинг сабабини аниқлаш муаммоси юзага келди. Қадимги ҳинд ведалари тили санскритнинг очилиши ва Оврупо тилларининг санскритга қиёслаш имконияти яратилиши улар ўртасида кўплаб ўхшаш томонлар мавжудлигини аниқлашга замин яратди. Оврупо тилларини гуруҳлаштиришнинг илк тажрибаси француз тилшуноси Ж.Скалигерга (1540 – 1609 йй.) насиб этди. У “Овруполикларнинг тиллари ҳақида мулоҳаза” (1599 й.) асарида Оврупода 4 та йирик ва 7 та кичик, жами 11 та тиллар гуруҳини белгилайди. Тиллар гуруҳини белгилашда сўзлар ўхшашлигига амал қилди. Унинг фикрича, лексик монандлик тиллар ўхшашлигини белгилашга асос бўлади. Шунинг учун ҳам у “Худо” тушунчасининг номланишига кўра Оврупо тилларини тўрт гуруҳга ажратади: deas (лотин), theos (юнон), gott (тевтон), bog (славян) тиллари. Лекин Ж.Скалигер ўзининг бу таснифини ҳеч қандай лингвистик далиллар билан исботламайди.

Тиллар қариндошлигини белгилашда санскрит тилига қиёслаш катта аҳамиятга эга бўлди. Инглиз шарқшуноси ва ҳуқуқшуноси У.Джонс 1786 йилда ўзи асос солган Ҳиндистон халқлари тиллари ва маданиятини ўрганувчи Осиё жамиятида нутқ сўзлаб, ҳинд-оврупо тиллари қиёсий грамматикасининг асосий ҳолатларини белгилаб берди. Унинг фикрича, санскрит тилининг ички тузилиши билан юнон ва лотин тилларининг ички тузилиши ўртасида ҳайрон қоларли даражада ўхшашлик бор. У феъл асосларига ҳам, грамматик шаклларга ҳам тегишлидир. Бу тасодиф эмас. Демак, мазкур тиллар қачонлардир бир манбадан тарқалган. Бундан ташқари, гот ва кельт тиллари ҳам юқоридагилар билан бир манбага бориб тақалади, деб тахмин қилишга асослар бор. Бу манбага қадимги форс тилини ҳам киритиш мумкин. Натижада уларнинг барчаси ҳинд-оврупо тиллари оиласига бирлаштирилади.

Шуни таъкидлаш керакки, Скалигер ҳам, Джонс ҳам ҳинд-оврупо тилларининг бир манбадан келиб чиққанлигини баён қилсалар-да, бу фикрни тилнинг барча сатҳлари мисолида етарли равишда асослаб бера олмадилар. Юнон, лотин, санскрит тиллари ўртасида ўхшашликни грамматик шакллар асосида исботлаш немис олими Фридрих Шлегелга дахлдордир. У 1808 йилда машхур “Ҳиндларнинг тиллари ва донолиги ҳақида” (“Über die Sprache und die Weisheit der Indier”) асарини нашр этди. Муаллиф бу асарида санскрит луғат таркиби жиҳатидан ҳам, грамматик тузилиши жиҳатидан ҳам лотин, юнон, герман ва форс тиллари билан қариндош эканлигини баён қилди. Кейинги тиллар санскритдан келиб чиққанлигини таъкидласа ҳам, лекин бу фикрини илмий асосда тушунтириб бера олмади. Қадимги ҳинд фалсафаси, маъданияти ҳақида қизиқарли ва ширали тилда ёзилган ҳамда адабиётдан парчалар келтирилган бу асар кенг илмий жамоатчиликнинг диққатини тортди. Ҳиндистонга қизиқиш кучайди ва ҳинд-оврупо тилларини қиёсий ўрганиш ғояси пайдо бўлди.

Шундай қилиб, Оврупо олимлари лингвистик дунёқарашининг кенгайиши, уларнинг биринчи навбатда санскрит билан танишишлари, қадимги маданий ёдгорликларга қизиқишнинг ортиши, табиат ва жамият ҳодисаларига тарихий-эволюцион ёндашув – бари қиёсий-тарихий тилшуносликнинг пайдо бўлишига олиб келди.

УМУМИЙ РАЦИОНАЛ ГРАММАТИКА ЯРАТИШГА УРИНИШЛАР

А. Арно ва К. Ландслорларнинг лингвистик қарашлари

1660 йилда тилшунослик назариясида кескин бурилиш рўй берди. Париж яқинидаги Пор-Рояль ибодатхонасида машхур файласуф ва мантиқчи Арно ҳамда грамматист Ландсло ҳамкорлигида дунёга «Пор-Рояль грамматикаси» номи билан тарқалган «Умумий рационал грамматика» яратилди. Бу грамматиканинг яратилиши тилшунослик тарихида янги саҳифа очди.

«Пор-Рояль грамматикаси» илк бор бир қатор конкрет тилларнинг фактлари асосида умумий грамматика системасини яратиш мумкинлигини намоён этди.

Дунёга систем-структур тилшуносликнинг асосчиси сифатида танилган Фердинанд де Соссюр ҳам бу грамматикага юксак баҳо беради.

Шу грамматиканинг яратилиши билан тилни илмий ўрганиш бошланди. Унда биринчи марта лингвистик тадқиқот предмети чегаралаб берилди.

«Пор-Рояль грамматикаси» муаллифлари тафаккур универсаллигига эътибор берган ҳолда, тафаккурнинг моддийлаштирувчиси бўлган тилда ҳам универсал жиҳатлар мавжудлигини таъкидладилар. Уларнинг фикрича, инсон онгига таъсир этувчи ҳар қандай тадқиқот объектининг рационал

томонларини топиш асосида умумий грамматикани яратиш мумкин. Бу билан бир неча тилларни бир вақтда осон ўрганишнинг асосий тамойилларини белгилашга ҳаракат қилдилар.

«Пор-Рояль грамматикаси»да муаллифлар барча тилларнинг тузилиши ҳақида фикр юритишни мақсад қилсалар ҳам, амалда фақат юнон, лотин, қадимги яхудий, замонавий тиллардан – француз, итальян, испан; қисман инглиз ва немис тилларини текшириш объекти сифатида олдилар. Булар орасида кўпроқ француз тилига эътибор қаратилди. Шуларнинг ўзиёқ турли тиллар тузилишидаги умумий, рационал томонларни белгилаш мақсадини амалга оширишга кифоя қилади, деб ўйладилар.

Универсал грамматика умумлашмаларга кўпроқ эътиборни қаратди. Уларнинг таъкидлашларича, универсализм – умумлашмаларсиз, абстракциясиз бўлиши мумкин эмас. Шунинг учун ҳам «Пор-Рояль» муаллифлари конкрет товуш билан товуш типи, товуш моделини фарқлайдилар. Товуш типи ёки модели учун «харф» атамасини қўллайдилар ва уни график белги ифодаловчи «графема» атамасига қарама-қарши қўядилар.

Арно ва Лондслорлар тилнинг товуш томони, моддий плани билан маъно томонини фарқлайдилар. Улар мантиқий қонунлар асосида барча тиллар учун умумий жиҳатларни белгилаш билан бирга, ҳар қайси тилнинг ўзига хос хусусиятларини ҳам аниқлашга ҳаракат қилдилар.

Уларнинг таъкидлашларича, мантиқ қонунлари инсоният учун бир хил. Демак, барча тиллар учун грамматик тузилишнинг бир хил фундаментал (ички) қонидаси мавжуд. Шунинг учун у ёки бу тилда айна бир хил қонидалар учрашадан ҳайрон бўлмаслик керак. Бу ҳар қайси тилнинг ўзига хос (ташқи) хусусиятларини рад ҳам этмайди. Шунга мувофиқ, универсал грамматика замирида дунёдаги барча тиллар универсаллиги, улар ҳеч қандай шубҳа уйғотмайдиган умумий мантиқий схемаларга мос келувчи универсал тил схемаларининг турлича ташқи кўринишлари экани ҳақидаги бош тезис ётади.

«Пор-Рояль грамматикаси» муаллифлари тилни шаклий мантиққа қиёсан ўрганиш йўлидан борар эканлар, бу мантиқнинг асосий вазифаси объектив олам ҳақида чин билимга эга бўлмоқ учун амал қилиниши шарт бўлган қонун ва тамойилларни белгилашдан иборат эканини таъкидлайдилар. Шундай экан, илмий грамматиканинг асосий вазифаси ҳам дунёдаги барча тиллар ёки ҳар қандай алоҳида олинган тилни ўрганиш жараёнида чин билимга эга бўлишни таъминлайдиган қонун ва тамойилларни аниқлашдан иборат бўлиши керак.

Уларнинг кўрсатишича, инсон ўз онгидаги барча таассуротларни ифодалаш учун белгига эҳтиёж сезади. Ана шундай белги вазифасини сўз бажаради. Сўзлар маълум синфларга бўлинади. «Пор-Рояль грамматикаси» муаллифлари сўзларни синфларга бўлишда тафаккур шакллари муносабат тамойилига асосланадилар. Бир гуруҳ сўзлар фикр предметини, бошқалари эса фикр усули, қандай юз бериш тарзини билдиради. Биринчи гуруҳдаги сўзларга субстантивлар, артиклар, олмошлар, сифатдош, кўмакчи ва

равишлар киритилади. Иккинчи гуруҳдаги сўзларга эса феъллар, боғловчилар ва ундовлар мансублиги таъкидланади.

Рационал грамматика муаллифлари сўз моҳиятини ҳам мантиқ асосида белгилайдилар. Уларнинг изоҳлашларича, сўз аниқ ва бўлақларга бўлинувчи товушлар бўлиб, улардан инсон ўз фикрларини ифодалаш учун белгилар ҳосил қилади.

«Пор-Рояль грамматикаси»да тафаккур бирликлари бўлинишининг маълум бир тилда ёки турли тилларда учрайдиган хилма-хил йўллари таҳлил этилади.

Тафаккур бирликларини нутқий бирликларга кодлаштириш ҳар бир тилнинг ўзига хос хусусияти бўлиб, шу тилнинг материали, тузилиш хусусияти билан боғлиқдир.

Ҳар бир тил нутқда фикрий бўлинишнинг муайян моделларига эга. Демак, турли тиллар фикрий бўлинишнинг нутқдаги турли моделларига эга бўлади. Ана шундай хилма-хил тиллар моделларини қиёсий ўрганиш назарий жиҳатдан бу моделларнинг универсал номенклатурасини аниқлашга имкон беради.

Уларнинг кўрсатишларича, тил ички ва ташқи аспектга эга. Бу икки жиҳат ҳар қандай гапда ёрқин намоён бўлади. Шунинг учун ҳам гап икки жиҳатдан изоҳланиши мумкин: а) ички томондан ва б) ташқи томондан.

Гапнинг ички тавсифи маънони қандай моддийлаштириш томонини ўз ичига олса, ташқи тавсифи маънонинг моддий томони қандай шакллангани, яъни маъно гапни ташкил этган элементларга қандай бўлинганини қамраб олади. Бошқача айтганда, ташқи тавсиф гапнинг лексик-семантик, синтактик ва фонетик талқинини ўз ичига олади. Биринчи тузилишни ички тузилиш, иккинчи тузилишни эса ташқи тузилиш деб юритилади. Шундай қилиб, улар гапнинг ички ва ташқи тузилишига эга бўлиши ҳақидаги ғояни систем-структур тилшунослик пайдо бўлишидан анча олдин кўтариб чиқдилар.

Арно ва Ландслорларнинг таъкидлашларича, ички структура мавҳумлик белгисига эга. У лисоний фаолиятда конкрет жумлалар ҳосил қилишнинг асоси, бошланғич нуқтаси саналади. Ички тузилиш билан ташқи тузилиш бир-бирига мос келиши шарт эмас. Муайян ички тузилиш турли тиллардагина эмас, хатто бир тилнинг ўзида ҳам турли ташқи тузилишларига эга бўлиши мумкин. Кўринадики, бир қанча тиллар ички тузилиш бўйича бир-бирига мос келади. Демак, универсал грамматиканинг асосий тадқиқот объекти тилнинг ички тузилиши бўлиши керак.

Ички тузилиш билан ташқи тузилиш ўртасидаги муносабат трансформация қоидаларига асосланиши кўрсатилади. Бунда муайян ички тузилиш бир қанча ташқи тузилишларга трансформация қилинади. Натижада мавҳум моделлар конкрет жумлалар орқали юзага чиқади.

«Пор-Рояль грамматикаси»да олға сурилган ички ва ташқи структуралар ўртасидаги юқоридаги каби муносабат кейинчалик Америка тилшунослари томонидан ривожлантирилди ва трансформацион лингвистиканинг вужудга келишига замин яратди.

ОВРУПОДА УМУМИЙ ВА ҚИЁСИЙ ТИЛШУНОСЛИКНИНГ МАЙДОНГА КЕЛИШИ

Қиёсий-тарихий тилшунослик Оврупода XIX асрда пайдо бўлган ва ривожланган, деган қараш мавжуд бўлса-да, аслида у XI асрдаёқ Шарқда, хусусан, туркшуносликда шаклланиб улгурган эди. Махмуд Кошғарийнинг “Девони луғатут турк” асари бу йўналишнинг ёрқин намунаси ҳисобланади. (Бу ҳақда шу китобнинг “Ўзбек тилшунослиги тарихи” номли иккинчи қисмида батафсил маълумот берилади).

Қиёсий-тарихий тилшуносликнинг ўзига хос хусусияти шундаки, қариндош деб ҳисобланган тилларнинг фонетик, лексик, грамматик бирликлари бир-бирига қиёсланади ва қиёсланаётган бирликларнинг қариндош тиллар учун асос бўлган деб ҳисобланган бобо тил давридаги ҳолатини тиклашга ҳаракат қилинади. Демак, тилга тарихий ёндашув илмий тадқиқотнинг бош тамойили ҳисобланади. Қиёслаш тил тарихини тадқиқ этиш мақсадида тилнинг барча сатҳларини қамраб олган ҳолда систематик равишда олиб борилди. Тилларни бундай қиёсий-тарихий ўрганиш бўйича кўплаб материалларнинг йиғилиши умумий тилшуносликнинг келиб чиқишига ҳам шароит туғдирди. Қиёсий тарихий методнинг яратилиши натижасида тилшунослик фалсафа, тарих ва адабиёт бағридаги йўналишдан мустақил фан сифатида ажралиб чиқди ва тилнинг обектив тарихий тараққиёт қонунларини тўплаган бой материаллар асосида тушунтириб беришга қодир бўлган фанга айланди. Унинг олдидаги муҳим муаммолардан бири тиллар қариндошлигини тил фактлари асосида тушунтириб бериш бўлиб қолди.

Асосан ҳинд-оврупо тилларини қиёсий-тарихий ўрганиш тарихини айрим тилшунослар тўрт асосий даврга бўлишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайдилар:

1. Қиёсий-тарихий тилшунослик юзага келган даврдан бошлаб ёш грамматикачилар қарашлари шакллангунга қадар (XIX асрнинг биринчи чораги – 1870 й);

2. Ёш грамматикачилар қарашларининг ҳукмронлик даври (1870 – XIX асрнинг 90-й);

3. Ёш грамматикачилардан Ф.де Соссюрнинг “Умумий лингвистика курси” дунёга келгунча ва хетт ёдгорликлари ўқилгунча бўлган давр. (XIX аср охири, XX асрнинг биринчи чораги).

Қиёсий-тарихий тилшуносликни бундай даврлаштириш анчагина шартли ва у турли баҳс-мунозараларга сабаб бўлиши мумкин. Лекин бу бўлиниш тилшунослик тарихидаги умумназарий фикрлар тадрижга асосланади. Қиёсий-тарихий тилшуносликнинг Оврупода шаклланиши немис олимлари Ф.Бопп, Якоб Гримм ва Дания олими Расмус Раск номлари билан узвий боғлиқдир.

Ҳинд-оврупо тиллари асосидаги қиёсий-тарихий тилшуносликнинг яратувчиларидан бири Франс Бопп (1791-1867) ҳисобланади. У 1816 йилда 25 ёшида “Санскрит тилида юнон, лотин, форс ва герман тилларига қиёсан тусланиш системаси” номли китобини Франкфурт на-Майне шаҳрида нашр қилди. Бу билан у илмий тилшуносликка асос солди. Ф.Бопп мазкур асарида тилнинг грамматик қурилишининг бир томонини – феъллардаги флексия ҳодисасини қиёс объекти қилиб олди. Юқорида санаб ўтилган тиллардаги феъл флексиясини қиёслаш орқали бу тилларнинг бир-бирига қариндош эканлигини ишончли далиллар билан исботлади.

Бунинг сабаби шундаки, қиёсий-тарихий тилшуносликнинг бош вазифаси тиллар қариндошлигини белгилашдир. Қандай тиллар қариндош саналанади, деган саволга А.Мейе қадимда бир умумий тилдан эволюция натижасида ажралиб, турли тилларнинг майдонга келиши тиллардаги қариндошлик саналади, деб жавоб берди.

Шунинг учун 1816 йилни қиёсий тарихий тилшуносликнинг туғилган даври, деб ҳисоблаш мумкин. Ф.Боппга қадар ҳам ҳинд-оврупо тиллари (бу термин ҳам Ф.Бопп томонидан амалиётга киритилган) бир аجدод тилдан келиб чиққан қариндош тиллар эканлиги Джонс ва Ф.Шлегель томонидан баён қилинган юқорида айтиб ўтилганди. Лекин Ф.Боппнинг фан олдидаги хизмати шундаки, у тиллар қариндошлигининг умумий назариясини яратишга муваффақ бўлди. Қариндош тилларнинг феъл шакллари қиёслаш ва улар ўртасидаги мувофиқликни кўрсатиш орқали Ф.Бопп ҳинд-оврупо тилларида айрим ўхшаш ҳодисалар эмас, балки бутун грамматик системанинг умумийлиги мавжуд, деган хулосага келади. Уларни солиштириш натижасида қадимги грамматик шаклни тиклаш, бир тилга хос ҳодисани иккинчи тил факти орқали тушунтиришни мақсад қилиб олади. Бу қиёсий-тарихий методни яратиш учун белгиловчи ва янги усул эди.

Б.Бопп ўзининг тадқиқоти билан тилнинг ибтидоий ҳолатини тиклашга ҳаракат қилган эди. Аммо айна ҳаракат Ф.Бопп назариясининг энг ожиз томонларида бири саналади. У ҳинд тилшунослари ғояларига қўшилган ҳолда энг қадимги сўзлар бир бўғинли ўзаклардан ташкил топганини, бу ўзаклардан бири феъл, бошқалари олмош бўлганини, бошқа сўзлар мана шу икки тилдаги ўзакдан келиб чиққанини баён қилади.

Хусусан, феъллар ва отлар биринчи ўзакдан, олмош ва юкламалар иккинчи типдаги ўзакдан келиб чиққанини таъкидлайди. Унинг фикрича, келишик ва феълнинг шахс қўшимчалари ҳам дастлаб олмош ўзаклар бўлган. Вақтлар ўтиши билан улар мустақил от ва феъл ўзакларига қўшилиб кетган. Агглютинация рўй берган. Антуан Мейе таъкидича, худди Х.Колумб Ҳиндистонни кашф қилишга ҳаракат қилиб Американи топганидек, Ф.Бопп ҳинд-оврупо бобо тилини излаб, қиёсий-тарихий тилшуносликни кашф этди.

В.фон Гумбольдт тавсияси билан 1821 йил Берлин университетиде профессор лавозимида иш бошлаган Ф.Бопп ўз тадқиқотини систематик равишда олиб борди. Тадқиқотларнинг илк натижасини 1824 йилдан 1833 йилга қадар Берлин академиясида “Санскрит ва қариндош тилларнинг қиёсий

таҳлили” мавзусидаги маърузасида баён қилди. Бу даврда литва грамматикасининг эълон қилиниши, славян филологиясининг ривожланиши унга болтиқ-славян тилларини санскрит, юнон, лотин ва герман тилларига қиёслаш имкониятини яратди. Авесто тили ёдгорликларининг ўқиши Ф.Боппга янги материаллар берди. 1883 йилда санскрит, зенд (авесто тили) ва немис тиллари қиёсий грамматикасининг I қисми нашр қилинади. Бу асар 1949 йилда тўлиқ яқунланади.

Ф. Бопп ҳинд-оврупо тилларига шу даражада берилиб кетадики, ҳатто уларга қариндош бўлмаган индонез ва кавказ тилларини ҳам мазкур оилага қўшишга ҳаракат қилади. У қиёсий-тарихий грамматикани яратишда асосан морфологик сатҳга – сўз ўзгартиришларига асосланади. Фонетик эволюция ва унинг қонуниятлари, синтаксис масалалари Ф.Бопп назаридан четда қолди.

Бопп билан бир вақтда, лекин мустақил равишда Дания олими Расмус Раск (1787 – 1838) ҳам герман тилининг юнон, лотин ва болтиқ-славян тиллари билан ўхшашлигини аниқлади ва ўзининг бу назариясини “Қадимги шимол тиллари ҳақидаги изланишлар” (“Undersögelse ot det gamle nordiske”) асарида баён қилади. Бу асар 1814 йилда ёзиб тугатилган бўлса ҳам, фақат 1918 йилда Копенгагенда нашр этилди. Мазкур асарнинг иккинчи бўлими немис тилига “Асосий Оврупо тилларининг қиёсий жадваллари” (“Vergleichungstafeln der enropaishen Stammsprachen”) номи билан таржима қилиниб, 1822 йилда нашр қилинди.

Р.Раск герман тилининг юнон, лотин ва балто-славян билан ўхшашлигини кашф этди ва шу кунга қадар ўз қимматини йўқотмаган бир қатор янги фикрларни ўртага ташлади. У тиллар қариндошлигини белгилашда грамматик шакл ўхшашлиги ва уларнинг тарихий тараққиётига суяниш энг ишончли восита эканини баён қилади. Унинг фикрича, **лексик мослик олий даражада ишончсиздир**. Чунки лексик қатлам тилнинг энг ўзгарувчан қисми саналади.

Р.Раск мантиқ асосида яратилган грамматикага ашаддий қарши чиқди ва ўзининг 1811 йилда нашр этган “Исланд тили бўйича қўлланма” асаридаёқ “грамматика сўзнинг қандай ясалиши кераклигини олдиндан белгиламаслиги, аксинча, сўзнинг қандай ясалиши ва ўзгаришини тавсифлаши лозимлиги”ни айтди.

Р.Раск скандинавия тилларини бошқа герман тиллари билан қиёслар экан, Ф.Боппга ўхшаб уларнинг боботил давридаги грамматик шаклларини тиклашга ҳаракат қилмайди. У ўз изланишларини исланд тилини тадқиқ қилишдан бошлаб, уни дастлаб ўзига яқин бўлган “атлантика” гуруҳига мансуб грендланд, кельт, баск, фин тиллари билан қиёслади ва уларнинг бир-бирига қариндошлигини рад қилади. Кейин исланд тили яқин қариндош норвег, швед, дат тиллари, охирида эса уларнинг бари герман тиллари гуруҳи билан қиёсланади.

Юқоридаги қиёслаш натижасида Р.Раск скандинавия ва герман тиллари славян ҳамда болтиқ тиллари гуруҳи билан бир умумий “қадимги фракий

тили”дан тарқалганлиги ва улар бир тилнинг турли тармоқлари экани ҳақидаги хулосага келади. “Фракий” атамаси остида Р.Раск юнон ва латин тилларини тушунади ҳамда уни ҳинд-европо тилларининг ибтидоий манбаси деб билади.

Қиёсий-тарихий тилшуносликнинг шаклланишида яна бир немис олими Якоб Гримм (1785-1863) нинг ҳам хизмати каттадир. У қиёсий-тарихий метод асосида битта тил оиласи – герман тилларини тадқиқ этди. Унинг тўрт томлик “Немис тили грамматикаси” (“Deutsche Grammatik”) асари тилшунослик тарихида катта воқеа бўлди. Асарнинг биринчи томи 1819, иккинчи томи 1822 йилда, барча томлари эса 1837 йилда тўлиқ нашрдан чиқди. 1848 йилда “Немис тили тарихи” асари дунёга келди. Шунингдек, “Немис луғати” асарини ёзиб, унда Лютердан тортиб Гётегача бўлган даврдаги тўлиқ немис тили сўзларини қамраб олишга ҳаракат қилди. 1854 йилда бу асарнинг биринчи жилди эълон қилинди, иккинчи жилди эса юз йилдан сўнг – 1960 йилда нашр юзини кўрди.

Якоб Гримм “Немис тили грамматикаси”нинг I жилдида немис тили диалектлари ҳақида батафсил маълумот беради. Бу диалектларнинг бири-бирига ўхшаш ва ўзига хос жиҳатлари тарихий манбалар асосида шу қадар изчил ҳамда асосли баён қилинадик, бундан кейинги немис диалектологияси бўйича олиб бориладиган тадқиқотлар учун намуна бўлиб хизмат қилади.

Қиёсий-тарихий методнинг тиллар қариндошлигини асословчи тамойиллари сифатида Раск, Гриммларнинг “Фонетик силжиш” ёки “Доимий фонетик мослик” қонуни деб юритилувчи ҳодиса, грамматик мослик ва Ф.Боппнинг агглютинация назарияси эътироф этилади. Тиллар қариндошлигини асословчи тамойиллардан бири Р.Раск томонидан киритилган *доимий фонетик мослик* тушунчасидир. У “Қадимги шимол ёки исланд тилининг келиб чиқиши юзасидан тадқиқот” номли асарида биринчи марта герман тилларида бир қатор ундошларнинг мослиги қонуниятига эътибор қаратди. Р.Раск 1818 йилда ҳинд-европо тилларидаги портловчи ундошлар герман ва бошқа тилларда сирғалувчига айлангани, бу “ундошларнинг силжиши” қонуни эканини баён қилади. Масалан, герман тилларидаги *f* – юнон тилида *p*. 1822 йилда эса Я.Гримм томонидан “Немис грамматикаси” биринчи жилдининг иккинчи нашрида герман тилларида юқоридаги *p-f* мувофиқлигига ўхшаш фонетик қонуният мисоллар асосида изчиллик билан баён қилинади. Шунинг учун ҳам ундошлар силжиши ҳақида юқоридаги қонун биргина Раск ёки Гримм номи билан эмас, балки ҳар иккисининг номи билан юритилиши адолатли экани кўпчилик томонидан эътироф этилади.

Шундай қилиб, қиёсий-тарихий тилшуносликнинг илк даври Ф.Бопп, Р.Раск ва Я.Гримм номлари билан узвий боғлиқдир. *Фонетик қонуниятлар* (фонетик силжишлар), *грамматик шакллар мослиги* ва *агглютинация* қиёсий-тарихий тилшуносликнинг тиллар қариндошлигини белгилашдаги асосий тамойиллари саналади.

Вильгельм фон Гумбольдтнинг лингвистик қарашлари Ҳаёти ва ижоди

В.Гумбольдт XVIII аср охири ва XIX асрнинг ўрталаригача ўз тадқиқотлари билан жаҳон тилшунослиги тарихида жуда катта из қолдирди ва умумий ҳамда назарий тилшуносликнинг шаклланишига асос солди. Шунингдек, тил фалсафасининг алоҳида йўналиш сифатида шаклланиши ҳам унинг номи билан боғлиқдир.

Филология билимининг шаклланишига буюк немис адиблари Ҳ.Ҳейне ва Ф.Шиллерларнинг таъсири катта бўлди. Геттинген университетида ўқиётган пайтда Ҳ.Ҳейнедан филология масалалари, хусусан адабиёт тарихи бўйича маърузалар тинглади. Шунингдек, Геттинген шаҳрида улуғ немис шоири Ф.Шиллер билан танишди ва унинг эстетикага доир асарлари В.Гумбольдтнинг эстетик қарашлари шаклланишига таъсир қилди.

1801 – 1819 йилларда давлат арбоби сифатида турли раҳбарлик лавозимларида фаолият кўрсатди. 1819 йилда давлат ишларидан бўшагач, бутун борлиғи билан илмий тадқиқот ишлари олиб боришга шўнғиди.

Гумбольдтнинг лингвистик қизиқиш доираси ғоят кенг бўлиб, фақат Оврупо тиллари билангина чекланиб қолмасдан, баск, санскрит, хитой, малай, полинезия, Америка индуслари тилларини ҳам тадқиқот объектига айлантди. Америка индуслари тили бўйича асарлар ёзишда акаси А.Гумбольдт берган материаллар кўл келди. Лингвистик умумлашмалар қилишда ҳинд-оврупо тилларидан ташқари, қадимги яхудий, япон ва бошқа тиллар материалларидан ҳам кенг фойдаланди. Унинг илмий фаолияти 1820 йилда Берлин академиясида “Тилларни уларнинг турли тараққиёт босқичига қараб қиёсий ўрганиш” мавзусидаги илмий маърузасидан бошланди. Бу маърузасида В.Гумбольдт ўзининг тилшунослик соҳасида олиб борадиган тадқиқотлари дастурини баён қилди, тилшунослик фанининг мазмуни ва чегарасини белгилаб берди. Умрининг охирида яқунлаган ва ўлимидан сўнг акаси А.Гумбольдт томонидан 1836 – 1840 йилларда нашр қилинган уч жилдлик “Ява оролидаги кави тили ҳақида” асари В.Гумбольдт илмий меъросининг гултожи саналади. Айниқса, бу асарнинг кириш қисми сифатида берилган “Тилларнинг структур фарқланиши ва унинг кишиларнинг рухий оламига таъсири” мақоласи лингвистик таълимот тарихида катта аҳамиятга эга бўлди.

В.Гумбольдт лингвистик қарашларининг фалсафий асослари

В.Гумбольдт лингвистик системасининг фалсафий асосини классик немис фалсафаси, хусусан, И.Кант ва Г.Гегелларнинг қарашлари ташкил қилади. Шунинг учун, аввало, И.Кант ва Г.Гегел фалсафасининг асосий жиҳатларига тўхталиб ўтишга тўғри келади.

И.Кантнинг фалсафий қарашлари “Соф ақл танқиди”, “Амалий ақл танқиди” ҳамда “Ҳукм қобилияти танқиди” асарларида баён қилинган. Кант фалсафасининг асосий нуқталари қуйидагилардан иборат:

1) борлиқнинг объективлигини, унинг инсон онгига боғлиқ эмаслигини эътироф этади. Кантнинг фикрига кўра, инсон онгига боғлиқ бўлмаган нарсалар олами мавжуд. Бундай нарсалар оламини “наrsa ўзида” деб номлайди. Билиш жараёни “наrsa ўзида”нинг инсон сезги аъзоларига таъсир этиб, сезги ҳосил қилишидан бошланади. Бундан кўринадики, Кант моддий оламдаги нарсаларнинг бирламчи эканлигини эътироф этади. Лекин у билиш шакллари ва чегараларини тадқиқ қилишга ўтар экан, “наrsa ўзида”ни билиб бўлмаслигини таъкидлайди.

Кантнинг бу фалсафий қараши Гумбольдт лингвистик концепциясининг шаклланишига асос бўлди. Шунинг учун ҳам у муайян лингвистик ҳодисаларни билиб бўлмаслик ҳақида такрор-такрор гапиради. Хусусан, тил шакли ҳақида фикр юритар экан, уларнинг барчасини яхлит ҳолда билиш имконияти йўқлигини айтади. Шунингдек, тил билан “халқ руҳи”нинг ўзаро узвий боғлиқлиги, ҳатто уларнинг тенглигини таъкидлаш билан бирга: “Бу боғлиқлик “биз учун сирлигича қолади”, уни тушунтириб бўлмайди”, – дейди.

2) фалсафий таълимотнинг ривожда Кантнинг соф ақл зиддиятлари (антиномиялари) тўғрисидаги таълимоти жуда катта роль ўйнади.

Кантнинг фикрича, олам бир бутун сифатида қандай табиатга эга, деган саволга зиддиятли жавоб беришга тўғри келади. Хусусан, олам замонда бошланиш вақтига, маконда чегарага эга эмас, деб ҳам, айти пайтда, олам замоннинг муайян momentiда дунёга келган ва у маконда чегараланган, деб ҳам жавоб бериш мумкин. Бу зиддиятнинг онгда келиб чиқиши муқаррар. Демак, онг ўз табиатига кўра зиддиятли.

Диалектик зиддиятларнинг зарурлиги ҳақидаги Кантнинг бу хулосаси диалектик фалсафанинг шаклланишида катта аҳамиятга эга бўлди.

Кантнинг соф ақл зиддиятлари ҳақидаги таълимоти В.Гумбольдтга жуда катта таъсир этди ва бу таълимотни тилшуносликка олиб кирди. Тилнинг зиддиятли табиатга эга эканлигини таъкидлаган ҳолда, ана шу зиддиятларни очиб беришга ҳаракат қилди. Тилдаги зиддиятларни *антиномиялар* номи билан атади ва ўнга яқин антиномияларни яратди.

3) Кант тилшунослик масалалари билан махсус шуғулланмаган бўлса ҳам, лекин “Антропология прагматик нуқтаи назаридан” асарида коммуникация жараёнида коммуникантлар ўртасидаги ахборот узатиш ва қабул қилишнинг зиддиятли характерга эга бўлишини таъкидлайди. Унинг фикрича, кимки ҳам гапириш, ҳам эшитиш имкониятига эга бўлса, ҳар доим ўзини ҳам, бошқани ҳам тўғри тушунавермайди. Шунинг учун ҳам бир тилда гаплашувчи кишилар тушунча нуқтаи назаридан бир-биридан жуда узокдирлар” деган хулосага келади.

Кантнинг бу фалсафий хулосасига таянган В.Гумбольдт сўзлашувчилар ўртасидаги тушуниш ва тушунмаслик антиномияси тўғрисидаги ғояни олға сурди.

Юқорида таъкидланганидек, В.Гумбольдт лингвистик таълимотининг шаклланишига Г.Гегель фалсафаси ҳам асос бўлиб хизмат қилди. Айниқса унинг “абсалют ғоя” ҳақидаги таълимоти В.Гумбольдтга жуда катта таъсир этди ва унинг бутун лингвистик концепцияси фалсафий негизини ташкил этди. Г.Гегель “Рух феноменологияси” асарида оламнинг субстанционал асосини ташкил этган ибтидоий айнанлик борлиқ ва тафаккур ўртасидаги айнанлик бўлганлигини баён қилади. Унинг фикрича, тафаккур фақат инсоннинг субъектив фаолиятигина эмас, балки объектив моҳият, барча мавжудотларнинг манбаи ҳамдир. Тафаккур ўзининг борлигини модда, табиат сифатида бегоналаштиради. Объектив мавжуд бўлган тафаккурнинг бегоналаштирилиши абсолют рух ҳисобланади. Абсолют ғоя ривожланишининг олий даражаси “абсолют рух” – инсоният тарихи саналади.

Гегелнинг инсондан ташқарида яшовчи афсонавий абсолют ғоя концепциясини В.Гумбольдт лингвистикага олиб ўтди. У тилнинг халқ руҳи билан боғлиқлиги, халқнинг руҳи эканлигини такрор-такрор таъкидлайди. Унинг фикрича, тил ва руҳий кучлар алоҳида-алоҳида бир-биридан ажралган ҳолда вазифа бажармайди, балки ақлнинг бўлинмас фаолиятини ташкил этади. Шунингдек, Гегель тарихий жараённинг диалектик характерини тадқиқ қилиш чоғида тил материалларига алоҳида аҳамият беради. Гегел тилга назарий ақл маҳсули, унинг ташқи ифодачиси сифатида қарайди. Тил тараққиётининг икки босқичини кўрсатган ҳолда, жамият ва тил тараққиёти ўртасида диалектик зиддият мавжудлигини баён этади. Унинг фикрича, халқларнинг унчалик ривожланмаган ҳолатидаги тиллари юқори ривожланиш даражасига кўтарилган эди. Жамият юқори маданиятга эришган сари, унинг тили қашшоқроқ, қисмларга ажралиш имконияти пастроқ бўлиб боради. Тил тараққиётининг бундай икки даври ҳақидаги Гегель концепцияси В.Гумбольдтнинг лингвистик қарашларига таъсир этди. Тилларнинг морфологик таснифида бу ғоя яққол намоён бўлди.

В.Гумбольдтнинг лингвистик антиномиялари

Унинг фикрича, тил бир бутун ҳолда ўзаро зидланувчи birlikлар муносабатидан ташкил топади. Бу зиддият тилнинг диалектик моҳиятини белгилайди.

Тил ва тафаккур антиномияси

Тилсиз тафаккурнинг бўлиши мумкин эмас. Тил, ўз навбатида, тафаккурни тақозо этади. Ҳар иккиси бир-бирининг тараққиёти учун хизмат қилади. Инсон фаолиятида тил ва тафаккур бир-биридан ажралган ҳолда

яшамайди. Бу эса уларнинг ажралмас бир бутунлиги ва ички зиддиятини, катта бутунликнинг зиддиятли икки томонини кўрсатади.

*Тилнинг фаолият ва олдинги авлод фаолиятининг маҳсули экани
антиномияси*

Гумбольдт тилнинг яшаш шакли узлуксиз ҳаракат эканини таъкидлайди. У тилни ўлик маҳсулот эмас, балки яратувчи жараён, доимий фаолият деб ҳисоблайди. Тилнинг ана шу хусусиятини эътиборга олган ҳолда, яна бир антиномияни олға суради. Унда тил фаолият бўлиш билан бирга, айти пайтда маҳсулот эканлиги, фаолият ва унинг маҳсули ўртасидаги зиддият экани эътироф этилади. Бошқача қилиб айтганда, бир томондан, индивид нутқ моментида яратилган нарса, яъни нутқ жараёнида яратилаётган маҳсулот саналади. Иккинчи томондан, тил бу олдинги авлод фаолияти натижаси, жамиятнинг маҳсули ва меросидир. Тил моҳиятан барқарор, доимий, шу билан бирга муайян бир даврда ўткинчидир.

Тил ва нутқ антиномияси

В.Гумбольдтнинг тилшунослик олдидаги катта хизмати тил ва нутқни фарқлаш зарурлиги ҳақидаги ғояни олға ташлаганлиги ҳамда тилшунослик тарихида илк бор бундай фарқланишнинг тадқиқот объекти сифатида берганлигидадир. Кўриниб турибдики, тил – нутқ антиномияси тилнинг фаолияти маҳсули антиномияси билан узвий алоқадордир.

Нутқ ва тушуниш антиномияси

В.Гумбольдт фикрига кўра, нутқ ва тушуниш бу тил фаолиятининг турли шакллари, нутқий қобилятнинг икки томони саналади. Сўз фақат индивид нутқидагина аниқ маъносига эга бўлади. Жонли нутқда ҳеч ким бир сўзни аниқ бир маънода тушунмайди. Шунинг учун ҳам сўзлашувчилар ўртасида бир-бирини қисман тушуниш мавжуд бўлади. Шундай бўлишига қарамасдан ана шу нутқ ёрдамида сўз ва маъно оттенкаларини аниқлаштириш орқали ўзаро тушуниш амалий фаолиятини таъминлаш етарли бўлган ҳолатга эришади.

Тилда объективлик ва субъективлик антиномияси

В.Гумбольдт тилнинг объектив бўлиш билан бирга, айти пайтда субъектив ҳам эканлигини таъкидлайди. Унинг фикрича, тил – мустақил мавжудот. Шу билан бирга у ҳақиқий ҳаётини кишиларнинг мулоқот жараёнида топади. Шундай бўлишга қарамай, унинг мавжудлиги алоҳида индивидга боғлиқ эмас. Тил индивид учун, бир вақтнинг ўзида ҳам ўзиники, ҳам бегона; ҳам индивидга боғлиқ, ҳам боғлиқ эмасдир. Бир томондан,

индивид тилни олдинги авлоддан тайёр ҳолда қабул қилади, иккинчи томондан, нутқ жараёнида уни қайта яратади. Индивид нутқида ҳар доим тил шакли танланади.

Тилда ижтимоийлик ва индивидуаллик антиномияси

В.Гумбольдт фикрича, тил қанчалик мустақил бўлса, шунчалик индивидга боғлиқ бўлади. Тил халқнинг ижод маҳсули саналади. Шунинг учун ҳам тил алоҳида шахслар нутқида воқеланади. Бу эса тилда ижтимоийлик ва индивидуаллик антиномиясининг амал қилишини кўрсатади.

Тилда зарурийлик ва эркинлик антиномияси

Тил анъанавийлик хусусиятига эга. У авлоддан авлодга берилади. В.Гумбольдт тил ва тил эгалари, яъни жамият ўртасидаги муносабатни ёритишга ҳаракат қилар экан, бу антиномияни кашф этади. Унинг фикрича, тилда сўз ва қоидалар заҳираси тўпланиб, унга асрлар давомида амалда бўлган мустақил куч беради. Айни пайтда ҳар бир шахс ва авлод узлуксиз индивидуалдир. Ижтимоий тилдан фойдаланиш жараёнида шахс тилга таъсир қилади ва унга янги элементлар олиб киради. Ана шу жараён тилда зарурийлик ва эркинлик антиномиясининг воқеланишини намоён қилади.

Белгининг эркинлиги ва тил элементларининг мотивлангани антиномияси

В.Гумбольдт сўз алоҳида тушунчанинг белгиси бўлиб товуш қобиғига эга эканини эътироф этади. Товуш ва тушунча табиатан фарқли: товуш инсонга нарсанинг вакили бўлиб хизмат қилса, тушунча эса инсоннинг предмет ҳақидаги тасаввури саналади. Унинг фикрича, тушунча ва товуш ифодаси ўртасидаги каби яқин муносабат йўқ. Сўз сезги аъзоларимизга таъсир қилувчи нарсанинг эквиваленти эмас. Бу эса сўзнинг эркинлик белгисини таъминлайди. Шу билан бирга тил элементи мотивланиш хусусиятига ҳам эгадир. Тил элементлари муайян системага бўйсунди, тилнинг маълум ички қонуниятларига, унинг бутун структурасига мослашади. Бу эса тилда белгининг эркинлиги ва тил элементининг мотивланганлик антиномиясининг мавжудлигидан далолат беради.

Тилда умумийлик ва алоҳидалик антиномияси

В.Гумбольдт тилнинг шахс устидан ҳукмронлиги ҳақида фикр юритар экан, тил бир вақтнинг ўзида алоҳида шахсга ҳамда бутун бир жамиятга мансублигини таъкидлайди. Бу антиномияга Гумбольдтнинг бошқа бир ғояси ҳам узвий боғлиқдир. Яъни тил ўзининг ҳақиқий ҳаётини кишиларнинг

лисоний фаолиятида топади. Айни пайтда тил моҳиятан алоҳида шахсларга боғлиқ эмас. В.Гумбольдт ҳар қандай тил ўзининг бор имкониятини жонли нутқда намоён қилишини такрор ва такрор баён қилади. Шунинг учун ҳам у жонли нутқни ўрганиш зарурлигига эътибор қаратади.

В.Гумбольдт лингвистик концепциясининг асосий жиҳатлари

В. Гумбольдт, энг аввало, Кант, Гегель ғояларини чуқур ўзлаштирган ҳолда, уларни тилшуносликка татбиқ этди ва тил фалсафасига асос солди.

Иккинчидан, тилнинг моҳиятини белгилашга ҳаракат қилди. Тилшунослик пайдо бўлгандан буён унинг ўрганиш объекти бўлган тилнинг ўзи нима эканини мутахассислар турлича талқин қилиб келдилар. В.Гумбольдт ўз фалсафий дунёқарашидан келиб чиқиб тилга руҳ фаолияти сифатида баҳо беради. Унинг фикрича, тил товушни фикр ифодаловчига айлантиришга интилувчи руҳнинг узлуксиз фаолиятидир. Тилшунослик тилни руҳ фаолияти сифатида тушуниш даражасига етмагунча ҳеч қандай масалани еча олмайди. Шунинг учун ҳам В.Гумбольдт доимо “халқ руҳи” тушунчасига мурожаат қилади. “Халқ руҳи” атамаси остида халқнинг руҳий ўзига хослиги, интеллектуал кадриятлари, миллий маданият тушунчалари ўз ифодасини топади. Бошқача айтганда, халқнинг дунёқарашини белгиловчи тафаккур тарзи, фани, адабиёти ва санъати шу халқнинг руҳий дунёсини ташкил қилади ҳамда тилида акс этади.

В.Гумбольдт халқ руҳи ва тили ўртасидаги муносабат ўзаро зич боғланганлигини, уларни айро тасаввур қилиб бўлмаслигини баён қилар экан, тилни халқ руҳининг ташқи воқеланиши, халқ тили унинг руҳи, айни пайтда халқ руҳи унинг тили эканини таъкидлайди. Ана шу ғоядан келиб чиққан ҳолда тилнинг хилма-хиллиги халқ руҳининг хилма-хиллиги натижасидир, деган хулосага келади, тил руҳ қонуниятини асосида ўзгариб, ривожланиб боради, дейди.

Унинг фикрича, тил одам ва олам муносабатида халқ ҳамда уни қуршаб турган олам ўртасидаги *оралиқ оламни* ташкил қилади. Тил бу ташқи ходисалар олами билан инсоннинг ички олами ўртасидаги *оралиқ олам*дир.

Ҳар бир тил оламни тил эгаси бўлган халққа боғлиқ равишда ўзича тасвирлайди. В.Гумбольдтнинг бу ғояси кейинчалик Америка тилшунослари Сепир ва Уорфлар томонидан лингвистик нисбийлик назарияси яратилишига асос бўлди.

В.Гумбольдт тилшуносликка олиб кирган яна бир тушунча – “лисоний дунёқараш” тушунчасидир. Бу ҳам олдинги “халқ руҳи”, “оралиқ олам” тушунчаларининг мантиқий давоми саналади.

У 1801 йилдаёқ басклар ҳақидаги монографиясининг парчаларида тиллар хилма-хиллиги бир предметнинг турли товуш ифодасигина эмас, балки уни турлича идрок қилишдадир, деган ғояни олға сурган эди. Бу ғоя ўзининг тузилиши билан оврупо тилларидан тамомила фарқ қиладиган баск

тилини амалий кузатиш натижасида келиб чиққан бўлиб, у Гумбольдтнинг 1820 йил Берлин фанлар Академиясида “Тилларни турли ривожланиш даврига қўллаб қиёсий ўрганиш ҳақида” номли машҳур маърузасида назарий асосини топди. “Лисоний дунёқараш” ҳақидаги тезис шу кунгача тилшунослар ўртасида турли баҳс-мунозараларга сабаб бўлиб келаётган эса-да, у соф эмпирик нуқтаи назардан оддий бир ҳақиқатни – тилларнинг фарқланиши шунчаки товушланиш фактори билан чекланмаслигини ифода қилади.

Бу фикр кейинчалик Бодуэн де Куртене томонидан ҳам маъқулланди. У В.Гумбольдтнинг “лисоний дунёқараш” ҳақидаги фикри билан ҳеч қандай истисносиз келишиш мумкинлиги, дарҳақиқат, ҳар бир тил ўзига хос дунёқараш эканлигини ёзади.

Тилнинг халқ руҳи сифатида эътироф этилиши унинг маданият билан боғлиқ томонларини ёритишга, “тил – маданият ойнаси” деган хулосага келишга имкон берди. В.Гумбольдтнинг фикрича, тилнинг тузилиши билан интеллектуал фаолиятнинг бошқа турлари муваффақияти ўртасида узвий алоқа мавжуд. Тил ва маданият ўртасидаги бундай алоқани нафақат маданиятнинг тилга, балки тилнинг маданиятга таъсирида ҳам кўрамиз. Буни оддий сўзловчи билан сўз усталарининг тилдан фойдаланиш жараёнларини қиёслаш асосида тушунтириб беради. Унинг баён қилишича, оддий сўзловчи ўз тилининг семантик қоидасига амал қилган ҳолда, маълум даражада унинг “асири”да бўлса, бадий сўз усталари она тилининг сир-асрорлари ичига кириб, тилнинг ўзи ўзлаштирган қоидаларига кўр-кўрона эргашувчига эмас, балки тил орқали оламини ўзлаштиришдек узлуксиз жараён бўлган лисоний дунёқарашни яратиш иштирокчисига айланади. Бунда “иштирокчи” сўзини ишлатишга эҳтиёж бўлиши лозимлиги, чунки тилдаги ҳар қандай “янги” эскининг мавжудлигини тақозо қилишини, энг буюк бадий сўз ижодкори ҳам йўқ нарсадан ҳатто бир сўз ҳам ясай олмаслигини баён этади.

Нутқий жараёндаги ана шудай давомийлик ва ўзгарувчанликни кузатиш В.Гумбольдтнинг тил эргон эмас, балки энергия экани ҳақидаги хулосасини юзага келтирди.

В.Гумбольдтнинг тилшуносликка қўшган муҳим ҳиссаларидан бири тилни узлуксиз ривожланишда эканини назарий жиҳатдан асослаб бериши эди. Унинг фикрича, тилнинг яшаш шакли унинг ривожланишидир. Бундай қараш ўша даврда тилга ўлик механизм сифатида ёндашувчи метафизик қарашга қарама-қарши равишда майдонга келди ва тилнинг ички ривожланиш қонуниятини очиб беришга имконият яратди.

В.Гумбольдтнинг таъкидлашича, тилни ўлик маҳсулот эмас, балки яратувчи жараён сифатида тан олиш лозим. Тил фаолият маҳсули *эргон* (erzenges) эмас, балки *энергия* (erzengung) дир. Шунинг учун унга фақат генетик ёндашгандагина ҳақиқий талқинини топади.

Тилни фаолият сифатида тушунган В.Гумбольдт унинг фақат динамиклигини эмас, балки фаоллигини ҳам таъкидлайди. Тил фаоллиги, унинг фикрича, ижтимоий, социал ҳодиса сифатида индивидга таъсирида

намоён бўлди. Индивид тилдан ўзининг ички ва ташқи эҳтиёжларига мувофиқ қанчалик онгли фойдаланса, тил шунчалик унинг онгига таъсир қилади.

Тилнинг ижтимоийлиги ва социаллиги ҳамда индивид нутқида фаоллашиши ҳақидаги бу ғоя тилшунослик тарихида тил ва нутқни бир-биридан ажратишга замин яратади. Ҳали Ф.де Соссюрнинг асари дунё юзини кўрмасдан, В.Гумбольдт бу икки тушунчани бир-биридан фарқлади. В.Гумбольдт жонли тилларни кузатар экан, маълум этносга мансуб кишилар умумий тилда гаплашади, шу билан бирга ҳар бир шахснинг ўз тили бор, деган хулосага келади. Демак, ижтимоий моҳиятга эга бўлган, муайян бир жамиятнинг алоқа воситаси ҳисобланувчи ва ҳар бир тил эгасининг онгида имконият сифатида мавжуд бўлган тил билан бу тилнинг шу жамият аъзоларидан биттаси томонидан воқелантирилиши, бошқача айтганда, индивид нутқининг бир-бири билан узвий боғлиқлиги, айти пайтда эса, бир-биридан фарқланишига ишора қилади.

В.Гумбольдтнинг “ҳар бир шахс ўз тилига эга” деган ғояси кейинчалик ёш грамматикачиларнинг таянч нуктаси бўлиб қолди ва асосий эътиборни индивидуал нутқни ўрганишга қаратди, ижтимоий тил мавжудлигини инкор қилган ҳолда, фақат индивидуал тилни эътироф этди.

В.Гумбольдт лингвистик қарашларининг марказида **тил шакли** ва **тилнинг ички шакли** тушунчалари ётади.

Унинг фикрича, тил бир қанча элементлардан: *сўз, қоида, аналогия, истисно* ва бошқалардан ташкил топади. Ана шу қисмларни бирлаштиришга имконият берувчи асос тил шакли ҳисобланади. В.Гумбольдт тилни оламни билиш ва «халқ руҳи»ни ифодалаш воситаси сифатида эътироф этгани ҳолда, тил шаклини “руҳ фаолиятида фикр ифодалаш учун хизмат қилувчи ва барча муносабатлар мажмуаси сифатида қаралувчи талаффуз қилинган товуш” деб баҳолайди.

В.Гумбольдт фикрича, тилда шаклсиз модда (материя)нинг бўлиши мумкин эмас, тилларнинг фарқланиши шаклга асосланади. У ўзининг тил шакли ҳақидаги концепциясини тил ва тафаккур ўртасидаги муносабат асосига қуради. Бундан В.Гумбольдт тил шаклини ўрганиш ва тавсифлаш у ёки бу тилнинг фикр ифодалаш учун ўзига хос усул танлашини кўрсатиб бериши мумкин, деган хулосага келади.

В.Гумбольдт, энг аввало, тилнинг **ташқи** ва **ички** шаклларини фарқлайди. Тилнинг товуш томонини **ташқи шакл** деб ҳисоблагани ҳолда, **ички шаклни** ташқи шакл орқали ифодаланган халқнинг руҳи, маънавий олами дея тушунтиради. Ички шаклни кўпинча оддийгина қилиб **тил шакли** деб ҳам номлайди. Тиллар ташқи, яъни товуш шакли билан ўзаро фарқланади. Тафаккурни ифодаловчи восита тилнинг товуш шакли ҳисобланади.

Аён бўладики, В.Гумбольдт тилнинг ички шакли деганда товуш томони билан руҳий мазмун, “халқ руҳи”нинг муайян тил учун хос бўлган бирлаштириш усулини, тилнинг шакли деганда эса имконият тарзидаги

ижтимоий руҳий моҳиятни ҳам, унинг индивид нутқи орқали воқеланишини ҳам ўз ичига олган барча тил элементлари мажмуасини тушунади.

Шунинг учун ҳам В.Гумбольдт тилнинг ички шаклини ўрганишга алоҳида эътибор беради. Чунки у маълум халқнинг дунёқараши қандай ифодаланишини ва бир тил бошқасидан қандай фарқланишини аниқлашга қулай имконият яратади.

В.Гумбольдт фикрича, тил шаклдан бошқа нарса эмас. Бундан англашиладики, тил шакли деганда, фақат грамматик шакллар эмас, балки сўз ясалиши, сўзларнинг қўшилиш қоидалари, фонетика, лексикани ўз ичига олган яхлит ҳолдаги тил тушунилади.

В.Гумбольдтнинг тилшунослик олдидаги яна бир хизмати шундаки, у жаҳон тилшунослигида биринчилардан бўлиб тилнинг системавий табиатга эга эканлигини асослаб берди. У “Тилларни турли ривожланиш даврига кўра қиёслаб ўрганиш” асарида ҳар қандай тилни ички алоқалари ва муносабатларини эътиборга олган ҳолда ўрганиш тилшунослик олдида турган энг муҳим вазифа эканини баён қилади. В.Гумбольдт фикрича, тилда ҳеч қандай алоҳидалик йўқ, унинг ҳар бир алоҳида элементи бутуннинг бир қисмини намоён қилади. У тилни ҳар бир толаси бошқаси билан занжир бўлиб чокланган улкан тўқимага ўхшатади. Тилдан фойдаланаётган ҳар бир индивид бу улкан тўқиманинг фақат бир қисми билан иш кўрса ҳам, лекин бу қисм бошқалари билан муқаррар алоқа ҳамда ички муносабатлар гармониясидан иборат бўлганги учун бутун бир тўқима ўлароқ намоён бўлади.

В.Гумбольдт тилнинг системавий табиатга эгаллигини эътироф этиш билан бирга, унинг белгилар системаси эканини ҳам баён қилади.

У “Тилларни қиёсий ўрганиш ҳақида...” асарида тилнинг бир вақтнинг ўзида ҳам инъикос, ҳам белги эканини кўрсатади. В.Гумбольдтнинг фикрича, сўз алоҳида тушунчанинг белгисидир. Сўз сўз бўлиш учун фақат товуш қобиғига эгаллик белгиси кифоя қилмайди, балки тушунча ва товуш томонлари бир бутунликни ташкил этиши керак. Сўз ўзининг товуш қиёфаси билан нарсанинг хусусиятини белгиламайди, у сезгимизга таъсир қилувчи нарсанинг эквиваленти эмас, балки у ҳақидаги тушунча билан боғлиқдир. Шундай қилиб, сўз тил унсури сифатида предмет билан эмас, балки уни қандай тушуниш билан мотивлангандир. Яъни нарсанинг ном учун асос бўлган ва тил амалиёти орқали онгда мустаҳкамланган характерли белгилари билан боғлангандир. Предметнинг бундай белгилари бир қанча бўлиши мумкин. Масалан, *фил* “икки тишлилик”, “хартумлилик” сингари муҳим белгиларга эга. Ана шу белгилар асосида санскрит тилида у гоҳ икки тишли, гоҳ хартумли, гоҳ икки марта ичувчи сингари номлар билан аталган. Демак, бир нарса турли белгилар асосида турлича номланган. Бу эса сўзнинг маъноси белги сифатида нарса билан эмас, балки у ҳақидаги тушунча билан боғлиқ эканлигини кўрсатиши, сўзнинг товуш қобиғи эркин, фақат тил амалиёти орқали муайян маънога боғлиқлигини тасдиқлайди.

В.Гумбольдтнинг тилшунослик олдидаги хизматларидан яна бири тилларнинг келиб чиқиши ва тараққиёти ҳақидаги таълимотидир. Унинг тилнинг келиб чиқиши ҳақидаги қарашлари ҳам зиддиятлидир. Бир томондан, у мазкур муаммо бўйича агностик қарашни олға суради: тилнинг қандай келиб чиққанини билиб бўлмаслигини таъкидлайди. Иккинчи томондан, тилнинг пайдо бўлишини инсон пайдо бўлиши билан боғлайди. Унинг фикрича, инсон тили билан инсондир. Тилни яратиш учун ҳам, аввало, инсон бўлиши керак. Шунинг учун ҳам тилни олдиндан берилган деб бўлмайди. Тил, албатта, жамият, унинг аъзоси бўлган шахс билан боғлиқдир. В.Гумбольдтнинг фикрича, тил инсоннинг онгли кашфиёти эмас. У кишилик жамиятининг амалий эҳтиёжи натижасида вужудга келган. Яшаш учун кураш инсонда тил орқали ўзаро алоқа қилиш эҳтиёжини туғдирди. Бу фикрни давом эттирган ҳолда алоҳида шахс бутун бир жамият, халқ билан боғлиқ эканини баён қилади. Демак, тил қайси томонидан қарашдан қатъий назар, ижтимоий, социал характерга эга, деган хулосага келади.

Тилнинг келиб чиқиши ҳақидаги бундай материалистик қараш В.Гумбольдтнинг катта ютуғи саналади.

В.Гумбольдт лингвистик концепциясининг яна бир муҳим жиҳати тилларнинг морфологик таснифидир. Унинг фикрича, ҳар бир халқ ўз тили орқали объектив реалликни ёки субъектив фаолиятини ифодалайди. Шунинг учун дунёдаги барча тиллар гўё бир хил тузилишга эга бўлиши мумкин эмас. Чунки тил эгалари бир хил тараққиёт даражаси ва яшаш шароитига эга эмас. Ана шунга боғлиқ равишда ҳар қайси халқда тилнинг ички шакли билан товуш томонини синтезлаш даражаси ҳамда шакли хилма-хилдир. Шунинг учун В.Гумбольдт тилларнинг ички тузилиши ҳақида фикр юритиб, уларни ривожланган ва ривожланмаган тилларга бўлади. Унинг фикрича, тилнинг ички шакли билан товуш томонида синтезлашиш даражаси кучсиз бўлса, бундай тиллар ривожланмаган бўлади. Аксинча, ички шакл билан товуш томонининг синтези кучли бўлса, бундай тил ривожланган ҳисобланади. Ички шакл билан товуш томони ўртасидаги синтезлашиш даражаси тилнинг грамматик тузилишида, гап тузилишида, айниқса сўзнинг аффикс ёки флексия ёрдамида ясалишида ёрқинроқ намоён бўлади.

Сўз ва гапнинг ички тузилиш хусусиятини эътиборга олган ҳолда В.Гумбольдт дунё тилларини тўрт типга ёки шаклга бўлади: 1) флектив, 2) ажралган (аморф), 3) агглютинатив, 4) инкорпорацияловчи тиллар. Унинг фикрича, флектив тиллар анча ривожланган саналади ва улар қатъий қоидаларга эгадир. Бошқа тиллар эса қоққидир, буларнинг ичида энг қоққи хитой тилидир. Чунки унда шаклий муносабатлар ўз ифодасига эга эмас.

В.Гумбольдт тил тузилиши халқларнинг ақлий ривожланиши билан боғлиқ деган ғайриилмий ғояни олға сурган ҳолда флектив тилларда гаплашувчи халқлар бошқаларга нисбатан ақлий жиҳатдан ривожланганлигини исботламоқчи бўлади.

Лекин тил тузилишининг халқ қобилияти билан муносабати ҳақидаги бундай хулоса ўз даврида А.А.Потебня ва Н.Г.Чернишевскийлар томонидан

каттик танқид қилинди. Хусусан, Н.Г.Чернишевский В.Гумбольдтнинг дунё тилларининг морфологик таснифи ғайриилмийлигини, халқ тили билан ақлий камолоти ўртасида ҳеч қандай алоқа йўқлигини кўрсатиб берди.

Дарҳақиқат, В.Гумбольдт энг қолақ тил деб ҳисоблаган хитой тилида гаплашувчи халқ бугунги кунда ҳаётнинг турли жабҳаларида, адабиётда ва техникада қандай муваффақиятларга эришаётгани, қандай мўъжизалар кўрсатаётгани, шу билан бирга кўп мингйиллик маданий меросга эгаллиги мазкур ғоянинг нақадр пуч эканлигини яна бир бор исботлайди.

ТИЛШУНОСЛИКДА НАТУРАЛИЗМ ОҚИМИ

Дарвинизмнинг оламшумул эътибор қозониши унинг бошқа фанларга таъсирини кучайтирди. Натижада тилшуносликда алоҳида йўналиш – натуралистик оқим майдонга келди.

Тилга натуралистик ёндашув концепцияси Германиянинг Иен университети профессори Август Шлейхернинг (1821 – 1868) «Тил ҳақидаги фанга Дарвин назариясининг татбиқи» (1863) ва «Инсоннинг табиий тарихи учун турларнинг аҳамияти» (1865) асарларида ёрқин ифодасини топган.

А.Шлейхер тилни «товушлар ёрдамида ифодаланган тафаккур», «тафаккур жараёнида товушлар орқали ифодаланган фикр» деб тушунади. Унинг таъкидлашича, тил алоҳида шахсга боғлиқ эмас. Тилда инсон иродасига бўйсунмайдиган маълум қонунлар мавжуд. Худди шундай қонунлар табиий фанлардагина кузатилади. Тилшунослик объекти лингвистга бевосита берилади. У тадқиқотчи субъективизмидан холидир. Ана шундай фикрга таянган ҳолда Шлейхер тилшунослик инсон табиий тарихининг бир қисмини ташкил этади, деган хулосага келади ва уни табиий фанлар системасига киритади.

Бу жиҳатдан у тилшуносликни филологияга қарама-қарши қўяди. Унинг таъкидлашича, филологияда инсоннинг субъектив муносабати ўз ифодасини топади.

А.Шлейхер филолог ва тилшунос фаолиятини образли ўхшатиш асосида тушунтириб беради. Унинг фикрича, филолог боғбонга ўхшайди. Унинг учун боғдаги ўсимликларнинг амалий қиммати, гўзаллиги каби жиҳатлари муҳим. Тилшунос эса бамисли ботаник. У ўсимликнинг ички томонини, тузилиш ва ривожланиш қонунларини ўрганади. Унинг эстетик ва амалий қиммати ботаник учун аҳамиятсиздир. Тилшунос ҳам тилнинг ички тузилиши, тузилиш бирликларининг ўзаро муносабати ва тараққиёт қонунларини ўрганади. Тилнинг эстетик томони эса филологнинг ўрганиш объекти саналади. Шундай қилиб, у филология билан тилшуносликни бир-биридан фарқлаган ҳолда, биринчисини ижтимоий-гуманитар фанлар, иккинчисини эса табиий фанлар системасига киритади. Шу билан бирга, бу икки фаннинг туташ нуқтаси борлиги, синтаксис ана шундай туташтирувчи бўғин эканини кўрсатади. Бунинг сабаби ўлароқ синтаксисда сўзловчининг субъектив муносабатлари ўз ифодасини топиши мумкинлиги кўрсатилади.

А.Шлейхер тилни тирик организм деб эътироф этади. 1850 йилда ёзган «Европа тилларининг систематик тадқиқи» асарида тилни организмга ўхшатган бўлса, орадан 10 йилдан сўнг «Немис тили» асарида жонли организм деб қарайди.

Шлейхернинг таъкидлашича, тилнинг ҳаёти барча жонли организмлар – ўсимлик ва ҳайвонлар ҳаётидан фарқ қилмайди. Жонли организмлар оддийдан мураккаб шаклларга қараб ривожланиш хусусиятига эга, тил ҳам ана шундай ривожланиб боради. Шлейхер тилни организм деганда мустақил биологик нарса эмас, балки инсон иродасидан ташқарида узлуксиз ривожланувчи структура маъносида тушунади. Шу нуқтаи назардан тилни табиий организм (natur organism) сифатида эътироф этади ва уни табиатдаги бошқа организмларга қиёслайди.

А.Шлейхерга Ч.Дарвиннинг турларнинг келиб чиқиши ва ўзгариши ҳақидаги назарияси қаттиқ таъсир қилди. Натижада «Тил ҳақидаги фанга Дарвин назариясининг татбиқи» асари майдонга келди. Унда муаллиф Дарвин томонидан ҳайвон ва ўсимлик турлари учун белгиланган қонунларни тиллар организмга, умумий тарзда бўлса ҳам, қўллаш мумкинлигини таъкидлайди. Олимнинг кўрсатишича, бир жинс тури тилшуносликда тил, турчалар – диалектлар, индивид кўринишлари эса маҳаллий шеваларга тўғри келади.

Дарвиннинг турларнинг ўзгариши ҳақидаги фикрларини А.Шлейхер тиллар тараққиёти орқали исботламоқчи бўлади. Унинг фикрича, ботаниклар ва зоологлар томонидан бир жинснинг турлари деб қаралган табиатшунослик тушунчаларига қиёсан аста-секин ривожланиш жараёнида келиб чиққан алоҳида тилларни бир умумий тилнинг фарзандлари сифатида қараш керак.

Ҳайвонлар ва ўсимликлар дунёсининг тарихий тараққиёт қонунларига асосланиб, Шлейхер тилнинг келиб чиқиши ва тараққиёти умумий қонуниятларини очиб беришга ҳаракат қилади. Худди органик олам бир хужайрали организмлардан ривожлангани каби, дунёдаги барча тиллар отларга ҳам, феълларга ҳам ажралмаган, турланиш ва тусланиш шаклларига эга бўлмаган энг содда тиллардан келиб чиққанини баён қилади.

Ана шундай фикр асосида, А.Шлейхер дунёдаги турли шаклга эга бўлган барча тиллар бир умумий келиб чиқиш асосига эга, деган хулосага келади. Лекин ушбу тилларнинг товуш материали, тил эгаларининг турмуш шароити хилма-хил бўлгани уларнинг турли-туманлигига сабабчи бўлган, деб тушунтиради. Ана шундай қарашнинг синтези сифатида тилларнинг шажара дарахти ҳақидаги таълимоти майдонга келади.

А.Шлейхер биология эришган ютуқлардан илҳомланган ҳолда биология қонунларини тилшуносликка татбиқ этиб, тилларнинг морфологик таснифини эълон қилди.

У тилни тафаккур жараёнининг товушлар силсиласи орқали гавдаланиши, деб тушунади. Тил ўзининг ихтиёрида мавжуд бўлган аниқ ва ҳаракатчан товушлар орқали тафаккур жараёнининг барча нозик

томонларини фотографик аниқлик билан ифодалаб бера олади, дейди. Бу билан Шлейхер лисоний фаолиятнинг моддий асосини таъкидлайди.

У тил ва тафаккур бирлигини эътироф этиш асосида, улар ўртасидаги муносабатни ёритишга ҳаракат қилди. Шлейхернинг фикрича, ҳар қандай фикр материал ва шаклдан иборат. Материал тушунча ва тасаввурни ўз ичига олади. Шакл эса тушунча ва тасаввур ўртасидаги муносабатни вужудга келтиради. Тушунча ва тасаввур товуш ифодасига эга бўлиб, маънони ҳосил қилади. У ҳар қандай тилнинг моҳияти маънони қандай ифодалашида кўринади, дейди. Маъно ифодаланиши билан муносабат ифодаланишининг бир-бирига нисбатан ҳолатини Шлейхер шакл деб ҳисоблайди.

Маъно сўзнинг ўзаги, муносабат эса суффикслар орқали ифодаланишини кўрсатади. Унинг фикрича, маъно билан муносабат биргаликда сўзни ташкил этади. Сўзнинг моҳияти, айти пайтда бутун бир тилнинг моҳияти, уч жиҳат билан белгиланади: товуш, шакл ва вазифа.

Юқорида кўрсатилган белгилар асосида Шлейхер тилларнинг морфологик таснифини тавсия этди. Маъно ва муносабатни ифодалашига кўра у дунё тилларини уч турга ажратади:

1. Фақат маъно ифодаланадиган тиллар. Уларда сўзлар кристалли эслатувчи қисмларга бўлинмайдиган барқарор бирлик хусусиятига эга бўлади. Бундай тилларга бир таркибли (фақат ўзақлардан иборат) хитой ва бирма тиллари киритилади.

2. Товушлар ёрдамида маънодан ташқари муносабат ҳам ифодаланадиган тиллар. Бундай тилларда сўз қисмларга бўлинади, лекин ўзаро мустаҳкам боғланган бирликни ҳосил этмайди. Улар агглютинатив тиллардир, масалан, туркий, фин-угор каби тиллар. Бу тиллардаги сўзлар ўсимликни эслатишини таъкидлайди.

3. Сўз ҳам маъно, ҳам муносабатни ифодалаб таркибий қисмлари яхлитлигидан иборат бўлади ва унинг жонли организмга ўхшашлигини кўрсатади. Бундай хусусият флектив тилларга хослиги ва бу тил курилишининг олий даражаси эканини баён қилади.

Тилнинг юқоридаги каби уч типга ажратилиши уларнинг ривожланиш жараёнидаги уч босқични кўрсатишини ва булар табиий мавжудотлар тараққиётидаги уч босқичга мувофиқ келишини таъкидлайди: кристалл, ўсимлик, ҳайвон. Бу босқичлар куррамиз ривожланишининг уч даври ҳисобланади. Шлейхер ботаника материалларига қизиққан ҳолда, биологик ва лисоний ривожланиш босқичлари ўртасида ўхшашлик топишга ҳаракат қилди. Биологияда тараққиёт оддийдан мураккабга қараб бўлганидек, тилда ҳам агглютинатив тиллар ўзақли тилларнинг, флектив тиллар эса агглютинатив тилларнинг ривожланишидан келиб чиққан, деб изоҳлайди.

А.Шлейхер Дарвиннинг ҳаёт учун кураш ҳақидаги қарашини ҳам тилшуносликка айнан татбиқ этади. Табиатда худди кучлилар кучсизлар устидан ғалаба қозониб, яшовчанлик хусусиятига эга бўлганидек, ҳозирги кунда ҳинд-герман тиллари (яъни флектив тиллар) яшаш учун курашда

ғалаба қилмоқда ва бошқа тилларни сиқиб чиқариш ҳисобига дунёни забт этиб бормоқда, деб ҳисоблайди.

А.Шлейхернинг бу нотўғри хулосаси инсоният бошига оғир кулфатларни ёғдирган фашизм назарияси учун маълум даражада назарий асос бўлиб хизмат қилгани ғоят ачинарлидир.

А.А.Потебнянинг лингвистик қарашлари Ҳаёти ва илмий фаолияти

Тилшунослик тарихида славян тилшуноси А.А.Потебня (1835 – 1891)нинг номи алоҳида ажралиб туради. Унинг бутун илмий ва меҳнат фаолияти Харьков университети билан боғланган. Чунки у шу университетда таҳсил олган ва умрининг охиригача илмий-педагогик фаолият олиб борган.

А.Потебнянинг илмий фаолиятида 1862 йил муҳим аҳамиятга эга. Худди шу йили у университетдаги устози П.А.Лавровский маслаҳати билан ўзи ўқиётган маърузаларни қайта ишлаган ҳолда “Тафаккур ва тил” номи билан “Халқ таълими вазирлиги журнали”да нашр қилади. Айни пайтда бу асар алоҳида китоб ҳолида ҳам босмадан чиқарилади. Мазкур асарнинг нашр қилиниши эндигина 27 баҳорни қаршилаган А.Потебняга катта шухрат келтирди. Унда ёш олимнинг асосий назарий ғоялари баён қилинган эди. Олимнинг умумлингвистик қарашлари “Сўз санъати назарияси бўйича маърузалар”, уч жилдлик “Рус тили ва грамматикаси бўйича қайдлар” (“Из записок по русской грамматике”) (1874-1889); “Сўз санъати назарияси бўйича қайдлардан” (“Из записок по русской словесности”) (1905); “Рус тили тарихига доир” (“К истории русского языка”) (1876) сингари тадқиқотларида баён қилинган.

А.Потебня бундан ташқари диалектология, рус халқ оғзаки ижоди бўйича ҳам тадқиқотлар олиб борган: “Игорь полки ҳақида сўз”(1878), “Кичик рус ва унга қариндош халқлар кўшиқлари изоҳи”(1883-1884), “Кичик рус лаҳжаси бўйича қайдлар”(1871), “Рус тили товушлари ҳақида икки тадқиқот: 1. Тўлиқ унлилар ҳақида. 2. Рус лаҳжаларининг товуш хусусиятлари ҳақида”(1866), “Славян халқлари поэзиясидаги айрим рамзлар ҳақида”(1860), “Айрим урф-одатлар ва эътиқодларнинг афсонавий аҳамияти ҳақида”(1865), “Рус тилидаги кўплик сонининг маъноси”(1882), “Тилдаги айрим тасаввурлар алоқалари ҳақида”(1864) ва бошқалар.

Бу рўйхатдан кўриниб турибдики, А.Потебнянинг тадқиқот доираси ғоят кенг. У тил фалсафаси, тилшунослик назарияси, рус ва бошқа славян тиллари фонетикаси, морфологияси, синтаксиси, диалектологияси, фольклори, ҳинд-еврупо (айниқса славян) тилларининг қиёсий-тарихий грамматикаси масалалари билан шуғулланди. Шунингдек, поэтика, бадиий асар тили, тил ва сўз санъати муносабати муаммолари унинг диққатини жалб этди. Шунини таъкидлаш керакки, у биринчилардан бўлиб семиология муаммоларини тилшунослик нуқтаи назаридан ва унинг методлари асосида ўрганишни бошлаб берди.

А.А.Потебня лингвистик қарашларининг фалсафий асослари

А.Потебня фалсафий қарашларининг шаклланишида немис классик фалсафаси, хусусан, И.Кант, Г.Гегель асарларида олға сурилган ғоялар асос бўлди. Бу файласуфларга қизиқишнинг ортиши В.Гумбольдт таъсирида рўй берди. Чунки А.Потебня В.Гумбольдтнинг тил фалсафаси ҳақидаги ғоялари, санъат ва фан инсон онги ҳодисалари экани ҳамда уларнинг тил билан алоқаси тўғрисидаги назарияларидан таъсирланган ҳолда фан оламига кириб келди.

Гарчи А.Потебнянинг илмий фаолияти гуллаган 1880-йилларда Оврупода қиёсий-тарихий тилшуносликнинг янги даврини бошлаб берган ёш грамматикачилар мактаби таъсири ғоят кучайган ва даврнинг жуда кўп олимлари бу йўналиш асирида қолган бўлса ҳам, лекин у мазкур таъсирдан ҳоли қолди. А.Потебня умумий тилшунослик ва тил фалсафасининг отаси В.Гумбольдт йўлидан борди. Шунинг учун ҳам у, энг аввало, тил фалсафаси масаласига, тилни маданий, тарихий, психологик ҳодиса сифатида талқин этилишига асосий эътиборини қаратди.

А.Потебнянинг ўттиз йиллик илмий фаолиятини кузатиш асосида айрим муаллифлар унинг ижодини икки даврга бўладилар.

Биринчи даврида (1860 – 1865) А.Потебня В.Гумбольдт ва Г.Штейнгаллар изидан бориб, уларнинг асарларига ижодий ёндашган ҳолда, тилни фалсафий-психологик нуқтаи назардан тадқиқ қилишга эътибор беради. Бу даврда у тилшуносликда файласуф-психолог сифатида фаолият кўрсатади.

Иккинчи даврида (1865-1891) у ҳинд-оврупо тилшунослиги эришган ютуқлардан фойдаланган ҳолда, асосан, рус ва славян тиллари фонетикаси, грамматикаси ва диалектологиясини тадқиқ этиш билан шуғулланади.

А.Потебня бутун илмий фаолияти давомида асосий эътиборини тил ва тафаккур муносабатини тадқиқ этишга қаратди. Бу муаммо унинг бош мавзусига айланиб қолди.

А.Потебня дунёқарашининг шаклланишига В.Гумбольдт шогирди Г.Штейнгалнинг этнопсихологик назарияси катта таъсир қилди. Этнология назарияси вакиллари В.Гумбольдтнинг “халқ руҳи” ҳақидаги ғоясидан илҳомланган ва уни ривожлантирган ҳолда халқ дунёқарашини ўз-ўзини англаш, яъни “халқ руҳи”нинг негизи деб ҳисоблайдилар. Шу сабабли улар тилни “халқ руҳи”нинг ифодаланиши сифатида ўрганиш кераклигини таъкидлайдилар. Уларнинг фикрича, “халқ руҳи”, энг аввало, тилда, ундан сўнг эса урф-одатларда, анъаналарда, қўшиқларда намоён бўлади. Ана шу ғояга асосланган ҳолда, А.Потебня рус ва славян халқлари оғзаки ижоди асосларини ўрганишга алоҳида аҳамият берди.

А.Потебня инсон тафаккури меҳнат ва иккинчи сигнал системасининг фаолияти натижасида келиб чиққанини баён қилади. Унинг фикрича, инсон

хайвонот оламидан, бир томондан, тафаккурини такомиллаштириш учун яратган сўзи орқали, иккинчи томондан, меҳнат қуроли яшаш имкониятига эга бўлиш билан ажралиб чиқди. Шу хусусиятлари билан инсон бошқа жонзотларга нисбатан афзалликка эга.

Юқорида таъкидланганидек, А.А.Потебнянинг илмий дунёқараши шаклланишида В.Гумбольдтнинг таъсири жуда катта. Олим “Тафаккур ва тил” асаридаёқ В. Гумбольдтнинг “тил – халқ руҳи” деган ғоясини давом эттиради. Гарчи у В.Гумбольдтнинг “тилни халқ руҳига тенглаштириши қандайдир англашилмовчилик” эканлигини баён қилса ҳам, лекин руҳнинг тил билан боғлиқлигини, тилсиз руҳнинг мавжуд бўлмаслигини, чунки руҳнинг ўзи тил орқали пайдо бўлишини эътироф этади.

Шунингдек, В.Гумбольдтнинг “тил – бу фаолият” деган ғояси ҳам А.Потебняга кучли таъсир қилди. Ана шу фикр олимга тилни узлуксиз ривожланишда, такомиллашишда эканини кўришда ёрдам берди.

В.Гумбольдтнинг “тушуниш-тушунмаслик” антиномияси ҳам А.Потебня томонидан ривожлантирилди. Бу ҳолат индивидуал психология назарияси билан узвий боғлиқдир. Бир нарсани сўзловчи ва тингловчи турлича тасаввур қилиши мумкин, натижада сўзлашувчилар ўртасида предмет образи турлича намоён бўлади. Масалан, ўзбек тилида гул сўзи орқали ифодаланган нарса бир қанча белгиларни ўзида мужассам этади. Бу белгилар, А.Потебнянинг фикрича, инсон олдин кўрган гуллар ҳақидаги тасаввурининг жами саналади. Шундан келиб чиққан ҳолда, бу белгилар ҳар бир индивидда бир-биридан фарқланадиган кўриш ва ҳис қилиш қобилияти билан, шунингдек, бу нарса ҳақидаги олдинги билимлари билан боғлиқдир. Буларнинг ҳаммаси объектив олам ҳақида баён қилинаётган ахборот узатилиши ва қабул қилинишида сўзловчи ҳамда тингловчи ўртасида маълум номувофиқликнинг, “тушунмаслик” элементининг пайдо бўлишига олиб келади.

В.Гумбольдт таълимоти таъсири А.Потебнянинг лисоний ҳодисалар таҳлилига психологик ёндашувида кучлироқ кўринади. Тил фактларини индивид онгида рўй берадиган руҳий жараёнлар сифатида талқин қилишга ҳаракат А.Потебняга рус тилшунослигида илк бор тилни ўрганишга психологик ёндашувни олиб кириш имконини берди.

А.Потебня тадқиқотларида психологизмнинг қайси шакли - индивидуал ёки халқ психологияси жиҳатидан ёндашувдан қатъи назар, тил ва тафаккур, сўз ва тушунча, тилнинг келиб чиқиши ва ривожланиши, тил ва лингвистик белги моҳияти, сўзнинг ички шакли сингари умумий тилшунослик муаммолари бош мавзуга айланди.

А.Потебня В.Гумбольдтнинг “тилнинг ички шакли” ғоясини ҳам ижодий ривожлантирган ҳолда, тилшуносликка “сўзнинг ички шакли” тушунчасини олиб кирди.

А.А Потебня лингвистик концепциясининг асосий жиҳатлари

А.Потебнянинг “Тафаккур ва тил” ҳамда уч жилддан иборат “Рус тили грамматикаси бўйича қайдлар “ асарлари алоҳида аҳамиятга эга.

Илк илмий асари бўлган “Тафаккур ва тил” китобида А.Потебня ўзининг келажакдаги илмий фаолияти дастурини аниқ белгилаб берди. Ҳозирги назарий тилшуносликнинг асосчиси В.Гумбольдт тилшуносликдаги психологик йўналишнинг асосчиси Гейман Штейнтал, шунингдек, мантикий йўналишнинг йирик вакили Карл Беккер ва бошқа Ғарбий оврупо олимлари асарларини таҳлил қилар экан, тилнинг келиб чиқиши, тил ва тафаккурнинг ўзаро боғлиқлиги ҳақида қимматли маълумотларни берди.

У тил ва тафаккурнинг ўзаро узвий боғлиқлиги, уларнинг муносабати бир бутунликни ҳосил қилиши, тилнинг тафаккур шаклланиши ва ривожланишида муҳим роль ўйнаши ҳақида фикр юритади.

А.Потебня талқинида тил ва тафаккур муносабати шундай кўриниш олади: 1) энг аввало тафаккур объекти, яъни объектив борлиқ нарсалари мавжуд. Бу тафаккур объектлари объектив олам предметлари ўртасидаги муносабатларни ҳам ўз ичига олади; 2) тафаккур объектидан ташқари тафаккур субъекти (шахслар, менинг ўзим) ҳам мавжуд. А.Потебня фикрича, инсоният тарихий тараққиётнинг ибтидоий даврида, ҳали инсон ўзини қуршаб турган оламдан ажралмасдан туриб, тафаккур объекти ва субъекти бир бўлган. Фақат кейинчалик “миф даври олами” тафаккур орқали ўзини қуршаб турган оламини акс эттира бошлаган.

А.Потебня талқинига кўра, тафаккур жараёни субъектнинг ташқи олам объектларини билиш фаолиятининг намоён бўлишидир. Бу жараёнда сезги аъзоларимиз таъсирига берилган нарсаларнинг объективлик ва субъективлик синтези сифатидаги образи пайдо бўлади. Сезги образи тафаккурнинг дастлабки шакли бўлиб, ҳам субъективлик, ҳам объективлик хусусиятига эга. Субъективлик хусусияти шундаки, ҳар бир субъект предмет образини ўзича яратади. Объективлиги шундаки, у сезги аъзоларимизга таъсир қилган предметнинг муҳим белгилари асосида ҳосил қилинади. Ана шу субъектив моментларининг мавжудлиги сўзлашувчилар ўртасида бир-бирини тушуниш имкониятини яратади.

А.Потебня бир қатор лисоний ҳодисаларни изоҳлашда психологизм йўлидан боради. Хусусан, сўзнинг пайдо бўлишини инсоннинг объектив борлиқ унсурларининг таъсирига (соғлиқ, очлик каби) жавоб тариқасидаги рефлексив сезгиси билан боғлайди.

Унинг фикрича, сўзнинг пайдо бўлиши мураккаб жараён. Энг аввало, у сезгининг товушлар ёрдамидаги оддий акс этиши. Масалан, бола оғрик таъсирида беихтиёр “вой” деган товушлар комплексини чиқаради. Кейин товушларни англаш жараёни, яъни бу товушлар комплексини бошқалардан эшитган бола уни ўзи талаффуз қилган товуш комплексига ва уни талаффуз қилишга сабаб бўлган оғрикка боғлайди. Энди бола “вой” ундовидан сўз ҳосил қилиш учун уни айтиш билан бошқаларнинг ёрдамга келишини,

айтайлик, она боласининг оғриғига сабабчи бўлган нарсани йўқотишга шошишини билиши керак.

А.Потебня лингвистик концепциясида “ички шакл” тушунчаси марказий ўринни эгаллайди. Бу тушунча В.Гумбольдт олға сурган “тилнинг ички шакли” ғояси асосида пайдо бўлган, А.Потебня эса унга янги мазмун берди.

Объектив борлиқдаги предмет турли хил белгиларга эга ва бу белгилар сезги органлари томонидан ҳис қилинади. Предметнинг турли муҳим белгилари бирлашиб, фикрий барқарор катталиқни ҳосил қилади ва катталиқлар асосида предметнинг умумлашган образи намоён бўлади. Унда қайсидир белги етакчилик қилади ва у **образ маркази** ҳисобланади. Ана шу образ маркази, А.Потебня фикрига кўра, *ички шакл* саналади. Масалан, **стол** сўзи орқали ифодаланган предмет бир неча: ҳажм, шакл, ранг, нимадан ясалганлик, уч ёки тўрт оёқлилик ва бошқа белгиларга эга. Демак, булар шу предметнинг образини ташкил қилади. Лекин унинг номи образ марказига – номланиш учун асос бўлган белгига, шу нарсанинг ёйилиш (“стлать”) белгисига қараб келиб чиққан. Бошқача айтганда, *стол* образи кўп белгиларга эга. Аммо *стол* сўзи унинг “ёйилиш” белгисига таянган ҳолда пайдо бўлган. Шунинг учун ҳажми, шакли, материали хилма-хил бўлишидан қатъи назар, у ҳар қандай столни ифодалайди. Демак, А.Потебня сўзнинг ички шакли деганда муайян нарсанинг бир қанча белгилари орасидан унинг номланиши учун асос бўлган белгини тушунади. Унинг фикрича, сўз нарсага хос бўлган барча белгиларни акс эттира олмайди, у бу белгилардан фақат биттасини номлайди. Масалан, **кунгабоқар** сўзи орқали ифодаланган предмет ранг, хид, ҳажм, шакл ва бошқа қатор белгиларга эга. Лекин бу сўз унинг битта белгисига – кунга боқишига асосланган. Ана шу *сўзнинг ички шакли*, бошқача айтганда, **образ маркази** саналади.

А.Потебнянинг таъкидлашига кўра, ҳар қандай сўз пайдо бўлган пайтда ўз ички шаклига эга. Даврлар ўтиши билан бир қатор сўзлар ички шаклини йўқотади, у ҳақида фақат тахмин қилинади. Масалан, **дуб** нима учун айнан шундай номланган? Чунки бу сўз жуда қадимий бўлиб, ички шакли йўқолган. Шу билан бирга, ички шаклини йўқотган сўзлар ҳозирги давр учун ўлик ҳам эмас. Чунки бундай сўзлар бир қатор ясалмаларнинг ҳосил бўлишига асос вазифсини ўтайди.

Олинма сўзлар ҳам олишга асос бўлган тилда ички шаклга эга бўлса ҳам, лекин бу сўзни олган тилда ички шаклини йўқотади. Масалан, хитой сўзи ҳисобланган **чай** ўзбек тилида ички шаклга эга эмас. Шундай бўлишига қарамасдан *чайхўр*, *чайлашмоқ* сингари ясамаларга асос бўлиб хизмат қилади.

А.Потебнянинг таъкидлашича, нафақат мустақил, балки ёрдамчи сўзлар ҳам қачонлардир ички шаклга эга бўлиб, кейинчалик бу шакл йўқолиб кетган. Унинг фикрига кўра, ички шакл тушунчасини фақат лексик сатҳ бирликлари учунгина эмас, балки тилнинг барча сатҳлари, хусусан, грамматик категориялар ва синтактик birlikлар учун ҳам қўллаш мумкин.

А.Потебнянинг **ички шакл** ҳақидаги қараши *тасаввур* тушунчаси билан узвий боғлиқдир. Унинг фикрича, ундовлардан бошқа ҳар қандай сўзда фикр ҳаракати икки фикрий комплекснинг қиёсланишидан ташкил топади: бири янги англанаётган, иккинчиси олдин англанган, онгда тайёр ҳолда мавжуд бўлган фикрий заҳира. А.Потебня бу фикрни лотинча **cardus**, русча **корова** сўзлари мисолида изоҳлаб беради. Унинг таъкидлашича, ҳар икки тилда бу сўзларнинг образ маркази “шоҳлилик” белгисидир. Демак, латинлар ва руслар молни билгунга қадар шоҳли ҳайвонлар ҳақида билим захирасига эга бўлган. Янги англанаётган ва олдин англанган нарсалар ўртасидаги қиёслаш учун асос бўлган белги лотинча *tertium comparationis*, яъни учинчи қиёс, бошқача айтганда, икки қиёсланаётган нарсалардаги умумий бўлган учинчи катталиқ дейилади. Бунда билиш жараёни қиёслаш жараёнидир. Янги англанаётган нарсанинг номи учун асос бўлган белги, яъни *tertium comparationis тасаввур* саналади.¹

А.Потебня талқинига кўра, тафаккур фаолияти бир қанча босқичлардан иборат: сезги аъзоларимизга таъсир қилаётган нарса – нарсанинг сезгимизга берилаётган муҳим белгиси (ички шакл) – нарсанинг умумлашган образи – тасаввур – апперцепция (тафаккурнинг биринчи акти) – ҳукм (тафаккурнинг асосий шакли) – тушунча (ҳукмлар йиғиндиси). Кўришиб турибдики, А.Потебнянинг ҳукм ва тушунча ҳақидаги талқини ҳозирги диалектик ҳамда формал мантиқдаги ҳукм ва тушунча талқинидан тубдан фарқ қилади. Унинг фикрича, мия фаолиятининг олий шакли тушунча саналиб, у ҳукмлардан ташкил топади. Формал ва диалектик мантиқда эса, аксинча, тушунча ҳукм таркибидан ажраладиган алоҳида тафаккур шакли сифатида изоҳланади.

Тафаккур жараёнида апперцепция ҳам алоҳида босқич саналиб, у **нутқ** жараёнида сўз ифодалаган тасаввурнинг ўзгаруви ва сўзнинг янги иккиламчи тасаввур билан боғланишидир. Мисол тариқасида Чичиков томонидан сотиб олинган ўлик жонлар рўйхати келтирилади. Ундаги ҳар бир фамилия ва кишиларнинг касб-кори бутун бир микро оламни кўз олдимизга кетиради.

А.Потебнянинг лингвистик концепциясида сўз ва унинг маъноси муаммоси муҳим ўрин эгаллайди. Олим сўзни тилнинг муҳим бирлиги сифатида эътироф этгани ҳолда, уни товуш ва маъно томонлари бирлигидан ташкил топган бутунлик сифатида талқин қилади. Унинг фикрича, сўз ташқи ва ички томонга эга бўлиб, ташқи томондан товушланиш, ички томондан маъно ва тасаввурларнинг ўзаро барқарор муносабатидан ташкил топган бутунлик саналади.²

Кўринадики, А.Потебня талқинида ҳар қандай сўз истисносиз уч элементдан: қисмларга бўлинувчи товушлар (усиз сўзнинг бўлиши мумкин эмас), тасаввур (белги) ва маънодан ташкил топади.³ Масалан, агар бола тарвузни *тўп* сўзи билан номласа, юмалоқлик белгиси бу сўзнинг *маъно белгиси* (знак, значение) бўлиб хизмат қилади. Унинг фикрича, маъно ва тасаввур бир-бирига мос келмайди. Маъно тасаввурдан кенг. Образ тасаввурдан олдин туради. Маъно эса сезги образини ҳам бирлаштиради.

Сўзнинг нисбатан кенг маъноси унга нисбатан торроқ бўлган тасаввурдан узилишига ҳаракат қилади ёки тасаввур ва маъно ўртасида номувофиқлик кучаяди. Охир оқибат бу номувофиқлик шу даражага етадики, маъно таркибидаги бошқа белгилар қаторида тасаввур асос бўлган белги номуҳим бўлиб қолади. Бу тасаввурнинг йўқолиши саналади. Тасаввур йўқолишининг бош сабаби сўз маъноси таркибидаги тасаввурга асос бўлган белгининг номуҳим бўлиб қолишидир.

А.Потебня рус тилшунослиги тарихида илк бор сўзнинг шакли ва маъноси ўртасидаги муносабатни фалсафий нуқтаи назардан ҳал қилишга ҳаракат қилади. Унинг фикрича, тилнинг тарихий тараққиёти натижасида дастлабки образ йўқолиши, оқибатда янги сўзнинг пайдо бўлиши мумкин. Ҳар қандай сўз янги маънога эга бўлиши билан бирга, янги тасаввурни ҳам ҳосил қилади. Шунинг учун ҳар қандай сўз ташқи шакл (товуш томони), мазмун (товуш томони орқали ифодаланган объектив борлик) ҳамда ички шакл, яъни сўзнинг яқин этимологик маъносига эга.

А.Потебня сўз маъносини икки турга – объектив ва субъектив маъноларга бўлади. У объектив маънони сўзнинг яқин этимологик маъноси деб ҳисоблайди. Объектив маъно, А.Потебня фикрича, доимо битта белгига асосланади. Субъектив маънода эса белгилар сони кўп бўлади.

А.Потебнянинг ички шакл ҳақидаги қараши вақт ўтиши билан ўзгариб борди. Дастлаб ички шакл сўзнинг этимологик маъноси ва тасаввурга синоним сифатида талқин қилинди. Кейинчалик эса ички шакл билан тасаввур бир-биридан чегараланди, ички шакл деганда сўзнинг яқин маъноси ва бир қанча маънолар йиғиндиси, тасаввур деганда эса сўз орқали ифодаланган нарсанинг битта белгиси англанди. Ички шакл сўзда доимо сақланса, тасаввур унутилиши мумкин.

А.Потебнянинг сўз маъноси ҳақидаги концепциясида яқин ва узок маъно тушунчалари ҳам диққатга сазовордир. Объектив борликдаги нарса ва ҳодисанинг бир қанча белгиларидан номланишга асос бўлган битта белгисини билдирувчи маъно объектив маъно, ёки яқин маъно дейилади.

Инсон объектив борликни ҳаётининг тажрибаси, билими, дунёқарашига боғлиқ равишда турлича идрок қилади. Объектив оламдаги нарса ва ҳодисани ифодаловчи сўзга айнан бир хил мазмун юклайдиган икки шахсни топиш мумкин эмас. Сўз мазмунида ҳар бир индивиднинг қандайдир субъектив моменти бор. Айни пайтда сўз маъносида бир тилда гаплашувчи кишиларнинг бир-бирларини тушунишини таъминлайдиган умумий маъно ҳам бор. Ана шу ҳамма учун бир хил тушуниладиган маъно сўзнинг яқин маъноси саналади. Унинг фикрича, яқин маъно халқона (народно), узок маъно эса шахсий, ҳар бир индивиднинг сўзга юклаган субъектив маъноси. Агар субъектив маъно соқит қилинса, ҳар бир сўзда ташқи шакл (товуш томони) ҳамда ички шакл (яқин маъно) қолади.

Кўринадики, А.Потебня яқин маъно деганда, икки нарсани тушунади: 1) сўз орқали ифодаланган нарсанинг бир қанча белгиларидан ном учун асос бўлиб қолган битта белгиси, яъни сўзнинг этимологик маъноси. Лекин

бундай маъно сўзда доимо сақланавермайди. Даврлар ўтиши билан у билинмай кетади; 2) сўзнинг тил эгалари томонидан бир хил тушунадиган умумий, халқчил маъноси, яъни субъектив маънодан ҳоли бўлган тил бирлиги, лексема сифатидаги маъноси, бу маъно сўзда доимо сақланади.

А.Потебнянинг сўз ҳақидаги таълимоти ўзига хослиги билан диққатни жалб қилади. У сўзнинг тил системасидаги ўрнини эътиборга олмайди. Унинг фикрича, сўз гап таркибида бошқа сўзлар билан боғлангандагина муайян маъно касб этади. Сўзнинг гап таркибидаги синтактик функцияси ва бунга боғлиқ равишда морфологик шакли ўзгариши унинг янги маънога эга бўлишига олиб келади. У “сўз маъносидаги энг кичик ўзгариш ҳам бу сўзни бошқа сўзга айлантиради”, – дейди.¹

А.Потебнянинг таъкидлашига кўра, сўз фақат гап таркибида бошқа сўзлар билан муносабатда ўзининг хусусиятини намоён қилади. Алоқадан узиб олинган сўз ўликдир. У бундай ҳолатда ўзининг на лексик, на морфологик хусусиятини кўрсата олади. Муносабатлардан ташқаридаги сўз сўз эмас, ичи бўш товушлардир.²

Шуни таъкидлаш керакки, сўзнинг моҳиятини бошқа сўзлар билан алоқаси орқали белгилаш натижасида тилнинг система экани ҳақидаги хулосага келади. Унинг фикрича, тил ҳар бир элементи бошқаси билан муносабатда бўлган системадир. Тилшуносликнинг вазифаси ана шу муносабатни аниқлашдан иборатдир.³ Ҳар қандай тилнинг луғат таркибида жуда кўп сўзлар бор. Шундай бўлишига қарамасдан, тилдаги барча сўзларни тушунамиз. Бу тил системасида муайян ҳолда, муайян тартиб мавжудлиги сабабли мумкин бўлади.

А.Потебня сўзнинг кўп маънолилигини тан олмайди. Сўзнинг ҳар бир янги маъносини янги сўз деб ҳисоблайди. Унинг таъкидлашича, фақат бир хил товуш томонига эга бўлган бошқа-бошқа сўзларгина мавжуд. Кўринадики, у полисемияни рад қилиб, фақат омонимияни эътироф этади.

А.Потебнянинг тилшунослик олдидаги катта хизмати лексик ва грамматик маъноларни бир-биридан фарқлашдир. Унинг фикрича, сўз икки маънога эга бўлади. Масалан, уй сўзи “*яшаш жойи*” лексик маъносини ифодалашидан ташқари, бош келишик, бирлик шаклидаги от маъносига ҳам эга. Биринчи маънони у хусусий ва лексик, иккинчи маънони эса умумий ва грамматик маъно ҳисоблайди. Шунга кўра тилдаги барча сўзларни икки гуруҳга бўлади: а) лексик маъноли (муस्ताқил) сўзлар, б) грамматик маъноли (ёрдамчи) сўзлар.

Ана шундан келиб чиққан ҳолда, А.Потебня грамматик шакл, грамматик категория, сўз туркумлари талқинига катта аҳамият беради.

А.Потебня грамматик шаклнинг семантик-синтактик тушунча эканини таъкидлайди. Унинг фикрича, мавжудлиги ва вазифаси маънога қараб белгиланмайдиган шакл йўқ. Шунинг учун шаклни ташқи белги, яъни товуш билан аралаштирмаслик керак.⁴ Шакллар миқдори маънонинг формал оттенкалари миқдори билан белгиланади. А.Потебнянинг таъкидлашича, қаратқич келишигининг ҳар бир янги қўлланилиши янги келишикни ҳосил

килади. Бу билан лексик сатҳдаги кўпмаънолилик, полисемияни инкор қилиш концепцияси грамматик сатҳга ҳам кўчирилади. У грамматик шаклга ўз нуқтаи назаридан ёндашган ҳолда, шакллилик грамматик шаклга эга бўлиш ёки бўлмасликдан қатъи назар, ҳар қандай тилга хос хусусият эканини баён қилади.

Грамматик категория, А.Потебня фикрига кўра, сўзнинг лексик маъноси билан боғлиқ. Чунки лексик ва шаклий маъно бир тафаккур актини ҳосил қилади. Грамматик ва лексик маънолар тадқиқотчи томонидан сўз тадқиқот объектига айлантирилгандагина бир-биридан ажратилади. Сўзлаш жараёнида эса улар бир бутун ҳолда бўлади.

А.Потебня грамматик шакл ҳақидаги қарашларининг муҳим жиҳати яна шундаки, у грамматик шаклнинг муайян шароитда товуш ифодасига эга бўлмаслиги эҳтимолини кўрсатади.

Бундай ҳолларда грамматик маъно ташқи шаклга (ташқи таянч нуқтага) эҳтиёж сезмаслиги, у бу шаклсиз ҳам кучли экани, бошқа нозик воситалар ёрдамида, хусусан, сўзнинг нутқ жараёнидаги ўрнини билиш ёрдамида идрок қилинади.¹ Англашиладики, А.Потебня талқинида грамматик шакл сўзнинг нафақат шаклий воситалари, балки синтактик алоқалари ёрдамида ҳам ифодаланади. Грамматик шаклни семантик ва синтактик элементларнинг синтези сифатида тушуниши А.Потебнянинг грамматик шакл ҳақидаги қарашларини грамматик шакл фақат аффикслар ёрдамида ифодаланади деган замондош тилшунослар қарашларидан тубдан фарқлаб турар эди.

Унинг таъкидлашича, грамматик шакллар тилда қатъий системани ҳосил қилади. А.Потебнянинг ютуғи шундаки, у грамматик шаклни системадан ажралган алоҳида сўз орқали эмас, балки бошқа шундай шаклга эга бўлган сўзга зидлаш, қиёслаш орқали тушунтиради. Хусусан, рус тилидаги *кончил* сўзининг “тугалланганлик” маъноси шу сўзнинг “тугалланмаганлик” маъносига эга бўлган *кончал* сўзига қиёслагандагина маълум бўлади. Демак, грамматик шакл сўзнинг бир шаклини бошқасига зидлаш орқали ажралиши ҳам мумкинлиги кўрсатилади.

А.Потебня сўз туркумлари ҳақида ҳам қимматли фикрларни баён қилади. У сўзни тарихий, динамик категория эканини эътироф этади. Шу сабабли ҳам сўзнинг тарихий тараққиёт жараёнида бир қанча босқичларни босиб ўтгани кўрсатилади. Унинг таъкидлашича, сўз тил тараққиётининг илк босқичида от, сифат, феъл сингари шаклий фарқланишларга эга бўлмаган. Ибтидоий сўз фақат бир белгини ифодалаган. Буни у сифатдош деб тахмин қилади ва бу сўзда феъл ҳамда исм (от, сифат, сон)ларга хос грамматик категорияларнинг синкретизми мавжуд бўлганини кўрсатади. Кейинчалик сифатдошдан исмлар ва феъллар ажралиб чиққан. Сифат ва от исмлардан ажралиб чиққани учун бир-бирига жуда яқин. Уларнинг яқинлиги қачонлардир бир асосдан келиб чиққани билангина эмас, балки ҳар иккаласи ҳам белгини ифодалаши билан изоҳланади. Масалан, *ёрқин қуёш* деганда ёрқинлик белгиси қуёшнинг ўзида мавжуддир. Лекин сифат фақат

белгинигина эмас, балки нисбатланмаган (аслий), масалан, оқ; ва нисбий (оталарча) сифат (качество)ларни ҳам билдиради.

Сифатларни муайян вазифага хосланишига кўра атрибутив (белый снег) ва предикатив (снег бел, бумага бела) турларга ажратади. Кўринадик, рус тилидаги сифатларни бундай турга ажратишда морфологик ва синтактик асос бор.

А.Потебня феълнинг сифатдошдан келиб чиққанини, унинг характерли белгиси белгини замон нуктаи назардан ифодалашни, сифатдошдан предикативликка хосланиш хусусияти билан фарқланишини баён қилади. От ва феъл равишдошдан бир вақтда ажралганини таъкидлайди.

У сўз туркумланини ажратишда кўпроқ синтактик позицияга эътибор қаратади. Хусусан, равишни алоҳида сўз туркуми сифатида ажратар экан, унинг характерли белгиси сифатида белгининг белгисини билдириши ва ҳол вазифасида келишини таъкидлайди. Сифатдош билан белгининг белгисини мослашмаган ҳолда ифодалашини баён қилади.

А.Потебня инфинитивларни алоҳида сўз туркуми сифатида ажратади. Унинг таъкидлашича, инфинитив феълнинг қадимийроқ шаклидир, у аввал отлик хусусиятига эга бўлган, кейинчалик ўзининг субстанциясини йўқотса ҳам, феъл билан қўшилиб кетмаган.

А.Потебня сўзларнинг ўзаро муносабатига кўпроқ эътибор қаратади. Чунки тилнинг ҳақиқий реаллиги нутқ жараёнидир, деб қарайди. Шунинг учун ҳам унинг ижодида синтаксис масалалари алоҳида ўрин эгаллайди. Морфология муаммолари ҳам синтаксисга боғлиқ равишда ҳал қилинади.

Гап бўлаклари ажратишда сўз туркумларига таяниш лозимлиги, бу категориялар бир-бирини тақозо қилишини, грамматик категориялар тарихи гап тарихи билан алоқадор эканлигини таъкидлайди.

Гапнинг муҳим белгиси сифатида предикативлик эътироф этилади. Предикативлик деганда эса кесимнинг эга билан боғланиш қобилияти тушунилади.

Предикативликни ташувчи муҳим бўлак кесим саналади. Шунинг учун гапда кўп ҳолларда эга тушиб қолиши мумкинлиги, лекин кесимнинг ҳеч қачон тушиб қолмаслиги, кесимсиз гап бўлмаслиги баён этилади. Потебнянинг бу фикри бугунги кунда ҳам долзарблигини йўқотгани йўқ. Бу ҳога ҳозирги ўзбек тилшунослари томонидан ўзбек тили материаллари асосида ривожлантирилмоқда. Кесим учун хосланган энг муҳим сўз туркуми тусланган феъл, яъни *verbum finitum* эканлиги, шунинг учун унинг ўзи ҳам энг кичик гап ҳисобланишини, феълнинг аниқланиши минимум гапнинг аниқланиши, бошқа барча сўз туркумлари ва гап бўлаклари унга бўлган муносабатларига кўра белгиланиши баён қилинади.

Бу фикрларга таяниб француз тилшуноси Л.Теньернинг “гап структураси тугунлар шажарасидан ташкил топади”, деган концепцияси А.Потебнянинг гап маркази ҳақидаги қарашини натижасидир, дейиш мумкин.

А.Потебня гапни тарихий феномен эканини эътироф этган ҳолда тил таракқиётининг кўп босқичли (стадиал) назариясини олға сурди. Хусусан,

гапни тарихий нуқтаи назардан ўрганиб, унинг икки босқични босиб ўтганини айтади: 1) **отли** (от асосли) гаплар даври; 2) **фёлли** (фёл асосли) гаплар даври. Унинг фикрича, *у овчи* типигаги гаплар қадимийроқ бўлиб, *овчи* фёл ва от белгисини билдирган составли кесимнинг бир қисмини ташкил қилади.

Шундай қилиб, А.Потебня тил структурасининг деярли барча сатҳ бирликлари ҳақида фикр юритган буюк тилшунослардан биридир. Унинг бир қатор ғоялари бугунги кунда ҳам аҳамиятини йўқотгани йўқ.

ЁШ ГРАММАТИКАЧИЛАР МАКТАБИ

XIX аср қиёсий-тарихий тилшунослигига оид эмпирик тадқиқотларни ва тил фалсафаси тараққиётини айрим муаллифлар уч даврга бўладилар:

1. Қиёсий-тарихий тилшуносликнинг бошланғич даври. Бу даврга Ф.Бопп, Я.Гримм, Р.Раск сингари олимларнинг тадқиқотлари мансубдир. В.Гумбольдтнинг тил фалсафаси ҳам қисман ана шу даврга мувофиқ келади.

2. Қиёсий-тарихий тилшуносликнинг тўлиқ қарор топган даври. А.Шлейхер бу даврнинг йирик фигурасидир. А.Шлейхер қарашларининг фалсафий асоси натурализм ҳисобланади.

3. Ёш грамматикачилар йўналиши. Бу йўналишнинг фалсафий асоси психологизм саналади.

Тилшунослик тарихида ёш грамматикачилар мактаби лингвистика фани тараққиётининг ички эҳтиёжи, XIX асрнинг 60-йилларида компаративистика кириб қолган боши берк кўчадан чиқиш йўллари ахтариш зарурияти туфайли майдонга келди.

XIX асрнинг 70-80-йиллари Германияда қиёсий-тарихий тилшуносликнинг Ф.Бопп, Я.Гримм, А.Шлейхер сингари вакиллари қарашларини кескин танқид қилган ҳолда янги йўналиш куртак ота бошлади.

Эски авлоднинг илмий меросига кескин танқидий муносабатда бўлганини эътиборга олиб, кекса авлод вакиллари тилшуносликнинг янги босқичи вакиллари масхараомуз тарзда “ёш грамматикачи”лар деб номладилар. Ёш авлод эса буни йўналишнинг асосий номи қилиб олдилар.

Ёш грамматикачилар йўналишининг шаклланиши К.Бругман (1849 – 1919), Г.Остхаф (1847 – 1909), Г.Пауль (1846 – 1921), Б.Дельбрюк (1842 – 1922), А.Лескин (1840 – 1916) сингари Лейпциг университети олимлари номи билан боғлиқдир. Шунинг учун ҳам бу йўналиш тилшуносликнинг Лейпциг мактаби деб ҳам номланади.

Германиядаги тилшуносларнинг бу йўналишга муносабати бир хил бўлмаган. Бу даврда Германияда ёш грамматикачилардан ташқари бир қанча лингвистик йўналишлар фаолият кўрсатди. Шунинг учун ҳам академик И.В.Ягич: «Бу мамлакатда нечта университет бўлса, шунча лингвистик мактаблар мавжуд», – дейди.

Лекин кейинчалик Германиядаги бошқа лингвистик мактаб вакиллари ҳам ёш грамматикачилар томонига ўтдилар. Шу билан бирга бу мактаб қарашлари бир қатор Оврўпа тилшуносларига ҳам таъсир қилди.

Ёш грамматикачиларнинг ўзига хос хусусиятлари нима эди? деган савол туғилиши табиий. Ёш грамматикачилар қарашларининг назарий умумлашмалари Г.Паулнинг “Тил тарихи тамойиллари” асарида баён қилинган.

Ёш грамматикачилар қарашларининг асосий нуқталари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

1. Қиёсий-тарихий тилшуносликнинг энг катта камчилиги шундан иборатки, улар тилларни қиёслаб ўрганишга, бобо тил шаклларини хаёлан тиклашга асосий эътиборни қаратдилар, лекин сўзловчи шахснинг ўзи назардан четда қолди. Сўзловчининг лисоний фаолият механизми, психологияси, тилнинг ички тараққиёти сингари масалаларга эътибор қаратилмади.

Қиёсий-тарихий тилшуносликнинг ана шу камчиликларини эътиборга олган ҳолда Бругман ва Остхафлар, энг аввало, лингвистиканинг тадқиқот объектини ўзгартиришни маслаҳат берадилар. Уларнинг фикрича, тилларни қиёсий ўрганаётган олим уларнинг бобо тил ҳолатини тиклашга эмас, балки ҳозирги ҳолатини тадқиқ этишга асосий эътиборни қаратиши керак.

2. Натижада ёш грамматикачилар тилни организмнинг психофизиологик фаолияти сифати талқин этдилар. Бундай талқин тилшунослик методологиясининг ўзгаришига олиб келди. Яъни эски ёзма ёдгорликлар тилини эмас, балки сўзлашаётган кишилар нутқини ўрганиш ва тил тарихи таҳлили давомида фонетик қонуниятлар ҳамда аналогияларни эътиборга олиш лозим, деб ҳисобладилар.

3. Тилшуносликда тадқиқот объектининг ўзгариши назарий асоснинг ўзгаришига олиб келди. Уларнинг методологик тамойилида тил фақат ўзи учун яшайдиган инсондан ташқаридаги, унинг устида турувчи нарса эмас, балки фақат индивидда мавжуддир деган ғоя асосий ўринга чиқди. Шунинг учун тилдаги ҳар қандай ўзгариш фақат сўзловчи шахси билан боғлиқ деб ҳисобладилар.

XIX асрнинг 80-йилларидан бошлаб алоҳида лингвистик оқим сифатида эътироф этилган ва 50-йиллар атрофида катта илмий куч сифатида фаолият кўрсатган ёш грамматикачилар тилшунослик тарихида илмий маҳсулотларининг кўплиги, илмий текшириш методининг етуклиги ва тил амалиётига таъсирининг кучлилиги жиҳатидан XIX аср ва XX аср бошларида мавжуд бўлган лингвистик оқимлар ичида тенги йўқ саналади.¹

4. Ёш грамматикачилар бир қанча тиллар мисолида жуда катта фактик материалларни тўплаб, системалаштириб бердилар. Бу билан тилшуносликнинг амалий томонини ривожлантиришга, янги-янги лингвистик йўналишларнинг майдонга келишига замин ҳозирладилар. Натижада тилшуносликда диалектология, лингвистик география йўналишлари вужудга келди. Уларнинг фаолияти туфайли фонетика,

хусусан, экспериментал фонетика соҳасида ва фонетик қонуниятларни англаш борасида катта муваффақиятларга эришилди.

5. Ёш грамматикачилар тилшуносликнинг бевосита ўрганиш объекти нутқий жараён, индивидуал нутқ эканлигини эътироф этганлари туфайли, у билан боғлиқ бўлган қатор масалаларни, хусусан, нутқий жараёнда индивидуаллик-социаллик муносабатини, индивидуал нутқ, меъёр ва тил тузилиши масалаларини кўтариб чиқдилар.

Шундай бўлишига қарамай, уларнинг қарашларидаги бир қатор масалалар баҳсталаб ва етарли илмий асосини топмаган эди. Улар моддий томондан фақат алоҳида индивидлар тилигина мавжуддир, деган ғояни ўзларига методологик тамойил қилиб олиш билан индивидуал психологияни тилшуносликнинг назарий асоси сифатида эътироф этдилар. Натижада илмий абстракцияга, тил онтологиясининг илмий талқинига эътибор берилмади.

Тил бирликларининг ўзаро муносабати, тилнинг функционаллашувида экстралингвистик омилларнинг аҳамияти: тилларнинг бир-бирига таъсири, диалектларнинг ўзаро алоқалари, ёзув анъанасининг тилга таъсири каби масалалар ёш грамматикачилар назаридан четда қолди.

Ёш грамматикачилар ўз назариясининг индуктив характерини доимо таъкидлаганлари ҳолда, тил назарияси билан боғлиқ бўлган қатор муаммоларни муҳокама қилишни, тилнинг фалсафий масалалари билан шуғулланишни ортиқча деб билдилар.

XIX асрнинг ўрталарида табиий фанларда қўлга киритилган ютуқлар барча соҳаларга катта таъсир қилди. Турли фан тармоқларида математик амаллардан кенг фойдаланишга ўтилди. Бевосита кузатишда берилган ҳодисаларни фақат рўйхатга олиш билангина чекланмасдан, уларни умумлаштиришга, улар замирида ётган моҳиятларни аниқлашга ўтиш ҳаракати туфайли дедуктив тамойил авж ола бошлади. Бундай янги тамойилнинг асосий белгилари Бодуэн де Куртенэ асарларида намоён бўлди. Натижада соф эмпирик, индуктив тамойил билан иш кўрувчи ёш грамматикачилар қарашлари бир қатор олимлар томонидан танқидий баҳолана бошлади. Ана шундай ёшларнинг энг кўзга кўринган вакиллари билан бири Иван Александрович Бодуэн де Куртенэдир.

Бу даврга келиб ёш грамматикачиларга хос бўлган тил ҳодисаларини автоном ҳолда аналитик ўрганиш ўрнини улар ўртасидаги муносабатни тадқиқ этиш ҳаракатлари эгаллай бошлади.

Ф.Ф.ФОРТУНАТОВНИНГ ЛИНГВИСТИК ҚАРАШЛАРИ

Ҳаёти ва илмий фаолияти

Москва формал мактаби номи билан машҳур бўлган илмий мактабнинг отаси машҳур рус тилшуноси Ф.Ф.Фортунатов (1848 – 1914) ҳисобланади. У 1848 йилда Вологда шаҳрида туғилган. 1864 йил Москвадаги 2-гимназияни тугатган. Шу йили Москва университетининг тарих-филология факультетига қабул қилинади. 1868 йилда уни муваффақиятли битиргач, магистрлик

имтиҳонига тайёргарлик кўриш учун университетда қолдирилади. 1871 йили магистрлик имтиҳонини топширган Ф.Фортунатов 1873 йилгача Германия, Англия, Францияга илмий сафарга юборилади ва у ерда қадимги ҳинд достони – ведаларни ўрганиш билан бирга, Лейпцигда Г.Курциус ва А.Лескин, Парижда М.Бреалнинг маърузаларини тинглайди. 1875 йилда ведаларнинг рус тилига таржимаси ва қисман изоҳини ўз ичига олган “Самоведа” бўйича магистрлик диссертациясини ёқлайди. Диссертацияга “Ҳинд-оврўпа тилларининг қиёсий грамматикасидан бир неча саҳифалар” мавзусидаги кичик илмий тадқиқотни ҳам илова қилади.

Магистрлик диссертацияси ҳимоясидан сўнг профессорлар Ф.Е.Корш ва Ф.И.Буслаевларнинг таклифи билан Москва университети ҳинд-оврўпа тилларининг қиёсий грамматикаси кафедрасига профессор бўлиб сайланди. Москва университетидagi фаолияти 1902 йилга қадар давом этди. 1902 йилда Россия Фанлар Академияси аъзолигига сайланиб, Петербургга келади. То умрининг охирига қадар академиянинг рус тили ва адабиёти бўлимида илмий фаолият олиб боради. Москва университетида гот, литва, эски славян тиллари, санскрит, умумий тилшунослик, ҳинд-оврўпа тиллари қиёсий фонетикаси ва морфологияси каби курслардан маърузалар ўқийди. Ана шу университетда ўзининг илмий мактабини яратди. Е.Ф.Будде, В.М.Истрин, Б.М.Ляпунов, М.М.Покровский, В.К.Порзежинский, А.И.Томсон, Д.Н.Ушаков, М.Фасмер, А.А.Шахматов сингари рус олимлари, сербиялик А.И.Белич, руминиялик И.Богдан, норвегиялик О.Брок ва Торнбьёрссон, франциялик П.Буайе, финляндиялик И.Миккола, даниялик Х.Педерсон, германиялик Ф.Сольмсен ва Э.Бернехер сингари олимлар бу мактабнинг аъзолари ҳисобланади.

Университетда ўқиган маърузаларида Ф.Фортунатов ўз лингвистик таълимотининг асосий жиҳатларини баён қилган эди. Лекин унинг илмий концепцияси яхлит ҳолда китоб бўлиб нашр қилинмади. Фақат маърузалари литографик йўл билан нашр юзини кўрди. Бунга олимнинг ўзига нисбатан ғоят талабчанлиги сабаб бўлгандир. Фақат ўлимидан сўнг шогирдлари М.М.Покровский, Б.М.Ляпунов ва М.Н.Петерсонлар томонидан университетда ўқиган тўртта маърузалар курси асосида “Танланган асарлар” номи билан илмий мероси нашр этилди. Юқорида таъкидланганидек, Ф.Фортунатов илмий мақолалар миқдори ортидан ҳам қувмади. Профессор В.К.Порзежинскийнинг ҳисобига кўра, Ф.Фортунатов магистрлик диссертацияси ва айрим асарларга ёзган тақризларини ҳам қўшиб ҳисоблаганда, 35 номдаги асар қолдирган. Уларнинг айримлари 3-4 саҳифадан иборат бўлган. М.Н.Петерсоннинг таъкидлашича, миқдор жиҳатдан оз ва ҳажм жиҳатдан кичкина кўрингани билан уларда жуда катта илмий ғоялар ўртага ташланган.

Ф.Фортунатовнинг замондошлари унинг илмий асарлари лингвистика фани тараққиёти учун катта аҳамиятга эга эканини тезда англаб етдилар, Киев ҳамда Москва университетларининг тавсияси билан 1884 йил унга қиёсий тилшунослик бўйича ҳимоясиз фахрий докторлик илмий даражаси

берилди. 1898 йилда эса Ф.Фортунатов асарларининг Россия ва Оврўпадаги қиёсий-тарихий ва славян тилшунослиги ривожини учун катта аҳамиятга эгаллигини эътиборга олиб, уни Россия Фанлар академияси аъзолигига сайладилар. Кейинроқ у Сербия Қироллик академиясининг, Фин-Угор жамиятининг (Финляндия) ҳақиқий аъзолари бўлди.

Ф.Фортунатовнинг илмий меросига шогирди А.А.Шахматов юқори баҳо берди. У устозининг ғоялари, баён усулларидан мағрурланган ҳолда, гарчи ўша даврда немис лингвистикаси энг олдинги ўринларда турса ҳам, Ф.Фортунатовни “немис лингвистикасидан олдинда юрган”лигини баён қилади.

Ф.Фортунатов лингвистик концепциясининг фалсафий асослари

Ф.Фортунатов бир қатор асарларида ва маърузаларида тилшуносликнинг фалсафий масалалари юзасидан фикрларни ўртага ташлади. Улардан энг муҳими тил ва тафаккур муаммоси саналади. Унинг фикрича, фақат тил тафаккурга боғлиқ бўлиб қолмасдан, тафаккур ҳам тил билан боғлиқдир. Тафаккур жараёни бир фикрнинг таркибий қисми бўлган тасаввур (соғда ва мураккаб) ўртасидаги муносабат ҳиссининг туғилишидан ташкил топишини таъкидлайди. Бир тасаввурнинг иккинчи тасаввур билан муносабатидан ташкил топган алоҳида фикр ҳукми саналади. Ҳукм таркибидан *эга* ва *кесим* ажралади. Ҳукм жараёни бошланган тасаввур ҳукм эгаси, ҳукм эгаси орқали ифодаланган фикр предмети ҳақидаги тасаввур кесим ҳисобланади.

Ф.Фортунатов тил ва тафаккурнинг узвий алоқадорлигига асосланган ҳолда, мантикий ва лингвистик категорияларни тенглаштиради. “Тафаккур ва нутқ жараёнида тил” асарида ҳукмни сўз тасаввурлари орқали изоҳлаган ҳолда уни икки гуруҳга бўлади: а) ҳукмнинг ҳар икки қисми сўз тасаввурлари бўлган тури; б) сўз тасаввури фақат ҳукмнинг бир аъзосини ҳосил қилган тури. Бошқача айтганда, ҳукмнинг ҳар икки аъзоси сўзлар орқали ифодаланиши ва ҳукмнинг фақат битта аъзоси сўз орқали ифодаланиши. Масалан, *қуш учяпти* (птица летит) орқали ифодаланган ҳукмнинг ҳар иккиси икки сўз тасаввурига эга. Бундан ташқари *қуш, учяпти* қисмлари орқали ҳам ҳукм ифодаланиши мумкин. Бундай вақтда ҳукмнинг иккинчи қисми сўз тасаввури орқали эмас, фикр предмети орқали маълум бўлади. Ана шу асосда ҳукм иккига ажратилади: а) нутқда тугалланган ҳукм; б) нутқда тугалланмаган ҳукм. Ҳукм гапга тенглаштирилган ҳолда, тил нуқтаи назаридан *тўлиқ*, яъни нутқда тугалланган ҳукм ва *тўлиқсиз*, яъни нутқда тугалланмаган ҳукмларга бўлинади. Бу ҳақда у қуйидагича ёзади. “...Мен *тўғри* деб гапирсам, бу сўз тўлиқсиз гап бўлади. Чунки унда ҳукмнинг бир қисми ифодаланган. Бу – *тўғри* бирикмаси эса тўлиқ гап бўлади. Чунки унда ҳукмнинг ҳар икки аъзоси берилган.”

Шунингдек, ҳукмнинг тасдиқ ва инкор турларига мувофиқ, гаплар ҳам тасдиқ ва инкор гапларга ажратилади.

Ҳар қандай шахс ўз фикрини турли мақсадда ифодалайди:

- 1) ўз фикрини бошқасига баён қилиш;
- 2) бирор нарсага даъват қилиш;
- 3) бошқалардан бирор нарсани сўраш.

Шунга мувофиқ, гаплар ҳам уч турга ажратилади:

а) дарак гаплар; б) буйруқ гаплар (соф буйруқ ва буйруқ-илтимос); с) сўроқ гаплар.

Сўзловчи фикрини эмоция билан баён қилиши мумкин. Бундай вақтда фикрга ҳаяжон қўшилади ва у ундов нутқ саналади. Масалан, *Молодец!* “Офарин!”.

Ф.Фортунатовнинг сўз ва сўз шакли ҳақидаги таълимоти

Ф.Фортунатов таълимотида сўзга алоҳида эътибор қаратилади. У сўз атамаси остида: а) тил бирлиги ҳисобланган; б) нутқ жараёнида бир бирига боғланган сўзни тушунади. Биринчиси учун “алоҳида сўз” атамасини ҳам қўллайди. Унинг таъкидлашича: «Тил сўзлардан ташкил топади. Сўзлар эса, баъзиларидан ташқари, гапда ўзаро боғланган ҳолда намоён бўлади». Шунга мувофиқ, сўзни “алоҳида сўз” ва “сўз бирикмалари”га бўлади. Бу ҳақда у қуйидагиларни ёзади: “...Тилдаги сўзлар таркибидан биз алоҳида ва бирикма ичида келган сўзни фарқлашимиз керак. Гап таркибида бир сўзнинг бошқаси билан бирикиши алоҳида сўздан фарқланган ҳолда сўз бирикмаси деб номланган нарсани ҳосил қилади”.

Ф.Фортунатов алоҳида сўзни нутқ жараёнида воқеланган сўздан фарқлар экан, “унинг муҳим белгиси нима?” деган саволга жавоб беради. Унинг фикрича, алоҳида сўз тилда маълум маънога эга бўлган ва бошқасидан фарқлаб турган ҳар қандай товуш саналади. Масалан, рус тилида [а] нутқ товуши алоҳида ҳолда маълум маънони (а боғловчиси) билдиради. Сўз бир ва бир неча товушлардан ташкил топиши мумкин. Бир неча товушлардан, яъни товушлар комплексидан ташкил топганда ҳам алоҳида сўз бошқа товуш комплексидан фарқли бўлган маълум маънони билдиради ва шу маънони ўзгартирмаган ҳолда икки ва ундан ортиқ алоҳида сўзларга бўлинмайди. Масалан, рус тилида *книга* товуш комплекси битта алоҳида сўз саналади, чунки у бошқа алоҳида сўзларга бўлинмайди. Худди шунингдек, *неправда* (ёлғон) товуш комплекси ҳам бир сўз саналади. Бу сўз таркибига кўра мураккаб, чунки аслида икки алоҳида сўздан: *не* ва *правда* сўзларидан ташкил топган бўлса ҳам, улар ҳозирги кунда ўз маъноларини йўқотиб, битта алоҳида сўзга айланган.

У алоҳида сўзларни уч гуруҳга бўлади: 1) тўлиқ (полные); 2) нотўлиқ; 3) ундов.

Фикр предметини ифодалаб, гап таркибида унинг бирор қисми ёки бутун бир гап бўлиб келувчи сўзлар тўлиқ сўзлар ҳисобланади.

Тўлиқ сўзлар таркибидан сўз-номлар (слова-названия) ва сўз-олмошлар ажратилади. Сўз олмошлар нарса ва ходисаларни нутқ моментига нисбатан ифодалайди.

Сўз-номлар вақт белгиси муносабатига кўра икки гуруҳга ажратилади: 1) вақтда ўзгариш белгисига эга бўлган сўз-номлар (ҳаракат, ҳолатни билдирган сўзлар); 2) вақтда ўзгариш белгисини ифодаламайдиган сўз-номлар(сифат, микдор билдирувчи сўзлар).

Нарса, предметни билдирувчи сўз-номлар яна икки турга ажратилади: 1) турдош номлар; 2) атоқли номлар.

Ф.Фортунатов алоҳида тўлиқ сўз шакллари ҳақида батафсил маълумот берадики, бу фикрлар бугунги тилшунослик назарияси учун ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ.

Унинг фикрича, алоҳида тўлиқ сўз шакли деганда, алоҳида сўзнинг сўзловчи онгида асос ва шаклий қисмларга ажралиши тушунилади. Бошқача айтганда, у сўз шакли атамаси остида грамматик маънонинг маълум морфологик воситалар ёрдамида ифодаланишини тушунади. Ф.М.Березиннинг таъкидлашига кўра, грамматик шаклни фақат грамматик маънонинг ташқи ифодаланиши билан чегаралаб қўйиш сўз шакли ҳақидаги Ф.Фортунатов концепциясининг чекланган томонидир.

Нарсаларнинг белгиси бўлиши ёки улар ўртасидаги муносабатни ифодалашига кўра Ф.Фортунатов алоҳида сўз шакллари икки гуруҳга ажратади: а) алоҳида фикр предмети белгисининг шакли (сўз ясалиш шакли); б) гапдаги сўз шакли (сўз ўзгариш шакли)

Ф.Фортунатов сўз ўзгариш шаклини икки категорияга ажратади. Биринчи категорияга феълнинг замон, майл, шахс шакллари киритади. Бунга шакллар эга ва кесим ўртасидаги муносабатларни кўрсатади. Иккинчи категория муайян фикр предметининг бошқа фикр предметига муносабати фарқланишини ифодаловчи шаклларни ўз ичига олади. Ҳинд-оврупо тилларида бундай шаклларга от ва сифатларнинг турланиш шакллари киритилади.

Алоҳида сўз шаклидан ташқари Ф.Фортунатов *сўз бирикмаси шакли*ни ҳам ажратади. Сўз таркиби, бош урғунинг жойлашуви сингарилар сўз бирикмаси шаклига киришини, бундай шакллар хитойча каби алоҳида тўлиқ сўзлари йўқ бўлган тиллар учун хос эканлиги таъкидланади.

У шаклнинг ижобий (положительный) ва салбий (отрицательный) бўлиши мумкинлигини, товуш ифодасига эга бўлган шакл ижобий, товуш ифодасининг иштирок этмаслиги билан ифодаланган шакл салбий бўлишини кўрсатади. Сўзда маълум ижобий шаклнинг иштирок этмаётганини сўзловчи ижобий шаклга эга бўлган бошқа шаклга нисбатлаган ҳолда англайди. Масалан, *уй, одам* сўзлари бош келишик шаклига эга. Шундай шаклга эгалиги ижобий шаклнинг иштирок этмаслиги билан белгиланади. Уй ва одам сўзлари ҳаёлимизда *уй+0, одам+0* қисмларига бўлинади. Худди ана шу

нолларга кўра биз шаклни англаймиз. Сўздаги бундай шаклнинг иштирок этмаслиги тилда аниқ вазифа бажаришини, бош ёки тушум келишигидаги бу сўзнинг бошқа сўзга муносабатини кўрсатиб туришини баён қилади. Бундай вақтда сўзнинг асос ва шаклий қисмлари қандай ажратилади, деган савол туғилиши табиий. Ф.Фортунатовнинг ўқувчиси А.М.Пешковский бу саволга оддийгина қилиб жавоб беради. Унинг фикрича, рус тилидаги *стекло* сўзи хар бир рус тили вакилига *стекл+о* каби икки қисмга ажраладигандай туюлади. Бундай туйғу юқоридаги сўзни унга шаклий ўхшаш бошқа *стекла*, *стеклу* каби сўз шаклларига беихтиёр қиёсланганда пайдо бўлади. Ана шундай қиёс натижасида тил эгалари онгида бу сўзлар учун умумий қисм бўлган *стекл* – ажратилади. Айни пайтда *стекло* сўзи худди шундай шаклга эга бўлган *весло*, *полотно*, *сукно* сингари сўзларга таққосланади. Бу қиёслашдан юқоридаги сўзларнинг ҳаммасида такрорланаётган умумий қисм-*о* ажратилади. Шундай қилиб, *стекло* сўзи *стекл+о* қисмларига ажралиши маълум бўлади. Демак, сўз шаклга эга бўлиш учун сўзда маъно ва товуш томондан бир хил бўлган иккита қатор мавжуд бўлиши керак:

<i>стекл</i>	<i>о,</i>	<i>окно, сукно</i>
<i>стекл</i>	<i>а,</i>	
<i>стекл</i>	<i>янный</i>	
<i>стекл</i>	<i>яшка</i>	
<i>стекл</i>	<i>ышко</i>	

Бу қаторлардан биттасида, яъни горизонтал қаторида шаклий қисм бир, асос қисм бошқа, иккинчи қатор, яъни вертикал қаторда асос қисм бир, шаклий қисм бошқадир. Асос ва шаклий қисмларни ана шундай икки хил қиёслаш ёки зидлаш асосида сўзларни қисмларга бўлиш мумкин.

Грамматика Ф.Фортунатов томонидан морфология ва синтаксисга бўлинади. Морфология алоҳида сўзларнинг муносабатини, синтаксис эса алоҳида сўз шаклининг сўз бирикмаси таркибида қўлланилишини ўрганишини таъкидлайди. Бошқача айтганда, морфология сўзларнинг грамматик синфларини (категорияларини), синтаксис эса сўз бирикмаси таркибидаги алоҳида сўз шаклларини ўрганади. Алоҳида тўлиқ сўзда ўзгартирувчи ва ясовчи шаклларнинг мавжуд ёки мавжуд эмаслигига кўра, сўзларнинг грамматик ва нограмматик синфларини ажратади. Грамматик синф атамаси остида ўзаро маъно мувофиқлигига эга бўлган битта умумий шакл остидаги сўзлар гуруҳи тушунилади. Грамматик синфга нограмматик синф қарама-қарши қўйилади. Нограмматик синфга фикр предметини (стол) ёки бу предметларнинг белгилар йиғиндисини (оклик) билдирувчи сўз-номлар, *мен*, *сен*, бу сингари сўз-олмошлар, фикр предметининг нутққа муносабатини билдирувчи *который* сингари сўзлар киришини таъкидлайди. Кўринадики, Ф.Фортунатовнинг нограмматик сўзлар синфи жуда ноаниқ бўлиб, *стол* типидagi сўзлар ҳам унинг таркибидан ўрин олади.

Ф.Фортунатов сўз туркумларининг анъанавий таснифида грамматик ва нограмматик сўзлар синфи аралашиб кетганлигига танқидий баҳо берган ҳолда сўздаги шаклнинг мавжуд ёки мавжуд эмаслигига асосланган таснифни тавсия этади. Ф.Фортунатов талқинига кўра, маъносига, гапда бошқа сўзлар билан боғланиш қобилятига ва маълум синтактик вазифа бажаришига кўра фарқланадиган сўзлар синфи **сўз туркумлари** ҳисобланади. Сўз туркумларининг синтактик хусусияти шу тилнинг тузилиши билан, морфологик хусусияти эса грамматик шаклларнинг бутун системаси билан белгиланади. Ф.Фортунатов сўз туркумларига сўзларнинг соф шаклий синфи сифатида қарайди. Шунинг учун сўз туркумлари таснифида шакл белгиси етакчилик қилади. У, энг аввало, сўзларни юқорида таъкидланганидек, тўлиқ, нотўлиқ ва ундов сўзларга бўлади. Тўлиқ (мустақил) сўзларни, ўз навбатида, сўз ўзгартирувчи шаклларга эга бўлган ва эга бўлмаган гуруҳларга ажратади.

Сўз ўзгартирувчи шаклларга эга бўлган сўзларни турловчи шаклга (отлар) ва тусловчи шаклга (феъллар), шунингдек, жинсда мослашув шаклига эга бўлган (сифат) сўзларга бўлади. Иккинчи турдаги сўзларни сўз ясалиш шаклига эга бўлган сўзлар (равишларнинг кўпчилик қисми) ва шаклга эга бўлмаган сўзлар (айрим равишлар ва айрим сонлар)га ажратади.

Кўринадики, Ф.Фортунатов таснифида олмош ва сон мустақил сўзлар сирасига киритилмайди. Равишдош ва инфинитив равиш билан бир категорияга киритилади, яъни сўз ясалиш шаклига ҳам, сўз ўзгариш шаклига ҳам эга бўлмаган сўзлар ҳисобланади.

Шундай қилиб, сўз туркумларининг бундай бир белгига асосланган шаклий таснифида асосий ўлчов сифатида сўзда аффикснинг бор-йўқлиги эътиборга олинади.

Алоҳида сўзлар тўлиқ сўзлар (полные) билан бирга ёрдамчи (частичный) сўзларни ҳам ўз ичига олади. Алоҳида сўзни ажратишга қўлланилган белги ёрдамчи сўзларга ҳам дахлдордир. Яъни бошқасидан фарқ қилувчи маънога эга бўлган товуш ёки товушлар комплекси алоҳида сўз саналади. Масалан, рус тилидаги *а, и, ли* кабиларнинг ҳар қайсиси алоҳида сўз саналади. Ёрдамчи сўзларнинг тўлиқ сўздан фарқи шундаки, ёрдамчи сўзларнинг маъноси тўлиқ сўзнинг маъносидан алоҳида мавжуд бўлмайди. Бундай сўзлар тўлиқ сўзлар ёки гап билан бирга келиб, қандайдир маъно ифодалайди.

Ёрдамчи сўзлар маъносига кўра қуйидаги синфларга бўлинади:

- бирлаштирувчи (соединительные) сўзлар. Бундай сўзлар ўз навбатида а) кўмакчилар; б) боғламалар; в) боғловчиларга бўлинади.
- кучайтирувчи сўзлар (масалан, рус тилидаги *то: я-то*)
- тасдиқ ва инкор сўзлар (ҳа, йўқ)
- гапга сўзловчининг маълум муносабатини билдирувчи сўзлар (албатта, эҳтимол).

Ф.Фортунатовнинг таъкидлашича, ёрдамчи (частичные) сўзлар баъзан тўлиқ сўзга айланиши, тўғрироғи, тўлиқ сўз ўрнида қўлланилиши мумкин.

Масалан, *Он сказал да, Он сказал нет* гапларида *да, нет* сўзлари тўлиқ сўзлар ҳисобланади.

Шунингдек, алоҳида сўзларнинг бир синфи сифатида ундовлар ҳам ажратилади.

Ундовлар ёрдамчи (частичные) сўзлардан ҳам, тўлиқ сўзлардан ҳам фарқланади. У ҳиссиёт билдириши билан характерланади. Унинг фикрича, ундовлар ҳам худди ёрдамчи (нотўлиқ) сўзларга ўхшаб, гап ичида тўлиқ сўз ўрнида қўлланилиши мумкин. Масалан, рус тилидаги *Он воскликнул ах!* («У оҳ тортди») гапида *ах* ундов эмас, балки, тўлиқ сўз эканлигини баён қилади.

Ф.Фортунатовнинг сўз туркумлари таснифини жадвал орқали қуйидагича кўрсатиш мумкин:

Шу билан бирга, сўзларни таркибий нуқтаи назардан ҳам турларга бўлади. Бунга мувофиқ:

- 1) содда (слитные);
 - 2) такрор (большой-большой («жуда катта»), красный-красный («жуда қизил»);
 - 3) грамматик мураккаб;
 - 4) составли
- сўзларга бўлинади.

Ф.Фортунатовнинг лингвистик концепциясида сўз бирикмаси тушунчаси ҳам марказий ўрин эгаллайди. У бу тушунча остида бир алоҳида тўлиқ сўз билан бошқа шундай алоҳида тўлиқ сўз муносабатидан ҳосил бўлган мазмуний бутунликни тушунади. Бу бутунлик бир бутун психологик ҳукм ҳам, унинг бир қисми ҳам бўлиши мумкинлиги баён қилинади. Демак, гап ҳам сўз бирикмасининг ҳукми ифодаловчи тури ҳисобланади. Шунинг

учун психологик ҳукм тафаккурдаги гап саналса, сўз бирикмаси нутқдаги гап ҳисобланади.

Ф.Фортунатовнинг сўз бирикмаси билан гапни бир-биридан фарқламаслиги ўша даврда синтактик назариянинг эндигина оёққа тураётганлиги билан белгиланади.

Шунингдек, Ф.Фортунатов сўз-гапларнинг ҳинд-оврупо тилларида икки –тури: шахсли ва шахссиз тури мавжудлигини кўрсатади. Хусусан, иккинчи шахс буйруқ шаклидаги феъл шахсли сўз-гап саналади. Масалан, *кел* (иди) сўзи шаклий жиҳатдан бир бутун шахсли гапни ҳосил қилади. Унинг нотўлиқ ифодаланган эгаси (сен) мавжуд. *Кел* билан *сен кел* ўртасида, унинг фикрича, маълум фарқ бор. *Кел*, биринчидан, сўз-гап, *сен кел* эса тўлиқ гап. Иккинчидан, *келда* буйруқ маъноси кучли, *сен келда* бу маъно кучсизлашади.

Шахссиз сўз-гаплар деганда биринчи ва иккинчи шахсда қўлланилмай, доимо учинчи шахсда қўлланиладиган *светает*, *морозить* сингари феъллар тушунилади. Унинг фикрича, *морозить* сўз-гапида «ҳозир совуқ ҳукм сурмоқда» маъноси мавжуд.

Ф.Фортунатов тилларнинг генеологик таснифи бўйича ҳам ўз фикрини баён қилди. У дунё тилларини генеологик нуқтаи назаридан икки катта гуруҳга бўлади: а) ҳинд-оврупо (ҳинд-герман) тиллари; б) ҳинд-оврупо тилларидан бошқа тиллар.

Ҳинд-оврупо (немис тилшунослари бу оилани ҳинд-герман тиллари оиласи деб номлайдилар) тиллари оиласига ўнта тил тармоқлари киритилади:

- 1) ҳинд;
- 2) эрон;
- 3) арман;
- 4) албан;
- 5) юнон;
- 6) италия;
- 7) кельт;
- 8) немис ёки герман;
- 9) литва ёки балти;
- 10) славян.

Қолган тиллар *урал-олтой* умумий номи остида бирлаштирилади ва қуйидаги бешта кичик тил оилаларига бўлинади:

- 1) самоед тили (Оврўпо ва Осиёда жойлашган);
- 2) фин (Оврўпо);
- 3) турк-татар (Оврўпо ва Осиёда);
- 4) мўғул (Осиёда);
- 5) тунгус ёки манжур (Осиё).

Булардан ташқари Кавказдаги тиллар, Осиёдаги сомиий тиллари, Африкадаги ҳомий ва бошқа тиллар, Америка қутбида жойлашган эскимос, алеут сингари тиллар ҳам тасниф қилинади. Ҳинд-оврўпо тилларини қиёсий-

тарихий ўрганишда Джонс, Ф.Бопп, Ф.Шлегель, Я.Гриммларнинг хизматларига баҳо берилади.¹

Шунингдек, олим тилларнинг морфологик таснифи бўйича ҳам кимматли фикрларни билдиради. У морфологик нуқтаи назардан тилларни *агглютинатив* (лот. *gliten*-“клей”, *glutinare*- “клеялаш”), *флектив* ва *ўзак* тилларга бўлади.² Кўринадики, бу таснифда у ўзигача бўлган машҳур тилшунослар Ф.Бопп, В.Гумбольдт, А.Потебняларнинг ғояларига асосланади.

И.А.БОДУЭН ДЕ КУРТЕНЭНИНГ ЛИНГВИСТИК ҚАРАШЛАРИ Ҳаёти ва ижодий фаолияти

Тилшунослик тарихида поляк ва рус олими И.А.Бодуэн де Куртенэнинг (1845 – 1929) алоҳида ўрни бор. У болалик даврида тилларни ўрганишга ва тилшунослик фанига меҳр қўйди. Ўн олти ёшида Варшава Бош мактаби (университети)га ўқишга кирди ва у ерда санскрит, литва ва славян тилларини ўрганишга астойдил бел боғлади.

Бош мактабни битиргач, 1866 йилда хорижга илмий сафарга юборилади. Прага, Иен, Берлин шаҳарларидан сўнг Петербургга келади ва рус олими И.И.Срезневский раҳбарлигида “XIV асргача қадимги поляк тили ҳақида” мавзусида диссертация иши олиб боради. 1870 йилда диссертацияни муваффақиятли ҳимоя қилгач, приват-доцент илмий унвонига эга бўлади ва Петербург университетида ҳинд-оврупо тилларининг қиёсий граматиқасидан маърузалар ўқишига рухсат берилади.

1874 йилда “Резьян шевалари фонетикаси тажрибаси” мавзусида докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. Шундан сўнг Иван Александрович Бодуэн де Куртенэ Қозон университетида фаолият олиб боради. У ердаги олти йиллик илмий-педагогик фаолияти давомида рус тилшунослиги тарихида “Қозон тилшунослик мактаби” номи билан машҳур бўлган йўналишга асос солди. Аслида илмий мактаб деганда, муайян тадқиқот методологияси ва методлари тамойилларига асосланган ҳамда мустақил тараққиёт йўлига эга бўлган мутахассислар уюшмаси тушунилади. Ана шу нуқтаи назардан қаралса, Қозон тилшунослик мактабига мансуб таниқли тилшунослар Н.В.Крушевский, В.А.Богородицкийлар гарчи шу лингвистик мактаб тамойилларини ёйиш учун ҳаракат қилган бўлсалар ҳам, уларнинг кизиқишлари бир-биридан анча фарқ қилар, қатор масалаларда уларнинг фикрлари Бодуэннинг қарашларига зид келар, энг муҳими, “мактаб” вакили учун характерли бўлган илмий дунёқарашни давом эттириш белгиси йўқ эди. Шунинг учун Бодуэн де Куртенэнинг ўзи “Қозон лингвистик мактаби” номини доимо қўштирноқ ичига олиб қўллар ва кўпроқ “Қозон лингвистик тўғараги” деб номлашни маъқул кўрар эди.

1880 йилда у Дерпт университетида ишлай бошлайди. 1887 йилда Краков академиясига аъзо бўлиб сайланади ва 1893 йилда Краков университетида ишга ўтди. Бу даврда Бодуэн де Куртенэнинг номи бутун

Овропога тарқалган, рус, поляк, немис, француз, литва, итальян, чех, латиш, эстон, араб, арман тиллари билимдони сифатида танилган эди. Париж лингвистик жамиятининг умрбод аъзолигига, фин-угор жамияти аъзолигига сайланди. Даврининг машхур тилшунослари Ф.де Соссюр, А.Мейе билан дўстона алоқада бўлди ва хат ёзишиб турди. Ёш грамматикачиларнинг етакчиси Г.Паул, шунингдек, О.Есперсен, И.Ягич ва Г.Шухардтлар билан шахсий мулоқотда бўлди. Ундан Оврупонинг деярли барча тилларида ёзилган 600 дан ортиқ мақолалар меърос бўлиб қолди.

1897 йилда Россия фанлар академиясининг мухбир аъзолигига сайланади ва 1900 йили Краковдан яна Петербург университетига қайтади.

И.А.Бодуэн де Куртенэ Петербургда ишлаш чоғида худди Қозонда бўлгани каби атрофига бир қатор ёшларни йиғади ва лингвистик тўғарак ташкил қилади. Кейинчалик бу тўғаракдан академик Л.В.Шчерба, Е.Д.Поливанов, Л.П.Якубинский сингари машхур олимлар етишиб чиқади.

1918 йилда Польшанинг мустақил давлат сифатида эълон қилиниши ва Варшава университетининг тикланиши муносабати билан Бодуэн де Куртенэ у ерга таклиф қилинади ва хинд-оврупо тиллари кафедрасини бошқаради. 1922 – 23 йиллар Париж, Копенгаген сингари қатор университетларда маърузалар ўқийди.

Бодуэн де Куртенэ Ёш грамматикачиларга қадар улар кўтариб чиққан кўпгина масалаларни ўзининг асарлари ва маърузаларида баён қилган, Ф.де Соссюрга қадар тилнинг белгилар системаси экани, унинг статик ва динамик жиҳатлари ҳақида фикр юритган бўлса ҳам, лекин бу қарашлар дунё миқёсида тарқалмади. Бодуэннинг ўқувчиси Л.В.Шчерба устози ўз фикрини “маълум нарсалар муносабати билан” баён қилганини, улар тор мутахасислар доирасидагина тарқалган қимматли монографияларда ёки ҳеч ким ўқимайдиган кам сонли нашрларда эълон қилингани, шу билан бирга у рус ва поляк фанига тенг мансуб бўлгани учун асосий ғояларини рус ва поляк тилларида ёзгани сабаб уларга ғарб олимларининг диққати тортилмаганини афсусланиб ёзади.

И.А.Бодуэн де Куртенэнинг фалсафий қарашлари

Бодуэн де Куртенэ лингвистик концепцияси негизида материалистик монизм ётади. У табиат ва рух, тил ва тарих, тарих ва ҳаёт, тарих ва тараққиёт сингари турли ҳодисаларни қориштирган А.Шлейхернинг ва ўз шогирди Н.В.Крушевскийнинг дуалистик қарашларига танқидий муносабатини баён қилар экан, материалистик монизм ғояларини тарғиб қилади. Материалистик монизм модданинг бирламчилигини, унинг объектив мавжудлигини эътироф қилади. Тилга монистик қараш уни ижтимоий-индивидуал ҳолатдаги психосоциал моҳият сифатида талқин этишга олиб келади.

Бодуэн де Куртенэ фикрича, тил муайян бир жамиятни ташкил этган индивидлар онгида, психикасида, индивидларнинг тили сифатида яшайди.

Шунинг учун Бодуэн де Куртенэ ўз тадқиқотларида индивидлар нуткига асосий эътиборни қаратди. Унинг таъкидлашича, индивидлар психикаси, тилнинг индивидуал ташувчиларигина реал мавжуддир.

Миллий тил бир бутун сифатида илмий умумлашма саналиб, фақат ғояда яшайди. Бу эса алоҳида коммуникация актига унинг эътиборини тортишга сабабчи бўлади. Худди шу сабабли у кишилардан узиб олинган мавҳумлаштирилган тил эмас, балки тил тафаккури эгаси бўлган инсон тилшуносликнинг реал ўрганиш объекти бўлмоғи лозимлигини таъкидлайди.

Шу билан биргаликда у тилда индивидуаллик билан умумийликнинг ажралмаслигини, индивидуал хусусиятда бир вақтнинг ўзида умумийлик, умуминсонийлик мавжудлигини баён қилади. У инсоният олами социал гуруҳлар мажмуаси эканини эътироф этади. Бодуэннинг таъкидлашича, инсонда психик хусусиятлар ўхшашлиги мавжуд. Ана шу хусусият сабаб умуман тил, қисман айна қабила ёки халқ тилида ўзгаришлар содир бўлиш учун шарт-шароит яратилгандир.

И.А.Бодуэн де Куртенэ лингвистик қарашларининг муҳим жиҳатлари

Л.В.Шчерба таъкидлаганидек, Бодуэн ҳеч қандай лингвистик мактабга мансуб эмас ва у доимо шаблонларга оппозицияда бўлган. Хусусан, ёш грамматикачилардан анча олдин у морфологик ҳодисаларни изоҳлашда аналогия тамойилини изчиллик билан қўллаган эди. Ёш грамматикачилар бу тамойилни “товуш қонуниятлари”да истисноларнинг йўқлиги ҳақидаги ғояларининг таянч нуқтасига айлантирдилар. Кейинчалик “товуш қонунлари” ғояси Бодуэннинг қаттиқ танқидига учради.

Шунингдек, ёш грамматикачиларга хос бўлган тил фактларига тарихий ёндашувни ҳам Бодуэн танқид қилди. У “тарихийлик” тамойилига “тилнинг статиклиги ва динамиклиги”ни қарама қарши қўйди. Ёш грамматикачилар лингвистик назариясининг қаймоғига айланган Г.Паульнинг “Тилнинг тарихий тамойили”га зид равишда “Назарий (ёки умумий) тилшунослик”ни олға сурди.

Кўриниб турибдики, Бодуэн назарий тилшуносликнинг асосчиси саналувчи В.Гумбольдт ғояларининг таъсирида бўлган ва унинг “тилнинг эргон эмас, энергия эканлиги”, “тилнинг ўзгарувчан ва ўзгармаслиги” сингари антиномияларини давом эттирган. Бодуэн лингвистик концепциясининг қуйидаги муҳим жиҳатларини кўрсатиш мумкин:

1. Аввало, у В.Гумбольдт изидан бориб, Ф.де Соссюрга қадар тил ва нутқни бир-биридан фарқлади. 1870 йилдаёқ “Тилшунослик ва тил ҳақида айрим умумий эътирозлар” мавзусидаги кириш маърузасида умуман инсон тили билан алоҳида тил, лаҳжа ва шевалар ўртасидаги, шунингдек, алоҳида шахснинг индивидуал нутқи билан жамиятнинг алоқа воситаси бўлган, жамият аъзолари учун баб-баробар хизмат қилувчи, ҳар бир индивид онгида такрорланувчи тилни бир-биридан фарқлашга ҳаракат қилади. Лекин унинг

тил – нутқ зидланиши ҳақидаги қараш барқарор эмас эди. Шу боис у кейинроқ “Рус тилими, немис тилими, ҳеч қандай миллат ёки қабила тили йўқ, балки фақат индивидлар тили мавжуд”, деган фикрни баён қилади. Фақат индивид тилини этироф этиш – бу ёш грамматикачиларнинг Бодуэнга таъсиридир.

Унинг фикрича, индивидуал тил (яъни нутқ – А.Н) гина реал мавжуд бўлади. Демак, тилнинг алоҳида ташувчиси, индивидуал руҳ реалликка эга. Индивидуал тил деганда “бошқа лингвистик ва экстралингвистик тасаввурлар билан бирлашган талаффуз ва эшитиш тасаввурлари умумлашмаси” тушунилади. Миллий тил яхлит ҳолда фақат идеалда (ғояда) мавжуд, у илмий тафаккур ҳосиласи, деб қаралади. Шунинг учун ҳам Бодуэн коммуникация жараёнининг алоҳида актига кўпроқ эътиборни жалб қилади ва реал борлиқ сифатида кишилардан умумлаштирилган тилни эмас, балки лингвистик тафаккур эгаси бўлган алоҳида шахсни эътироф этиш лозимлигини таъкидлайди. Бу фикр кейинчалик психолингвистлар томонидан ривожлантирилди.

Шу билан биргаликда Бодуэн де Куртенэ тилда индивидуаллик билан умумийликнинг узвий боғлиқлигини, биридан иккинчисини ажратиб бўлмаслигини баён қилади. Унинг фикрича, индивидга хос нарса бир вақтнинг ўзида умумий, умуминсоний ҳамдир.

2. Бодуэн В.Гумбольдт томонидан олға сурилган тилнинг система экани ҳақидаги ғояни давом эттиради. Тилнинг системалилиги натуралистик (А.Шлейхер) ва ёш грамматикачилар (Г.Пауль) оқимлари вакиллари томонидан ҳам эътироф этилади. Лекин Г.Паулнинг “Тил тарихи тамойиллари” асари дунёга келмасдан анча олдин Бодуэн тилнинг “қисмлари ўзаро мазмуний, шаклий ва товушланиш муносабатидан ташкил топган бутунлик” эканини баён қилади. Бодуэн де Куртенэ ўз тадқиқотларида тил системасининг индивидуал нутқ орқали намоён бўлишида рўй берадиган жараёнларни ўрганишга алоҳида эътибор қаратди.

У Қозон университетига ўқиган маърузаларидаёқ турли тиллардаги физиологик ўхшаш товушлар бир-биридан фарқли маъно билдиришини, чунки бошқа-бошқа фонологик системаларда муносабатлар ҳам бошқа-бошқа бўлишини таъкидлайди.

Бодуэн де Куртенэ тилнинг системавий табиатини дастлаб фақат фонологик сатҳ мисолида ёритган бўлса, кейинчалик бошқа сатҳларда ҳам намоён қилишга бел боғлайди.

1910 йилга келиб, Бодуэн тил системасининг иерархик табиатини ёритади. Тил макро ва микросистемалар муносабатидан ташкил топишини кўрсатади. Тил тузилишини қуйидаги кичик системаларга ажратади: **фонетик** (сўз ва гапларнинг фонетик тузилиши), **морфологик** (сўзнинг морфологик тузилиши) ва **синтактик** (гапнинг морфологик тузилиши). Бу кичик системалар, ўз навбатида, **микросистемаларга** ажратилади.

Бодуэн тилнинг кўп сатҳлилигини эътироф этар экан, тил системаси сатҳини бошқачароқ тушунади. У тилнинг: 1) “ташқи”, яъни фонетик

томонини; 2) тилдан ташқаридаги, яъни семасилогик томонини; 3) морфологик томонини ажратган ҳолда, ҳар бир кичик система таркибидаги элементлар муносабатини аниқ ёритиб беришга ҳаракат қилади. Хусусан, унинг фикрича, фонема фақат жонли тил элементлари таркибида, яъни морфема таркибида лингвистик тадқиқ этилиши мумкин.

Бодуэн де Куртенэ тил системасининг тарихий категория эканини, тарихий тараққиёт жараёнида система таркибидаги элементлар муносабати ўзгаришини тўғри таъкидлайди.

3. Бодуэн де Куртенэнинг тилшуносликда **статик** (синхрон) ва **динамик** (диахрон) томонларни ажратиши ҳам катта аҳамиятга эга. Олимнинг фикрича, тилга турғунлик хос эмас, у доимо ўзгаришда, ривожланишда. Тил статикаси унинг динамикасидаги бир ҳолат, холос. 1878 йилда тузган маърузалар дастурида у, бир томондан, “тилнинг тенгпаллалик (равновесия) қонунлари”, иккинчи томондан, “тилнинг тарихий тараққиёти қонунлари” га амал қилишини кўрсатади. Биринчи ҳолатини у статик таҳлил, иккинчисини эса тарихий ўрганиш объекти ҳисоблайди. Статик таҳлил тавсифий, тарихий ўрганиш эса қиёсий-тарихий методларга асосланади. Бодуэн де Куртенэ қиёсий-тарихий методнинг аҳамиятини рад этмаган ҳолда, тавсифий метод билан иш кўришни афзал билади.

4. Бодуэн де Куртенэ лингвистик концепциясининг яна бир характерли томони тилнинг **белгилар системаси** эканини эътироф этишидир. Унинг фикрича, тил таркибидаги сўзларнинг асосий қисми *тасодифан вужудга келган символлардир*. Ана шу тасодифийлик тилнинг характерли белгиси ҳисобланади. Бу ўринда гап лингвистик белгининг ифодаловчи ва ифодаланмиш томони ўртасидаги муносабати ҳақида бораётганини эътиборга олсак, Ф.де Соссюрнинг лингвистик белги эркинлиги тамойили билан Бодуэннинг фикрлари нақадар яқинлигини, уларнинг бир-биридан озиклангинлигини пайқаш қийин эмас.

Шу билан бирга, лингвистик белгининг ўзига хос хусусияти **бўлинувчанлик** экани ҳақидаги фикр ҳам ҳар икки олим учун муштарак саналади. Бодуэн символ сифатидаги сўзларни ҳайвонлар ўртасидаги белгилар системасига қиёслар экан, ҳайвон товушлари қисмларга бўлинмаслиги, лингвистик символлар эса бўлинувчанлик хусусияти билан улардан фарқ қилишини баён этади.

5. Бодуэн де Куртенэ Қозон тилшунослик мактабининг асосчиси бўлиб, унинг тилшунослик олдидagi хизматларидан бири тилшуносликка **фонема** атамасини ва **фонема назариясини** олиб кирганидир. Бодуэн биринчилардан бўлиб товушдан фарқ қиладиган фонетик бирликни ажратиш зарурлигини англади.

Илмий фаолияти давомида унинг фонема ҳақидаги қарашлари ўзгариб борди. Шунинг учун Бодуэн асарларида фонеманинг хилма-хил талқини кўзга ташланади.

1881 йилда ёзилган “Славян тиллари қиёсий грамматикасининг айрим бўлимлари” номли асаридаёқ фонеманинг икки хил талқини намоён бўлади.

Бир ўринда “фонема сўз товуш томонининг антропофоник хусусиятлар умумлашмаси” деб қаралса, бошқа бир ўринда “антропофоник белгилар умумлашмаси”, “товуш типи”, бевосита сезги аъзоларимизга таъсир қилувчи реал товушларнинг “қўшимча белгиларидан тозаланган умумлашмаси” сифатида баҳоланади.

Бодуэн де Куртенэнинг фонема ҳақидаги қарашларида унинг қуйидаги муҳим белгиларига эътибор қаратгани маълум бўлади: 1) фонеманинг мураккаб бирлик экани; 2) унинг энг кичик бирликлардан (хусусиятлардан) ташкил топиши; 3) энг кичик бирликлардан ташкил топган бутунлик сифатида тилда яхлит ҳолда функциялашиши; 4) энг кичик бирликлардан ташкил топган фонеманинг тил системасида муносабатлар (корреляция) аъзоси сифатида яшаши; 5) фонеманинг бевосита кузатишда берилган товушларнинг лингвистик умумлашмаси, абстракцияси экани; 6) фонеманинг реал кўриниши унинг антропофоник (артикуляцион-физиологик) намоён бўлиши экани.

Шундай қилиб, Бодуэн де Куртенэ илмий фаолиятининг Қозон даврида фонема реал талаффуз қилинувчи товушларнинг абстракцияси, модели, инварианти, қурилмаси (конструкти) сифатида баҳоланади.

XIX асрнинг 90-йилларида у фонеманинг бевосита кузатишда товушлар орқали намоён бўлувчи, лекин ўзи кузатишда берилмаган мавҳум бирлик эканини яна ҳам аниқроқ баён қилади. “Фонема” деб номланган мақоласида унинг “товушнинг психик эквиваленти” эканини таъкидлайди. 1917 йилда нашр этилган “Тилшуносликка кириш” асарида фонема *инсон психикасида барқарор мавжуд бўлган товуш тасавури, сўзловчи онгида яшовчи модел* сифатида изоҳланади.¹

Шуниси характерлики, Бодуэн асарларида фонема гоҳ сўзловчи онгида товушларни умумлаштириш натижасида ҳосил бўлган идеал моҳият сифатида, гоҳ илмий мавҳумлаштириш (абстракция), лингвистик моделлаштириш натижаси сифатида баҳоланади.

Бодуэн фонологик назариясининг яна бир муҳим жиҳати фонеманинг морфологизацияси ва семасиологизацияси, яъни фонемани морфологик қурилишдаги ва маъно фарқлашдаги вазифаси нуктаи назаридан ўрганишдир.

Бодуэн де Куртенэ тил бирлиги сифатида фонемани ажратиш билан бирга, уни ўрганувчи алоҳида бўлим сифатида фонологиянинг ҳам ажратилиши лозимлигини баён қилди. Унинг фикрича, фонология фонемаларнинг маъноли бирликлар ҳосил қилишдаги вазифаларини ўрганади.

Бодуэн де Куртенэ фонемаларнинг морфемаларни моддий томондан шакллантириш функциясига эътибор берар экан, фонетик қуршовда уларнинг ўзаро таъсири масаласи диққатини жалб этди. Натижада, ёндош товушлар ўртасида сабабий боғланиш мавжудлиги, шунинг учун улар ўзаро тобеланиш ва фарқланиш муносабатида бўлишини таъкидлайди. У бир томондан, *когерент* ва *дивергент*, иккинчи томондан *коррелятив* ва *корреспондент* атамалари билан номланувчи ходисаларни ажратади.

Олимнинг таъкидлашича, товушларнинг ўзаро ёки бирининг иккинчисига комбинацион тобелиги **когеренция** ҳисобланади. Хусусан, туркий тилларда товушларнинг қаттиқ-юмшоқлигига кўра бирининг иккинчисига тобеланиши *когерент муносабат* саналади. Масалан: *илик, қылық* сўзларидаги *и* ва *ы* муносабати.

Комбинацион тобелик муносабати натижасида ҳосил бўлган комбинацион ўзгариш **дивергенция**, дивергенция ҳодисаси асосида ҳосил бўлган товушлар эса **дивергентлар** ҳисобланади.

Бодуэннинг фикрича, дивергентлар комбинацион ўзгаришга учраган, келиб чиқишига кўра бир хил (гомоген) бўлган товушлардир. Масалан, рус тилида *лодка-лодочка, год-годовой*, ўзбек тилида *ёд-ёди, зид-зидла* сўзларидаги *т-д*, шунингдек, *год-года* сўзларидаги *о-а* товушлари **дивергентлар**, яъни ўзаро дивергенция муносабатидаги товушлар саналади.

Коррелятивлар дивергентлардан тарихан бир манбадан келиб чиқса ҳам, ҳозирги кунда бир-биридан фарқ қилувчи турли товушлар экани билан ажралиб туради. Масалан, рус тилида *бегу-бежать, леч-лежать* сўзларидаги *г-ж, ч-ж* товушлари коррелятивлардир.

Коррелятив ва *дивергентлар* **корреспондентларга** қарама-қарши қўйилади. Тарихан бир манбадан келиб чиқиб, ҳозирги қардош тилларда фарқли талаффуз қилинувчи товушлар ўзаро корреспондент муносабатидаги товушлар ёки **корреспондентлар** саналади. Масалан, юнонча *pater, root*, ингл. *father, foot* сўзларидаги *р* ва *f* товушлари ўзаро корреспондент муносабатидаги товушлар ҳисобланади.

Коррелятив ва *корреспондент* сингари товушларга ўхшатиб бўлмайдиган фонетик бирликни Бодуэн *ф о н е м а* ҳисоблайди. Кўринадикки, бу ўринда *у* фонемани сўзнинг маълум фонетик қисми антропофоник хусусиятларининг умумлашган йиғиндиси сифатида баҳолайди.

Хуллас, жаҳон тилшунослиги тарихида статика-динамика, тил-нутқ зидланиши тўғрисидаги тушунчанинг пайдо бўлишида, тилнинг система экани, унинг белгили табиати тўғрисидаги қарашларнинг шаклланишида ҳамда фонема назариясининг вужудга келишида Бодуэннинг хизмати каттадир.

6. Бодуэн де Куртенэ ўз илмий фаолиятининг илк давридаёқ фонетика муаммосига эътибор қаратди. Бу қизиқиш умрининг охирига қадар давом этди. Натижада фонетик жараёнларга дахлдор бир катор қимматли фикрларни билдиради. Хусусан, фонетик альтернация (товуш алмашинувлар) назариясига асос солди. Бу назария унинг 1897 йилда поляк, 1895 йилда эса немис тилида нашр қилинган “Фонетик альтернация назарияси тажрибаси” номли китобида тўлиқ акс этган. Бу китоб муаллифнинг Қозон университетида ишлаган давридан буён узоқ даврлик тўплаган материалларининг умумлашмаси сифатида майдонга келган.

Товуш алмашилиши назарияси, бир томондан, морфологик сатҳда рўй берган фонетик қонуниятларни тушунтириш, иккинчи томондан, тил

системаси элементларининг тарихий тараққиёти жараёнини кузатиш имконини беради.¹

Бодуэн де Куртенэ нутқий жараёнда фонетик қуршов ҳамда фонетик вазият таъсирида рўй берадиган турли хил ўзгаришлар (масалан, ўзбек тилида ш ~ н: *ошши*; н ~ д: *толди*; (толнинг) ва маълум морфема таркибидаги товушнинг даврлар ўтиши билан ўзаро алмашилишини (масалан, туркий тилларда *дз ~ й // д* : адзақ → *айоқ адоқ*)) бир-биридан фарқлайди.

Бодуэн тарихий тараққиёт жараёнида бир-бири билан алмашинувчи фонемаларни **алтернантлар** ҳисоблайди. Унинг фикрича, этимологик қариндош морфемалар ичида қўлланилувчи ва бу морфемалар таркибида бир-бирига нисбатланадиган ўрин эгалловчи, фонетик нуқтаи назардан бошқа-бошқа фонемалар альтернантлар ҳисобланади. Бодуэн де Куртенэ товуш алмашилишларнинг турли нуқтаи назаридан батафсил таснифини беради. Бу назария туфайли хронологик тартибда товуш алмашилиш поғонасини бериш мумкин бўлади.

Бундай хронологик таснифнинг биринчи тажрибаси *дивергент*, *коррелят*, *корреспондентлар*нинг фарқланишида кўринади. Шунингдек альтернатсия назарияси тилшуносликнинг морфонология бўлими шаклланиши учун асос бўлиб хизмат қилди.¹

6. Бодуэн де Куртенэнинг тилшунослик олдидаги яна бир хизмати тилларни типологик ўраганишга қўшган ҳиссасидир. У 1910 йилда эълон қилган “Тиллар таснифи ҳақида” мақоласида ўзининг типологик тажрибалари асосида ҳосил қилинган хулосаларини баён этади.

Бодуэн тилларни типологик ўрганишда икки асосий структур белгига таянади: а) унинг морфологик функцияси; б) унлиларнинг чўзиқлик-қисқалик белгисига кўра зидланиши. Ана шу белгиларга таянган ҳолда славян тилларининг типологик тавсифини беради ва бу тилларни бешта структур типга ажратади. У типологик тадқиқотларнинг қуйидаги уч йўналишда олиб борилишини таъкидлайди: 1) келиб чиқишида ҳеч қандай боғлиқлик бўлмаган тилларнинг чоғиштирма (типологик) таҳлили; 2) тил қариндошлиги билан боғлиқ тилларнинг типологик таҳлили; 3) ҳудудий боғлиқ бўлган тилларнинг типологик таҳлили.

Кўришиб турибдики, Бодуэн тавсия этган типологик таҳлилнинг учинчи йўналиши кейинчалик “тил иттифоқи” ҳақидаги лингвистик назариянинг пайдо бўлишига ва ривожланишига замин яратди. Ҳозирги кунда бу назария асосида болқон тиллари муваффақиятли ўрганилмоқда.

Бодуэннинг лингвистик қарашлари кўп жиҳатдан Ф.де Соссюр концепциясига яқин келади. Шунинг учун уни структур тилшуносликка замин тайёрлаган олим деб ҳисоблаш мумкин. Айниқса, унинг Прага лингвистик тўғараги ғоялари шаклланишига таъсири катта бўлди. Хусусан, у Прага лингвистик мактабининг йирик вакилларида В.Матезиус, Н.С.Турбецкой ва Р.О.Якобсонлар лингвистик қарашларининг шаклланишида катта хизмат қилди. Йирик поляк тилшунослари Г.Улашин, Т.Бенни, В.Дорошевскийлар; кўзга кўринган рус олимлари Е.Д.Поливанов

Л.Шчербалар; В.А.Богородицкий, К.В.Крушевскийлар Бодуэн де Куртенэнинг лингвистик таълимотидан бевосита баҳраманд бўлдилар.

ГУГО ШУХАРДТНИНГ ЛИНГВИСТИК ҚАРАШЛАРИ

XIX аср охири – XX аср бошларидаги тилшунослик назариясининг ривожиди таниқли Австрия тилшуноси Гуго Шухардтнинг (1842 – 1927) муносиб ўрни бор. У Оврупода 1909 йилдан XX асрнинг 40-йилларигача Р.Мерингер томонидан нашр қилинган «Сўз ва нарсалар» («Wörter und Sachen») номли журнал орқали шаклланган «Сўз ва нарсалар» мактабининг йирик вакилидир.

Бу мактаб ўз олдига сўзлар тарихини лингвистик таҳлил асосидагина эмас, балки бу сўз орқали ифодаланган нарсалар тарихи асосида ҳам ўрганиш вазифасини қўяди.

Мазкур мактаб ёш грамматикачиларнинг қарашлари ва тадқиқ методларига танқидий ёндашув асосида майдонга келди. У тилшунослик тарихида ёш грамматикачилар анъанасидан тўла қутулишга интилган олимларнинг биринчиси саналади.

Бу мактаб вакиллари ёш грамматикачиларнинг тилни фонетик ва аналогия қонунлари асосида яшовчи ҳамда фаолият кўрсатувчи ўзига хос механизм сифатида талқин қилишларига эътироз билдирдилар.

Ёш грамматикачилар асосий эътиборни фонетика ва морфологияга қаратган ҳолда, семантикани иккинчи планга сурган бўлсалар, «Сўз ва нарсалар» мактаби вакиллари семантика масаласини, семантик ўзгаришлар ва ривожланишлар тадқиқини биринчи планга олиб чиқдилар.

Бу мактабнинг асосий қарашлари Г.Шухардтнинг «Тилшунослик бўйича танланган мақолалар» асариди ўз ифодасини топган.

Г.Шухардт фанни оддий фактлар йиғиндисига айлантиришга ашаддий қарши турган ҳолда, ёш грамматикачилардан тамоман фарқли равишда ҳар бир фактдан катта назарий умумлашмалар қилишга интилади. Унинг таъкидлашича, ҳар қандай хусусий тилшунослик умумийга ўтиши, унинг таркибий қисмига айланиши лозим. Умумий тилшунослик илмий жиҳатдан қанчалик юқорига кўтарилса, у дадиллик билан барча тасоддий ва эмпирик ҳодисаларни четлаштиради. Г.Шухардт тилшунослик назариясига қизиқишини славян, кельт, баск, кавказ, хом, қадимги яхудий сингари бир қанча конкрет тилларнинг лексикаси, грамматикаси тадқиқи билан қўшиб олиб борди.

Турли системадаги тилларни ўрганиш, чуқур умумлашмалар қилиш асосида «филология» атамасининг қўлланилишига ҳамда унинг таркибига тил ва адабиёт муаммолари киритилишига эътироз билдиради. Г.Шухардтнинг фикрича, фанлар таснифи тадқиқот методларининг ўхшашлигига асосланмоғи лозим. Турли системадаги тиллар бир-биридан нақадар узоқ бўлмасин, илмий маънода тил ва адабиётдан кўра, бир-бирига яқинроқ боғланганини таъкидлайди. Шунинг учун тилшунослик,

адабиётшунослик ва маданият тарихи алоҳида фанлар бўлиши лозимлигини баён қилади.

Тилшунослик пайдо бўлгандан буён турли фанлар гуруҳига киритиб келинади. Шухардтнинг фикрича, фан ягона. Шунинг учун табиат ҳақидаги фанлар ва «руҳ» ҳақидаги фанлар (гуманитар фанлар)ни бир-бирига зид қўйиб бўлмайди. У лингвистикани табиат ҳақидаги фанлар ёки «руҳ» ҳақидаги фанларга киритиш бўйича баҳслар ва мазмунига кўра руҳ ҳақидаги фанларга киритишга уринишлар бефойда эканини таъкидлайди.

Шухардтнинг лингвистика олдидаги катта хизматларидан бири *семантика* соҳасидаги изланишларидир. У бу мавзуга бағишланган тадқиқотларида тилнинг мазмуний тузилиш тараққиёти қонуниятларини очиб беришга ҳаракат қилади. Айниқса, сўз маъноларининг тараққиёти ва ўзгаришини очиб беришга алоҳида эътибор қаратади. Сўз ва унинг тарихини бу сўз орқали ифодаланган нарсанинг тарихи билан узвий боғлиқ ҳолда тадқиқ қилади. «Нарсалар ва сўзлар» асарида нарса ва сўз муносабати ёрқин ифодасини топади.

Шухардт «наrsa» атамаси остида фақат предметларнигина эмас, балки белги-хусусиятларни, ҳаракат-ҳолатларни ҳам, улар ҳақидаги тасаввурларни ҳам тушунади. Демак, бугунги кунда денотат ва сигнификат атамалари остида ифодаланаётган ҳодисалар «наrsa» атамаси орқали ифодаланади.

Хусусан, у наrsa, тасаввур ва сўз ўртасидаги муносабат ҳақида тўхталар экан, «кентавр» сўзига нисбатан наrsa кентавр ҳақидаги тасаввур эканини, сўз ва наrsa ўртасида тасаввур мавжуд бўлишини баён қилади.

Унинг фикрича, наrsa сўзга нисбатан бирламчи ва барқарордир. Сўз ва наrsa ўртасидаги муносабатни чуқур ўрганмоқ учун бу муносабатнинг тараққиётига эътибор қаратиш, демакки, сўз тарихини ўрганмоқ лозим. Сўз тарихи эса, айти пайтда «сўзловчи тарихи» ҳисобланади. Нарса тарихи билан сўз тарихи ўртасида параллелизм мавжуд.

Г.Шухардтнинг таъкидлашига кўра, наrsa ва сўз тарихи билан бирга сўзнинг *ифодаловчи* ва *ифодаланмиш* тарихини ҳам эътиборга олмақ лозим. Ҳар бир алоҳида моментда ифодаловчи сўзга, ифодаланмиш (маъно) наrsaга мувофиқ келади. Тарихий тараққиёт жараёнида улар ўртасида қуйидагича ўзгаришни кузатиш мумкин:

- 1) наrsa ўзгарган ҳолда, ифодаловчи ўзгармай қолади;
- 2) наrsa ўзгармаган ҳолда, ифодаловчи ўзгаради.

Бу муносабатнинг ўзгариши ҳақидаги Г.Шухардт фикрлари қадимги юнон аномалистларининг ном ва наrsa ўртасидаги муносабат бўйича олиб борган баҳсларини эслатади.

Г.Шухардт наrsa ва сўз муносабатига шу қадар эътибор қаратадики, бу муаммо лингвистиканинг негизига айлантиради. Шунинг учун у лингвистика ё ифодаланмиш (яъни маъно) ҳақидаги, ё ифодаловчи ҳақидаги таълимот саналади, дейди.

Г.Шухардтнинг нарса ва сўз ўртасидаги муносабатни ёритишга асосий эътибор қаратиши, сўз маъноси ва ифода томонининг ўзгаришлари бўйича кузатишлари этимологик хулосалар қилишга қулай имконият яратди.

«Этимология ва сўз тарихи тадқиқи» номли мақоласида сўзлар тарихини ўрганиш жараёнида унинг келиб чиқиш ёки бошқа тилдан кириш сабабларини эътиборга олиш билан бирга, кейинги тақдирига ҳам диққатни қаратмоқ лозимлигини таъкидлайди.

Г.Шухардтнинг нарса ва сўз ўртасидаги муносабатга бағишланган тадқиқотлари тилшунослик тарихида ономаσιологиянинг, яъни номлаш ҳақидаги фаннинг ажралиб чиқишига замин яратди. Демак, тилшуносликнинг ономаσιология йўналиши асосчиси Г.Шухардт саналади.

Ҳозирги кунда лексикографияда кенг тармоқ отаётган идеографик луғатлар тузиш тамойиллари ҳам Г.Шухардт номи билан боғлиқдир. Унинг ономаσιология бўйича олиб борган тадқиқотлари тилларнинг луғат таркибини сўзлар номлаган нарсалар гуруҳи асосида ўрганиш ва шу асосда луғат тузиш методи ҳамда вазифаларини асослаб беришга имкон яратди. Унинг фикрича, бир хил нарсалар гуруҳи тамойили асосида луғатлар тузиш (яъни тематик, идеографик) алфавит асосида тузилган луғатлардан бир мунча фойдалироқдир.

Кейинчалик Г.Шухардт ғоясини немис олимлари Ф.Дорнзейф, Р.Халлиг, В.Вартбурглар давом эттирдилар ҳамда идеологик луғат тузишнинг назарий асослари ва тамойилларини белгилаб бердилар. Халлиг ва Вартбурглар «Тушунчалар системаси лексикография асоси сифатида» номли тадқиқотларида тилларнинг луғат таркибини уч муҳим гуруҳга ажратади: «олам», «инсон», «инсон ва олам». Бу гуруҳларнинг ҳар қайсиси кичик гуруҳчаларга парчаланadi.

Идеографик луғат тузиш методлари ва тамойиллари рус олими Ю.Караулов томонидан ҳам монографик планда чуқур ўрганилди.

XIX асрнинг 70-йилларида тилшуносликда ёш грамматикачиларнинг тиллар тараққиёти фонетик қонуниятлар асосида белгиланади, деган ғояси ҳукм суради, бундай ақида тилшуносликнинг тамал тошига айланган эди.

Г.Шухардт «Фонетик қонунлар ҳақида» мақоласида тилшуносликда ҳукм сурган ана шу догматик қарашга қатъий қарши чиқади. Унинг фикрига кўра, тил тараққиётини фақат ташқи, механик фактор билан белгилаб бўлмайди. Тил тараққиёти қонунияти физиологик фактор билан бирга, психологик томон билан ҳам боғлиқдир. Лекин бу фактор ёш грамматикачилар эътиборидан четда қолади. Шу билан боғлиқ ҳолда, Г.Шухардт тил элементларининг ўзаро узвий боғлиқлиги ҳақида фикр юритадики, бу фикр XX асрда кенг тарқалган тилнинг системавий характерида урғу берувчи структур тилшуносликнинг шаклланишига маълум даражада туртки бўлди.

Г.Шухардт товушларнинг оддий эволюциясини аниқлаш ҳали тил тарихининг ҳақиқий мазмунини очиб бермаслигини таъкидлагани ҳолда, ёш грамматикачиларнинг тилдаги ўзгаришларни фақат фонетик қонуниятларга

боғлаб қўйишларига эътироз билдиради. Агар ёш грамматикачилар тил тараққиёти сабабларини фонетик қонуниятлар ва аналогия негизда тушунтирган бўлса, Г.Шухардт тил тараққиётининг муҳим омили сифатида *тиллар қўйишуви* ҳодисасини белгилайди.

Г.Шухардт ва унинг издошлари концепциясида тиллар аралашуви ёки қўйишуви муаммоси тил тараққиёти сабабларини тушунтиришда методологик тамойил даражасига кўтарилади. У “Тиллар аралашуви масаласига доир” мақоласида “ҳозирги тилшуносликда тиллар аралашувидан зарурроқ муаммо йўқ”лигини баён қилади.¹ Шу фикрнинг ўзиёқ мазкур масалага нақадар катта эътибор қаратганидан гувоҳлик беради.

Г.Шухардтнинг тиллар аралашуви концепциясининг шаклланишига И.Шмидтнинг “тиллар тўлқини” назарияси катта таъсир қилди. “Тиллар тўлқини” назарияси дунёдаги хилма-хил тилларда аниқ чегаранинг йўқлигини, тиллар чегарасида умумий белгиларнинг мавжудлигини тарғиб қилади. И.Шмидтнинг “тиллар тўлқини” назарияси “сўз ва нарса” мактабини шакллантирган “Сўзлар ва нарсалар” журналининг асосчиси Р.Мерингер (1859 – 1931)нинг “маданият тўлқини” назарияси таъсирида, унинг таркибий қисми сифатида майдонга келган. Р.Мерингер “маданият тўлқини” “тиллар тўлқини” ва “нарсалар тўлқинидан” ташкил топишини, тилдаги янгиликларнинг тарқалиши моддий маданият белгиларининг тарқалиши билан мувофиқ келишини баён қилади.²

Г.Шухардтнинг баён қилишича, дунёда аралашмаган, бошқа тиллар элементларини ўзида сақламаган тил йўқ. Тиллар аралашуви тиллар тараққиётини таъминлайди. Бу ўринда у икки ҳолатни ажаратади: 1) ўзгариш; 2) аралашуш. Улардан биринчиси гомоген бирликларда рўй берган маъно силжиши бўлса, иккинчиси гетероген бирликларнинг тилга олиб кирилиши ҳодисаларини ўз ичига олади.

Тил аралашувини Г.Шухардт физиологик эмас, балки социал ҳодиса экани, чунки тил алоҳида организм – субъект эмас, балки субъект фаолияти маҳсули эканини кўрсатади.

Унинг фикрича, тиллар аралашуви икки тиллилик муаммоси билан узвий боғлиқдир. Тиллар аралашуви халқлар миграцияси натижасида ёки муқим бир ҳудудда яшаганда ҳам амалга ошиши мумкинлигини кўрсатади. Иккинчи ҳолат тезроқ ва мураккаб йўл билан амалга ошишини, бир тилнинг бошқа тилга таъсири натижасида кўпроқ рўй беришини таъкидлайди. Бир тилнинг бошқа тилга таъсири жуда кучли ёки кучсиз бўлиши мумкин. Бир халқ бошқа халқни босиб олиши ва босиб олинган халқ тилига кучли таъсир ўтказиши мумкинлигини роман халқларининг италияликлар, этрускалар, кельтларга таъсири мисолида тушунтириб беради.

Юқоридаги баён қилинганлардан кўзга ташланадики, Г.Шухардт тил тараққиётини фақат фонетик қонунлар ва аналогия билан боғлаб қўйган ёш грамматикачиларни ҳаққоний танқид қилиш билан бирга, ўзи ҳам бир ёқламалikka йўл қўяди. Тил тараққиётини ташқи фактор билан боғлаб, тилнинг ички ривожланиш қонуниятларини назардан четда қолдиради.

Г.Шухардт тиллар аралашуви концепциясидан келиб чиққан ҳолда, тиллар тарихини қатъий хронологик даврларга бўлишни ва алоҳида шевалар, диалектлар, тиллар ўртасида чегара мавжудлигини инкор қилади. Унинг фикрича тилларнинг шева, диалект сингари худудий бўлинишлари шартли характерга эга. Хусусан, тилни испан, итальян, француз ёки юқори италян, ломбард ва бошқа диалектларга ажратиш фақат географик йиғма ифодадир. Аслида тиллар бир-бирига ўтиш занжирини ҳосил қилади, доимо ўзаро муносабатда бўлган ҳолда, бир-бирига киришиб, аралашиб кетади.

Г.Шухардтнинг фикрича, у ёки бу диалектнинг фонетик ёки грамматик ўзига хослиги маълум нуқтадан бошланади ва ана шу нуқтадан тарқалади. У ана шу ўзига хосликларни харитага контур линиялар билан белгилаш орқали диалектларнинг тарқалиш зонасини аниқлаш мумкинлигини баён қилади. Г.Шухардтнинг роман тиллари асосида ривожлантирган бу ғояси алоҳида диалектлар чегарасининг мавжудлигини рад қилган ҳолда, лингвистик ҳодисаларнинг тарқалиш зоналарини ўрганишни тарғиб қилувчи француз лингвистик география мактабининг шаклланишига асос бўлиб хизмат қилди. Ҳозирги кунда тилшуносликнинг алоҳида йўналиши мақомини олган лингвогеография ҳам Г.Шухардт ғоялари асосида дунёга келгани эътироф этилади. Бу фикрни ғарб тилшунослигига нисбатан қўлласак, адолатли бўлади. Чунки фонетик ва грамматик ҳодисаларнинг тарқалиш зоналари асосида диалектларни, тилларни фарқлаш тажрибаси XI асрнинг буюк олими Маҳмуд Қошғарийда ёрқин кўзга ташланади. Шунинг учун қиёсий-тарихий тилшунослик ва лингвогеографиянинг жаҳон тилшунослигидаги отаси Маҳмуд Қошғарий десак, илмий ҳақиқатни тиклаган бўламиз.

Г.Шухардт тиллар аралашуви ғоясини олға ташлар экан, лисоний қариндошлик, қардош тилларнинг бир манбадан келиб чиққани, уларнинг бобо тил ҳолати сингари қиёсий-тарихий тилшунослик ғояларини ҳам инкор қилади. У ёш грамматикачиларнинг қариндош тилларни ўрганиш ҳаракатига зид равишда, юқоридаги тилларни типологик планда ўрганишга даъват этади. Унинг фикрича, дунёдаги барча тилларнинг ривожини икки фактор – марказдан қочиш ва марказга интилиш ҳаракати билан боғлиқ. Биринчиси тиллар дифференциациясига, иккинчиси эса интеграциясига олиб келади. Шундай қилиб, тил тараққиёти *дивергенция* (ажралиш) ва *конвергенция* (қўшилиш) жараёнларидан ташкил топади.

Шухардтнинг фикрича, тил тараққиётининг ибтидоий даврида сўзлар жуда оз миқдорда бўлган. Бу сўзларнинг ҳар бири гапни ҳосил қилган. Дастлаб *У ёққа қара! Ёнгин! Қара! Кел!* каби буйруқ типидagi жараённи билдирувчи гаплар бўлган. Бундай бир аъзоли гаплардан кейинчалик икки аъзолилар келиб чиққан.

Кўриниб турибдики, Г.Шухардтнинг тиллар қариндошлиги ва қариндош тилларнинг шажарасини инкор қилиши, дастлаб сўз-гапларнинг бўлгани ҳақидаги фикрлари етарли илмий асосга эга эмас.

Шунга қарамай, Г.Шухардт тилшуносликка янги эпкинлар олиб кириши, дадил ғояларни олға суриши, айниқса, сўз билан нарса ўртасидаги

муносабат, тиллар контактига доир фикрлари билан лингвистика фанининг ривожланишига муносиб ҳиссасини қўшди.

Унинг тилшуносликда янги тадқиқот йўлларини қидиришга интилиши, мавжуд фикрларга, хусусан, ўша даврда ҳукм сурган ёш грамматикачилар қарашларига дадил танқидий ёндашуви, ёш тадқиқотчиларда янги-янги йўлларни қидиришга рағбат уйғотиши таҳсинга сазовордир. Г.Шухардт асарлари XIX аср охири XX аср бошларидаги тилшуносликда объектга янгича ёндашувнинг пайдо бўлганидан дарак берувчи ёрқин ойна саналади.

Ф. ДЕ СОССЮР – СТРУКТУР ТИЛШУНОСЛИКНИНГ АСОСЧИСИ

Дунёда ажойиб воқеалар кўп. “Умумий лингвистика курси” китоби ҳам шулардан биридир. Ажойиблиги шундаки, китоб Ф.де Соссюр номи билан нашр қилинган бўлса-да, лекин бундай асарни ёзиш ва чоп қилишни у хаёлига ҳам келтирмаганди. Бу китобни Ф.де Соссюр номи билан чиқарган ва унга дунё миқёсида мислсиз шуҳрат олиб берган кишилар шогирдлари Ш.Балли ва А.Сешелардир.

Бу икки зот ўз устозининг номини дунё тилшунослиги тарихида юқори чўққига олиб чиқишга мушарраф бўлиш билан бирга устозга садоқат намунасини кўрсатдилар ва жаҳон илмий жамоатчилигини лол қолдирдилар.

Аслида Ф.де Соссюр 1907 – 1911 йилларда Женева университетидида “Умумий лингвистика курси” бўйича учта курсга маърузалар ўқийди. Маърузалар мазмунан шу қадар бой ва мундарижаси янги эдики, тингловчилар лол қолардилар. Ф.де Соссюр вафотидан бир йил ўтгач шогирдлари Ш.Балли ва А.Сешелар Ф.де Соссюр талабаларининг конспектлари асосида олим маърузаларини китоб ҳолида нашр қилишни хаёлларига келтирдилар. Тўққиз кишининг конспектини топдилар ва улар асосида Ф.де Соссюр маърузаларини тиклашга ҳаракат қилдилар. Оқибатда 1916 йил юқоридаги китоб дунёга келди.

Машҳур тилшунос Э.Бенвенист тилшунослик тараққиётини фалсафий, киёсий-тарихий даврларга бўлар экан, Ф.де Соссюрнинг ушбу китоби нашр этилиши натижасида лингвистиканинг янги даври бошланганини таъкидлайди. Бу давр лингвистикасининг ўзига хос хусусияти шундаки, унинг ўрганиш объекти тил фалсафаси ҳам, грамматик шаклларнинг тарихий тараққиёти ҳам эмас, балки тилнинг имманент реаллиги ҳисобланди. Натижада лингвистика формал, қатъий, систематик фанга айланишга интилди.¹

Фердинанд де Соссюр тилшунослик тарихининг уч тараққиёт босқичини кўрсатади.² Илк босқични «грамматика даври» деб номлайди. Бу давр тилшунослиги юнонларда шаклланиб, Францияда гуллаб-яшнаганлигини таъкидлайди. Мазкур тилшунослик асосан мантиққа таянган бўлиб, тилнинг ўзига хос хусусиятларини илмий асосда объектив ёритиб

беришдан узоқ эди. Унинг мақсади нотўғри шакллардан тўғри шаклларни фарқлаш билан чекланган эди.

Иккинчи босқич «филология даври» саналади. Гарчи “Филология” мактаби Александрияда ҳам мавжуд бўлган бўлса-да, лекин бу атама кўпроқ 1777 йилда Фридрих Август Вольф томонидан асос солинган ва шу кунгача давом этаётган илмий йўналишга нисбатан қўлланилади. Бу йўналишда тил ягона ўрганиш объекти ҳисобланмайди. У ўз олдига матнларни изоҳлашни асосий мақсад қилиб қўяди. Бу асосий вазифани ҳал этиш адабиёт тарихи, халқнинг маиший ҳаёти ва социал масалалар билан ҳам шуғулланишга олиб келади. Филология йўналиши ҳамма жойда ўзининг текшириш методини – манбани танқидий ўрганиш методини қўллайди. Фақат турли даврларга оид матнларни ўзаро қиёсий ўрганганда, эски ёзма манбаларда мавжуд бўлган тушунилиши қийин сўзлар изоҳида ёки маълум муаллифнинг индивидуал услубини ёритиш лозим бўлгандагина лингвистика масалаларига мурожаат қилинган.

Соссюрнинг таъкидлашича, бундай йўналиш тарихий лингвистика учун йўлни тозалаб берган бўлса ҳам, лекин унинг бир муҳим камчилиги бор эди. У ҳам бўлса, ёзма нутққа қулларча сажда қилган ҳолда, жонли тилни унутиб қўйди. Бунинг устига улар асосан юнон ва лотин обидаларига кизиқиш билдирдилар.

Франц Боппнинг 1816 йилда “Санскрит тилида тусланиш системаси ҳақида” асарининг дунёга келиши билан тилшуносликнинг учинчи босқичи бошланди. Ф.Бопп бу асарида санскрит тилини юнон, лотин ва бошқа Оврупа тиллари билан боғлаб турувчи муносабатларни очиб берди. Лекин Ф.Боппга қадар ҳам бу тиллар ўртасидаги ўхшашлик инглиз шарқшуноси Джонс томонидан баён қилинган эди. Бироқ унинг фикрлари айрим фактлар билан чекланган бўлиб, чуқур илмий хулосалардан йироқ эди.

Ф.Боппнинг хизмати санскрит тилининг Оврупа ва Осиёдаги бир қатор тилларга қариндошлигини очиш билан белгиланмайди. Унинг лингвистика тарихидаги хизмати шундаки, қариндош тилларнинг ўзаро муносабатини ўрганувчи алоҳида фанни шакллантириш мумкинлигини англади.

Соссюрнинг эътирофича, Ф.Боппнинг катта хизмати бир тилни унга ўхшаш бошқа бир тил асосида таҳлил этиш, бир тилга хос бўлган шаклни бошқа бир тил шакли воситасида изоҳлашдир.

Ф.Боппнинг бундай катта ютуққа эришувида санскритнинг очилиши муҳим рол ўйнади. Лотин ва юнон манбаларидан ташқари, учинчи манба – санскрит тили материалларини ҳам қиёслаб ўрганиш имконияти туғилди.

Қиёсий-тарихий тилшуносликнинг шаклланишида Ф.Бопп билан бир вақтда германистиканинг асосчиси Якоб Гриммнинг ҳам хизмати каттадир. Макс Мюллер, Август Шлейхерлар тилшуносликнинг бу йўналишини янги материаллар билан бойитдилар.

Шуни таъкидлаш керакки, бу мактаб ҳосилдор кўрикни очган бўлса-да, уларга ҳам ҳақиқий илмий лингвистикани яратиш бахти насиб этмади.

Ўрганилаётган объектнинг табиатини очиш масаласи уларнинг назаридан четда қолди.

Германистларнинг хатоси шундан иборатки, улар ўз тадқиқотларида чегараланган тиллар, яъни ҳинд-еврупа тиллари доираси билангина чекландилар ва ўз олдиларига «қиёслаш натижаси нимага мос келади, кашф қилинаётган муносабат нимани билдиради?» каби саволларни қўймайдилар. Уларнинг тадқиқотлари асосан қиёсий бўлиб қолди.

Соссюрнинг фикрича, қиёслаш тарихий ҳақиқатни ёритишда зарурий шарт-шароит туғдиради. Лекин фақат қиёслашнинг ўзи билан чекланиш ўрганилаётган объект ҳақида тўғри хулоса чиқаришга олиб келмайди.

Фақат XIX асрнинг 70-йилларидан бошлаб тилларнинг яшаш шароити масаласи эътиборни торта бошлади. Натижада тилшуносликнинг янги даври бошланди. Бу ёш грамматикачилар даври ҳисобланади. Уларнинг хизмати шунда бўлдики, қиёслаш натижаларини тарихий истикболга қўшдилар ва фактларни табиий тартибда жойладилар. Натижада тил ўзи ривожланаётган организм сифатида эмас, балки тил гуруҳлари жамоасининг рухий ҳосиласи сифатида қарала бошланди. Бу мактабнинг тилшунослик олдидаги хизматлари қанчалик катта бўлмасин, ҳамма масалаларга ойдинлик кирита олмади. Умумий лингвистиканинг асосий муаммоларини ҳал қилиш яна очик қолди.¹

Соссюрнинг “Умумий лингвистика курси” бўйича маърузалари ана шу масалаларни ёритишга бағишланди. Бу асарнинг майдонга келиши тилшунослик тарихида систем-структур тилшуносликнинг шаклланишига олиб келди.

Ф.де Соссюрнинг дунё тилшунослигида бунчалар катта шон-шуҳратга эришишига сабаб бўлган омиллар нима эди?

Соссюр ёш грамматикачиларнинг индивидуал тил ҳақидаги ғоясини давом эттирган ҳолда, тилда индивидуаллик ва социаллик ўртасидаги муносабатга асосий эътиборни қаратди.

Шунингдек, В.Гумбольдтнинг тил “эргон” эмас, балки “энергия” экани ҳақидаги ғоясидан фойдаланган ҳолда тилшуносликнинг ўрганиш объекти *лисоний фаолият* бўлиши лозим, деган хулосага келади.

Лисоний фаолият (Longuege) социаллик билан индивидуалликни ўзида бирлаштирган мураккаб жараён эканини эътироф этади. У ўзаро диалектик алоқада бўлган **тил** (La langue) ва **нутқ** (parole) нинг муносабатидан ташкил топган бутунлик эканини изчил илмий асослаб берди.

Ф.де Соссюр учун ҳар бир хусусий факт бутун таркибида қатъий ўрин олишини ифодалаб берадиган универсал, фундаментал тамойилларни белгилаш муҳим эди. Ана шу тамойиллар нима эди?

А.А.Холодович таъкидига кўра, Соссюрнинг асосий таянч нуқтаси семиология деб номланувчи алоҳида ижтимоий фаннинг ажралиб чиқиши, унинг ўрганиш объекти жамият томонидан фойдаланилаётган белгиларнинг умумий назарияси бўлиши лозимлигини кўрсатишдир. Соссюр лингвистикани “алоҳида белгилар ҳақидаги фан” деб ҳисоблайди ва уни

семиологиянинг муҳим тармоғи сифатида эътироф этади. Тил энг мураккаб ва энг кенг тарқалган семиологик система эканини таъкидлайди.

Тил ҳар қандай семиологик система каби маълум бир шароитда ривожланади ва баъзан ҳалок бўлади. Шунинг учун уни шароитдан узиб олиб бўлмайди. Шу билан бирга у ўзининг ички тузилиш хусусиятига эга бўлади. Бу эса, Соссюрнинг эътироф этишича, лингвистикани икки турга – ташқи ва ички лингвистикага бўлишни тақозо этади. Ташқи лингвистика тилнинг яшаши учун зарур бўлган ташқи шарт-шароитларни, ички лингвистика эса ўзи ўрганаётган объектнинг ички тузилиши ва хусусиятини ўрганади.

Ф.де Соссюрнинг маърузалари ана шу тартибга асосланади.

Ички лингвистиканинг ўрганиш объекти лисоний фаолиятдир.

Лисоний фаолият

Ф.де Соссюр лисоний фаолият (Languege) нинг индивидуаллик ва социаллик белгиларини ўзида мужассам этган бутунлик экани ва у тил (Langue) – нутқ (parole) муносабати бирлигидан ташкил топишини таъкидлайди. У лисоний фаолиятни қуйидагича ифодалайди:

		синхрония
	тил (Langue)	
Лисоний фаолият (Languege)	нутқ (parole)	диахрония

Лисоний фаолият доирасида икки асосий тушунчани – **тил** (lingua) ва **нутқ** (parole) ни ажратди. Шу асосда лингвистикани ҳам икки турга – *тил лингвистикаси* ва *нутқ лингвистикасига* бўлди. Лекин амалда асосан тил лингвистикасига эътиборини қаратди.

Гарчи тил-нутқ дихотомияси Ф.де Соссюргача В.Гумбольдт, ёш грамматикачилар мактаби ва Бодуэн томонидан баён қилинган бўлса ҳам, лекин Ф.де Соссюр уни лингвистик системанинг марказига айлантирди.

Холодович эътироф этишига кўра, Соссюрнинг бу дихотомиясига мурожаат этмаган бирон бир фикрловчи лингвист топилмаса керак.

Соссюр фикрича, лисоний фаолиятнинг икки томони мавжуд: индивидуал ва социал. Уларни бир-бирисиз тасаввур қилиш мумкин эмас. “Тил” нима? деган саволга жавоб берар экан, у “*тил*” тушунчасига “*лисоний фаолият*” тушунчаси тенг келмаслиги, “*тил*” “*лисоний фаолият*”нинг бир қисми, лекин энг муҳим қисми, социал маҳсулот экани, у ёки бу тил эгаларининг ҳар бири хотирасида мавжуд бўлган лисоний фаолиятга киришиши имконияти эканини таъкидлайди.¹

Ф.де Соссюр тилнинг белгилар системаси эканини эътироф этиш билан бирга, унинг тузилиши ҳақида ҳам қимматли фикр баён қилади. У тилни муносабатлар йиғиндиси сифатида ижтимоий ходисалар қаторида ўрганар экан, унинг бошқа ижтимоий ходисалардан фарқи белгилари характери

эканини таъкидлаб, “тил зояларни ифодаловчи белгилар системасидир” дейди.

Унинг фикрича, тил – бу бир ижтимоий жамоага мансуб кишиларнинг нутқий амалиёти орқали тўпланган хазинадир. Бу ҳар бир тил эгаси онгида виртуал мавжуд бўлган грамматик система, тўғрироғи, у индивидлар йиғиндиси онгида яшайди. Чунки тил ҳеч бир алоҳида индивидда тўлиқ мавжуд эмас, у тўлиқ ҳолда фақат жамоада мавжуд бўлади.¹

Лисоний фаолиятни тил ва нутққа бўлар экан, бу билан Ф.де Соссюр социалликни индивидуалликдан, муҳимни номуҳимдан, қонуниятни тасодифий ҳолатлардан фарқланишини баён қилади.

Ф.де Соссюр тилнинг сўзловчи фаолияти (fonetion) эмас, балки сўзловчи томонидан пассив рўйхатга олинадиган тайёр маҳсулот эканини таъкидлайди.

Алан Гардинер таъкидига кўра, Ф.де Соссюрнинг катта хизмати шундаки, у “тил” ва “нутқ” ўртасидаги фарқланишга эътибор қаратди. Бу шундай муҳим фарқланишки, кейинчалик ҳар қандай грамматиканинг илмий тадқиқи учун муқаррар асос бўлиб қолади.²

Бугунги кунда бундай фарқланиш, дарҳақиқат, ҳар қандай лингвистик тадқиқот учун таянч нуқтага айланиб қолди. Ҳозирги даврда бу фарқланишни эътироф этмаган бирон тилшунос топилмаса керак.

Шунга қарамай, тил – нутқ дихотомияси олға сурилгандан буён бу фарқланишга ёндашув, унинг талқини тилшунослар ўртасида бир хил бўлган эмас. Хусусан, О.Есперсеннинг 1925 йил Ослода нашр этилган “Инсоният, миллат ва индивид лингвистик нуқтаи назардан” мавзусидаги маъруза матнларидаёқ олимнинг “тил” ва “нутқ” ҳақидаги қарашлари Ф.де Соссюрникидан анчагина фарқланишига гувоҳ бўламиз.

О.Есперсеннинг фикрича, тил ва нутқ ўртасидаги фарқ индивид ва жамият ўртасидаги лингвистик одат фарқланишининг гавдаланишидир. Хусусан, у нашр этилган маъруза матнининг 16-саҳифасида «“тил” ва “нутқ” ўртасидаги фарқланишда мен индивидуал «онг»га қарама-қарши кўйилган “ҳалқ онги” “жамоа онги” ёки “тўда онги” назариясининг вариантдан бошқа ҳеч нарсани кўрмайман», – деб ёзади. Ана шу фикрлар асосида муаллиф хулоса қилади: «Ҳар бир индивид ўзининг нутқи учун ташқаридан бериладиган меъёрга эга бўлади. Амалда у бошқаларнинг индивидуал нутқларини кузатиш йўли билан қўлга киритилади. Шу асосда айтишимиз мумкинки, тил (la langue) гўё нутқнинг (la parole) кўплигидир. Бу худди “кўп отлар” “бир неча отлар”дан ташкил топганига ўхшайди. Яъни $от_1 + от_2 + от_3$ муносабатида $от_2$ $от_1$ дан, $от_3$ эса $от_2$ дан маълум белгилари билан фарқ қилади. Худди шунга ўхшаш барча индивидуал тиллар жамланиб миллий тилни ҳосил қилади.

Ана шу асосда О.Есперсен Соссюрнинг тил ва нутқ фарқланиши ҳақидаги назариясини ўзича изоҳлайди. Унинг таъкидлашича, индивиднинг оний лингвистик функция бажариши нутқдир. Ёки нутқ индивиднинг лингвистик одатлари йиғиндиси.

Алан Гардинер индивидуал “тил” ва индивидуал “нутқ” ҳақидаги олимлар фикрларига тўхталар экан, бунга Соссюрнинг муносабати ҳақида шундай ёзади: “Аминманки, у индивидуал “тил” ва “нутқ” ўртасида худди жамият тили ва унинг ҳар бир аъзоси нутқи ўртасидаги каби катта фарқни ажратади”.¹

А.Гардинернинг фикрича, *ҳар қандай лугат ва ҳар қандай синтактик моделлар йиғиндис* **тил**дир. Қисқа муддатли, тарихан бетакрор сўздан фойдаланиш фаолияти **нутқ**дир. Нутқ конкрет замон ва макон билан боғлиқ. У бетакрорлик хусусиятига эга. Бир синтактик модел асосида юзага чиққан ҳар бир жумла конкрет бир макон ва замонда муайян шахс томонидан юзага чиқарилади. Бошқа вақтда, бошқа маконда айтилган худди шу жумла олдингисига айнан ўхшамайди. Шунинг учун у бетакрорлик хусусиятига эга бўлади.

Кўпчилик анъанавий тилшунослик тарафдорлари ўртасида «тил ва нутқни фарқлашнинг лингвистика учун нима аҳамияти бор?» деган савол туғилиши мумкин. Алан Гардинер бу саволга «биринчи даражали аҳамиятга эга» деб жавоб беради.²

Унинг фикрича, ҳар қандай реал гапда икки қатордаги ҳодиса мавжуд бўлади. Улардан биринчи қатордагиси сўзловчи шахсга қадар унинг тил хотирасида мавжуд бўлган луғавий бирликлар ва грамматик схемалардир. Булар “тил” факти ҳисобланади. Айни пайтда ҳар бир реал гап маълум сўзловчи субъектнинг ижод маҳсули, у маълум мақсадда муайян бир макон ва замонда баён қилинади. Гапда ўз ифодасини топган ана шу белгилар “нутқ” факти саналади.

Шундай қилиб, “тил” ва “нутқ” зидланиши ўзида моҳият-ҳодиса диалектикасини намоён этади ва тил системасининг барча сатҳларини қамраб олади.

Алан Гардинер “тил” ва “нутқ” ўзаро фарқланиши билан бирга, уларнинг бир-бирисиз мавжуд бўлмаслигини, узвий боғлиқлигини ҳам алоҳида таъкидлайди. Нутқ тилсиз юзага чиқмаслиги, тил нутқ орқали функциялашуви, тилнинг ана шу мақсадни амалга ошириш учунгина мавжуд бўлиши баён қилинади. “Агар мен муайян матндаги маълум ҳодисани тилга эмас, нутққа хос, десам, у ҳолда матндан тилга хос ҳисобланган барча анъанавий элементлар чиқариб ташлангандан сўнг, сўзловчининг ўзи билан боғлиқ бўлган қолдиқ нутқ элементи саналади”.

У тил ва нутқни изчиллик билан фарқлаган ҳолда лингвистик атамаларни ҳам шунга мос ҳолда зидлаш зарурлигини баён қилади. Хусусан, тилшуносларнинг “гап” терминини бир вақтнинг ўзида ҳам тил, ҳам нутқ факти учун қўллашларини танқид қилади. Унинг фикрича, тил ва нутқ атамалари бир-бирини рад қилади. У ёки бу термин ё тилга, ёки нутққа хос бўлиши лозим. Бир вақтнинг ўзида икки йўлдан кетиш мумкин эмас.

Л.Ельмслев ҳам Ф.де Соссюрнинг тил ва нутқ дихотомиясига юқори баҳо беради. Унинг фикрича, Соссюр таълимотининг моҳияти тил ва нутқни

фарқлашдир. Бошқа барча назариялар мантиқан ана шу асосий тезисдан келтириб чиқарилади.

Соссюргача бўлган лингвистика индивидуум хулқига таянди; лисоний фаолият индивидуал актлар йиғиндиси сифатида тасаввур қилинди. Худди мана шу ерда янги лингвистик назария билан анъанавий нуқтаи назарнинг принципиал фарқланиши, айти пайтда, туташ нуқтаси кузатилади. Ф.де Соссюр сўзлашиш жараёнидаги индивиднинг аҳамияти ва лингвистик ўзгаришларда унинг ролига катта эътибор берди. Ана шу йўл билан анъанавий ва структур тилшунослик ўртасига кўприк ўрнатди. Шу билан бир вақтда анъанавий тилшуносликдан жиддий фарқ қиладиган тамойилни – анъанавий тилшуносликни ўзгартириш ёки тўлдириш лозим бўлган структур лингвистикани яратиш тамойилини шакллантирди.

Л.Елмслевнинг фикрига кўра, лингвистикага структурлик тамойили киритилган ҳозирги кунда турли мантиқий натижалар олиш учун катта ҳажмдаги ишларни амалга ошириш лозим.¹

Тилнинг система экани

Ф.де Соссюрнинг тилшуносликдаги хизмати шундаки, у тилни субстанция эмас, шакл дея эътироф этди ва бу билан тилшунослик тарихида тил – нутқ зидланишини биринчи планга олиб чиқди. Тилшунослар диққатини нутқий қуршовдан ҳоли бўлган моҳиятларни ўрганишга жалб қилди ва тилнинг система эканлигини эътироф этди.

У тилда синхрон ва диахрон ҳолатларни фарқлар экан, синхрон ҳолат учун система характерли эканини таъкидлайди.

Ф.де Соссюр системанинг икки муҳим хусусиятини кўрсатади: а) системанинг барча аъзолари тенгликка эга; б) система ёпиқ ҳисобланади. Лекин кейинчалик тилда очиқ системалар ҳам борлиги аниқланди.

Ф.де Соссюр концепциясида *система* билан биргаликда *структура* атамаси ҳам муҳим аҳамиятга эга. Структура атамаси остида система аъзоларининг муносабат типлари тушинилади.

Э.Бенвенист турли системаларни таҳлил қилиш натижасида тил шакллари маълум структурага эга, деган хулосага келади ва унинг қуйидаги хусусиятларини кўрсатади:

1. у қисмлари устидан ҳукмронлик қиладиган маълум бутунлик бирлиги саналади;

2) бу бирликлар маълум барқарор тамойиллар асосида шаклий тартибга солингандир;

3) бутуннинг барча қисмлари у ёки бу вазифани бажаргани туфайлигина структура характерига эга бўлади;

4) бу қисмлар маълум сатҳнинг ҳар бир бирлиги бошқа юқорирок сатҳнинг кичик бирлиги, яъни бутуннинг бўлаги бўлиши мумкин.

Муносабатлар йиғиндиси тилнинг алоқа воситаси сифатида амал қилишини белгилайди. Бу эса унинг социаллигини кўрсатади. Лекин

«тилнинг бошқа социал ҳодисалардан, хусусан, сиёсий, ҳуқуқий ҳодисалардан фарқи нимада?», – деган саволга Ф.де Соссюр: “*Тил гояларни ифодаловчи белгилар системасидир*”, – деб жавоб беради. Шунинг учун Соссюр лингвистик таълимотида лингвистик белги масаласи марказий ўринни эгаллайди.

Тилнинг белгилар системаси экани

Ф.де Соссюр лингвистик концепциясининг яна бир муҳим жиҳати тилнинг белгилар системаси экани ҳақидаги қарашидир.

Тил кишилар ўртасидаги энг муҳим алоқа воситасидир. У объектив борлиқдаги маълум воқеа-ҳодиса ҳақида асосий ахборот ташувчидир. Бундан ахборот ташишнинг бошқа йўллари ҳам борлиги маълум бўлади. Масалан, йўл ҳаракатидан маълумот берувчи, йўлдан ўтиш-ўтмаслик хабарини берувчи воситалар ва бошқалар. Бу жиҳатдан тил ҳам ахборот беришга хизмат қиладиган юқоридаги воситалар сирасида туради. Уларнинг ҳаммаси учун умумий нарса, аввало ўзи, шу билан бирга борлиқдаги бошқа нарса-ҳодисалар ҳақида маълумот беришдир. Бундай воситалар б е л г и л а р деб номланади.

Инсон ўзини қуршаб турган оламни билиш жараёнида унинг унсурларини образлар орқали онгида акс эттиради ва бу белги орқали ифодаланади. *Социал ахборотнинг ҳар қандай моддий ифодаловчилари б е л г и ҳисобланади.* Тилнинг белгилар системаси экани унинг асосий хусусияти ва универсал томонидир.

Аввалига белги назарияси билан асосан файласуфлар шуғулландилар. Фақат XIX аср охиридан бошлаб бу масала руҳшуносларнинг ҳам диққатини жалб қилди.

Белги ҳақидаги фалсафий назария ўзининг узоқ тарихига эга. Қадимги эллинлар нарсанинг моҳияти ва уларнинг номланиши юзасидан илмий баҳсларидаёқ яширин ҳолда белги тушунчасига асосланган эдилар. Файласуфлар таъсирида XIX асрдан бошлаб тилнинг умумий назариясига бағишланган деярли барча лингвистик асарларда сўз икки томонлама характерга эга бўлган белги сифатида талқин қилина бошлади. В.Гумбольдт, Шлейхер, Штейнталь, Л.Бреал, А.Мейе, Ф.Фортунатов, Бодуэн де Куртенэ, Н.Крушевский асарларида сўзга белги нуқтаи назаридан ёндашилади. Лекин Ф.де Соссюр тилнинг белгили табиатини аниқ-равшан ёритиб берди. Ҳатто белги назарияси билан шуғулланувчи алоҳида фан – **семиология** мавжуд бўлишини ва лингвистика ҳам семиология таркибига кириши лозимлигини таъкидлади.

Бир томондан, структурализмнинг муваффақияти, иккинчи томондан, семиотика фанининг ривожланиши туфайли 50-йиллардан бошлаб белги муаммосига қизиқиш янада ортди. Лингвистик муаммоларни семиотик аспектда ўрганиш лингвистиканинг ҳам ўрни ўзгаришига олиб келди. У ҳам инсон билимлари системасида марказий ўрин олувчи фанга айланди.

Ҳозирги кунда белгининг турли аспектларини ҳисобга олувчи кўплаб таърифлари мавжуд. Ҳамма қирраларини ҳисобга олган ҳолда Ю.С.Маслов унга шундай таъриф беради: *«Белги – бу идрок қилинадиган нарса бўлиб, идрок қилувчига ўзи ҳақида ва ушбу белгидан ташқари бўлган бошқа нарса ҳақида маълумот берувчи воситадир».*

Белгини аниқлашда, одатда, унинг икки хусусияти кўрсатилади: биринчи хусусияти идрок қилинишдир. Демак, у идрок қилиниши учун маълум моддий асосга эга бўлиши керак. Белгининг моддий асоси турлича бўлиши мумкин: товуш (акустик), кўриш (оптик), маза (густатор) ва бошқалар.

Белгининг иккинчи хусусияти ўзи ҳақида ва бошқа объект ҳақида маълумот беришдир. Англашиладики, ҳар қандай белгида ўзаро маълум муносабатда бўлган икки объект мавжуд бўлади. Объектлар ўртасидаги муносабат икки хил: **сабаб – натижали** ва **шартли** муносабат. Сабаб-натижали муносабатда объектлар ўзаро мотивланган, шартли муносабатда эса мотивланмаган бўлади. Объектлар ўртасидаги бу икки муносабатни куйидаги схемалар орқали ифодалаш мумкин.

тушунча

тушунча

нарса ифода томони
сабаб-натижа муносабат

нарса ифода томони
шартли муносабат

Демак, белгилар объектив реалликдаги ўзи акс эттирган объектга муносабатига кўра мотивланган ва мотивланмаган турларга бўлинади. Масалан, тутунни кўриб, ёнғин ёки олов ҳақида, ўрик гуллаганини кўриб, баҳор фасли ҳақида, сув жимирлаганини кўриб, балиқ ҳақида, тош сўзини эшитиб, қаттиқ жисм ҳақида тасаввурга эга бўламиз. Биринчи объектлар (тутун, ўрик гули, сув жимирлаши, тош сўзи), иккинчи объектлар (олов ёки ёнғин, баҳор, балиқ, қаттиқ жисм) ҳақида ахборот бериш учун хизмат қиляпти. Булардан дастлабки уч объектлар ўртасида (тутун ва олов, ўрик гули ва баҳор, сув жимирлаши ва балиқ) табиий боғланиш, сабаб-натижа муносабати, яъни объектлар алоқасида мотивланиш (мотивация) бор. Охириги объектлар (тош сўзи ва қаттиқ жисм) муносабатида эса табиий боғланиш мавжуд, сабаб-натижа муносабати (мотивация) йўқ. Улар ўртасидаги муносабат шартли.

Машҳур Америка олими К.фон Фришнинг маълумотида кўра асаларилар ўйини ҳам белги вазифасини бажаради. Асалари ўйинининг шакли ва частотаси озуқа манбаининг масофаси ва йўналиши ҳақида маълумот беради. Доира шаклидаги ўйини озуқа манбаининг асалари уясидан узоқ эмаслигини, юз метр атрофида эканлигини, саккиз шаклидаги ўйини эса бирданига икки ахборот-озуқа манбаининг масофаси юз метрдан анча ортиқлиги ҳамда йўналишини билдиради. Масофа маълум вақт ичида

бажарилган ўйин шаклининг миқдорига боғлиқ. Масофа узунлиги асалари ўйини частотасига тескари пропорционалдир. Тўққиз-ўнта саккизлик бўлса, юз метр атрофидаги масофани, еттита саккизлик шакли 200 метр масофани, тўрт ярим саккизлик шакли бир километр масофани, икки саккизлик шакли эса олти километр масофани кўрсатади. Масофа қанча узок бўлса, ўйин шунча секин бўлади. Йўналиш эса «саккизлик» ўқининг нисбатига кўра белгиланади. Қуёшга нисбатан «саккизлик» ўқининг ўнгга ёки чапга бурилиш бурчаги йўналиш томонини аниқ кўрсатади. Асалари ўйинининг шакли ва частотаси билан улар ифодалаган ахборот ўртасида ҳам шартли, мотивланмаган муносабат бор.

Шуни таъкидлаш лозимки, бири иккинчиси билан алмашилиб келадиган ҳар қандай икки объектнинг бири белги бўлавермайди. Фақат бири ўрнида иккинчиси муттасил алмашинадиган ва бу алмашинув (энг муҳими) инсон онгида акс этганидагина белгилашади. Масалан, тутун оловнинг белгисидир. Аммо унинг белгилиги объектлар ўртасидаги табиий сабаб-натижа (сабаб – олов, натижа – тутун) муносабати эмас, балки бу муносабатнинг инсон онгида акс этгани, конвенционаллиги учундир. Акс ҳолда табиатдаги ҳар қандай сабаб-натижа муносабатида бўлган объектлар ўзларига табиий равишда белги яратиб олардилар.

Сабаб-натижа муносабатли (мотивланган) белгилар табиатдаги объектлар аро муносабатни инсон онгида акс этишидан вужудга келади. Шартли муносабатли (мотивланмаган) белгиларда эса объектлар ўртасидаги муносабат инсон томонидан ҳосил қилинади. Ана шу субъектив ҳосил қилинган алоқа б е л г и м а з м у н и (концепт ёки сигнификат) ҳисобланади. Белги орқали ифодаланган объект эса **денотат** ёки **референт** терминлари билан номланади.

Ф.де Соссюрнинг фикрича, тил белгилари ўз табиатида кўра гарчи психик бўлса ҳам, лекин абстракция эмас, балки жамият аъзолари тил хотирасида жойлашган реалликдир.¹ У айрим муаллифларнинг тил алоҳида нарсаларнинг номлари йиғиндиси (номенклатураси) деган қарашларига танқидий муносабатда бўлади.

Унинг фикрича, лингвистик белги **нарса** ва унинг **номи** ўртасидаги муносабатдан эмас, балки **тушунча** ва **акустик образ** ўртасидаги муносабатдан ташкил топади. Акустик образ деганда физик ҳолат, моддий товушлар ёрдамида ифодаланиш эмас, балки товушланишнинг психик муҳри, сезги аъзоларимиз томонидан яратилган товуш томони ҳақидаги тасаввур тушунилади.

Акустик образларнинг психик хусусиятини ўзимизнинг шахсий нутқий тажрибамизда аниқ кузатишимиз мумкин. Лабимизни ҳам, тилимизни ҳам қимирлатмасдан туриб, ичимизда ўз-ўзимизга гапиришимиз ёки маълум шеърини парчани фикран ўқишимиз мумкин. Тил бирлиги бўлган сўзнинг ташқи томони акустик образ бўлгани учун ҳам унинг ташқи томони таркибий қисмлари ҳақида фикр юритганда, “фонема” тўғрисида гапириб бўлмайди.

Чунки бу атама фонация жараёнига, фақат реал талаффуз қилинган сўзга тааллуқлидир.

Шундай қилиб, лингвистик белги, Ф.де Соссюр талқинига кўра, икки томонлама психик моҳият бўлиб, тушунча ва акустик образ ўртасидаги муносабатдан ташкил топган.

Бу икки томон ўзаро узвий боғлиқ бўлиб, бири иккинчисини тақозо этади.

Ф.де Соссюр ўзигача бўлган олимлар *белги* деганда фақат акустик образни тушунганига танқидий ёндашгани ҳолда, лингвистик белги таркибий қисмларини ифодаловчи *тушунча* атамасини *ифодаланмиш* атамасига, акустик образ атамасини *ифодаловчи* атамасига ўзгартиришни тавсия этади. Бундай вақтда **лингвистик белги** атамаси бутунни, кейинги икки атама эса унинг икки таркибий қисмини ифодалайди. Кейинги икки атаманинг қулайлиги шундаки, аввало, бутун таркибидаги унсурларнинг ўзаро зидланишини, қолаверса, бутун ва бўлак зидланишини тўғри ифодалайди.

Лингвистик белги энг муҳим аҳамиятга молик икки хусусиятга эга эканини таъкидлайди. Уларнинг биринчиси *эркинлик* (произвольность), иккинчиси эса ифодаловчининг *кетма–кетлигидир*.¹

Лингвистик белгининг эркинлиги

Ф.де Соссюрнинг талқинига кўра, ҳар қандай лингвистик белги ифодаловчи ва ифодаланмиш муносабатидан ташкил топган бутунлик саналади. Лингвистик белгининг ифодаловчи ва ифодаланмиши ўртасидаги муносабат эркиндир.

Масалан: *она* тушунчаси *о-н-а* товушлар кетма-кетлиги билан ҳеч қандай ички муносабатга эга эмас. Бу тушунча бошқа ҳар қандай товушлар кетма-кетлиги асосида ҳам ифодаланиши мумкин. Бу турли тилларда мазкур тушунчанинг турлича ифодаланиши ва ҳар хил тилларнинг мавжудлиги билан ҳам изоҳланади.

Бу ўринда э р к и н л и к атамасининг маъносига алоҳида аҳамият бериш лозим бўлади. Гарчи лингвистик белгининг ифодаловчи ва ифодаланмиши ўртасидаги муносабат эркин бўлса ҳам, лекин бундан сўзловчи белгининг ифодаловчи томонини эркин танлайди, деган хулосага келмаслик лозим.

Сўзловчи лингвистик белгининг жамоатчилик қабул қилган ифодаловчи томонига озгина бўлса-да ўзгариш кирита олмайди. У ўзининг

тил хотирасида ўзигача бўлган ифодаловчи ва ифодаланмиш муносабатидан ташкил топган лингвистик белгини бир бутун ҳолда ўзлаштиради.

Лингвистик белги эркинлиги фақат ифодаловчининг ифодаланмишга нисбатандир. Чунки бу икки томон ўртасида ҳеч қандай табиий алоқа йўқдир.

Шу билан бирга, тил системасида бу тамойилга истиснолар ҳам учрайди. Хусусан, Ф.де Соссюр товушга тақлид сўзлар билан ундов сўзларни ана шундай белгилар қаторига қўшади. Лекин уларнинг кам сонлиги ва тил системасининг “органик элементи” эмаслиги, шу сабабли бу ҳолатлар лингвистик белгининг эркинлиги тамойилини рад этолмаслигини таъкидлайди.¹

Лингвистик белги ифодаловчисининг кетма-кетлиги

Ифодаловчи ўз табиатига кўра эшитиш сезгиси орқали қабул қилиниш хусусиятига эга бўлгани туфайли вақтда кенгайиб боради. Шунинг учун у вақт белигисига кўра тавсифланади: а) у чўзиқлик белигисига эга; б) бу чўзиқлик бир ўлчовга эга.

Лингвистик белгининг бу хусусияти тадқиқотчилар диққатини кам жалб этади. Чунки у аниққа ўхшаб кўринади. Ф.де Соссюрнинг таъкидлашича, лингвистик белгининг кетма-кетлик тамойили худди биринчи тамойил каби муҳимдир. Бутун тил механизми бу тамойил билан боғланган.

Лингвистик белгининг бошқалардан, хусусан, денгиз сигналларидан асосий фарқи шундаки, у эшитиш орқали қабул қилинади ва эшитилган ифода томони товуш кетма-кетлигига эга. Бир вақтнинг ўзида иккита товушни талаффуз қилиб бўлмайди. Бир элемент талаффуз қилингандан сўнг, иккинчисига ўтилади. Айниқса, лингвистик белгининг ифодаловчиси ёзув орқали берилганда бу хусусият яна ҳам равшан намоён бўлади. Бир ҳарфдан сўнг иккинчиси ёзилади.

Лингвистик белгининг ўзгармаслиги ва ўзгарувчанлиги

Ф.де Соссюр белгининг «ўзгарувчанлик ва ўзгармаслик» антиномиясини белги эркинлиги тамойилининг амал қилиш оқибати деб ҳисоблайди.

Белгининг ўзида эркинлик ва мажбурийлик антиномияси амал қилишини таъкидлайди. Бир томондан, ифодаловчи ўзи ифодалаган тушунчага нисбатан эркин бўлса, иккинчи томондан, бу белгилардан фойдаланувчи тил жамоаси учун ифодаловчи мажбурийдир. Чунки тил олдинги даврнинг мероси сифатида кейинги авлодларга ўтади. Маълум бир тушунчанинг номини ҳар ким ўзи хоҳлаганича ўзгартиролмайди. Ҳар бир жамият тилнинг олдинги даврдан мерос бўлиб ўтадиган, қандай бўлса, шундай ҳолда қабул қилинувчи тайёр маҳсулот эканини яхши биладилар.

Тилнинг муайян бир даврдаги ҳолати тарихий факторларнинг маҳсулидир. Бу эса белгининг ўзгармаслик сабабини кўрсатади. Лекин «тил – ўтмиш мероси» деган ҳукм билан чеклансак, у тилдаги ўзгариш жараёнлари ҳақида ҳеч қандай тасаввур бермайди.

Белгининг эркинлиги назарий жиҳатдан унинг моддий томони билан маъно томони ўртасидаги муносабат эркинлигини таъминлайди. Демак, белги остида бирлашган бу икки томон эркин равишда яшайди ва муайян кучлар таъсирида ривожланади. Эволюция ё товуш томонини, ёки маъно томонини қамраб олади. Бу муқаррардир. Ундан ҳоли бўлган бирорта тил учрамайди. Маълум вақт оралиғида ҳар бир тилда сезиларли равишда ўзгариш рўй беради.

Белгининг замонда узлуксизлиги ва ўзгарувчанлиги умумий семиология тамойилидир. Буни ёзув системасида, кар-соқовлар тилида яққол кузатиш мумкин.

Белгининг узлуксизлик сабабини аниқ кузатиш мумкин. Лекин унинг замонда ўзгариши сабаби ҳақида бундай фикрни айтиб бўлмайди. Замон ҳар қандай нарсани ўзгартиради. Тил ҳам бу умумий қоидадан мустасно эмас.

Ф.де.Соссюр белгининг «ўзгарувчанлик ва ўзгармаслик» хусусияти ҳақида фикр юритар экан, қуйидаги хулосага келади:

1. **Лисоний фаолиятнинг** икки таркибий қисм (*faktuer*) – **тил** ва **нутқдан** ташкил топгани эътироф этилади. Соссюр учун тил – бу *лисоний фаолият, нутқдир*. У алоҳида шахснинг бошқалар фикрининг тушуниши учун имкон берадиган тил кўникмалари йиғиндиси.

2. Лекин тилнинг бу таърифи уни социал реалликдан ташқарида қолдиради. У фақат реалликнинг бир томонини – индивидуал аспектинигина ўз ичига олади. Тил бўлиши учун эса сўзлашувчи жамиятнинг аъзоси бўлмоғи ҳам лозим. Тил жамиятдан ташқарида мавжуд бўлмайди. Чунки у семиологик ҳодисадир. Тилнинг социал табиати унинг ички хусусиятларидан биридир. Тилнинг тўлиқроқ таърифи икки ўзаро боғлиқ ҳодисаларнинг тил ва сўзлашувчи жамоа ўртасидаги муносабатини қамраб олиши лозим бўлади. У қуйидаги схема орқали ифодаланади:

Сўзлашувчи жамоа

Бу схема тилнинг яшашга қодирлик имкониятинигина ифодалайди. Бу схема остидаги тил яшаётган тил эмас. Чунки у фақат тилнинг социал реаллик белгисинигина қамраб олади.

Сўзлашувчи жамоани замондан ташқарида қараш социал кучларнинг тилга таъсирини ўрганишга имкон бермайди. Ҳақиқатга яқинлашмоқ учун юқоридаги схемага замон ҳаракатини ифодаловчи белгини қўшиш лозим бўлади; яъни:

Замон

Сўзлашувчи жамоа

Бу схемада замон социал кучларнинг тилга таъсир қилишига имкон бериши ақс этади. Шундай қилиб, тилнинг замонда узлуксизлиги эътироф этилади. Узлуксизлик эса ифодаловчи билан ифодаланмиш ўртасидаги муносабатнинг даврлар ўтиши билан маълум даражада ўзгаришини таъминлайди.

Шундай қилиб, Ф.де.Соссюр таълимотида тилнинг социаллиги эътироф этилиши билан бирга, уни индивидуаллик ва социаллик, тил ва нутқ, барқарорлик ва ўзгарувчанлик, эркинлик ва мажбурийлик дихотомиялари асосида ўрганиш марказий ўринни эгаллайди.

Лингвистик қиймат тушунчаси

Ф.де Соссюр лингвистик таълимотида қиймат тушунчаси муҳим аҳамиятга эга. Ҳатто у «тил соф қийматлар системасидир» дейди.¹ Олимнинг фикрича, бунга ишониш учун унинг икки ўзаро муносабатда бўлган элементларини: тушунча ва товушларни кўриб чиқиш kifоя.

Психологик нуқтаи назардан тафаккуримиз ифодаловчисидан ажратиб олинганда, бўлақларга бўлинмайдиган аморф массадан иборат. Файласуф ва лингвистлар эътирофича, белгилар ёрдамисиз бир тушунчани иккинчисидан аниқ фарқлаш мумкин эмас. Ўз ҳолича олинган тафаккур гўё туманликка ўхшайди.

Бундан фарқли равишда товуш томони аниқ қисмларга бўлинади. Бу фикр осонгина қуйиладиган тайёр шакл эмас, балки ўзи алоҳида қисмларга бўлинмайдиган пластик массадир. Шунинг учун тилни қисмларга кетма-кет сегментланадиган қатор сифатида тасвирлашимиз мумкин.

Фикрга нисбатан тилнинг ўзига хос роли моддий товуш томонини ҳосил қилиш эмас, балки фикр ва товуш томони ўртасида воситачи ролини ўйнашдир.

Тил қисмларга бўлинувчанлик хусусиятига эга. Ҳар бир тил элементи бўлинган сегмент ҳисобланади ва унда тушунча маълум товушлар билан боғланади, товушлар эса тушунчанинг белгисига айланади. Шунинг учун лингвистик белгининг ифодаловчи томонини ажратиш мумкин эмас. Уни дафтар варағига қийслаш мумкин. Маъно унинг юза томони, товуш эса

тескари томони ҳисобланса, бу икки қисмни алоҳида-алоҳида икки бўлакка ажратиб бўлмайди. Демак, тилда ҳам маънони шаклдан, шаклни эса маънодан ажратиб бўлмайди.

Лингвист ифодаловчи ва ифодаланмиш элементлари бирлашган чегара зонада ишлайди. Икки томоннинг бирлашуви субстанцияни эмас, балки формани ҳосил қилади.

Бу ҳолат лингвистик белгининг эркинлигини янада яхшироқ тушунтиришга имкон беради. Белгининг эркинлиги эса тил системаси ижтимоий ҳолат, социал ҳаёт билан боғлиқ эканини кўрсатади.

Ҳар бир белги маълум қийматга эга. Бу қиймат бошқа белгилар муносабатида намоён бўлади. Лисоний бирликнинг қиймати ижтимоий ҳаёт билан ҳам боғлиқ. Қийматни жамият белгилайди. Алоҳида шахс ўз ҳолича ҳеч қандай қийматни белгилаш хусусиятига эга эмас. Бу эса тил системаси таркибидаги у ёки бу аъзонинг фақат ифодаловчи ва ифодаланмишнинг оддий бирлашуви деб эътироф этиш жиддий адашиш эканини кўрсатади.

Қиймат тушунчаси системада катта аҳамиятга эга бўлса ҳам, лекин унинг талқини тилшунослар ўртасида бир хил эмас.

Ф.де Соссюр таъкидлашича, тил элементлари бир бутунликни ташкил этган система экан, унинг таркибидаги бир элемент қиймати айни дамда бошқасининг мавжудлиги билан аниқланади.¹

Айрим муаллифлар сўзнинг қиймати ҳақида фикр юритганда, энг аввало, унинг тушунчани ифодалашини назарда тутадилар. Бундай ҳолда, Ф.де Соссюр, қиймат билан маъно ўртасида қандай фарқ бор, деган саволни кўяди.

Маъно гарчи қиймат билан жуда яқин бўлса ҳам, лекин улар ўзаро маълум белгилари билан фарқланади.

Маъно ифодаловчи ва ифодаланмишнинг сўз доирасидаги ўзаро муносабати орқали намоён бўлади. Яъни уни аниқлаш учун бир сўзни бошқа бир сўзга муносабатда кўриш шарт эмас. Қиймат эса фақат бир бирликни иккинчисига нисбатлаш орқали намоён бўлади.

Концептуал нуқтаи назардан ёндашилганда кўринадики, қиймат гарчи маънонинг бир элементи бўлса ҳам, лекин улар ўртасида юқоридаги каби фарқ мавжуд.

Энг аввало, қиймат ҳақида фикр юритиш учун қуйидагилар эътиборга олинади:

1. алмаштириш мумкин бўлган қандайдир ўхшамаган бошқа нарсанинг мавжудлиги;

2. қиймати аниқланаётган нарсани қиёслаш мумкин бўлган унга ўхшаган бошқа нарсанинг мавжудлиги.

Ф.де Соссюрнинг таъкидлашича, қийматнинг мавжуд бўлиши учун юқоридаги икки фактор зарурий саналади. Масалан, 50 сўмнинг қийматини аниқлаш учун қуйидагиларни билиш зарур: 1) уни бошқа қандай нарсаларга алмаштириш мумкин, хусусан, унга нечта нон келади?; 2) бошқа қайси пул

бирлигига қиёслаш мумкин? Хусусан, тожикларнинг неча сомонийсига, козокларнинг неча тангасига, русларнинг неча рублига тенг келади?

Худди шунга ўхшаш сўзлар қиймати ҳам, бир томондан, бошқа ўзига ўхшамаган, иккинчи томондан, ўзига ўхшаган сўзлар билан қиёслаш ёрдамида аниқланади.

Шундай қилиб, сўз қийматини белгилаш учун унинг маълум тушунчани ифодалашини аниқлаш кифоя қилмайди. Бундан ташқари уни ўзига ўхшаш бошқа сўзга ҳам солиштириш лозим бўлади. Кўринадики, қиймат сўзнинг ташқи муносабатлари орқали белгиланади.

Сўз система таркибига кириб, маънодан ташқари қийматга ҳам эга бўлади. Маъно системагача сўзда мавжуд бўлса, қиймат системада намоён бўлади.

Бу айтилганлар қийматнинг концептуал томонига дахлдордир. Улардан ташқари қийматнинг моддий томони ҳам мавжуддир. Худди концептуал томон каби моддий томон ҳам тилнинг бошқа элементлари билан муносабати ва фарқланишидан ҳосил бўлади.

Сўзда бу сўзни бошқа сўздан фарқлайдиган товуш фарқланишлари муҳимдир.

Эркинлик ва дифференциаллик ҳар қандай лингвистик белгининг коррелятив хусусиятидир. Масалан, *китоб* сўзидаги сон қиймати *китоблар* сўзига қиёсланганда аниқланади.

Қийматнинг моддий томони ҳарфларга нисбатан олинганда яна ҳам равшанроқ намоён бўлади.

1. Ёзма белгилар эркин. Ҳарф билан у ифодалаган товуш ўртасида ҳозирги кун нуқтаи назардан ҳеч қандай сабаб-натига муносабати йўқ. Масалан *t* ҳарфи билан у ифодалаган товуш ўртасида. Шунингдек, бир товуш турли ҳарфлар билан ифодаланиши, бир ҳарф турли товушларни ифодалашини мумкин.

2. Ҳарфлар қиймати дифференциал; *t* ҳарфи турли кишилар томонидан турлича ёзилиши мумкин. Айримлариники *f* шаклида, *f* га яқин, айримлариники *ʃ* шаклида, *a* га яқин. Лекин улар ўхшаш ҳарфлардан муҳим белгисига кўра фарқланади.

3. Ёзувдаги қиймат бир ҳарфнинг ҳарфлар системасидаги бошқа ҳарфларга нисбатига кўра белгиланади.

4. Ҳарфни нима воситасида ёзиш унинг қийматини белгилаш учун мутлақо аҳамиятсиздир. Чунки у тахтага бўр билан, дафтарга сиёҳ билан, ерга чўп билан ёзилиши мумкин. Лекин улар график белги маъносига мутлақо таъсир этмайди.

Лингвистик муносабатлар

Ф.де.Соссюрнинг лингвистик birlikлар ўртасидаги муносабатга жиддий эътибор бергани қиймат тушунчасини белгилашда ҳам, тилнинг системавий табиатини белгилашда ҳам аниқ кўриниб туради.

Унинг фикрича, тилнинг муайян бир даврида ҳар бир нарса муносабатларга асосланади. Барқарор (узуал) муносабатлар йиғиндиси тилни ташкил этади ва унинг функцияланишини белгилайди. Шунинг учун системанинг ҳар бир аъзоси бошқа аъзолар билан синтагматик ва ассоциатив муносабати орқали аниқланади. Муносабатларни характерига кўра икки гуруҳга ажратади: а) синтагматик муносабат ва б) ассоциатив муносабат. Бу муносабатлар ақлий фаолиятимизнинг икки шаклига мувофиқ келади.

Синтагматик муносабат икки ва ундан ортиқ аъзоларнинг актуал кетма-кетлилигига асосланса ва *in praesentia* бўлса, ассоциатив муносабат аъзоларни виртуал, мнемоник қаторга бирлаштиради, улар доимо *in absentia* бўлади.¹

Синтагматик муносабат

Сўз нутқ жараёнида ўзаро боғланиб, кетма-кетликка асосланган муносабатга киришади. Кетма-кетлик хусусияти икки элементнинг бир вақтда талаффуз қилинишига имкон бермайди. Бу элементлар нутқ оқимида бири иккинчисининг орқасидан терилади. Ана шундай чўзиқликка эга боғланиш, Ф.де Соссюр фикрига кўра, синтагма саналади.

Синтагма доимо энг камида иккита кетма-кетлик бирликларининг ўзаро муносабатидан ташкил топади.

Синтагма аъзолари ўзидан олдин ё ўзидан кейинги бирликларга ёки ҳар иккисига ҳам зидланишига кўра маълум қийматга эга бўлади.

Синтагма икки ва ундан ортиқ бирликларнинг эркин боғланиши натижасида ҳосил бўлганлиги учун синтагматик муносабатни айрим муаллифлар нутққа хос деб таъкидлайдилар.

Лекин Ф.де Соссюр унинг ҳам тилга, ҳам нутққа даҳлдор эканини кўрсатади. Унинг фикрича, синтагманинг типик кўриниши гап бўлса ҳам, лекин бундай гап нутққа хослигидан келиб чиқиб, синтагма фақат нутққа даҳлдор бўлади, деган хулосага келмаслик керак.

Нутқнинг характерли белгиси элементларнинг эркин алмашилишидир. Ана шу нуқтаи назардан ёндашадиган бўлсак, синтагмага даҳлдор бўлган бир қатор синтактик қурилмалар барқарорлик хусусиятига эга эканини кўраимиз. Масалан, мақоллар, фразеологизмлар ва бошқалар. Бундай ифодалар нутқ жараёнида ҳосил қилинмайди, балки анъанага кўра тайёр ҳолда нутққа олиб кирилади.

Бундан ташқари, маълум қоидалар асосида қурилган барча синтагмаларни ҳам нутққа эмас, балки тилга киритиш лозим, дейди. Чунки бундай қурилмаларнинг тилда тайёр намуналари мавжуд бўлади. Шунингдек, муайян шаблонлар асосида шаклланган бирикма ва гаплар ҳақида ҳам шу фикрни айтиш мумкин. Бундай шаблонлар сўзловчи хотирасида олдиндан мавжуд бўлади.

Синтагматик бутунлик

Ф.де Соссюр синтагматик бутунлик тушунчасига ҳам эътибор беради. Унинг таъкидлашича, барча тил бирликлари ё нутқ оқимидаги куршовга ёки ўзини ташкил этган элементларга боғлиқ бўлади. Бунга яққол мисол қилиб сўз ясалишини кўрсатади. Масалан, *ишла* сўзи иккита қуйи бирликларга бўлинади: *иш-ла*. Лекин улар оддий боғланган иккита алоҳида-алоҳида қисмлар эмас, балки боғлиқ элементларнинг бутунлик таркибида ўзаро ҳамкорлиги туфайли муайян қийматга эга бўлган қисмлардир: *-ла* ўзича мавжуд бўлмайди. Тилда у *туз-ла*, *ёд-ла* каби бир қатор асос қисмларнинг мавжудлиги ҳисобига ўз ўрнига эга бўлади.

Шу билан бирга асос қисм ҳам унга эргашиб келувчи суффиксиз маълум қийматга эга бўлмайди. Бутунлик қиймати унинг қисмлари асосида аниқланади. Қисмларнинг қиймати эса бутунлик таркибидаги ўрни билан белгиланади. Бундан эса қисмнинг бутунга муносабати бутуннинг қисмлари ўртасидаги муносабати каби катта аҳамиятга эга эканини кўрсатади.

Шуни таъкидлаш керакки, Соссюр бутун ва бўлак ўртасидаги муносабатни ҳам синтагматик муносабат ҳисоблайди.¹

Икки ва ундан ортиқ элементларнинг ўзаро боғлиқ муносабатидан ташкил топган бутунликни синтагматик бутунлик, деб ҳисоблайди ва у тилнинг барча қатламларга мансуб эканини кўрсатади. Шу билан бирга тилда ўзининг қисмлари билан ҳам, ўзига ўхшаш бошқа бирликлар билан ҳам синтагматик муносабатга киришмайдиган айрим бирликлар мавжудлигини таъкидлайди. Бундай бирликларга гап эквиваленти бўлиб келадиган *ҳа*, *йўқ*, *албатта*, *раҳмат* сингари бирликлар кириши, лекин уларнинг мавжудлиги, тилнинг умумий синтагматик муносабат тамойилини рад этмаслигини кўрсатади.

Ассоциатив муносабат

Сўз синтагматик муносабатга кириши билан бирга нутқий жараёндан ташқарида бошқа сўзлар билан умумийлик белгисига кўра сўзловчи тил хотирасида ассоциациялашади ва бу ассоциациялашган бирликлар хотирада муайян гуруҳларни ҳосил қилади.

Гуруҳ бирликлари ўртасида эса хилма-хил муносабатлар мавжуд бўлади. Масалан, *ишла* сўзини айтишимиз билан беихтиёр хаёлимизга, бир томондан, *сўзла*, *тузла*, *музла* сингари сўзлар, иккинчи томондан, *ишчи*, *ишсиз*, *ишли* каби сўзлар гуруҳи келади.

Лисоний бирликларнинг бундай муносабати юқорида кўрсатилган синтагматик муносабатдан тубдан фарқ қилиши таъкидланади. У синтагматик муносабатдан фарқли равишда кетма-кетликка асосланмайди. Балки сўзловчи хотирасида ўзаро боғланган ҳолда жойлашади. Бундай муносабат ассоциатив муносабат деб ҳисобланишини баён қилади.

Онгимизда ҳосил бўлган ассоциатив гуруҳлар маълум умумий белгисига эга бўлган муносабат аъзоларининг яқинлашуви билан чегараланмайди. Онг ҳар бир муносабатда унинг аъзоларини боғловчилар характерини ҳам қамраб олади. Натижада нечта ассоциатив қатор бўлса, шунча фарқли муносабатни ҳосил қилади. Масалан, ўзакдошлик асосида бирлашган сўзлар гуруҳи, қўшимчадошлик асосида бирлашган сўзлар гуруҳи. Бундан ташқари ассоциация фақат ифодаланмиш ўхшашлиги ёки фақат акустик образлар умумийлиги асосида рўй бериши мумкин. Шундай қилиб, ассоциация ҳам мазмун ва ҳам шакл асосида, ёки фақат шакл, ё фақат мазмун асосида юзага келиши мумкин. Ҳар қандай сўз доимо ўзи билан ассоциация муносабатида бўлиши мумкин бўлган сўзни эсга солади.

Синтагматик муносабатда элементлар кетма-кетлиги ва ўзаро алмашилиши ҳақида тасаввурга эга бўлсак, ассоциатив гуруҳ аъзоларининг эса хотирамизда аниқ миқдори ва кетма-кетлиги мавжуд бўлмайди.

Ассоциатив гуруҳнинг ҳар бир аъзосини бошқа чегарасиз барча аъзоларни кесиштирувчи таянч нуқта сифатида эътироф этиш мумкин. Ассоциатив қаторларнинг қуйидаги икки хусусияти мавжуд: а) таркибнинг ноаниқлиги; б) миқдорнинг чегарасизлиги.

Бу икки хусусиятдан, Ф.де Соссюрнинг фикрича, биринчиси доимо мавжуд, иккинчиси эса кўпинча бўлмаслиги мумкин. Масалан, сўз ўзгариши қатори чегараланган, келишиклар миқдори аниқ, лекин уларнинг парадигмадаги жойлашиш қатори тадқиқотчининг ихтиёрига боғлиқ. Демак, парадигма аъзоларининг жойлашиш тартиби субъектив, тасодифийдир, яъни у ёки бу тартибда бўлиши мумкин.

Синхрония ва диахрония

Ф.де Соссюрнинг тилни белгилар системаси сифатида эътироф этиши, лисоний фаолиятнинг тил ва нутқ дихотомиясидан иборат экани, лингвистик белгида ўзгармаслик ва ўзгарувчанлик дихотомиясининг мавжудлиги, тилнинг ижтимоийлиги ҳақидаги ғоялари, табиий равишда, тилнинг вақтга муносабати ғоясини келтириб чиқарди. Натижада унинг синхрония ва диахрония дихотомияси ҳақидаги таълимоти майдонга келди.

Ф.де Соссюр лингвистик бирликлар ўртасидаги зидланишларни чорраҳага қиёслаган ҳолда, тил ва нутқ дихотомиясини тилшунос дуч келадиган биринчи, синхрония ва диахрония ўртасидаги зидланишни эса иккинчи чорраҳа ҳисоблайди. Иккинчи чорраҳадан кесишган йўлларнинг биринчиси синхронияга, иккинчиси эса диахронияга етаклашини таъкидлайди.¹

Унинг фикрича, тилнинг бир неча қонунлари бўлиб, барчасининг негизида синхрония ва диахрония ётади.

Ҳар қандай ижтимоий қонунлар қуйидаги икки муҳим белгига эга бўлади: а) императивлик; б) умумийлик. У барчага мажбурий ва барча ҳолатларда, муайян макон ва замон чегарасида амал қилади.

Ана шу нуктаи назардан тилга ёндашилса, синхрония ва диахрония юқоридаги талабларнинг фақат биттасига жавоб беради. Тилнинг синхрон ҳолатидаги қоидалари кўпинча умумийдир, лекин ҳеч қачон мажбурий бўлмайди. Диахрон ҳолатидаги қоидалар эса мажбурийдир, лекин ҳеч қачон умумий бўлмайди.

Лингвистик белгининг ўзгармаслик ва ўзгарувчанлик хусусияти диахрония ва синхрония зидланишини талаб қилади.

Тил ва тил жамоаси ўртасидаги муносабатга замон белгиси қўшилиши билан диахрония ва синхрония амал қила бошлайди.

Замон белгисининг иштирок этиш-этмаслигига кўра фанлар иккига бўлинади: вақт белгиси муҳим бўлмаган фанлар; вақт белгисига таянувчи фанлар.

Масалан, астрономия, геология сингари фанларнинг ўрганиш объектлари ҳисобланган самовий ёритқичлар ва ернинг ҳолатлари вақт нуктаи назаридан турли ўзгаришларга учраса ҳам, лекин бу ўзгаришлар юқоридаги фанларнинг ҳозирги астрономия ва тарихий астрономия, шунингдек, ҳозирги геология ва тарихий геология фанларига бўлинишига олиб келмайди. Ҳуқуқ, иқтисод сингари фанлар эса замон белгисига таянади ва шу белги асосида иккига бўлинади: сиёсий иқтисод ва иқтисодий тарих; ҳуқуқшунослик ва ҳуқуқ тарихи. Фаннинг бу икки йўналиши объектни ўрганишда икки хил асосга таянади. Биринчиси объектнинг муайян бир даврдаги ҳолатини, иккинчиси эса шу объектнинг икки давр оралиғидаги ўзгаришини ўрганишга асосланади.

Худди шунингдек, лингвистика ҳам ўрганилаётган объектга қайси нуктаи назардан ёндашишга кўра иккига бўлинади: синхрон лингвистика ва диахрон лингвистика.

Синхрон лингвистика объектларнинг статик ҳолатини ўрганганлиги учун Ф.де Соссюр томонидан *статик лингвистика* номи билан ҳам аталади. Аксинча, диахрон лингвистика объектнинг динамик, эволюцион ҳолатини ўрганади. Шунинг учун уни *динамик лингвистика*, *эволюцион лингвистика* деган атамалар билан ҳам номлайди. Лекин *синхрон лингвистика*, *диахрон лингвистика* атамарини бошқаларидан кўра маъқулроқ кўради.¹

Соссюрнинг фикрича, тилшуносликда худди сиёсий иқтисодда бўлгани каби, қиймат тушунчасига дуч келинади. Ҳар икки фанда турли табиатга эга бўлган нарсалар ўртасидаги эквивалентлик системаси ҳақида гап боради: сиёсий иқтисодда меҳнат билан иш ҳақи ўртасидаги эквивалентлик, тилшуносликда эса ифодаловчи билан ифодаланмиш ўртасидаги эквивалентлик ҳақида фикр юритилади.

Барча фанларда икки ўқни фарқлаш лозим бўлади: 1) бир вақтлилиқ ўқи; 2) кетма-кетлик (турли вақтлилиқ) ўқи. Бир вақтлилиқ ўқини *A* ва *B* нукталари туташтирувчи чизик билан, турли вақтлилиқ ўқини эса *S* ва *D* нукталарини туташтирувчи чизик билан ифодалаган ҳолда, юқоридаги икки ўқни қуйидаги схема орқали акс эттиради:

S

А

В

Д

AB ўқи бир вақтда ҳамкорликда мавжуд бўлган birlikларнинг ўзаро муносабатини ифодалайди. Бу ўқда замон иштироки истисно қилинади. *SD* ўқида бирдан ортиқ birlikни бир вақтда ўрганиб бўлмайди. Унда биринчи ўқдаги ҳар бир ҳодиса барча ўзгаришлари билан ўз ифодасини топади.

Қиймат тушунчасига таянувчи ҳар қандай фан учун бу фарқланиш амалий, айрим ҳолларда эса абсолют заруриятга айланади.² Унинг таъкидлашича, юқоридаги фанларда бу икки ўқнинг мавжудлигини эътиборга олмай, қиймат системасини фарқламай ва бу қийматнинг муайян бир вақтдаги функциясига таянмай туриб илмий тадқиқот олиб бориш мумкин эмас.

Айниқса, лингвист учун бу фарқланиш катта аҳамиятга эга. Чунки тил соф қийматлар системасидан иборатдир. Қиймат бир томондан реал нарсалар ва уларнинг табиий муносабатлари билан боғланган. Масалан, иқтисодий фанларда ер участкасининг қиймати унинг даромадлилиги билан пропорционалдир. Бу қиймат вақт ўтиши билан ўзгариши мумкин. Ана шу ўзгариш жараёнининг айна бир пайтида қиймат системада у билан муносабатда бўлган бошқа қийматларга боғлиқ бўлади.

Ф.де Соссюр тилдаги синхрония ва диахронияни фарқлар экан, уни осон тушуниш учун бир қанча реал нарсаларга қиёслайди. Ана шулардан энг характерлиси шахмат ўйинидир.

Шахмат ўйинидаги позициялар кўп жиҳатдан тилнинг ҳолатига ўхшайди. Доналарнинг қиймати уларнинг ўйин жараёни муайян бир даврида тахтада тутган ҳолати билан боғлиқ. Бундан ташқари қиймат ўйин бошлангунга қадар шахматчилар онгида мавжуд бўлган ва ўйин жараёнидаги ҳар бир юришдан кейинги ҳолатида амал қиладиган ўйин қоидасига ҳам боғлиқдир. Худди шунингдек, тилда ҳам ҳар бир элементнинг қиймати унинг тил системасидаги бошқа элементлар билан зидланишига боғлиқ бўлади. Шу билан биргаликда худди шахматдаги қоида тилда ҳам мавжуд бўлиб, у семиологиянинг барқарор тамойили саналади.

Ф.де Соссюр системанинг онийлиги, нисбийлигини, бир ҳолатдан иккинчисига ўзгариб боришини таъкидлайди.

Бир синхрон ҳолатдан иккинчисига ўтиш учун битта донани суриш кифоя. Барча доналарни бирданига суриш шарт эмас. Худди шу ўринда диахроник факт барча хусусиятлари билан намоён бўлишининг гувоҳи бўламиз:

а) ҳар бир шахмат юриши фақат битта донани ҳаракатга келтиради. Худди шунингдек, тилда ҳам фақат алоҳида элементлар ўзгаришга учрайди;

б) ҳар бир юриш бутун бир системага таъсир қилади; ўйинчи ҳар бир юришнинг оқибатини олдиндан аниқ кўра олмайди. Муайян юришдан сўнг барча доналар қийматининг ўзгариши ўйин ҳолатига қараб, жуда катта ёки

унча сезиларсиз бўлиши мумкин. Битта юриш бутун партия тақдирини ҳал қилиши ва у ҳали ҳаракатга солинмаган доналарга ҳам таъсир ўтказиши мумкин. Айни ҳолат тилда ҳам амал қилади;

в) алоҳида донанинг юриши ўзидан олдинги ва ўзидан кейин келадиган тенглик ҳолатидан абсолют фарқ қиладиган фактдир. Ҳосил бўлган ўзгариш юқорида кўрсатилган ҳар икки ҳолатга ҳам дахлдор бўлмайди; биз учун фақат ҳолатгина аҳамиятли саналади.

Тилнинг синхрон ва диахрон ҳолати билан шахмат ҳолати ўртасидаги қиёснинг битта ўрнидагина номувофиқлик кузатилади. Шахмат ўйинида тахтадаги муносабатлар системасини ўзгартириб юбориш учун олдиндан ўйланган ва мақсадли юриш қилинса, тилда эса унинг “дона”лари, яъни бирликлари стихияли тарзда ва тасодифан ўзгаради.

Ф.де Соссюрнинг уқтиришича, синхрон тилшунослик тилни система сифатида ўрганса, диахрон лингвистиканинг объекти системани ташкил этмайди. Бошқача қилиб айтганда, синхрон лингвистика тил, диахрон лингвистика эса нутқ билан иш кўради. Тилдаги ҳар бир ўзгариш индивидуал бўлади ва нутқ факти ҳисобланади. У тез-тез такрорланиб жамоа томонидан қабул қилинган, тил фактига айланади.

Кўринадики, Ф.де Соссюр томонидан синхрония ва диахрониянинг ажратилиши тил ҳамда нутқнинг фарқланиши билан боғланади.

Тилнинг системалилигини ҳам у элементларнинг синхрон муносабати орқали изоҳлайди. Олимнинг баён қилишича, тил барча қисмлари синхрон муносабатда бўлган системадир. Ф.де Соссюр тилни синхрон ўрганишни афзал кўради. Унинг эътирофича, синхрон лингвистика диахрондан муҳимроқ, чунки сўзлашувчи омма учун фақат тилнинг синхрон ҳолатигина ҳақиқий мавжудлик ҳисобланади.

Ф.де Соссюр синхрония ва диахрония зидланишидан қуйидаги хулосаларга келади:

1. Синхронияда бир, диахронияда эса бошқа куч амал қилади. Бу кучларни ижтимоий фанлардаги каби қонун деб бўлмайди. Чунки ҳар қандай қонун умумий ва мажбурий бўлмоғи лозим. Тилнинг синхрон ҳолатидаги кучлар, яъни қоидалар кўпинча умумий бўлади. Лекин ҳеч қачон мажбурий бўлолмайди. Диахрон ҳолатдаги кучлар эса кўпинча мажбурий бўлади, лекин ҳеч қачон умумий бўлолмайди.

2. Бир тилнинг синхрон плани ўзининг ўтмиш (диахрон) ҳолатига нисбатан бошқа бир тилнинг синхрон плани билан яқинроқ келади.

Соссюрнинг бу иккинчи хулосаси тилларнинг ҳозирги ҳолати ва тарихий тараққиётида ўз тасдиғини топмайди. Масалан, ҳозирги ўзбек тилининг синхрон ҳолати эски ўзбек тилига нисбатан, айтайлик, ҳозирги рус тилининг, ёки ҳозирги тожик тилининг синхрон ҳолатига яқин деб бўлмайди.

Шунингдек, тилнинг системавийлик табиатини фақат синхрония билан боғлаб қўйиш ва синхронияни ўзгармаслик табиатига эга дея эътироф этиш ҳам унинг назариясидаги ожиз томонлардан биридир. Чунки диалектик нуқтаи назаридан ҳар бир сезги аъзоларимизга берилаётган объект ички

ўзгаришда ва ривожланишдадир. Ўрганилаётган объектнинг ҳозирги ҳолати ундаги динамик жараённинг муайян бир давридаги кўриниши саналади. Шундай экан, ҳар қандай синхрония диахрониянинг муайян бир даврдаги ҳолати, унинг узвий бир қисмидир, ҳар қандай диахрония эса синхрон ҳолатлар муносабатидан ташкил топади.

Синхрония ва диахрония ўртасидаги муносабатни очишда юқоридаги каби камчиликларга йўл қўйишидан қатъи назар, тилшунослик тарихида тилнинг бу икки ҳолати ва уларнинг бир-биридан фарқини очиб беришининг ўзи катта аҳамиятга эга.

Шундай қилиб, Ф.де Соссюр тилнинг система, белгилар системаси экани, лингвистик белгининг ўзига хос хусусиятлари, унинг ўзгармаслик ва ўзгарувчанлик, динамиклик ва статиклик дихотомиялари каби масалалар юзасидан изчил ҳамда ишонарли маълумотлар берди.

Ф.де Соссюрнинг лингвистик таълимоти дунё тилшунослигига катта таъсир қилди ва структур тилшуносликнинг турли йўналишлари шаклланишига назарий асос бўлди.

Бодуэн де Куртенэ ва Ф.де Соссюр структур тилшуносликка асос солдилар. Юқорида таъкидланганидек, кейинчалик структур тилшуносликнинг турли мактаблари майдонга келди. Қуйида уларнинг асосийлари ҳақида фикр юритилади.

ТИЛШУНОСЛИҚДА СОЦИОЛОГИК ЙЎНАЛИШ

Антуан Мейенинг лингвистик қарашлари

Тил кишилар ўртасида энг муҳим алоқа воситаси сифатида жамият билан узвий боғлиқдир. У жамият эҳтиёжи билан пайдо бўлади, жамият ҳаёти билан боғлиқ равишда ривожланади. Демак, тил, энг аввало, социал ҳодисадир. Шунинг учун ҳам тилшунослик фан сифатида шакллангандан буён тил ва жамият ўртасидаги муносабат муаммоси лингвистлар диққатини тортиб келади. Бу айниқса Ф.де Соссюрнинг лингвистик концепциясида ёрқин ифодасини топди. Унинг фикрича, тил жамиятнинг социал бойлиги сифатида шу тилда гаплашувчи барча жамият аъзолари учун хос бўлган лингвистик белгилар системаси, “нутқий қобилиятнинг социал ҳосиласи”дир.

Ф.Соссюр изидан борган А.Мейе доимо тил социал факт эканини, уни жамиятдан, жамиятни эса тилдан ажралган ҳолда тасаввур қилиб бўлмаслигини, социал шарт-шароит тил ҳодисаларини белгилашини таъкидлайди. А.Мейе тадқиқотларида тилдаги ҳар бир ўзгариш жамият ҳаётидаги ўзгариш билан боғлиқ ҳолда изоҳлангани туфайли у тилшунослик тарихида “социологик мактаб”нинг ёрқин вакили ва бу мактаб қарашларнинг ифодачиси бўлиб қолди.

Ҳаёти ва фаолияти

А.Мейе (1866 – 1936) XX аср бошларидаги дунё тилшунослигининг йирик вакилларида бири, француз тилшунослиги социологик йўналишининг асосчиси саналади. У 1986 йилдан умрининг охиригача Париж лингвистик жамияти котиби ҳамда шу жамият томонидан чиқариладиган илмий бюллетеннинг муҳаррири бўлиб ишлади. 1906 йилда Петербург фанлар Академиясининг мухбир аъзоси бўлиб сайланди.

А.Мейенинг илмий фаолияти классик тилларни ўрганишдан бошланади. 1906 йилда лотин тилидаги сўзларнинг турланиши юзасидан алоҳида китоб нашр этди. Ундан сўнг ҳаётлик чоғидаёқ тўрт марта нашр юзини кўрган юнон тили тарихига бағишланган асарини ёзди. Бу очерк қадимги Юнонистонда адабий тил шаклланиши ва ривожланишининг мураккаб йўлини кўпчиликка тушунарли тилда ёритиб беради. Юнон ва лотин тиллари билан бир вақтда қадимги арман ҳамда қадимги форс тиллари билан шуғулланди ва уларга бағишланган махсус асарлар ёзди. Айни пайтда тохар тили ҳам унинг эътиборини тортади. Ундан сўнг герман ва славян тилларини махсус ўрганишга ўтади.

1917 йилда герман тилларининг бошқа ҳинд-европо тилларидан фарқ қиладиган хусусиятларини баён қилувчи ажойиб бир очерк ёздики, у изчиллиги, тилининг равллиги, содда ва аниқлиги билан шу кунгача кўпчиликни лол қолдиради. Бу асарда герман тилларини чуқур таҳлил қилиш орқали айрим миллатчи германистларнинг (кейинчалик фашистларнинг) германлар ва герман тили ҳинд-европо ирқи ҳамда тилининг ҳақиқий софлигини сақлаб қолган деган фикрлари ғирт уйдирма эканини фош қилади.

А.Мейе кўпроқ ҳинд-европо тиллари билан шуғулланса ҳам, лекин дунёнинг бошқа тиллари ҳам эътиборидан четда қолмади. У тилшунос Марсел Коген билан ҳаммуҳаррирликда дунё тилларини ёритишга бағишланган жамоавий нашрни йўлга қўяди. Унда дунё тиллари таснифи бўйича ўзининг қатор фикрларини баён қилади.

А.Мейе асарлари библиографиясини тузган Э.Бенвенист унинг 24 номдаги китоби, 540 номдаги мақолаларини рўйхатга олади. Бу китоб ва мақолалар ўзининг мазмундорлиги ва янги-янги муаммоларни ўртага ташлаши билан ҳақи равишда А.Мейе номини дунёга танитди.

Тилшуносликда А.Мейенинг социология мактаби

Юқорида таъкидланганидек, тил структурасидаги ўзгаришларнинг сабабини жамият ҳаётидаги ўзгаришлар асосида тушунтириб беришга қаратилган тилшунослик йўналиши “социологик мактаб” номи билан машҳур бўлди. Социология мактабининг ибтидоси Ф.де Соссюр ғоялари билан боғлиқдир. Ф.де Соссюр мактабида вояга етган ва ҳинд-европо тилларини қиёсий-тарихий ўрганиш ғоялари руҳида тарбияланган А.Мейе умрининг охирига қадар қиёсий-тарихий тилшуносликка содиқ қолди. “Ҳинд-европо тилларини қиёсий-тарихий ўрганишга кириш” асари унинг

Энг оммалашган иши ҳисобланади ва ўттиз йил ичида 7 марта нашр қилинганининг (1-нашр 1903, 7 наشري 1934 йили босмадан чиққан) ўзи унинг жамоатчилик ўртасида нақадар катта обрў-эътибор қозонганидан далолат беради. XIX асрнинг охириги чорагида қиёсий-тарихий тилшунослик вакилларининг “ҳинд-оврупо тиллари “бобо тил” даври тузилиши ўта содда бўлган” деган фикрларини рад қилувчи қатор кашфиётлар майдонга келди. Қиёсий-тарихий тилшунослик намояндалари Ф.Бопп ва А.Шлейхерлар ҳинд-оврупо тилларининг “бобо тил” даврида унлилар системаси фақат а, і, у лардан ташкил топганини таъкидлаган бўлсалар, 1876 йилда Амелунг ва Бругманлар е ва о унлилари ҳам мавжуд бўлганини аниқладилар. 1877 йилда эса бундай қараш Коллитца ва Ф.де Соссюр асарларида ўз тасдиғини топди. Орадан бир йил ўтгандан сўнг Ф.де Соссюр “Ҳинд-оврупо тилларининг унлилар системаси ҳақида мемуар” номли машҳур асарини нашр этди. Бу асарда ҳинд-оврупо вокализмининг илк даврида бўғин ҳосил қилувчи сонор сонантлар мавжуд бўлгани, ёш грамматикачилар томонидан энг кучсиз деб ҳисобланган і ва и унлилари дифтонгнинг кучсиз варианты экани баён қилинди.

Вернер томонидан 1877 йил ҳинд-оврупо тилларининг илк босқичида кўчма урғунинг мавжуд бўлганининг аниқланиши ҳинд-оврупо тиллари урғуси масаласини узил-кесил ҳал этди. Буларнинг ҳаммаси тадқиқотчилар диққат марказини реконструкция қилинган ҳинд-оврупо “бобо тили” га хос фактлар тараққиётини ўрганишга кўчирди. Тадқиқотчилар алоҳида тилларнинг энг нозик нукталаригача текшириш имкониятига эга бўлдилар. Эмпиризм узоқ вақт тилшуносликда ҳукмронлик қилди.

Нутқ товушларининг тарихий тараққиёти юзасидан олиб борилган аниқ кузатишлар бир гуруҳ ёш олимларни “ҳодисаларда аниқ тараққиёт қонунларини очиши мумкин” деган хулосага олиб келди. XIX асрнинг 60-йилларида тилшуносликда ҳукмронлик қилган натуралистик фалсафий тафаккур бу қонунларни физиолигик тараққиёт, нутқ аъзоларининг муайян эволюцияси натижаси деб баҳолади. Бунинг натижасида тил тараққиётида ижтимоий фактор ётиши назардан соқит қилинди. Ана шу ҳолат ёш грамматикачиларни “фонетик қонуниятлар тил тараққиётини инсон онгидан холи ҳолдабошқаради” деган хулосага олиб келди. Шу билан биргаликда ёш грамматикачилар тил тараққиётида бошқа бир факторнинг ҳам муҳим аҳамиятга эғалигини тан олдилар. Бу тасаввурларнинг психологик ассоциацияси тамойилига асосланган психологик фактор, яъни *аналогия қонуни* эди. Шундай қилиб ёш грамматикачилар қарашларида икки тамойил: *фонетик қонунлар* ва *аналогия қонунлари* таянч нукта сифатида хизмат қилади. Ёш грамматикачиларнинг қарашлари Германияда Карл Бругман, А.Лескин, Г.Пауль ва бошқа олимлар асарларида ёрқин ифодасини топди. Францияда ёш грамматикачилар қарашлари маълум ўзгаришлар билан Ф.де Соссюр таълимотида давом этди. А.Мейе Ф.де Соссюр ўқувчиси сифатида унинг таълимоти руҳида тарбияланди.

XIX аср охирларида ёш грамматикачилар қарашларидаги бир қатор ҳолатларни қайта кўриб чиқишга сабаб бўлган анчагина янги маълумотлар йиғилди. Натижада унинг асосий тамойилларига танқидий ёндашувчи бир қатор олимлар: Австрияда Г.Шухардт, Данияда О.Есперсин, Россияда Бодуэн де Куртенэ кабилар пайдо бўлди.

А.Мейе ҳам тил тарақиётини жамиятга боғлиқ бўлмаган физиологик фактор асосида ўрганиб, уни фонетик ва аналогия қонунлари натижаси дея баҳолаган ёш грамматикачилар қарашларига қарама-қарши ўлароқ социологик факторларни биринчи планга олиб чиқди. Шунинг учун ҳам у тилдаги ўзгаришлари физиологик ёки психологик эмас, балки ижтимоий сабаблар билан боғлиқ, деган ғояни олға суради. Ёш грамматикачилардан фарқли равишда, тил ўзгаришларини ҳаракатга келтурувчи асосий куч сифатида фонетик қонунларни эмас, балки ижтимоий сабабларни эътироф этади.

А.Мейе фонетик қонунларнинг тарафдорлари ва муҳолифлари билан баҳсга киришган ҳолда, уларнинг ҳар иккиси ҳам бир томондан ҳақ, иккинчи томондан ноҳақлигини баён қилади. Чунки уларнинг бири фақат, Соссюр атамаси билан фойдалаганда, *langue* га, бошқалари *parole* га суянадилар.

Унинг фикрича, тилнинг социал табиати, айниқса, сўз маъносининг ўзгаришида ёрқин намоён бўлади. Мейе сўз маъноси ўзгаришининг асосий сабаби соф социал характерга эгаллигини таъкидлайди. Сўз бир социал категориядан иккинчисига ўтганда ўз маъносини ўзгартиради. Агар сўз кенгрок социал гуруҳдан торроғига ўтса, маъно торайиши, аксинча бўлганда эса кенгайиши рўй беради. Масалан, лотинча *paganus* дастлаб “қишлоқ аҳолиси” маъносини билдирган бўлса, кейинчалик шаҳар христианлари орасида “мажусий” маъносида қўлланила бошлади. Натижада бир социал гуруҳда ўз маъносини торайтирди. Аксинча, французча *piais* (“содда”) овчилар нутқида *pid* “уя” сўзи билан боғланиб “бабажиш қуш”, “гўл” маъносида қўлланган бўлса, кенг жамоатчилик нутқида ўз маъносини кенгайтирди ва умуман сифат маъносини ифодалайдиган бўлди.

А.Мейе сўз олиш ҳодисасига ҳам социологик нуқтаи назардан ёндашди. Сўз олиш фонетик ўзгаришлар билан бир қаторда турган тил тарақиётининг муҳим факторларидан бири сифатида баҳоланади. У олинмалар фақат бир тилдан иккинчи тилга эмас, балки бир тил доирасидаги социал диалектлардан умумхалқ тилига ўтган сўзлар ҳам бўлиши мумкинлигини таъкидлайди. Шунингдек, умумхалқ адабий тилидан социал диалектларга ўтган сўзлар ҳам олинма ҳисобланишини ва ҳар қандай олинмаларда маъно ўзгариши рўй беришини баён қилади. Шунинг учун ҳам у тилларнинг ўзаро таъсирига жуда катта эътибор беради. Унинг фикрича, бирон бир тил бошқа тилларнинг таъсирисиз “соф” ҳолда ривожланмайди. Одатда, икки тил ўзаро муносабатда бўлганда, улардан бири – сиёсий ва маданий жиҳатдан устунроғи афзалликка эга бўлади. Шунинг учун лотин тили юнон сўзларини ўзлаштирган.

А.Мейе 1906 йилда қиёсий грамматика курси бўйича ўқиган кириш маърузасидаёқ ёш грамматикачилар мактабининг уч тамойили: фонетик қонунлар, аналогия, сўз олиш тамойили ҳақида фикр юритиб, бу тамойиллар фақат алоҳида фактларни тушунтиришга қаратилганини, бу тушунтириш системани ҳосил қилмаслигини ва ҳеч қачон ҳосил қила олмаслигини баён қилади.

У лингвистик тараққиёт барча тилларга хос умумий қонуниятларга бўйсунганини, тилшуносликнинг вазифаси ана шу қонуниятларни очишдан иборат эканини таъкидлайди. Бу қонунлар физиологик ёки психологик эмас, балки тилнинг тарихий тараққиёт қонунлари асосида очилади. Мазкур қонунлар алоҳида тиллар оиласи доирасидан чиққан ҳолда, умуман, инсон тилига дахлдор бўлади. Умумий лингвистик қонунлар алоҳида фактларни тушунтирмайди. Улар лингвистик фактлар тараққиётини бошқарувчи доимий шарт-шароитни шакллантиради. Унинг таъкидлашича, тил – социал факт, унинг тараққиёт қонунлари бир вақтнинг ўзида ҳам умумий, социал, ҳам ўзига хос, лингвистикдир. Тилдаги ҳар қандай ўзгариш ижтимоий тузилиш ўзгариши билан шартланган. Шунинг учун лингвистика ҳам социал фан ҳисобланади.

ПРАГА СТРУКТУРАЛИЗМИ

Структур тилшуносликнинг шаклланиши ва ривожланишида Прага лингвистика мактаби алоҳида ўрин эгаллайди. Унинг негизида машҳур чех тилшуноси В.Матезиус (1882 – 1945) ташаббуси билан 1926 йил ташкил этилган Прага лингвистик тўғараги аъзоларининг қарашлари ётади. Мазкур тўгаракнинг назарий қарашлари 1929 йилда Прагада бўлиб ўтган славяншуносларнинг I халқаро съездида тавсия этилган “Прага лингвистик тўғараги тезислари”да баён қилинган.

Прага лингвистик мактабининг ўзига хос хусусияти **структурлик** ва **функционаллик**дир. Мактаб вакиллари тилнинг структурлигига таяниш билан бирга, тил ва унинг бирликлари вазифасига жиддий эътибор берадилар.

Прага лингвистик мактабининг функционаллиги 1958 йилда бўлиб ўтган славяншуносларнинг халқаро IV съездида Б.Гавранек, К.Горалек, В.Скаличка ва П.Тростлар томонидан тавсия этилган тезисларда аниқ ифодасини топди. Унда таъкидланишича, Прага мактаби лингвистик концепциясининг икки муҳим жиҳати мавжуд ва ҳар иккиси ҳам Прага мактабининг лингвистикага олиб кирган янгилиги нуқтаи назаридан бир хил қимматга эга. Улардан биринчиси **структурликдир**. Прага лингвистлари тилшуносликка структура, яъни тилнинг структур характери ва унинг қисмлари ўртасидаги муносабат муаммосини олиб киради.

Иккинчи жиҳат шундан иборатки, Прага лингвистик мактаби **функционалдир**. “Функция” атамаси бу ўринда тобелилик (“зависимость”) эмас, балки вазифа маъносида қўлланилади.

Шундай қилиб, структурлик ва функционаллик Прага лингвистик мактабининг икки муҳим хусусияти ҳисобланади. Шунинг учун ҳам Прага лингвистик мактаби функционал лингвистика номи билан юритилади.

“Прага лингвистик тўғараги тезислари” да баён қилинишича, тил инсон фаолиятининг ҳосиласи бўлиши билан бирга, маълум мақсадга йўналтирилганлик хусусиятига эга. Шунинг учун лингвистик таҳлилга функционал нуқтаи назардан ёндашмоқ лозим. Айни жихатдан тил муайян мақсадга хизмат қилувчи ифода воситалари системаси ҳисобланади.¹

Тезисда тилдаги ҳеч бир ҳодиса шу тил мансуб бўлган системани ҳисобга олмасдан туриб тўғри тушунилиши мумкин эмаслиги, шунинг учун тилга функционал система сифатида ёндашиш лозимлиги таъкидланади.

Юқорида кўрсатилганидек, Прага лингвистик мактаби тилни структур тушунишга таянади ва шунга мувофиқ равишда лингвистик тадқиқотнинг структур методларига таянади. Лекин структурализм тушунчасининг ўзи хилма-хил бўлганидек, тилни структур ўрганиш методлари ҳам бир-биридан фарқ қилади.

Хусусан, Копенгаген структурализми билан Прага функционал мактаби ўртасидаги фарқ Владимир Скаличка томонидан кўрсатиб берилади. Унинг таъкидлашича, барча структур йўналишларнинг таянч нуқтаси Ф.де Соссюрнинг “Умумий лингвистика курси” ҳисобланади.

Ф.де Соссюрнинг юқорида кўрсатилган асарида учрайдиган зиддият кейинги структур йўналишлар ана шу зиддиятли фикрларнинг қайси бирига таянишига боғлиқ ҳолда, улар ўртасидаги қарашларнинг фарқланишига олиб келди.

Л.Ельмслев ўз қарашларида Фердинанд де Соссюрнинг тилшуносликка киритган, тўғрироғи, тилшуносликка қайтарган иккита зидланишга доимо мурожаат этади. Бу зидланишларнинг биринчиси *Lingua* ва *parole* (тил ва нутқ) ўртасидаги, иккинчиси *significant* ва *signifie* (ифодаловчи ва ифодаланмиш) ўртасидаги зидланишдир.

В.Скаличка бу зидланишларнинг ҳамма тилшунослар томонидан бир хил эътироф этилишини тан олади. Айни пайтда бу зидланишларни талқин этишда Соссюрнинг ўзи қатор ноаниқлик ва ноизчилликка йўл қўйганини таассуф билан қайд этади. Бунинг сабабини “Умумий лингвистика курси” китобини Соссюрнинг ўзи нашрга тайёрламаганлиги ва юқоридаги зидланишлар ҳақидаги қарашларнинг кейинги авлодлар томонидан бунчалик кенг таҳлил этилишини олдиндан кўролмаганлигида деб билади.

Бундай ноаниқлик ва ноизчиллик, энг аввало, *Lingua* ва *parole* зидланиши изоҳида кўринишини таъкидлайди. Бир ўринда тил (*Lingua*) – бу “кўникмаларимиз йиғиндиси” (37-бет) сифатида изоҳланса, бошқа ерда тил – бу “субстанция эмас, балки шаклдир” (157-бет) дейилади.

Шунингдек, ифодаловчи ва ифодаланмиш зидланишида ҳам ана шундай ноаниқликка йўл қўйилади. Соссюрнинг фикрича, ифодаланмиш – бу нарса (*laskose*) эмас, балки фақат тушунча (*Le concept*)дир (98-бет). Натижада белгининг борликка муносабати ноаниқ бўлиб қолади.

Соссюрнинг ғоялари кейинчалик структурализм деб номланувчи фан йўналишлари томонидан ривожлантирилди. Фонология, яъни структурал фонетика тезда барча тилшунослар томонидан тан олинган фанга айланди.

В.Скаличканинг фикрига кўра, тилшунослик учун фонологиянинг ахамияти ва унинг фанга нима берганини тушунтириб ўтиришга эҳтиёж йўқ. Аксинча, фонологиянинг тилшуносликка нима бермагани ҳақида тўхталиш зарур.

Унинг баён қилишича, фонология функционал характерга эга. Лекин у семасиологик масалаларни ҳал этишда деярли ҳеч нарса бермайди. Бу табиий бир ҳол. Чунки фонема юқори сатҳ бирликлари бўлган морфема, сўз, гаплардан фарқли равишда, маънога эга бўлмаган бирликдир. Фонеманинг функцияси морфема, сўз, гапларни ҳосил қилиш, тўғрироғи, моддий жихатдан шакллантиришдан иборатдир. Шунинг учун фонология ифодаловчи (significant) муаммоси асосига қурилгандир. Бу ўринда белгининг бутун муаммолари четга сурилади. Шу боис структуралистлар ўртасида фонология юзасидан қарашларда нисбий умумийлик мавжуд. Фонологиядан тилнинг бошқа сатҳларига ўтиш билан тилшунослар ўртасида бундай умумийлик йўқола боради.

Прага тилшунослари ўзларининг янги лингвистик назариясини яратар эканлар, бир томондан Ф.де Соссюр, иккинчи томондан, И.А.Бодуэн де Куртенэ қарашларига таянадилар ва уларни ривожлантирдилар.

Матезиус Прага лингвистларининг функционал ва структурал концепцияси Бодуэн де Куртенэ ва Ф.де Соссюр ғояларига асосланганлигини эътироф этади.¹

Прага структуралистлари гарчи Ф.де Соссюр ва И.А.Бодуэн де Куртенэнинг ғояларига асосланган бўлсалар ҳам, лекин бу ғояларга ижодий ёндашдилар ва юқоридаги олимларнинг чекланган томонларини бартараф этишга ҳаракат қилдилар.

Хусусан, Ф.де Соссюр тилнинг синхрон ва диахрон ҳолатини ажратар экан, системавийлик фақат синхронияга даҳлдор эканини таъкидлаган эди.

Прага тилшунослари эса Ф.де Соссюрнинг синхрония ва диахрония зидланиши ҳақидаги юқорида айтиб ўтилган фикрига эътироз билдирганлари ҳолда, улар ўртасида ўтиб бўлмас жарлик йўқлигини, бу тушунчалар ўзаро узвий боғлиқлик эканини таъкидлайдилар. Хусусан, “тезислар”да Женева мактаби вакиллари баён қилганлари каби синхрон ва диахрон метод ўртасида катта чегара йўқлигини айтадилар. Уларнинг фикрича, синхрон лингвистикада система элементларига функция нуқтаи назаридан ёндашилса, тилда бўлган ўзгаришлар диахрон метод орқали ўрганилади. Диахрон ёндашув система ва функцияни рад этмайди, балки бу тушунчаларни эътиборга олмасдан туриб тадқиқот чала бўлишини кўрсатади.²

Прага тилшунослари системавий, структур таҳлил диахрон ёндашув учун ҳам зарур эканини таъкидлайдилар. Шунга қарамай, кўпчилик чех тилшунослари тилнинг ҳозирги ҳолатини ўрганиш билан чекландилар.

Шунингдек, Прага тилшунослари Ф.де Соссюрнинг тил ва нутқ концепциясини қабул қилдилар ҳамда ривожлантирдилар.

Ф.де Соссюр фикрича, тил (la lingua) муайян жамият аъзоларининг онгида мавжуд бўлган умумий барқарор нарсадир. Нутқ (la parole) эса ундан фарқли равишда доимо конкрет ва маълум макону замон билан боғлиқ бўлади.

Н.С.Трубецкой тил ва нутқ дихотомиясини эътироф этгани ҳолда, нутқий жараённинг бу икки аспекти ўртасида катта тафовут мавжудлиги, шу сабабли нутқий жараённинг товуш томонини турли фанлар ўрганиши лозимлигини кўрсатади.

Ана шу асосда Н.С.Трубецкой тил ва нутқ товушларини ажратади. Унинг фикрича, нутқ товушлари ҳақидаги таълимот конкрет моддий ходисалар билан иш кўргани туфайли табиий фанларнинг текшириш методи билан, тил товушлари, аксинча, соф лингвистик метод билан иш юритади. Шунга кўра нутқ товушлари ҳақидаги таълимотни **фонетика**, тил товушлари ҳақидаги таълимотни эса **фонология** деб номланишини таъкидлайди.¹

Ф.де Соссюрнинг тил ва нутқ дихотомиясини грамматика соҳасида В.Скаличка кўллаб-қувватлади. У грамматика атамаси остида тил доирасига мансуб бўлган барча соҳаларни (фонологиядан ташқари) тушунади. Скаличканинг фикрича, тил ўзининг структур грамматика деб юритилувчи махсус ўрганиш объектига эга. Бу билан структур грамматика нутқ билан иш кўрувчи тавсифий (дескриптив) грамматикадан фарқ қилади.

Лекин Коржинек грамматик сатҳда тил ва нутқ муносабатини бошқача тушунади. Унинг фикрича, тил ва нутқ ўртасидаги муносабат, бир томондан, илмий таҳлил, абстракция, синтез, таснифлаш, яъни фактларни илмий тавсифлашни, иккинчи томондан, бу таҳлил учун объект бўлиб хизмат қилган борлиқнинг маълум ходисалари ўртасидаги муносабатни ифодалайди.

Прага мактаби вакиллари қарашларининг шаклланишига И.А.Бодуэн де Куртенэга мансуб тилнинг функционаллиги ва уни синхрон таҳлил этишининг муҳимлиги ҳақидаги ғоялар ҳам катта таъсир қилди.

Тилшуносликка функционаллик, яъни тил воситаларини уларнинг бажараётган вазифасига қараб баҳолаш тамойилини дастлаб И.А.Бодуэн де Куртенэ киритган эди.²

Функция тушунчасини Прага лингвистлари тилни функционал система сифатида талқин этишда ривожлантирдилар.

Бодуэн де Куртенэ ташқи ва ички лингвистикани бир-биридан ажратар экан, тилни ундан ташқаридаги борлиқдан ажратиб ўрганишга қатъий қарши чиқади. Шунинг учун у адабий тил билан халқ шевалари ўртасидаги муносабатни ўрганишга алоҳида аҳамият беради.

Прага лингвистлари Бодуэннинг бу қарашларини ривожлантирдилар. Улар ҳеч қандай тил бўшлиқда яшамаслиги, унинг тил жамоаси ўртасида мавжуд бўлишини, жамоанинг коммуникатив ва экспрессив эҳтиёжини қондириш учун яшашини таъкидлайдилар. Ана шундан келиб чиқиб, Прага тилшунослари нутқий фаолиятнинг икки асосий функция бажаришини

кўрсатадилар: 1) *социал функция* (индивидлар ўртасидаги муносабат); 2) *экспрессив функция* (ҳаяжон ифодалаш, сўзловчига таъсир этиш).

Нутқий фаолиятнинг социал функцияси, ўз навбатида, яна икки гуруҳга ажратилади: 1) *ахборот функцияси*. Бунда сўзловчининг бутун эътибори маълум ахборотни узатишга қаратилади; 2) *поэтик функция*. Бунда асосий эътибор ахборотни узатиш шаклига қаратилади. Яъни нимани ифодалаш билан бирга, қандай ифодалашга ҳам асосий эътибор қаратилади.

Тилдан коммуникатив функцияда фойдаланиш жараёнида тилга ёндош (экстралингвистик) ходисалар ҳам ёрдамга келади. Булар қаторига имо-ишоралар, мимика, нутқ вазияти сингари ходисалар киради.

Бундай тилни Прага тилшунослари *амалий тил* деб ҳисоблайдилар ва уни маълум нутқий вазиятдан ҳоли бўлган системадан иборат *назарий тилга* карама-қарши кўядилар. Назарий тил аниқ ва тўлиқ, кўпинча график белгилар ва символлар орқали ифодаланган бўлади. Хусусан, илмий услуб орқали намоён бўлган тил ана шундай хусусиятга эга.

Прага тилшунослари функцияга алоҳида эътибор берганлари ҳолда, нутқий фаолиятнинг турли функциялари мавжуд экани, уларнинг ҳар бирига турли функционал тиллар тўғри келиши лозимлигини таъкидлайдилар.

Улар адабий ва функционал тил ўртасида қуйидагича муносабат мавжуд эканини кўрсатдилар:

№	Адабий тил функциялари	Функционал тиллар
1	Коммуникатив	Сўзлашув
2.	Амалий ихтисослашган	Иш юритиш
3.	Назарий ихтисослашган	Илмий
4.	Эстетик	Поэтик

Тил функциялари назарияси ва у билан боғлиқ адабий тилнинг функционал фарқланиши масаласи Прага лингвистик мактаби вакилларининг илмий ҳамда амалий фаолиятида муҳим ўрин эгаллайди.

Прага тилшунослари тилнинг барча сатҳ бирликларини функционал ўрганишга алоҳида аҳамият бердилар.

“Прага лингвистик мактаби тезислари”да баён қилинишича, товушларни бир томонданобъектив моддий факт сифатида, иккинчи томондан эса функционал системанинг аъзоси сифатида бир-биридан фарқлаш зарур.

Товушларнинг акустик-артикуляцион хусусиятларини маълум асбоблар ёрдамида аниқлаш катта аҳамиятга эга. Лекин бу объектив факт лингвистика учун нисбий муносабатга эгадир. Уларни лингвистик қийматга тенглаштириш мумкин эмас.

Шу билан бирга, субъектив акустик-артикуляцион белгилар маъно фарқлаш функциясини ҳам бажаради. Ана шу функция лингвистик система учун катта аҳамиятга эга. Фонологик системанинг структур тамойилига кўра фонологик элементларнинг моддий томони эмас, балки система ичидаги аъзоларнинг ўзаро муносабати муҳим саналади.

“Тезис”да синхрон фонологиянинг асосий вазифалари сифатида куйидагилар эътироф этилади:

1. Маълум бир тилда фонемалар миқдорини (рўйхатини) белгилаш. Бунинг учун фонологик корреляцияларни белгилаш зарур бўлади. Фонологик корреляциялар эса фонологик зидланишлар қатори билан аниқланади;

2. Маълум бир тилда учрайдиган фонемалар бирикувини аниқлаш;

3. Фонемалар ва улар бирикувининг қўлланиш даражаси, яъни фонемалар бирикувининг функционал юкини аниқлаш;

4. Лингвистиканинг муҳим вазифаларидан бири фонологик фарқланишларнинг морфологик қўлланилишини, яъни морфофонология (морфонология) муаммоларини ўрганишдир. Морфонология бирлиги бўлган морфонемаларни белгилаш ҳам ана шу муаммо таркибига кириши кўрсатилади.

Прага лингвистлари сўзни ўрганишга алоҳида аҳамият бердилар. Сўзга функционал ёндашган ҳолда, уни номинатив лингвистик фаолият натижаси сифатида қарайдилар ва уни синтагматик фаолият билан узвий боғлиқ эканини таъкидлайдилар.¹

Нутқий фаолиятни механик характердаги объектив факт сифатида таҳлил этувчи тилшунослик кўпинча сўзнинг мавжудлигини рад қилади. *Лекин функционал нуктаи назардан сўзнинг мустақил равишда мавжудлиги аниқ бўлиб қолади. У турли тилларда турлича намоён бўлади.*²

Тезисда таъкидланишича, ҳар бир тил ўзига хос номинация системасига эга. Улар ҳар хил номинатив шакллардан (сўз ясаш, сўз кўшиш ва бошқ.) фойдаланадилар. Номинация назарияси кўпинча анъанавий сўз ясалиши, сўз туркумлари ва сўз шакллари ҳақидаги таълимотларни ҳам ўз ичига олади.

Прага тилшунослари *синтагматик усул* назариясига ҳам алоҳида аҳамият бердилар. Нутқий фаолият жараёнида сўзларнинг эркин бирикиши *синтагматик фаолият* натижасида юзага чиқади. Асосий синтагматик фаолият **предикация** орқали ифодаланиши таъкидланади. Шунинг учун функционал синтаксис грамматик гапнинг функцияси ва шаклини эътиборга олган ҳолда, энг аввало, **кесим типларини** ўрганишни ўзининг бош мақсади деб билади.

Шу билан бирга, Прага тилшунослари гапнинг коммуникатив бўлиниши билан синтактик бўлинишини ҳам фарқладилар. Коммуникатив *тема* билан синтактик бўлак ҳисобланган *эга*, коммуникатив *рема* билан синтактик *кесим* ўртасидаги муносабатни ёритишга алоҳида аҳамият бердилар.

Прага лингвистик мактабида грамматика масалалари

Прага тилшунослари тилшунослик бўлимларини ҳам ўзларига хос тасниф қилдилар. Улар тилшуносликнинг фонетика, лексикология, грамматика (морфология ва синтаксис) каби одатдаги бўлимлари ўрнида

қуйидагиларни тавсия этди: а) лингвистик номинация назарияси; б) синтагматик усуллар назарияси.

Сўз ва барқарор сўз бирикмалари, сўз туркумлари, сўз ясалиши сингари масалалар лингвистик номинация назариясида ўрганилиши таъкидланди.

Грамматика соҳасида Матезиус, В.Скаличкаларнинг хизмати катта бўлди. В.Скаличканинг таъкидлашича, тилнинг грамматик системаси унинг бошқа тиллар ўртасидаги ўрнини кўрсатиб бермоғи лозим. Шунинг учун у грамматик системага ёндашувининг умумий тамойилини аниқлаш билан бирга, муайян тил грамматик системасини ўрганиш асносида унинг бошқа тиллар ўртасидаги ўрни масаласини ёритишга алоҳида аҳамият берди.

В.Скаличка грамматика атамасини жуда кенг маънода қўллайди. Унинг фикрича, грамматика тилнинг фонологиядан бошқа барча томонларини камраб олади. Р.Якобсон эса грамматика белгилар билан, фонология унинг қисмлари билан шуғулланишини таъкидлайди.

Проф. В.Скаличка морфемага Бодуэн де Куртенэ томонидан берилган ва ПЛК томонидан қабул қилинган “*бошқа майда морфологик бирликларга бўлинмайдиган морфологик бирлик*” деган таърифга ҳам ўзининг танқидий муносабатини билдиради. Унинг фикрича, агар “морфологик бирлик”ни грамматик бирлик деб тушунсақ, у ҳолда бу бирликни бўлинмас деган қарашга қўшилиб бўлмайди. Масалан, Ингл. *Hand – hond-s* ва *foot-feet: rex. Vojak/O-Vojak/i*.

Бу мисолларда грамматик маънонинг шаклий ифодаси фақат морфеманинг бир қисмига тегишлидир.

Прага лингвистик мактаби вакиллари маълум бир тилни ўрганишда лингвистик функция ва уларнинг шакллари эътиборга олиш лозимлигини таъкидлайдилар. Акс ҳолда ҳар қандай тилнинг тавсифи, хоҳ синхрон, хоҳ диахрон нуқтаи назардан бўлишига қарамай, тўғри эмаслигини кўрсатадилар.¹

Прага тилшуносларининг фикрича, морфология сўз шакллари системаси ҳақидаги назария бўлиб, мустақил мавжуд эмас, балки номинация назарияси билан ҳам, синтагматик усуллар назарияси билан ҳам туташиб кетади.

Прага лингвистик мактабининг грамматика соҳасида қўлга киритган ютуқларидан яна бири фонологияда ишлаб чиқилган тадқиқ усулларининг грамматик тадқиқотларга тадбиқ этилишидир. Худди фонологиянинг асосий тушунчаси фонемаларнинг маъно фарқлаш функцияси ҳисоблангани каби, грамматик тадқиқотларнинг асоси грамматик маъноларни ўрганиш, деб қаралди.

В.Скаличка “Венгер тили грамматикаси ҳақида” (1935) китобида грамматик ҳодисаларни фонологияда синалган методлар асосида ўрганишга ҳаракат қилади. У грамматик системанинг асосини ташкил этган минимал бирликларни аниқлашни бош мақсад қилиб олди.

В.Скаличканинг фикрича, грамматика учун морфемани бўлинмас бутунлик деб ҳисоблаб бўлмайди. Масалан, рус тилида *печки* сўзидаги *-и*

морфемаси фақат кўплик эмас, балки тушум келишиги кўрсаткичи ҳамдир. Ана шулар асосида у грамматикада майда, бўлақларга бўлинмас бирликлар мавжудлигини ва бундай бирлик *сема* эканини баён қилади. *Сема* одатда фонемаларнинг узлуксиз катори, яъни *морфема* орқали ифодаланади. Унинг таъкидлашича, *сема* – бу ҳам шаклий ва ҳам фнукционал, бошқача айтганда, грамматик элемент саналади.

Кўпчилик тилшунослар эса сема тил грамматик қурилишнинг асосий элементи эмас, балки морфема мазмуний мундарижасининг бир компонентидир, деб ҳисоблайдилар. Шунинг учун уни морфемага эмас, балки фонеманинг фарқловчи белгиларига қиёслайдилар.

Грамматикада фарқловчи белгиларга асосланиш Р.Якобсоннинг “Келишик ҳақидаги умумий таълимот очерки” (1936) асарида ёрқин ўз ифодасини топди. Бу асарда келишиклар системаси келишикнинг умумий маъносини ҳосил қилувчи учта фарқловчи белгининг йиғиндиси сифатида талқин этилади.

У келишикларнинг қуйидаги белгиларини ажратади:

1. ҳаракатнинг йўналганлик-йўналмаганлик белгиси. Бу белги ҳаракатнинг предметга (жўналиш, ўрин, тушум келишиклари) ёки предметдан йўналганлигини (чиқиш келишиги) ёки йўналиш белгисининг йўқлигини (бош, қаратқич келишиклари) ифодалайди;

2. ҳаракатнинг ҳажмли-ҳажмсизлиги белгиси. Бу белги муайян келишик шаклида турган предметнинг турли ҳажмдаги ҳаракатда қатнашиши мумкинлигини билдиради. Масалан, ўзбек тилида чиқиш, бош ва тушум келишиклари: *узумни е, узум е, узумдан е*.

3. ҳаракатнинг чегаралилик-асосийлик белгиси. Бу белги маълум келишик шаклидаги предметнинг муайян жумла таркибида қандай рол ўйнашини ифодалайди. Масалан, рус тилидаги *Я читал вечером книгу* жумласида бош мазмуний урғу ҳаракат объектига, яъни *книгу* сўзига тушади. Шунинг учун бу сўздаги тушум келишиги шакли асосий, қолган келишиклар эса чегара, асосий бўлмаган белгини ифодалайди.

Шуни таъкидлаш керакки, Прага тилшунослари ўртасида фонология ва грамматикани ягона тадқиқ усуллари ёрдамида ўрганиш юзасидан ҳамфикрлик мавжуд эмас.

Прага лингвистик мактабида фонология ва морфонология масаласи

Прага лингвистик мактаби вакиллари тилнинг қуйи сатҳида Соссюрнинг тил-нутқ дихотомиясига қатъий амал қилар эканлар, Бодуэн де Куртенэ томонидан тавсия этилган товуш ва фонема зидланишига жиддий эътибор бердилар. Натижада нутқ товуши билан тил товушини ўзаро фарқладилар.

Реал талаффуз қилинган ва сезги аъзоларимизга бевосита таъсир этувчи энг кичик моддий бирлик нутқ товуши ҳисобланади ҳамда уни текширишда табиий фанлар методларидан фойдаланилади.

Фонология йўналишининг асосчиси Н.С.Трубецкой нутқ товушларини ўрганувчи фан фонетика, тил товушини ўрганувчи фан эса фонология ҳисобланишини таъкидлайди.¹

У фонетика билан фонология ўртасидаги фарққа тўхталар экан, фонетика ўрганилаётган товуш ёки товуш комплексининг маънога муносабатини назардан соқит қилади, дейди. Шунинг учун фонетикани инсон нутқининг моддий (товуш) томони ҳақидаги фан сифатида изоҳлайди.

Н.С.Трубецкойнинг таъкидлашича, фонология товушларининг маъно билан муносабатини ўрганишга асосий эътиборини қаратади. Яъни маълум бир тилдаги қайси товуш фарқланишлари маъно фарқланишларига олиб келишига диққат қилинади. Шу сабабли фонология учун товушларнинг фарқловчи белгилари муҳим саналади. Фарқловчи белгилар эса товушларнинг маъноли бирликлар таркибидаги функциясига кўра аниқланади.

Фонология товушларнинг функциясини ўрганар экан, Н.С.Трубецкой бу функцияларнинг уч турини кўрсатади:

а) *кульминатив* (чўққи ҳосил қилиш) *функция*. У гап таркибида неча сўз иштирок этаётганига ишора қилади. Яъни сўз бир бош урғу остида фонетик жиҳатдан бир бутун бўлиб бирлашади;

б) *делимитатив* (ажратиш, чегаралаш) *функция*. Бундай функция икки бирлик ўртасидаги чегарани кўрсатишда амалга ошади. Масалан, ўзбек тилида сўз урғуси сўзнинг охирги бўғинига тушади ва бу урғу сўзни фонетик жиҳатдан уюштириш (кульминатив) ва сўзни сўздан ажратиш (делимитатив) функцияни бажаради. Олдинги сўзнинг охирги бўғини кучли, кейинги сўзнинг биринчи бўғини кучсиз талаффуз қилинганлиги учун икки сўз ўртасида оҳанг жиҳатидан чегара билиниб туради. Ана шу чегарага ишора қилганлиги учун бу функцияни делимитатив функция дейилади.

в) *дистинктив* (маъно фарқлаш) *функция*. Маъноли бирликларни фарқлаш вазифаси дистинктив функция саналади. Н.С.Трубецкой товушларнинг бу функциясига алоҳида аҳамият беради. Чунки маъноли бирликларни ажратишда товушларнинг ана шу дистинктив белгиси асос бўлиб хизмат қилади.

Товушларнинг бу уч функциясига мувофиқ равишда Н.С.Трубецкой синхрон фонологияни ҳам уч қисмга бўлади: а) *кульминатив функция ҳақидаги таълимот*; б) *делимитатив функция ҳақидаги таълимот*; в) *дистинктив функция ҳақидаги таълимот*. Дистинктив функция ҳақидаги таълимот ўзининг ҳажми ва моҳияти жиҳатидан бошқа икки функциядан алоҳида ажралиб туради.

Товушларнинг маъно фарқлаш функцияси ҳақидаги таълимот

Икки маъноли бирликни бир-биридан фарқлаш учун уларни ўзаро зидлаш керак бўлади. Шунинг учун Н.С.Трубецкой зидланиш (оппозиция) тушунчасига алоҳида аҳамият беради.

У зидланишларни, аввало, икки гуруҳга ажратади; а) фонологик муҳим (релевант) ёки *фонологик*; б) фонологик номуҳим (иррелевант) ёки *фонологик бўлмаган* зидланишлар.

*Маълум бир тилдаги икки сўзни бир-биридан фарқлаш учун хизмат қилувчи товуш зидланишлари фонологик (фонологик-дистинктив ёки маъно фарқлаш) зидланиш саналади. Бундай функцияни бажармайдиган зидланиш эса фонологик бўлмаган ёки фонологик номуҳим зидланиш ҳисобланади.*¹

Ҳар бир нутқ товуши бир қанча артикуляцион ва акустик белгиларга эга бўлади. Масалан, ўзбек тилида *б* товушини талаффуз қилиш учун бир қанча артикуляцион ҳаракатларни бажариш керак бўлади. Хусусан, лаб лабга тегади ва ўпкадан чиқаётган ҳаво бу тўсикни ёриши натижасида у очилади. Бундан ташқари, юқоридаги ҳар бир артикуляцион ҳаракатга акустик белги ҳам қўшилади. Лекин бу артикуляцион ва акустик “атом”ларнинг ҳеч бирига фонологик бирлик сифатида қараб бўлмайди. Чунки бу “атом”ларнинг барчаси биргаликда вазифа бажаради. Шунинг учун *б* барча артикуляцион-акустик белгиларни ўзида мужассам этган бир бутунлик сифатида фонологик бирлик саналади.

Фонологиянинг ўрганиш бирлиги *фонемадир*. Н.С.Трубецкойнинг фикрича, *муайян тил нуқтаи назаридан кетма-кет бошқа майда фонологик бирликка бўлинмайдиган фонологик бирлик фонема ҳисобланади.*²

Структурализм ғояси дастлаб Прага тилшунослари вакиллари томонидан фонетик тадқиқотлар жараёнига нисбатан қўлланди. Тилнинг товуш томонини структурализм тамойиллари асосида ўрганиш фонология номи билан юритилади. Структуралистлар энг аввало система ичида мавжуд бўлган муносабатларга эътиборини қаратадилар.

Структура тушунчаси остида бутун таркибидаги элементларнинг ўзаро шартланган муносабати ётади, яъни бутун таркибидаги ҳар бир элемент бошқалари билан шартланган бўлади. Структура элементларининг ўзаро бундай муносабатини тушуниш учун тилнинг ташқи белгиларини соқит қилиш керак бўлади.

Тил структураси – бу бевосита кузатишдан яширинган ва илмий, структур таҳлил асосида тикланадиган тилнинг ички асосидир. Л.Новак ана шу тамойил асосида фонеманинг қуйидаги талқинини беради: **“Фонема”** *бошқа майда бўлакка бўлинмайдиган ва шу тилнинг барча ички функциялари ўзаро кесишиши туфайли аниқланадиган энг кичик элементдир*”.³

Ана шу нуқтаи назардан рус тилидаги *т* фонемасининг фонологик белгилари қуйидаги алоқалар орқали аниқланади:

Д

П

Ц

Т

С

К

T₁

T фонемаси бу схемада белгиларнинг ўхшашлиги ва фарқланиши асосидаги ўзаро кесишиши орқали аниқланади. Яъни *n-m-k* муносабати асосида артикуляция ўрнига боғлиқ белги аниқланади. *T-T₁* муносабатида каттиклик-юмшоклик белгиси *m-c* акустик тўсиқ характери (портловчилик-сирғалувчилик белгиси), *m-d* муносабатида акустик белги (жаранглилик-жарангсизлик белгиси), *m-ц* зидлиги орқали эса соддалик-қоришиқлик белгиси аниқланади. Ана шулар асосида бу фонема структураси тил олдилик, жарангсизлик, портловчилик, қаттиклик, соддалик белгиларининг ўзаро муносабатидан ташкил топган бутунлик сифатида талқин этилади.

Н.С.Трубецкой фонема ва вариантни бир-биридан фарқлайди. Унинг таъкидлашича, реал талаффуз қилинаётган ва эшитилаётган ҳар қандай товуш фонологик муҳим белгилар билан бирга, бир қанча фонологик номуҳим белгиларга ҳам эга бўлади. Шунинг учун ҳеч бир товушни фонема сифатида эътироф этиб бўлмайди. Бундай товушлар муайян фонеманинг турлича воқеланиши саналади. Демак, ҳар қандай фонема бир қанча товушлар орқали воқеланади. Нутқий акт эса товушлардан ташкил топади. Бир умумий фонеманинг нутқий жараёнда турли товушлар орқали воқеланиши фонеманинг вариантлари ҳисобланади.¹

Прага тилшуносларининг фонологик назариядаги катта хизматлари шундаки, улар фонема билан унинг вариантыни фарқлаш қоидаларини кўрсатиб бердилар. Улар тўртта қоидали ажратадилар:

Биринчи қоида. Маълум бир тилда икки товуш бир фонетик шароитда маънога таъсир этмаган ҳолда ўзаро эркин алмашина олса, бундай товушлар бир умумий фонеманинг турли факультатив вариантлари саналади. Масалан, *она*, Қўқон шевасида *ана*.

Иккинчи қоида. Маълум бир тилда икки товуш бир фонетик шароитда маъно ёки фонетик қиёфасини топиб бўлмас даражада ўзгаришига олиб келмаган ҳолда бири ўрнида иккинчиси кела олмаса, бундай товушлар икки фонеманинг вакиллари саналади. Масалан, ўзбек тилида *от* ва *ит* сўзларида *о* ва *и* товушларининг ўзаро алмашилиши сўзларнинг маъно ўзгаришига олиб келади. Демак, улар икки фонеманинг вакиллари дир.

Учинчи қоида. Агар икки акустик (ёки артикуляцион) ўхшаш товуш бир хил фонетик шароитда ҳеч қачон кела олмаса, улар бир фонеманинг комбинатор вариантлари ҳисобланади.

Тўртинчи қоида. Агар икки товуш учинчи товушга мувофиқ келса-ю, лекин нутқий занжирда товуш бирикмаси ҳосил қилган ҳолда кетма-кет келолса, уларни бир-бирига вариант деб ҳисоблаб бўлмайди.

Прага тилшуносларининг яна бир ютуғи шундан иборатки, улар фонологик зидланишларни мантиқий жиҳатдан тасниф қилдилар. Фонологик зидланишлар таснифи учун **фонологик мундарижа** тушунчасига таяндилар. **Фонологик мундарижа атамаси остида фонеманинг барча фонологик муҳим белгилари йиғиндиси**, яъни шу фонеманинг барча вариантлари учун умумий бўлган белгилар тушунилади. Масалан, ўзбек тилидаги Д

фонемасининг фонологик мундарижаси “тил олдилик”, “портловчилик”, “жаранглилик” белгиларини ўз ичига олади. Фонологик зидланишлар эса фонемаларнинг ана шу белгиларига асосланади.

Н.С.Трубецкой фонологик зидланишларни қуйидаги белгиларга кўра тасниф этади.

А. Зидланиш системасига кўра;

Б. Зидланувчи аъзолар ўртасидаги муносабатга кўра;

В. Зидланувчи аъзоларнинг маъно фарқлаш кучига кўра.

А. Зидланиш системасига кўра зидланиш турлари

Бу белгига кўра зидланишлар бир ўлчовли ва кўп ўлчовли, ажралган ва пропорционал зидланишларга бўлинади.

Зидланишлар зидланувчи аъзоларни фарқлаш учун хизмат қиладиган белгиларнигина эмас, балки ҳар икки зидланаётган аъзолар учун умумий бўлган белгини ҳам тақозо этади. Бундай белгилар «қиёслаш учун асос» бўлиб хизмат қилади.

Қиёслаш учун асос белгига эга бўлмаган икки нарса ўзаро зидланиши мумкин эмас. Қиёслаш учун асос бўлган белгига кўра зидланишлар икки турли бўлади: 1) *бир ўлчовли*, 2) *кўп ўлчовли*.

Бир ўлчовли зидланишлар зидланувчи аъзоларнинг зидланишлари учун асос бўлган белги фақат шу зидланиш учунгина хос бўлиб, зидланиш системасининг бошқа аъзоларида учрамайди. Масалан, лотин график системасидаги Е ва F ҳарфлари зидланишини олиб кўрайлик. Бу ҳарфларнинг зидланиши бир ўлчовлидир. Чунки бу икки ҳарф ўртасидаги ўхшаш белгилар йиғиндиси (вертикал чизиқ ва икки горизонтал чизиқ) лотин алфавитидаги бошқа ҳеч қайси ҳарфда учрамайди. Аксинча, Р ва R ҳарфлари зидланиши эса *кўп ўлчовлидир*. Чунки бу ҳарфлар ўртасидаги ўхшаш (қиёсга асос бўлган) белгилар (вертикал чизиқ ва унинг устига ўнг томондан чизилган ярим доира) фақат шу жуфтликтагина эмас, балки бошқа ҳарфларда ҳам мавжуд (масалан, В ҳарфида).

Бир ўлчовли ва кўп ўлчовли зидланишларнинг ажратилиши тилшуносликда жуда катта аҳамиятга эга. Бундай зидланишлар тилнинг барча сатҳларида учрайди.

Бундан ташқари биринчи белгига кўра зидланишларнинг пропорционал ва ажралган турлари ҳам мавжуд.

Маълум бир зидланиш аъзолари ўртасидаги муносабат тил системасининг бошқа зидланиш аъзолари ўртасидаги муносабат билан бир хил бўлган зидланишлар *пропорционал зидланиш* ҳисобланади. Масалан, ўзбек тили фонологик системасидаги *к-г* фонемаларининг зидланиши пропорционалдир. Чунки бу зидланиш аъзолари ўртасидаги муносабат, яъни жарангсизлак, портловчилик белгиси асосида умумийликни ҳосил қилиши фақат шу жуфтлик учунгина эмас, балки *п-б*, *т-д* каби жуфтликлар учун ҳам хосдир.

Маълум бир зидланиш аъзолари ўртасидаги қиёс учун асос бўлган белги тил системасидаги зидланишларнинг ҳеч қайсисида учрамайдиган зидланиш *ажралган зидланиш* саналади. Масалан, б ва л жуфтликлари ўртасидаги зидланиш ажралгандир. Чунки билабиаллик ва лабиоденталлик белгилари бошқа ҳеч бир жуфтликда қиёс учун асос бўлмайди.

Б. Зидланиш аъзолари ўртасидаги муносабатга кўра зидланиш турлари

Зидланиш аъзолари ўртасидаги муносабатга кўра зидланишлар *приватив* (қиёсга асос бўлган белги бирида бор, иккинчисида йўқ бўлган зидланиш), *даражали* (градуал) ва *тенг қимматли* (эквиволент) зидланишларга бўлинади.

Зидланувчи аъзоларининг бирида зидланиш учун асос бўлган белгининг мавжудлиги, иккинчисида эса йўқлигига асосланган зидланиш *приватив* ҳисобланади. Зидланувчиларнинг белгига эга бўлган аъзоси белгили (маркирланган), кучли, белгига эга бўлмаган аъзоси эса белгисиз (маркирланмаган), кучсиз аъзо дейилади. Масалан, *т-д*, *к-г* зидланишлари приватив саналиб, зидланувчи жуфтликларнинг ҳар бирида биринчи аъзо «овоз» (жаранг) белгисининг йўқлиги, иккинчиси эса борлиги билан характерланади. Бундай зидланишларнинг график ифодаси учун кучсиз аъзога «—», кучли аъзога «+» белгиси қўйилади. Масалан, сўз туркумлари системасида от билан феъл ўртасида қиёс учун асос бўлган белги «ҳаракат» саналиб, биринчиси бу белгининг йўқлиги (—), иккинчиси эса борлиги (+) билан характерланади.

Зидланувчи аъзолар бир белгининг турли даражасини (градациясини) кўрсатувчи зидланиш *даражали* ҳисобланади. Масалан, унлиларда оғиз очилишининг турли даражасини кўрсатувчи *у-ў-о*, *и-э-а* ўртасидаги зидланиш.

Даражали зидланиш кўп аъзоли бўлиб, даражаланиш силсиласидаги биринчи ва сўнгги аъзо *чегара*, улар ўртасидагилар эса *оралиқ* аъзолар саналади.

Чегара аъзолар зидланишнинг икки қутбини ташкил этади ва максимал зидланиш ҳосил қилади.

Зидланувчи аъзоларнинг ҳар иккиси мантиқан тенг бўлган, яъни белгининг икки даражасини ҳам, бор ёки йўқлигини ҳам билдирмайдиган зидланишлар *тенг қимматли* (эквиволент) ҳисобланади. Масалан, *опа-сингил*, *ота-она* зидланиши.

Шуни таъкидлаш керакки, зидланишларнинг юқоридаги турларини ажратиш тил системасининг конкрет шарт-шароити билан боғлиқ. Бу системанинг конкрет шарт-шароитидан ажратиб олинган айни бир зидланиш приватив ҳам, даражали ҳам бўлиши мумкин. Масалан, *у-о* ўртасидаги зидланиш оғизнинг очилиши даражаси сифатида олинса, приватив зиддият бўлади. Зидланувчилардан бири оғиз очилишининг «нуль» даражаси

сифатида қабул қилинади. Бу вақтда у (очик эмас), о эса «очик», ёки у «ёпиқ», о эса «ёпиқ эмас» тарзида зидланади. Худди шу белгига кўра тил системасидаги у га нисбатан очикроқ унли ў эътиборга олинса, у билан о ўртасидаги зидланиш даражали зидланишга айланади. Бу вақтда у ва о зидланишнинг чегара аъзолари, ў эса оралик аъзо бўлиб қолади. Шундай қилиб, у ёки бу зидланишни приватив, даражали ва тенг қимматли сифатида баҳоланиши бизнинг қандай нуқтаи назардан ёндашувимизга боғлиқ.

Лекин бундан у ёки бу зидланишни белгилаш соф субъектив характерга эга деган хулосага келмаслик керак.

Таъкидлаш жоизки, зидланишнинг ўзида уни маълум бир турга киритиш учун асос бўладиган қандайдир белги мавжуд бўлади. Тил системавий тузилишининг ўзи ва унинг функциялашуви кўп ҳолларда зидланишнинг объектив ва аниқ турини ажратишга имкон беради. Юқорида кўриб ўтган у ва о фонемалари ўртасидаги муносабат приватив зидланиш сифатида ҳам, даражали зидланиш сифатида ҳам тасаввур этилиши мумкин. Лекин амалда уларнинг қайсиси реаллашаётгани шу фонологик системанинг тузилиши ва қўлланиши билан боғлиқ бўлади.

В. Зидланувчи аъзоларнинг маъно фарқлаш кучига кўра зидланиш турлари

Зидланувчи аъзоларнинг маъно фарқлаш кучига кўра зидланишлар *доимий* ва *мўътадиллашган* турларга ажратилади. Бундай тасниф тил системасининг конкрет шароитда юзага чиқишига – функциялашувига асосланади. Система-функция тамойилига амал қилади.

Тил системасидаги зидланувчи аъзолар нутқ жараёнида муайян синтагматик муносабатга киришганда ҳам зидланишга асос бўлган белгини сақлаб қолса, *доимий*, аксинча, сақлаб қолмаса, *мўътадиллашган* саналади. Масалан, ўзбек тилида сўз охири жарангли ва жарангсиз ундошлар зидланиши учун кучсиз вазият саналади. Ана шу вазиятда зидланувчи аъзолар зидланиш белгисини йўқотади, мўътадиллашади: Масалан, *боб-бон, тоғ-тоқ*.

Мўътадиллашган зидланиш ҳам барча зидланишлар каби фақат фонологик сатҳ учунгина хос эмас. Уларнинг барчаси тилнинг ҳамма сатҳларида учрайди. Жумладан, бирлик ва кўплик морфемалари ўртасидаги зидланиш ҳурмат маъносини ифодалаганда мўътадиллашади.

ГЛОССЕМАТИКА

Структур лингвистиканинг муҳим тармоғи глоссематикадир. Бу йўналиш Ф.де Соссюр концепцияси асосида, лекин унинг қарашларига бир томонлама ёндашган ҳолда майдонга келди.

Глоссематика юнонча **glossa** “тил” сўзидан олинган бўлиб, бу йўналиш тарафдорларининг эътироф этишига кўра, объектни ўрганишда ўта

субъективизмга йўл қўйган ва шунинг учун ноилмий бўлган анъанавий тилшуносликка қарама-қарши равишда пайдо бўлди.

Глоссематиканинг асосий тамойиллари В.Брендалнинг “Структурал лингвистика”, Л.Ельмслевнинг “Тил назарияси тезислари”, “Бошқарув тушунчаси”, “Лингвистикада структур таҳлил методи”, “Тил ва нутқ” сингари бир қатор асарларида баён қилинган.

В.Брендал юқорида кўрсатилган асарида структурал лингвистиканинг пайдо бўлиш сабаблари ҳақида ёзар экан, бу йўналиш майдонга келгунга қадар бўлган қиёсий-тарихий тилшунослик, ёш грамматикачилар қўллаган текшириш методларига баҳо беради. Адабий оқимларнинг натурализм ҳамда реализм даврига хос энг кичик фактларни аниқ ва синчиклаб таҳлил этиш тамойилидан илҳомланган қиёсий-тарихий тилшунослик соф позитивистик хусусиятга эга бўлгани, бевосита кузатишга берилувчи ҳодисаларни, яъни товушли нутқни ўрганиш билан чекланганлигига танқидий баҳо беради.

Позитивизм ёш грамматикачилар даврида ҳам амал қилгани таъкидланади. XX асрда кўзга кўринган гносеологлар позитивистик нуқтаи назарнинг кучсиз томонларини очиб ташлади. Бундай концепция ҳозирги фаннинг равнақи учун энди хизмат қилолмаслиги аниқ бўлиб қолди. Натижада барча фанларда, шунингдек, лингвистикада ҳам антипозитивистик рух кучайди.¹ Ана шундай шароитда структур тилшунослик пайдо бўлганини таъкидлайди.

Структурализм номи билан маълум бўлган янги нуқтаи назарнинг характерли белгиси, унинг фикрича, бутунлик тушунчасига таъкид беришдир.

Глоссематиканинг асосий тамойиллари унинг йирик вакили бўлган Л.Ельмслев асарларида ёрқин ўз ифодасини топган. “Бошқарув тушунчаси” асарида структурал лингвистика эндигина шаклланаётгани, ҳозирги кунда у амал қиладиган дастур ҳақида гапириш ҳали эрта эканини таъкидлаган ҳолда, бу тилшуносликнинг муҳим жиҳати тилга структура сифатида ёндашув эканини баён қилади”.²

Унинг фикрича, структура ўз ички тартибига асосланган иерархия экани ва ягона таянч нуқтага эгаллиги билан характерланади. Бу иерархияни фақат дедуктив йўл билан ёритиш мумкин.

Худди шундай иерархияни ўрганишга мўлжалланган дедуктив методни эса *эмпирик ёки имманент-семиологик* метод деб ҳисоблайди.

Эмпирик ёки имманент-семиологик метод белгилар функциясини лингвистик тадқиқотларнинг асосий предмети деб ҳисоблайди. Бу метод, Л.Ельмслев таъбири билан айтганда, семиологик ҳодисалар билан семиологик бўлмаган ҳодисаларни фарқламасдан, уларни аралашган ҳолда ўрганувчи ҳар қандай методдан афзал. Эмпирик метод *соддалик* тамойилига асосланган методдир.

К.Хансеннинг фикрига кўра, математикага тилшуносликни яқинлаштириш, ҳамма жойда системани кўришга интилиш, ўша давр физикаси таъсирида материянинг мавжудлигини рад этган ҳолда тилни аниқ

тадқиқ этишда соф лингвистик предмет-имманент тушунчаларга таяниш Л.Ельмслев қарашларининг негизидир.¹

Унинг таъкидлашича, семиологик функция янги тушунча эмас. Янгилик семиологик функцияни биринчи планга олиб чиқувчи структурал ёндашувдир. Структурал метод туфайлигина лингвистика субъективлик ва ноаниқликдан, интуитив ва соф шахсий хулосалардан ҳоли бўлган чинакам фанга айланди.

Структурал лингвистика тилшуносликда янги йўналиш саналиб, унинг методи бир вақтнинг ўзида *дедуктив* ва *эмпирик* тамойилга асосланишини баён қилади.

“Тилшунослик ва структур таҳлил методи” асарида ҳозирги тилшуносликнинг асосчиси кўп жиҳатдан Ф.де Соссюр ҳисобланиши, чунки у биринчилардан бўлиб, тилни структур ўрганишга, яъни тил бирликларини бевосита нутқ жараёнида қандай воқеланишидан қатъий назар, улар ўртасидаги муносабатни ўрганишга даъват этганини баён қилади.

Ана шундан келиб чиққан ҳолда, у реал тил бирликлари товуш ёки ҳарф ва маънолар эмас, балки товуш ёки ҳарф ва маънолар ёрдамида гавдаланган *муносабат элементларидир*, деган хулосага келади. Муҳим нарса товуш ёки ҳарфлар эмас, балки нутқ занжирида ва грамматикадаги парадигмаларда мавжуд бўлган *муносабатлардир*. Худди ана шу муносабат тил системасини ташкил этади. Худди ана шу ички система маълум бир тилни бошқа бир тилдан фарқлаб турувчи характерли белги саналади.

Шунинг учун муносабатлар тугунини ўрганиш лингвистиканинг бош мақсади бўлиши кераклигини, бу муносабатлар тугунининг конкрет намоён бўлиши тил учун муҳим эмаслигини баён қилади. Унинг фикрича, маълум бир қиймат турли монета, қоғоз пул, чеклар орқали намоён бўлиши мумкин. Лекин улар қандай гавдаланишидан қатъий назар қиймат ўзгармайди.

Шу сабабли Л.Ельмслев тилни *имманент* ўрганишни талаб қилади. Уни ўзигача бўлган ўрганиш усули – нарсаларнинг ўзгарувчан белгиларини фарқламасдан ўрганувчи **трансцендент** билишга қарама-қарши кўяди. Унинг фикрича, шу кунгача тил трансцендент билиш, яъни тилга ёндош ҳодисаларни билиш воситаси бўлиб келди. Масалан, классик филология, энг аввало, тилдан кўра адабиёт ва маданиятни; қиёсий тилшунослик, энг аввало, тарихни ўрганиш билан шуғулланиб келди. Аслида лингвистик назария тилни ундан ташқаридаги ҳодисалар (физик, физиологик, психологик ва бошқ.) билан аралашган ҳолда эмас, балки ўз ичидаги яхлит структурани ўрганиш лозимлигини кўрсатади.

У ўзи мансуб бўлган структур тилшуносликка изох берар экан, тилга ўзаро муносабатлар схемаси сифатида ёндашиш менинг бош вазифам деб биламан, дейди.¹ Фикрини давом эттирар экан, менинг бутун уринишларим тилни (*lingua*) амалий қўлланишга боғлиқ бўлмаган ҳолда соф форма ёки схема тарзида ўрганишга қаратилгандир, дейди.² Бундай қараш Ф.де Соссюрнинг бош ғояси ҳисобланган “лингвистиканинг ягона ва ҳақиқий

ўрганиш объекти “ўзи ва ўзи учун” тарзида қаралувчи тил, яъни тилнинг ички тузилиши бўлиши керак, деган ғоя таъсирида майдонга келган.

Эмпирик тамойил

Юқорида Л.Ельмслевнинг тилни ўрганиш тамойили эмпирик эканини таъкидлаган эдик.

Л.Ельмслев “Тил назарияси тезислари” (“Прологомены к теории языка”) номли асарида ўзининг асосий назарий қарашларини баён қилади. У ўз қарашларини анъанавий тилшуносликнинг камчиликларини фош қилишдан бошлайди. Олимнинг фикрича, анъанавий тилшунослик тил табиатини билишдан кўра тил эгаларининг тарихгача ва тарих даврида бўлган социал шароити ҳамда халқлар ўртасидаги алоқасини билишга кўпроқ эътиборни қаратди. Бу тилшунослик тилдан ташқаридаги ҳодисаларга кўпроқ эътиборни қаратганлиги учун трансцендентлик хусусиятига эга бўлди. *Трансцендент* атамаси ўзгарувчан, иккинчи даражали, ўткинчи каби маъноларни билдиради.

Л.Ельмслевнинг таъкидлашича, ҳақиқий илмий тилшунослик *имманентлик* хусусиятига эга бўлиши керак. Унинг маъноси шуки, тилшунослик тилнинг ички хусусиятларини ўрганиш билан шуғулланиши керак.

Шунинг учун лингвистик назария тилдан ташқаридаги ҳодисаларга боғлиқ бўлмаган, тилни тил қилиб турган *барқарор* бирликларни кидиришдан иборат бўлиши лозим. Ана шу *барқарор* бирликларни ажратиш ва тавсифлашни Л.Ельмслев *эмпирик тамойил* деб ҳисоблайди.

Унинг фикрича, бу тамойилда лингвистик бирликлар тавсифи ҳар қандай *зиддиятлардан ҳоли, тўлиқ* ва жуда *содда* бўлмоғи лозим.

Чех тилшуноси В.Скаличка Л.Ельмслевнинг матнни таҳлил этишда тадқиқотчилар олдида қўйган уч талабини қуйидагича ифодалайди: 1) зиддиятсизлик; 2) тавсифнинг тўлиқлиги; 3) соддалик.³

Л.Ельмслевнинг эмпирик тамойилидаги бу уч талаб изчиллик, кетма-кетлик хусусиятига эга. Зиддиятсизлик тўлиқликдан, тўлиқлик соддаликдан олдин келади. Юқоридаги уч талаб, чех тилшуноси Б.Трнканинг таъкидлашича, математик назариядан олинган.

Бундан *зиддиятсизлик* талаби назариянинг ўзида текширилади. Чунки математикада зиддиятли теоремаларнинг бўлиши мумкин эмас.

Тўлиқлик талабига Х.Ульдалл изоҳ берар экан, агар ўрганилган нарсаларнинг белгилари қолдиқсиз, яъни нарса бир бутун ҳолда кўрилаётган *типга* бирлаштирилгунга қадар тавсифланса, у тўлиқлик талабига жавоб беради.

Бу ўринда тип тушунчаси ҳам муҳим аҳамиятга эга. Глоссематиклар *тип* атамаси остида бевосита кузатишда турлича намоён бўлувчи ҳодисаларнинг барчаси учун хос бўлган қандайдир умумийликни тушунадилар.

Соддалик талаби ҳақида фикр юритганда, шуни таъкидлаш керакки, бу атама глоссематиклар томонидан “оддийлик” маъносида эмас, балки тушуниш ва бажаришнинг энгиллиги маъносида қўлланилган.

Х.Ульдалнинг изоҳига кўра, ўрганилаётган нарсанинг имкон қадар оз миқдордаги бирликлардан ташкил топганлигини тўлиқ очиб берган тавсиф соддалик белгисига эга бўлади. Ана шу соддаликдан объективлик, изчиллик, тўлиқлик каби илмий идеаллар келиб чиқади.¹

Л.Ельмслев позициясининг тавсифи учун энг муҳими иккинчи пункт, яъни тавсифнинг тўлиқлиги ҳисобланади.² В.А.Скаличканинг таъкидлашича, агар тилга ҳар қандай социалликдан узилган, бошқа структур шаклланишлар билан муносабатидан маҳрум қилинган мустақил структура сифатида қаралганда, бу талаб табиий ҳисобланади.

Л.Ельмслев учун эмпирик тамойил индукцияни билдирмайди. Аксинча, у индукцияни кескин танқид қилган ҳолда, дедукцияни тарғиб қилади.

Дедукция термини остида бутундан бўлакка тамойилини, яъни бутун матндан абзацга, абзацдан гапга, гапдан сўзга, сўздан товушга ўтишни тушунади.

Анъанавий тилшунослик тушунчаларни ҳосил қилишда соддаликдан мураккабликка (алоҳида товушлардан фонемаларга, хусусий маънолардан умумийга ва бошқ.) томон йўналган, **индуктив** бўлган бўлса, глоссематик назария, аксинча, умумийликдан хусусийликка, синфдан унинг қисмларига қараб йўналади ва **дедуктив** ҳисобланади. Шунинг учун Л.Ельмслев ўз методини *эмпирик* ва *дедуктив* эканини таъминлайди.

Унинг фикрича, бу назария ҳар қандай тилдаги ҳар қандай матнни тавсифлаш ва олдиндан айтиш имкониятига эга. Шунинг учун у бу назариянинг универсал моҳият касб этишига умид қилади.

Ф.М.Березиннинг фикрича, Л.Ельмслевнинг бу назарияси табиий тилларнинг ички ўзига хос хусусиятларини йўққа чиқаради ва шу сабабли бу методдан тилнинг табиатини ўрганишда восита ўлароқ фойдаланиш мушкулдир.³

Инвариант-вариантлик

Л.Ельмслев Ф.де Соссюрнинг тил-нутқ дихотомиясига юқори баҳо берар экан, бу бевосита шакл ва субстанция ўртасидаги фарқланишга асосланганини таъкидлайди. У Ф.де Соссюрнинг лингвистик қарашлари “Умумий лингвистика курси”да изчил ва аниқ ифодасини топмагани, шунинг учун зиддиятларга бой эканини баён қилган ҳолда, субстанция ва шакл ҳақидаги қарашларини бунга мисол қилиб келтиради.

Бир ўринда Ф.де Соссюр тил(*lingua*)ни субстанция эмас, шакл эканини аниқ ифодалайди. Бу, дарҳақиқат, унинг умумий қарашларига тўғри келади. Лекин мазкур фарқланиш китобнинг охирига қадар изчил олиб борилмайди. Шу билан биргаликда юқоридаги терминлар турли маъноларда қўлланилади. Лекин Ф.де Соссюр тадқиқотида энг муҳим янги нарсани ажратиш мумкин, –

дейди Л.Ельмслев. – *Бу тилни соф муносабатлар структураси сифатида тушунишдир*”.¹

Л.Ельмслев Ф.де Соссюрнинг «Тил бу шаклдир» деган ғоясини маҳкам ушлади. Шунинг учун унинг лингвистик концепциясида шакл абстракт моҳият сифатидаги қандайдир барқарорлик деб тушунилади. Унинг таъкидлашича, ҳар қандай шакл бевосита кузатишда хилма-хил моддий кўринишларда намоён бўлади. Маълум моҳиятнинг ана шу хилма-хил моддий кўринишлари субстанция саналади. Масалан, *Уйга кетмоқ* маъноси турли-туман ташқи ифодаларга эга. Товушлар кетма-кетлиги ёрдамида (фонетик восита), ҳарфлар кетма-кетлиги ёрдамида (график восита), телеграф орқали Морзе алифбоси ёрдамида, имо-ишоралар ёрдамида (паралингвистик), дафтарга ўйиш орқали (кўзи ожизлар воситаси) ва бошқ. Бир умумий моҳиятнинг ана шу хилма-хил гавдаланишлари субстанция ҳисобланади.

Глоссематиклар шакл ва субстанция билан бирга, мазмун ва ифодани ҳам фарқладилар. Аслида лингвистик белгининг икки томонламалилиги Ф.де Соссюр томонидан кўрсатилган эди. Глоссематиклар унинг бу дихотомиясини шакл ва субстанцияга ҳам нисбат бердилар.

Тилни шакл ва субстанция, мазмун ва ифода дихотомиялари асосида тўрт қатламда ўрганиш ҳам глоссематиканинг ўзига хос характерли белгисидир. Ана шундай бўлинишга асосланиб, глоссематиклар ифода шакли ва ифода субстанцияси, мазмун шакли ва мазмун субстанцияси каби тушунчаларни фарқлайдилар.

Тилда ўзининг ифодасини топган борлиқ факти, тафаккур орқали шаклланган борлиқ, тушунча **мазмун субстанцияси**, тил ёрдамида системалаштирилган товушлар занжири эса **ифода субстанцияси** ҳисобланади.

Буни Л.Ельмслев *Берлин* сўзи орқали тушунтириб беради. Унинг фикрича, юқоридаги сўзда биз бир хил ифода субстанциясига (товуш занжирига) эга бўламиз. Лекин бу ифода субстанцияси турли тилларда турли хил кўринишда бўлади: ингл. be:’lin, нем. ber’lin, япон. Iberulinul каби. Лекин мазмун субстанцияси (Берлин ҳақидаги тасаввур) ўзгармайди. Аксинча, бир хил ифода субстанциясига эга бўлган ингл. got “олдим”, нем. Goot “худо”, данияча godt “яхши” сўзларини талаффуз этганимизда турли мазмун субстанциясига (объектив борлиқ маълумотлари) эга бўламиз.

Бир хил субстанциянинг турлича ифодаланиш имконияти бошқа мисоллар билан ҳам далилланади. Масалан, *Билмайман* жумласида мавжуд бўлган фикрни ифодалаш керак бўлсин. Бу фикр Л.Ельмслевнинг таъкидлашича, мазмун субстанцияси ҳисобланади. У барча тилларда бир хил бўлса ҳам, лекин хилма-хил ифодасига эга.

Л.Ельмслев тилда мазмун плани ва ифода планини ажратиш билан бирга, уларнинг ҳар бири ўз шакли ва субстанциясига эга эканини таъкидлайди. Мазмун шакли бирлиги *плерема* (юнон «тўлиқ», яъни “мазмуний парча”), буларни ўрганувчи бўлим эса плерематика саналади.

Ифода шакли бирлиги *кенема* (юнон. “бўш”), буларни ўрганувчи бўлим *кенематика* ҳисобланади.

Шакл субстанцияга нисбатан белгиловчи ва барқарор хусусиятга эга бўлгани туфайли, глоссематикларнинг асосий ўрганиш объектига айланади. Л.Ельмслев шаклнинг субстанциядан тўлиқ автономлигини таъкидлаган ҳолда, тилшунослик шаклларни ўрганмоғи лозимлигини баён қилади.

Л.Ельмслевнинг фикрича, мазмун ва ифода томонлари ўзаро **коммутация** муносабати орқали боғланган. Бунинг маъноси шуки, ифода планидаги ўзгариш мазмун планида ҳам ўзгаришга олиб келади. Масалан, *тол* сўзининг ифода планидаги охириги товушни ўзгартирсак, маъно планида ҳам ўзгариш рўй беради: *тол* сўзидан *тош* сўзи ҳосил бўлади.

Агар ифода планидаги ўзгариш мазмун планидаги ўзгаришга олиб келмаса, бу ҳодиса **субституция** ҳисобланади. Масалан, *кел* сўзининг бошидаги *к* ундошини *г* га алмаштирсак ҳам, сўзнинг мазмун планида ўзгариш рўй бермайди.

Коммутацияда ифода плани элементи билан мазмун плани элементи системанинг мустақил элементи сифатида қаралади. Улар ўзаро алмашиниш хусусиятига эга бўлади. Бундай элементлар инвариант ҳисобланади. Субституция муносабатида бўлган элементлар бир инвариантнинг вариантлари саналади.

Л.Ельмслевнинг фикрича, матннинг кўпгина жойларида бир хил кўшма гаплар, бир хил содда гаплар, бир хил сўзлар ва бошқалар учрайди. Бошқача айтганда, ҳар бир кўшма гапнинг, ҳар бир содда гапнинг, ҳар бир сўзнинг кўпгина намуналари учрайди. Бу намуналар *вариант*, намуналар моҳияти эса инвариант саналади.

Масалан, *Қачон у келса, мен буни бажараман* гапидаги *қачон у келса* қисмини *қачон у айтса* билан алмаштирсак, ифода плани элементларининг ўзгариши маъно планининг ўзгаришига олиб келади. Шунинг учун улар инвариантлар саналади. *Қачон у келса, У қачон келса* жумлалари вариантлар ҳисобланади.

Бундан кўринадики, инвариант-вариантни белгилашда нутқий жараёндаги реал нутқий бирликларни, яъни вариантларни муҳим белгиларига кўра чегараланган микдордаги содда элементларга бирлаштириш тамойили муҳим аҳамиятга эга. Бунга мураккаб элементларни изчил равишда парчалаш натижасида эришилди. Масалан, ифода планини парчалаш (матн-периодлар – гап – сўз – бўғин – фонема), шунингдек, мазмун планини парчалаш натижасида охир оқибат бўлақларга бўлинмас бирликни ажратишга эришилади. Мазмун планидаги ана шундай энг кичик бирликни Л.Ельмслев *фигура* атамаси билан номлайди.

Фигуралар лингвистик белги таркибига кирувчи белги бўлмаган қисм саналади. Улар белгилар системасига белгининг қисми сифатида қиради.

Унинг фикрича, тил шундай шаклланганки, бир сиқим фигуралар ва унинг янги-янги жойлашуви орқали қатор белгилар ҳосил қилиниши мумкин. Фигуралар, Л.Ельмслев тушунчасига кўра, энг кичик мазмуний бирлик

бўлиб, уларнинг комбинацияси белгининг мазмуний томонини ҳосил қилади. Масалан, *йигит* сўзининг мазмуний тузилишидан қуйидаги фигураларни ажратиш мумкин: “шахс”, “ёш”, “эркак”. Кейинги фигуранинг ўзгариши эса *қиз* белгисини беради.

Л.Ельмслевнинг таъкидлашича, тилшуносликка фигура тушунчасининг киритилиши тилнинг ички тузилишини ёритишга қулай имконият яратади.

Унинг фигура ҳақидаги таълимоти Прага лингвистик мактаби вакиллари: Н.С.Трубецкойнинг фонологик сатҳда фарқловчи белгилар, В.Скаличканинг грамматик сатҳда *сема* (энг кичик грамматик бирлик) тушунчалари билан ҳамоҳанг саналади ва у тил семантик тузилишидаги энг кичик бирликни ажратиш юзасидан қилинган ҳаракатнинг натижасидир.

Л.Ельмслев субстанцияни лингвистиканинг ўрганиш объектидан чиқаради ва лингвистик бирликларнинг ягона таҳлил усули улар ўртасидаги муносабатни ўрганиш, деб ҳисоблайди.

Лингвистик бирликлар ўртасидаги тобе муносабатни ифодалаш учун у **функция** атамасини қўллайди. Функция аъзоларини ифодалаш учун эса **функтив** атамасидан фойдаланади. Функтив сифатида *барқарор* (константа) ва *ўзгарувчан* бирликлар қўлланилиши мумкин. Функция доирасида қўлланилиши зарур бўлган функтив *барқарор*, зарур бўлмаган функтив эса *ўзгарувчан* ҳисобланади.

Константа ва ўзгарувчанлик асосида Л.Ельмслев учта муҳим муносабатни ажратади: 1) интердепенденция; 2) детерминация; 3) констелляция.

Интердепенденция атамаси остида икки константа ўртасидаги ўзаро тобелилик, яъни бири иккинчисининг бўлишини тақозо этиши тушунилади. Бундай муносабатда бири иккинчисисиз мавжуд бўлмайди. Масалан, лисоний бирликларнинг маъно плани билан шакл плани ўзаро шундай муносабатда бўлади. Ёки унлилар ва ундошлар, жаранглилар ва жарангсизлар, қаратқич ва қаралмиш ўртасидаги муносабат интердепенденция саналади.

Константа ва ўзгарувчан бирликлар ўртасидаги бир томонлама муносабат **детерминация** дейилади. Бу муносабатда бир аъзо иккинчисининг бўлишини тақозо этади. Сифатнинг аниқловчи вазифасида келиши учун аниқланмиш зарур. Унинг бўлиши тақозо этилади. Лекин аниқланмиш вазифасидаги от аниқловчисиз ҳам ишлатилаверади. Шунингдек, бош ва эргаш гаплар ҳам ўзаро детерминация муносабатида бўлади (ҳавола бўлакли қўшма гаплар бундан мустасно).

Функция аъзоларининг бири иккинчисини тақозо этмаса, бундай муносабат **констелляция** саналади. Масалан, равиш билан феъл ўртасидаги муносабатда бирининг бўлиши иккинчисига боғлиқ эмас.

Л.Ельмслевнинг тил системасида мавжуд бўлган хилма-хил муносабатларни бу уч муносабат остига бирлаштириши унинг тилни ўрганишда дедуктив тамойилни амалга ошириш ҳаракатининг ифодасидир.

Л. Ельмслевнинг тил ва нутқ зидланиш ҳақидаги қарашлари

Л.Ельмслевнинг фикрига кўра, лингвистикага структурлик тамойили киритилган ҳозирги кунда ҳар хил мантиқий натижалар олиш учун катта ҳажмдаги ишларни амалга ошириш лозим.¹

У Ф.де Соссюр томонидан “Умумий лингвистика курси” да киритилган “тил” ва “нутқ” атамаси турли хил изоҳга йўл қўйиши, бу ҳолат эса тилшунослар ўртасида “тил” ва “нутқ” дихотомиясига турли қарашларнинг туғилишига сабабчи бўлишини таъкидлайди.

Хусусан, “тил” талқинига назар ташланса, қуйидагиларга гувоҳ бўламиз: а) социал шарт-шароит ва моддий ифодаланишга боғлиқ бўлмаган соф шакл сифатида тушуниш; б) турли моддий ифодаланишга боғлиқ бўлмаган, лекин маълум социал реаллик билан боғланган моддий шакл сифатида тушуниш; в) турлича моддийлашиш хусусиятига эга бўлувчи ва маълум социал жамоа томонидан қабул қилинган кўникмалар йиғиндиси сифатида тушуниш.

Л.Ельмслев “тил”га бундай уч хил ёндашувни қатъий фарқлаш лозимлигини таъкидлайди ва бу уч ёндашув учун урта атама қўллайди: а) **схема** – тил бирлиги соф шакл сифатида изоҳланса; б) **меъёр** – тил бирлиги моддий шакл сифатида изоҳланганда; в) **узус** – тил бирлиги кўникмалар йиғиндиси сифатида изоҳланганда;

Шундай қилиб, Ф.де Соссюрнинг “тил-нутқ” дихотомияси ноаниқлиги, номукамаллигини эътиборга олиб, ўзининг тўрт аъзоли бўлишини тавсия этади. Тўртинчи аъзо сифатида нутқни эътироф этади ва уни нутқ акти ҳисоблайди.

Схема, норма, узуслар тил бирликлари саналиб, нутқ бирлиги саналувчи *нутқ актига* қарама-қарши қўйилади.

Схема атамаси остида социал қўлланиши ва моддий шаклланиши билан боғлиқ бўлмаган соф шакл сифатида тил ифодаланади.

Норма атамаси остида социал қўлланиш билан боғлиқ, лекин моддий шакл билан боғлиқ бўлмаган тил тушунилади.


Узус атамаси остида тил маълум жамият томонидан қабул қилинган ва маълум моддий шаклланиш билан шартланган кўникмалар йиғиндиси сифатида тушунилади.

Нутқий акт эса сўзлашиш, индивидуал нутқий жараёни ифодалайди.

Л.Ельмслев бу аъзолар ўртасида ўзи умумлаштирган уч турдаги муносабатни ёритади: норма узус ва нутқий актнинг бўлишини тақозо этади. Дарҳақиқат, нутқий акт ҳамда узус мантиқан ва амалда ҳам нормадан олдин келади. Норма билан узус ва нутқий акт ўртасида детерминация муносабати мавжуд бўлади. Детерминацияни стрелка ишораси билан ифодалаган ҳолда, бу уч аъзо ўртасидаги муносабатни қуйидагича кўрсатади:

норма узус нутқий акт.

Узус билан нутқий акт ўртасида интердепенденция муносабати мавжудлигини таъкидлайди. Чунки уларнинг ҳар қайсиси бир-бирининг бўлишини тақозо этади. Буни график жиҳатдан қуйидагича кўрсатади:



Л.Ельмслевнинг таъкидлашича, фақат нутқий акт ва схема билан бирга узус лингвистик реалликни акс эттиради. Норма эса узусдан сунъий равишда олинган абстракция эканини таъкидлайди.

Ф.М.Березин Ф.де Соссюрнинг тил-нутқ дихотомиясида икки асосий нуқтага таянганини баён қилди: а) социаллик ва индивидуаллик белгиси; б) фарқловчилик ва фарқламаслик белгиси

Ельмслев эса социаллик ва индивидуаллик белгисини соқит қилади. У фақат тилнинг ўзидаги муносабатларни ўрганишга асосий эътиборни қаратгани учун иккинчи зидланиш, яъни фарқловчи ва фарқламайдиган белгилар зидланиши асосий таянч нуқта ҳисобланади, дейди.

Хуллас, тил-нутқ дихотомиясида “нарса ўзида” сифатида тилнинг ички структурасини ўрганишда Л.Ельмслевнинг хизмати катта бўлди. Айниқса, унинг эмпирик тамойили тил бирликларини белгилаш учун қулай имконият яратди. Тил бирликларини моделлаштиришда унинг бу тамойили ҳамон ўз қимматини йўқотгани йўқ.

Шунингдек, у тилни соф форма, субстанция эмас, деган ғояга амал қилиши билан моддийликдан узиб қўйди. Шунинг учун В.А.Звегинцев Л.Ельмслев назариясини “тилсиз назария” (“теория без языка”), деб баҳолайди.¹ Француз структуралисти А.Мартине эса бу назариянинг амалда қўллаш учун ноқулай «фил суягидан ясалган минора» эканини, унга жавоб бериш, яъни унинг камчиликларини бартараф этиш учун “фил суягидан янги минора қуриш” кераклигини баён қилади. К.Хансен глоссематика назариясига баҳо берар экан, Л.Ельмслев ўз назариясининг универсаллигини таъминлаш учун шу даражадаги юқори абстракцияга эришдики, у конкрет тил ҳодисаларини тадқиқ этишда кераксиз бўлиб қолди.¹

АМЕРИКА СТРУКТУРАЛИЗМИ

Структур тилшуносликнинг учинчи йирик тармоғи дескриптив лингвистика номи билан юритилувчи Америка структурализмидир.

Дескриптив лингвистика Ф.Боас (1808 – 1942), Э.Сепир (1884 – -1939) ва Л.Блумфилд (1887 – 1949) номлари билан боғлиқдир.

В.А.Звегинцевнинг таъкидлашича, Америка структурализми тўғридан-тўғри Ф.де Соссюр таълимотидан келиб чиққан эмас. У Америка

индусларининг тилини ўрганиш жараёнидаги амалий эҳтиёж замирида вужудга келди.¹

Машхур лингвист ва антрополог Ф.Боас Америка индуслари тилини ўрганиш билан шуғулланар экан, барча тиллар учун умумий бўлган текшириш тамойилларидан воз кечишга, унинг ўрнига ўрганилаётган конкрет тилнинг ички хусусиятига асосий эътиборни қаратишга, дедуктив эмас, балки индуктив усул билан ўрганишга даъват этади.

Ф.Боас Америка индуслари тилини ўрганиш чоғидаги тажрибасига суянган ҳолда ҳинд-оврупа тиллари материаллари асосида майдонга келган тадқиқ методларини бу тилларга қўллаш мутлақо мумкин эмаслигини асослашга ҳаракат қилди.

Америка индуслари тили, биринчидан, ҳинд-оврупа тилларидан фарқ қилувчи ўзига хос категорияларга эга. Иккинчидан, тарихий тараққиётининг олдинги давлари ҳақида гувоҳлик берувчи ёзма манбаларга эга эмас. Учинчидан, уларнинг дунёдаги қайси тиллар билан қариндошлиги ҳали номаълум. Бу факторлар эса, Ф.Боаснинг фикрича, Америка индуслари тилининг ташқи, формал томонига асосланган объектив текшириш методларини ишлаб чиқишга эҳтиёж туғдиради. Натижада дескриптив (тавсифий) метод пайдо бўлди.

Ушбу методни тарғиб қилувчиларнинг фикрига кўра, тилшуносликнинг бош вазифаси тилни тавсифлаш, яъни тил фактларини тушунтириш, изоҳлаш эмас, балки рўйхатга олишдан иборатдир. Шу вазифадан келиб чиққан ҳолда бундай тадқиқот методи дескриптив (ингл.to describe-“тавсифлаш”) номини олди.

Бу метод ҳақида Г.Глисон қуйидагиларни ёзади: “Тилнинг шундай томони мавжудки, ҳозирги кунга қадар унга кам эътибор берилди. Бу алоҳида илмий йўналиш бўлган дескриптив лингвистика томонидан ўрганилувчи тилларнинг ички структурасидир”.

Боас анъанасини Сепир ва Блумфилдлар давом эттирдилар. Сепирнинг кўпроқ тилнинг маданият билан муносабати, тил ҳодисалари билан социал жиҳатларнинг ўзаро алоқаси, тилларнинг типологик таснифи сингари масалалар эътиборини тортди. Унинг қарашлари «Тил» (1921, 1933) китоблари, “Лингвистиканинг фан сифатидаги ҳолати” (1929) мақоласи ва бошқа асарларида ўз ифодасини топган.

Сепир тил қурилиши билан маданиятнинг тўғридан-тўғри мувофиқлигини топиш мумкин эмаслиги, халқ маданияти унинг тилидаги луғат состави билан боғлиқ эканини баён қилади. Унинг тил ва маданият юзасидан олиб борган кузатишлари кейинчалик тилнинг халқ маданияти, урф-одатлари билан муносабатини ўрганувчи алоҳида лингвистик йўналиш – этнолингвистиканинг шаклланишига асос бўлиб хизмат қилди.

Сепирнинг фикрича, инсон маълум даражада ўзи мансуб бўлган тил ҳукмронлигида яшайди, «реал борлик» маълум даражада шу жамиятнинг тил меъёрларида ўз тузилишини акс эттиради. Натижада у тилнинг қайси шаклда экани объектив борликнинг қандай бўлинишига олиб келади, деган

ғайриилмий хулосага келади. Худди ана шу ғоя «Сепир-Уорф гипотезаси» номи билан машхур бўлган гипотезада ҳам ўз ифодасини топди. Бу гипотезанинг Сепир ва Уорф номи билан юритилишининг сабаби шундаки, Сепир баён қилган юқоридаги ғоя Б.Уорф (1897 – 1941) томонидан ҳам олға сурилади.

Сепир тилларнинг ўзигача бўлган типологик таснифига танқидий муносабатда бўлди. У тилларни морфологик жиҳатдан флектив, агглютинатив, ўзакли ва ажралган тилларга бўлинишини рад этган ҳолда, ҳар бир тилнинг морфологик жиҳатдан шаклланган эканини таъкидлайди. Шунинг учун у ёки бу тилни маълум бир шаклий белги ривожланишига қараб тасниф этишни маъқул кўради ва тилларни турли типдаги тушунчаларни ифодалаш, грамматикада синтезлаштириш даражасига кўра тасниф этишни тавсия этади.

Боас қарашларини бошқа йўналишда Блумфилд давом эттирди. Л.Блумфилд дескриптив лингвистика системасининг бевосита яратувчиси саналади. Ю.Д.Апресяннинг таъкидлашича, Америка лингвистик мактабининг вужудга келиши Э.Сепир ва Л.Блумфилдлар номи билан боғлиқдир. Уларнинг таълимотлари асосида Америка лингвистикасининг икки тармоғи майдонга келди. Уларнинг бири Соссюр структурализмининг давомчилари бўлиб, Л.Блумфилд қарашлари, иккинчиси эса Э.Сепир ғоялари асосида шаклланди. Л.Блумфилд таълимоти Соссюр структурализмининг бир кўриниши сифатида майдонга келди. Э.Сепир қарашлари асосида майдонга келган иккинчи тармоқ эса Соссюр структурализмидан бир мунча четга чиқади. Чунки бу таълимотда тилнинг структур таҳлили натижалари шу тил эгалари бўлган халқнинг маданияти структур таҳлили натижалари билан солиштирилади.

Ю.Д.Апресяннинг фикрига кўра, Л.Блумфилд маълум маънода Э.Сепирга тамоман қарама-қарши туради. Гарчи Э.Сепир ҳайрон қоларли даражада лингвистик интуицияга, жуда эътиборли тахминлар чиқариш қобилиятига эга бўлса ҳам, бу ғояларни баён қилиш шаклига жиддий эътибор бермади. Сепир лингвистикасининг тили ғоят ноаниқдир. Аксинча, Блумфилднинг ундан оддийроқ гипотеза ва ғоялари ўша йиллар лингвистикада илмий аниқликнинг намунасига айланган тилда баён қилинди.¹

Л.Блумфилд дастлабки тадқиқотларида В.Вундтнинг “халқ психологияси”га таянган бўлса, 1926 йилдан бошлаб ўз тадқиқотларининг фалсафий асоси сифатида инсон хулқини ўрганувчи бихевиоризм тамойилларига таянади. Унинг бихевиористик қарашлари 1933 йилда нашр этилган “Тил” асарида ўз ифодасини топди. У тилшуносликда психологизмга қарши чиққан ҳолда тилни онгдан ажратади ва уни сигналлар системаси сифатида ўрганади.

Бу китобнинг II бобида тилнинг умумий назарияси ҳақида фикр юритиб, менталингвистик назарияга танқидий баҳо беради ва материалистик (ёки механистик) назарияга мойиллигини билдиради.

Унинг фикрича, менталистик назария инсон хулқининг вариативлиги моддий факторлар асосида эмас, балки ҳар бир шахсда мавжуд бўлган рухий факторлар ёрдамида тушунтирилади. Менталистик назарияга кўра, рух моддий объектлардан тубдан фарқ қилади. Шунинг учун у бутунлай бошқа сабабий алоқаларга бўйсунди.

Материалистик назарияга кўра эса инсон хулқи вариативлиги, шу жумладан, нутқ вариативлиги инсон организмнинг мураккаб системалиги билан боғлиқдир.²

Нутқий алоқа жараёни, Блумфилднинг фикрича, “стимул” (таъсир) ва “реакция” (актаъсир) муносабатидан ташкил топади. Тил суҳбатлашувчиларнинг икки асаб системаси ўртасидаги кўприк саналади. Айтилган сўз реакция томонидан алмашувчи, эшитилган сўз эса “алмаштирилган стимул” ҳисобланади. Ана шу асосда Блумфилд тилшуносликнинг назарий муаммоларини ҳал этади ва илмий тадқиқот методларини ишлаб чиқади.³

Л.Блумфилд ягона, конструктив ва изчил қурилган тушунчалар системасини ишлаб чиқишни бош мақсад қилиб олди. Гарчи бу системанинг бир қатор жиҳатлари тарихийлик нуқтаи назаридан қизиқиш уйғотса ҳам, лекин бир бутун ҳолда ҳанузгача ўз қимматини йўқотган эмас.

Бу системанинг бир қатор тамойиллари тилшуносликнинг кейинги ривожини учун муҳим рол ўйнади. Улар қаторига қуйидаги факторларни киритиш мумкин:

1. Л.Блумфилд худди Ф.де Соссюр каби “тил” атамаси остида ифодаланадиган мураккаб ҳодиса таркибида соф лингвистика объектини ажратиб олишга ҳаракат қилди. Унинг фикрича, лингвистика объекти бир-бирига боғланмаган алоҳида товуш ва маънолар эмас, балки “маълум товушларнинг муайян маънолар билан боғланиши” бўлиши керак. Товуш тилшуносни фақат маъно фарқлаш нуқтаи назаридан қизиқтиради. Товушнинг (фонеманинг) муҳим белгиси маъно фарқлашидир.

Худди шунингдек, грамматика ва лексикологияда ҳам тилшуносни сўз ҳамда шаклнинг конкрет маъноси эмас, балки икки сўз ва шакл маъноси ўртасидаги фарқланиш факти қизиқтирмоғи лозим. Шундай қилиб, Л.Блумфилд тилшуносликка дифференциал маъно тушунчасини киритди. Унинг бу тамойили Л.Ельмслевнинг “коммутация” тамойили билан эквивалентдир.

1. Маълум товушларнинг муайян маъно билан боғланган шаклларини Л.Блумфилд тил шакллари ҳисоблайди ва маъно билан боғланмаган фонемаларга қарама-қарши қўяди. Фонемаларни тил шакли санамайди.

Барча тил шаклларини, биринчидан, *боғлиқ* ва *эркин*, иккинчидан, *мураккаб* ва *соғда* шаклларга ажратади. Унинг таъкидлашича, ҳеч қачон алоҳида қўлланилмайдиганлар (морфема ва сўзнинг бошқа қисмлари) *боғлиқ* шакл, бошқа шакллардан алоҳида қўлланилувчилар (сўз, сўз бирикмаси) эса *эркин* шакл ҳисобланади. Шунингдек, бошқа тил шаклларига фонетик-семантик жиҳатдан қисман ўхшаш бўлган шакллар (сўз, сўз бирикмаси, гап)

мураккаб, бундай ўхшашликка эга бўлмаган шакллар (морфемалар) *содда* саналади. Ана шу икки таснифдан у ўзи ишлаб чиққан барча лингвистик тушунчаларни аниқлашда, хусусан, унинг таълимотида марказий тушунча бўлган синф ва конструкцияни белгилашда таянч нуқта ўлароқ фойдаланади.

1. Икки мураккаб шакл учун умумий қисм саналган тил шакли *конституент* ёки шу мураккаб шаклнинг қисми (компоненти) саналади. Конституентлар *бевосита иштирокчилар* ва *охирги* (терминал) *иштирокчиларга* бўлинади. Охирги иштирокчи морфема саналади. Бевосита иштирокчилар тушунчаси Соссюрнинг синтагма тушунчасига яқин бўлиб, қуйидаги мисол асосида тушунтирилади: *Poor John ran away* (“Бечора Джон узокқа қочди”); Бу гап иккита бевосита иштирокчига бўлинади: *Poor John va ran away*. Уларнинг ҳар қайсиси, ўз навбатида яна иккита янги бевосита иштирокчига бўлинади: *Poor va John, ran va away*. Шундай қилиб, алоҳида морфемалар ажратилгунга қадар бевосита иштирокчилар тушунчаси остида қисмларга бўлинаверади.

Бевосита иштирокчилар тушунчаси кейинчалик формал синтактик тадқиқотларнинг ривожланишини белгилаб берди ва деярли 30 йил ўтгач машина грамматикаси ва тилнинг математик моделларини ҳосил қилишда кенг қўлланилди.

1. Л.Блумфилд, шунингдек, тилшуносликка *субститут* тушунчасини олиб кирди. Унинг фикрича, маълум синфга мансуб бўлган бир шаклнинг муайян бир шароитда бошқаси билан алмашилиб келиши *субститут* саналади. Субститутлар шакллар синфини ҳосил қилади.

2. Таркибидаги бевосита иштирокчиларнинг ҳеч қайсиси боғлиқ шакл бўлмаган тил шакли *синтактик конструкция* саналади. Синтактик конструкцияларнинг икки тури ажратилади: **экзоцентрик** ва **эндоцентрик**. Агар фраза унинг бевосита иштирокчилари шакли синфига мансуб бўлса, эндоцентрик саналади (қиёс, *Poor John John* билан алмашилиши мумкин. Шунинг учун шу синф шаклига мансубдир). Бошқача айтганда, “ҳаракат қилувчи шахс-ҳаракат”ни билдириб, гап шаклида ифодаланган синтактик конструкция *экзоцентрик*, бирикмани унинг қисми билан алмаштириш мумкин бўлган конструкция эса *эндоцентрик* саналади. Масалан, “баҳо-предмет”ни билдирувчи *бечора Салим, чиройли гул* бирикмаларини таркибидаги *Салим* ёки *гул* билан алмаштириш мумкин бўлади ва ҳар икки ҳолатда ҳам бир хил функция бажаради.

Л.Блумфилд томонидан ишлаб чиқилган лингвистик тушунчалар системаси асосан ана шулардан иборат. Бу тушунчаларнинг бир қанчаси, хусусан, *бевосита иштирокчилар, субституция, экзоцентрик* ва *эндоцентрик конструкциялар* каби тушунчалар структур тилшуносликдан бошқа йўналишларда ҳам эътироф этилди.

Л.Блумфилд ўз назариясини аниқ бўлмоғи учун математик усуллардан фойдаланади. Унинг фикрича, ҳар қандай жумла, математиклар тили билан айтганда, *континуум* саналади. Уни хоҳлаган миқдордаги қисмларга бўлиш мумкин бўлади.¹

Олимнинг таъкидлашича, лингвистик тадқиқотларнинг асосий объекти жумлалар орқали ифодаланган **нутқ парчасидир**. Чунки нутқ парчаси, нутқий акт бихевиористик қаторнинг марказий бўғини саналади ва у нутқий фаолиятнинг *сўзловчи – жумла - тингловчи* механизмини очиб беради. Ана шу асосда тилга жамият томонидан қўлланилиши мумкин бўлган жумлалар йиғиндиси сифатида қаралади, натижада тилнинг системавий табиати назардан четда қолади. Бошқача айтганда, Л.Блумфилд лингвистик таҳлилни фақат кузатиш босқичида олиб боришни бош мақсад қилиб қўяди ва умумлаштириш босқичи билан боғлиқ бўлган барча нарсаларни соқит қилади. Бундай ўзига хос лингвистик позитивизм бихевиоризм назарий асосининг таъсири саналади ва айти пайтда Соссюрнинг тил ҳақидаги таълимотигагина эмас, балки Оврупа тилшунослигининг етакчи структур йўналишига ҳам қарама-қарши турган таълимот саналади.²

Л.Блумфилднинг тилни объектив таҳлил этишдаги муҳим тамойилларидан бири тавсифни формаллаштиришдир. Унинг фикрича, тилнинг фақат шаклий томонига илмий тавсиф ва тасниф объекти бўлиши мумкин. “Тил” асарида маънони бизнинг фан терминлари билан аниқ тавсифлаб бўлмаслиги”ни баён қилади. Жумладан, морфемаларнинг тўлиқ тавсифини бериш мумкинлиги, лекин унинг маъносини тавсифлаш мумкин эмаслигини таъкидлайди. Бунинг асоси сифатида у ҳар бир маънонинг конкрет вазият билан боғлиқ эканини: маъно – бу “сўзловчи вазияти – нутқ – тингловчи реакцияси” эканини кўрсатади. Ҳар бир лингвистик шаклнинг аниқ маъносини бериш учун сўзловчи оламини тўлиқ билиш кераклиги, лингвистнинг билими чекланган экан, у маънони ўрганишни ўзининг тадқиқоти доирасига кирита олмаслиги баён қилинади.

Кўринадики, Л.Блумфилд амалда конкрет вазиятга боғлиқ бўлган жумла мазмуни билан тил бирлиги маъносини ўзаро қориштиради.

Блумфилд таълимотида *жумла* тилшуносликнинг асосий тадқиқот объекти саналгани туфайли унинг лингвистик таҳлил методикасида *морфема* грамматик шаклларнинг асосий ўлчов ва қўшилиш бирлиги сифатида эътироф этилади. Сўз эса тил бирлиги сифатида таҳлилдан четда қолдирилади. Бундай ёндашув нафақат Л.Блумфилд, балки кўпчилик дескриптивчилар учун ҳам характерлидир. Морфеманинг етакчилик роли айниқса жумлани бевосита иштирокчилар методи асосида қисмларга ажратишда аниқ ифодасини топади. Чунки у бутуннинг қурилиши учун асосий элемент ҳисобланади. **Гап** маълум қоидалар асосида ташкил топган морфемалар кетма-кетлиги сифатида талқин қилинади.

Морфемалар эркин ва боғлиқ турларга бўлинади. Унинг фикрича, *жумла бўлиб келиш имкониятига эга бўлган шакл эркин*, эркин бўлмаган шакл **боғлиқ** саналади. Сўзнинг қисмини ташкил этган боғлиқ шакл *формант*,¹ морфемаларнинг ўзаро қўшилишидан ташкил топган бутунлик *конструкция* ҳисобланади. Конструкцияларнинг қандай морфемалардан ташкил топишига кўра *морфологик* ва *синтагматик* турлари ва уларни

ўрганадиган грамматиканинг морфология ва синтаксис бўлимлари ажратилади.²

Л.Блумфилд фикрига кўра, таркибида боғлиқ морфема етакчилик қилган конструкциялар бевосита иштирокчилари эркин морфемалардан ташкил топган конструкциялардан тубдан фарқ қилади. Биринчи типдаги конструкция *морфологик конструкция* саналади ва у тилшуносликнинг мустақил бўлими бўлган морфологияда ўрганилади.

Л.Блумфилд тилнинг асосий бирликлари сифатида *фонема*, *морфемаларни* эътироф этади. Унинг фикрича, минимал шакл *морфема*, унинг маъноси эса *семема* саналади. “Шундай қилиб, дейди у, – бошқа такрорланувчи маъноли шаклга ажралмайдиган такрорланувчи шакл морфемадир. Демак, ҳар қандай маъноли қисмларга бўлинмайдиган сўз ёки формант морфемадир”.³

Овоз белгисининг минимал ўхшашлиги фонема ёки **фарқловчи товуш** ҳисобланади.

Л.Блумфилд *сўзни* конструкциялар қаторига қўшган ҳолда “минимал эркин шакл (морфема – А.Н.) сўз” эканини таъкидлайди.⁴ Шундай қилиб, алоҳида (маъно билан биргаликда) талаффуз қилинадиган ва жумла вазифасида келиши мумкин бўлган минимал эркин шакл сўз саналади. Демак, маъноли қисмларга бўлинмайдиган *quick* шакли ҳам, *quick* ва-*ly* қисмларидан ташкил топган ва кейинги қисмини алоҳида қўллаш мумкин бўлмаган *quickly* шакли ҳам сўздир.⁵

Унинг баён қилишича, морфология остида бевосита иштирокчилар сифатида боғлиқ морфемалар хизмат қиладиган конструкция тушунилади. Морфология сўз тузилиши ва унинг қисмларини ўрганади. Синтаксис эса сўз бирикмалари конструкциялари билан иш кўради.

Боғлиқ морфемалардан фойдаланиш даражасига кўра тилларни *аналитик* ва *синтетик* гуруҳларга бўлади.

Боғлиқ морфемалар кам қўлланадиган тиллар синтетик тилларга киритилади. Шунингдек, морфологик нуктаи назардан тилларнинг тўрт гуруҳга бўлинишида ҳам боғлиқ морфеманинг қўлланилиш даражаси таянч нукта бўлиб хизмат қилиши таъкидланади. Масалан, хитой каби боғлиқ морфемадан фойдаланмайдиган тиллар *ажралган*, туркий каби боғлиқ морфема кетма-кет қўлланадиган тиллар *агглютинатив*, эскимос каби мазмуний муҳим қисм, масалан, феълнинг объект валентлиги боғлиқ морфема орқали ифодаланмайдиган тиллар *полисинтетик*, бир неча маъно элементлари бир боғлиқ морфема орқали ифодаланган тиллар *флектив* саналади.

Бевосита иштирокчиларининг ҳеч қайси бири боғлиқ морфема бўлмаган конструкциялар *синтактик конструкция* дейилади.

Л.Блумфилд эркин морфемаларни лексемага тенглаштиради. Олимнинг таъкидлашича, морфемалар заҳираси шу тилнинг лексикони ҳисобланади. *man* – “одам”; *cut* – “кесмоқ”, *run* – “югурмоқ”, *red* – “қизил” типдаги

битта эркин морфемадан ташкил топган birlikлар сўз-морфема ҳисобланади.¹

Сўз-морфемаларни Л.Блумфилд бирламчи ва иккиламчи турларга ажратади. Унинг таъкидлашича, ноль белгига эга бўлган бир морфемали сўзлар иккиламчи сўз – морфема саналади. Масалан, Л.Блумфилд *теп* “одамлар” – *тап* “одам” зидлигида “кўплик сон” маъносига эга биринчи аъзони, *song* “қўйлади” – *sing* “қўйламоқ” зидлигида “замон” маъносига эга биринчи аъзони иккинчи аъзо негизида ҳосил бўлган иккиламчи сўз-морфема ҳисоблайди.

Сўзларни бирламчи ва иккиламчи турларга ажратар экан, барча иккиламчи сўзлар бирламчилар асосида келиб чиқишини ва уларнинг барчаси бир эркин морфема асосида ягона парадигмани ҳосил қилишини баён этади. Бу парадигмада иккиламчи сўзга асос бўлган қисм ҳам парадигма аъзоси бўлишини кўрсатади. Иккиламчи сўзларнинг асос вазифасидаги қисм билан муносабатига кўра уч гуруҳи ажратилади: *сўз ўзгариши*, *сўз ясалиши* ва *сўз қўшилиши*. Сўз ўзгариши ва сўз ясалиши учун таянч нуқта бўлиб хизмат қилган, яъни боғлиқ морфемаларни ўзига қабул қилувчи қисм *асос* (stem) ёки *ядро* (kernel) саналади.

Л.Блумфилднинг маъноли birlikлар учун қўллаган атамалар системаси ҳам ўзига хосдир. У тил сигналларининг энг кичик маъноли бирлиги учун *госсема*, *госсеманинг* маъно томонини ифодалаш учун *ноэма*; лексик маъноли birlik учун *морфема*, морфеманинг маъно томони учун *семема*, грамматик маъноли birlik учун *тагмема*, тагмеманинг маъно томони учун *эписемема* атамаларини тавсия этади.²

Л.Блумфилд ижодида *субститут*, субституция атамалари ҳам марказий ўринни эгаллайди. Унинг “Тил” асарида субституцияга алоҳида боб ажратилади. Маълум бир шароитда бири ўрнида иккинчиси қўлланилиши мумкин бўлган лисоний шакллар субститутлар, ана шундай ҳодиса эса субституция саналади.

Ўзаро субституция муносабатида бўлган birlikлар бир синфнинг, бир парадигманинг аъзолари ҳисобланади. Демак, парадигма ёки синф аъзоларини белгилашда субституция ёрдам беради.

Л.Блумфилд синтактик birlikларга ҳам худди морфологик birlikлар каби конструкция сифатида ёндашади ва унинг таркибий қисмларини *бевосита иштирокчиларга* ажратиш йўли билан таҳлил этади. Демак, конструкция таркибини ўрганиш морфологик сатҳда ҳам, синтактик сатҳда ҳам бир хил тамойилга асосланади.

Шуни таъкидлаш керакки, синтактик қурилмаларни талаффуз қилиш жараёнида тил birlikларининг синтагматик муносабатидан ташқари уларнинг устига қўйилган устсегмент birlikлар ҳам қўшилади. Яъни матн таркибидаги гаплар бир-биридан оҳанг ва пауза билан ажралиб туради. Гап таркибидаги бўлақлар ҳам ана шундай ажралиш хусусиятига эга. Шунингдек, ҳар бир сўз ўзининг бош урғуси остида таркибидаги бўғинларни

бирлаштиради ва бу бош урғу бошқа шундай урғуга эга бўлган сўздан ажратиб туришга хизмат қилади.

Л.Блумфилд синтактик курилмаларнинг ана шу томонларини ўрганадиган алоҳида йўналиш бўлишини тавсия этади ва уни *паратаксис* деб номлайди. Демак, синтаксис бир чизикда ўзаро кетма-кет боғланган сегмент бирликларни ўрганса, паратаксис сегмент бирликлар устига қўйилган ва синтактик бирликларни изоҳлашга ёрдам берадиган устсегмент бирликларни ўрганишини таъкидлайди.

Шунингдек, **тил сатҳлари назарияси** ҳам Л.Блумфилд номи билан боғлиқдир. Унинг фикрича, тилни тавсифлашни энг қуий сатҳ бўлган фонологиядан бошлаш лозим. Унда фонемалар миқдори аниқланади ва бу фонемаларнинг қўшилиш имкониятлари белгиланади. Шундан сўнг юқори сатҳ – семантикага ўтилади. Бу сатҳ грамматика ва лексикани ўз ичига олади. Н.Хомский эса лингвистик назариянинг марказий масаласи “Лингвистик сатҳ назарияси” эканини кўрсатади.¹

Шундай қилиб, Л.Блумфилд тилни тадқиқ этишининг изчил системасини ишлаб чиқди.

Ю.Д.Апресяннинг эътироф этишича, Л.Блумфилд ишлаб чиққан система лингвистик таҳлил техникасини мукамаллаштиришда методологик асос ролини бажарди ҳамда ўтган асрнинг 30-йиллари охири – 50-йиллари бошларида шаклланган ва Америка структурализмнинг энг обрўли тармоғи саналган дистрибутив лингвистиканинг пайдо бўлиши учун пойдевор бўлиб хизмат қилди.²

Дескриптив лингвистиканинг таҳлил методлари

1. Дистрибутив таҳлил методи

Дескриптив тилшунослик тил тузилишини ифода ва маънодан ташкил топган бутунлик, деб тушунади ва ифода тузилишини тилнинг бош компоненти, деб ҳисоблайди.¹ Мазмун тузилишини эса иккинчи муҳим компонент сифатида баҳолайди. Лекин мазмуний тузилишга муносабат Америка тилшунослигида бир хил эмас. Шунинг учун лингвистик маъно ва унинг лингвистик тадқиқотлардаги ўрни масаласи Америка тилшунослигининг фундаментал муаммосига айланди.

Блумфилд тилнинг ифода ва маъно томонини эътироф этган ҳамда маънони конкрет вазият билан боғлиқ эканини кўрсатган бўлса, Йель мактабини ташкил этган унинг шогирдлари ва издошлари (Дж Трейжер, З.Харрис, Б.Блок ва бошқ.) лингвистик тадқиқотлардан мазмуний томонни тўла чиқариб ташлаш талабини илгари сурдилар.

Лингвистик бирликларнинг ифода ва маъно томонини эътироф этувчилар бу икки томоннинг ўз тузилиш бирликлари мавжуд эканини таъкидлайдилар ва асосан ифода тузилиш бирликлари таҳлиliga эътиборини қаратадилар.

Дескриптив таҳлил объекти муайян бир тилдаги алоҳида тугал жумла саналади. Жумла эса маълум шахс нутқининг икки пауза орасидаги парчаси ҳисобланади. Лекин жумла билан гапнинг бир-бирига тенг эмаслиги, жумла бир сўздан ҳам, сўз бирикмасидан ҳам, тугалланмаган гапдан ҳам ташкил топиши мумкинлиги таъкидланади.

Дескриптивчиларнинг баён қилишларича, лингвистик тадқиқот маълум бир диалектдаги жумлаларни тўплашдан ва тўпланган материалларни таҳлил қилишдан иборат бўлади. Тўпланган материал, яъни матн элементларга бўлинади ва бу элементларнинг бир-бирига нисбатан дистрибуцияси аниқланади.

Лингвистик элементлар синфи субституция экспериментал техникаси асосига қурилади. Элементларнинг бирикиш қонунлари эса бевосита иштирокчилар бўйича таҳлил қилиш асосида тикланади.

Дескриптивчиларнинг таъкидлашларича, **сегментация, субституция, дистрибутив таҳлил** тилнинг ҳар қандай аспектини тадқиқ этишда қўлланиши мумкин. Бевосита иштирокчиларга ажратиш асосидаги таҳлил эса фақат морфология ва синтаксис доирасида қўлланилади.

Тил тузилишини ифода ва маъно, яъни шакл ва мазмун муносабатидан ташкил топган бутунлик сифатида эътироф этувчи дескриптивчилар кўпроқ шаклий тузилиш бирликларини ўрганишга эътибор қаратадилар.

Г.Глисоннинг баён қилишича, тилнинг мазмуний системасини ўрганиш шаклий системани ўрганишга нисбатан бир мунча секин амалга оширилди ва кам натижага эришилди. Шу кунгача мазмуний тузилишни ўрганиш илмий асосда йўлга қўйилган деб бўлмади. Дескриптивчиларнинг тил ифода томонини ўрганишдаги хатоси шунда бўладики, улар мазмуний тузилиш билан шаклий тузилиш ўртасидаги алоқани тушунмади ва шаклий тузилишни ўрганаётганда мазмуний тузилишни эътиборга олмади. Афсуски, мазмуний тузилишга фақат шаклий тузилиш орқали ёндашиш мумкин.

Мазмуний тузилишдан фарқли равишда шаклий тузилиш бевосита сезги абзорларимизга берилади ва уни осон ўрганиш мумкин. Шунинг учун акустик ва артикуляцион фонетикада товушни ўрганиш бўйича юқори даражадаги аниқликка эришилди.¹

Г.Глисон ифода планини қисмларга ажратар экан, унинг асосий элементлари сифатида *фонема* ва *морфемаларни* кўрсатади. Унинг фикрича, фонема бир жумлани иккинчисидан фарқлаш учун хизмат қилувчи тил ифода системасининг минимал бирлиги саналади.²

Морфема ифода системасининг иккинчи асосий бирлигидир. Унинг таърифи анча мураккаб, яъни у тилнинг мазмуний системаси билан боғлиқликда қўлланиладиган тилнинг ифода системаси бирлиги ҳисобланади.³

Дистрибутив таҳлилнинг биринчи босқичи жумлани энг кичик қисмларга ажратиш – сегментлаш ва уларни дафтарда символлар билан ифодалашдан бошланади. Масалан, *китобни ўқимоқ* бирикмасини эркин равишда қуйидаги сегментларга ажратишимиз мумкин: *ки-тоб-ни ў-қи-моқ*.

Тадқиқотчи информантдан (талаффуз қилувчидан) бу бирикманинг талаффузини такрорлашни илтимос қилади ёки шу бирикма бошқа информант орқали талаффуз қилдирилади. Иккинчи маротаба талаффуз қилинганда, жумла таркибидаги товушлар олдингисидан бир оз фарқланиши, масалан, *о* бирида чўзиқроқ, иккинчисида қисқароқ талаффуз қилиниши мумкин. Лекин информантлар ҳар икки ҳолатда талаффуз қилинган товушларни бир хил деб қабул қилади. Чунки *о* нинг чўзиқ-қисқа талаффуз қилиниши информантлар учун муҳим бўлмайди, маъно фарқламайди.

Сўнгра бу жумладан ажратилган сегментларни бошқа жумла таркибига қўйиб кўрамиз ва информант учун шундай қилиш мумкин эканини текшириб кўрамиз. Ана шу асосда ҳар бир товуш у ёки бу сегментнинг вакили эканини аниқлаймиз. Бир товушни турли ўринларда қўллаб, уларнинг **қуршови** белгиланади. Элементнинг **қуршови** юқоридаги йўл билан аниқланган элементлар **қўшничилигидир**.

“Элементлар қўшничилиги” атамаси остида бир элементнинг бошқасига нисбатан эгаллаган позицияси тушунилади. Бир хил қуршовда турган сегмент турли информант томонидан турлича талаффуз қилиниб, маънога таъсир этмаслиги мумкин. Бундай ҳолатда улар бир сегментнинг турли вакиллари саналади. Лекин маъно ўзгаришига олиб келса, уларни бир сегментнинг турли вакиллари деб бўлмайди. Масалан, *токнинг* биринчи сегменти ўрнига *н* ни қўйсақ, тамомила янги маъноли *нок* келиб чиқади. Демак, *т* ва *н* бошқа-бошқа сегментларнинг вакиллари саналади.

Жумлаларни сегментлаш натижасида юзлаб кўринишларда талаффуз қилинувчи **фонлар** ажратилади. Бу сегментларнинг нисбатан чекланган миқдордаги синфларга бирлаштирилиши натижасида фонемалар аниқланади. Сегментларни ана шундай гуруҳлар – синфларга бирлаштириш учун элементлар **дистрибуцияси** (жойлашиш тартиби) хизмат қилади. Элементлар дистрибуцияси атамаси остида шу элементларнинг барча қуршовлари йиғиндиси тушунилади.

Дистрибутив лингвистикада икки товуш ўртасидаги уч хил муносабат ажратилади. Бундай муносабат типлари **дистрибуция моделлари** дейилади.¹ Уларнинг қуйидаги турлари белгиланади:

- а) контраст дистрибуция;
- б) қўшимча дистрибуция;
- в) эркин алмашиниш дистрибуцияси.

Дистрибуция моделларининг бу турлари Н.С.Трубецкойнинг фонема ва унинг вариантларини белгилашнинг уч қоидадини эслатади.

Икки элемент бир хил позицияда (қуршовда) бири ўрнида иккинчиси келиб, маънони фарқлаш вазифасини бажарса, контраст дистрибуция муносабатида бўлган ҳисобланади. Масалан, *том*, *ном*, *жом* сўзларининг биринчи сегментлари *т-н-ж* бир хил позицияда келиб, маъно фарқлаш вазифасини бажариб, ўзаро контраст дистрибуция муносабатидадир.

Ўзаро контраст дистрибуция муносабатида бўлган элементлар икки моҳиятнинг вакиллари ҳисобланади. Икки элемент бир хил позицияда бири ўрнида иккинчиси кела олмаса, бу элементлар ўзаро *қўшимча дистрибуция* муносабатида бўлган саналади. Масалан, *бил* сўзи таркибидаги *и* ўрнига шу қуршовда *ы* ни қўллаб бўлмайди, ёки *қыл* сўзи таркибидаги *ы* ўрнига шу қуршовда *и* ни қўллаб бўлмайди. Демак, *и* ва *ы* товушлари ўзаро қўшимча дистрибуция муносабатидадир. Қўшимча дистрибуция муносабатида бўлган икки сегмент бир моҳиятнинг турли вакиллари саналади. Фонологик сатҳда бир фонеманинг икки хил варианты ҳисобланади.

Икки элемент бир хил позицияда маънони ўзгартирмаган ҳолда бири ўрнида иккинчиси эркин ҳолда алмашина олса, бир-бири билан эркин алмашиниш дистрибуцияси муносабатида бўлади. Масалан, гижда сўзидаги портловчи *дж* товуши ўрнида сирғалувчи *ж* товушини алмаштириш мумкин, лекин бу алмашиниш сўзнинг маъносини ўзгартирмайди. Ўзаро эркин алмашиниш дистрибуцияси муносабатида бўлган икки элемент бир моҳиятнинг икки варианты ҳисобланади.

Лингвистик таҳлилнинг фонологик сатҳдаги ана шундай техникаси Харрис томонидан морфологик сатҳга ҳам олиб ўтилди. Унинг фикрича, фонологик бирликларнинг позициялари орқали тилда уларнинг қандай комбинациялари морфемани ҳосил қилишини ҳисоблаш мумкин бўлади. Морфологик бирликларни сегментларга ажратиш бошқа шундай бирликларга қийслаш, солиштириш методи орқали амалга оширилади.

Харрис маънога мурожаат қилишдан қочиш мақсадида морфологияда мазмуний критерияни дистрибуция критерияси билан алмаштиришга ҳаракат қилади. Морфема дистрибуцияси дейилганда шу морфема қўлланилиши мумкин бўлган барча контекстлар йиғиндиси тушунилади.¹ Морфологияда ҳам худди фонологиядаги каби учта дистрибуция модели ажратилади. Икки элемент бир хил қуршовда бири ўрнида иккинчиси алмашиниб, грамматик маънони ўзгартириб юборса, улар ўзаро контраст дистрибуция муносабатида бўлади. Контраст дистрибуция муносабатида бўлган икки бирлик икки морфеманинг икки хил варианты – морфи ёки алломорфи саналади. Масалан, *китоб-им*, *китоб-инг* сўзларидаги *-им*, *-инг* шакллари бир хил позицияда бири ўрнида иккинчиси кела олади ва бу алмашиниш маъно ўзгаришига сабаб бўлади. Шунинг учун улар икки морфеманинг алломорфлари саналади.

Оғзаки сўзлашув нутқида *тоққа*, *эшикка*, *далага* сингари сўзлардаги иккинчи маъноли қисмларнинг ҳеч бири шу қуршовда бири ўрнида бошқаси кела олмайди. Шунингдек, *тоққа*, *тоғи* сўзларининг биринчи маъноли қисмлари *тоқ* ва *тоғ* қуршовда бири ўрнида иккинчиси кела олмайди. Улар қўшимча дистрибуция муносабатидадир. Шунинг учун бу шакллар бир морфеманинг турли вариантлари саналади.

Сингли – *сингиси*, *манбаи* – *манбаси* сингари сўзлардаги *-и* ва *-си* эркин алмашиниш дистрибуцияси муносабатида бўлади ва шунинг учун улар бир морфеманинг турли вариантлари ҳисобланади.

Юқорида баён қилинганлардан аён бўладики, дистрибуция таҳлили асосан сегментларнинг шаклий қуршовига таянади. Шунингдек, бундай таҳлилда таянч тушунча бўлган дистрибуциянинг ўзи аниқ изоҳини топмайди.

Ф.М.Березиннинг кўрсатишича, агар дистрибуцияни шу элемент учрайдиган барча қуршовлар йиғиндиси деб тушунадиган бўлсак, дистрибуция элемент асосида изоҳланади. Элементнинг ўзи эса дистрибуция асосида изоҳланади. Натижада “сеҳрли халқа” ҳосил бўлади. Шунингдек, элементлар қуршови тушунчаси ҳам аниқ эмас. Агар уни ўрганилаётган элементнинг маълум миқдордаги қуршови деб тушунадиган бўлсак, бу тушунчанинг унчалик аниқ эмаслигини сезиш осон. Унинг фикрича, у ёки бу тилнинг хусусиятини битта дистрибутив таҳлил йўли билан ўрганиш мумкин деган умумий қараш ҳам унчалик тўғри эмас. Лекин тан олиш керакки, дистрибутив таҳлил лингвистик таҳлилнинг объективлигини аниқлашга шароит яратди.²

Бевосита иштирокчилар методи

Дискриптив лингвистика вакиллари жумлани энг кичик маъноли қисмларига ажратишда, яъни сегментларга бўлишда **бевосита иштирокчилар (БИ)** асосидаги таҳлилга ҳам таянадилар.

Бу методга ишора Л.Блумфилднинг “Тил” асарида учраса ҳам, унинг аниқ тамойиллари Р.Уэллз ва Ю.Найдалар томонидан ишлаб чиқилди.

БИ методига мувофиқ, таянч нуқта **конструкция** ҳисобланади. Конструкция таркибидан **иштирокчилар** ва **бевосита иштирокчилар (БИ)** ажратилади.

Конструкция атамаси остида маъноли қисмларнинг кетма-кет муносабатидан ташкил топган бутунлик тушунилади. Иштирокчилар деб каттароқ конструкция таркибига кирган сўз ёки конструкция (ё морфема)га айтилади. Муайян конструкциянинг бевосита шаклланишида иштирок этган бир ёки бир неча иштирокчиларга бевосита иштирокчилар дейилади.¹ Масалан, *Шаббода қурғур илк саҳар олиб кетди гулнинг тотини*, (Х.О.) жумласи конструкция ҳисобланади. Унинг таркибида иштирок этган барча маъноли сўзлар иштирокчилар, бевосита алоқага киришган сўзлар эса бевосита иштирокчилар (БИ) саналади. *Шаббода* билан *тотини* сўзлари ўртасида маълум маънода боғланиш (бири гапнинг бошловчиси, иккинчиси якунловчиси) бўлса ҳам, лекин улар орасида бевосита алоқа мавжуд эмас. Аксинча, *гулнинг сўзи тотини* билан, *илк саҳар сўзи олиб кетди* билан, *шаббода қурғур сўзи олиб кетди* билан ўзаро зич боғлангандир.

Бунга мувофиқ нутқнинг ҳар бир мустақил парчаси икки қисмдан ташкил топади. Ўз навбатида, ҳар қайси қисм ўз ичида ана шундай қисмлардан иборат бўлади. Кўринадики, ҳар бир конструкция бинар тамойилга кўра қисмларга бўлинади ва бу бўлиниш конструкция доирасида градуаллик (даражаланиш) хусусиятига эга бўлади.

Юқоридаги гапни схематик равишда қуйидагича кўрсатиш мумкин:

Шаббода курғур илк саҳар олиб кетди гулнинг тотини

БИ таҳлилида, аввало, сўз бирикмалари ажратилади ва улар бир гап ичида бирлаштирилади. Шунинг учун БИ таҳлилини бирлаштириш, ўраш деб ҳам юритилади.

Бирлаштириш жараёнида қуйидаги қоидаларга амал қилинади:

1. бир вақтнинг ўзида иккитадан ортиқ бўлмаган элементлар бирлаштирилади. Масалан, бирданига *олиб кетди гулнинг тотини* тарзида бирлаштириш мумкин эмас. Аввал *гулнинг сўзи тотини* билан бирлашади. Сўнгра *гулнинг тотини сўзи олиб кетмоқ* билан бирлашади;

2. боғланмайдиган элементларни бирлаштириш мумкин эмас. Хусусан, юқоридаги гапда *курғур, илк* сўзларини бирлаштириб бўлмайди;

3. БИ таҳлилини қўллаш тартиби қатъий белгиланган бўлади.¹

БИ методига мувофиқ, тил грамматикаси шаклий тўғри гапларни ҳосил қилувчи (туғдирувчи) кибернетик курилма ҳисобланади. Ҳар бир тилнинг грамматикаси белгиларнинг ёпиқ (охирги) символлар ва бу символлар занжирининг қайта кодлаштириш қоидаларидан иборат. Қайта кодлаштириш қоидаси $X-Y$ шаклига эга. Бунда $X-Y$ символлар занжирини ифодалайди. Бир гуруҳ символлар сўз ва морфемаларни, бошқалари эса синтактик гуруҳ ва гапларни ифодалаш учун хизмат қилади. Бундан ташқари $\#$ шаклидаги алоҳида белги ҳам ишлатиладики, у гапнинг бошланиши ва охирини ифодалашга хизмат қилади.


Ҳар қандай гапнинг ҳосил қилиш (туғдириш) курилмаси қуйидагича амал қилади. Гапни БИга ажратиш учун асос бўлган занжирини ифодалаш учун $\#S\#$ белгиси қўлланилади. Қайта кодлашнинг биринчи қоидаси $\#S\# \#Y_1\#$ қўлланилиши натижасида $\#Y_2\#$ занжири ҳосил қилинади. $\#Y_1\# \#Y_2\#$ қоидасининг изчил амал қилиниши натижасида $\#Y_2\# \#Y_3\#$ ва бошқа. $\#Y_2\#, \#Y_3\#$ занжирлари юзага келади.

Бу жараён таркибий қисмларини бошқа символлар билан ифодалаш мумкин бўлмаган ҳолатгача олиб борилади ва занжир *терминал занжир* деб юритилади. Бундай занжир $\#Y_n\#$ белгиси билан ифодаланади. Ундан ҳосил қилинган занжирлар йиғиндиси $\#Y_n\#$ нинг деривацияси дейилади.

Грамматик тўғри гапларни ҳосил қилишнинг бундай жараёнини математик шажара орқали ифодалаш қабул қилинган. Масалан, қуйидаги қоидалар берилган бўлсин: 1) $S \rightarrow A+B$, 2) $A \rightarrow C$, 3) $B \rightarrow D+F$, 4) $C \rightarrow a$, 5) $D \rightarrow b$, 6) $F \rightarrow c$. Бу қоидалар асосида қуйидаги деривация ҳосил қилинади:

$\#S\#, \#A+B\#, \#C+B\#, \#C+D+F\#, \#a+D+F\#, \#a+b+F\#, \#a+b+c\#$.

Бу деривацияни шажара тарзида куйидагича ифодалаш мумкин:



Агар А символи исм гуруҳини, В-феълни, С-отни, Д-феълни, F-тўлдирувчини, а-ўқувчи, с-китобни, в-ўқиди сўзларини ифодаласа, юқоридаги деривация *Ўқувчи китобни ўқиди* гапининг структур тавсифини кўрсатади.²

БИ методига асосан гапларни қисмларга бўлиш сўз бирикмаларига ажратишни эслатади ва гап бўлақларига ажратишдан ҳеч қандай фарқ қилмайдигандек кўринади. Аслида эса БИга ажратиш гапни бўлақларга ажратишдан тубдан фарқ қилади. Ф.М.Березиннинг фикрича, гап бўлақлари бўйича таҳлил аниқ жавоб беролмаган нарсаларга БИ методи жавоб бера олиши мумкин.¹

БИ методи асосан синтаксисда қўлланилади. Синтаксисда обрў-эйтибор қозонган бу метод кейинчалик морфология ва фонологиянинг айрим масалаларини ҳал этишда қисман қўлланила бошланди.

БИ методи асосидаги фонологик таҳлил Ч.Хоккетнинг “Фонология бўйича қўлланма” (1955) асарида аниқ намоён бўлди. Фонологик сатҳда ҳам БИ асосидаги таҳлил учун зарур бўлган поғонали (иерархик) муносабат кўзга ташланади.

Ч.Хоккет фонологик таҳлилнинг асосий нуктаси деб жумлани бўғинларга ажратишни билади. Ҳар бир бўғин структурасида уч элемент мавжудлиги кўрсатилади: бўғин бошланиши, чўққиси ва охири.

Бу элементлар БИ асосида таҳлил этилади. Масалан, ўзбек тилидаги *тол* сўзининг бўғин бошланишидаги товуши биринчи БИ сифатида ажратилади. Қолган бўғиннинг чўққиси ва бўғин охири қисмлари иккинчи БИ сифатида ўзаро бирлаштирилади. Яъни *т-о-л* схемасини олади. Бўлинишнинг иккинчи босқичида бўғиннинг чўққиси ва бўғин охири қисмлари бир-бирдан ажратилади.

Тил элементларининг кетма-кетлиги ва улар ўртасидаги муносабатни ўрганишга қаратилган БИ методи структур тилшуносликнинг дастлабки даврларида анча муваффақиятга эришган ва тилшуносларнинг диққат-эйтиборини ўзига жалб этган бўлса ҳам, лекин кейинчалик лингвистик таҳлилнинг объектив ва аниқлиги бўлмоғи нуктаи назаридан унда қатор ожиз томонлар мавжудлиги маълум бўлиб қолди.

С.К.Шаумяннинг фикрича, бу методнинг энг ожиз томони шундаки, У лингвистик тадқиқотларда инвариантлик муаммосини ҳал қилишда етарли кучга эга эмас.

Қуйидаги гапларни қиёслаймиз:

1. Ўқувчи китоб ўқияпти
2. Китобни ўқувчи ўқияпти?
3. Ким китоб ўқияпти?

Ҳар қандай киши биринчи гапнинг дарак, иккинчи ва учинчи гапнинг сўроқ гаплар эканини яхши билади. Лекин БИ методи бу гапларни фарқлашнинг формал ўлчовларини бермайди. Агар формал ўлчов сифатида сўз тартибини оладиган бўлсак, биринчи ва учинчи гапларни бир гуруҳга киритишимиз керак бўлади. Бордию оҳанг асосида чегаралайдиган бўлсак, иккинчи гапдаги сўроқ оҳанг учинчи гапда бошқача.

Шундай қилиб, юқоридаги метод билан зидланувчи дарак ва сўроқ гаплар асосида ётган инвариантни белгилаш қийин.

Ёки рус тилидаги қуйидаги гаплар ташқи структурасига кўра бир парадигмани ташкил этади. Уларнинг ҳаммаси қаратқич-қаралмиш муносабатини ифодалайди.

1. Пение птиц
2. Изучение языка
3. Приглашение писателя

Дастлабки икки синтактик қурилма мазмунан ўзаро зид муносабатни ифодалайди. Биринчи қурилмада қаратқич (родительный) келишиқдаги *қуш* (птица) сўзи куйлаш (пение) ҳаракатининг бажарувчиси саналса, иккинчи қурилмада худди шу келишиқдаги *языка* сўзи *ўрганмоқ* феълидан англашилган ҳаракатнинг объекти ҳисобланади. Учинчи бирикма эса мазмунан икки маънолидир. Биринчи маънода **таклиф қилиш** (приглашение) ҳаракатининг бажарувчиси *ёзувчи* (писатели), иккинчи маънода *ёзувчи* (писатель) таклиф қилинувчи, яъни объект ҳисобланади.

Ўзбек тилидаги қаратқичли конструкцияларда ҳам ана шундай омонимлик хусусияти учраб туради. Масалан, *унинг имтиҳони* бирикмасидан икки маъно ифодаланади; 1) унинг имтиҳон олиши; 2) унинг имтиҳон топшириши. Бу *У имтиҳон олади* ва *У имтиҳон топширади* гапларининг трансформацион ўзгарувидан ташкил топган.¹

Лекин БИ грамматикаси юқоридаги конструкцияларнинг кўрсатилган мазмуний фарқларини символлар орқали ифодалай олмайди.²

Бундан ташқари, Ф.М.Березиннинг фикрича, БИ методи актив ва пассив, тасдиқ ва инкор конструкциялар ўртасидаги алоқани кўрсатиш имкониятига ҳам эга эмас. Шунингдек, бу метод синтактик сатҳда энг кичик бирлик (элементлар) нима, деган саволга ҳам жавоб бера олмайди.³

Ана шундай камчиликларни бартараф қилиш мақсадида иштирокчиларнинг шаклий кўрсаткичларини ифодалаш учун махсус индекслардан фойдаланиш мумкин. Масалан, юқорида келтирилган учта мисолдаги қаратқич келишиги учун G, бош келишиқ учун N символлари

билан биргаликда, субъектни билдираётган қаратқич учун G_1 , объектни билдираётгани учун G_2 сингари индексли символлардан фойдаланиш ва шу йўл билан БИ методи орқали грамматик омонимияни изоҳлашдаги камчиликларни бартараф қилиш мумкин. Лекин бунда янги қийинчиликка дуч келинади. Грамматик омонимияни бартараф қилишга қаратилган сунъий ҳаракат туфайли грамматик тавсиф турли символ ва индекслар билан ўта мураккаблашади.

БИ методидаги юқорида кўрсатилган ожиз томонлар тадқиқотчиларни бундан кўра мукамалроқ таҳлил методларини қидиришига ундади. Ана шундай объектив зарурият туфайли трансформация методи (ТМ) майдонга келди.

Трансформация методи (ТМ)

Трансформация методи дастлаб дескриптив лингвистика назариётчиларидан бири З.С.Хэррис томонидан тавсия қилинган эди.¹ Унинг фикрига кўра, трансформацион таҳлил (ТТ) БИ методи дуч келган мураккабликларнинг бир қанча қисмини бартараф қилишга ёрдам беради. ТТ кўп жиҳатдан тил тузилиш таҳлилининг алгебраик методини намоён қилади.²

З.С.Хэррис томонидан тавсия этилган ТМ унинг шогирди Н.Хомский томонидан ривожлантирилди.³

Л.С.Бархударов ТМ ни ҳам ўз ичига олган генератив лингвистикани (ГЛ) структур лингвистикадан фарқлаган ҳолда, уни тилшуносликнинг структур лингвистикадан кейинги босқич деб ҳисоблайди.⁴ У тилшунослик тарихини оламни билиш диалектик назарияси белгилаб берган уч босқичдан қайсисига таяниб иш кўришига кўра уч грамматик назарияга бўлади: а) анъанавий, б) структур, в) генератив (туғдирувчи) лингвистика.

Л.С.Бархударов фикрига кўра, юқоридаги уч назария билишнинг уч босқичига асосланади. Диалектик фалсафа билишнинг бевосита кузатиш, анализ ва синтез босқичларини эътироф этади. Анъанавий тилшунослик биринчи босқичига, структур тилшуносликнинг дескриптив йўналиши иккинчи босқичига, структур тилшуносликнинг глоссематика ва ТМ йўналиши эса синтез босқичига таянади.

XX асрнинг 50-йилларида шаклланиб, ривожланиш босқичига ўтган структур тилшуносликнинг дескриптив мактаби вакиллари анъанавий тилшуносликнинг аниқ лингвистик тадқиқот тамойиллари йўқ эканини танқид қилган ҳолда, тилни ўрганишнинг формаллаштирилган таҳлил тизимини ишлаб чиқишни ўз олдларига мақсад қилиб қўйдилар. Ана шундай таҳлил асосида тадқиқотчи объектни ўрганишда ҳар қандай субъективликдан ҳоли бўлган объектив хулосага келиши мумкинлигини таъкидлайдилар. Лекин структур тилшуносликнинг глоссематика йўналишида субстанцияни шаклдан ажратиш шу даражага етдики, натижада шакл ўзининг субстанциясидан ажралиб қолди. Бу эса структур тилшунослик

бағридан янги йўналиш – генератив лингвистиканинг ўсиб чиқишига олиб келди.

Ҳозирги кунда *эмпиризм* номи билан юритилаётган тилшунослик йўналиши Л.Блумфилд билан боғланса, унга кутбий зидланишда турувчи *рационализм* йўналишидаги генератив лингвистика Н.Хомскийга боғлиқдир. Булар ўртасидаги муҳим фарқловчи белгилар эмпиризм ва рационализм,⁵ ментализм ва антиментализмдир. Л.Блумфилд маънодан холи бўлган шаклни ўрганишни тарғиб қилади. Шунинг учун унинг ғояси антименталистик характерга эга.

ТМ га мувофиқ, ҳар қандай тилнинг синтактик системасини *ядро* гаплар номи билан юритилувчи энг кичик гаплар (элементлар) типлари йиғиндиси сифатида гавдалантириш мумкин. *Ядро* гаплар деб содда, йиғиқ, дарак гап тушунилади. Феъл кесимли гап бўлса, кесими аниқ нисбатда туради. Бу энг кичик гаплар ҳар бир тил синтактик системасининг асосини ташкил этади.

Ядро гаплардан турли шаклий ўзгаришлар асосида асосий маънони сақлаган ҳолда иккиламчи синтактик қурилмаларнинг ҳосил қилиниши **трансформация** ҳисобланади. Бу метод гапнинг шаклий ва мазмуний тузилишлари ўзаро муносабати заминида вужудга келади.¹

ТМ гапнинг ички ва ташқи структураси ҳамда бу структура бирликларининг ўзаро муносабатига таянади. Дескриптив лингвистикада қўлланувчи ички структура гапдан англашилган маъно тузилишини, ташқи структура эса муайян мазмуний тузилишнинг шаклий, ифода томонини билдиради.

В.С.Храковский таъкидлаганидек, матн таркибидаги ҳар қандай гап (жумла) нутқий фаолиятнинг якуний ҳосиласи саналиб, мураккаб, кўп қиррали хусусиятга эга. Шунинг учун уни турли томондан турлича ўрганиш мумкин.²

Бир йўналиш доирасида нутқий жараёнда гап ҳосил қилишга оид масалалар асосий ўрганиш объекти бўлса, иккинчи йўналиш доирасида гап моделлари рўйхатини, инвентарини белгилаш билан боғлиқ соф лингвистик масалалар ўрганилади. А.В.Исаченконинг фикрига кўра, якуний синтактик моделларни излаш илмий синтаксиснинг бирламчи ва асосий вазифасидир.³ Лекин тадқиқот мақсади фақат гап моделларининг статистик тавсифи билангина чекланиб қолмаслиги лозим. Системавий синтаксис учун синхрониядаги у ёки бу синтактик моделларнинг ўзаро муносабатини ёритиш, статистик тавсифни динамик тавсиф билан тўлдириш зарур бўлади.

Трансформацион таҳлил ана шундай заруриятни қоплаш вазифасини бажаради. ТМ учун **ядро гап**, **трансформация қондаси** ва **ҳосила гап** тушунчалари муҳим саналади.

Ядро, яъни трансформация учун асос бўлган гап *операнд*, ҳосила гап *трансформ* ёки *трансформанд*, операнддан трансформандни ҳосил қилувчи воситани *трансформация оператори* деб юритилади.⁴

3.Хэрриснинг фикрига кўра, трансформация бир гапнинг иккинчи гап шаклига шундай ўзгаришики, унда асос гап билан ҳосила гап ўртасида ҳам лексемалар таркиби, ҳам маъноси нуқтаи назардан бир хиллик мавжуд бўлади.¹ Демак, мазмуний мундарижа трансформандлар учун инвариант саналади.

Операнд билан трансформанд ўртасида трансформация муносабати мавжуд бўлади. Улар иккиси ўзаро трансформация муносабати билан боғланган бўлади.

Шундай қилиб, ўзаро трансформация муносабатида бўлган гаплар бир хил лексик мақомга эга бўлиб, бир хил элементар маънолар комбинациясидан ташкил топгани ҳолда, турли грамматик (шаклий) мақомга эга бўлади.

Трансформация **махсус трансформация** қоидалари орқали амалга оширилади. Ж.Бўронов таъкидлаганидек, трансформацион қоида асосий ва ҳосилавий моделлар ўртасидаги муносабатларни топиш усули саналади. Трансформацион қоида *БИга ажратилиш, трансформацион моделлар яратилиш* ва *морфофонетик қоидаларни ўз ичига олади*. Трансформацион қоида битта конструкция ёки гапнинг маъносини очишда бир қанча ҳосилавий конструкция ёки гаплардан фойдалана олади.² Демак, трансформацияга асос бўлган конструкция ва трансформандлар бир умумий маъно ҳамда барқарор лексик бирликлар занжири асосида бирлашиб, бир синтактик парадигмани ҳосил қилади. Унда ядро гап парадигманинг бош аъзоси саналади.

Кўринадики, ядро гап модели ва унинг турли ҳосилалари рўйхати олиниши у ёки бу тилда муайян ахборотни турлича ифодалаш имкониятларини очиб беради.

Юқорида таъкидланганидек, ядро гапнинг шаклини ўзгартириш билан унинг турли трансформандларини ҳосил қилиш маълум трансформация қоидалари асосида амалга оширилади. Кўпчилик муаллифлар томонидан трансформациянинг тўртта қоидаси қайд этилади:

1) ўрин алмаштириш ёки *пермутация* трансформацияси. Бунда ядро гап таркибидаги синтактик бирликларнинг ўрни алмаштирилади. Лекин бу қоида амалга оширилганда, синтактик бирликнинг моҳияти ўзгармаслиги керак.

Масалан, Фарҳод келди → Келди Фарҳод;

2) *субституция*, яъни ядро гап таркибидаги бир элементни ўзаро субституция муносабатида бўлган бошқа элемент билан алмаштириш. Масалан, Мен унинг нима хоҳлашини биламан → Мен буни биламан;

3) *адъюнкция*, яъни ядро гап таркибига бошқа элементларни қўшиш. Масалан, Мен ўқидим → Мен бу китобни ўқидим;

4) *эллипсис*, яъни ядро гап таркибидан айрим элементларни соқит қилиш. Масалан, Мен келдим → Келдим.

ТМнинг ДМдан кучли томони шундаки, ДМ 40-50- йилларгача фақат фактларни таҳлил қилиш билан чекланган бўлса, ТМ таҳлил методларини ишлаб чиқишга асосий эътиборни қаратди.¹

Агар дистрибутив таҳлил ва БИ методлари жумла қандай майда қисмлардан ташкил топади деган саволга жавоб излаган бўлса, ТМ бу жумла қандай гапнинг трансформацион қайта шаклланишидан ҳосил бўлган, деган саволга жавоб бериши лозим бўлди. Ф.М.Березин тўғри таъкидлаганидек, ТМнинг ожиз томони ана шунда намоён бўлади. Чунки у бевосита лингвистик материалдан келиб чиқмайди, балки дастлаб соф эмпирик асосга қурилади, сўнгра тил материали асосида текширилади. Қолаверса, ТМнинг қўлланилиш доираси ва турли тиллардаги ядро гаплар типларининг миқдори аниқ белгиланмаган.

Бундан ташқари, синтактик сатҳда трансформация билан деривация ўртасидаги ўхшашлик ва фарқ очилмайди. Ядро гапнинг моҳиятини ўзгартириб юборадиган шаклий ўзгаришлар ҳам трансформация доирасида ўрганилади. Масалан, трансформация қондаси сифатида алоҳида тур қилиб *номинализация* ажратилади. Бунда ядро гап кесимидаги кесимлик шаклининг йўқотилиши трансформация воситаси ҳисобланади. Масалан, *Дарс бошланди – дарсинг бошланиши*. Бу эса трансформация олдида қўйган талабга жавоб бермайди. Чунки трансформация ядро гапнинг гаплик ҳолатини сақлаб қолиш доирасидаги турли ички грамматик ўзгаришлардир. Юқоридаги ҳолда эса ядро гап гаплик ҳолатини йўқотиб, бирикмага айланыпти.

ТМдаги ана шу чекланган томонни эътиборга олган ҳолда, В.С.Храковский синтактик трансформация билан синтактик деривацияни бир-биридан фарқлаш лозимлигини таъкидлайди.² С.Д.Кацнельсон гаплар ўзаро фақат трансформация муносабатида эмас, балки деривация муносабатида ҳам бўлишини баён қилган эди.³ Шунинг учун В.С.Храковский синтактик деривация деб ҳосила гапнинг асос гапдан грамматик мақом ва мазмун жиҳатидан фарқ қиладиган шаклий ўзгаришини тушунади.⁴

Деривация таркибий қисмларини ҳам трансформация таркибий қисмларига анология усулида қуйидагича белгилайди: асос гап учун *операнд*, ҳосила гап учун *дериват*, ясовчи восита учун эса *деривация оператори*.

Юқорида кўриб ўтилган лингвистик таҳлил методлари Америка дескриптив лингвистикасининг тулшунослик назарияси учун берган энг қимматли томонларидир. Бу методлар гарчи тилнинг қандай функционал-лашуви ҳақидаги саволга жавоб бера олмаса ҳам, лекин уни тавсифлашга катта хизмат қилди. Бу таҳлил методларининг кўп жиҳатлари бугунги тилшуносликнинг таҳлил усули учун ҳам фойдадан холи эмас.

СТРУКТУРАЛИЗМ ТАРМОҚЛАРИ ЎРТАСИДАГИ УМУМИЙ ВА ФАРҚЛИ ЖИҲАТЛАР

Юқорида баён қилинган структур тилшуносликнинг асосий йўналишлари тилга структур ёндашиш нуқтаи назаридан умумийликни ташкил этиш билан бирга, уни қандай амалга ошириш жиҳатидан маълум фарқли томонларга эга.

Структур тилшуносликнинг текшириш объекти тил фалсафаси ҳам, тил шакллари эволюцияси ҳам эмас, балки тилнинг имманент реаллигини ўрганишдир. Яъни ўрганилаётган объектга муносабатлар системаси сифатида қаровчи, тилнинг субстанцияси билан шаклини фарқловчи тилшунослик системавий-структур, ёки структур тилшунослик саналади ва ана шу хусусияти билан объектнинг имманент белгиларига эмас, балки трансцендент белгиларига асосланувчи анъанавий тилшуносликдан фарқ қилади. Демак, структур тилшуносликнинг анъанавий тилшуносликдан ажратиб турган энг муҳим белгиси субстанция ва шакли фарқлашдир.

Бу икки тилшунослик билишнинг икки – ҳиссий ва идрокий босқичларига таяниши билан ҳам фарқ қилади. Чунки объектнинг имманент белгиларини аниқлаш билишнинг бевосита кузатиш, анализ ва синтез босқичларини эътироф этади. Анъанавий тилшунослик билишнинг биринчи босқичига, структур тилшунослик эса иккинчи ва учинчи босқичига таянади.

Структур тилшунослик гарчи объектга муносабатлар системаси сифатида ёндашиш, асосий эътиборни бутун таркибидаги элементлар ва элементлар ҳамда бутун ўртасидаги муносабатларни очишга қаратиши билан умумийликни ташкил этса ҳам, лекин ана шу муносабатни очишда қандай усулларга таяниш нуқтаи назаридан бир-биридан фарқ қилади. Шу фарқланиш туфайли дунё тилшунослигида турли структур тилшунослик мактаблари ва ҳар қайси тилшунослик мактабига хос таҳлил методлари майдонга келди.

Америка дескриптив тилшунослик вакиллари нутқий элементларни маълум синфларга бирлаштиришни ўзларининг бош мақсади деб ҳисобладилар. Ана шу мақсадни амалга ошириш учун дистрибутив методни ишлаб чиқдилар. Нутқий парчаларни айнийлаштиришнинг формал тамойилларини белгилаш уларнинг асосий эътиборида бўлди. Тил бирликлари системасини аниқлаш эса назардан четда қолди.

Европа структуралистлари эса, аксинча, асосий эътиборни тил бирликлари ўртасидаги муносабатларни очишга қаратдилар. Натижада лингвистик бирликлар ўртасидаги муносабат типларини белгиладилар. Лингвистик зидланишларга эътибор берилди. Бу тилнинг статик системасини аниқ изоҳлаб беришга хизмат қилди.

Субстанция ва шакл фарқланиши ҳамда бу икки томондан у ёки бунисига эътибор тортилиши структур тилшуносликнинг турли мактабларга бўлинишига сабабчи бўлди. Тил системасига субстанция ёки шакл нуқтаи назаридан ёндашиш система таърифида ҳам ўз ифодасини топди. Субстанция нуқтаи назаридан ёндашувчилар системани *икки ва ундан ортиқ элементларнинг йиғиндис*; шакл нуқтаи назаридан ёндашувчилар эса *элементларнинг ўзаро муносабатидан иборат бутунлик* сифатида изоҳладилар.

Структур тилшуносликнинг барча йўналишлари тил-нутқ зидланишини эътироф этади. Лекин тадқиқотчининг улардан қайси бирига таяниб иш кўриши бир-биридан фарқ қилади. Глоссематикларнинг тадқиқ усули

дедуктивлик бўлиб, умумийликлардан хусусийликларга қараб йўналса, дескриптив тилшунослик бевосита кузатишда берилган хусусийликларга таяниб иш кўради ҳамда хусусийликлардан умумийликка йўналади, индуктив усулга таянади. Бу билан дескриптив тилшунослик анъанавий тилшуносликка яқинлашади.

Юксак даражадаги мавҳумлаштиришга таяниш нуктаи назаридан глоссематика билан трансформацион лингвистика бағридан ўсиб чиққан генератив лингвистика, айниқса С.К.Шаумяннинг аппликатив модели умумийликни ташкил этади. Бу жиҳатдан структур тилшунослик бир неча даражаларга бўлинади. Даражаланиш қаторида чап қутбни дескриптив тилшунослик, ўнг қутбни эса глоссематика ва генератив лингвистика (аппликатив модел) эгаллайди. Функционал лингвистика, трансформацион лингвистика оралик ҳолатда туради.

Структур тилшуносликнинг даражаланиш қаторига эътибор берилса, аён бўладики, чап қутбда турувчи анъанавий тилшунослик номи остида бирлаштирилган классик тилшунослик билан ўнг қутбда турган структур тилшуносликнинг глоссематика йўналиши ўртасида ўтиб бўлмас жарлик йўқ. Дескриптив ва трансформацион лингвистика бу икки тилшуносликни туташтириб турувчи кўприк саналади.

Функционал лингвистика ҳам, Америка структурализми ҳам, гарчи ўхшаш белгилари билан бир умумий ном остида бирлашса-да, ҳар қайсиси ўз ичида тармоқланади. Хусусан, функционал лингвистикада А.Матезиус, Н.Трубецкой билан Скаличка қарашлари ўртасида муайян ўзига хосликлар мавжуд бўлса, Америка структурализмида *эмпиризм* деб тан олинган Блумфилд қарашлари билан *рационализм* деб эътироф этилувчи Н.Хомский ғоялари ўртасида жуда катта зиддият бор. Биринчиси антименталистик характерга эга бўлиб, фақат шаклга таянган ҳолда, аниқликка ва соддаликка интилади. Бу билан глоссематиканинг *эмпирик* тамойилларига яқин келади. Лекин бихейвиоризмга таяниш билан глоссематикадан фарқ қилади. Н.Хомский эса шакл ва мазмун бирлигини эътироф этган ҳолда менталистик ғояга суянади. Бу йўналишда тадқиқотларнинг икки босқичи эътироф этилади. Биринчи босқичда бевосита сезги аъзоларимизга таъсир қилаётган оғзаки ёки ёзма нутқ парчалари таҳлил этилади. Иккинчи босқичда эса улар бир-бирига қиёсланиб, умумий жиҳатлари аниқланади ва шу йўл билан рационал грамматика яратишга ҳаракат қилинади. Кўринадики, Америка тилшунослигидаги рационал йўналиш билишнинг анализ ва синтез босқичларини ўзида намоён қилади.

Шу билан биргаликда Америка структурализми ўз ривожланишининг бир неча босқичларидан иборат бўлиб, уларнинг бири иккинчиси учун доя ролини ўйнайди. Шу боис Америка структурализми тармоқлари хронологик тартибга ҳам эгадир. Хусусан, дескриптив лингвистика (ДЛ) бевосита иштирокчилар (БИ) грамматикаси учун доя ролини ўйнаган бўлса, БИ, ўз навбатида, трансформацион лингвистика (ТЛ)нинг пайдо бўлишига замин яратди.

Трансформацион лингвистика бағридан эса генератив ва Россияда Шаумяннинг аппликатив грамматикаси ўсиб чиқди.

Структур тилшунослик шу қадар обрў-эътибор топдики, унинг текшириш методлари бошқа фанларга ҳам таъсир қила бошлади. Шунинг учун М.Н.Грецкий структурализм ўз тарихини лингвистикада бошлаганини ва кейинчалик бошқа фанларга, хусусан муסיқашунослик ва кристалшуносликка ҳам таъсир қилганини баён этади.¹

Машҳур француз антропологи Клодо Леви-Стросса 1952 йилда Нью Йоркда бўлиб ўтган халқаро антропологлар симпозиумида сўзлаган нутқида лингвистикадаги структурализмнинг пайдо бўлиши ва унинг фандаги аҳамияти ҳақида фикр юритар экан, уни физика фанларида амалга оширилган Ньютон инқилобига тенглаштиради. Худди шунга ўхшаш фикр Америка антропологи ва лингвисти Джозеф Гринберг томонидан ҳам баён қилинади.

Структурализм мактабларининг умумий томонлари

Энг аввало, структурализмнинг барча мактаблари вакиллари ёш грамматикачиларнинг тилни тарихий ўрганиш назариясига қарама-қарши йўналишда излангани билан умумийликни ташкил этади. Ёш грамматикачиларга зид равишда структуралистлар фақат ҳозирги ҳолатигина тил ҳаётининг тўлиқ, сунъий соддалаштирилмаган тавсифини бера олади, деган ғояни олға сурдилар. Натижада ёш грамматикачиларга хос тарихийлик структуралистлар синхрониясига ўрнини бўшатиб берди. Тилни синхрон ўрганиш структурализмнинг барча йўналишларида тилшуносликнинг бош вазифаси деб эълон қилинади.

Барча структурализм мактабларининг яна бир умумий томони «Тил система экан, уни система сифатида тадқиқ қилиш лозим» деган ғояга амал қилдилар.²

Структурализмнинг энг йирик вакилларида бири А.Мартине барча структуралистларни бирлаштириб турган муҳим жиҳат ҳар бир тилнинг ўзига хос ички тузилишига эгаллиги ва шу хусусияти билан бошқа тиллардан ажралиб туриши, ана шу ўзига хос жиҳатларни ўрганиш алоҳида бирликларнинг тасодифий ўхшашлигини ўрганишдан кўра фойдалироқ эканига эътибор беришдир, дейди. Ана шундан ҳар бир тил структурага эга деган ғоя олға ташланди.

Тилнинг алоҳида ўзига хос структура сифатида эътироф этилиши лингвистик таҳлилнинг формаллаштирилишига ҳамда тилни ўрганиш ва тавсифлашнинг объектив методларини қидиришга олиб келди. Шунинг таъкидлаш жоизки, структурализмнинг барча тармоқлари тилнинг кўп сатҳлилигини эътироф этади. Структурализмнинг барча вакиллари ёш грамматикачиларнинг тилшуносликни психология, физиология, мантиқ ва социология билан қоришиқ фан деган қарашига зид равишда, уни тил белгилари тушунчасига таяниб иш кўрувчи мустақил фан сифатида эътироф этадилар.

Барча структурализм вакиллари фонемани маънога эга бўлмаган бирлик сифатида тан оладилар. Фонеманинг морфема, сўз ва гап ҳосил қилишдаги функциясига эътибор қаратилади ва шунинг учун фонология муаммоси барча структурал мактабларда «ифодаловчи» (signifiant) асосида курилади. Белги билан боғлиқ муаммолар орқага сурилади. Шунинг учун фонологик қарашларда бу мактаблар нисбатан умумийликка эга.

К.Хансен барча структуралистлар ўртасида тилга қарашнинг қуйидаги тўрт умумий жиҳати мавжуд эканини кўрсатади:

1. Тилга объектив реалликдан ва тил эгаларидан озод бўлган структура sue generis сифатида қараш;

2. Тилни синхрон ҳолатда ўрганиш;

3. Тилни амалдаги қўлланилишига боғлиқ бўлмаган соф муносабатлар системаси сифатидаги шаклларга таянган ҳолда ўрганиш;

4. Тилшуносликни табиий фанларга тенглаштириш, уни аниқ фанга айлантириш.¹

Шу билан биргаликда структурализмнинг турли йўналишларини қиёслаб ўрганиш натижасида шундай хулосага келиш мумкинки, улар ўртасида умумийликдан кўра ўзига хос жиҳатлар кўпроқ. Структурализм йўналишлари ўртасидаги бундай фарқланиш уларнинг турли мамлакатларда, турли тарихий-маданий шароитларда шаклланганлиги билан боғлиқдир.

Структурализм мактабларининг ўзига хос жиҳатлари

Кўпчилик мутахассисларнинг эътирофи этишларича, структурализмнинг Прага ва Копенгаген мактаблари ўзаро кутбий зидланишда бўлиб, уларнинг оралиғида Америка дескриптив лингвистикаси туради. Бу шуни кўрсатадики, Прага лингвистлари маълум жиҳатлари билан глосемматиклардан фарқ қилган ҳолда, Америка тилшуносларига яқин келдилар. Шу билан биргаликда Прага ва Копенгаген мактабларининг умумий жиҳатлари ҳам мавжудки, бу томонлари билан ҳар иккиси Америка мактабига қарама-қарши қўйилади.

I. Структурализмнинг икки кутбида турувчи Прага лингвистик мактаби билан Копенгаген лингвистик мактаби ўртасидаги фарқли томонлар Владимир Скаличканинг «Копенгаген структурализми ва Прага мактаби» мақоласида аниқ ифодасини топган. Бу икки лингвистик мактаб ўртасидаги қуйидаги фарқларни кўрсатиш мумкин:

1. Л.Ельмслевнинг фикрича, ҳозиргача бўлган тилшунослик бири-биридан ажралган турли ҳодисалардан ташкил топган. Улардан бири психологияга, иккинчиси физикага, учинчиси физиологияга, тўртинчиси тарихга, бешинчиси мантиққа яқин туради. Л.Ельмслев ана шундай парчаланишдан ҳалос бўлиш учун тилшуносликни бошқа фанлар юкидан озод қилишни истади. Шу мақсадни амалга ошириш учун тилни **трансцендент**, яъни тилдан ташқари ҳодисалар таъсирида ўрганишдан **имманент** ўрганишга ўтишни тавсия этади. Лингвистик назария тилни

ўрганишда унга тилдан ташқаридаги ҳодисалар *конгломерати* сифатида эмас, балки ўзига хос хусусиятга эга **ёпиқ бир бутун структура**, сифатида ўрганиш лозимлигини таъкидлайди.

Худди мана шу жиҳат Прага ҳамда Копенгаген мактаблари ўртасидаги биринчи ва энг муҳим фарқланиш ҳисобланади. Чунки Прага лингвистик мактаби вакиллари тилни тилдан ташқаридаги борлиқ билан боғлиқ ҳолда ўрганади ва нутқий фаолиятни гуруҳларга ажратиш учун муҳим фактор сифатида лингвистик контактда бўлган сўзлашувчиларнинг ўзаро муносабати: уларнинг ижтимоий, касбий, ҳудудий ва қариндошлик алоқаларига жиддий эътибор беради. Шунингдек, тилларнинг ўзаро алоқаси, тиллар иттифоқи, бадиий тил каби масалалар ҳам Прага тилшунослигининг диққат марказида бўлади.

2. Л.Ельмслев тилни нутқдан ажратган ҳолда, тилга социал қўлланиши ва моддий гавдаланишига боғлиқ бўлмаган соф шакл ҳисобланувчи **схема** сифатида ёндашади. Шу билан биргаликда уни бевосита кузатишда турлича гавдаланувчи моддий воситалар билан тушунтирилиши мумкин бўлган ва муайян ижтимоий гуруҳ томонидан қабул қилинган кўникмалар йиғиндиси ҳисобланувчи «узус» сифатида ҳам эътироф этади.

Л.Ельмслев тил тушунчасини изоҳлашда Ф.де Соссюрнинг тилни шахмат ўйинига қиёслаганига кўпроқ эътибор беради. Шунинг учун у тил схема сифатида ўйиндан бошқа нарса эмаслигини, шахматда муҳим нарса доналарининг материал томони эмас, балки ўйин қоидаси эканини таъкидлайди.

Прага тилшунослари эса бунга эътироз билдириб, шахмат ўйини ўн ёшли ўқувчи осонгина ўзлаштириб оладиган бир неча қоидаларнинг йиғиндисигина эмас, шахмат ўйинидаги муҳим нарса сезиш қийин бўлган, доимий ўзгариб турувчи вазият саналиб, ўйиннинг муваффақиятини таъминлаш учун уларни доимо эътиборга олиш лозимлигини кўрсатдилар. Бу фактларнинг барчаси тилни социал шарт-шароитга боғлиқ ҳолда ўрганиш лозимлигини кўрсатади, дейдилар.

3. Глоссематиклар томонидан математикадан ўзлаштирилган эмпиризм тамойили талаби: 1) зиддиятга йўл қўймаслик; 2) тавсифнинг тўлиқлиги; 3) соддалик Прага тилшунослиги учун бегона.

Л.Ельмслев назарияси учун эмпиризмнинг юқоридаги белгиларидан иккинчиси, яъни тавсифнинг тўлиқлиги тамойили таянч нуқта саналади. Бу тамойил тилни ҳар қандай социал шарт-шароитдан узилган мустақил структура сифатида ўрганишга имкон беради. Лекин тилнинг адабиёт, жамият, маданият, санъат билан бўлган барча мураккаб муносабатларини ёритишда бу талабни қўйиб бўлмайди. Шунинг учун Прага тилшунослари тилнинг бошқа ҳодисалар билан юқоридаги мураккаб муносабатларини эътиборга олиб, уни матндан ажралган ҳолда тўлиқ тавсифлаш ҳақида гапириб бўлмаслигини таъкидлайдилар.

4. Эмпирик тамойил Л.Ельмслев учун индукцияни билдирмайди. Аксинча, у индукцияга кескин қарши чиқади ва дедукцияни олға суради.

Дедукция остида Л.Ельмслев бутундан бўлакка, яъни бир бутун матндан абзацга, абзацдан жумлага, жумладан сўзга, сўздан товушга қараб йўналишни тушунади.

В.Скаличканинг эътироф этишича, бундай йўналиш, албатта, фойдадан холи эмас: бутун ҳар доим қисмлари йиғиндисидан катта. Лекин бу тилшуносни қаноатлантирмаслиги керак. Чунки қисм фақат бутуннинг қисмигина эмас, у ўзининг мустақил ҳаётига ва объективликка нисбатан муносабатига ҳам эга бўлади¹. Шунинг учун Прага тилшунослари Л.Ельмслевнинг дедуктив тамойилини ҳам рад этадилар.

5. Глоссематиклар ҳам, Прага тилшунослари ҳам функция тушунчасига таянадилар. Лекин функциянинг талқинида бир-биридан фарқланадилар.

Прага тилшунослари функция атамаси остида мақсад ёки вазифани тушунадилар. Хусусан, Гавранек «Тилшуносликдаги структурализм ҳақида» мақоласида тил ҳақида фикр юритар экан, у доимо маълум мақсадни ёки функцияни бажаришини таъкидлайди.

Прага тилшунослари томонидан функция атамаси лингвистик бирликларнинг маъноси ёки маъноли бирликлар структураси ҳақида гап кетганда қўлланилади. Масалан, сўз функцияси, морфема функцияси, фонема функцияси каби.

Глоссематиклар ва шахсан Л.Ельмслев қўллаган «функция» математикадаги «функция» атамаси маъносига яқиндир. Яъни бу атама глоссематиклар томонидан қатъий боғлиқликни ифодалаш учун қўлланилади. Л.Ельмслев талқини бўйича функциянинг бир қанча турлари мавжуд. Масалан, сўз категорияси ҳам, феъл бошқаруви ҳам, эга ва кесим муносабати ҳам функция саналади. Лингвистик бирликларнинг ифодаловчи томони ҳам, ифодаланмиш томони ҳам функция ҳисобланади. Л.Ельмслевнинг фикрига кўра, тилда бир қанча функциялар мавжуд. Шунинг учун функция типларини белгилашга ҳаракат қилади.

Кўринадики, «функция» атамасининг Л.Ельмслев талқини унинг тилга ва тилшуносликка умумий қараши билан узвий боғлиқдир. Л.Ельмслев соф муносабат бўлмаган нарсаларни тилга киритмайди. Демак, тилда у функция деб номлаган бир қанча муносабатлардан бошқа ҳеч нарса қолмайди¹.

6. Л.Ельмслев Ф.де Соссюр ғоялари таъсирида тилни икки аморф масса – тафаккур ва товушлар дунёсининг қўшилишидан иборат деб тушунади. Бу икки томоннинг қўшилиши натижасида ҳосил бўлган тил **субстанция** эмас, шакл саналади. Ифода плани билан маъно планининг ажратилиши тилни ташқи оламдан узиб қўяди. Фикрининг исботи сифатида ранг спектрини келтиради. Л.Ельмслев фикрича, ранг спектрида аморф узлуксизлик мавжуд. Худди шунингдек, тилда ҳам аморф узлуксизлик бўлиб, у турли тилларда турлича ифодаланиш хусусиятига эга. Масалан, сон категориясининг ифодаланишида буни кузатиш мумкин. Бир гуруҳ тилларда бирлик ва кўплик сон, бошқа тилларда эса бирлик – иккилик – кўплик сон, яна бошқаларида бирлик – иккилик – учлик – кўплик сон категориялари мавжуд.

Прага тилшунослари тилнинг форма ёки субстанция сифатида фарқлашни ҳеч қачон кун тартибига қўймаган. Шу билан бирга ташқи олам аморф субстанция эканига ҳам жиддий эътироз билдиради. Гавранек юқоридаги мақоласида тилни лингвистик белгилар структураси сифатида, яъни ташқи олам билан бевосита муносабатда бўлган белгилар системаси сифатида изоҳлайди².

Ф.М.Березиннинг таъкидлашича, Л.Ельмслев назариясининг амалий ахамияти ўта чекланган, Прага тилшунослари эса алоҳида тиллар системасини тадқиқ этишда, айниқса, фонология соҳасида тилшуносликка катта ҳисса қўшдилар³.

II. Агар Прага лингвистик мактабининг глоссематика мактабидан ҳеч нарса олиши мумкин бўлмаган бўлса, фонология соҳасида Прага лингвистик мактаби билан дескриптив лингвистика ўртасида қатор умумийликлар мавжуд.

Ҳар икки мактаб вакиллари ҳам фонология бирлиги фонема эканини эътироф этадилар. Лекин фонемани ажратиш усули ва унинг моҳияти масаласида уларнинг қарашлари фарқланади.

Америка тилшунослари (Л.Блумфилд ва унинг издошлари) асосий эътиборни фонеманинг дистрибутив белгиларига қаратадилар. Прага тилшунослари эса фонемани дистинктив (маъно фақлаш) белгилари йиғиндиси сифатида тушунадилар.

Фонемаларни матндан ажратиш усули бўйича ҳам Прага ва Америка структуралистлари ўртасида маълум маънода умумийлик мавжуд. Хусусан, фонема ва унинг вариантларини белгилашда ҳар икки мактаб вакиллари уч нуқтага таянадилар. Фақат бу уч таянч нуқтанинг номлашда улар ўзаро фарқланадилар. Жумладан, Н.Трубецкой юқоридаги уч таянч нуқтани **фонемаларнинг ажратиш қоидалари** деб номлади ва уларни тартиб билан биринчи қоида, иккинчи қоида, учинчи қоида деб берди. Америка тилшунослари эса уларни **дистрибуция қоидалари** деб номладилар. Н.Трубецкойнинг биринчи қоидасини *контраст дистрибуция*, иккинчисини *қўшимча дистрибуция*, учинчи қоидасини эса *эркин алмашиниш дистрибуцияси* номи билан юритадилар.

Шу билан биргаликда кўпчилик Америка тилшунослари семантик томонни назардан соқит қиладилар. Прага тилшунослари эса фонеманинг маъно фарқлаш вазифасига доимо таъкид берадилар.

Прага тилшунослари Америка трансформацион методига ҳам танқидий баҳо берадилар. Бу методни тил системасининг динамик табиатини ҳисобга олмасликда айблайдилар.

Шунингдек, Прага лингвистик мактаби вакиллари Америка тилшунослари томонидан олға ташланган БИ тушунчасини ҳам қабул қилишни хоҳламайдилар. Уларнинг фикрича, БИ морфологик ва синтактик бирликларни эътиборга олмаган ҳолда тил бирликларини механик дистрибутив таҳлил қилишга олиб келади.

Прага тилшунослари Америка тилшунослари томонидан илгари сурилган тилнинг сатҳларга бўлиниши ғояси ва унда ҳар бир сатҳнинг бошқа сатҳдан чегараланиши масаласи бўйича чекланган томонларни тўлдиришга ҳаракат қилади. Улар бир сатҳда рўй берган ўзгариш бошқа маълум сатҳларга ҳам таъсир этиши мумкинлигини таъкидлаган ҳолда, турли тил сатҳлари ўртасида мавжуд бўлган ўзаро муносабатларни ҳисобга олишга чақиради.

Америка тилшунослари тилнинг синхрон ҳолатини ўрганишга жиддий эътибор бериш баробарида, тил ва жамият ўртасидаги ўзаро алоқани назардан соқит қиладилар. Бундан фарқли равишда Прага тилшунослари ҳар бир тил жамиятнинг коммуникатив ва экспрессив эҳтиёжларини қондириш учун хизмат қилишини, шунинг учун жамият билан узвий боғлиқ эканини таъкидлайдилар.

III. Америка дескриптив лингвистикаси билан глоссематика ўртасида маълум умумийлик ва фарқли жиҳатлар мавжуддир.

Умумий томонлар шундаки, уларнинг ҳар иккиси лингвистик ҳолатларни математик ифодалар ёрдамида баён қилишга уринадилар. Жумладан, З.Харрис ўз лингвистик таҳлилининг математик характерга эга эканини баён қилса, Л.Ельмслев бош мақсади лингвистик алгебрани яратиш эканини таъкидлайди. Уларнинг ҳар иккиси тилшуносликнинг асосий вазифаси лингвистик тадқиқот техникасини ишлаб чиқиш деб биладилар.

Ҳар икки мактаб анъанавий лингвистик атамалардан воз кечган ҳолда, атамаларнинг умумий системасини, **метатилни** яратишга уринадилар. Ҳар икки мактаб вакиллари **икки аъзоли бўлишни** маъқуллайдилар. Яъни улар ҳар қандай жумлани дастлаб икки қисмга ажратадилар. Бу қисмларнинг ҳар бирини яна икки қисмга бўладилар. Бу бўлинишнинг охириги иштирокчисига қадар давом этади. Бундай тамойилни Л.Ельмслев дедуктив деб атаса, Америка тилшунослари БИ таҳлили деб номлайдилар.

Шу билан биргаликда бу икки йўналиш ўртасида жиддий фарқланиш ҳам мавжуд. Бу тилшуносликнинг фан сифатидаги мазмуни ва вазифасини турлича тушунишдан келиб чиқади.

Америка тилшунослари тилни тавсифлаш моделларини ҳосил қилишни асосий мақсад қилиб оладилар. Глоссематиклар эса тилни матнлар йиғмаси билан тенглаштирадилар. Ана шу матнларни зиддиятсиз ва тўлиқ тавсифлашни бош мақсад қилиб оладилар. Лекин бу матнлар кўпинча дедуктив, фикран тавсифланади. Бошқача қилиб айтганда, олдиндан ишлаб чиқилган тушунчалар матнга, яъни тилга нисбатан берилгандай бўлади.

Агар матнни структурлаштириш (уларнинг дистрибуцияси, қўшилиши ва б.) Америка тилшуносларининг мақсади бўлса, глоссематикларнинг мақсади доимий ва барқарор белгиларни қидиришдан иборатдир.¹ Америка тилшуносларининг текшириш объекти бевосита нутқий жараён саналади. Шунинг учун улар бой фактик материалларни қўлга киритишга муваффақ бўлдилар. Лекин уларга конкрет бир тилдаги ёки умуман тилда мавжуд бўлган муносабатлар системасини аниқлаш ҳеч қачон насиб этмади.²

СТРУКТУРАЛИЗМНИНГ СОБИҚ ШЎРОЛАР ТИЛШУНОСЛИГИГА ТАЪСИРИ

Юқорида баён қилинган структурализм йўналишларининг ҳар бири тилшунослик тарихида катта из қолдирди. Улар замонавий тилшунослик ривожини учун катта ҳисса қўшдилар. Энг аввало, эски лингвистик текшириш методларининг тугал эмаслигини кўрсатиб бердилар ва янги текшириш методларини қидиришга даъват этдилар.

Структурализм, бир томондан, Ф.де Соссюр, иккинчи томондан, И.А.Бодуэн де Куртене ғояларидан озиқлангани туфайли, И.А.Бодуэн де Куртене шогирдлари томонидан асос солинган собиқ шўролар давридаги лингвистик мактабларнинг ҳам структурал мактаблар билан туташ нуқталари мавжуддир. Бу, энг аввало, Москва (МФМ) ва Ленинград фонологик мактаблари (ЛФМ)га хосдир. Бу ҳар икки мактаб вакиллари гарчи И.А.Бодуэн де Куртенега ўзларига устоз ҳисобласалар ҳам, унинг фонема назариясига амал қилсалар ҳам, улар ўртасида маълум фарқлар мавжуддир. Ана шу фарқланиш бу иккисини икки хил структур мактаблар билан яқинлаштиради.

Аввало, бу икки мактабда фонемага ёндашувнинг турлича бўлишига И.А.Бодуэннинг айти тушунчани икки хил талқин этгани сабабдир. Бу мактаблардан бири И.А.Бодуэннинг фонема ҳақидаги бир талқинига, иккинчиси эса бошқа талқинига асосланди. Бу мактабларнинг фонемага фарқли ёндашувлари А.А.Реформатский томонидан атрофлича баён қилинган.¹

Унинг фикрича, ленинградликларнинг И.А.Бодуэн де Куртенега карашларидан четга чиққани, энг аввало, фонемани белгилашда «антиморфематизм», яъни фонемани морфема билан боғлаб изоҳлашдан кўрқиш ва «Фонетиканинг автономлиги»ни эътироф этишида кўринади.

Л.В.Шчерба «Сифат ва миқдор нуқтаи назаридан рус унлилари» (1912) асарида И.А.Бодуэн де Куртенега фонемани сўз ва морфемаларни фарқловчи белги эканига у психофизиологик ҳодиса экани тўғрисидаги концепцияларини ривожлантирди. Бу асарида фонемага психологизм нуқтаи назаридан таъриф берган бўлса ҳам, лекин унда функционализм белгиларига ишора ҳам ўз ифодасини топди. Унинг фикрича, фонема сўзнинг фонетик таркибини бузмаган ҳолда ажралиши мумкин бўлган, сўзни фарқлаш ва маъно тасавури билан ассоциацияланиш имкониятига эга маълум бир тилнинг умумий товуш тасавуридир.²

Л.В.Шчерба кейинчалик фонеманинг функционал томонига, яъни маъно фарқлаш хусусиятига асосий эътиборини қаратди ва психологик талқиндан халос бўлди. Жумладан, «Француз тили фонетикаси» асарида фонемага соф функционал томондан сўз ва унинг шакллари фарқлаш учун хизмат қиладиган товушлар типини сифатида ёндашади.¹ У фонемани ажратиш

учун товушнинг артикуляцион-акустик эмас, балки маъно фарқлаш хусусияти муҳимлигини таъкидлайди.

Кўринадики, фонеманинг маъно фарқлаш хусусиятига, яъни функция томонига асосий эътиборни қаратиш, унга автоном бирлик сифатида ёндашиш, **товуш типи, фарқловчи белгилар йиғиндиси** сифатида таъриф бериш жиҳатлари ЛФМни Прага тилшунослари билан яқинлаштиради.

Бунга сабаб Прага тилшунослик тўғарагининг аъзоси, фонологиянинг асосчиси Н.С.Турбецкой И.А.Бодуэн лингвистик концепцияси таъсирида тарбияланган ва унинг фонемага функция нуқтаи назаридан ёндашиш ғоясини ривожлантирган эди.

Демак, Н.С.Турбецкой ва Л.В.Шчербанинг фонологик қарашларидаги умумийлик ҳар иккиси учун устоз бўлган И.А.Бодуэннинг фонологик концепциясига бориб тақалади.

Шунинг учун ҳам фонема ва унинг оттенкалари ҳақидаги Л.Шчерба қарашлари Н.Турбецкойнинг фонема ва унинг вариантлари тўғрисидаги қарашларига ғоят ҳамоҳангдир. Шунингдек, фонема ва унинг вариантлари ёки оттенкаларини белгилаш тамойили нуқтаи назаридан ҳам улар ўртасида умумийлик мавжуд.

Фонемага ЛФМ **функционал**, МФМ эса **позицион** нуқтаи назардан ёндашади. МФМ фонемаларни позицион жиҳатдан ўрганишга жиддий эътибор бергани учун уларнинг **кучли** ва **кучсиз позицияларини** аниқлашга қулай имконият туғилди. Бу икки позиция фонема ва унинг вариантларини белгилаш учун асос бўлиб хизмат қилади. **Кучли позиция** фонемаларни, **кучсизи** эса унинг вариантларини ажратиш учун таянч нуқта бўлади.

Фонемаларнинг перцептив (билиб олиш, англаш) ҳамда сигнификатив (фарқлаш) томонидан кучли ва кучсиз позициялари белгиланди. Уларнинг фикрича, қуршовидаги товушларнинг таъсирига кам берилган максимал фарқлаш позицияси кучли позиция саналади. Хусусан, унлилар учун урғу ости, ундошлар учун унли олди позицияси кучли ҳисобланади.

Позиция тушунчаси асосида МФМ фонема вариантлари ва вариацияларини ажратади. Жумладан, А.А.Реформатский кучсиз позицияларни иккига – перцептив кучсиз ва сигнификатив кучсиз позицияларга ажратади. Биринчиси фонема вариацияларини, иккинчиси эса фонема вариантларини ҳосил қилишини таъкидлайди. Биринчисига рус тилидаги мат, мать, мят, мять сўзларидаги «а»нинг турлича талаффузи, иккинчисига эса сўзнинг охириги позициясида ундошлар нейтралзацияси (пруд-прут) киритилади.

МФМ билан Прага лингвистик мактабининг умумийлик жиҳати маълум бир шароитда фонемалар ўртасида зидланиш билгисининг йўқолиши – нейтралзацияси ҳақидаги таълимотдир. Нейтралзация назарияси Прага тилшунослиги ҳамда МФМнинг умумий жиҳати саналади. Бу назария уларнинг тилшунослик ривожига қўшган катта хизмати ҳисобланади.

МФМ билан ЛФМ фонемага икки нуқтаи назардан (бири позицион, иккинчиси функционал) ёндашгани учун айтиб беришга турлича баҳо

берганининг гувоҳи бўламиз. Масалан, «англа» сўзидаги биринчи товуш Л.Шчерба концепциясига мувофиқ *a* фонемасининг варианты. Чунки шу фонетик қуршовда *a* дан бошқа барча фонемалар оттенкаси билан қарама-қарши муносабатда бўла олади. МФМга кўра эса бу *o* фонемасининг варианты. Чунки ўзак таркибида кучли позиция (урғу остида) *o* ҳолида талаффуз қилинади.

Шунингдек, рус тилидаги *бегу – бежить* ва *дуп – дуб* сўзларидаги Г-Ж, П-Б муносабати ЛФМ томонидан товуш алмашиниши ҳисобланса, МФМ талқинича, биринчи ҳолатда позицион боғлиқ бўлмаган икки фонема (Г-Ж) нинг анъанавий альтернатсияси, иккинчи ҳолати эса бир фонеманинг позицион хосланган икки варианты саналади.

А.А.Реформатскийнинг таъкидлашича, ЛФМнинг кучли томони товушларни экспериментал ўрганишдир. ЛФМ экспериментал-фонетик нуқтаи назаридан МФМга нисбатан афзалликка эга.

Шўролар даври тилшунослигида А.И.Смирницкийнинг лингвистик қарашлари алоҳида ажралиб туради. У Ф.де Соссюрнинг тил-нутқ зидланишига қатъий амал қилади. Унинг фикрича, тил ва нутқ фарқланишини эътиборга олмасдан тилшунослик махсус ва чинакам фан сифатида мавжуд бўлиши мумкин эмас.¹

ЎЗБЕК ТИЛШУНОСЛИГИГА СТРУКТУРАЛИЗМ ТАЪСИРИ

Ўтган асрнинг 70-йилларидан бошлаб структурализм ўзбек тилшунослигига ҳам кириб кела бошлади. Бу соҳада ўзбек тили лексик бирликларини макро ва микросистемаларига бўлиб, уларни монографик тадқиқот объекти¹ сифатида ўз шогирдларига тавсия этган проф. Ш.Раҳматуллаевнинг хизматларини алоҳида таъкидлаш лозим.

И.Қўчқортоев эса Ш.Раҳматуллаев ғояларини ривожлантириб, бу соҳада кенг илмий тадқиқотлар олиб борди. Тил ва нутқ фарқланиши, тил бирликларида шакл ва мазмун муносабати, Ф.де Соссюрнинг лингвистик концепциясига бағишланган тадқиқотлари ўзбек тилшунослигида структур йўналишнинг шаклланиши ҳамда ривожланиши учун катта аҳамиятга эга бўлди.

Фонологик сатҳда системавийлик туркий тиллар материаллари асосида А.М.Шчербак томонидан илк бор очиб берилган эди. Унда фонологик бирликлар фонологик зидланишлар асосида тадқиқ этилади. Фонемалар функционал жиҳатдан атрофлича ўрганилади². Ўзбек тили фонологик сатҳидаги системавийлик проф. А.Абдуазизов томонидан илк бора «Умумий тилшунослик» китобида кўрсатиб берилади. Унда ўзбек тилидаги унли ва ундош фонемаларнинг фарқловчи (дифференциал) ва фарқламайдиган

(нодифференциал) белгилари, фонемалар ўртасидаги зидланишлар ҳамда уларнинг турлари атрофлича ёритилади.

Бу тадқиқот майдонга келгунга қадар В.В.Решетовнинг «Ўзбек тили. Фонетика» (1960) ҳамда Ф.Абдуллаевнинг «Хоразм шевалари фонетикаси» (1960) китобларида ҳам фонема ва унинг вариантлари ҳақида батафсил маълумот берилган, бу билан фонетик сатҳда тил ва нутқ муносабатини ёритишга ҳаракат қилинган бўлса ҳам, лекин ҳали ўзбек тилшунослигига структурализм назарияси етиб келмаган эди. Фонема ва унинг вариантлари масаласи Л.В.Шчерба, А.А.Реформатский каби ЛФМ ва МФМ вакиллари қарашлари таъсирида баён қилинганди.

С.Усмоновнинг «Умумий тилшунослик» китоби нашр этилгач, ўзбек талабаларини структурализм ва унинг турли йўналишлари билан таништириш имконияти туғилди. Системавий-структур тадқиқотларнинг кенг тарқалиши 80-йилларга тўғри келди. Бу даврда ўзбек тили фонологияси, лексикологияси, синтаксисини системавий-структур нуқтаи назардан тадқиқ этувчи қатор асарлар майдонга келди³.

Ўзбек тилининг барча сатҳ бирликларини системавий-структур тадқиқ этишга даъват Ҳ.Неъматов, Н.Маҳмудов ва ушбу тадқиқ муаллифининг «Советская тюркология» журналида эълон қилган мақоласидан бошланди¹. Натижада ўзбек тилшунослигида системавий тадқиқотларга хужум бошланди, дейиш мумкин.

Шундан сўнг ўзбек тили фонологик системасига бағишланган А.Нурмоновнинг «Ўзбек тили фонологияси ва морфонологияси» (1992), А.Абдуазизовнинг худди шу номдаги китобчаси (1994); ўзбек тилининг морфем парадигматикаси ва синтагматикасига бағишланган Т.Мирзақуловнинг монографияси, ўзбек тили систем лексикологиясига бағишланган Ҳ.Неъматов ва Р.Расуловларнинг «Ўзбек тили систем лексикологияси асослари» (1995), морфологик системасига бағишланган Р.Расуловнинг «Ўзбек тили феълларининг семантик структураси» (1990), муаллифлар гуруҳининг «Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. Морфология» (2001); ўзбек тили синтактик системасига бағишланган «Ўзбек тилининг мазмуний синтаксиси», «Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. Синтаксис», А.Бердиалиевнинг «Эргаш гапли кўшма гап конструкцияларида семантик-сигнификатив парадигматика», М.Қурбонова, Р.Сайфуллаевларнинг «Ўзбек тилининг структурал синтаксиси», Н.Турниёзовнинг «Функционал синтаксисга кириш», тил ва нутқ дихотомиясига бағишланган Ҳ.Неъматов ва О.Бозоровларнинг «Тил ва нутқ», лингвистик бирликлар даражаланишига бағишланган О.Бозоровнинг «Ўзбек тилида даражаланиш», лингвистик белгига бағишланган каминанинг «Лингвистик белги ва унинг хусусиятлари» каби китоблари ҳамда бошқа бир қанча монографик тадқиқотлар ва илмий мақолалар эълон қилинди.

Шунингдек, Ш.Шаҳобиддинованинг «Ўзбек тили морфологияси умумийлик – хусусийлик диалектикаси талқинида», Ш.Искандарованинг «Ўзбек тили лексикасини мазмуний майдон асосида ўрганиш»,

Б.Менглиевнинг «Лисоний тизим яхлитлиги ва унда сатҳлараро муносабатлар», М.Ҳакимовнинг ўзбек тили прагматикасига бағишланган «Ўзбек тили илмий матнининг прагматик тадқиқи», Н.Маҳкамовнинг «Ўзбек тилида плеоназм», А.Собировнинг «Ўзбек тилининг лексик сатҳини системалар системаси сифатида тадқиқ этиш», Д.Набиевнинг «Ўзбек тилининг турли сатҳларида умумийлик – хусусийлик диалектикасининг намоён бўлиши», Д.Нурмоновнинг «Ўзбек тилида парадигма аъзолари ўртасидаги зидланишнинг мўътадиллашуви», Д.Неъматовнинг «Ўзбек тилида привативлик», М.Абдиевнинг «Соҳавий лексиканинг систем таҳлили», Ж.Элтазаровнинг «Сўз туркумлари парадигмасидаги ўзаро алоқа ҳамда кўчиш ҳоллари», Д.Лутфуллаевнинг «Гапни семантик-синтактик қолиплаштириш муаммолари» сингари қатор тадқиқотлари амалга оширилди ва бу ўзбек тилшунослигида системавий структур йўналишнинг чуқур илдиз отишига олиб келди.

Ҳозирги кунда ўзбек тилшунослигида икки йўналишда баробар тадқиқотлар олиб борилмоқда. Уларнинг биринчиси анъанавий, иккинчиси системавий-структур йўналишдир. Бу икки йўналиш, Махмуд Қошғарий таъбири билан айтганда, икки улоқчи оддек ўзбек тилшунослиги аравасини баробар тортиб кетмоқда. Улар бир-бирини мутлақо инкор этмайди. Аксинча, бири иккинчисига таянади ва бир-биридан озикланади.

Хусусан, системавий-структур таҳлил анъанавий тилшунослик натижаларига таянади. Ўрганилаётган объект ҳақида бевосита сезги аъзоларимиз берган маълумотлар асосида олинган амалий билим кейинги назарий, илмий хулосалар учун пойдевор бўлади. Айни пайтда назарий хулосалар амалий билимнинг ожиз, чекланган томонларини тўлдиради. Ҳар икки билимнинг қўшиливи ўрганилаётган объектни чин билиш имкониятини беради.

Ўзбек тилшунослигида системавий-структур метод асосида олиб борилган тадқиқотларнинг тобора кенгайиб бораётганлиги, улар ўртасида қўлланилаётган терминологик аппаратдаги айрим фарқли жиҳатларнинг мавжудлиги бу тадқиқотларни умумлаштириш, фарқли томонларнинг сабабларини изоҳлаш заруриятини туғдиради.

Ўзбек тилшунослигидаги структур йўналишларни икки гуруҳга ажратиш мумкин. Биринчиси ўзларининг тадқиқ йўналишини «формал – функционал йўналиш» деб номладилар. Бу йўналишнинг тадқиқ тамойиллари ҳақида М.Қурбоновнинг «Ўзбек тилшунослигида формал-функционал йўналиш ва содда гап қурилишининг талқини» мавзусидаги монографик тадқиқоти ҳам майдонга келди. Бу монографияда ўзбек тилшунослигидаги формал-функционал йўналишнинг илдизлари ва асосий тамойиллари ҳақида батафсил маълумот берилади.

Унда баён қилинишича, формал-функционал йўналиш структур тилшуносликнинг функционал тармоғи ҳисобланади ва С.Ивановнинг субстанционал концепциясидан озикланади. У 5 асосий таҳлил тамойилларига асосланади:

- лисоний бирликнинг зотий (субстанционал) табиати;
- ҳар бир лисоний бирликнинг камида икки парадигмага мансублиги;
- лисоний бирликнинг барча босқичларида оралиқ учинчининг мутлақлиги;

- лисоний тизимнинг иерархик (поғонавий) қурилиши; бу иерархияда ҳар бир бўғиннинг нисбий мустақиллиги ва узвларининг гипо-гиперонимик муносабатлар билан очиқ микросистема сифатида ўзаро боғланиши;

- ҳар бир лисоний бирликнинг ўз хусусий синонимик ва градуонимик қаторга эга бўла олиши ҳамда бу қаторларнинг умумий лисоний система ва микросистемаларга, уларнинг структурасига бевосита алоқадор эмаслиги¹.

Санаб ўтилганларнинг биринчи ва тўртинчиси Л.Ельмслевнинг дедуктив тамойили таъсирида шакллангани кўзга ташланади. Бундан ташқари, айти йўналишдаги тадқиқотларда тил бирликлари сифатида фақат учта бирлик – фонема, морфема ва конструкциянинг эътироф этилишида дескриптив лингвистиканинг ҳам таъсири сезилади.

«Формал-функционал йўналиш» вакиллари илгари сурган бешта тамойил мантиқан ғоят изчил. Шундай бўлишига қарамасдан айрим тамойилларда соҳталиқ, ортиқча бўрттириш ҳам кўзга ташланади. Масалан, «оралиқ учинчининг мутлақлиги» тамойили. Бу тамойил формал мантиқнинг умумий тафаккур қонунларига, хусусан, учинчиси истисно қонунига танқидий ёндашган Гегелнинг диалектик мантиқи таъсирида майдонга келган. Гегель бу қонунларнинг ҳиссий тафаккур шакллари экани, уларнинг бир ёқламалиги ва чекланганини танқид қилиб, ҳар қандай ҳақиқий билим диалектик мантиқ натижасида майдонга келишини таъкидлайди. Диалектик мантиқ эса «учинчиси истисно» қонунига зид равишда учинчи ҳолатнинг мавжудлигини эътироф этади.¹

Дарҳақиқат, зидланишнинг икки қутбини ташкил этувчи бир қатор аъзолар ўртасида оралиқ бирликлар мавжуд бўлади. Улар ўзаро қутбий зидланаётган бирликларнинг ҳар иккисига хос белгиларни қисман ўзида мужассам этади. Масалан, *у* ва *а* унлилари оғизнинг очилиш даражасига кўра икки қутбни ташкил этади: чап қутб *тор*, ўнг қутб *кенг*. Лекин уларнинг ўртасида ўрта торлик ва ўрта кенглик белгисини ўзида мужассам этган э унлиси ҳам мавжуд. Шунингдек, *у* ва *о* унлилари лабнинг иштирокига кўра қутбий зидланишни ташкил қилади. Бири белгига кучли эга, ўнг қутб эса кучсиз эга, яъни кучсиз лабланган. Улар ўртасида эса лабланган *ў* унлиси мавжуд.

Дихотомик зидланишга қарама-қарши бундай политомик зидланишларнинг мавжудлиги тадқиқотнинг фақат бинар, дихотомик тамойилга асосланиши мумкин эмаслигини, у зидланишларнинг барча турларини қамраб ололмаслигини кўрсатади. Айти пайтда политомик зидланишини мутлақлаштириш ҳам дихотомик зидланиш тамойилини тарғиб этган тилшунослар хатосини такрорлайди. Шундай зидланишлар мавжудки, оралиқ ҳолатга йўл қўйилмайди. Масалан, *жарангли* ва *жарангсиз* ундошлар

зидланишини олайлик. Агар овознинг иштироки эътиборга олинадиган бўлса, у ҳолда юқоридаги зидланиш бинарлик, привативлик хусусиятига эга бўлиш, зидланишнинг бир аъзоси белгига эгалик, иккинчи аъзоси эса эга эмаслик хусусиятини намоён қилади. Оралиқ ҳолатга йўл қўйилмайди.

Агар зидланишда овознинг ёки шовқиннинг ортиб бориш даражаси эътиборга олинадиган бўлса, юқоридаги зидланишдан *сонорлар* ҳам ўрин олади ва зидланувчи аъзоларнинг жойлашуви қуйидаги тартибда бўлади:

Сонорлар – жаранглилар - жарангсизлар

Бунда зидланувчи аъзоларда чапдан ўнгга қараб овоз белгиси кучсизлашиб, ўнгдан чапга қараб эса кучайиб боради. Бундай вақтда сонорлар билан жарангсизлар зидланишнинг икки кутбида туради ва ўзаро икки белгига кўра приватив зидланади. Сонорлар шовқин белгисига эга эмас, жарангсизлар эса кучли эга; овоз белгисига кўра кучли эга; ҳар икки белгини ўзида мужассам этган жаранглилар оралиқ ҳолатни эгаллайди.

Ёки тил-нутқ зидланиши, гапларнинг тасдиқ ёки инкор белгисига кўра, феълларнинг бўлишли ёки бўлишсизлик, ўтимли-ўтимсизлик каби белгиларига кўра зидланишида ҳам оралиқ ҳолатларга йўл қўйилмайди.

Демак, зидланишнинг бинар, дихотомик тамойили мутлоқ бўлмаганидек, тренар, политомик тамойили ҳам мутлоқ эмас. Лингвистик бирликлар зидланишда ҳар икки тамойилнинг амал қилишининг гувоҳи бўламиз.

«Формал-функционал йўналиш» вакиллари Ф.де Соссюрнинг «тил-нутқ» дихотомиясини «лисон-нутқ» атамалари билан номлайдики, бу ҳам амалиётда бир оз қийинчилик туғдиради. Чунки лисоний, нолисоний атамалари лингвистик ва паралингвистик, экстралингвистик атамалари учун қўлланилар эди. Бу атаманинг «тил» маъносида ҳам қўлланилиши унда кўп маънолиликини вужудга келтиради. Масалан, паралингвистик воситаларга қарама-қарши қўйилган воситалар, яъни фонацион воситалар лингвистик воситалар саналади. Лингвистик воситалар эса тил бирликларини ҳам, нутқ бирликларини ҳам ўз ичига олади.

Шунингдек, **лингвистик бирлик** деган атама ҳам тил бирлигига, ҳам нутқ бирлигига нисбатан ишлатилади. Агар **лисоний бирлик** атамасини фақат тил бирлиги учун қўлласак, **нутқ бирлиги** ташқарида қолади.

Ф.де Соссюрнинг ўзи ҳам *langue* «нутқий фаолият»ни *La langue* ва *parole* га ажратган, кейинги икки тушунчани биринчиси ўз ичига олган. Ана шуни ҳисобга олган ҳолда нутқий фаолиятни тил - нутқ тарзида ифодалаш Ф.де Соссюрнинг тил-нутқ дихотомиясига яқинроқ бўлади, деб ҳисоблаймиз.

Ўзбек тилшунослигида системавий - структур тилшуносликнинг «формал-функционал йўналиши»дан бир оз фарқ қиладиган иккинчи йўналиш ҳам вужудга келди.

Бу йўналиш қуйидаги тамойилларга амал қилади:

- Тилни ўрганишда индуктив ва дедуктив тамойилларнинг ҳамкорлиги;
- Нутқий фаолиятда тил-нутқ дихотомиясининг амал қилиши; инвариант-вариантлик муносабатини белгилаш;
- Тил системасининг иерархик тузилиши. Бир сатҳ бирликлари ва сатҳлараро бирликлар муносабатлари;
- Лингвистик бирликларнинг белгили табиати. Лингвистик белгида шакл ва мазмун муносабати;
- Нутқий фаолиятда лингвистик ва экстралингвистик воситалар ҳамкорлиги
- Тилнинг ижтимоий функциялари (коммуникатив, куммулятив, экспрессив)

Бу тамойиллар асосида ҳозирги кунда ўндан ортиқ монографиялар, юздан ортиқ мақолалар майдонга келди.

Кейинги йўналиш, юқорида баён қилинган тамойиллардан кўриниб турибдики, системавий-структур йўналишларнинг ҳар уч тармоғига хос энг рационал томонларни ва шарқ фалсафасининг объектни фаҳмий ва идрокий билиш ҳақидаги таълимотларини ўзида мужассам этган.

Бу йўналиш лингвистик бирликларнинг ички стурктураси ва функциясига кўпроқ эътибор беради. Шунинг учун уни «структур-функционал йўналиш» деб номлаш мақсадга мувофиқдир.

ЛИНГВИСТИК НИСБИЙЛИК НАЗАРИЯСИ. СЕПИР – УОРФ ГИПОТЕЗАСИ

Тилшунослик фан сифатида шакллангандан буён тил ва тафаккурнинг ўзаро муносабати муаммоси лингвистлар ҳамда файласуфлар диққатини ўзига жалб қилади.

Дастлабки даврда бу муаммо кўпроқ тафаккур категорияларининг лингвистик, энг аввало, грамматик категорияларга таъсири йўналишида ўрганилди. У тилшунослик тарихида мантиқий тилшунослик мактаби номи билан машҳур бўлган илмий мактабда ёрқин ўз ифодасини топди. Бу мактаб вакиллари грамматик категорияларни мантиқий категорияларга ўхшатган ҳолда, уларни мантиқий категориялар атамалари билан тавсифлашни бош мақсад деб билдилар.

Кейинчалик тил ва тафаккур ўртасидаги муносабатни ўрганиш бу йўналишга тамоман қарама-қарши томонга бурилди. Тил категорияларининг билиш жараёни ва мантиқий категориялар шаклланишига таъсирини ўрганишга эътибор қаратилди. Бундай йўналиш мантиқий позитивизм вакиллариининг, хусусан, Л.Витгенштейн, Р.Карнап, Б.Рассел, Г.Рейхенбах, Ч.Пирс сингари олимларнинг гносеологик қарашларида ёрқин ифодасини топади. Улар тилни белгилар системасининг бир тури сифатида талқин этган ҳолда, унинг таркибига терминологик номенклатуралар, геометрия, алгебра, кимё ва бошқа фанларда қўлланадиган символларни ҳам киритадилар.

Тил ва тафаккур муносабатини ўрганишдаги иккинчи нуқтаи назар ибтидоси тилшунослик доирасида умумий тилшунослик ва тил фалсафасининг отаси ҳисобланган В.Гумбольдтга бориб тақалади. Унинг «тафаккур жараёнида ҳар қандай объективликка субъективлик қўшилади, шунинг учун ҳар бир шахс қайси тилга мансуб бўлишидан қатъий назар алоҳида дунёқараш ташувчиси ҳисобланади, деб ҳисоблаш мумкин», «инсон предметлар оламини эгаллаш ва идрок қилиш учун ўзини товушлар олами билан қуршайди. Инсон идроки ва фаолияти тасаввури билан боғлиқ бўлгани учун, унинг предметга муносабати ҳам бутунлай тил билан шартланган», деган фикрлари бу йўналишнинг таянч нуқтаси бўлиб хизмат қилди.

Бу ғояга мувофиқ инсон борлиқни тил орқали англайди. Шунинг учун у она тилининг сеҳрли халқасига ўраниб қолади. Ҳар бир тил оламини шу тил эгаси бўлган халқ доирасида тавсифлайди.

Ҳинду қабилаларнинг маданият ва тилини ўрганган Америка тадқиқотчилари ҳам, бу қабилаларнинг урф-одатлари, этик ва диний тасаввурлари, ва тил тузилиши, шу кунгача олимлар томонидан ўрганилган халқларнинг этномаданияти ва тил тузилишидан тамомила фарқ қилиши, фавқулодда ўзига хос хусусияти билан ажралиб туришининг гувоҳи бўлдилар. Бу уларнинг маданият ва тафаккур билан тил шакли ўртасида тўғридан-тўғри боғлиқлик мавжуд, деган тўхтамга келишларига туртки бўлди. Бундай фикр Америка ҳиндулари тиллари ва маданиятларини ўрганишни бошлаб берган Франц Боас томонидан илк марта олға ташланган бўлса, Америка тилшунослигининг йирик вакили Эдуард Сепир томонидан ривожлантирилди ва илмий асослаб беришга ҳаракат қилинди. Унинг фикрича, инсон ўзини қуршаб турган нарсалар ва ижтимоий муносабатлар оламидагина эмас, балки ўзи мансуб бўлган тил таъсирида ҳам яшайди. Реал борлиқ маълум даражада тил меъёрлари асосида қурилади. Бошқача айтганда, борлиқни акс эттириш тил шаклига боғлиқ бўлади.

Э.Сепирнинг бу фикрини унинг ўқувчиси Бенжамен Уорф ўз лингвистик концепциясининг негизига айлантирди.

Бенжамен Ли Уорф (1897 – 1914) 1918 йилда Массачусетс технология институтини битирган. Умрининг охирига қадар Америка суғурта компанияларининг бирида ёнғин хавфсизлиги техникаси бўйича муҳандис бўлиб ишлаган. Кўриниб турибдики, у профессионал лингвистик тайёргарликка эга бўлмаган. 1926 йилдан бошлаб асосий ишидан бўш вақтларида ацтек, майя ҳинду қабилаларининг маданияти, ёзуви ва археологик ёдгорликларини ўрганишни бошлади. Бу эса, ўз навбатида, ҳиндулар тилига қизиқиш уйғотди. Бу қизиқиш уни 1931 йилда Йель университетининг антропология бўйича профессори лавозимида ишлаётган Э.Сепир ҳузурига етаклади ва ундан ҳинду тилшунослиги бўйича қатор маърузалар тинглади. Кейинчалик 1937 – 1938 йилларда ўзи ҳам шу университетда антропология бўйича маърузалар ўқиди.

Б.Уорф умри давомида майя ёзуви ва археологиясига, Мексикадаги ҳинду қабилалари тарихига бағишланган бир қатор асарлар яратди.

Ўлимидан сўнг ундан қолган материаллар Б.Уорфнинг «Тил, тафаккур ва борлиқ» номли йирик умумлаштирувчи асар ёзишга киришганидан далолат беради. Лекин бу муаммо бўйича айрим лавҳалар қилишга улгурди, холос.

Тил шаклининг тафаккур меъёрига таъсири ҳақидаги Б.Уорф қарашлари унинг ўлимидан сўнг эълон қилинган қуйидаги учта мақолалар тўпламида баён қилинган: 1) «Металингвистика бўйича тўртта мақола» (1950); 2) «Металингвистика бўйича асарлар тўплами» (1952); 3) «Тил, тафаккур ва борлиқ» (1956).

Б.Уорфнинг «Хулқ ва тафаккур меъёрларининг тилга муносабати» мақоласида Э.Сепирга мансуб тилнинг тафаккурга таъсири, борлиқнинг тил воситасида қисмларга бўлиниши ҳақидаги фикри эпиграф қилиб олинади. Ана шу эпиграфда берилган Э.Сепир ғояси Б.Уорф ижодининг мағзи саналади. У барча асарларида шу ғояни тарғиб қилишга, уни Америка хиндулари тиллари мисолида далиллашга ҳаракат қилади.

Тил шаклининг тафаккур ва маданият шакллари билан боғлиқлиги, бирининг иккинчисига таъсири ҳақидаги Эдуард Сепир фикри Б.Уорф асарларининг бош мавзусига айлангани учун бу назария Сепир – Уорф гипотезаси ёки Сепир – Уорфнинг лингвистик нисбийлик назарияси номи билан тилшунослик тарихида шухрат қозонди.

Бу назариянинг асосий жиҳатлари қуйидагилардан иборат:

1. Тил – онг – борлиқ муносабати занжиридан биринчи халқга – тил ва онг муносабатига асосий эътибор қаратилади ва бу муносабатда тилга асосий урғу берилади. Тафаккур даражаси тил структурасига боғлиқ деб ҳисобланади.

Сепир – Уорф гипотезасига рус тилшуноси В.Звегинцев танқидий баҳо берган ҳолда тил онг билан борлиқ ўртасидаги яхлит занжир таркибига кирар экан, у онгнинг ҳам, борлиқнинг ҳам ҳосиласи эканини таъкидлайди. Унинг фикрича, тил онгнинг тараққиёт даражасини ҳам, фаолият йўналишини ҳам, бу фаолият рўёбга чиқадиган моддий шарт-шароитни ҳам (яъни объектив борлиқнинг барча шакллари) акс эттиради. Тил онг ва борлиқ ҳосиласи бўлиши билан бирга, улар ўртасида воситачилик ролини ҳам ўйнайди. Б.Уорф тил ва онг ўртасидаги яхлит занжирдан ана шу халқани эътиборга олган ҳамда бу муносабатни асосий ва етакчи ҳисоблаган ҳолда, биринчи фактор бўлган борлиқни назардан четда қолдиради.

Б.Уорф тилнинг воситачилик роли деганда, унинг ўз структурасида “олам манзараси”ни намоён қилишини ва инсон билан борлиқ ўртасида жойлашиб, унга инсон онгини бўйсундиришини тушунади. Унинг фикрича, борлиқ тартибсиз таассуротлардан иборат бўлиб, тил орқали тартибга солинади. Шунинг учун тил ўзига хос метафизикага эга бўлиб, ҳар хил тилда гаплашувчи халқларга борлиқни турли тилда тасвирлаб беради. Бу фикр асосида агар Ньютон инглиз тилида эмас, бошқа, халқ тилида гапирганда, унинг коинот концепцияси тамомила бошқача бўларди, деган хулосага келади. Албатта, тил ва тафаккур узвий боғлиқ. Лекин ҳар бир тил эгаси

борлиқни ўзгача акс эттирмайди. Бир туп дарахтни инглиз, ўзбек, тожик бошқа-бошқа акс эттирмайди.

Дарҳақиқат, тил воситачилик ролини ўйнайди. Лекин бу воситачилик Б.Уорф талқинидан тамоман фарқ қилади. Борлиқ ва онг ўртасида воситачилик ролини ўйновчи тил инсон онгининг ривожланиш ва амал қилиш меъёри устидан бошқарувчилик вазифасини бажармайди, инсоннинг хулқ шакллари билан белгиламайди. Тил шу маънода воситачилик ролини ўйнайдики, усиз инсоннинг билиш фаолияти, тафаккур жараёнининг амалга ошиши мумкин эмас. Чунки тил фикрлаш қуроли ҳамдир. Лекин фикрлаш қуроли бўлиш унинг етакчилиги, тўлиқ ҳукмронлик қилиши дегани эмас.¹

2. Сепир – Уорф гипотезасининг иккинчи белгиси турли тил шакллари турли тафаккур шакллари ва меъёрларининг туғилишига олиб келади деган фикрдир. Яъни фикрлаш меъёрининг фарқланиши гўё хулқ меъёрларининг ҳам фарқланишига олиб келади. Бунга мувофиқ, бир хил вазиятда тўпланган турли тил вакиллари ўзларини турлича тутишлари керак бўлади. Лекин ҳаёт тажрибаси бу фикрни тасдиқламайди. Барча тиллар борлиқни у ёки бу даражада тўлиқ ифодалаш имкониятига эга. Ҳатто айрим халқлар ҳаётидаги реалияларни ифодаловчи сўзлар бошқа шундай реалияларга эга бўлмаган халқлар тилларида эквивалентларига эга бўлмаслиги мумкин. Шундай сўзларни ҳам бошқа тилда тавсифий йўл билан ифодалаш имконияти мавжуд бўлади. Реалияларни билдирувчи сўзлар асосида бир тилдан иккинчи тилни устун қўйиб ҳам бўлмайди. Хусусан, А.Дюма Некрасов шеърларини француз тилига таржима қилиш жараёнида “душенька” сўзининг эквивалентини топишга қийналган, шунинг учун тавсифий йўл билан “менинг кичик азиз жоним” қабилида ифодалаган.

Б.Уорф бу ўринда турли халқлар учун умумий бўлган субстанция, замон ва макон категориялари асосида тил шакллариининг тафаккур шаклларига таъсирини тушунтириб беришга ҳаракат қилади. Масофа, вақт ўлчовлари турли тилларда ўзига хос ифодаланиб, ўлчов системасида турлича қиймат касб этса ҳам, лекин умумий замон ва макон категорияси асосида бу сўзлар ифодалаган маънони бошқа тилда бериш мумкин бўлади.

Ана шунга кўра В.Звегинцев Б. Уорфга мансуб тил шакллариининг мантикий тушунчалар шаклланишига таъсири, тафаккурнинг лингвистик детерминацияси ҳақидаги тезислари илмий асосга эга эмас, деган хулосага келади.

3. Сепир – Уорф гипотезасининг яна бир жиҳати маданият тури билан тил структурасининг боғлиқлиги масаласидир. Б.Уорф тил билан маданият ўртасида тўғридан-тўғри мувофиқлик мавжудлигини таъкидлаш билан бирга, маданият ҳодисалари тил шакллариининг бевосита таъсирида майдонга келишини баён қилади. Лекин бунга Б.Уорф ҳеч қандай далил келтирмайди.

Дарҳақиқат, тил билан маданият ўртасида маълум боғлиқлик мавжуд. Аслида маданий тил халқ маданиятининг бир қисми. Лекин тил билан маданият ўртасида детерминизм, сабаб-натижа муносабати йўқ. Бунинг далили сифатида шунини кўрсатиш мумкинки, баъзи ҳолларда маълум халқ ўз

маданиятини сақлаган ҳолда, тилини ўзгартириши мумкин. Тил шакли билан маданият шакли ўзаро мувофиқ келмаган ҳолатлар ҳам учрайди. Хусусан, яқин қариндош бўлган *хута* ва *навахо* тилларида гаплашувчи қабилалар бутунлай бошқа-бошқа маданиятга эга. Аксинча, *пуэбло* ва *плейи* ҳинду қабилалари жуда яқин маданиятга эга бўлиб, тамомила бошқа-бошқа тиллардан фойдаланадилар. Ёки марказий Осиёда ўзбек ва тожик халқлари тамомила бошқа-бошқа системадаги тилларга мансуб бўлсалар-да, бири-бирига жуда яқин маданиятга эга. Демак, маданий ҳодисалар билан тил структураси ўртасида тўғрдан-тўғри сабабий тобелилик ва бевосита мувофиқлик йўқ. Шундай бўлса ҳам, улар ўртасида умумий тобелилик мавжуд. Чунки маданиятдаги ўзгариш билвосита тилда акс этади. Шу маънода маданиятнинг тилга билвосита таъсири ҳақида гапириш мумкин, лекин тилнинг маданиятга таъсири ҳақида эмас.

Шундай қилиб, Сепир – Уорфнинг лингвистик нисбийлик назарияси тилшунослик тарихида маълум давргача шов-шувга бўлган эса-да, лекин илмий хулосалари етарли исботини топмагани учун кенг оммалашмади.

ЛЮСЬЕН ТЕНЬЕРНИНГ ЛИНГВИСТИК КОНЦЕПЦИЯСИ

Ҳаёти ва илмий фаолияти

XX асрнинг йирик тилшуносларидан бири француз олими Люсьен Теньердир (1893-1954). Унинг илмий мероси микдор жиҳатдан кўп эмас. Тадқиқотчилар ҳисобига кўра, Теньер асарлари 60 номдан ошмайди. Лекин бу асарлар мавзунинг ранг-баранглиги билан мутахассисларни лол қолдиради: тилшуносликдан ташқари адабиёт, мусиқа, санъат ва ҳатто шахматга бағишланган тадқиқотлар учрайди. Олимнинг лингвистик мероси француз, немис, лотин, юнон, айниқса, рус ва славян тилларини тадқиқ қилишга бағишланган. У тилшуносликнинг грамматика, диалектология, лингвогеография, топонимика, фонология, лингвостатистика, социолингвистика сингари соҳалари бўйича қалам тебратди. Унинг илмий меросида синтаксисга бағишланган “Структур синтаксис асослари” китоби алоҳида ажралиб туради. Бу китоби билан Л.Теньер дунё тилшунослигида янги саҳифа очди. Лотин тили тобелик грамматикасининг муаллифи, машхур немис тилшуноси Х.Хапп: “Мен бу китобни XX асрнинг энг салмоқли асари, деб ҳисоблаганларнинг фикрига қўшиламан”, – дейди.

Бу китобнинг тақдири ҳам Ф.де Соссюрнинг “Умумий лингвистика курси”, Ф.Фортунатовнинг “Танланган асарлари”, А.И.Смирницкийнинг “Инглиз тили лексикологияси”, “Инглиз тили морфологияси” ва “Инглиз тили синтаксиси” китобларига ўхшайди. Бу китоблар қисматидаги ўхшашлик шундаки, уларнинг барчаси муаллифининг ўлиmidан сўнг шогирдлари ёки издошлари томонидан нашр қилинган. Яна бир умумий жиҳати шундаки, юқоридаги олимларнинг деярли барчаси (Ф.Фортунатовдан ташқари) шогирдлари ва издошлари ёрдамида нашр юзини кўрган асарлари орқали дунёга машхур бўлган.

Л.Теньер номини дунёга ёйган “Структур тилшунослик асослари” китобининг кўлёмаси касбдошлари проф. Ж.Фурке ҳамда Ф.Домлар кўлида қолади ва улар бу китобни нашр этишга эришиш учун кўп тер тўкдилар. Ноширлар мазкур китобни чоп қилишдан ўзларини тортдилар. Чунки уни ўқишга қизиқувчилар санокли бўлса керак, деб ўйладилар.

Ниҳоят, Л.Теньер ўлиmidан тўрт йил ўтгач, 1959 йилда бу китоб нашр юзини кўрди. Лекин у ўша даврда кўп мутахассислар томонидан ижобий баҳоланмади. Бир қатор такризчилар китобда жуда катта материал қамраб олинганини эътироф этганлари ҳолда, ҳозирги тилшунослик муаммолари четда қолгани, замонавий тилшунослик қўлга киритган ютуқлар эътиборга олинмагани, 1945 йилдан сўнг тилни формаллаштириш бўйича бўлиб ўтган баҳс-мунозарага муносабат билдирилмагани таъкидланади. Л.Теньер қарашларида зиддиятлар мавжудлиги, назарий қарашларнинг асослари аниқ белгиланмагани ва бошқа камчиликлар кўрсатиб ўтилди.

Бу даврда Америка структурализми ғоялари кенг тарқалган, 1957 йилда нашр қилинган Н.Чомскийнинг “Синтактик структуралар” асари катта обрў-эътибор қозонган эди. Л.Теньер китоби ва унда ишлатилган “структура” атамаси унинг муҳолифлари бўлган структурализм вакиллари қўллаган айни атама маъносига мувофиқ келмаслиги туфайли структур йўналишдаги ишлардан ажратиб қўйилди.

Китоб ноширларидан бўлган Ж.Фурке бу асарни Андерсен эртагидаги бечора ўрдакка қиёслайди. Вақтлар ўтиши билан Л.Теньернинг китоби чанг босиш ўрнига, йилдан-йилга лингвистлар диққатини торта бошлади. Яқин йигирма йил ичида бу китобнинг тўрт марта (1966, 1969, 1976, 1982) нашр қилиниши унинг йиллар ўтган сари обрў-эътибори ортиб бораётганидан далолат беради. Бу китоб кейинги ярим асрликнинг синтаксисга бағишланган энг муҳим асари сифатида баҳолана бошлади. Муаллиф тириклик чоғида бу асар эътибордан четда бўлган бўлса ҳам, ҳозирги даврда француз тилшунослигининг мумтоз намунасига айланди¹. Л.Теньер назарияси тобелик грамматикаси, валентлик назарияси, мазмуний синтаксис, шунингдек, лингвистик типология масалаларини ҳал қилишда таянч нуқта бўлиб хизмат қилади. Л.Теньер назарияси асосида шаклланган тобелик грамматикаси кўпчилик тилшунослар томонидан инглиз-саксон структурализми бағридан униб чиққан бевосита иштирокчилар грамматикасига асосий альтернатив деб ҳисобланди.

Машҳур тилшунос Эмиль Бенвенист Л.Теньернинг юқорида кўрсатилган асарининг айрим нуқталарини танқид қилган ҳолда, умуман олганда, бу китоб лингвистика тарихида ўзига хос ўрин эгаллагани, унинг аҳамияти кўп сонли стеммаларида эмас, балки нозик ва тўғри кузатишларидадир, қайси оқимга мансуб бўлишидан қатъий назар, ҳар қандай тилшунос синтаксис доирасида илгари сурилаётган фикрларнинг оригиналлигини доимо эътироф эта олади, дейди².

“Структур синтаксис асослари” китобининг

Ўзига хос жиҳатлари

“Структур синтаксис асослари” китоби Л.Теньер асарларининг гултожи саналади. Бу бир қатор муаммоларни ўз ичига олган кўп камровли асардир. В.Г.Гакнинг фикрича, асарда назарий жиҳатдан катта қизиқиш уйғотувчи учта муаммони ажратиш мумкин: а) тобелик синтаксиси талқини; б) трансляция назарияси; в) синтаксисни ўрганишга қиёсий-типологик ёндашув.

Тилшунослик тарихида грамматиканинг кўпроқ морфология қисмини ўрганишга эътибор қаратилди. Синтаксис муаммолари морфология негизида ҳал этилди. Фақат 50-йиллардан бошлаб жаҳон тилшунослигида синтаксисга қизиқиш уйғонди. Бу вақтда ғарбда Америка структуралистлари томонидан олға сурилган структур синтаксис, унинг асосий кўриниши ҳисобланган бевосита иштирокчилар (БИ) таҳлилига асосланувчи синтаксис, кейинроқ эса трансформацион таҳлилга асосланган синтаксис ривож топди.

Теньер назариясининг БИ грамматикасидан фарқи шундаки, у менталистик характерга эга. Л.Теньер структур синтаксиснинг объекти гап, гап эса сўзларнинг муносабатидан ташкил топган бутунлик эканини, гап таркибидаги сўз луғат таркибидаги сўздан фарқли равишда алоҳидалик белгисини йўқотишини таъкидлайди. Чунки гап таркибидаги сўз бошқа сўзлар билан алоқага киришади. Бу алоқаларнинг йиғиндисини гап склетини, яъни структурасини ташкил этади.

Теньер фикрича, бу алоқалар моддий ифодаланмаслиги мумкин. Лекин усиз ҳар қандай гап тушунарли бўлмайди. Шунинг учун бу алоқа инсон онги орқали аниқланади. Хусусан, *Альфред гапирди* гапи икки элементдан: *Альфред* ва *гапирди* элементларидан эмас, балки 1) *Альфред*, 2) *гапирди* ва бу икки элементни боғлаб турувчи 3) *алоқадан* ташкил топади. Синтаксисда ана шу алоқа муҳим бўлгани учун бу белги фан номи учун асос бўлиб қолганини (suntaxis юн. “жойлашиш”, “тартиб ўрнатиш”) баён қилади¹. Сўзлар ўртасидаги алоқани *синтактик алоқа чизиги* деб номланган қуйидаги график белги орқали тасвирлайди:

гапирди

Альфред

Бундай график ифода стемма атамаси билан номланади.

Кўринадики, бу стемма орқали гап (тўғрироғи, гап бўлаклари) иерархияси белгиланади.

Тилшунослик тарихида гап бўлаклари (шунга мос равишда сўз туркумлари) иерархиясининг уч назарияси тавсия этилгани маълум.

Биринчи назарияга мувофиқ (О.Есперсен, Г.Гийом), гап таркибида *эга*, сўз туркумлари таркибида *от* мутлақ ҳоким саналади. Бу нуқтаи назар *тушунча мантигига* асосланади. Унга мувофиқ, *от* (исмлар) субстанцияни,

фeъл ва сифатлар унинг акциденциясини, субстанция белгиларини ифодалайди. Шунинг учун улар от (исм)ларни аниқлаш учун хосланган.

Иккинчи назария *эга* ва *кесим*нинг тенг ҳуқуқлилигини эътироф этади ва бундай қараш анъанага айланди. Шунинг учун анъанавий синтаксисда *эга-кесим* гапнинг бош бўлаклари саналади. Бундай қараш ҳукм мантиғига асосланади. Ҳукм мантиғига мувофиқ, ҳар қандай ҳукм икки асосий аъзодан – субъект ва предикатдан ташкил топади. Бундай аъзоларга ҳукм ифодаловчи гап тузилишида *эга-кесим* мувофиқ келади.

Учинчи назария гапда кесим (фeъл) абсолют ҳоким позиция эгаллашини эътироф этади. Бу назария гапнинг коммуникатив аспектига асосий эътиборни қаратади. Кесимни предикатив категориянинг ташувчиси, гапнинг уюштирувчи тугуни деб баҳолайди. Эга, тўлдирувчи, ҳол кесим орқали бир-бири билан боғланади, деб қаралади. Бундай қараш тилшуносликда *вербоцентрик* (фeъл марказли) назария деб юритилади. Л.Теньер ана шу учинчи йўналишнинг асосчиларидан бири саналади. Бундай назариянинг илдизи аслида Пор-Рояль грамматикасига бориб тақалади. Унда фақат фeългина ҳукм ифодалаб, гапни шакллантириши ва коммуникатив бирлик сифатида етакчи ўринни эгаллаши ҳақида фикр юритилади. Кўп жилдлик француз тили грамматикаси (1911 – 1940) муаллифлари Ж.Домурет ва Э.Пишонлар ҳам семантик аспектда гапнинг асосий компоненти фeъл, кўшимча компоненти от (исм) бўлса, структур аспектда фeъл бош бўлак (*regent*), от (исм) унга тобе бўлак (*regime*) бўлишини баён қилган эдилар.

Л.Теньернинг хизмати шундаки, у вербоцентрик концепцияни ўз синтактик назариясининг етакчи тамойили қилиб олди¹. Л.Теньер ўз концепциясини асослар экан, ўзигача бўлган субъект-предикат структурага таянувчи анъанавий концепция мантиқий назария бўлганини, вербоцентрик назария эса соф лингвистик назария эканини таъкидлайди. В.Г.Гак вербоцентрик назария ҳам мантиққа асосланганини, фақат субъект-предикат мантиққа эмас, балки XIX асрда анча эътибор қозонган муносабат мантиғига асосланганини кўрсатиб ўтади. Бунга мувофиқ жумланинг маркази предикат саналади. Унга тобе бўлақлар аргументлар ҳисобланади. Бундай муносабат aRb формуласи билан ифодаланади. Яъни предикат (R) маълум субстантив аъзолар – аргументлар (a,в) билан муносабатга киришади. Гапнинг эгаси ҳам актант (аргумент)лар сирасида туради.

Л.Теньер гапнинг структур бирликларини гап таркибида бажарадиган вазифаларига қараб даражаларга ажратди. Структур бирликлар вазифаларига кўра предикат, актант ва сирконстантларга ажратилди ҳамда уларга мазмуний моҳият сифатида қаралди. Бу билан у мазмуний синтаксиснинг шаклланиши учун замин яратди. Олим гапни кичик бир драма ҳисоблайди. Унда ҳар бир аъзо маълум бир ролни бажаради.

Дарҳақиқат, ҳар бир драмада ҳаракат, ҳаракат қилувчи шахс ва ҳолат (вазият) мавжуд. Л.Теньернинг айтишича, драматик реалликдан структур синтаксис планига ўтилса, ҳаракат, актёрлар ва ҳолатлар фeъл, актант ва сирконстантларга мувофиқ келади. Актантлар жараёнда иштирок этаётган

хар қандай шахс ёки предметлар, яъни отлар ва унинг эквивалентлари, сирконстантлар эса жараённи кенгайтириш учун хизмат қилувчи ҳоллар (пайт, сабаб, мақсад, ўрин сингари)дир. Аслида бундай ўхшатиш чех тилшуноси Алберт Сешега мансуб бўлса ҳам, лекин у Л.Теньер асари орқали оммалашиб кетди.

Л.Теньер фикрига кўра, гап орқали ифодаланган вазият предметлари гап тузилишида бажарган ролинг акс этиши актантлар ҳисобланади. У актантларни гапдаги ролига қараб биринчи, иккинчи ва учинчи актантларга бўлади ва бундай даражаларга ажратишда семантикага таянади. Хусусан, ҳаракатни бажарувчи – биринчи актант, объект – иккинчи актант, адресантни – учинчи актант ва бошқ. Кейинчалик мазмуний синтаксиснинг ривожланиши натижасида актантлар аниқ бир-бирдан фарқлана бошлади.

Л.Теньернинг актантлар назарияси Америка тилшуноси Ч.Филлморнинг келишиклар грамматикаси, К.Хегерснинг актант модели сингари йўналишлари шаклланишига туртки бўлди.

Л.Теньернинг тилшуносликка қўшган муҳим ҳиссаси валентлик назариясидир. Феълнинг маълум миқдордаги актантларни бошқариш қобилияти Л.Теньер томонидан валентлик сифатида белгиланади. У феълларни валентлик хусусиятига қараб тўрт гуруҳга бўлади. Валентлик билан феъл диатезаси ўртасидаги алоқага эътиборини қаратди. Шунини таъкидлаш керакки, валентлик деганда, Л.Теньер фақат феъл валентлиги билан чекланиб қолмайди. У гап структурасининг марказий тугуни одатда феъл асосида ҳосил бўлишини таъкидлаган ҳолда, унинг ўрнида от, сифат ёки равишлар асосида ҳосил бўлган тугунлар ҳам келиши мумкинлигини кўрсатади. Ана шу ғояни давом эттирган ҳолда ҳозирги тилшуносликда валентлик фақат феълларгагина эмас, балки бошқа сўз туркумларига ҳам хос экани эътироф этилмоқда. Валентлик мажбурий ва факультатив дея таснифланмоқда.

Валентлик назарияси синтактик бирликларнинг ўзаро алоқасини белгилашга қулай имконият яратди.

Синтактик алоқа, унинг фикрича, тобелик муносабатида бўлган сўзлар орқали юзага чиқади. Олим синтактик алоқаларни иерархия ҳолида кўради. Шунинг учун синтактик алоқа деганда юқоридаги элементнинг қуйидаги элемент билан боғланишини тушунади. Юқорида турган элемент *бошқарувчи* ёки *ҳоким*, қуйидагиси эса *тобе* ҳисобланади. Масалан, Альферд *гапирди* гапида *гапирди* ҳоким, Альфред тобе элемент саналади.

Нутқ занжирида сўз бир вақтда бир сўзга тобе, бошқасига ҳоким бўлиши мумкин. Масалан, *Менинг ўртоғим гапирди* гапида *ўртоғим* сўзи бир вақтнинг ўзида *гапирди* га тобе, *менинг* сўзига ҳоким бўлади. Унинг фикрича, ҳеч қандай тобе сўз бирдан ортиқ бошқарувчига боғлиқ бўлмайди. Бошқарувчи элемент эса, аксинча, бир қанча тобе элементни бошқариши мумкин. Ҳоким қисмининг тобе қисм билан муносабати *тугун* тушунчасининг туғилишига олиб келди. Л.Теньер бир ёки бир неча тобе элементга эга бўлган ҳар бир бошқарувчи (ҳоким) *тугун* ҳисобланишини таъкидлайди¹. Синтактик

алоқа каби тугунлар ҳам устма-уст жойлашиб, иерархияни ташкил қилади. Шундай қилиб, синтактик алоқалар иерархияси билан бирга тугунлар иерархияси ҳам мавжуд бўлади.

Гапдаги барча сўзларни бевосита ёки билвосита ўзига эргаштириб келган сўздан ҳосил бўлган тугун *марказий тугун* ҳисобланади. Бундай тугун бутун гапнинг марказида туради ва гапнинг барча элементларини бир бутунга бирлаштириб, структур яхлитлигини таъминлайди. Унинг таъкидлашича, марказий тугун кўпроқ феълдан ҳосил бўлади. Айни пайтда бошқа сўзлардан ҳам пайдо бўлиши мумкинлиги кўрсатилади.

Л.Теньер синтактик назариясида *стемма* тушунчаси ҳам муҳим аҳамият касб этади. *Синтактик алоқаларни акс эттирувчи чизиқлар йиғиндисини стемма ҳисобланади.* Демак, стемма гап элементлари ўртасидаги иерархик алоқани, барча тугунларни схематик кўрсатиб беради. Бошқача айтганда, гапнинг структур схемаси саналади².

Л.Теньер тил ва нутқни фарқлаган ҳолда, нутқ занжири тадқиқига алоҳида эътибор қаратади. Эшитиш аъзоларимиз орқали қабул қилинадиган товушлар кетма-кетлиги нутқ занжири саналади. Нутқ занжири, унинг фикрича, бевосита сезги аъзоларимизга берилган нутқ. У бир ўлчовли характерга эга, бир чизиқда ётгандай тасаввур қилинади. Шу билан бирга вақт нуқтаи назаридан бири иккинчисидан сўнг талаффуз қилинади. Вақтни орқага қайтариб бўлмаганидек, нутқ занжирини ҳам ортга қайтариб бўлмайди. Шунинг учун у чизиқли табиатга эга. Чизиқлилиқ нутқ элементларининг кетма-кет жойлашувидир. Нутқ элементларининг бундай жойлашуви *чизиқли тартибни* ташкил қилади.

Л.Теньер чизиқли ва структур тартибни фарқлайди. Унинг фикрича, структур синтаксис асосида структур тартиб билан чизиқли тартиб муносабати ётади. Гапнинг стеммаларини белгилаш чизиқли тартибни структур тартибга айлантириш ҳисобланади.

Л.Теньер таъбири билан айтганда, муайян тилда гапириш структур тартибни чизиқли тартибга айлантиришни билишдир. Айни пайтда тилни тушуниш – бу чизиқли тартибни структур тартибга айлантира олиш демакдир.

У чизиқли тартиб билан структур тартиб ўртасида антиномия борлигини, структур тартибда бир ҳоким элемент бир нечта тобе элементни эргаштириб келиши мумкин бўлса, нутқ занжирида бир элемент иккитадан ортиқ сўз билан қўшничилик қила олмаслигини кўрсатиб беради.

Айни пайтда ана шундай антиномия гапнинг структур ва семантик планлари ўртасида ҳам мавжуд эканини баён қилади. Бу ўринда у структура деганда гапнинг шаклий тузилишини назарда тутаяди. Унинг таъкидлашича, бу икки томон ўртасида *айнийлик* (ўхшашлик) йўқ, лекин *параллелизм* мавжуд. Структур томоннинг объектлари семантик томоннинг объектларини ифодалайди. Бу параллелизм элементлар ўртасидаги алоқада намоён бўлиши кўрсатилади. Элементлар ўртасидаги структур алоқа билан семантик алоқа ўртасида муносабат мавжуд. Масалан, *кичкина ариқча* бирикмасида *кичик*

сўзи *ариқча* билан синтактик боғланган. Шу билан бирга улар ўртасида семантик алоқа ҳам мавжуд. Муаллиф таъбири билан айтганда, *кичиклик* ғояси *ариқча* ғоясига мансуб. Айни пайтда синтактик ва семантик алоқалар ўртасида фарқ бор. Бу икки алоқа қарама-қарши йўналишга эга.

Кўринадики, Л.Теньер гапнинг юқорида қайд этилган икки структураси ўртасидаги муносабатга эътибор қаратиш билан мазмуний синтаксисда шакл ва мазмун ўртасидаги асимметрик муносабат юзасидан қатор тадқиқотларнинг юзага келишига замин яратди.

Л.Теньернинг лингвистик концепциясида лисоний қайта ҳосил қилиш назарияси ҳам муҳим ўрин эгаллайди. Лисоний қайта ҳосил қилишнинг аҳамияти ҳақида фикр юритар экан, у *юнкция* ва *трансляцияга* урғу беради. Юнкция ва трансляция ёрдамида содда таянч (асос) гапдан хоҳлаганча мураккаб гапларни ҳосил қилиш мумкинлигини кўрсатади. Уларнинг ҳар бири китобда алоҳида бобларда атрофлича баён қилинади. Айниқса, сўзларнинг бир функционал синфдан бошқасига ўтиш ҳодисаси саналадиган трансляция ҳақидаги фикрлари кейинчалик ўқувчилар диққатини жалб қилди.

Унинг таъкидлашича, гапни кенгайтириш учун хизмат қилувчи бир нечта бир хил типдаги тугунларнинг бирикуви юнкция, юнкция маркерланган сўз эса юнктив ҳисобланади¹. Бу ҳодиса Л.Теньергача ҳам транспозиция атамаси остида ўрганилган ва у А.Сеше, Ш.Баллиларнинг ҳам диққатини тортган эди. Айниқса, Ш.Балли транспозициянинг грамматик моҳиятини чуқур таҳлил қилган ва бу жараённинг уч компонентдан (транспоненд – бошланғич шакл, транспозитор – транспозиция воситаси, транспозит – транспозиция ҳосиласи) ташкил топишни кўрсатиб берган эди.

Л.Теньернинг лингвистика олдидаги хизмати шундаки, у бу ҳодисани атрофлича таҳлил қилиб берди, трансляциянинг бутун типологиясини яратди.

Л.Теньер трансляциянинг икки даражасини фарқлайди: биринчиси сўзнинг бир функционал синфдан иккинчисига ўтиши, иккинчиси – гапнинг феъл ядроси бошқа категорияга (эргаш гапларга) ўтиши. Л.Теньер биринчи даражадаги трансляциянинг тўққиз турини ажратади.

Л.Теньернинг сўз туркумлари ҳақидаги қарашлари ҳам ўзига хослиги билан ажралиб туради. Сўзларни туркумларга ажратиш антик даврдан буён олимлар диққат марказида туради. Шундай бўлишига қарамасдан, бу масала атрофида ҳамон баҳс-мунозаралар тўхтамайди. Бир қатор тилшунослар “сўз туркумлари” атамаси ва бу атама ифодалаган тушунчадан умуман воз кечишни, унинг ўрнига “синф”, “лексик категория” сингари атамалар ва тушунчаларни тавсия қиладилар. Л.Теньер ҳам анъанавий сўз туркумлари таснифига танқидий муносабатда бўлди. У сўз туркумларининг анъанавий таснифи таснифга асос бўлган белги нуктаи назаридан ҳам ўзини оқламайди, дейди. Чунки бу тасниф бир вақтнинг ўзида уч белгига – сўзнинг шакли, унинг гапдаги позицияси ва маъносига таянади. Л.Теньер “сўз туркумлари” атамаси ўрнига “сўз категорияси”ни қўллаган ҳолда, бу категорияни

қўйидаги зидланишлар асосида тасниф қилади: а) “тўлиқ” сўзлар ва фақат грамматик вазифа бажарувчи “бўш” сўзлар. Тўлиқ сўзларни от, феъл, сифат ва равишларга ажратади, субстанцияни билдирувчилар – от, жараённи билдирувчилар – феъл, субстанция хусусиятини билдирувчилар – сифат, жараён хусусиятини билдирувчилар – равиш. Бўш сўзларни эса юнктивлар (тенг боғловчилар), транслятивлар (қўмакчилар ва эргаштирувчи боғловчилар), маркерлар (артикл ва бошқ.)га бўлади. Анафорик сўз (олмошлар типидеги) ва сўз-гапларни (ундов ва бошқ.) алоҳида гуруҳга киритади; б) гапда мустақил роль ўйнамайдиган конститутив ва ёрдамчи сўзлар (артикл, предлог ва бошқ.); в) ўзгарувчи ва ўзгармас сўзлар.

В.Г.Гакнинг таъкидлашича, Л.Теньер таснифининг ижобий томони номинация типига мос ҳолда сўзларни тўрт типга – 1) мустақил, 2) ёрдамчи (бўш сўзлар), 3) олмош (анафорик), 4) сўз-гапларга ажратишидир. Л.Теньер гарчи сўзларнинг анъанавий тасниф асосини танқид остига олса-да, ўзи ҳам уларни 9 категорияга ажратишда урта белгига – сўзнинг шакли, синтактик функцияси ва маъносига таянади¹.

Шундай қилиб, Л.Теньер тилшуносликда вербоцентриқ назариянинг, тобелиқ грамматикасининг асосчиси сифатида катта шухрат қозонди. Унинг валентлиқ назарияси, гап бўлақларининг иерархияси, шакл ва мазмун ўртасидаги муносабат ҳақидаги фикрлари бугунги тилшуносликда янги-янги тадқиқотлар яратилишида назарий асос бўлиб хизмат қилиши мумкин.

ЭМИЛЬ БЕНВЕНИСТНИНГ ЛИНГВИСТИК КОНЦЕПЦИЯСИ

Тилшунослик тарихида француз тилшуноси Эмиль Бенвенистнинг номи ҳам алоҳида ажралиб туради. Ю.Степановнинг эътироф этишича, у ўтган асрнинг 70-йиллари тилшунослигининг йирик вакили саналади. Э.Бенвенист бирор лингвистик тўғарак ёки йўналишнинг раҳбарларидан бўлмаган, анъанавий тилшуносликка ҳам, структуралистлар гуруҳига ҳам кирмаган ҳолда, тилшунослик йўналишларининг юқоридаги икки қутбидан холи равишда тилни ўрганишнинг ўзига хос концепциясини ишлаб чиқа олди.

Структурализм тилшуносликни кўп жиҳатдан бойитгани ҳолда, XX асрнинг 60-йилларида «анъанавий ёки догматик структурализм»га айланди. Ю.Степанов таъкидлаганидек, барқарор лингвистик мерос лингвистиканинг шохлари, шохобчалари эмас, балки марказий танаси билан боғлиқдир. Лингвистиканинг шохлари қандайдир чегараланганлик белгисига эга бўлса («амалий», «математик», «системавий» каби), марказий тана – бу том маънодаги лингвистикадир. Шохлар қанчалик зарур бўлмасин, барибир, танасиз яшай олмайди. Лингвистиканинг худди ана шу марказий йўналиши доирасида тилшуносликнинг муҳим тушунчалари сақланади ва тобора аниқлик касб этиб боради. Шунинг билан унда тилшунослик олдига янги муаммолар қўйилади ва бу муаммоларни ечиш учун янги махсус шохлар,

тармоқлар пайдо бўлади. Шундай қилиб, лингвистик шаҳобчалар унинг ўзагини, танасини бойитиб боради.

Э.Бенвенистнинг лингвистик мероси ана шу тананинг равнақи учун хизмат қилди.

Э.Бенвенистнинг фалсафий қарашлари

Э.Бенвенистнинг фалсафий қарашлари «лингвистика таракқиётига бир назар» мақоласида маълум даражада ўз ифодасини топган. У тилнинг шакл ва функциясига эътиборни қаратган ҳолда, шакл билан бир вақтда функция таҳлилига диққат жалб қилинишини таъкидлайди. Тилнинг функцияси, унинг фикрича, борлиқни «қайта ишлаш»дан иборатдир. Бошқача айтганда, борлиқ тил орқали онгда қайта ҳосил қилинади, яъни акс эттирилади. Шу билан Э.Бенвенист борлиқнинг объективлигини, унинг инсон сезги аъзоларига таъсир қилишини эътироф этади. Сўзловчи шахс воқелиқни нутқи орқали қайта жонлантиради. Тингловчи эса, аввало, нутқни қабул қилади ва унинг воситасида воқелиқни англайди. Шундай қилиб, вазият тилдан ажралмасдир. У нутқ актига икки ёқлама вазифа – сўзловчи учун борлиқни қайта гавдалантириш, тингловчи учун эса борлиқни қайта яратиш вазифасини юклайди. Бу эса тилни индивидлар ўртасида коммуникация қуролига айлантиради.

Бу ўринда файласуфлар ҳал қилиши лозим бўлган муҳим нарса – борлиқ ва онгнинг адекватлиги масаласига дуч келинишини баён қилади. Лингвистлар тилсиз тафаккур мавжуд эмаслигини, оламни билиш билишнинг ифодалаш воситалари билан боғлиқ эканини таъкидлайдилар. Э.Бенвенистнинг таъкидлашича, тил оламни ўз ички тузилишига бўйсундирган ҳолда қайта ишлайди. Тил – бу қадимги юнонлар тушунганларидек нутқ ва ақл бутунлигини билдирувчи *логос*дир. У қисмларга бўлиниш хусусиятига эга. Тил схемасига мос равишда акустик сигналлар орқали ифодаланган мазмун ҳам қисмларга бўлинади. Тафаккур «шакли» тил структураси орқали берилади. Тил ҳам ўзининг категориялари системасида воситачилик вазифасини намоён қилади. Ҳар бир сўзловчи у билан бир хил тилда гаплашувчи, ихтиёрида бир хил шакллар йиғиндиси ва бир хил жумлалар синтаксиси ҳамда бир хил мазмунни шакллантириш усулига эга бўлган тингловчига қарама-қарши қўйилгандагина коммуникация субъекти сифатида хизмат қилади. Фақат тилда ва тил орқали шахс ҳамда жамият бир-бири билан боғланади.

Э.Бенвенистнинг фикрича, фақат тил туфайли шахс мавжуддир. Болада онгнинг ўсиши доимо унинг индивид сифатида жамиятга олиб кирувчи тилни эгаллаш даражасига мувофиқ келади. У индивиднинг ҳам, жамиятнинг ҳам мавжуд бўлиши нима учун тилга асосланади, деган саволга жавоб берар экан, тил инсонга хос бўлган энг олий даражадаги қобилият бўлган символлаштиришни намоён қилади, дейди. Шунинг учун ҳам у тилнинг белгилар системаси эканини эътироф этади. Символлаштириш атамаси

остида объектив борлиқни белгилар воситасида гавдалантириш (репрезентация қилиш) қобилияти, белгини эса объектив борлиқнинг вакили, бир нарсанинг маъноси билан бошқа нарсанинг маъноси ўртасида муносабатни ўрнатиш қобилияти сифатида тушуниш лозимлигини айтади.

Унинг фикрича, символни қўллаш – бу қандайдир объектнинг характерли структурасини белгилаш ва ундан сўнг бошқа бир қанча объектлар билан бирлаштиришни билиш демакдир. Ана шу хусусият фақат инсонга хосдир ва у инсонни ақлли мавжудотга айлантиради.

Э.Бенвенист символлаштириш қобилияти тушунчани шакллантиришга имконият туғдиришини, у инсондагина мавжудлигини таъкидлайди. Э.Бенвенист асалари ўйинларини ҳам ахборот ташиш вазифасини бажаришини баён қилган ҳолда, инсон ва ҳайвонларни ўзаро фарқлаб турган чегара қаерда, деган сўроққа жавоб берар экан, «ҳайвон тили» ҳақида гап кетганда, бир-бирига аралаштириб юборилаётган иккита тушунчани: сигнал ва символни фарқлаш лозимлигини уқтиради.

Унинг баён қилишича, сигнал – бу табиий ёки конвенционал нуқтаи назаридан бошқа физик ҳодиса билан боғланган физик ҳодисадир. Масалан, чакмоқ момақалди роқ ҳақида, қўнғироқ тушлик ҳақида, қичқирик хавф ҳақида ахборот беради. Ҳайвон сигнални қабул қилиши билан жавобга ҳозирланади. Бу Ч.П.Павловнинг машҳур шартли рефлекс ҳақидаги таълимотидан ҳам маълум. Инсон ҳам сигналга жавоб қайтаради. Ундан ташқари инсон ўзи томонидан *ўрнатиладиган символдан* ҳам фойдаланади. Символни сезги аъзолари томонидан қабул қилиш билан бирга унинг маъносини билиш, талқин этиш керак бўлади. Чунки символ ўзи символлаштираётган нарса билан табиий боғланишга эга эмас. Унинг фикрича, инсон символларни яратади ва тушунади, ҳайвонлар эса бундай хусусиятга эга эмас. Баъзан ўргатилган ҳайвонлар нутқ билишини айтадилар. Аслида у сўздаги сигналга ўргатилганини, сўзни символ сифатида талқин қилолмаслигини, шунинг учун ҳам ҳайвон эмоцияларини *ифодалаши*, лекин уни номлай олмаслигини таъкидлайди. Э.Бенвенистнинг таъкидлашича, ҳайвонларда мавжуд бўлган ифода воситаларини тилнинг ибтидоси ҳам, унга яқинлашган нарса ҳам деб бўлмайди. Сенсор-мотор функция билан гавдалантириш (репрезентатив) функцияси ўртасида фақат инсонгина босиб ўтиши мумкин бўлган остона мавжуд. Чунки инсон икки марта – бир марта тилсиз, иккинчи марта тил билан яратилмаган. Homo sapiensнинг ҳайвонот оламидан ажралиб чиқиши унда тафаккур, тил ва жамиятнинг умумий манбаси бўлган символик гавдалантириш (репрезентация) қобилияти пайдо бўлиши билан боғлиқдир.

Э.Бенвенист символлаштириш қобилияти тафаккур функцияси асосида ётишини, тафаккур нарсалар тасаввурини яратишини, у табиатан символик эканини баён қилади. Тафаккур оламни фақат акс эттирибгина қолмасдан, борлиқни категориялаштириш учун ҳам хизмат қилишини, бу вазифани бажаришда тил билан зич боғланишини айтади. Дарҳақиқат, инсоннинг символлаштириш қобилияти тил орқали ўз ифодасига эга бўлади. Чунки тил

асосан символик табиатга эгадир. Унинг фикрича, коммуникациянинг бошқа воситалари (масалан, график, имо-ишора) ёрдамчи бўлиб, барибир, тилни тақозо қилади. Шунинг учун у тилнинг икки ёқлама ташкил топган алоҳида символик система эканини таъкидлайди.

Э. Бенвенист лингвистик қарашларининг асосий жиҳатлари

Э.Бенвенист лингвистик концепциясига Ф.де Соссюрнинг таъсири жуда катта. Бу тилнинг система экани, белгилар системаси экани тилнинг структураси иерархик табиатга эгалиги ҳақидаги қарашларида аниқ намоён бўлади. У «Лингвистика тараққиётига бир назар» мақоласида лингвистиканинг ўрганиш объекти тил ва тиллар ҳақидаги фанларни ўз ичига олишини, инсоннинг универсал ва барқарор тавсифи, инсон қобилияти сифатидаги тил биринчисининг, доимо ўзгариш-ривожланиш хусусиятига эга бўлган алоҳида тилларда воқеланиши эса иккинчисининг ўрганиш объекти экани, лингвист, энг аввало, алоҳида тилларни ўрганиш билан шуғулланиши, лингвистика эса тиллар назарияси эканини таъкидлайди. Шу билан бирга лингвистика тарихини уч босқичга ажратган ҳолда, Ф.де Соссюр қарашлари тилшуносликнинг янги даврини бошлаб берганини кўрсатади. Бу давр тилшунослигининг ўзига хос хусусияти сифатида «лингвистиканинг объекти тил фалсафаси ҳам, тил шакллари эволюцияси ҳам эмас, балки, энг аввало, тилнинг имманент реаллиги»ни эътироф этиш эканини, бунинг натижасида лингвистика формал, қатъий, систематик фанга айланаётганини баён қилади.

Ф.де Соссюрдан намуна олган тилшунослар тилни «ўзида ва ўзи учун» ўрганиш билан, ҳозирги тилшуносликда асосий ўринни эгаллаган тилнинг системавийлик тамойилини эътироф этганларини кўрсатади. Шу билан бирга *структура* лингвистиканинг иккинчи таянч атамасига айланаётганини, тил структураси маълум тамойиллар асосида бирлашган шаклий элементлардан ташкил топишини эътироф этади. *Структура* деганда маълум сатҳ бирликларининг бир-бири билан боғланиши учун асос бўлган *муносабат* типлари тушунилади.

Э.Бенвенист Ф.де Соссюрнинг *муносабат* ҳақидаги қарашларига ҳам алоҳида диққат қилади. Унинг фикрича, системанинг ҳар қандай бирлиги бошқа шундай бирликка бўлган муносабати ва киришган зидланишлар йиғиндиси билан белгиланади. Ана шунга асосланган ҳолда, Э.Бенвенист лингвистик фактларни бир-биридан ажралган ҳолда, таҳлил қилишдан воз кечади. Ҳар қандай лингвистик бирликларнинг моҳиятини система доирасида, бир-бири билан муносабатда очишга ҳаракат қилади. Шундай қилиб, тил назарияси белгилар системаси ва бирликлар иерархияси сифатида шаклланади.

Э.Бенвенист Ф.де Соссюр концепциясини қиёсий-тарихий тилшунослик концепциясидан фарқлар экан, олдинги тилшуносликдаги тил *фактларининг* позитивистик тушунчаси Соссюр концепциясида *муносабат*

тушунчаси билан алмаштирилганлиги, ҳар бир элементни ўзига қараб талқин қилиш ва унинг сабабини олдинги даврлардан қидириш, яъни «атомизм» ўз ўрнини «структурализм»га бўшатиб берганини таъкидлайди.

Шунингдек, тил бирликлари бир вақтнинг ўзида синтагматик ва парадигматик планга мансуб, деган фикрни ҳам маъқуллайди. Синтагматик муносабат деганда нутқ занжирида лисоний бирликларнинг кетма-кет жойлашувини, парадигматик муносабат деганда эса ўзи мансуб бўлган сатҳда ва формал синфида бир-бири билан алмаштириш мумкин бўлган муносабат тушунилишини баён қилади.

Бу муносабатларни тавсифлаш, аниқлаш тилнинг формал структурасини белгилаш демакдир. Ана шундай йўл билан формаллаштириш тилни маъноли бирликларга ажратиш йўли билан уни конкретлаштиришга олиб келади. Саноксиз, тасодифий «ходисалар» ўрнига бармоқ билан санарли бирликларни ажратишимиз мумкин бўлади ва уларнинг тақсимланиши, комбинациялари орқали тил структурасини тавсифлашга эришилади, дейди.

Тил шакли маълум структурани гавдалантиради. Э.Бенвенист унинг қуйидаги белгиларини ажратади: 1) у қисмлари устидан ҳукмронлик қиладиган бир бутун бирлик саналади; 2) қисмлари маълум барқарор тамойиллар асосида шаклий тартибга солинади; 3) бутуннинг барча қисмлари у ёки бу *функция* бажариши туфайли шаклий-структур характерга эга бўлади; 4) бу қисмлар маълум бир сатҳнинг бирликлари саналади ва бир сатҳнинг ҳар бир бирлиги ўзидан юқорироқ сатҳнинг кичик бирлигига айланади.

Унинг фикрича, тил ифодалаш томонидангина эмас, балки барча сатҳларда фарқлаш хусусияти билан ҳам характерланади. Тил бирликларининг қуйидаги фарқланишлари ва уларнинг вазифаларини белгилайди:

- тушанчалар инвентарини аниқлашга имкон берувчи лексемаларни фарқлаш;
- шаклий синф ва кичик синфлар инвентарини ҳосил қилувчи морфемаларини фарқлаш;
- маъно билан боғланмаган фонологик инвентарни ҳосил қилувчи фонемаларни фарқлаш;
- фонемаларни бир синфга бирлаштирувчи белгиларни, яъни «меризмалар»ни фарқлаш.

Дескриптив ёндашув, системавийлик тушунчаси, таҳлилни элементар бирликка қадар олиб боришга интилиш – буларнинг ҳаммаси ҳозирги лингвистиканинг муҳим белгиси эканини таъкидлайди.

Ф.де Соссюрнинг структура ва система ҳақидаги қарашлари «Лингвистикада структура тушунчаси» мақоласида ҳам таҳлилга тортилади.

Шунингдек, Ф.де Соссюр олға ташлаган тилнинг белгилари табиати, тилшуносликнинг семиология фанлари системасига кириши ҳақидаги ғоялари «Тил семиологияси», «Тил белгиси табиати» мақолаларида

ривожлантирилади. Лингвистик белги, унинг ички тузилиши, ифодаловчи ва ифодаланмиш ўртасидаги муносабат атрофлича ёритилади.

Э.Бенвенист Ф.де Соссюрдан фарқли равишда лингвистик белгининг ифодаланмиши билан ифодаловчиси ўртасидаги муносабат эркин эмас, балки боғлиқдир деган хулосага келади. Унинг фикрича, лингвистик белгининг товуш томони билан тушунча (ифода) томони бирлиги сўзловчи онгида муҳрланган. Шунинг учун *хўкиз* товушлар кетма-кетлигини эшитган ҳар қандай ўзбек тили вакили уни объектив борлиқдаги «хўкиз» предмети билан боғлайди. Шунинг учун белгининг ифодаловчи ва ифодаланмиш томонлари бир бутун ҳолда сўзловчи онгида олдинги авлоддан мерос сифатида муҳрланади. Бу эса белгининг шакл ва мазмуни ўртасидаги муносабат сўзловчи учун боғлиқ эканини кўрсатади.

Олим «Соссюр ярим аср ўтгандан сўнг» мақоласида Ф.де Соссюр меросига юқори баҳо беради. У ҳозирги кунда Ф.де Соссюрдан озикланмаган, ундан қарздор бўлмаган бирор лингвист йўқлигини таъкидлайди. У йигирма бир ёшида «Ҳинд-оврупо тилларида дастлабки унлилар системаси» асарини ёзиб, қиёсий грамматиканинг муҳим муаммосига қўл ургани ва башоратгўйлик қилгани, бу асар ёзилгандан 50 йил ўтгач, 1927 йилда Е.Курилович томонидан дешифровка қилинган хетт тилида Ф.де Соссюр башорат қилган сонант унли аниқланганини ҳаяжон билан баён қилади.

Ф.де Соссюрнинг тилшунослиқдаги катта хизмати объектни иккиланган ҳолда, зиддиятда ўрганиш эканини таъкидлайди. Унинг бош тамойили тил, қайси томондан ўрганилишидан қатъи назар, бирининг мавжуд бўлиши иккинчисини тақозо этувчи икки томонлама объект эканидир, дейди. Бу Э.Бенвенист томонидан Соссюр таълимотининг марказий нуқтаси деб баҳоланади. Шунинг учун ҳам тилдаги барча нарсаларда оппозитив дуализм муҳри сезилишини ёзади. Улар қуйидагилар саналади:

- артикуляцион-акустик дуализм;
- товуш ва маъно дуализми;
- индивид ва жамият дуализми;
- тил ва нутқ дуализми;
- моддийлик ва моддийсизлик (носубстанциаллик) дуализми;
- ассоциативлик (парадигматиклик) ва синтагматиклик дуализми;
- ўхшашлик ва қарама-қаршилик дуализми;
- синхрония ва диахрония дуализми ва бошқ.

Э.Бенвенист Ф.де Соссюр меросига эллик йилдан сўнг баҳо берар экан, лингвистика унинг таъсирида инсон ва жамият ҳақидаги фанлар ичида фундаментал аҳамият касб этгани, катта янгилашни хусусиятига эга бўлгани, ундан ўқувчиларга ўтган учкун тобора алангаланиб бораётгани ва бунда Соссюр иштироки сезилиб турганини баён қилади.

Э.Бенвенист тилнинг система экани, унинг ички тузилишини эътироф этиш билан бирга, тилнинг ички тузилиши поғонавий табиатга эгаллигига

эътиборини қаратади ва «Лингвистик таҳлил сатҳлари» асарида тилни сатҳларга ажратади.

Унинг фикрича, фақат *сатҳ* тушунчаси орқалигина тилнинг энг муҳим хусусияти бўлган *қисмларга бўлиниш характери* ва *элементларининг дискретлиги* хусусиятини тўғри ёрита оламиз. Фақат шу тушунчагина тилнинг бутун ва бўлак тузилиши ўзига хослигини аниқлашга ёрдам беради.

Сатҳларга ажратишнинг бутун мақсади муносабатлар асосида *элементларни* аниқлашдан иборатдир. Бундай жараён бир-бири билан алоқадор бўлган ва қолганлари ҳам шундан келиб чиқадиган иккита операцияга боғлиқ дея таъкидланади: 1) сегментация ва 2) субституция.

Ҳар қандай чўзиқликдаги матн, энг аввало, бўлинмас даражага етгунча кичик парчаларга бўлиниши лозим. Шунга параллел равишда субституция ёрдамида элементлар ўхшатилади. Масалан, гап таркибидан битта сўз ажратилади ва у морфемаларга бўлинади. Айни пайтда морфеманинг бир товуши шунга ўхшаш бошқа бир товушга алмаштирилади. Шундай қилиб, субституция ва сегментация бир-биридан фарқ қилади. Сегментация элементларнинг кетма-кетлигига, субституция эса ўхшаш элементларнинг бири ўрнига иккинчисини қўйиш, яъни алмашилиш муносабатига асосланади.

Субституцияни сегмент бирлик сифатида ажралмайдиган элементларга ҳам қўллаш мумкин. Масалан, сегментациянинг охирги чегараси сифатида фонемани ажратиш мумкин бўлади. Фонема эса, ўз навбатида, дифференциал белгиларга парчаланadi. Лекин бу парчаланган элементлар сегмент бирликлар ҳисобланмайди. Хусусан *д* фонемаси тил олдилик, портловчилик, жаранглилик белгиларига эга. Уларнинг ҳеч бири артикуляциядан ташқари ўз-ўзини намоиш қила олмайди. Улар ўртасида синтагматик муносабат ўрнатиш ҳам мумкин эмас. Лекин уларнинг ҳар қайсиси учун субституция муносабатини ўрнатиш мумкин: портловчилик белгисини сирғалувчилик белгисига, жаранглилик белгисини жарангсизлик белгисига алмаштириш мумкин. Шундай қилиб, энг кичик элементларнинг иккита синфи ажратилади: бир вақтнинг ўзида сегментация ва субституцияга берилadиган энг кичик элементлар – фонемалар; фақат субституцияга берилadиган энг кичик элементлар – фонемаларнинг фарқловчи белгилари саналади.

Сегментация ва субституция тамойили асосида Э.Бенвенист тилнинг куйидаги сатҳларини ажратади:

Категорематик сатҳ (гап сатҳи)

Белги	Лексик сатҳ
сатҳи	Морфемик сатҳ

Фонематик сатҳ белги элементлари

Меризматик сатҳ сатҳи

Э.Бенвенист категорематик сатҳдан бошқа барча сатҳларнинг номи тил бирликларига мувофиқ эканини, яъни фонематик сатҳ – бу фонемалар сатҳи экани, дарҳақиқат, бу сатҳда ажратиш, санаш, комбинациялаштириш

мумкин бўлган конкрет фонемалар мавжудлигини таъкидлайди. Ана шундай тамойил асосида категорематик сатҳга ёндашилса, категорема деган тил бирлиги йўқлиги, гапнинг асосий белгиси бўлган предикативлик тил бирлиги эмаслигини, предикациянинг турлари ҳам мавжуд эмаслигини, гап формал синфни ҳам ташкил этмаслигини, фарқлаш мумкин бўлган барча гаплар бир умумий белги – предикативлик остида бирлашишини, предикациядан ташқарида гап мавжуд бўлмаслигини баён қилади. Бундан категорематик сатҳ фақат тил бирлигининг битта шаклини – гапни ўз ичига олади, деган хулосага келади. У бир неча birlikлар синфини ташкил этмайди. Шунинг учун ундан юқори сатҳнинг бирлигига таркибий қисм бўлиб кира олмайди. Гап фақат бошқа гапдан олдин ёки кейин келиб, бир-бири билан кетма-кет муносабатда бўлиши мумкин. Лекин гаплар гуруҳи ундан юқори сатҳ бирлигини ҳосил қилмайди. Шунинг учун ҳам Э.Бенвенист категорематик сатҳдан юқори сатҳ мавжуд эмас, дейди.

Э.Бенвенист фикрига кўра, гап фонема ёки морфемага хос бўлган ўздан юқорироқ сатҳнинг аъзоси бўлиш ва бир-бири билан зидланган birlikларнинг формал синфларини ҳосил қилиш хусусиятига эга эмас. Гапнинг бошқа сатҳ birlikларидан фарқи шундаки, у белгилардан ташкил топади, лекин ўзи белги саналмайди. Категорематик сатҳ билан ундан қуйи сатҳ birlikлари ўртасида қуйидаги фарқларни кўрсатиб беради:

- Фонема, морфема, сўз (лексема)лар бармоқ билан санарли, миқдори чегараланган. Гаплар миқдори эса чегарасиз.
- Фонема, морфема, сўз (лексема)лар ўз сатҳларида дистрибуцияга ва юқори сатҳда қўлланиш хусусиятига эга. Гапга эса дистрибуция қонунлари ҳам, қўлланиш қонунлари ҳам даҳлдор эмас.
- Битта сўзнинг қўлланиш рўйхати тугалланмаслиги мумкин, гапнинг қўлланиш рўйхатини ҳатто бошлаб ҳам бўлмайди.
- Гап билан белгилар системаси бўлган тил доирасидан чиқамиз ва бошқа оламга, алоқа воситаси бўлган тил оламига, яъни нутққа (*le discours*) кадам босамиз.

Унинг фикрича, бу икки оламга бир-бири билан кесишувчи лингвистика тўғри келади. Бу фикрлар Ф.де Соссюрнинг тил лингвистикаси ва нутқ лингвистикаси ҳақидаги ғояси таъсирида юзага келган.

Э.Бенвенист тил ва нутқни фарқлаган ҳолда, гапни нутқ бирлиги ҳисоблайди. Унинг аргументи сифатида «гапнинг муайян модалликка, ўзига хос синтаксиси ва грамматикасига эгаллиги, лекин умумий предикацияга асосланган тасдиқ, сўроқ, буйруқ гапларнинг мавжуд бўлиши, бу уч модаллик сўзловчининг тингловчига нутқ орқали таъсир қилувчи уч позициясини (маълум ахборотни тингловчига бериш ёки ундан ахборотни олиш, ёки бирор нарсани бажаришга даъват қилиш) ифодаланиши» кўрсатилади.

Э.Бенвенистнинг таъкидлашича, ҳар қандай синтактик birlik ўзи мансуб бўлган сатҳнинг бошқа аъзоларига қарама-қарши қўйилгани учун эмас, балки нутқ сегменти бўлгани учун гап ҳисобланади.

XX асрда жаҳон тилшунослигида вербоцентрик синтактик назария устуворлик қилаётган бир пайтда, Э.Бенвенист от асосли гаплар ҳақида махсус асар ёзди. Бу асарида от асосли гаплар фақат ҳинд-оврупо, сомиий, фин-угор, банту тилларидагина эмас, балки кавказ, олтой, дравид, Индонезия, Сибирдаги бир қанча тиллар, Америка индуслари сингари дунёнинг қатор тилларида учрашини таъкидлайди.

А.Потебня, Т.П.Ломтев сингари олимлар от асосли гаплар кесимлик белгисига эга бўлган феълларнинг тушиб қолиши натижасида ҳосил бўлишини баён қилган пайтда, Э.Бенвенист дунёнинг жуда кўп тилларидаги бундай гапларни таҳлил қилиб, от асосли гапларни феъллари тушиб қолган гап деб бўлмайди, феъл асосли гап қандай тўлиқ бўлса, бундай гаплар ҳам шундай тўлиқдир, деган хулосага келади.

Шундай қилиб, Э.Бенвенист Ф.де Соссюр ғояларини давом эттириш билан бирга, инсоннинг мавҳумлаштириш қобилияти, тил сатҳлари ва сатҳларга ажратиш тамойиллари, лингвистик белги назарияси, сигнал ва символларнинг ўзаро муносабати, от асосли гапларнинг мавқеи ва феъл асосли гаплар билан муносабати сингари қатор назарий муаммолар бўйича баҳс юритиб, тилшунослик назариясини янги фикрлар билан бойитди.

АДАБИЁТЛАР

1. Амирова Т.А., Ольховиков Б.А., Рождественский Ю.В. Очерки по истории лингвистики. – М., 1975.
2. Апресян Ю.Д. Идеи и методы современной структурной лингвистики. – М., 1966.
3. Аристотел. Поэтика. – Тошкент, 1980.
4. Бенвенист Э. Общая лингвистика. – М., 1974.
5. Березин Ф.М. История лингвистических учений. – М., 1975.
6. Блумфилд Л. Язык. – М., 1968.
7. Бодуэн де Куртенэ.Н.А. Избранные труды по общему языкознанию. Т. II, – М.,1963.
8. Брендаль В. Структуральная лингвистика / Звегинцев В.А. История языкознания XIX и XX веков в очерках и извлечениях. Ч.II, – М., 1960.
9. Вахек Й. Лингвистический словарь Пражской школы. – М., 1964.
10. Волков А.А. Язык и мышления. Мировая загадка. – М., 2007.

11. Гардинер А. Различие между «речью» и «языком» / Звегинцев В.А. История языкознания XIX – XX веков в очерках и извлечениях. Т. II, – М., 1960.
12. Гумбольдт В. Избранные труды по языкознанию. – М., 1984.
13. Ельмслев Л. Язык и речь / Звегинцев В.А. История языкознания XIX – XX вв. в очерках и извлечениях. Часть II. – М., 1960.
14. Ельмслев Л. Метод структурного анализа в лингвистике / Звегинцев В.А. История языкознания XIX – XX вв. в очерках и извлечениях. Часть II. – М., 1960.
15. Ельмслев Л. Можно ли считать, что значение слов образуют структуру. – Новое в лингвистике. II, – М., 1962.
16. Ельмслев Л. Понятие управления / Звегинцев В.А. История языкознания XIX-XX вв. в очерках и извлечениях. Часть II. – М., 1960.
17. Звегинцев В.А. Глоссематика и лингвистика / Новое в лингвистике, I. – М., 1960.
18. Звегинцев В.А. Язык и лингвистическая теория. – МГУ, 1973.
19. Исаченко А.В. Трансформационный анализ кратких и полных прилагательных / Исследования по структурной типологии. – М., 1963.
20. Кант И. Соч. в 6-ти томах, 6-т, – М., 1966.
21. Караулов Ю.Н. Общая и русская идеография. – М., 1979.
22. Кацнельсон С.Д. Порождающая грамматика и принцип деривации / Проблемы языкознания, – М., 1967.
23. Кондрашов Н.А. История лингвистических учений. – М., 1979.
24. Коэн М. Современная лингвистика и идеализм / ВЯ, 1958, №1.
25. Лешка О. К вопросу о структурализме / ВЯ, 1963.
26. Матезиус В. Куда мы пришли в языкознании / Звегинцев В.А. История языкознания XIX – XX вв. в очерках и извлечениях. Часть II. – М., 1960.
27. Мейе А. Введение в сравнительное изучение индоевропейских языков. – М-Л., 1938. – С. 50.
28. Потенция А.А. Из записок по русской грамматике. Т. 1-2, – М., 1958.
29. Потенция А.А. Из лекции по истории словесности. – Харьков, 1894.
30. Рамишвили Г.В. Вильгельм фон Гумбольдт – основоположник теоретического языкознания / Вильгельм фон Гумбольдт. Избранные труды по языкознанию. – М., 1984.
31. Реформатский А.А. Введение в языкознание. – М., 1967.
32. Седов К.Ф. Дискурс и личность. – М., 2004.
33. Скаличка В. Копенгагенский структурализм и «Пражская школа». – Звегинцев В.А. История языкознания XIX-XX вв. в очерках и извлечениях. Часть II. – М., 1960.
34. Смирницкий А.И. Синтаксис английского языка. – М., 1957.
35. Соссюр Ф. де. Курс общей лингвистики / Труды по общему языкознанию. – М.: Прогресс, 1977.

36. Тезисы Пражского лингвистического кружка. Тезисы Пражского лингвистического кружка / Звегинцев В.А. История языкознания XIX – XX вв. в очерках и извлечениях. Часть II. – М., 1960.
37. Трубецкой Н.С. Основы фонологии. – М. 1960.
38. Фортунатов Ф.Ф. Избранные труды. Том 1, – М., 1956.
39. Хансен К. Пути и цели структурализма // ВЯ, 1959, №4.
40. Холодович А.А. «Курс общей лингвистики» Ф. де Соссюра / Ф. де Соссюр. Труды по языкознанию. – М., 1977.
41. Хомский Н. Синтаксические структуры // Новое в лингвистике», II, – М., 1962.
42. Храковский В.С. Очерки по общему и арабскому синтаксису. – М., 1976.
43. Хэррис З.С. Совместная встречаемость и трансформация в языковой структуре // Новое в лингвистике. II, – М., 1962.
44. Шаумян С.К. Теоретические основы трансформационной грамматики. – Новое в лингвистике. II, – М., 1962.
45. Шухардт Г. Избранные статьи по языкознанию. – М., 1950.
46. Шчерба Л.В. Избранные работы по русскому языку. – М., 1957.
47. Эшби У.Р. Введение в кибернетику. – М., 1967.

II ҚИСМ

ЎЗБЕК ТИЛШУНОСЛИГИ ТАРИХИ

ХАЛИФАЛИК ДАВРИДА ТИЛШУНОСЛИК

VII асрда араблар Муҳаммад пайғамбар(с.а.в.)нинг сафдоши халифа Абу Бакр етакчилигида ислом байроғи остида Арабистон ярим оролини, Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларини, Шимолий Африка, Испания, Ўрта Осиё ва Кавказорти мамлакатларини босиб олиб, 632 йилда йирик араб халифалигига асос солдилар. Бу халифалик 1258 йил, яъни мўғуллар томонидан битирилгунга қадар ҳукмронлик қилди.

Халифалик ранг-баранг эл-элатлардан ташкил топган жуда кенг ҳудудни ўзида бирлаштиргани туфайли уни бошқариш қийин кечар, ўзаро ички урушлар ва халқ қўзғолонлари тез-тез бўлиб турар эди. Ана шундай курашлар ва халқ қўзғолонлари таъсирида XIII асрнинг охирларидан халифалик майда-майда қисмларга бўлиниб кетди: идрисийлар (789 – 926), ағлабийлар (800 – 909) давлатлари вужудга келди. Эрон ва Мовароуннаҳрда IX асрнинг 20-йилларидан бошлаб тоҳирийлар (821 – 873), саффорийлар (867 – 1495) ва сомонийлар (819 – 1005) ўзларининг мустақил бошқарувига эга бўлдилар. Улар араб халифалигига номигагина тобе бўлиб, аслида алоҳида-алоҳида мустақил давлатлар эди. Бу давлатларни халифалик томонидан юборилган ноиблар бошқарар, халифаликка хирож, жузья (жон солиғи) ва ўлпон тўлаб турилар эди.

Ана шундай катта ҳудудда ислом дини кенг қулоч ёйди. Араб тили дин тили, фан тилига айланди. Халифалик ҳудудида яшаган барча дин ва фан аҳли, қайси халққа мансуб бўлишидан қатъи назар, ўз асарларини шу тилда ёздилар. Шунинг учун ҳам дунёга арабларники сифатида шуҳрат қозонган маданиятнинг шаклланиши ва равнақ топишида араб бўлмаган халқ вакилларининг ҳам хизматлари каттадир. Улар орасида Форобий, Беруний, Ибн Сино каби кўплаб аждодларимиз борлигидан фахрланамиз.

АБУ НАСР ФОРОБИЙНИНГ ЛИНГВИСТИК ҚАРАШЛАРИ

Ўрта асрнинг дунёга донг таратган алломаларидан бири Форобийдир. Унинг номи Яқин ва Ўрта Шарқда ўша даврдаёқ машҳур бўлган ал-Киндий, ар-Розий, Ибн Сино, Беруний, Ибн Рўшд сингари қатор буюк мутафаккирлар ичида алоҳида ажралиб туради. Форобий ақл ва илм тантанаси учун, маънавий озодлик учун, инсон такомилли, адолатли жамият учун курашган машҳур олимдир. У риёзиёт ва фалакиёт, табобат ва мусиқа, мантиқ ва фалсафа, тилшунослик ва адабиётшунослик каби қатор соҳаларда қалам тебратган ҳамда ажойиб асарлар ёзган қомусий олим саналади.

Абу Наср Форобий хижрий 260 (милодий 873) йилда Арис дарёси Сирдарёга қуйиладиган Фороб (Ўтрор) қишлоғида туғилган. У дастлабки саводини Форобда чиқаргандан сўнг ўқишни Шошда давом эттирди. Сўнгра Самарқанд ва Бухорода таълим олди. Ўша даврдаги барча билимдонлар араб халифалигининг маркази – Бағдодга интиланган ва у ерда катта обрў-эътибор топганлар. Форобий ҳам Бағдодда ўқишини давом эттирди. Умрининг охириги йилларида Ҳалабда, сўнгра Дамашқда яшади. Шу ерда милодий 930 йили вафот этди.

Абу Наср Форобий тилшунослик соҳасида ҳам ажойиб фикрлар юритади. Аввало, ўзининг «Фалсафату Аристуталис» асарида ҳозирги тилшуносликнинг фалсафий масалалари ичида марказий ўринни эгаллаган билишнинг икки босқичи (ҳиссий ва идрокий), умумийлик-хусусийлик, моҳият-ҳодиса диалектикаси ҳақида қизиқарли маълумот беради. Форобийнинг фикрича, фақат инсонгина билимга интилади. Инсон ўзини

куршаб турган оламни ва ўзини ўзи билиш орқали энг етук мавжудотга айланади. Билиш инсоннинг моҳияти. Билишдан мақсад ҳақиқатга эришмоқдир, – дейди муаллимус-соний. Ҳар қандай билиш, даставвал, ўзини куршаб турган оламдаги нарса ва ходисаларни кузатишдан бошланади. Чунки тафаккур фаолияти билан ҳосил қилинган моҳият ўзининг табиий асосидан олдин бўлиши мумкин эмас. Бу фикрлар В.Гумбольдтга ҳамоҳанглиги, лекин ундан 900 йил олдин айтилгани аҳамиятлидир.

Форобий ўзининг гносеологик таълимотида конкрет борлиқдан умумлашмаларга, абстракт тафаккурга, идеал дунёга боришни тавсия этади. Моҳият ва унинг бевосита кузатишда гавдаланиши ўртасидаги муносабатни очиш учун Абу Наср предикат (маҳмул) тушунчасига катта эътибор берди. Онг конкрет борлиқнинг умумлашган моҳияти сифатида баҳоланди. Предикат моҳиятнинг ажралмас хоссаси деб қаралди. Форобий моҳият ва унинг яшаши ўртасидаги муносабатни нарса ва унинг хоссаси, субстанция ва атрибут муносабатига тенглаштирди.

Форобий инсон онгининг икки турга бўлинишини кўрсатади: 1) ички (интуитив) онг; 2) ташқи (ҳосил қилинган) онг. Унинг фикрича, биринчиси табиат томонидан берилади. Иккинчиси эса табиатдан мақсадга кўра олинади. Абу Наср шунга мувофиқ инсон билимини ҳам иккига бўлади: 1) туғма; 2) ўқиш ва тажриба асосида эришилган билим.

Янги туғилган болада билиш имконияти, билиш руҳи бор. У – туғма. Шу билан бирга инсон сезги аъзолари билан ана шу имкониятни юзага чиқаради. Атроф-муҳитни билиб боради. Ном ва тушунчалар сезги аъзоларимиз маҳсулидир. У авлоддан-авлодга берилади. Шунинг учун улар туғма эмас, балки қабул қилинган билимлардир.

Айрим Овруро олимлари Форобийни Арасту фалсафий таълимотининг тарғиботчиси, ўзининг фалсафий таълимоти йўқ, деб қарайдилар. Бу янглиш қарашдир. Форобий Афлотун, Арасту таълимотини чуқур ўзлаштирган, Арасту таълимотини маъқул деб ҳисоблаган ҳолда, шунчаки унинг Шарқдаги тарғиботчиси бўлиб қолган эмас. У Арасту қарашларига танқидий баҳо беради ва ўзининг оригинал фикрларини баён қилади. Хусусан, Арасту илоҳий онгни биринчи планга қўйиб, бу онгсиз ҳеч нарсани билиш, фикрлаш мумкин эмас, деса, Форобий бунга зид равишда онг мия, асаб, мускулларнинг фаолият маҳсули эканини таъкидлайди.

Форобий нарсанинг объективлигини, унинг мавжудлиги бизнинг сезги аъзоларимизга таъсир қилишини эътироф этади. Биз фақат ўзимизни куршаб турган оламдаги нарсаларни сезги аъзоларимиз орқали билиб оламиз. Ушлаш, қўл теккизиш йўли билан олинган билимга *қувваи ломиса*, кўриш орқали олинган билимга эса *қувваи нигоҳий* атамаларини қўллайди. Шу билан биргаликда эшитиш сезгиси орқали, нутқ воситасида ҳам билимга эга бўлиш мумкинлигини таъкидлайди. Бундай билим *қувваи нотика* саналади.

Ҳозирги кунда структур тилшуносликнинг глоссематик йўналишида кенг тарқалган ўзгармас, барқарор (константа) бирликларнинг ўзгарувчан (акцидент) бирликларга зидланиши илдизлари ҳам Форобий асарларида

учрайди. Аввало, у ҳар қандай ривожланишнинг, ўзгаришнинг асосида зиддиятлар ётишини эътироф этади. Форобий «Фалсафату Аристутолис» асарида шундай ёзади: «Беадад зиддиятлар бир-бирларини алмаштириб турадилар. Ушбу тановобларда (алмашилиб туришларда) битта ўзгармайдиган доимий нарса бор. У ушбу тановобларни сақлаб туради ва уларга сингиб кетади. Нарсалар бир-бирига эргашиб ва ўзгариб турганлари ҳолда, доимий бўлиб келадиган нарса «жавҳар» (субстанция), алмашилиб ва ўзгариб турувчи нарсалар «ораз» (акциденция) дейилади.

Бу тушунчалар кейинчалик тасаввуф фалсафасига ҳам асос бўлди ва улар бу икки тушунчани «зот» ва «тазоҳир» (тажалли) атамалари билан номладилар.

Форобий бизнинг онгимиздан ташқарида бўлган объектив нарсаларнинг табиий сифатлар ва моҳият бирлиги эканини таъкидлайди. Бундан кўринадики, кейинчалик жавҳар, зотга мажмуати сифат ва асмо деб қаралишида ҳам Форобийнинг таъсири мавжуд.

Абу Наср Форобий «Фозил одамлар шаҳри» асарида инсон фозиллигининг муҳим белгиларидан бири сифатида қувваи нотикани ажратади. Унинг фикрича, инсон дунёга келиши билан ўзини боқадиган қувватга эга бўлади. Бу ғизолантирувчи қувват саналади. Ундан сўнг инсон ўз такомилни йўлида турли қувватларни қўлга киритади. Масалан, мутахаййила қуввати (хаёл қилиш, умумлашган образлар яратиш), ақл қуввати ва бошқалар. Инсоннинг оламни билиш жараёнида ақл қувватининг хизмати катта эканини таъкидлайди.

Форобий инсоннинг камолоти йўлида кўшилиб борадиган қувватларни тавсифлар экан, билишнинг икки даражаси — ҳиссий билиш билан идрокий билиш (умумлаштирувчи билиш)ни бир-биридан ишонарли равишда фарқлайди.

Форобийнинг тилшунослик ҳақидаги фикрлари айниқса «Фанлар таснифи ҳақидаги сўз» асарида ёрқин ифодасини топган. Асарнинг биринчи бўлими тил ҳақидаги фанга бағишланиши ҳам унинг тилшуносликка нақадар катта эътибор билан қараганлиги нишонасидир.

Ҳозирги кунда лексика, грамматика сингари атамаларнинг икки маънода қўлланилиши деярли барча адабиётларда қайд этилади: биринчиси маълум бир тилда мавжуд бўлган лексик ва грамматик бирликлар тизими, иккинчиси эса шу тизимни ўрганадиган фан соҳаси. Бундай фикрнинг илдизлари ҳам Форобийга бориб тақалади. У тил ҳақидаги фаннинг икки қисмдан иборатлигини таъкидлайди. Биринчиси маълум тилда мавжуд бўлган сўзларни хотирада сақлаш ва нимани ифодалашини билиш. Иккинчиси эса бу сўзларни бошқариб турадиган қонунларни билиш. Муаллиф ҳар қандай санъатда қонун универсал, кенг қамровли эканини кўрсатади.

Форобий сўз маъноларини ҳам тасниф этади. Унинг фикрича, сўз маъноси икки турли бўлади: содда ва мураккаб. *Одам, ҳайвон* сингари оламдаги бир турли нарса ва ҳодисаларни аташ вазифасини бажарувчи

алоҳида сўзлар содда, нарса ва унинг белгисини билдирувчи *Бу одам – ҳайвон* каби ифодалар эса мураккаб саналади.

Форобий атоқли ва турдош отларни ҳам фарқлайди. У содда маъноли сўзларни иккига бўлади: 1) атоқли отлар. Масалан, *Зайд, Амр* каби; 2) тур ва жинсни кўрсатадиган сўзлар. Масалан, *одам, ҳайвон, от* каби. Тур ва жинсни билдирувчи сўзлар асосида муаллиф сўз туркумларини ҳам тасниф этади. Форобий тур ва жинсни билдирадиган сўзларни араб грамматика мактаблари анъаналари асосида от, феъл ва ҳарфларга ажратади. Шунингдек, от ва феълларнинг грамматик категориялари ҳақида ҳам маълумот беради. Хусусан, от ва феъллар учун жинс (эрлик-хотинлик), сон (бирлик-иккилик-кўплик) категориялари хос эканини, шу билан феълларнинг ўзига хос белгиси замон (ўтган-ҳозирги-келаси) билдириши эканини таъкидлайди.

Форобий тилшуносликнинг мундарижаси ҳақида ҳам фикр юритади ва унинг олти бўлимдан иборат эканини, ҳар қайси бўлимнинг ўз текшириш объекти мавжудлигини баён қилади. Улар қуйидагилардан иборат: 1) содда сўз ҳақидаги фан; 2) сўз бирикмалари ҳақидаги фан; 3) содда сўз қонунлари ҳақидаги фан; 4) сўз бирикмалари қонунлари ҳақидаги фан; 5) ёзув қонунлари ва тўғри талаффуз (орфоэпия) ҳақидаги фан; 6) шеър тузилиши қоидалари ҳақидаги фан.

Шундан сўнг ҳар бир бўлимда нималар ўрганилиши ҳақида маълумот берилади. Асарда таъкидланишича, содда сўз ҳақидаги фан ҳар бир алоҳида сўз нимани билдириши, тур ва жинс муносабати, уларни хотирада сақлаш, баён қилиш, бошқа тиллардан сўз олиш каби масалалар билан шуғулланади.

Сўз бирикмаси ҳақидаги фан маълум халқ тилида учрайдиган нутқнинг қисмларга бўлинишини, машҳур нотиклар, шоирлар яратган нутқ турларини билиш билан шуғулланади.

Содда сўз қонунлари ҳақидаги фан, аввало, нутқ товушларини (ҳарфларни), ундош товушларнинг пайдо бўлиш ўрнини, унли товушлар ва уларнинг хусусиятларини, сўзга қўшимчалар қўшилганда рўй берадиган фонетик ўзгаришларни, сўзнинг фонетик модели, содда ва қўшма сўзлар, ясама сўзлар намуналари (модели), от ва феълларнинг ўзгариши (шахс, сон, замонда), талаффузи қийин сўзлар ва улар талаффузини енгиллаштириш йўллари кабиларни ўрганади.

Сўз бирикмаси қонунлари ҳақидаги фан икки қисмдан иборат: 1) от ва феълларнинг «охири» (қўшимчалари) қоидаси; 2) сўз қисмларининг қўшилиш қоидалари, сўз олдига қўшиладиганлар, сўз охирига қўшиладиганлар, ўзгарадиган ва ўзгармайдиган сўзларга бўлиш, отларнинг ва феълларнинг ўзгариши каби масалалар шу бўлимда ўрганилиши кўрсатилади.

Юкламалар ҳақидаги фан ўзгармайдиган сўзларни ўрганиши таъкидланади.

Сўз бирикмалари қоидалари ҳақидаги бўлимда эса сўзларнинг қўшилиш қоидалари ва ҳукм биддириши ўрганилади, сўзларнинг қўшилиш турлари аниқланади. Қандай қўшилиш чиройли экани кўрсатилади.

Ёзув ҳақидаги фанда ёзиш қоидалари, шеър туғилиши ҳақидаги фанда эса шеър ўлчовлари, ҳар бир шеър қандай товушлардан ва бўғинлардан ташкил топгани, тўлиқ ва нотўлиқ ўлчовлар, қайси ўлчов ёқимли ва чиройли экани ўрганилади, дейди. Шу бўлимда қайси сўзлар поэзияда ва қайси сўзлар прозада қўлланилиши ёки қўлланмаслиги баён қилинади.

Бундан кўринадики, Форобий бугунги тилшунослик бўлимлари: фонетика, лексика, морфология, синтаксис, орфография, орфоэпия, стилистика ҳақида, уларнинг ўрганиш объектлари тўғрисида илк маълумотни беради.

Форобий грамматика билан мантиқнинг ўзаро алоқадор эканини кўрсатади. Унинг фикрича, қандай қилиб таълим бериш ва таълим олиш, фикрни қандай ифодалаш, баён этиш, қандай сўраш ва қандай жавоб бериш (масаласи)га келганда, бу ҳақдаги илмларнинг энг биринчиси жисмларга, яъни субстанция ва акциденцияларга исм берувчи тил ҳақидаги илмдир. Иккинчи илм грамматикадир. У жисмларга берилган исм (ном)ларни тартибга солишни, субстанция ва акциденциянинг жойлашишини, ундан чиқадиган натижаларни ифодаловчи ҳикматли сўзлар ва нутқни тузишни ўргатади. Учинчи илм мантиқдир. У маълум хулосалар келтириб чиқариш учун мантиқий фигураларга биноан дарак гапларни жойлаштиришни ўргатади. Бу хулосалар ёрдамида биз билинмаган нарсаларни билиб оламиз ҳамда нима тўғри ва нима ёлғонлиги ҳақида ҳукм чиқарамиз.

Форобий тилдаги умумий ва хусусийлик диалектикасини ҳам очиб беради. Унинг таъкидлашича, ҳар бир тил ўзига хос бирликларга эга. Шу билан бирга ҳамма тиллар учун хос бўлган тушунчалар ҳам мавжуд. Масалан, от, феъл, юклама араб тилида ҳам, юнон тилида ҳам бор. Бундай бўлиниш бошқа тилларда ҳам учрайди. Араб грамматикачилари 12 от, феъл, юкламаларни араб тили, юнон грамматикачилари эса юнон тили материали асосида ўрганадилар.

Ҳар бир тилнинг грамматикаси шу тилнинг ўзига хос жиҳатларини ўрганиш билан бирга, бошқа тилларда ҳам учрайдиган умумий томонларга ҳам эътибор беради.

Кўринадики, Форобий бугунги тил фалсафаси учун ғоят муҳим бўлган қатор тушунчаларга (*константа-акциденция, зот-тазоҳир, умумийлик-хусусийлик; фаҳмий (ҳиссий) билиш-идрокий билиш*) асос солган улуғ файласуф бўлиш билан бирга, тилшуносликнинг умумий масалаларини, унинг мундарижасини ёритиб берган улкан тилшунос олим ҳамдир. Унинг кўпгина фикрлари бугунги кунда ҳам ўз долзарблигини йўқотган эмас.

АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙНИНГ ЛИНГВИСТИК ҚАРАШЛАРИ

Дунё маданияти ва маънавияти тараққиётига улкан ҳисса қўшган, фан тарихида жуда катта из қолдирган қомусий олимларимиздан яна бири Абу Райҳон Муҳаммад ибн Аҳмад ал Берунийдир.

Берунийнинг ҳаёти ва ижодий фаолиятини ёритишга бағишланган бир қанча асарлар мавжуд. Шунинг учун ҳам биз олим ҳаётига доир айрим маълумотларни келтириш билан чекланамиз. Абу Райҳон Беруний, У.И.Каримовнинг таъкидлашича, милодий 973 йилнинг 4 сентябрида (ҳижрий 362 йил зулҳижжа ойининг 2-кунида) Хоразмнинг қадимий пойтахти Қиятда таваллуд топди. 1009 – 1017 йилларда Хоразмшоҳ Абул-Аббос Маъмун ибн Маъмун саройида хизмат қилиб, катта обрў-эътибор қозонди. 1017 йилда Маҳмуд Ғазнавий Хоразмни босиб олгандан сўнг Хоразмдаги бир қанча олимлар қатори Беруний ҳам Ғазнага йўл олишга мажбур бўлди ва умрининг охирига қадар шу ерда ижод қилди.

У ўз давридаги барча фан соҳалари бўйича қалам тебратиб, 150 дан ортиқ асар қолдирди. Бизгача етиб келган асарлари орасида «Хронология», «Ҳиндистон», «Геодезия», «Минералогия», «Масъуд қонуни» ҳамда «Сайдана» номи билан машҳур бўлган «Китоб ас-сайдана фи-т-тибб» асарлари тадқиқотчилар томонидан махсус ўрганилди, араб, рус, инглиз, немис ва бошқа тилларга таржима қилиб, нашр этилди.

Беруний илмий меросининг номидан ҳам кўриниб турибдики, олим тарих, риёзиёт, математика, фалсафа, хандаса, кимё, астрономия, география, тиббиёт, адабиёт, мусиқа, тилшунослик сингари ўнлаб соҳалар бўйича илмий тадқиқот олиб борган ва жаҳон алломаларини ҳозиргача лол қолдириб келаётган буюк кашфиётлар яратган.

Беруний илмий ҳазинанинг қалити саналувчи тилга ва тилшуносликка алоҳида эътибор берди. У ёшлигида юнон, лотин, араб, форс, сўғд, сурёний тилларини чуқур ўрганди. Чунки жаҳон цивилизациясининг бешиги Юнонистон ва Румо ўлкалари бўлиб, антик маданият намуналарининг барчаси шу тилларда ёзилган эди. Араб тили Беруний яшаган даврда диний таълимот тили бўлиши билан бирга, фан тилига ҳам айланган эди. Ислом оламида яратилган барча асарлар араб тилида ёзилар эди. Буларнинг ҳаммаси бўлажак алломани юқоридаги тилларни синчковлик билан ўрганишга даъват этди. Беруний ўзини хоразмий тилига мансуб эканини, араб, форс тилларини эса кейин ўрганганини таъкидлайди.

Султон Маҳмуд Ғазнавий юришлари даврида Беруний бир неча бор Ҳиндистонга боришга мушарраф бўлди. Ҳиндистон алломани ўзига ром этди ва бу ўлканинг тарихи, маданияти, урф-одати, ҳайвонот ва наботот оламини ўрганишга бел боғлади. Бунинг учун, аввало, эски ҳинд тили бўлган санскритни пухта ўрганди.

Умрининг сўнгги йиллари Маҳмуд Ғазнавийнинг вориси Маъдуд султонлиги даврида (1048 йил) доривор ўсимликлар, ҳайвонлар ва маъданлар тавсифига бағишланган “Сайдана” асарини ёзди. Берунийнинг тилга ва тилшуносликка бўлган қарашлари мана шу асарида яққол намоён бўлади.

«Сайдана»нинг кириш қисмида муаллифнинг ёшлик йилларида ўзини қуршаб турган оламни ва олам узвларининг турли тилларда қандай номланишини билишга нақадар иштиёқманд экани баён қилинади. Хусусан, олим болалигида унинг юртига бир юнон кўчиб келади. Абу Райҳон унга

дон, уруғ, мева, ўсимлик ва бошқа нарсалар кўтариб келиб, булар юнон тилида қандай номланишини сўрагани ва уларнинг юнонча номларини дафтарига ёзиб олганини баён қилади.

«Сайдана»нинг қимматли томони шундаки, унда доривор моддаларнинг бир неча тиллардаги номлари келтирилади. Ҳатто бир ўсимлик ёки модда бир тилнинг турли шеваларида турлича номланиши ёки аксинча, бир сўз ҳар хил шевада бошқа-бошқа ўсимлик номини билдириши мумкин. Бу эса доривор моддалардан амалда фойдаланишни анча қийинлаштиради. Аҳолига фойдаланиш осон бўлиши учун модда номининг диалектал вариантларини ҳам кўрсатади. Бу Берунийнинг нарса номини билиш инсоннинг маънавий хазинасигина эмас, балки катта моддий бойлиги бўлиши мумкинлигини, шунинг учун ҳам тил ўрганишнинг тенгсиз аҳамияти мавжудлигини таъкидлайди.

Фикрининг исботи сифатида асарнинг V бобида шундай ривоят келтиради. «Хоразм амирларидан бири касал бўлиб узоқ кийналади. Ниҳоят нишопурлик бир табиб унинг касалига нима даво бўлиши мумкинлиги ҳақида доринома (рецепт) ёзиб юборади. Бу дориномани маҳаллий доришуносларга кўрсатадилар. Улар тавсия этилган доривор ўсимликни ҳеч аниқлай олмайдилар. Шунда бир киши улар қидираётган ўсимликни топиб бериши мумкинлигини, лекин нархи беш юз дирҳам соф кумушдан кам бўлмаслигини айтади. Амир мулозимлари рози бўлишади. Уч киши мулозимларга ўсимлик томирини тутқзади. Бу ўзлари ҳар куни кўриб юрадиган оддий бир чаён ўт (крапива) томири эди. Мулозимларнинг жаҳли чиқиб: “Ўн беш дирҳамга ҳам олмайдиган шу томирни беш юз дирҳамга берасанми?” – деб ўшқирадилар. Шунда гиёҳфуруш жавоб беради: «Доривор моддалар номини билиш бебаҳо бойликдир. Сизлар шу ўсимликнинг номини билмаганингиз туфайли касалнинг қанчалар қийналишига сабабчи бўлдингиз, тилло баҳосига бўлса ҳам сотиб олишга рози эдингиз».

Беруний номнинг жамият ҳаётидаги аҳамиятини эътиборга олиб, ўзининг «Сайдана» асарида маълум доривор модданинг бир неча тилларда қандай номланишини баён қилиш билан бирга, ҳар қайси тилдаги маҳаллий номланишига ҳам катта ўрин беради.

Айрим мутаассиб кишилар араб ёзувини Оллоҳ томонидан юборилган деб илоҳий тус бераётган бир пайтда Абу Райҳон Беруний ҳар қандай ёзув каби араб имлоси ҳам инсониятнинг кашфиёти эканини эътироф этади. Лекин бу ёзувда анча ноқисликлар борлиги, шунинг учун ҳам юнон, лотин, ҳинд тилидаги асарларнинг араб тилига таржималарида айрим номларни тўғри ифодалаш қийинлиги, шу туфайли кўп номларнинг ғализ берилишини баён этади.

Олимнинг айтишича, араб ёзувида «катта бахтсизлик» бор. Унли фонемаларнинг ифодаланмаслиги, кўп ҳарфларнинг бир-бирига ўхшашлиги ва уларнинг айрим нукталар орқалигина фарқланиши қатор қийинчиликларга олиб келади. Агар нукталар тушиб қолса, маънонинг чиқмай қолиши, айниқса, Диоскорид, Гален, Павел, Орибазий сингари юнон олимларининг

фамилияларини тўлиқ ва тўғри ифодалаб бўлмаслигини таъкидлайди. Шунинг учун юнон фамилияларини оригиналга қиёслаган ҳолда транскрипция қилади. Шунингдек, ҳиндча сўзларни беришда бир қанча ҳинд фонемаларининг араб тили фонологик тизимида йўқлигини шунинг учун араб ёзуви орқали бу сўзларни тўғри ифодалаб бўлмаслигини айтади. Натижада у араб ёзувига форслардан айрим қўшимча ҳарфлар киритади.

“Сайдана” асарини ўқир эканмиз, Берунийнинг қанчалар чуқур филологик билимга эга бўлгани ҳақида тўлиқ тасаввур ҳосил қиламиз. У назмнинг турли назарий масалаларига бағишлаб қатор асарлар ёзган. Шу билан бирга, ўзи ҳам араб тилида яхшигина шеърлар ижод этган. Ўзигача бўлган юзлаб шоирларнинг, бир қанча замондошларининг ижод намуналарини ёддан билган ва фикрини далилламоқ учун илмий асарларида бу шеърлардан намуналар келтирган. «Сайдана»да 65 та шоирдан 141 та шеърини парча берилади.

Берунийнинг қадимги араб поэзиясига катта эътибор бериши тасодифий эмас. Чунки араблар қадимда ёзув маданиятига эга бўлмай туриб бирор воқеани эсда осон сақлаб қолиш учун шеърга солганлар. Натижада шеър кишига эстетик завқ бағишловчи воситагина бўлиб қолмай, ахборотни авлоддан авлодга етказувчи, билимларни ўзида тўпловчи вазифасини ҳам бажарган. Шу боис доривор моддаларнинг хусусиятларини ҳам шеърга солганлар. Натижада шеърят халқнинг билимлар тўпламига айланган.

«Сайдана» асарида муаллиф ёшлигидан дунёнинг турли минтақаларида ўзи бевосита кўрган ва ёзиб олган доривор моддаларни бериш билангина чекланмайди. Балки ўзигача бўлган барча олимларнинг илмий меросини синчиклаб ўрганиб, улардан самарали фойдаланади. Сўз бораётган модда ҳақидаги уларнинг фикрларини келтириб ўтади.

Асардаги 29 боб ва 1116 мақолада доривор моддаларнинг номи изоҳланади. Ҳар бир боб бир ҳарфга бағишланади. Араб алифбосидаги 28 ҳарфга лом-алифни ҳам қўшиб, алоҳида боб қилиб беради. Беруний ўз асарида бу муаммонинг ўта муҳимлигини сезган ҳолда, 4500 дан ортиқ арабча, юнонча, сурияча, форсча, хоразмийча, суғдча, туркча ва бошқа тиллардаги ўсимлик, ҳайвон, минераллар ва улардан тайёрланадиган дориворлар номларини тўплайди ҳамда изоҳлайди. Бу билан ўз давридаги доривор атамаларни меъёрлаштириш борасида катта хизмат кўрсатади. Уларни изоҳлаш учун 250 дан зиёд олимларнинг асарларидан иқтибос келтирилади. Булар орасида Гиппократ (милоддан олдинги 460 – 355 йиллар), Арасту (милоддан аввалги 384 – 322 йиллар), Птоломей XI нинг қизи Клеопатра (милоддан аввалги 69 – 30 йиллар) сингари юнон; Архиген (83 – 117 йиллар.), Гален (129 – 200 йиллар) каби рим; Чорака (милоддан аввалги I аср) каби ҳинд; Масарджавайх (661 – 750 йиллар), машҳур табиб Исо Масихнинг отаси Ад-Димашқий, Исо Масих, ал-Киндий сингари араб олимлари номлари алоҳида ўрин эгаллайди. Шу номларнинг ўзиёқ Беруний «Сайдана» асарини ёзишга нечоғлик катта тайёргарлик кўрганини, дунёнинг забардаст алломалари асарларини синчиклаб кузатганини, қадимги олимлар

ва замондошлари асарларида учраган доривор моддалар номларини битталаб йиққанини кўрсатади. Олим бу билангина чекланиб қолмай, айрим доривор воситаларни асар ёзилаётган чоғда баъзи шахслар оғзидан бевосита дафтарга туширганини баён қилади. Натижада «Сайдана» асари доривор моддалар луғатига айланади. Бу луғатнинг характерли хусусияти шундаки, муаллиф фойдаланувчиларга осон бўлиши учун моддалар номини араб алифбоси тартибида жойлаштиради. Бир ҳарф билан бошланувчи бир неча сўз бўлса, улар шу ҳарф бобида ички алфавит асосида берилади. Натижада ўзигача бўлган араб лексикографларининг луғатларидан анча фарқ қиладиган ўзига хос луғат яратилади. У бир вақтнинг ўзида ҳам изоҳли, ҳам таржима, ҳам этимологик, ҳам диалектологик луғатнинг илк намуналаридан саналади.

Хусусан, луғатнинг ўн учинчи мақоласи *ўтрунж* сўзига бағишланади. Бу сўз Нишопурда ва оддий сўзлашувда кўпроқ *турунж*, сурияча *атрука*, форсча *бодранг*, лотинча *цитрон* дейилиши таъкидланади. Кимки бодрангни форсча *хийшром* деса, уни *ўтрунж*га қиёслаб *хийй-ир-и бадранг* деб номлашини айтади. Бодрангнинг этимологияси ҳақида тўхталиб, ўзигача бўлган табиатшунос олим Ҳамза ал-Исфохоний *вадранг* «бу ранг ўчмасин» деган маънони беришини кўрсатади, дейди. Абу Ҳанифа *ўтрунж*ни арабча *мутк* деб берганини ва бу сўз Қуръонда ҳам учрашини таъкидлайди. Гален юнонлар *цитрон*ни «*мидия олмаси*», ўрикни эса «*арман олмаси*» сифатида тавсифлашини баён қилганини кўрсатади. Шундан сўнг ўтрунж (цитрон) нинг Мисрда, Тобаристонда, Журжонда қандай катталиқда ва шаклда ўсишини, мазаси қандай бўлишини баён қилади ҳамда фикрини исботлаш, сўзни ўқувчи хотирасида яхши қолдириш учун саккизта шоирдан шеърий парчалар келтиради.

Ёки китобнинг ўн еттинчи мақоласи *иджас (ғайноли)*га бағишланади. Бу сўз румча *дамасқина*, сирияча *ҳаҳи акама* ёки *хухи ниса*, форсча *гирди сийах* дейилиши кўрсатилади. Румча номи Дамашқ шаҳрига нисбатан олинганини тахмин қилади. Форсча *иджас* нинг *олу* номи билан ҳам юритилиши ва «қора» рангига ишора қилиб, *сийоҳ* белгиси билан қўлланилиши, шу билан *сарик* рангга эга бўлган «ўрик»ни билдирувчи олудан фарқланиши, *ўрик* учун «сарик» рангини билдирувчи *зард (зардолу)* белгисининг қўшилишини баён қилади. Шундан сўнг ғайноли (слива)нинг қора, қизил ва бошқа турли рангларга эга бўлиши, мазаси ҳақида фикр юритилади. Унинг тоғда ўсадиган нави ҳам мавжудлиги, уни қайнатиб, эзиб нонга қўшиб пишириш мумкинлигини айтади. Тобаристонда *нишак*, *ниша алу* дейилиши ва кўпроқ *сарик* рангда бўлиши таъкидланади. Шунингдек, *нилк* ҳам ғайнолилар турига кириши, унинг икки нави мавжудлиги, бири сутдай оқ, иккинчиси эса очик қизил рангда бўлиши, ғайнолининг бу икки тури Берунийнинг она тилида *олуча*, унинг дарахти эса *бару* номи билан юритилишини айтади. Беруний маълум бир ўсимлик ёки доривор модданинг турли тиллардаги номларини бир мақолада келтира туриб, тиллар ўртасидаги фонетик ўзига хослик ҳақида ҳам маълумот беради. Хусусан, араб тилидаги *сайдана* ва *сайданани* сўзлари этимологияси ҳақида тўхталиб, бу икки сўзнинг бошидаги (сод) (чим)нинг

араб тилига мослаштирилишидир, дейди. Фикрини далиллаш учун қатор шунга ўхшаша мисоллар келтиради: *син чиндан, саймун чаймундан, балус балучдан, сарм чармдан* келиб чиққанини айтади. Ана шу асосда *сайданани чанданани* («сандал дарахти билан савдо қилувчи») сўздан араб тили фонетикасига мослаштириш орқали пайдо бўлганини таъкидлайди.

Шунингдек, ҳинд тили билан араб тили фонологик тизимида катта тафовут борлигини баён қилиб, ҳинд сўзларини араб тилида беришда бир қадар қийинчилик мавжудлигини айтади. Ана шу қийинчиликни бартараф қилиш мақсадида араб алфавитига қатор ўзгаришлар киритади. Қисман форслардан фойдаланган ҳолда тўртта ҳарф (п, ч, ж, г) қўшади.

Бундан ташқари форсларда сўз бошида *б* ва *в* фонемаларининг ўзаро эркин алмашилиши мумкинлигига диққатни жалб этади ва ана шу алмашилиш асосида айрим сўзларнинг келиб чиқиши ҳақида фикр юритади. Масалан, ўн иккинчи мақола (параграф) *Абҳалга* бағишланади. У румча *барутанун* ва *барутун*, сурёнийча *баруса*, форсча *бурс* ва *вурс*, забулча *вурс гунда* деб номланишини таъкидлаган ҳолда, форс тилида *б-в* фонемаларининг талаффузи бир-бирига яқин экани, шунинг учун кўпинча улар ўзаро осон алмашилишини айтади.

Беруний морфологик бирлик бўлган морфемалар, яъни сўзнинг маъноли бирликлари ҳақида ҳам фикр юритади ва уларни ўзак ҳамда ўзак бўлмаган (аффиксал) турларга ажратади. Хусусан, лотин тилидаги отлар ҳақида гапирар экан, рум тилида отларнинг «син», баъзан «нун» ҳарфлари билан тугалланиши, бу икки ҳарф лотин грамматикасида ўзакка кирмаслиги, кўшимча ҳарф эканини таъкидлайди.

Юқорида баён қилинган фикрларнинг ўзиёқ буюк табиатшунос олимнинг тилшуносликка ҳам қанчалар даҳлдор эканидан гувоҳлик беради. Беруний дунё тиллари, уларнинг фарқли хусусиятлари, лексикография, этимология, грамматика масалалари бўйича ўзининг маълум қарашларини баён қилди ҳамда бу билан тилшуносликнинг фан сифатида шаклланиши ва лингвистик таълимотнинг ривожига ҳисса қўшди.

ИБН СИНОНИНГ ЛИНГВИСТИК ҚАРАШЛАРИ

Ибн Сино – қомусий билим эгаси. У, энг аввало, дунёга тенги йўқ табиб сифатида танилди. Ибн Синонинг «Қонун фи-т-тиб» китоби асримиз бошларига қадар Оврупонинг энг нуфузли университетларида асосий қўлланма сифатида ўқитилиб келди.

Тиббиётда шуҳрат қозонган буюк ҳаким бошқа фан соҳаларида ҳам катта мерос қолдирди. Ўрта асрларда илмнинг ривожига беқиёс ҳисса қўшган буюк файласуф турли фан соҳаларида қалам тебратиб, улкан муваффақиятларга эришган қомусий олим сифатида фақат Шарқдагина эмас, балки Ғарбда ҳам маълум ва машҳур бўлди. Унинг илмдаги буюк хизматларига маҳлиё бўлган Микеланжело: «Бошқа олимларни маъқуллаб ҳақ бўлгандан кўра, Гален ва Ибн Синолар орқасидан эргашиб хато қилган

яхшироқдир», — деган эди. Ибн Синонинг лингвистикага доир «Асбоби худут ал хуруф» асари шу кунга қадар тилшунослар диққатини ўзига ром қилиб келади. Бу асар бизгача бир неча қўлёзмалар орқали етиб келган. Улардан энг эскиси ҳижрий 569 (милодий 1173) йилда, сўнггиси эса ҳижрий 1182 (милодий 1768) йилларда кўчирилган.

Ибн Сино ҳаёти ва ижоди билан шуғулланган Абу Убайда Жузжонийнинг таъкидлашича, мазкур асар ҳижрий 415 (милодий 1024) йилда Техронда ёзилган.

Ҳозиргача юқоридаги рисоланинг тўрт наشري мавжуд:

1. Қоҳира наشري. Муҳибиддин ал-Ҳатиб томонидан икки нусхаси— Британия музейи (1182-1768 й.) ва Теймур (Миср) китоб омборидаги қўлёзмалар асосида нашр этилган. Лекин бу нашр илмий нуқтаи назардан анча паст, шу билан биргаликда кўп ноаниқликларга йўл қўйилган қўлёзмаларга таянгани учун кенг оммалашмади.

2. Қоҳира наширдан 40 йилдан ортиқроқ муддат ўтгач 1954 йил Техронда профессор Парвиз Нател Ханзарий томонидан иккинчи нашр амалга оширилди. У эътиборли қўлёзмаларга асосланганлиги ва илмий аппаратнинг юксаклиги билан биринчисидан ажралиб туради.

3. Тифлис наشري (1968) грузин филологи В.Г.Ахвледиани томонидан тайёрланган бўлиб, унда матннинг русча таржимаси ва асарнинг илмий талқини ҳам берилади.

4. Тошкент наشري ўзбек тилшунослари А.Маҳмудов ва Қ.Маҳмудовлар томонидан тайёрланган.

Биз Ибн Синонинг лингвистик қарашларига баҳо беришда, асосан учинчи ва тўртинчи нашрга таянамиз.

Гарчи бу асар араб тили фонетикасига бағишланган бўлса-да, лекин кўп ўринларда, айниқса, V бобида форс, турк ва бошқа тиллар материаллари ҳам қўлланилади. Шунинг учун Ибн Синонинг мазкур асари Сибавайҳий сингари ўзига қадар бўлган филологларнинг асарларидан фарқли равишда умумий фонетика масалаларини ёритишга бағишлангани билан ажралиб туради.

«Асбоб» асари араб тилшунослиги анъанасидан яна шуниси билан фарқланадики, унда фонетик ўзгаришлар масаласи кўрилмайди. Товушларнинг физиологик ва акустик хусусиятлари ўрганилади. Шунинг учун бу соф синхрон фонетика ҳисобланади.

Асарнинг араб тилшунослигидаги бошқа асарлардан яна бир фарқли жиҳати шундаки, унда артикуляция томонидан яқин бўлган ва акустик белгисига кўра фаркланувчи ундошлар ўзаро зидланган ҳолда, уларнинг ўхшаш ҳамда фарқли белгилари очилади. Масалан, к-г, қ-ғ каби. Бу Н.С.Трубецкойдан бир неча асрлар олдин Марказий Осиё филологлари томонидан *коррелятив ундошлар* ажратилгани ва ундош фонемаларни белгилашда асосий тамойил сифатида фойдаланилганини кўрсатади.

Ибн Сино асарида яна бевосита кузатишда турли ўзгаришлар билан талаффуз қилинувчи вариант билан бу вариантнинг абстракт босқичдаги

умумлашмаси (инварианти) фарқланади. Хусусан, г-г', л-л' товушлари бир умумийликнинг икки хил кўриниши эканини баён қилади.

Ибн Синонинг «Асбоб» асари кириш ва олти бобдан иборат. Кириш қисмида унинг ёзилиш сабаблари, анъанага кўра кимнинг шарафига ёзилгани баён қилинади. Асар Абу Мансур Муҳаммад ибн Али ибн Умарга бағишланган. Муаллиф шу қисмда рисола қуйидаги олти бобга ажратганини ёзади:

1. Товушнинг пайдо бўлиш сабаблари ҳақида.
2. Нутқ товушларининг пайдо бўлиш сабаблари ҳақида.
3. Бўғиз ва тилнинг анатомияси ҳақида.
4. Айрим араб товушларининг пайдо бўлишидаги ўзига хос хусусиятлари ҳақида.
5. Бу товушларга ўхшаш нутқ товушлари ҳақида.
6. Бу товушларнинг нутқий бўлмаган ҳаракатларда эшитилиши ҳақида.

Рисоланинг биринчи бобида, умуман, товушнинг пайдо бўлиши тўғрисида фикр юритилади. Муаллифнинг бу масаладаги фикри бугунга қадар ҳам деярли ўзгармаган ҳолда такрорланиб келмоқда. Унинг таъкидлашича, ҳар қандай товуш ҳавонинг тўлқинсимон тебраниши натижасида пайдо бўлади. Ҳавонинг тебранишида эса бир жисмнинг иккинчиси билан тўқнашуви (қар) ёки бир жисмнинг иккинчисидан узилиши (қал) муҳим рол ўйнайди. Ҳар икки ҳолда ҳам ҳавонинг тўлқинсимон тебраниши рўй беради. Икки жисмнинг тўқнашуви жараёнида тўқнашувчи жисмлар ҳавони қисиб, муайян куч ва тезлик билан ҳаракат йўналиши томон фазони тезроқ бўшатишга мажбур қилади. Бир жисмнинг иккинчи жисмдан узилиши натижасида ҳам узилаётган жисмлар қисилган ҳавони муайян куч ва тезлик билан фазони бўшатишга мажбур қилади.

Ҳар икки ҳолда ҳам узоқлашаётган ҳаво шакл ва тўлқинни ҳосил қилиши лозим бўлади. Тўқнашув натижасида ҳосил бўлган тўлқин узилиш натижасида ҳосил бўлган тўлқиндан кучлироқ тарқалади. Кўринадики, табиатдаги товушларнинг қандай пайдо бўлишини Ибн Сино биринчилардан бўлиб илмий асослаб беради.

Муаллиф физикавий товушлар билан нутқ товушларини бир-биридан фарқлайди ва ҳар иккиси учун алоҳида-алоҳида атама қўллайди. Биринчиси «савт», иккинчиси эса «*ҳарф*» атамаси орқали номланади.

Унинг фикрича, савт ва ҳарф пайдо бўлишига кўра ўзаро умумий ва шу билан бирга, ўзига хос белгиларга эга. Умумийлиги шундаки, ҳар иккиси жисмнинг қисилиши ёки очилиши натижасида ҳавонинг тебраниши туфайли ҳосил бўлади. Ўзига хос томони шундаки, ҳарф нутқ органлари томонидан талаффуз қилинади. Асарда таъкидланишича, ҳарф — бу баландлик ва тон бўйича ўхшаш товушларнинг эшитилиш жиҳатидан бир-биридан фарқланувчи туридир.

Ибн Сино нутқ товушларини ҳосил қилувчи уч жиҳатни кўрсатиб ўтади:

1. Кўкрак қафасида пайдо бўладиган диафрагма ва кўкрак мускуллари орқали ҳаракатга келадиган ҳаво тўлқини.

2. Ҳаво тўлқинининг нутқ органлари турли нуктасида тўсикка учраши.

3. Товушга турлича тембр оттенкаси берадиган ва турли акустик белги (масалан, *dīnai* «акс садо», *gunna* «назаллик») ҳосил қиладиган резонатор. Ибн Сино кўрсатган юқоридаги уч жиҳат бугунга қадар фонетикага бағишланган асарларда такрорланиб келмоқда.

Муаллиф нутқ товушларини таснифлар экан, унли ва ундошларни биридан фарқлайди: унлилар учун *musannita*, ундошлар учун *samita* атамаларини қўллайди. У араб тилида йигирма саккизта ундош, учта унли фонемаларни ажратади.

Рисолада ундошларнинг турли фарқловчи белгиларига асосланган таснифини беради ва атрофлича шарҳлайди. Лекин унлилар ҳақида қисқача маълумот берилади, холос. Бизнингча, бунинг боиси асарда муаллиф араб тили материалларига асосланганидир. Араб тилида эса ҳар бир маъноли birlik асосида ундошлар ётади. Шунинг учун асосий эътибор ундошларга берилган.

Бу ўринда шуни алоҳида таъкидлаш керакки, араб тилшунослигида Ибн Синога қадар унлилар алоҳида фонологик birlik сифатида қаралмай, ундошларнинг таркибий қисми сифатида ўрганилган. Фонемаларни ундош ва унлиларга ажратишни Ибн Синонинг жаҳон тилшунослиги ривожига катта хизмати, деб баҳоламоқ лозим.

Ундошлар пайдо бўлиш усули, ўрни, акустик хоссаси ҳамда чўзиқлик, сифат ва микдор белгиларига кўра тасниф этилади. Пайдо бўлиш усулига кўра ундошлар портловчи ва сирғалувчиларга бўлинади. Портловчилар (*bi habs tamm*) тўлиқ тўсикни ёриб ўтиш орқали ҳосил бўлади. Сирғалувчилар (*bi habs gair timm*) эса, муаллиф фикрича, ўпкадан чиқаётган ҳавонинг тўлиқ бўлмаган тўсикдан сирғалиб ўтиши орқали пайдо бўлади.

Акустик белгисига кўра ундошларни жарангли (*maghura*) ва жарангсиз (*mahmusa*)ларга бўлади. Лекин бу белгига кўра ундошларга изчил характеристика бермайди.

Ибн Сино ундошларни пайдо бўлиш ўрнига кўра батафсил шарҳлайди. Чунки араб тилшунослиги анъанасига кўра, ундошларнинг таснифида артикуляция ўрни (махраж) етакчи белгидир. Деярли барча араб тилшунослари ундошларнинг 16 та ўрнини ажратадилар. Лекин Ибн Сино ўзига хос йўлдан боради. У ҳар бир ундошнинг ўзига алоҳида тавсиф беради. Ундошлар тавсифи бўғиз ундошларидан бошланиб, лаб ундошлари билан тугайди.

Чўзиқлик белгисига кўра содда ундошлар (*mufrada*), мураккаб ундошлар (*murakkaba*)га бўлинади.

Ўпкадан чиқаётган ҳаво тўлиқ тўсикни бирданига ёриб ўтишидан ҳосил бўлган ундош содда ҳисобланади; тўлиқ бўлмаган тўсикдан қисилиб ўтиши натижасида пайдо бўлган ундош эса мураккаб саналади. Шун-дай қилиб, сирғалувчи ундошлар мураккаб ундошларга тўғри келади.

Таъкидлаш жоизки, Ибн Сино ундошларнинг артикуляциясига тўхталар экан, назаллашишга ҳам алоҳида аҳамият беради. Назалликни ифодалаш

учун *gunna* атамасини қўллайди: *m* ва *n* ундошларини талаффуз қилишда бир қисм ҳаво бурун орқали ўтишини ва бундай ундошлар назал ундошлар эканини таъкидлайди.

Ибн Сино ўз рисоласида нутқ органларидан бўғиз ва тил ҳақида батафсил маълумот беради.

Бўғиз (*hangara*) уч тоғайдан (*gudruf*) иборат экани кўрсатилади: 1) қалқонсимон (*ad-daragi, at-tursi*); 2) номсиз (*adim al-ism, al ladi lasmi ladu*); 3) чўмичсимон (*at-targahali, at-targahari*).

Асарда бўғизнинг қуйидаги ҳаракатлари кўрсатилади:

1. Бўғизнинг торайиши. Номсиз тоғай қалқонсимон тоғайга яқинлашиб, унга қисилиши натижасида бўғизнинг торайиши рўй беради.

2. Бўғизнинг кенгайиши. Номсиз тоғай қалқонсимон тоғайдан узилиб, узоқлашиши натижасида юзага чиқади.

3. Бўғизнинг ёпилиши. Чўмичсимон тоғайнинг қалқонсимон тоғай устига ёпилиши натижасида рўй беради.

4. Бўғизнинг очилиши. Чўмичсимон тоғайнинг қалқонсимон тоғайдан узилиши натижасида ҳосил бўлади.

Юқоридаги ҳаракатлар бевосита бўғиз мушаклари (мускуллари) иштирокида амалга ошади. Бўғиз мушаклари эса икки гуруҳга бўлинади: 1) бўғизнинг ўз мушаклари; 2) бўғизнинг ташқи мушаклари. Муаллифнинг кўрсатишича, бўғиз ҳаракатида 22 та мушак иштирок этади. Улардан 6 таси бўғизнинг очилишида, 4 таси ёпилишида, 6 таси торайишида, 6 таси кенгайишида қатнашади.

Ибн Сино тилнинг (*lisan*) нутқ органи сифатидаги тузилиши ҳақида ҳам атрофлича маълумот беради. У тилни қуйидаги қисмларга бўлади:

1. *asl al-lisan* — тил асоси, тилнинг орқа қисми;

2. *garm al-lisan* — тилнинг танаси. У бевосита чуқур тил орқа билан туташади. |

Тил танасининг ўзи қуйидаги қисмлардан ташкил топади:

1) *al-guz al-mutaahhir al-lisan* — тил орқа;

2) *wosat al-lisan* — тил ўрта;

3) *toraf al-lisan* — тил ёни;

4) *soth al-lisan* — тил усти;

5) *dil al-lisan* — тил учи.

Муаллиф тилнинг ҳаракатида саккиз мушак иштирок этишини баён қилади.

Кўриниб турибдики, нутқ товушларини ҳосил қилишда иштирок этадиган органлар ҳақида кенг маълумот беришидан Ибн Синонинг одам анатомияси борасида катта тажрибага эга бўлгани қўл келган.

Хуллас, Ибн Сино беқиёс табиб, ҳассос шоир, улкан мусиқашунос, йирик файласуф, физиолог олим бўлиши билан бирга, араб, форс, турк, лотин, суғд тилларининг билимдони, ажойиб тилшунос ҳам эди. Унинг умумий фонетикага доир фикрлари ҳозир ҳам ўз кучини йўқотмаган. Ибн

Сино дунё тилшунослигида фонетика ва фонологиянинг ривожига улкан хисса қўшган олимдир.

ҚОРАХОНИЙЛАР ДАВРИДА ТИЛШУНОСЛИК

Туркий халқлар тарихида қорахонийлар даври деб юритиладиган X – XII асрлар алоҳида ажралиб туради.

Тарихий манбалар гувоҳлик беришича, X асрларга келиб халифалик бирмунча кучсизлашди. Марказий Осиёда қарлуқ қабила иттифоқи кучая бошлади ва Еттисувда қорахонийлар ёки Иликхон династияси вужудга келди. Қорахонийлар шарқда уйғур, ғарбда эса турк-эрон маданиятини ўзида уйғунлаштириб, Марказий Осиёда энг маданий ва йирик турк давлатчилигига асос солдилар.

IX асрнинг иккинчи ярмида қорахонийлар давлатининг маъмурий чегараси анча кенгайди: юқори Чиндан Фарғона, Таркан, Бухорога қадар чўзилган катта ҳудуд Буғраҳон тасарруфига ўтади.

Бу даврда ёзма адабиёт ривожланди. Турк маданияти, тилига қизиқиш кучайди. Шунинг учун ҳам туркий тилда Юсуф Хос Хожибнинг «Қутадғу билик» эпопеяси ва туркий тилни ўрганишни хоҳловчи арабларнинг эҳтиёжини қондирмоқ учун Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону луғатит турк» асари майдонга келди.

МАҲМУД ҚОШҒАРИЙНИНГ ЛИНГВИСТИК ҚАРАШЛАРИ

Тилшунослик тарихида Маҳмуд Қошғарий салмоқли ўрин эгаллайди. У тилшуносликнинг жуда кўп соҳалари бўйича қалам тебратди. Қиёсий-тарихий тилшуносликнинг отаси, фонетист-фонолог, лексиколог, лексикограф, лингвогеограф, туркий тиллар сарф ва наҳв илмининг асосчиси саналади.

С.Муталлибов таъкидлаганидек, Маҳмуд Қошғарий яратган «Девону луғатит турк» асари фақат ўша давр учунгина катта воқеа бўлиб қолмай, бугунги туркология учун ҳам ўз қимматини сақлаб келмоқда. У ҳақли равишда туркология фанининг асосчиси ҳисобланади.

Афсуски, ана шундай буюк тилшуноснинг илмий меросидан жаҳон жамоатчилиги асримиз бошларига қадар бебаҳра бўлиб келди, чунки бу давргача Маҳмуд Қошғарийнинг ҳаёти ва унинг «Девон»и ҳақида маълумот йўқ эди. Араб фани шуҳратини ёйишга сабаб бўлган библиографик ва биографик асарларда ҳам (Хожа Халфа луғатидан бошқа) бу олим ҳақида маълумот берилмади. Фақат 1914 йилда туркиянинг Диёрбакир шаҳрида истиқомат қилувчи Али Амирий томонидан тасодифан Маҳмуд Қошғарийнинг «Девон»и топилиши орқали лингвистика тарихида мўъжиза рўй берди. Чунки бу тилшуносликнинг жуда кўп соҳаларини қамраб олган комусий бир асар эди.

Асарнинг топилиш тарихи ҳақида профессор Х. Ҳасанов шундай ёзади: «... бева хотин пулга муҳтож бўлиб, китобфуруш дўконига эски қўлёзamani келтириб кўрсатди: «Марҳум айтган эдилар, агар қийналиб қолсанггина шу китобни сотгин, лекин 30 лирадан кам бўлмасин, деб». Аммо китобфуруш бунчалик қимматга олгиси келмади ва «китоб дўконда тура турсин, харидор чиқса, пулини оларсиз», деб жавоб қилди. Кунлар ўтди, харидорлар келди, биронтаси ҳам шу «эски қоғозлар»ни 30 лирага олгиси келмади. Ниҳоят, диёрбакирлик кекса китоб мухлисларидан Али Амирий (1857 – 1924) афанди дўконга келиб қолди (Али Амирий ўз шахсий кутубхонасида 15 мингтача қўлёзма ва босма китобларни тўплаб, ҳаммасини Истамбулдаги шайх Фазлуллоҳ мадрасасига ҳадя қилган эди. 1918 йилда бу ерга Валиуддин, Жорулло ва бошқа кутубхоналар ҳам бирлаштирилди. Бу йирик қўлёзмалар хазинаси Фотиҳ маҳалласида бўлганидан, кўпинча Фотиҳ кутубхонаси ҳам дейилади, сўнгги вақтларда Миллат кутубхонаси дейила бошланди). Али Амирий бу кўримсиз қўлёзamani бир-икки varaқлаб чиқди, аммо олишга пули йўқ эди. Кўчадан ўтиб кетаётган бир дўстини тўхтатиб, ундан қарз олди. Қўлёзamani олиб кетгач, бир неча кун эртаю кеч уни varaқлаб, кўзини уза олмади. «Китоб олдим, уйга келдим, емак-ичмакни унутдим. Бу китобга Ҳақиқий қиймат берилмак лозим бўлса, жаҳоннинг хазиналари кифоя қилмас». Ахир, бу тамомила янги бир асар – Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону луғатит турк» деган ажойиб дурдонаси бўлиб чиқди».

Маҳмуд Қошғарийнинг ҳаёти

Маҳмуд Қошғарийнинг ҳаёти ҳақида жуда оз маълумотга эгамиз. Унинг тўлиқ исми Маҳмуд Ибн-ул Ҳусайн Ибн Муҳаммад-ал-Қошғарийдир. Маҳмуд Қошғарийнинг туғилган йили аниқ эмас. Лекин «Девон»нинг охирида бу китоб умрини охирига етказганини қуйидаги мисрада баён қилади:

«Кучанди билагим, егуди тилагим,

Тилинди билагим, теграб ангар жартилур».

«Девону луғатит турк» асари эса ҳижрий 469 йили ёзилган (милодий 1076 – 1077). Хошимийлар сулоласидан, аббосийлар авлодидан бўлган Абулқосим бинни Муҳаммад Муқтадога армуғон қилинган. Асарнинг ёзилиш тарихи луғатда шундай баён этилади: «Нок йили туркларнинг ўн икки йил номларининг биридир. Бу китобнинг ёзилган йили нок йили эди».

Луғат ёзилганда муаллифнинг кексайиб қолганини ҳисобга олсак, у XI аср бошларида туғилган деб ҳисоблаш мумкин.

Маҳмуд Қошғарий сўз бошидаги «а»ни «ҳа» қилиб талаффуз қилувчи қабилага мансуб эканини ёзади. Бу маълумот унинг қайси қабиладан эканини аниқ кўрсатмаса ҳам, лекин бу қабиланинг туркийлар ичида катта нуфузга эгалигидан гувоҳлик беради. Чунки Маҳмуд Қошғарий таъкидлаган фонетик хусусият кейинчалик туркий тилларда, хусусан, ўзбек тилида шунчалик кенгайдик, сўз бошидаги «а»дангина эмас, балки «ў», «у» унлиларидан

олдин ҳам «х» орттириладиган бўлди. Масалан, *авуч-ҳавуч, ўл-ҳўл, ўкуз-ҳўкуз, улкар-хулкар* ва бошқалар. Демак, Маҳмуд Қошғарий мансуб бўлган қабила ўзбек халқининг шаклланишида ҳам узвий бир қавм бўлиб хизмат қилган.

Маҳмуд Қошғарийнинг қаерда, қачон ўқигани ҳақида аниқ маълумот йўқ. «Девону луғатит турк»дек комусий бир асарни яратган буюк зот, сўзсиз, ўз даврининг етук олимларидан эди. Хусусан, тилшуносликка катта ҳавас билан қараган шахс эди. Шунинг учун ҳам у туркий уруғ ва қабилалар яшаган барча ерларни бирма-бир кезиб, уларнинг тилларидаги ўхшаш ва фарқли жиҳатларни аниқлайди.

Маҳмуд Қошғарий «Девону луғатит турк»дан ташқари туркий тиллар синтаксисига доир «Жавоҳирун наҳв фил луғатит турк» («Туркий тилларнинг наҳв (синтаксис) жавоҳирлари») асарини ҳам ёзгани ҳақида маълумот беради. Афсуски, бундай нодир асар бизгача етиб келмаган ёки ҳалигача топилгани йўқ.

Маҳмуд Қошғарий ўша давр анъанасига кўра, барча асарларини, жумладан, «Девон»ни ҳам араб тилида ёзди.

«Девону луғатит турк»нинг бизгача биргина қўлёзмаси етиб келган. Қўлёзма Истамбулда сақланади. Қўлёзма котиби Муҳаммад бинни Абу Бакр Дамашкий маълумотиغا кўра, Маҳмуд Қошғарийнинг ўз қўли билан ёзилган нусхадан кўчирилгандир.

Бу асар 1915 – 1917 йилларда Истамбулда уч томлик китоб ҳолида нашр этилди. Немис шарқшуноси Броккельман томонидан 1928 йил немис тилига таржима этилиб, Лейпцигда босиб чиқарилди. Басим Аталай усмонли турк тилига ўгириб, 1939 йилда Анқарада чоп этди. Машхур шарқшунос олим Солиҳ Муталлибов томонидан ўзбек тилига таржима қилиниб, 1960-1963 йилларда Тошкентда нашр этилди.

Маҳмуд Қошғарий лингвистик қарашларининг асослари ҳақида

Маҳмуд Қошғарий лингвистик қарашлари «араб тилшунослиги» деб юритилувчи мактаб кучоғида шаклланди. Дунёга «араб тилшунослик мактаби» номи билан машхур бўлса ҳам, лекин араб маданияти, жумладан, тилшунослигининг ривожига халифалик таркибига кирган деярли барча халқлар ҳисса қўшган. Бу даврда ислом таъсирида яратилган асарларнинг ҳаммаси араб тилида ёзилгани сабабли ҳам, улар дунёга араб маданияти номи билан танилди.

Эрон адабиёти тарихи мутахассиси Брауннинг таъкидлашича, Аббосийлар давридаги (749 – 846) 45 та йирик фан арбобларидан 30 таси эронлик бўлган. Шунингдек, араб маданияти ривожига туркий халқларнинг ҳам хизмати катта.

Шундай қилиб, «араб маданияти», «араб тилшунослиги» деганда, фақат арабларнинг эмас, балки халифалик таркибида бирлашган барча халқларнинг маданияти, тилшунослиги тушунилади.

Араб тилшунослиги Қуръон матнини тўғри талаффуз қилиш эҳтиёжи билан, шунингдек, араблар ва шуубийлар (эронийлар) ўртасидаги араб тили юзасидан мувоҳаза жараёнида вужудга келди. Қуръон матнини тўғри талаффуз қилиш эҳтиёжи икки жиҳатдан майдонга келди. Биринчиси, Қуръон яратилган классик араб тили билан сўзлашув тили ўртасида бирмунча фарқлар юзага келди. Иккинчидан, араб бўлмаган кишиларнинг Қуръонни ўқишларида ғализлик сезилди. Бу ҳақда шундай ривоят қилинади: «Абул Асвад халифа Ҳазрат Алидан грамматиканинг бошланғич асосларини ўрганди. Кейинчалик ундан Оллоҳнинг каломи бўлган муқаддас китобни яхшироқ тушунишга ва тўғри талаффуз қилишга ёрдам берадиган асар яратишни сўрайдилар. У дастлаб розилик бермайди. Бир куни Қуръоннинг «Тавба» сураси «Анна-ллаҳа ба-риун минал-мушрикина ва расулуху» оятининг охириги сўзини «*ва расулиҳи*» деб ўқилганини эшитиб қолади. Бундай талаффуз сура маъносини бутунлай ўзгартириб юборганининг гувоҳи бўлди. «Оллоҳ мушриклар ва унинг расули билан алоқа қилишни хоҳламайди» маъноси юқоридагича талаффуз натижасида «Оллоҳ ва унинг расули мушриклар билан алоқа қилишни хоҳламайди» тарзида ўзгариб кетади. Ана шундан сўнг араб тили грамматикасига доир асар ёзишга қасд қилади».

Аббосийлар Эрон феодаллари ёрдамида ҳокимият тепасига келди. Шу сабабдан Бағдод халифалигида эронийларнинг таъсири жуда кучайди. Бундан норози бўлган араб зодагонлари ўзларининг нуфузини сақлаб қолмоқ учун Қуръони карим тилининг бошқа тиллардан устунлиги, муқаддаслигини улуғладилар. Арабларда «Римликларнинг донолиги – онгида, ҳиндларники – фолбинлигида, юнонларники – қалбида, арабларники эса – тилида» деган нақл тарқалгани бежиз эмас.

Шуубийлар эса, аксинча, бошқа тилларнинг ҳам имкониятлари араб тилидан қолишмаслиги, ҳатто баъзи ўринларда ундан устун келишини исботлашга уринар эдилар. Ана шу кураш негизида ва ўз фикрларини тил материаллари асосида исботлаш асосида тилшунослик ривож топа борди.

Арабларда Муҳаммад пайғамбардан бошлабқ тилга эътибор, уни ўрганишга даъват кучайди. Халифа Абдул Малик нотиклик санъатига эга бўлмаган, араб тили гўзаллигини намойиш эта олмаган киши ҳокимиятни бошқариши мумкин эмаслигини таъкидлайди. Шунинг учун ҳам ўғли Валидни бир неча марта классик араб тилида тўғри гапира олмагани учун қийин қилиб, жамият ва фанда катта нуфузга эга бўлиш учун ҳар бир шахс ўз тилининг бой имкониятларини тўла эгаллаши ва уни амалда қўллай олиши шарт қилиб қўйилди. Шу боис халифа ва араб давлатининг барча бўғинидаги раҳбарлар замондошларини филологияга доир асарлар яратишга рағбатлантириб турди. Булар араб тилшунослик фанининг шаклланиши ва ривож учун қулай шароит яратди. Тилшунослик фан сифатида Басра ва Куфа шаҳарларида шаклланди.

Халифалик тахтига Аббосийлар келиб, илм-фан маркази Бағдодга ўтгунча Басра ҳамда Куфа грамматик мактаблари ўртасида кескин кураш кетди ва ўша кураш замида тилшунослик ривож топди.

Араб тилшунослигининг илк вакиллари сифатида кўпчилик адабиётларда Халифа Али ва Абуласвад ад-Давла эътироф этилади. Абуласвад (тахминан 688 йилларда Басрада вафот этган) гоҳ Ҳазрат Алининг ўқувчиси, илк араб грамматикасининг муаллифи, гоҳ Ҳазрат Али яратган грамматиканинг техник ижрочиси сифатида накл қилинади. Ҳар ҳолда, Ҳазрат Алининг ҳам грамматикага алоқадор шахс экани маълум.

Басра мактабининг илк вакиллари Иса ас-Сағафий (766 йили вафот этган), Абу Амр ибн ал-Ала (689 йил Маккада туғилиб, Басрада ижод қилган ва 770 йилда Куфада вафот этган) ва Юнус ибн Ҳабиблар ҳисобланади. Уларнинг асарлари сақланиб қолмаган бўлса-да, араб тилшунослигининг кейинги босқичи учун пухта замин ҳозирлаган.

Араб тилшунослигининг бу уч бобокалони фаолияти Басра мактабининг энг кўзга кўринган вакиллари билан бири Ҳалил ал-Фароҳидий (тахминан 718 йилда туғилиб, 791 йили Басрада вафот этган) ижодида ўз якуини топди. Ҳалил ал-Фароҳидийнинг «Китоб ул-айн» номи билан юритилувчи луғати сақланиб қолган. У араб тилшунослигининг ҳақиқий отаси сифатида кўпчилик томонидан эътироф этилади.

Шунингдек, илк араб тилшунослигида энг кўзга кўринган грамматикачиларидан бири Ҳалилнинг шогирди Сибавайҳий саналади. Унинг «ал-Китоб» асари сақланиб қолган. «Ал-Китоб» араб тили грамматикасининг энг яхши намунаси сифатида кейинги авлодлар ўртасида ҳам машҳур бўлди. Ҳалилнинг яна бир шогирди ал-Асман (740 йилда туғилган, 828 йилда вафот этган) араб диалектологиясига асос солди.

Басра мактабининг кейинги йирик вакили Муҳаммад ибн Дурейд ўзидан олдин ўтган устозлари анъаналарини давом эттирган ҳолда, жонли араб тилининг сўз бойлигини тўплади. У қиличнинг 500 дан ортиқ, туянинг 1000 дан ортиқ номи борлигини кўрсатади. Лекин уларнинг кўпи диалектал вариантлар ва индивидуал бадиий эпитетлар эди.

Басра мактабидан бирмунча кейин Ироқнинг бошқа бир шаҳри Куфада грамматиканинг иккинчи мактаби пайдо бўлди. Бу мактабнинг асосчиси ар-Руаси саналади, лекин унинг ҳеч қандай мероси сақланмаган.

Куфа мактабидан етиб келган энг қадимги ёдгорлик ал-Қиссайнинг «Халқ тилидаги ғализликлар ҳақида рисола» асари саналади. У Куфада таваллуд топган, лекин қачон туғилгани номаълум. Ўз туғилган шаҳрида филологик маълумотга эга бўлгандан сўнг, янада чуқурроқ билим олмақ мақсадида Басрага – Ҳалил хузурига борди. Ҳалил тавсияси билан жонли араб тилини ўрганиш учун бадавийлар ичига йўл олди. У бадавий қабилаларининг жонли тилини пухта ўзлаштирди. Дастлаб Басрада, сўнг Бағдодда истиқомат қилиб, ўз даврининг етук олимлари билан бир неча бор баҳсларда иштирок этди. Ана шундай баҳслардан бири Сибавайҳий билан бўлиб ўтди ва ал-Қиссай фойдасига хал бўлди.

Куфа мактабининг сўнгги вакилларида бири Муҳаммад ал-Анбарий карама-қарши маъноли сўзлар ҳақида йирик китоб яратди.

XI аср бошларига келиб Басра ва Куфа мактаблари ўртасидаги рақобат тўхтади ва ҳар икки йўналиш ютуқларидан баробар фойдаланадиган янги авлод дунёга келди. Араб филологияси маркази халифалик пойтахти Бағдодга кўчди. Халифа саройида ҳар икки мактабга мансуб олимлар бир ёқадан бош чиқариб филологияни илмини янги чўққиларга олиб чиқиш учун курашди.

Янги йўналишнинг йирик вакилларида Абдулла ибн Қутайба (828 йили туғилган), форс ад-Диновари (895 йили вафот этган), Усмон ибн Жиний (941 йили туғилган), турк Исмоил ал-Жавҳарий (тахминан 1000 йили вафот этган)ларни санаш мумкин. Бу олимларнинг бари қомусий билимга эга бўлиши билан ажралиб турадилар. Айниқса, Исмоил-ал-Жавҳарийнинг 40000 та классик араб тили сўзларини ўз ичига олган «Саҳиҳ» номли луғати катта шуҳрат қозонди. У тузилишига кўра мавжуд луғатлардан фарқ қилади. Муаллиф сўзларни ўзак охиридаги ҳарфларга кўра алфавит тарзида жойлади. Шу вақтга қадар луғатчиликда сўзлар таркибидаги товушларнинг физиологик хусусиятига кўра ёки тематик принцида, борлиқдаги нарсалар қандай номланишига кўра жойлаштирилган эди.

Жавҳарий луғати араб оламида катта шуҳрат топгани учун ҳам муаллиф «*лексикология имоми*» номини олди.

XI аср ўрталарига келиб феодал кучлар ўртасидаги тинимсиз кураш натижасида халифалик кучсизлашди ва бир қанча майда бўлақларга бўлиниб кетди. Бу даврда араб тилидан бошқа тилларга ҳам эътибор кучайди.

Маҳмуд Қошғарий «Девону луғатит турк» асарида бухоролик олимнинг тилидан Муҳаммад алайҳи васалламнинг «турк тилини ўрганинг, чунки уларнинг ҳукмронлиги узок давом этади» деган ҳадиси борлигини келтириши ҳам шу даврда туркий қавмларнинг нуфузи ортиб бораётганидан бир нишона эди.

Ана шундай тарихий шароитда Маҳмуд Қошғарий фан оламига кириб келди. Қошғарий ўша даврдаги араб илмий маркази Бағдодда таълим олиб, Ҳалилдан тортиб Жавҳарийгача бўлган олимларнинг илмий мероси билан чуқур танишди. Натижада уларнинг яхши жиҳатларини қалбига жо қилди.

Маҳмуд Қошғарий — қиёсий-тарихий тилшуносликнинг асосчиси

Қиёсий-тарихий тилшунослик XIX асрдан пайдо бўлди дейилади ва унинг асосчилари сифатида Франц Бопп, Расмус Раск ҳамда Якоб Гриммлар эътироф этилади. Бунинг сабаби шундаки, Фарб олимлари Маҳмуд Қошғарийнинг «Девон»и билан XX асрнинг биринчи чорагига қадар таниш бўлмаган. Агар таниш бўлганларида, унинг тилшуносликдаги хизматлари олдида тиз чўққан ва қиёсий-тарихий тилшунослик, лингвогеография сингари йўналишларнинг отаси сифатида Маҳмуд Қошғарийни эътироф этган бўлардилар. Унинг асари олдида таъзим бажо айлаган машҳур турколог

А. М. Шчербак шундай ёзади: «Маҳмуд Қошғарийнинг «Девон»ига на материалнинг ҳажми, на муаллифнинг филологик билими жиҳатидан бас келадиган бирон асар йўқ. «Девон»нинг луғат деб аталиши унинг асл мазмунига унча мос келмайди. Бунда туркий тиллар грамматикасидан жуда кенг маълумот бор... Яна унда туркий тиллар лексикаси, фонетикасига, қабилаларнинг жойланиш хусусиятлари, географиясига доир маълумотлар мавжуд».

Дарҳақиқат, Маҳмуд Қошғарий туркий қабилаларни бирма-бир кезиб, уларнинг тилидаги фарқли хусусиятларни аниқлади, туркий тилларни гуруҳларга таснифлаш имкониятига эга бўлди. Маҳмуд Қошғарийнинг ўзи бу ҳақда шундай дейди: «Пухта қўлланма бўлсин деб ҳар бир қабиланинг ўзига хос хусусиятларига қиёсий қоидалар туздим... Бу масалага қизиққан мутахассисларга асарни қўлланма қилдим».

Маҳмуд Қошғарий ўз олдида қўйган улкан вазифани аъло даражада бажарди. Барча сатҳлар бўйича туркий тилларни ўзаро қиёслаб, умумий ва фарқли жиҳатларини ажрата олди. Туркий тилларни дастлаб икки гуруҳга ажратди: турклар (чигил, қошғар, арғу, барсағон, уйғур), ўғуз ва қипчоқ қабилалар тиллари.

Туркларнинг тиллари доимо қиёсга асос ролини ўйнайди ва улардаги лингвистик факт ўғуз ҳамда қипчоқ қабилалари тилларига қиёсланади. Жумладан, фонетик жиҳатдан сўз бошидаги «й» ўғузларда ва қипчоқларда «ноль» ёки «ж» билан алмашинуви айтилади.

Турклар

Улар (яъни ўғуз ва қипчоқлар)

йэлкин (мусофир)

элкин

йинжу (марварид)

жинжу

йугду (туянинг узун жуни)

жуғду

йилиг

илиг

Турклардаги сўз бошида келган «м» уларда «б» билан алмашилиши кўрсатилади:

турклар

улар

мэн

бэн

мун (шўрва)

бун

Шунингдек, ўғуз тилининг ўзига хос хусусияти ҳақида гапириб, «т», «к» каби жарангсиз товушлар ўғузларда жаранглилашиши таъкидланади. Масалан:

Турк ва бошқа қабилалар тилларида

Ўғузларда

тэвай
от (тешик)

дэвай
од

Аксинча, турк ва бошқа қабила тилларидаги «д» ўғузларда «т»га айлантирилади:

Турклар

Ўғузлар

бугда (ҳанжар)
йигда (жийда)

букта
йикта

Туркий тиллар ўртасидаги бундай фонетик фарқланиш кейинчалик Оврупо тилшунослари томонидан ҳам эътироф этилди ва улар туркий тилларни худди шундай фарқли белгиларига кўра уч гуруҳга бўлдилар: қарлуқ, ўғуз ва қипчоқ. Бу тилларнинг фонетик жиҳатдан фарқланишига Маҳмуд Қошғарий кўрсатган белгилар асос қилиб олинди.

Маҳмуд Қошғарий ўғуз ва қипчоқлар айрим сўз ҳамда кўшимчалар таркибидаги *ч*, *з* ундошларини тушириб қолдиришини, шу хусусияти билан ҳам турклардан фарқ қилишини баён қилади. Масалан:

Турклар

Ўғузлар ва қипчоқлар

чумчуқ
тамгақ
бараган (ҳадеб бораверадиган)
ураган (ҳадеб ураверадиган)

чумуқ
тамақ
баран
уран

Маҳмуд Қошғарий морфемик бирликларни ҳам туркий тиллар бўйича қиёслайди ва улар ўртасидаги фарқли хусусиятларни белгилайди. Хусусан, буйруқ майлидаги феълда кўпликнинг ифодаланиши ҳақида фикр юритар экан, шундай ёзади: «Буйруқ охирига *-гил*, *-қил*, *-гил* кўшиш тингловчи бирликда бўлгандагина мумкин. Тингловчи иккита ёки ортиқ бўлса, бу кўшимчаларни кўшиб бўлмайди. Иккиталик ва кўплик фарқсиз бир хилдир... Бирлик учун *бар*, иккиталик учун *баринглар иккигу*, кўплик учун *баринглар қамуз* дейилади. Тингловчи ёши катта, ҳурматли бўлса (ёлғиз бўлса ҳам), ҳурмат юзасидан кўплик шакли қўлланади: *баринг* дейилади. Аслида бунинг маъноси *баринглар* демақдир.

Ўғуз ва қипчоқлар бирликда *бар*, кўпликда *баринг* дейдилар. Улар кўплик кўшимчаси *-лар* ни тушириб қолдирадилар, *-лар* ўрнига *-нгиз* қўллайдилар» (ДЛТ, II том, 50-51-бетлар).

Ўтган замонни билдирувчи *-ди* шакли ҳам туркий тиллараро вариантланишини кўрсатади. Чунончи, чигил, уйғур, яғмо сингари қабилалар тилларида ўтган замонни ифодалаш учун *-ди* кўшимчаси кўшилишини таъкидлайди. Ўғузлар ва қипчоқларнинг баъзилари — соворинлар бу

қўшимчанинг охирига ўзакнинг қаттиқ ёки юмшокдигига қараб «қ» ёки «к» қўшиб ишлатилиши ва бу қўшимча birlik ва кўпликда ҳам, турли шахсларда ҳам бир хил қўлланиши, демакки, шахс ва сонда мўътадиллашуви баён қилинади. Масалан:

Ман йа қурдуқ
Сан йа қурдуқ
Ул йа қурдуқ

Биз йа қурдуқ
Сиз йа қурдуқ
Улар йа қурдуқ

Ёки:

Мен келдук
Сен келдук
Ул келдук

Биз келдук
Сиз келдук
Улар келдук

Келаси замон шакли ҳам турк ва ўғузларда фарқли қўлланилиши кўрсатилади: ўғузларда шахс қўшимчасидаги биринчи товуш тушиб қолади. Масалан:

Турк

Ўғуз

барирман
келирман

бариран
келиран

Чигил, уйғур, яғмо, тухси каби қабилаларда исми замон, исми макон ва қурол отларини ифодалаш учун хизмат қилувчи *-ғу*, *-гу* қўшимчаси ўғуз ва кипчоқ қабилаларида *-аси* қўшимчаси билан алмашиниши айтилади. Масалан, *Бу йа курғу ағур армас* (*Бу йой қурадиган вақт эмас*) гапи ўғузларда *Бу йа қураси ағур тағул* дейилади.

Турклардаги инкор билдирувчи *эмас*, *армас* тўлиқсиз феъли ўғузларда *туғул* билан алмашиниши кўрсатилади.

Хуллас, Маҳмуд Қошғарий тилнинг барча сатҳлари бўйича туркий тилларни қиёслаб, ўхшаш ва фарқли жиҳатларни белгилайди, шу белги асосида туркий тилларни маълум гуруҳларга тасниф этади. Равшанки, бу билан аллома қиёсий-тарихий тилшуносликнинг пойдеворини яратди.

Лингвогеографик қарашлари

Оврупода XX аср бошларида лингвогеография лингвистиканинг алоҳида тармоғи сифатида шаклланди. Аслида унинг илдизлари Маҳмуд Қошғарийга бориб тақалади. У туркий қабилаларнинг жойлашини махсус харитага туширади. Дунёни шар шаклида тасвирлайди ва уни тўрт томонга – аш-шарқ, ал-ғарб, аш-шимол, ал-жануб томонларига бўлади. Турклар асли йигирма қабиладан ташкил топганини айтади. Ҳар бир қабиланинг саноксиз уруғлари

борлиги баён қилинади. Шарқдан бошлаб ҳар бир қабиланинг жойлашиши бирин-кетин кўрсатилади. Ҳар қайси қабиланинг тилидаги фарқли хусусиятлар ўрни билан баён қилинади. Бу эса Маҳмуд Қошғарий лингвогеографиянинг ҳам асосчиси эканини кўрсатади.

Фонетик қарашлари

Маҳмуд Қошғарий фонетика соҳасида ҳам қимматли фикрларни баён қилади. Гарчи бу соҳада махсус асар ёзмаган бўлса ҳам, «Девону луғатит турк»да фонетикага доир кўп материаллар бор.

У, аввало, ҳозирги тилшуносликда фонема атамаси билан юритилувчи фонологик бирликни, товуш типини жуда яхши фарқлаган. Шунинг учун ҳам муаллиф энг кичик фонетик бирликнинг фонологик функциясига – сўз таркибида келиб, маъно фарқлаш вазифасига катта эътибор беради. Товуш типларини белгилашда уларнинг маъно фарқлаш вазифасини асосий мезон қилиб олади. Шу мезон асосида туркий тилларнинг фонемалар миқдорини аниқлайди.

Фонемаларнинг ёзувда ифодаланиш даражаси, фонема билан ҳарф муносабати, уларнинг доимо мутаносиб бўлавермаслиги ҳақида фикр юритади. Жумладан, унлини ифодалаш учун қўлланиладиган *و* ¹ ҳарфлар бирикмаси «қалин-ингичкалик» белгиси билан ажралиб турувчи ва сўз маъносини фарқлашга хизмат этадиган бир неча фонемани ифодалашини кўрсатади. Масалан, «ўт» сўзида қалинроқ талаффуз қилиниб, «деворда ва тахтада бўлган тешик» маъносини; янада ингичкароқ талаффуз этилиб, «аччиқлик», «ўт қопчаси» маъносини ифодалаши, демак, улар ҳар қайси маънода алоҳида-алоҳида лексема эканини, лексемаларни фарқлаш учун эса фонема хизмат этаётганини таъкидлайди (ДЛТ, I том, 48-бет).

Туркий фонемалар билан араб ёзувидаги графемалар ўртасида катта номутаносиблик мавжудлиги, шунинг учун бу ёзув туркий тиллар фонетик (фонологик) тизимини тўғри ифодалай олмаслигини кўрсатиб беради. Хусусан, араб ёзувида шундай ҳарфлар борки, фақат араб тилига хос бўлган фонемаларни ифодалайди. Маҳмуд Қошғарий бу ҳақда шундай ёзади: **«Итбоқ ҳарфлари шунингдек бўғиз товушлари ҳам туркий тилларда йўқдир»** (Ўша жойда).

Лекин туркий тилларда шундай фонемалар борки, араб ёзувида махсус ҳарф билан ифодаланмайди. Маҳмуд Қошғарий уларнинг миқдори еттига эканини таъкидлайди (ДЛТ, I том, 21-бет).

Ёзувдаги ана шу камчиликни мавжуд ҳарфларга нуқталар қўйиш орқали тўлдиришга ҳаракат қилди. У шундай ёзади: «Туркий тиллар ёзувида қўлланилувчи ҳарфлар сони ўн саккизга эмас, кўпдир. Бу ўн саккиз ҳарф етишмайди. Булардан бошқа тилда бўлган товушларни бериш учун яна етти ҳарф керак. Лекин у ҳарфлар йўқ. У етти товуш ана шу мавжуд ҳарфлар устига махсус белги қўйиб ёзилади». (Ўша жойда).

Маҳмуд Қошғарий фонемаларнинг нутқ жараёнида турли вариантларга эга бўлишини таъкидлаб, ҳар хил фонетик ҳодисалар ҳақида ҳам маълумот беради. Жумладан, ишбоъ (товушларни қаттиқ ёки қалин талаффуз қилиш), имола (товушларни чўзиб талаффуз қилиш), ишмом (товушларни юмшоқ ёки ингичка талаффуз қилиш), ғуннанинг икки кўриниши (*нг, нг*), ҳайшум (назализация), икки ундошнинг қатор келиши (геминация), товуш алмашилиши (метатеза), ассимиляция, диссимиляция, товуш тушиши ва товуш ортиши сингари ҳодисалар ҳақида фикр юритилади». (Ўша китоб, 50-бет).

XIX асрда Бодуэн де Куртенэ корреспонденция деб ажратган фонетик ҳодиса ҳақида ҳам Маҳмуд Қошғарий XI асрдаёқ маълумот берган. У туркий қабилалар ўртасида турли фонетик мослик мавжудлигини таъкидлайди. «Йой билан бошланган от ва феълларнинг бош ҳарфини ўғуз ва кипчоқлар «алиф»га ёки «жим»га айлантирадилар. Чунончи, турклар мусофирни *йэлкин* десалар, улар (ўғузлар) *элкин* дейдилар. Шунингдек, турклар дур, марваридни *йинжу* десалар, ўғузлар *жинжу* дейдилар» (ДЛТ, I том, 67-бет). Шунингдек, турклар билан ўғуз ва кипчоқлар ўртасида *м-б* (*мен -бен, мун(шурва)-бун*), *т – д* (*тэвэ (туя)-дэвэ*) каби фонетик мослик борлиги ҳам кўрсатилади. Бу ҳодиса кейинчалик туркий тиллар ўртасидаги дифференциация учун асосий омиллардан бири бўлган.

Маҳмуд Қошғарийнинг фонетика соҳасида бундай чуқур маълумотга эгаллигининг маълум сабаблари бор. Чунки Қошғарий таълим олган Бағдод тилшунослик мактабида фонетика, лексикология, лексикография масалаларига катта эътибор берилган эди. Шу сабабдан алломанинг фонетик қарашларини ҳам «араб тилшунослиги» фонида ўрганиш тўғрироқ бўлади.

Араб тилшунослиги ўзининг илк тараққиёт босқичиданоқ фонетика масаласига жиддий эътибор берди. Чунки сўзларни тўғри талаффуз қилишга ўргатиш бевосита фонетика билан боғлиқдир.

Араб тилшунослари нутқ товушларининг анатомик-физиологик томони ҳақида чуқур маълумот бердилар, нутқ аппарати батафсил шарҳланди.

Товуш ва ҳарф муносабати масаласида араблар антик олимлардан анча ўзиб кетдилар. Жумладан, Сибавайҳий товуш ва унинг график ифодасини аниқ фарқлайди. Товуш билан ҳарф ўртасида мавжуд фарқлар ҳақида тўхталади. Лекин араб тилшунослигининг илк даврида унли ва ундошлар фарқланмасди. Тўғрироғи, унли ундош билан биргаликда битта ҳодиса сифатида тушуниларди. Хусусан, Ҳалил ал-Фароҳидий ундошни унлидан ажратиш мумкин бўлмаган иш деб изоҳлади. Агар биз ундошни алоҳида талаффуз қилмоқни истасак ҳам, барибир, унлини кўшиб бўғин ҳолида талаффуз қиламиз, дейди.

Кейинчалик унли ва ундош бир-биридан фарқлана бошланди. Буни Ибн Жиний асарларида кузатиш мумкин. Ундошнинг унлисиз ҳолати алоҳида термин, яъни *сукун* атамаси билан номланди. Бунга *ҳарака* атамаси зидланди. Бу атама остида ундошнинг унли билан биргаликдаги талаффузи тушунилади.

Араб тилшунослари нутқ жараёнидаги фонетик ўзгаришлар ҳақида чуқур маълумот бердилар. Унлиларнинг кучсизланиши ва унинг сабаблари изоҳланди. Сибавайҳий ҳар қандай фонетик ўзгаришлар замирида талаффуз қулайлигига интилиш ётганини таъкидлайди. Фонетик ўзгаришларнинг сабаби қулайлик ва кам куч сарфлашга интилиш эканини араблардан минг йиллар кейин Оврупо тилшунослигида А.Мартине ва Е.Д.Поливановлар баён қилдилар.

Ҳалил ва Сибавайҳий асарларидаёқ нутқ товушлари ҳамда уларнинг таснифи ҳақида батафсил маълумот берилади. Ҳалил товушларни физиологик нуқтаи назардан, пайдо бўлиш ўрнига кўра тасниф этади. Бу белгига кўра товушлар 8 гуруҳга бўлинади. Унинг ўқувчиси Сибавайҳий эса мукамалроқ таснифни берди. У товушларнинг нафақат физиологик, балки акустик томонига ҳам эътиборни жалб этди. Сибавайҳий фонетик тизимидан қуйидаги характерли жиҳатларни ажратиш мумкин: 1) товушлар овозлилар ва овозсизларга (шовқинлиларга) ажратилади; 2) кучланишга эга бўлган ва кучланишга эга бўлмаган товушлар фарқланади; 3) пайдо бўлишига кўра ундошларнинг 16 та ўрни белгиланади; 4) очик ва ёпиқ товушларнинг мавжудлиги кўрсатилади; 5) унлилар оғизнинг очилиш даражасига кўра турларга ажратилади.

Бундан кўриниб турибдики, Сибавайҳий араб тилшунослигида мукамал фонетик назария яратди.

Араб тилшунослигининг шаклланиши ва ривожига ҳинд ҳамда юнон тилшунослигининг таъсири катта бўлган. Фонетика кўпроқ ҳинд тилшунослиги таъсирида ривожланган. Чунки бу борада ҳиндлар юнонларга нисбатан юқорироқ ўринни эгаллаган.

Илк араб грамматикалари яратилган Басра ва Куфа шаҳарлари савдо-сотикнинг учун жуда қулай ерда жойлашгани учун бу шаҳарларга форс ва сурёнийлар маданиятининг кириб келишига қулай имконият мавжуд эди. Форс маданиятига ҳиндларнинг, сурёнийлар маданиятига эса юнонларнинг таъсири кўпроқ бўлгани сабаб улар орқали ҳинд ва юнон маданияти араблар ҳаётига кириб келди.

Ҳиндлар фонетика соҳасида товуш билан товушлар умумлашмасини (фонемани) фарқлагани, имконият тарзидаги товуш бирлиги учун алоҳида атама (спхота) ҳам қўллагани кўпчиликка маълум.

Гарчи араб тилшунослиги ҳинд ва юнонлар таъсирида ривожланган бўлса ҳам, лекин араблар уларнинг назарияларини оддий қўлловчиларгина бўлиб қолмадилар, балки ҳинд ва юнон тилшунослари ғояларидан озикланган ҳолда она тили материаллари асосида ўзларининг махсус назарияларини яратдилар. Бу, айниқса, фонетикада намоён бўлди.

Маҳмуд Қошғарийнинг тилшуносликдаги қарашлари фонетика бўйича ана шундай ютуққа эришган араб тилшунослиги замирида шаклланди. У фонетика соҳасида олган билимлари асосида туркий тилларнинг ўзига хос фонетик хусусиятларини очиб беришга муваффақ бўлди.

Машхур шарқшунос П.К.Жузе Махмуд Қошғарий ҳақида шундай ёзади: «...Дадил айтиш мумкинки, яқиндагина (XIX аср охирларида) Россия ва Шарқда ўрганилган туркий тиллар фонетикаси ҳамда этимологиясининг асосий қонунлари XI асрдаёқ Махмуд томонидан аниқланган ва ўрганилган эди. Махмуднинг бу текширишлари шу қадар кенг ва чуқурки, ҳатто бундай асар XIX асрда ёзилганда ҳам, шон-шараф бўларди. Махмуд Қошғарийнинг «Девон»и сингари асар фан оламида кейинги асрларда ҳам яратилган эмас. Унинг асари бамисоли «Туркий қомусдир».

Лексика ва лексикография соҳасидаги қарашлари

Махмуд Қошғарий туркий тилшуносликнинг лексикология ва лексикографиясига ҳам асос солди. У лексикологиянинг объекти бўлган маънонинг кўчиши, торайиши ва кенгайиши, зид маъноли сўзлар (антоним), шаклдош сўзлар (лексик омонимия), маънодош сўзлар (лексик синонимия), бир сўзни зид маънода қўллаш каби масалалар бўйича маълумот беради. У лексик омонимларни шаклий ўхшаш бўлган бир неча сўз сифатида эътироф этади. Шунинг учун ҳам бундай сўзларни алоҳида мақола тарзида беради ва изоҳлайди. Масалан: *-ўт*, ўсимлик: *ўт унди*; – ҳайвонлар ейдиган ҳар турли ўт, хашак: *Атқа ўт бергил*; дори, даво: *Ўт индим «дори ичдим»*; оғу, заҳар: *Бек ангар ўт берди (Бек унга заҳар берди)*.

Омонимик парадигма таркибига кирган кейинги икки лексеманинг айна пайтда маънони зидлаш асосида биридан иккинчиси келиб чиққанини таъкидлайди (ДЛТ, II том, 20-бет).

Шунингдек, маънонинг торайиши ҳақида фикр юритар экан, *сабан* сўзи илгари қўш ва омочларнинг ҳаммаси маъносида қўлланган бўлса, сўнг фақат омочга хосланганини кўрсатади. Метонимия йўли билан маъно кўчишига ҳам мисоллар келтириб, ўғузлар *қий – гўнгни оғил* дейишларини, *бош* сўзи ўрнида *соч* сўзини ишлатишларини таъкидлайди.

Сўзларнинг ўхшашлиги асосида маъно кўчиши ҳақида ҳам мисоллар берилади. Масалан, *туғмоқ* сўзи илгари фақат одамга, кейинчалик эса ҳайвонларга нисбатан ҳам қўллана бошланганини айтади.

Махмуд Қошғарий лексикография соҳасида дунё тилшунослигида юксак чўққига кўтарилди. У XI асрдаёқ туркий сўзларнинг изоҳли луғатини тузди. Махмуд Қошғарийга қадар араб тилшунослигида лексикография соҳасида катта муваффақиятларга эришилган эди. Хусусан, Ҳалил ал-Фароҳидий ибн Аҳмаднинг «Китобул-айн», Сибавайҳийнинг «ал-Китоб» сингари асарлари араб оламида шуҳрат қозонди. Махмуд Қошғарий уларнинг луғат тузиш принципларига танқидий нуқтаи назардан ёндашиб, ўзига хос йўлдан борди. Бу ҳақда муаллифнинг ўзи шундай ёзади: «**Мен бу китобни махсус алифбе тартибидаги ҳикматли сўзлар, сажълар, мақоллар, қўшиқлар, ражаз ва наср деб аталган адабий парчалар билан безадим, қаттиқ жойларини юмшатдим, қийин ва қоронғи жойларини ёритдим. Бу иш устида**

сўзларни ўз жойига қўйиш, керакли сўзларни осонлик билан топиш учун бир неча йиллар машаққат тортдим. Ниҳоят, керакли сўзларни ўз жойида қўллайдиган, қийинчиликсиз топа оладиган бир ҳолга келтирдим. Китобни саккиз асосий бўлимда чекладим... Ҳар бир бўлимни отлар (исмлар) ва феъллар тарзида икки қисмга ажратиб бердим. Отларни олдин, феълларни эса отлардан кейин ўз сирасига қараб бобларга ажратиб, ўз ўрнида олдинма-кетин кўрсатдим. Тушунилиши осон бўлиши учун асарда арабча истилоҳлар (термин) қўлладим. Китобни тузиш олдидан Ҳалил ибн Аҳмаднинг «Китобул-айн» асарида тутган тартибни қўллаш, истеъмолдан чиққан сўзларни ҳам бера бориш фикри туғилган эди. Бу тартиб араб тили билан икки улоқчи отдек тенг пойга қилиб ўзиб бораётган турк тилини тўлиқроқ ёритиш жиҳатидан ҳам яхши эди. Лекин мен ўқувчиларнинг фойдаланиш масаласига асосландим. Мен истеъмолдаги сўзларнигина бердим, истеъмолдан чиққанларини ташладим. Мен тутган тартиб тўғрироқдир».

Дарҳақиқат, Маҳмуд Қошғарий тўғри башорат қилган эди. У тутган йўл, луғат тузиш принципи бутун дунё лексикографларини ҳанузгача ўзига ром қилиб келмоқда.

Солиҳ Муталлибовнинг таъкидлашича, сўз шакллари шунчалик узок замонларга етказишда Маҳмуд Қошғарий тутган алоҳида тартибнинг аҳамияти каттадир. Бу тартиб асосида қўлғезма зарарланган, ўзгарган тақдирда ҳам қайси сўз қандай бошланиши, ўртада, охирида қай ҳарф борлиги ва бошқаларни аниқлаш осондир. Эҳтимол, Маҳмуд Қошғарийнинг бу тартибни қўллашдан кузатган мақсади ҳам шудир.

Юқорида таъкидланганидек, Маҳмуд Қошғарийгача араб лексикографиясида сўзлар таркибидаги товушларнинг физиологик хусусиятига кўра ёки тематик гуруҳларга кўра жойлаштириш анъана бўлган.

Жонли араб тилининг лексик бойлигини кўрсатиш учун бир сўзнинг турли хил диалектал вариантларини ҳамда услубий вариантларини ҳам алоҳида лексема сифатида кўрсатган ва синонимлар парадигмасида жойлаштирган. Масалан, Муҳаммад ибн Дурейднинг луғатида *қилич* сўзининг 500, *шер* сўзининг 500, *туя* сўзининг 100 дан ортиқ синонимлари берилган. Келиб чиқиши туркий бўлган Исмоил ал-Жавҳарийгина бу анъанага чек қўйди. У мумтоз араб тилининг 40 000 сўзини ўз ичига олган «Саҳих» луғатини тузди. Бу луғат ал-Ҳалилнинг «Китоб-ул-айн»идан ҳам, Муҳаммад Ибн Дурейднинг луғатидан ҳам сўзларни жойлаштириш ва сўз танлаш мезонлари жиҳатидан бир мунча афзалдир. Сўзлар товушларнинг физиологик хусусиятига қараб эмас, балки алфавит асосида, сўз ўзакларининг охирги ҳарфига қараб жойлаштирилади. Бу усул араб тилшунослигида унинг шогирдлари томонидан давом эттирилибгина қолмай, балки Оврупо лексикографиясига ҳам таъсир этди. Фақат Оврупо тилшунослигида сўзларнинг тескари томони – сўз бошидаги ҳарфларга қараб жойлаштириш одат тусига кирди.

Жавҳарийнинг лексикография соҳасидаги хизмати жуда катта бўлишидан қатъи назар, ўзи яшаган даврда у ал-Ҳалил даражасида кадр-қиммат тополмади. «Саҳиҳ» олимларнинг турли баҳсларига сабабчи бўлди. Шу боисдан бўлса керак, Маҳмуд Қошғарий ал-Жавҳарий асарини тилга олмайди, балки ал-Ҳалилнинг «Китоб-ул-айн» асарига тўхталиб, ўз луғатини ундан бошқача мезон асосида тузганини таъкидлайди.

Ал-Жавҳарий лексикография соҳасида янги саҳифа очган бўлса ҳам, унинг луғати мумтоз араб тили материалларига асосланган эди. Унда келтирилган кўп сўзлар истеъмолдан чиққан, жонли тилда қўлланилмас эди. Маҳмуд Қошғарий эса туркий тилнинг таржима ва айни пайтда, изоҳли луғатини тузиб, бу тилнинг жонли сўзлашувдаги луғавий имкониятларини намойиш этмоқни ўз олдига вазифа қилиб қўйди. Шунинг учун ҳам Маҳмуд Қошғарийнинг луғати сўзларни жойлаштириш тамойили жиҳатидан ҳам, луғат материали томонидан ҳам тамоман янги ҳамда мавжуд араб тили луғатларига нисбатан бир неча баробар юқори турувчи асар эди.

Маҳмуд Қошғарий туркий тилнинг амалдаги лексик имкониятларини кўрсатмоқ учун турк қавмлари ичида бирма-бир юриб, уларнинг тилларидаги умумий ва ўзига хос томонларини аниқлашга ҳаракат қилди. Бу ҳақда шундай ёзади: **«Мен турклар, туркманлар, ўғузлар, чигиллар, яғмолар, қирғизларнинг қишлоқ ва шаҳарларини кўп йиллар кезиб чиқдим, луғатларини тўпладим, турли сўз хусусиятларини ўрганиб, аниқлаб чиқдим. Мен бу ишларни тил билмаганим учун эмас, балки бу тиллардаги ҳар бир кичик фарқларни ҳам аниқлаш учун қилдим»** (ДЛТ, I том, 44-бет).

Маҳмуд Қошғарийнинг туркий уруғ-қабилалар ичида юриб, уларнинг тил хусусиятларини ўрганиши ҳам бежиз эмас эди. Шу даврда араб тилшунослари ўртасида мумтоз араб тилидан ташқари жонли араб тилини, яъни бадавийларнинг сўзлашув тилини ўрганиш, тилшуноснинг маҳоратини эса унинг сўзлашув тилини қанчалик билгани билан белгилаш одат тусига кирган эди. Шунинг учун ҳам Ҳалил Ал-Фароҳидий ўз ўқувчилари Сибавайҳийни ҳам, Ал Қиссаийни ҳам бадавийлар ичига юборди (ҳар иккиси ҳам форслардан бўлган). Сўнгра ҳар икки олимнинг жонли сўзлашув бўйича катта баҳси бўлганлиги маълум.

Маҳмуд Қошғарий туркий қабилалар орасида узоқ муддат айланиб юриб, дарҳақиқат, уларнинг тиллари ўртасидаги умумий ва фарқли жиҳатларни етарли далиллар асосида кўрсата олди. Шу тарихи тилшуносликда янги саҳифа очди. У қиёсий-тарихий тилшунослик, лингвогеография сингари йўналишларга асос солди.

Сўз ясалиши юзасидаи қарашлари

Маҳмуд Қошғарий ҳозирги тилшуносликда алоҳида бўлим саналувчи «Сўз ясалиши» ҳақида ҳам ўзининг қимматли фикрларини билдирган.

Туркий тилларда сўз ясалишининг энг маҳсулдор усули аффиксация экани кўпчиликка маълум. Маҳмуд Қошғарий шунинг учун ҳам сўз ясалиши ҳақида гап кетганда, асосан, аффикслар билан яшашга тўхталади. У сўзларни ясалган-ясалмаганлик белгисига кўра икки турга – туб ва ясама сўзларга ажратади. Хусусан, у отларнинг ясалиши ҳақида фикр юритиб, шундай ёзади: **«Отлар икки турлидир: ясама от ва туб от. Феъллардан ясалган отлар феъл охирига ўн икки ҳарфдан бирини қўшиш билан ясалади. Қилич, ўқ каби отлар туб отлардир. Бу хил отлар бошқа сўзлардан келиб чиқмаган. Ясама отлар бошқа сўзлардан келиб чиқади. Буларнинг баъзилари турмушда қўлланиб, эшитилиб юрилган бўлса, баъзилари аниқ эмас, қиёсий асосдадир»** (ДЛТ, I том, 50-бет).

Маҳмуд Қошғарий ҳозирги тилшуносликда қўлланилаётган уч узвли сўз ясалиши ҳақида маълумот беради. У *сўз яшашга асос, ясовчи восита* ва *ясалма* ҳақида фикр юритади. Жумладан, отларнинг ясалиши ҳақида маълумот берар экан, феълдан (яшашга асос) ўн икки ҳарф (ясовчи восита) воситасида от (ясалма) ҳосил бўлишини таъкидлайди. От ясовчи қўшимча атамаси ўрнига ҳарф истилоҳини қўллайди. Феълдан от ясовчи қўшимчалар сифатида *-а(-га, -ма)*: *билга* «билимдон, ақлли» (билди сўзидан), *ува* «таом» (увди, «майдалади» сўзидан), *кесма* «кокил» (кесди феълидан; кўзни беркитмаслик учун сочни кесиладиган жойи ҳам кесма дейилиши таъкидланади); *-т (-ут, -ит)*: качут «қочувчи» (қочди феълидан); *-и(иш)* билиш «таниш» (билди феълидан), *уруш, тўқуш* «жанг» (урди, тўқиди феълларидан); *-ғ(-иғ, -ғу)*: Бу қўшимчанинг уч хил маъноли аффикс экани таъкидланади. Биринчи маъноси *ариғ* “соф, тоза” (аринди, «тозаланди» феълидан); *қуруқ* (қуриди феълидан); иккинчи маъноси ўринни билдиради: *йайлағ* «сайлгоҳ», *қишлоғ* (Бу сўзлар йай ва қиш отлари охирига *-ғ* қўшимчаси қўшиб ясалган, дейилади. Аслида *-лоқ* ўрин-жой оти ясовчи қўшимча сифатида шаклланиб бўлган).

Учинчи маъноси феълларга *-у* ҳарфи билан биргаликда қўшилиб, *-ғу* холида курол оти ҳосил қилишини кўрсатади: *бичғу* «нарсаларни кесувчи асбоб» (бичди феълидан ясалган).

-қ (-гақ): *тарғақ* «тароқ» (таради феълидан), *ўрғақ* “ўроқ” (ўрди феълидан);

-к (-ик, -ук): *кесак* «бирор нарсанинг бўлаги» (кесди феълидан), *эшук* «ёпинчик» (эшуди «ёпди, ўради» феълидан);

-г: *тириг* (тирилди феълидан);

-л оқ ва қора рангларнинг алмашинувидан ҳосил бўлган *тарғил* «чавқар» (тарилди феълидан);

-н: *ақин* «сел» (ақди феълидан ясалган) ва бошқалар.

Юқоридаги қўшимчаларнинг сўз яшашда фаол экани ҳақида гапириб, шундай ёзади: **«Бу қоидалар фалак кутб юлдузи атрофида айланиш қоидаси каби ҳар қандай сўзга татбиқ қилинадиган умумий қоидалардир»** (ДЛТ, I том, 55-бет).

Маҳмуд Қошғарий сўз яшанинг аффиксациядан бошқа усуллари борлиги ҳақида ҳам маълумот беради. Ана шундай усуллардан бири – энантиосемияга мисоллар беради. Масалан, *ўт* «дори»: *ўт ичтим* «дори ичдим», *ўт* «заҳар»: *бег анга ўт берди* (бек унга заҳар берди).

Шундай қилиб, Маҳмуд Қошғарий XI асрдаги туркий сўз ясалиши ҳақида маълум даражада маълумот беради.

Морфологик қарашлари

Маҳмуд Қошғарий араб тилшунослиги анъаналари асосида туркий тилларда ҳам учта сўз туркумини ажратади: отлар (исмлар), феъллар ва ёрдамчилар (харфлар). Бу сўз туркумлари ичида айниқса феъллар чуқур таҳлил этилади. Феълларнинг замон, нисбат, шахс категориялари ҳақида маълумот беради.

Феъллар уч замонга – ўтган, ҳозирги ва келаси замонларга бўлинади. **«Феълнинг ўтган замон шакли ҳамма феълларга -ди қўшиб ясалади, ҳеч қаерда ўзгармайди»**, дейилади (ДЛТ, II том, 41-бет).

Қизиғи шундаки, Маҳмуд Қошғарий аффиксларнинг турли фонетик вариантлари ва бу вариантлар пайдо бўлишидаги морфонологик ўзгаришлар сабаблари ҳақида ҳам фикр юритади. Хусусан, ўтган замон шакли -ди ҳақида тўхталиб, шундай ёзади: **«Ўтган замон феъл ясовчи -ди п,т,ч,к каби тўртта қаттиқ харфлар (товушлар) билан қўшилганда «д» «т»га алмашади. Чунончи, тапти «теп-ди», қачти «қочди», чўкти «чўкди» каби. Ўзидан сўнгги «д»ни «т»га алмаштиришда «қ» ҳам «к»га ўхшайди. Чунончи “Ол манга бақти” каби. Бу «д»ни «т»га алмаштириш у харфларнинг маҳражлари қаттиқ бўлгани учундир. Буларнинг асли «д»дир. Юқоридаги харфларга қўшилганда «т» равишда талаффуз қилиш яхшироқдир»** (ДЛТ, II том, 41-42-бетлар).

Келаси замон феъли барча феъл турларидан -р қўшимчаси қўшиш орқали ҳосил қилиниши кўрсатилади. Масалан, *турур* (тур феълидан), *келир* (кел феълидан), *кулур* (кул феълидан). Шунингдек, *-гай*, *-қай*, *-кай*, *-гай* аффикслари ҳам келаси замонни ифодалашини таъкидлайди: *қургай*, *сағқай*, *келгай*. Ҳозирги замон феълнинг шакллари ҳақида эса нима учундир фикр юритилмайди.

Асарда масдарлар, масдар шакллариининг сингармонистик вариантлари ҳақида изчил маълумот берилади. Маҳмуд Қошғарий ёзади: **«Масдарлар ҳамма феълларда бир хилдир. Ўзагида «қ», «ғ» харфлари бўлган ёки талаффузда тўлиқ айтиладиган сўзларда -мақ қўшиб ясалади. Ўзагида «к» харфи бўлган ёки юмшоқ талаффуз қилинадиган сўзларда -мақ қўшиб ясалади** (ДЛТ, II том, 45 – 46-бетлар). Масалан, *қўрмақ*, *соғмақ*, *бармақ*; *турмақ*, *келмақ*, *ачмақ* (очди феълидан).

Масдарларнинг яна бири «соф феъл шаклига ишловчи шахс маъносини англатувчи қўшимча қўшиш билан ясалиши ва бу хил масдарларнинг отлар туркумидаги сўзлар каби от ўрнида қўлланиши»дир. Булар феъл ўзагига

каттик товушли сўзларда -ки, -ғи, юмшоқ товушли сўзларда -ки, -ғи кўшимчалари кўшиш билан ясаши таъкидланади. Масалан, *Ул бариг барди* «У бора-боргунча бирор нарсага тўхтамай тўғри борди»; *Сўгал тўнўғи артақ* «Касалнинг нафас олиши ёмон, оғир»; *Анинг йармақ териги кўр* «Унинг пул тўплашини кўр»; *Таз келиги бўркчига* «Калнинг югуриши дўппифурушгача» (ДЛТ, II том, 48-бет). Яна -дук, -дук; -дуг, -дуг шакллари ҳақида ҳам тўхталади. Лекин уларни бир аффикс эмас, балки ўтган замон (-ди) ва масдар (-к, -к, -з, -з) , яъни икки грамматик шакл сифатида қуйидагича талқин қилади: «*Келиги* масдарининг асли келдидир. Бу сўзнинг маъноси ўзгартирилиб, масдар ясовчи (-к) кўшилгандир. Шу мазмунли сўзларда «ғ» ўрнида «к» қўлланмайди. Фақат «ғ» кўшилиши мумкин бўлмаган жойлардагина «к» қўлланади. Бу «к» ўтган замон феъл кўшимчаси бўлган -д билан -и орасига киради ва музоафмасдарга айланади. *Анинг бардуқи, бармадуқи бир* гапидаги *бардуқ, бармадуқ* сўзлари *барди* феълидан ясалган бўлишли, бўлишсиз масдарлардир. Шунингдек, *Менинг турдуқим-турмадуқим бир* иборсидаги *турдуқ, турмадуқ* сўзлари ҳам турди феълидан ясалган бўлишли ва бўлишсиз масдарлардир. Бу мисолларда -ғ қўлланишига ўрин йўқ. Чунки *турдуқи* ўрнида *турдуғи* дейиш мумкин эмас» (Ўша жойда).

Маҳмуд Қошғарий феъл майллари ҳақида ҳам батафсил маълумот беради. Унинг таъкидлашича, феъл ўзаклари буйруқ шаклида бўлади: *бар, кел* каби. Шунингдек, жий қабилаларда буйруқни ифодалаш учун феъл ўзакларига -гил, -қил -гил, -қил аффикслари кўшиб ишлатилиши ҳақида фикр юритади: *баргил, тургил, келгил* каби. Истак майли -са аффикси ёрдамида ҳосил бўлишини кўрсатиш билан бирга, «иш ҳаракатни бажариш шарафига бажарувчи муваффақ эканини, унга эришаётганини ифодалайдиган -қалир, -ғалир, -ғалир, -қалир аффикслари мавжудлигини кўрсатади: *Мен барғалирман* «Мен бориш шарафига эгаман», *Ул эвга кирғалир* «У уйта кириш шарафига эга, кириши яқин қолгандир», *Ул йармақ терғалир* «У пул тўплашга эришган, мойил бўлгандир» (ДЛТ, II Том, 70-бет).

Феъллардаги соннинг ифодаланишини араб тилига қиёсланаркан, туркий тилларда иккиталик ва кўплик фарқланмаслиги, сон бирданига икки карама-қарши гуруҳга: бирлик ва кўплик шаклларига зидланиши таъкидланади. Музаккар (муж.р.), муаннас (жен.р.) ҳам фарқланмаслиги кўрсатилади. Бирлик ноль шакл орқали (феъл ўзаклари бирликни билдиради), кўплик эса -и(нг), -и(иглар, -и(нгиз) қабилар орқали ифодаланади. Масалан, *бар* - *баринглар*. -и(нг) шакли фақат кўпликни билдирмасдан, ҳурмат маъносини ифодалаш мумкинлиги кўрсатилади. «**Тингловчи ёши катта, ҳурматли бўлса, ҳурмат юзасидан баринг дейилади**» (ДЛТ, II том, 51-бет).

Бирлик-кўпликни ифодалашда қабилалар ўртасидаги фарқлар ҳам баён қилинади. «**Ўғуз ва кипчоқлар бирликда бар, кўпликда баринг дейдилар. Улар кўплик кўшимчаси -ларни тушириб қолдирадилар, -лар ўрнига тингловчи бирлигида -(и)нгиз қўллайдилар. Ҳурмат учун бир кишига ҳам -з орттирадилар, улар тилида бир кишига нисбатан ҳам кўплик**

устига кўплик қўлланади», – дейилади (Ўша жойда). Кўриниб турибдики, бу ўринда аффиксал плеоназм ҳақида ҳам фикр юритилади.

Муайян маъно асосида бир парадигмага мансуб бўлган birlikлар зидлануви, мўътадиллашуви (нейтрализацияси) ҳақида маълумот берилади. Бу ҳақда ёзади: «Турклар хурматли кишиларга нисбатан, гарчи у ёлғиз бўлса ҳам, бардингиз дейдилар. Ҳолбуки, -(и)нгиз аслида кўпликни билдирувчи қўшимчадир. Ўғузлар буни фақат кўпликда қўллайдилар. (Уларда) бардингиз «хаммангиз бардингиз» демакдир. Бу ерда ўғузлар талаффузи қоидага мувофиқ бўлса ҳам, туркларникида фасоҳат, катта-кичикни фарқ қилиш каби гўзаллик бордир» (ДЛТ, II том, 53-бет).

Шунингдек, ўғузлар ва кипчоқларнинг баъзилари, суворинлар ўтган замоннинг *-ди* шакли ўрнига *-дук*, *-дук* шакллари қўллаши ва бу шакллар birlik-кўпликда фарқланмаслиги ҳақида маълумот берилади. Бундан ташқари, бу шакллар шахслар бўйича ҳам фарқланмаслиги кўрсатилади. Маҳмуд Қошғарий феълларда бўлишли-бўлишсизликнинг ифодаланиши, бўлишсизлик барча қабилаларда феъл ўзакларига *-ма* аффиксини қўшиш орқали ҳосил бўлишини айтади. Бундан ташқари, феъл нисбатлари, нисбат шакллари ҳақида ҳам маълумот берилади. Кўриниб турибдики, «Девону луғатит турк» асари X – XI аср туркий тиллар морфологияси ҳақида тўла тасаввур берувчи қомусий асардир.

Маҳмуд Қошғарий синтаксисга бағишлаб «Жавоҳирун наҳв фил луғатит турк» асарини ёзгани ҳақида маълумотлар бор. Лекин у бизгача етиб келмаган. Шунинг учун ҳам унинг синтактик қарашлари ҳақида тўлиқ маълумот бериш қийин.

Хуллас, Маҳмуд Қошғарий туркий тилларнинг қиёсий фонетикаси, фонологияси, лексикологияси, сўз ясалиши ҳамда қиёсий морфологияси ҳақида батафсил маълумот берган, луғат тузишнинг намунали мезонини яратган, қиёсий тилшуносликнинг, диалектология, лингвогеография каби йўналишларнинг асосчиси бўлган буюк олимдир.

МАҲМУД ЗАМАҲШАРИЙНИНГ ЛИНГВИСТИК ҚАРАШЛАРИ

Ҳаёти ва ижоди

Араб тилшунослигининг ривожига бошқа халқлар олимларининг ҳиссаси катта бўлгани юқорида баён қилинди. Ана шундай олимлардан яна бири хоразмлик Маҳмуд Замахшарийдир.

Хоразм жаҳон фани ва маданиятига бир қанча алломаларни етказиб берди. Муҳаммад Мусо ал-Хоразмий, Ибн Сино, Абу Райҳон ал-Беруний каби олимларнинг номи дунёга машҳурдир. Улар орасида филология соҳасида катта мавқега эга бўлган Маҳмуд Замахшарийнинг алоҳида ўрни бор.

У ҳижрий 467 йил ражаб ойининг йигирма еттинчи куни (милодий 1045 йилнинг 19 мартда) Хоразмнинг Замахшар қишлоғида таваллуд топган. Шунга кўра Замахшарий таҳаллусини олган. Аз-Замахшарийнинг отаси ўз

даврининг илмли кишиларидан бўлиб, Қуръони Каримни ёддан билган. Масжидда имомлик қилган. Онаси ҳам саводли, оқила, фозила аёллардан бўлган.

Аз-Замахшарий дастлаб отаси кўмагида савод чиқарди. Сўнг Хоразмдаги мадрасада таҳсил кўрди. Билимини янада чуқурлаштириш ниятида Бухорога келди. Чунки Бухоро Сомонийлар давридан бошлаб илм-фан марказига айланган, бу ерда дунёга донг таратган олимлар йиғилган эди. У Бухорода ўқишни тугатгач, бир неча йил Хоразмшоҳлар хизматида бўлди. Шу вақтда Хоразмшоҳлар давлати салжуклар салтанатига бўйсунар эди. Салжукийлар ҳукмдори Маликшоҳ ва унинг вазири Низом ул-Мулк илм-фан ва маданиятга катта эътибор билан қарадилар. Айниқса, Низом ул-Мулк фан-маданият ҳомийси сифатида дунёга танилди. Бир қанча шаҳарларда сунний мадрасалар қурдирди. Бу мадрасалар Низомия номи билан юритилди. Хоразмда етарли обрў-эътибор топмаган Замахшарий Низом ул-Мулк хузурига йўл олди. Лекин мўътазилий мазҳабига мансуб бўлганидан, бу ерда ҳам ўз қадрини топмади. Шундан сўнг Муҳаммад ибн Ануштагин асос солган хоразмшоҳлар салтанати вужудга келгунга қадар (ҳижрий 490 – 521 йиллар) Бағдод, Ҳамадон, Макка сингари дунёнинг турли шаҳарларида юриб, у ерлардаги олиму фузалолари билан танишди, суҳбатлар қурди. Муҳаммад ибн Ануштагин тахт тепасига келгач, Замахшарий ўз ватанига қайтди ва Ануштагин марҳаматидан баҳраманд бўлди. Ануштагин вафотидан сўнг (ҳижрий 521 йил) ўғли Отсиз (ҳижрий 521 – 551 йиллар ҳукмронлик қилган) ҳам Замахшарийга катта ҳурмат-эътибор кўрсатган. Шунга қарамай у яна Маккага талпинади. Маккада амир Ибн Ваққос уни яна иззат-икром билан кутиб олади. Бундан илҳомланган аз-Замахшарий ўзининг Қуръони Каримнинг тафсирига бағишланган “Ал-Кашшоф” асарини ёзиб тугатади. Уч йил Маккада яшагандан сўнг ватанини кўмсайди. Хоразмга қайтиб, бир неча йил шу ерда яшайди ва 538 йилнинг арафа кечаси (милодий 1143 йил) Журжония (ҳозирги Урганч)да вафот этади.

Замахшарий ўз даврининг буюк олими даражасига кўтарилди. У тилшунослик, адабиёт, жуғрофие, тафсир, ҳадис, фикҳ ва илми алқироатга оид элликдан ортиқ асарлар яратди. Уларнинг кўпи бизгача етиб келган.

Машҳур тарихчи Ибн-ал-Кифтийнинг эътирофича, у ўз асрида араб тилида ижод қилган ажамлилар (араб бўлмаганлар) орасида энг буюги эди. Ибн Халликон Замахшарийнинг тафсир, ҳадис, наҳв, луғат, илм ул-баён бўйича ўз даврида ягона имом бўлганини таъкидлайди.

Лингвистик фаолияти

Маҳмуд Замахшарий буюк олим сифатида ўзидан кейинги авлодларга бой илмий мерос қолдирди. Улар ичида олимнинг тилшуносликка оид асарлари алоҳида қимматга эга. Замахшарий гарчи араб бўлмаса ҳам, араб грамматикасига доир бир қанча қимматли асарлар яратди. Араблар: «Агар шу

кўса, чўлоқ бўлмаганда, араблар ўз тилларини билмас эдилар»,– деб унинг араб тилшунослигидаги буюк ўрнини ҳаққоний эътироф этадилар.

Маҳмуд Замаҳшарий араб тили грамматикасига доир «Ал-муфассал» номи билан машҳур бўлган «Ал-муфассал фи санъат ил-ийроб» («Флексия санъати ҳақида муфассал китоб»), «Ал-муҳожат бил-масоил ан-наҳвия ав ал-аҳажий ан-наҳвия» («Грамматик масалаларга оид жумбоқлар»), «Ал-унмузаж, фи-н-наҳви» («Грамматик намуналар ақида»), «Самийм ул-арабия» («Араб тилининг негизи»), «Ал-муфрад ва-л-муаллиф фи-н-наҳви» («Грамматикада бирлик ва кўplik»), «Ал-муфрад ва-л мураккаб фи-л-арабия» («Араб тилида бирлик ва кўplik»), «Ал-амалий фи-н-наҳви» («Грамматик қоидаларда орфография»), «Дийвон ут-тамоийл» («Ассимиляция ҳақида девон») каби қатор асарлар яратди. Юқорида саналганларнинг ўзиёқ унинг лингвистика соҳасида нақадар сермахсул қалам тебратганидан далолат беради. Грамматикага доир асарлари ичида «Ал-Муфассал» араб тили морфологияси ва синтаксисини ўрганишда энг муҳим кўлланма сифатида Шарку Фарбда катта шуҳрат қозонган. У.Уватовнинг таъкидлашича, Шом (Сурия) ҳокими Музаффариддин Мусо кимда-ким аз-Замаҳшарийнинг ушбу асарини ёд олса, унга беш минг кумуш танга пул совға қилишга ваъда берган. Бир қанча кишилар бу асарни ёд олиб, мукофотга сазовор бўлганлар. Замаҳшарийнинг ушбу китоби шу даражада шуҳрат қозондики, кўпчилик мунаққидлар уни Сибавайҳийнинг «Китоб Сибавайҳ»ига қиёсладилар ва шу китоб билан беллаша оладиган буюк асар эканини баён қилдилар.

Булардан ташқари, Маҳмуд Замаҳшарийнинг «Муқаддимат ул-адаб» («Адабиётга кириш») асари тилшунослик учун ҳам катта аҳамиятга эга. Асар Хоразмшоҳ Алоуддавла Абдулмузаффар Отсизга бағишлаб ёзилган. Беш қисмдан иборат: 1) от, феъл, 3) боғловчилар, 4) от ўзгаришлари, 5) феъл ўзгаришлари.

Мазкур луғат ўша даврда араб тилининг истеъмолда бўлган барча сўзлари, ибораларини қамраб олади. Бу сўзларнинг маънолари, этимологияси етарли даражада кенг шарҳланади.

«Муқаддимат ул-адаб» форс тилидан ташқари, чиғатой (ўзбек), мўғул, турк тилларига ҳам таржима қилинган. Чиғатой тилига таржима муаллифнинг ўзи томонидан бажарилган бўлиши керак. Чунки асар Хоразмшоҳ Отсизга бағишланганидан, у осон тушуниши учун арабча матн билан биргаликда унинг чиғатой тилига таржимаси ҳам берилган.

«Муқаддимат ул-адаб»нинг бир неча кўлёмалари Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Шарқшунослик институтида сақланмоқда. Асарнинг бизгача етиб келиши тилшуносликнинг катта бахти саналади. Чунки у ўзбек тили тарихини ўрганишда қимматли ва ишончли материал бўлиб хизмат қилади. Садриддин Айний: «**Муқад-димат ул-адаб** асари ўзбек тили учун бутун дунёнинг хазинаси билан баробардир»,– деб ёзган эди.

«Муқаддимат ул-адаб» асримизга келиб кўпчилик тилшунос олимларнинг диққатини тортди. Айниқса, Н. Н. Поппе ва А. К. Боровковлар унинг мўғул ва ўзбек тилига доир қисмини тадқиқ этдилар ҳамда бутун асарнинг матнини нашр этишда катта хизмат қилдилар.

1926 йилда Бухородан топилган, ҳижрий 989 (милодий 1492) йили хаттот Дарвеш Муҳаммад томонидан кўчирилган нусхада «Муқаддимат ул-адаб» арабча матнининг бирданига уч – форс, чиғатой (ўзбек) ва мўғул тилларига сўзма-сўз таржимаси берилади. Фақат қисқача сўзбошининггина мўғулча таржимаси берилади.

Юқорида «Муқаддимат ул-адаб» асарининг беш бўлимдан иборат экани айтилганди. Бухоро нусхасида эса сўнгги уч бўлим тушиб қолган.

Исмлар тематик тамойил асосида гуруҳларга бўлинади: вақт номлари, осмон жисмлари номлари, табиат ҳодисалари номлари, металл ва минераллар номлари, алоқа йўллари номлари, сув билан боғлиқ номлар, ўсимлик номлари ва бошқалар. Феъллар эса араб грамматик анъанасига мувофиқ, ўзак таркибига кўра синфларга ажратилган.

«Муқаддимат ул-адаб» асарининг чиғатой ва мўғул тилларидаги таржима матни 1938 йилда Н.Н.Поппе томонидан алоҳида китоб ҳолида нашр этилгани туркийшунослик ва мўғулшуносликда катта воқеа бўлди.

МЎҒУЛЛАР ДАВРИДА ЎЗБЕК ТИЛИ ВА ТИЛШУНОСЛИГИ

1206 йилда Чингизхон давлати ташкил топишидан мўғуллар истилоси бошланди. 1207 – 1211 йиллари Сибирь ва Шарқий Туркистон (бурят, ёкут, ойрот, қирғиз, уйғурлар) халқлари бўйсундирилди. Мўғул феодаллари ўзига хос ҳарбий ташкилот тузиб, унга турли халқ вакиллари, кўпроқ туркийларни жалб қилдилар. Мўғул кўшинларининг асосий кучи кўчманчи араблар ва турклардан иборат кўп сонли ва жуда ҳаракатчан отлиқ аскарлар эди. Кўшин бирлашган қўмондонликка эга бўлиб, қаттиқ интизоми ва яхши куруллангани ҳамда жанговар сифатлари билан кўшни мамлакатларниқидан устун турарди. Шунинг учун ҳам улар аста-секин Осиё ва Шарқий Овруподаги жуда кўп мамлакатларни босиб олиб, катта мўғуллар империясини ташкил этди. 1218 йили Етгисувни эгаллади. 1219 – 1221 йиллар 450 мингдан зиёд мўғул кўшинлари Ўрта Осиёни тўла ишғол қилди. Шундай қилиб, Чингизхон ва Мунко қоон ҳукмронлиги даврида Мўғул феодал давлати таркибига Мўғулистон, Шимолий Хитой, Қурия, Тангут давлати, Марказий ва Ўрта Осиё, Кавказорти, Афғонистон ва Русиянинг анчагина ерлари бирлаштирилди.

Давлат тепасида шахзодалар, улус ҳукмдорлари иштирокида чақириладиган олий кенгаш (курултой) сайлаган қоон (улуғхон) турган. Империя ихтиёрида бўлган ер-сув, яйловлар Чингизхон авлодининг мулки ҳисобланган. Қоон империяни ўз ўғиллари ва яқин қариндошларига улус-улус қилиб тақсимлаб берган. Ўрта Осиё Чиғатойхон ихтиёрига берилган.

Шундай қилиб, Ўрта Осиё XV асрнинг иккинчи ярмигача, яъни соҳибқирон Амир Темур тахт тепасига келгунга қадар мўғуллар асоратида бўлди.

Шуни таъкидлаш керакки, мўғуллар истило пайти туркийзабон элатларнинг маданиятига таъсир эта олмади. Аксинча, туркий элатлар мўғул маданиятининг ривожига кучли таъсир кўрсатди. Жумладан, мўғуллар туркийлардан ёзув маданиятини ўзлаштирди. Ўша пайтларда ҳам Марказий Осиёда бадий адабиёт анъанага кўра форс тилида яратилди. Фақат мўғул ҳукмдорлари саройида маълум амалга эга бўлган туркий элат вакилларигина она тилида ижод қилиш ғоясини олға сурдилар. Форс тилида ижод қилаётган туркийзабон шоирларни она тилларида асарлар яратишга даъват этдилар. Хусусан, 1353 йилда Олтин Ўрда хони Жонибекнинг Муҳаммадхўжа деган амалдори шоир Хоразмийни хузурига чорлайди ва бир қиш давомида ёнида қолиб, туркийда асар ёзишни таклиф этади. Бу ҳақда шоир ёзади:

*Табассум қилди, айди, эй фалоне,
Кешургил бизга лойиқ армуғоне.
Кўнгил баҳринда кўп гавҳарларинг бор,
Очунда форсий дафтарларинг бор.
Муҳаббат нардини кўплардан уттунг,
Шакартек тил била оламни туттунг.
Тиларманким, бизнинг тил бирла пайдо
Китобе айласанг бу қиш котимдо.*

Бу даврда ўзбек, уйғур адабий тиллари мустақил тиллар сифатида бири-биридан ажралди. Ўзбек тилида бир қатор бадий асарлар майдонга келди.

А.К.Боровков, А. М. Шчербак сингари турколог олимларнинг эътироф этишича, «Тафсир», «Муҳаббатнома», «Қиссаи Рабғузий» каби ёдгорликлар ўзбек тилининг илк ёдгорликлари саналади. Шунингдек, номаълум муаллиф томонидан ёзилган «Ат-туҳфатуз закияту филлуғатит туркия» асари ҳам шу даврга мансубдир.

«АТ-ТУҲФАТУЗ ЗАКИЯТУ ФИЛЛУҒАТИТ ТУРКИЯ» ДА ТИЛШУНОСЛИК МАСАЛАЛАРИ

XIII-XIV асрларда туркий халқлар мўғуллар асоратида бўлса ҳам, уларнинг маданий ва маънавий ҳаётга таъсири кучли эди. Шу боис туркий тилга қизиқиш, уни ўрганишга интилиш кучайди. Ана шу эҳтиёжни қопламоқ учун бир қатор луғатилар ва грамматикага бағишланган асарлар майдонга келди.

Муаллифи ноаниқ «Ат-туҳфатуз закияту фил-луғатит туркия» («Туркий тил ҳақида ноёб туҳфа») китоби ҳам ана шундай асарлар жумласидандир. «Ат-туҳфа» асарининг муаллифи араб тилшунослигини мукамал ўрганган, араб лексикографияси ютуқларини ўзига сингдирган кенг камровли тилшунос бўлган. Асар тузилиши, луғат тузиш мезонлари, грамматик материалларнинг берилиши ана шундан далолат беради. Асар муаллифи Маҳмуд Қошғарий изидан бориб, туркий қабила тилларини, уларнинг ўзаро

фарқли ва ўхшаш жиҳатларини аниқлашга ҳаракат қилган. Лекин бу иш жуда қийин ва катта ҳажмли бўлгани учун асосан қипчоқлар тилини тадқиқот объекти қилиб олган. Ўрни билан туркманлар тилига солиштирган. Муаллиф бу ҳақда шундай ёзади: «**Мен бу асарда қипчоқ тили (хусусиятлари)га асосландим. Чунки энг кўп қўлланган тил қипчоқ тилидир. Туркман тилини бу ишда баён қилмадим, фақат жуда зарур бўлгандагина кўрсатдим, шунда ҳам «кула» дебгина чекландим.**»

Асарнинг қипчоқ тили хусусиятларини очишга қаратилгани ҳам бугунги туркийшунослик учун бу асарнинг жуда қимматли эканини кўрсатади. Бугунги қипчоқ гуруҳига мансуб бўлган тилларнинг тарихини, шунингдек, ўзбек халқининг келиб чиқишида катта этник гуруҳ бўлиб қўшилган қипчоқ шевалари тарихини ўрганишда мазкур асар энг мўътабар манба бўлиб хизмат қилади. «Ат-туҳфа» бизгача биргина нусхада етиб келган. У Истамбулда Валиуддин афанди кутубхонасида сақланмоқда. Проф. Э.Фозилов ва М.Т.Зияевалар «Ат-туҳфа»ни кириш, лексик-грамматик очерк, таржима, сўзлик, грамматик кўрсаткичлари билан рус тилида 1978 йилда нашр этдилар. Кириш қисмида асарнинг ўрганилиш тарихи ҳақида батафсил маълумот берилди. Унда таъкидланишича, “Ат-туҳфа” асарининг мавжудлиги ҳақида дастлаб турк олими проф. М.Ф.Купрулу 1922 йилда маълумот беради. Турк олимлари Х.Т.Даглыуглы ва А.С.Левендларнинг маълумотиغا кўра, асар машҳур турк лексикографи Шамсиддин Шоми томонидан таржима қилинган, лекин нима учундир нашр этилмаган.

Поляк олими А. Зайончковскийнинг «Мамлуклар ҳукмронлиги даврида ёзилган араб-қипчоқ луғати бўйича айрим кузатишлар» номли мақоласи эълон қилиниши билан Оврупо олимларининг диққати бу асарга жалб этилди. 1942 йилда Т.Халаи-Кун бу ёдгорликнинг факсимилини нашр қилди. 1945 йили проф. Б.Аталай «Ат-туҳфа»ни турк тилига таржима қилиб, нашрдан чиқарди.

Асарнинг қаерда ёзилгани ҳақида хилма-хил фикрлар билдирилади. Бир гуруҳ олимлар уни Мисрда (Б.Аталай, С.Муталлибов), бошқалари эса Сурияда (А.Зайончковский ва б.) деб ҳисоблайдилар. Ҳар икки гуруҳга мансуб олимлар асарнинг тил хусусиятларига асосландилар. Масалан, унда қатор сўзлар учрайдики, улар фақат араб тилининг сурия лаҳжасига хосдир. Хусусан, денгизчилик билан боғлиқ туркий атамалар: *ками/ кама* «кема», *йалкан/йилкан* «йелкан», *илангир* «якорь», *ишик* «эшкак», *камачи* «денгизчи, матрос» сурия лаҳжасида учрайди. Ана шу хусусиятлар асосида иккинчи гуруҳга мансуб олимлар бу асарни Сурияда ёзилган деб таҳлил қилганлар.

Шу билан биргаликда асарда Миср номи ҳам учрайди ҳамда ўсимликлардан *мамик/мамук* «пахта» сўзи ҳам қўлланиладики, бу ўсимлик Сурияда ўсмайди. Шунингдек, китоб охирида Султон Носир Муҳаммад Кайтабайнинг ўлдирилиш вақти ҳақида фикр юритилади. Бу шахс 1491 – 1498 йилларда Миср давлатини бошқарган.

Араб тили материаллари ичида шундай сўзлар борки, сурия лаҳжасида бир маънода, миср лаҳжасида бошқа маънода қўлланилади. Бу сўзнинг

туркча таржимасида эса мисрча маъноси берилади. Бу хусусиятлар биринчи гуруҳдаги олимларга асар Мисрда ёзилган, деган тахминни илгари суришлари учун асос бўлган.

Проф. Э.Фозилов эса юқоридаги барча хусусиятларни бирлаштирган ҳолда, асарнинг Мисрда ёзилганини, лекин муаллиф Сурияда анча вақт истиқомат қилган бўлиши мумкинлигини таъкидлайди. Проф. С.Муталлибов бу китобни 1966 йил биринчи бор ўзбек тилига таржима қилиб нашр этди. Натижада ўзбек китобхонлари, илмий жамоатчилик ушбу китобдан фойдаланиш имкониятига эга бўлдилар. Асарда унинг муаллифи ҳақида ҳеч қандай маълумот учрамайди. Лекин китобда бу асарни ёзишга кўпчилик даъват этгани ҳақида фикр юритадики, муаллиф тилшунос сифатида ўша даврда жамотчилик ўртасида танилган, деган хулосага келиш мумкин бўлади. Бу ҳақда муаллиф шундай ёзади: **«Мендан бу ишни сўраганларга хўп деб ваъда қилдим. Тангридан муваффақият ва ёрдам сўрадим. Тангрининг мурувват ва марҳамати соясида бу иш осонлашди»** («Ат-туҳфа», 8-бет).

Луғат тузилиши ҳам, грамматик материалнинг берилиши ҳам асар муаллифининг тилшунослик бўйича катта тажрибага эгалигини кўрсатади. Асар қисқача кириш, фонетик ва график маълумотдан ташқари икки асосий қисмдан иборат. Биринчи қисмда луғат, иккинчисида эса грамматик материаллар берилади.

Луғат тузиш мезонлари ва грамматик қоидалари араб тили лексикографияси ҳамда грамматикаси анъаналарига асосланади. Шунинг таъкидлаш керакки, муаллиф ўзигача туркий тилни ўрганишга бағишланган бир қанча китоблар мавжуд бўлганини ва ушбу китобни ёзишда уларнинг тажрибасидан ҳам фойдаланганини баён қилади. Бу ҳақда жумладан шуларни ёзади: **«Албатта, шу тилда бир қанча китоблар ёзилган. (Мен бу ишда) ўзимдан олдин ёзилганлар тажрибаларига мувофиқ бўлишга киришдим».**

Ўзигача туркий тилда китоб ёзган муаллифлар ичида Абу Хайён номини алоҳида тилга олади ва тил тузилиши ҳамда тилшунослик бўлимларини белгилашда унинг фикрига таянади. Жумладан, бу ҳақда қуйидагича ёзади: **«Андалисли улуғ шайх аллома, тангри ёрлақагур Шарофиддин Абу Хайён Муҳаммад бин Йусуф бин Али бин Хайён туркий тиллар хусусида ёзган китобида шундай дейди: (Бундан сўнг) ҳар тилни билиш, уч нарсани ўзлаштириш ҳосил қилинади. Биринчиси, ҳар бир сўз маъносини аниқлаб билиш. Бу қисм «Луғатшунослик» деб аталади. Иккинчиси, сўзларнинг айрим-айрим ҳолдаги хусусиятларини ўрганиш. Бу қисм Илми сарф деб юритилади. Учинчиси, сўзларнинг бир-бирига боғланишига доир хусусиятларни ўрганиш. Бу қисм арабча илми наҳв дейилади»** (9-10-бетлар).

Шундай қилиб, «Ат-туҳфа» муаллифи бой грамматик анъанадан фойдаланган ҳолда ушбу асарга қўл урган.

Асардаги менталингвистик қарашлар. «Ат-туҳфа» асарида тилнинг ижтимоийлиги, унинг вазифаси, тил ва тафаккур муносабати ҳақида айрим маълумотлар учрайди. Инсоннинг ўзига хос хусусияти унинг фикрлаш қобилиятига эга экани, фикр эса нутқ ёрдамида ифода қилиниши ҳақида қуйидагича маълумот берилади: «**Инсон ҳайвондан фақат тушуниш ва тил (сўзлаш) билангина фарқ қилади**» («Ат-туҳфа», 8-бет). Шунингдек, «тилда шериклик энг яхши воситалардан ва энг олий белгилардандир», деган фикрни баён қиладики, бу билан бирор нарса, воқеа-ҳодиса ҳақида фикр ифодаламоқ учун, яъни нутқий фаолиятни амалга оширмоқ учун, албатта, сўзловчи ва тингловчилар бўлмоғи лозимлиги таъкидланади. Англашиладики, муаллиф тилнинг фақат бир шахсгагина эмас, балки бутун жамиятга хос экани, унинг ижтимоийлиги ҳақида ўз фикрини баён қилади.

Фонетика ва графика бўйича қарашлари. «Ат-туҳфа» асарида фонетика ва графика масалалари юзасидан аралаш ҳолда озгина маълумот берилади. Шу маълумотнинг ўзидаёқ муаллиф фикрлари араб тилшунослиги анъаналари асосида шаклланиган, шу боис товушларнинг физиологик томонига кўпроқ эътибор берганининг гувоҳи бўламиз. Масалан, «**н**» ундошидан сал фарқ қиладиган «**н**» ундоши ҳақида фикр юритар экан, унинг ўзига хос хусусиятини физиологик асосда белгилайди. «Унинг махражи тамоқ-бўғиз ёриғидан бурун орқали» талаффуз қилиниши айтилади (9-бет).

Қипчоқ тилининг фонологик тизимида 23 та товуш – фонема (буни ҳарф атамаси орқали ифодалайди. Фонема ва ҳарф бир атама остида берилади) мавжудлиги, бу фонемалар ёзувда 22 та ҳарф орқали ифодаланиши кўрсатилади. Булардан 19 таси асосий дейилади ва амалда 18 та ҳарф берилади. Улар қуйидагилар: алиф, и, в, п, н, м, л, к, қ, ғ, т, с, з, р, ж, т, б.

Шунингдек, муаллиф «*ф*» билан тенг келувчи *б* ва *п*, *ш* билан тенг келувчи *ж* ва *ч* боғли *к* (яъни *г*) ҳамда бурун товуш (назаллашган) *н*, яъни *нг* ни фарқлаган ҳолда уларнинг ҳар қайсиси тавсифий йўл билан баён қилинади. Масалан, ал-ба ал-мажуба би-л-фа (*ф* билан аралаш *б*, яъни *п*); ал-джим ал-мажуба би-ш-шин-ш билан аралаш *ж* (яъни *ч*); ан-нун ал-хайжумийа - бурун *н*, яъни (*н*) каби.

Фонетик материал асарда шу билан чегараланади. Муаллиф фонетик ходисаларга ҳам маълум даражада ўрин беради. Қизиғи шундаки, асарда ҳар қандай фонетик ўзгариш талаффуз қулайлигига интилиш натижасида рўй бериши айтилади. Худди шу фикр XIX асрнинг 70 – 80-йилларида ёш грамматикачилар томонидан бўрттирилди ва фонетик ходисаларга алоҳида аҳамият берилди.

«Ат-туҳфа»да товушларнинг тушиши ҳақида кенг маълумот берилади. Қуйидаги товушлар тушиб қолиши мумкинлиги кўрсатилади:

д: *ичир* (асли *ичдир* дейилади);

б: *агар* (асли арабча *абгар* экани кўрсатилади);

р: *била* (асли *бирла*, *бирлан*);

қ: *сичан* (*сичқон*), *ташари* (*ташқари*), *башар* (*башқар*);

к: *ичари* (*ичқари*);

нг: *ализ (алингиз)*.

Шунингдек, бўғин туширилишига ҳам мисол келтирилади: *алман (асли алмазман)*.

Юқоридагилардан кўришиб турибдики, “Ат-тухфа”да ўша давр туркий тилларнинг, хусусан, қипчоқ тилининг товуш тизими ҳақида жуда кам маълумот берилади. Унли ва ундошлар ажратилмайди. Унлиларнинг ёзувда ифодаланиш даражаси ҳақида фикр юритилмайди. Муаллиф буни мақсад қилиб қўймайди ҳам.

Грамматик масалалар. «Ат-тухфа» нинг қимматли томони шундаки, унда луғатдан сўнг грамматик материаллар ҳам берилади. Асарнинг бу қисмини туркий тилларнинг илк грамматикаси дейиш мумкин. Туркий тил грамматикаси араб грамматикаси анъаналари асосида ўрганилади. Бу икки тил грамматикаси солиштирилади. Араб тилидаги грамматик тушунчалар туркий тилда қандай ифодаланиши ҳақида маълумот берилади. Натижада амалда солиштира грамматиканинг илк намунаси пайдо бўлади.

Биринчи бўлимнинг номи *маърифа* ва *накра* (араб грамматикасида отларнинг аниқлик ва ноаниқлик шакллари) деб ажратилган. *Эр* («эркак киши», *кичи* «киши», «одам», *эпчи* “хотин”, «аёл» каби отлар ноаниқлик хусусиятига эга бўлган исмлар – *накрага* киритилади. Аниқлик белгисига эга бўлган исмлар *маърифа* ҳисобланади. Уларга олмошлар, исми хос, ишорат оти, мавсуллар (аниқловчилик бирикмалар) хос экани таъкидланади.

От ва унинг грамматик хусусиятлари. Сўз туркумлари араб тилшунослиги анъанасига мувофиқ исм (от), феъл ва ёрдамчи сўзларга бўлинади. Олмош, сифат, сон ҳам исмлар таркибида ўрганилади. Ҳар қайси сўз туркумининг грамматик ўрни билан мазмуний хусусиятлари ёритилади.

Асарда баён этилган сўз туркумларининг грамматик хусусиятлари ҳақидаги қатор фикрлар ҳозирги кунда ҳам ўз қимматини йўқотмаган. Ана шундай қимматли фикрлардан бири туркий тилларда аффиксларнинг кўпвариантлиги масаласидир. Муаллиф ҳозирги тилшуносликда эътироф этилаётган лисоний бирликларда умумийлик-хусусийлик, инвариант-вариантлик диалектикаси намоён бўлишига аввалдан ишора қилади. Сўз туркумларидаги ҳар қайси грамматик маъно ифодаловчи морфологик воситалар ўзи қўшилаётган асос қисмининг фонетик тузилиш хусусиятига мос равишда бир неча кўринишда намоён бўлишини баён қилади. Масалан, ўтган замон сифатдоши *-ган, -кан, -қан, -ган* вариантлари орқали рўёбга чиқиши, бу вариантлардан қайси бирининг қўлланилиши ўзакнинг фонетик тузилишига боғлиқ экани айтилади. Чунончи, *кэтган, кэлган, алган* ва шу кабилар.

Ҳар қайси аффикс ҳақида гап кетганда, албатта, унинг нутқ жараёнларида турли вариантларда намоён бўлишини кўрсатади.

Асарда аффиксларнинг ўзак фонетик структурасини ташкил этган товушларнинг қалин (орқа қатор) ёки ингичка (олд қатор)лигига мос равишда қалин ва ингичка варианты қўшилишини таъкидлаши билан туркий тилларнинг ўзига хос фонетик қонуни – сингармонизм ҳақида дастлабки маълумот беради. Муаллиф сўзларнинг морфемик таркиби ҳақида фикр

юритганда, ўзакларнинг қалин ва ингичкалигига изчиллик билан эътибор беради («Ат-туҳфа», 188 ва б. бетлар).

Отлар атоқли ва турдош турларга бўлинади. Атоқли отлар «алам» атамаси билан номланади ва бирор нарсага хослаб қўйилган сўз «алам» экани айтилади (108-бет). Масалан, *Аллоҳ – тангри, Расул – пайгамбар, Малик – қаан* ва бошқ. (108-бет). Алам тузилиш жиҳатдан содда ва қўшма турларга бўлинади. Масалан, *Ала буза, Кун дугди, Ой дугди* (киши отлари) кабилар қўшма, *Аллоҳ, Расул* кабилар содда (салт) алам ҳисобланади.

Отларнинг сон, эгалик, келишик категориялари, кичрайтириш шакллари ҳақида маълумот берилади.

Отлар сон жиҳатдан бирлик ва кўплик зидланишига эга экани, кўплик аъзоси кўплик шаклига эгалиги, бирлик аъзоси эса бундай шаклга эга эмаслиги билан характерланиши баён қилинади.

Бирлик	Кўплик
<i>кечи</i>	<i>кечилар</i>
<i>эпчи</i>	<i>эпчилар</i>
<i>ат</i>	<i>атлар</i>

Отларнинг бирлик-кўплик зидданиши билан олмошларнинг бирлик-кўплик зидланиши ўртасида катта фарқ борлиги, олмошларда кўпликнинг икки хил ифодаланиши кўрсатилади. Жумладан, кишилик олмошларида кўплик аффиксация эмас, балки фонетик ўзгариш йўли билан ифодаланиши айтилади. Масалан:

Бирлик	Кўплик
<i>мен</i>	<i>биз</i>
<i>сен</i>	<i>сиз</i>

Сўроқ, кўрсатиш олмошларида бирлик-кўплик зидланишининг ифодаланиши отларга ўхшашлиги таъкидланади:

Бирлик	Кўплик
<i>ким нима</i>	<i>кимлар нималар</i>
<i>бу, му, ол</i>	<i>булар, мулар</i>

Эгаликнинг уч шахс бўйича махсус кўрсаткичлари мавжудлиги ва бу кўрсаткичлар бирлик ҳамда кўплик бўйича фарқланиши баён қилинади. Буни куйидаги парадигмада кўрсатиш мумкин.

Бирлик	Кўплик
--------	--------

башим, кўзим
башинг, кўзинг
баши, кўзи

башимиз, кўзимиз
башингиз, кўзингиз
бошлари, кўзлари

Асарда отларнинг келишиклар билан ўзгариши ҳақида ҳам фикр юритилади ва тушум келишигининг ўзига хос хусусиятлари, бош келишик билан мўътадиллашиш ҳолатлари ҳақида маълумот берилади. Масалан, *ўтмакнудим* «нонни едим», *атни миндим*; *қул саттим* «қулни соттим», *ат бардим* «от бердим» ва бошқалар. Булардан дастлабки икки бирикма таркибида ҳоким бўлак орқали ифодаланган ҳаракат тушган объект тушум келишиги орқали, кейингиларида ҳоким бўлак орқали ифодаланаётган ҳаракат (тушган объект) тушум келишиги билан эмас, балки бош келишик билан ифодаланмоқда. Натижада бош келишик билан тушум келишиги мўътадиллашмоқда (нейтрализацияга учрамоқда).

«Ат-тухфа»да отларнинг кичрайтириш шакллари ҳақида ҳам батафсил маълумот берилади. Қуйидаги аффикслар ёрдамида кичрайтириш маъноси ифодаланиши кўрсатилади:

1) *-чук, -чуқ, -жук, -жуқ*: *атчук, қулчуқ, эшакжуқ, итжуқ*.

Баъзан бу аффикслар охирида «з» ундоши орттирилиши, *-чуказ* шаклида қўлланилиши мумкинлиги айтилади. Масалан, *атчуказ, қулчуказ* каби.

2) *-чак, -жак*: *яқинчақ, исижак* ва бошқ.

3) *-ча*: *талича «телбача», абдалча* ва бошқ.

4) *-гина, -кина, -гина, қина*: *атқина, эшақина* каби. Бу қўшимчанинг Маҳмуд Қошғарий томонидан икки маънода – кичрайтириш ва эркалаш маъноларида қўлланилиши таъкидланган эди, «Ат-тухфа»да фақат кичрайтириш шакли ясовчи сифатида келтирилади.

Асарда сонлар ҳақида ҳам «Сонлар бўлими» сарлавҳаси остида анча кенг маълумот берилади («Ат-туфҳа», 126-бет). Сонларнинг тўрт даражаси ажратилади:

Бирлар (бирдан тўққизга қадар бўлган сонлар): *бир, икки, уч, дўрт, беш, алти, йади, сегиз, туқуз*;

Ўнлар (ўндан тўқсонгача): *ўн, йегирма, ўттуз, қирқ, элли, атмиш, йетмиш, саксон, тўқсон*.

Юзлар (юздан минггача): *юз, икки юз, уч юз* каби.

Минглар (мингдан юқориси). Бунда бирларга мансуб сонлар олдин, кўп сонлар эса кейин келади): *икки минг, уч минг, тўрт минг* каби.

Ўнликлар билдирувчи таркибли сонларда олдин ўнликни, ундан сўнг бирликни билдирувчи сўзлар келиши, баъзан бунинг акси бўлиши ҳам мумкинлиги кўрсатилади. Масалан, *йигирма бир* – бир йигирма каби.

Тартиб сонлар санок сонларга *-инчи, -унчи, -ланчи, -ланжи* аффикслари қўшилиши билан ҳосил қилиниши айтилади. Масалан, *иккинчи, учунчи, дўртунчи, бечинчи, бирланжи* каби.

Феъл ва унинг грамматик хусусиятлари

Асарда феъл туркумига ҳам жуда кенг ўрин берилади. Феълнинг нисбат, бўлишли-бўлишсизлик, шахс, майл, замон категориялари атрофлича ёритилади. Мажхул, биргалик, орттирма, ўзлик нисбатлари ҳақида фикр юритилади.

Мажхул нисбат «*исми мафъул*» атамаси билан берилади ва унинг *-л, -ил* аффикси орқали ифодаланиши айтилади. Масалан, берилди каби.

Биргалик нисбат *-ш, -уш, -иш* аффикси ёрдамида ифодаланади, дейилади («Ат-туҳфа», 125-бет). Масалан, *урушурман, урушурбиз; урушурсан, урушурсиз; урушгай, урушгайлар*.

Орттирма нисбат ўтимлилик билан боғлиқ равишда ўрганилади. Қуйидаги шакллар орттирма нисбат (ўтимли) шакллари ҳисобланади.

-дир, -тир: миндир, тўйдир, суқтур «киргиздир»

-т: ўлтурт «ўтқиз», ўкут, бошлат, ўлтурт «ўлдир»

-р: чиқар.

-гиз, -киз: киргиз, тиргиз

-кар: ўткар «нуфузли қил»

-қир, -қир: йамқир; *-гуз, -куз*: тургуз ва бошқалар.

Ўзлик нисбат *-н* аффикси орқали ифодаланади. Масалан, урунур, йувинур каби.

Асарда феъл майллари ҳақида ҳам маълумотлар бор. Буйрук, шарт-истак майллари ҳақида фикр юритилади. Буйруқнинг тингловчи (II шахсга) ва ғойибга (III шахсга) қаратилиши айтилади. Бу майлнинг шахс ва сон бўйича зидланиши кўрсатилади:

Бирлик

Кўплик

тингловчи: кел, кет,
бошла, сўйла

келинг, кетинг, сўйланг, сўйлангиз,
бошлангиз, кетингиз, келингиз

ғойиб: келсин, кетсин, сўйласин

келсинлар, кетсинлар сўйласинлар.

Бундан ташқари тингловчига қаратилган буйруқни таъкидламоқ учун ўзакка *-қин, -гин* (қалин ўзакларга); *-гин, -кин* (юмшоқ ўзакларга) аффикслари кўшилишини айтади: *тургун, йатқин, келгин, турмагин, йатмагин, кетмагин* каби.

Шарт майли ҳақида гапирилганда, аввало, унинг араб тилида , сўнг туркийда ифодаланиши ҳақида кенг тўхталади. Шарт майли (адот) туркчада *-са* қўшимчаси ёрдамида берилиши таъкидланади. Масалан,

Б и р л и к

Кўплик

сўзловчи: турсам
тингловчи: турсанг

турсак
турсангиз

Шунингдек, шарт майли феълнинг бўлишли-бўлишсиз шакллари ва турли замон шаклларида ифодаланиши ҳақида батафсил маълумот берилади.

Кесими шарт майлидаги феъллар билан ифодалаганда, гап таркибида кўпинча *агар* боғловчиси келиши, бу боғловчи аслида форсча бўлса ҳам, туркларда фаол қўлланилиши ҳақида фикр юритилади. Масалан, *агар келса – агар келмаса*.

Асарда инкор категориясига ҳам катта ўрин берилади. Туркий тилда инкорни ифодалашда бешта восита ишлатилиши айтилади. Жумладан, *-ма, -сиз (азиқли - азиқсиз), на, йўқ (на кичи бар, на эпчи), ақшам йўқ (пулим йўқ)*.

Сифатдошнинг бўлишсиз шакли *-мас (-мар)* ҳам бўлишсизлик ифодаловчи алоҳида восита сифатида берилади. Масалан, *келмазман, келмазлар*. Баъзан «з» жарангсизланиши мумкинлиги таъкидланади: *келмасман, келмаслар каби*.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, асарда бўлишсизлик бўлими остида феъллардаги бўлишли-бўлишсизлик билан от (исм)лардаги ва умуман гапга хос бўлган, предикативликнинг бир узви саналувчи тасдиқ-инкор категориялари бирлаштирилган ҳолда берилади.

Асарда феъл замонлари кенг ёритилади. Феълларда уч замон кўрсатилади: 1) ўтган замон; 2) ҳозирги замон; 3) келаси замон.

Ўтган замон нутқ моментига нисбатан олдин рўй берган ёки юзага чиқмаган ҳаракат-ҳолатни билдириши ва бундай маъно *-ди, -миш, -иб (-ип)* аффикслари ёрдамида ифодаланиши айтилади. Биринчи аффикс жарангсиз ундошлардан сўнг *-ти* вариантыда қўлланилиши таъкидланади. Масалан, *алди, уйалди (уйанди), кетти, ичти каби*.

-миш, -иб аффикслари исми фоиллар вазифасида ҳам келиши семантик жиҳатдан ўтган замонда рўй берган (ёки бермаган) ҳаракат-ҳолатни «эшитганлик ҳақидаги хабар» маъносини англатиши баён қилинади. Бу шаклнинг шахс ва сон парадигмаси ҳам берилади.

Бирлик

Кўплик

сўзловчи: келмишман (келмишам)

келмишбиз

тингловчи: келмишсан

келмишсиз

ўзга: келмиш

келмишлар

ёки:

сўзловчи: келибтурман

келибтурмиз

тингловчи: келибтурсан

келибтурсиз

ўзга: келибтур

келибтурлар

Ҳозирги замон шакли ҳозирги ва келаси замон маъносини синкретифодалаши айтилади. Ҳозирги замон шакли ўзакнинг қандай товуш билан (иллатли ёки иллатсиз) тугашига қараб икки вариантда қўлланилиши баён қилинади: ўзак охири «сахих» (иллатли бўлмаган ундош билан тугаган) бўлса, ўзак билан шахс қўшимчалари ўртасида *-а* морфемаси қўлланилиши; ўзак охири иллатсиз бўлганда эса, яъни унли билан тугаганда бу морфема *-й* вариантыда ишлатилиши кўрсатилади. Масалан,

Бирлик

Кўплик

сўзловчи: келадирман, сўйлайдирман келадирбиз, сўйлайдирбиз
тингловчи: келадирсан, сўйлайдирсан келадирсиз, сўйлайдирсиз
ўзга: келадир, сўйлайдир келадирлар, сўйлайдирлар

Ҳозирги-келаси замон феъли аниқлик-эҳтимоллик белгисига кўра ҳам зидланиши, *-ир* қўшимчаси орқали ифодаланганда ҳозирги-келаси замон эҳтимоллик (гумон) маъносини бериши айтилади. Масалан,

Бирлик

Кўплик

сўзловчи: келгайман, чиққайман келгайбиз, чиққайбиз
тингловчи: келгайсан, чиққайсан келгайсиз, чиққайсиз
ўзга: келгай, чиққай келгайлар, чиққайлар

ёки:

сўзловчи: келасиман келасибиз
тингловчи: келасисан келасисиз
ўзга: келаси келасилар

Туркманлар эса келаси замон учун *-ажак* ва *-асар* аффиксларини қўллаши кўрсатилади. Масалан,

Бирлик

Кўплик

сўзловчи: келасарман келасарбиз
тингловчи: келасарсан келасарсиз
ўзга: келасар келасарлар

Булардан кўриниб турибдики, муаллиф туркий тиллар морфологиясида марказий ўринни эгаллаган феълларнинг грамматик категориялари хақида изчиллик билан батафсил маълумот берган.

Ёрдамчи сўзлар

Асарда ёрдамчи сўзлар ҳақида ҳам маълумот берилади. Туркий тилда *ва* боғловчиси каби бир сўз йўқлиги, лекин *дағи, тақи, йўқса, йўқ, йа, аммо* каби сўзлар боғловчи бўлиб хизмат қилишини таъкидлайди. Бу боғловчиларнинг қўлланилиш ўринлари ва маъно фарқланишлари ҳақида маълумот берилади. Масалан, *йўқса* арабча *ав* ва *аммо* боғловчиларининг маъносига тенг келиши, зидлов маъносини англантиши баён қилинади. *Бий турмади, йўқ қули* «Бек турмади, балки қули турди».

Араб тилидаги *аммо* туркий тилда *йа* боғловчисига тенг келади, дейди: *Йа муну алирсан, йа муну* «Ё бунини ол, ё уни». Муаллиф *йа* боғловчиси ҳам асли арабча экани, кейинчалик уни турклар ўзлаштиргани, шунингдек, улар арабча *аммо* боғловчисидан ҳам фойдаданишини айтади. («Ат-туҳфа», 148-б).

Лекин муаллиф XI аср манбаларида кенг қўлланилган *ҳам, ям, яна* сингари боғловчиларга тўхталмайди.¹

Асарда юкламаларга ҳам ўрин берилади. Юкламалар «*Таъкид бўлими*» сарлавҳаси остида ўрганилади. Фақат таъкид юкламаларигина эмас, балки умуман маънони кучайтириш усуллари ҳақида фикр юритилади.

Туркий тилларда маъно кучайтиришнинг икки йўли: лафзий (такрорлаш) ва маъновий (лексик восита ёрдамида) йўли борлиги айтилади.

Лафзий таъкид отларда ҳам, феълларда ҳам, ҳарфларда (ёрдамчиларда) ҳам учраши мумкинлиги кўрсатилади. Масалан, отларда: *бий-бий* «бек-бек»; феълларда: *ал-ал*; ҳарфларда: *ук-ук*. Ҳатто гаплар ҳам такрорланиши айтилади: *Бий келди – Бий келди* «Бек келди – Бек келди».

Маъновий таъкидни ифодалашда қуйидаги воситалар қўлланилиши кўрсатилади:

а) *ўзи*: *Бий турди ўзи* «Фақат бекнинг ўзи турди». б) қанси, қанди; *Бий кетти қанси* «Фақат бекнинг ўзи кетди».

б) *барча, барша*: *Кичилар келдилар барча* «Ҳамма кишилар (одамлар) келишди».

Ундовлар

Асарда ундовлар ҳақида ҳам «Ундовлар бўлими» сарлавҳаси остида қисқача маълумот берилади. Учта ундов сўз борлиги айтилади. Улар қуйидагилар:

1) *А* «Эй» сўзи: Масалан, *А кичи* «Эй одам!»

2) Таажжуб маъносини ифодалаш учун *абав* сўзи қўлланишини кўрсатади.

3) *Абу*: Бу сўз «алам» маъносини ифодалайди.

Сўз ясалиши

«Ат-тухфа»да муаллиф сўз ясаши ҳақида ҳам тўхталади. От (исм)лардан феъл ясашига бир қанча мисоллар беради. Улардан қуйидаги феъл ясовчи аффиксларни кўрсатиш мумкин:

-ар: ақ-ақарди, қара-қарарди, сари-сарарди, сарғарди, қизил-қизарди, йашил-йашарди, кўк-кўкарди; қисқа-қисқар.

-ир: қайғи - қайғирди, ич-ичирди.

-и: бай-байиди ва бошқалар.

Синтактик материаллар

«Ат-тухфа»да гапнинг ифода мақсадига кўра турлари, хусусан, сўроқ гаплар ва сўроқни ифодалаш йўллари, гап бўлақларининг тартиби ҳақида маълумот берилди.

Сўроқ гаплар қуйидаги воситалар орқали ифодаланиши баён қилинади:

-ми юкламаси орқали. Бу юкламанинг икки хил қўлланилиши кўрсатилади. Биринчи ҳолатда сўроқ юкламаси гап охирида, кесим таркибида келади. Масалан, *Бийлар келдиларми?* «Беклар келдимми?» Бундай ҳолатда сўроқ юкламаси билан шахс қўшимчаларининг жойлашиш ўрни турличадир. Ўтган замон феълида замон қўшимчасидан сўнг шахс қўшимчаси, ундан сўнг эса сўроқ юкламаси келади: *Келдингми? Келдингизми?* каби.

Ҳозирги ва келаси замон феълларида замон қўшимчалари билан сўроқ юкламалари ўрни алмашилиб қўлланилиши мумкинлиги кўрсатилади. Баъзан шахс қўшимчалари олдин, сўроқ юкламалари кейин келади. Масалан, *келирманми? келирбизми? келайимми? келалимми? келаликми? келгайманми? келгайбизми?* каби. Баъзан эса, аксинча, сўроқ юкламаси олдин, шахс қўшимчалари кейин келади. Масалан, *келирмисан? келирмисиз? келамидирсан? келамидирсиз? келгаймисан? келгаймисиз?* каби. Сўроқ юкламаларининг бундай жойлашуви, эҳтимол, ўша даврдаги қабилалар тиллари ўртасидаги фарқ бўлиши мумкин.

Иккинчи ҳолатда сўроқ юкламаси мантиқий урғу тушган бўлак таркибида, актуал бўлиниш жиҳатдан рема таркибида келади. Бу вақтда -ми кўпинча кесимдан олдинги бўлақларда келади. Масалан, *Бийми келди?* «Бек келдимми?», *Манми келдим? Бизми келдик? Санми келдинг? Сизми келдингиз?* каби. Бу хусусият ҳозирги айрим туркий тилларда, жумладан, ҳозирги қорачой-балқар тилида адабий меъёр саналади.

2. Сўроқ олмошлари орқали. Бу вақтда гап таркибида нача, ким, нима, нега, налик каби олмошлар иштирок этиши таъкидланади. Масалан, *Налик келдинг? Налик келдингиз? Нега келдим? Надан куларсан? Неча ақчадир бу?*

3. *На* сўроқ маъносини таажжуб орқали ифодаланиши айтилади. («Ат-тухфа», 124-бет).

Масалан, *Бий на кўрукли кичидир?* «Бек қандай кўркам кишидир. *На йамандир?* «Бу қандай ёмондир».

«Ат-тухфа»да эга билан кесимнинг гап таркибидаги тартиби ҳақида ҳам маълумот берилади. («Ат-тухфа», 133-бет). Эга олдин, кесим эса гап охирида келиши қоида экани кўрсатилади. Масалан:

Бий тангда турасидир «Бий эрта туради». *Бий уйдадир*.

Сўроқ гапларда баъзан бу қоида бузилиши, кесим олдин, эга эса ундан кейин келиши мумкинлиги таъкидланади. Масалан,

Бий қани? «Қани бий?» *Уйда кимдир?* «Ким уйдадир?», «Уйда ким бор» ва бошқалар.

Юқорида баён қилинганлардан маълум бўладики, асар муаллифи XII – XIII аср туркий тилининг фонетикасидан тортиб синтаксисига қадар изчиллик билан маълумот берган.

Асарда баён қилинган кўпгина фикрлар ҳозирги туркийшунослик учун ҳам ўз қимматини йўқотгани йўқ. Шу билан бирга туркий тилларнинг тарихий грамматикасини яратишда бу асар қимматли манба бўлиб хизмат қилиши мумкин.

ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИДА ЎЗБЕК ТИЛШУНОСЛИГИ

Ўзбек халқи тарихида темурийлар даври алоҳида ўрин тутади. Соҳибқирон Амир Темур даврининг етук билимдони бўлгани учун ўзи барпо этган буюк салтанат ҳудудида илм-фан, маданият, санъат, архитектура ривожига алоҳида аҳамият берди. Дунёнинг турли жойларидан олиму фузалоларни саройга йиғиб, уларга иззат-икром кўрсатди. Ижод қилишлари учун қулай имконият яратиб берди. Темур тузукларида ёзилишича, сарой мажлисида олиму фузалолар доимо Соҳибқирон ёнидан жой олганлар. Шунинг учун бу даврда илм-фан, маданият, санъат гуллаб-яшнади. Мамлакат ҳудуди, айниқса, унинг пойтахти Самарқанд улкан қурилиш майдонига айланди. Бу давр, Ғарб олимлари тўғри таъкидлаганидек, Марказий Осиёнинг Уйғониш даври эди.

Амир Темур турк (ўзбек) тилининг обрў-эътиборини кўтариш, унинг функция доирасини кенгайтириш, бу тилни дипломатик муносабатлар, давлатнинг турли ҳужжатлари юритиладиган тилга айлантиришга алоҳида аҳамият берди. Шунинг таъкидлаш керакки, Соҳибқироннинг турк (ўзбек) тилининг ҳақ-ҳуқуқини тиклаш учун ҳаракати ўша даврда бадиий адабиётда, давлатнинг расмий ҳужжатларида анъанавий тил бўлган форс тилини камситиш ҳисобига бўлмади. У тилнинг ривожига ҳам кенг имконият яратиб берди. Халқлар ўртасида тил асосида конфликт чиқишига мутлақо йўл кўйилмади. Икки тиллик салтанат ҳудудида кенг тарқалди.

Амир Темур турк (ўзбек) тилининг форс тили билан тенг нуфузга эга бўлиши учун барча шарт-шароитни яратишга интилди. Ўзи ҳам тузукларини ва кўп давлат ёзишмаларини турк (ўзбек) тилида ёзди. Бу эса турк тилининг давлат тили мавқеига кўтарилишига имконият яратди. XX асрнинг буюк ёзувчиси Чингиз Айтматов Соҳибқироннинг ана шу хизматларини назарда тутиб ҳозирги барча туркийзабон халқлар Амир Темур олдида қарздор эканини таъкидлади.

Амир Темур ва темурийлар турк тилида бадий асарлар яратишга алоҳида аҳамият бердилар. Шунинг учун темурийлар саройида бир қанча туркийзабон адиблар иззат-икромга сазовор бўлдилар. Хусусан, Мавлоно Лутфий Шохруҳ мирзо саройида хизмат қилиб, ўз замонасининг «*Малик ул-калом*»ига айланди.

Саккокий Мирзо Улуғбек саройида ижод қилди ва Улуғбекнинг иззат-икромига сазовор бўлди. Олим-фозилларга катта ҳурмат билан қарагани, илм-маърифатга аҳамият бергани туфайли темурийлар ўз оилаларида бола тарбиясига, уларнинг илм олишларига ҳам эътиборни кучайтирдилар. Бунинг натижасида темурийлардан бир қатор олимлар, шоирлар етишиб чиқди. Мирзо Улуғбек, машҳур «*Таашшукнома*» асари муаллифи Сайид Аҳмад ибн Мироншоҳ, Хусайн Бойқаро, Захириддин Муҳаммад Бобур ана шундай темурийзодалардандир.

Темурийлар саройида ўсиб-улғайган Алишер Навоий Амир Темур ниятини тўла амалга оширишга бел боғлаб, ўзбек адабий тилининг яловбардори сифатида майдонга чиқди.

АЛИШЕР НАВОЙНИНГ ЛИНГВИСТИК ҚАРАШЛАРИ

Жаҳон маданияти тарихида катта обрў-эътиборга сазовор бўлган Алишер Навоий бутун фаолиятини ўзбек маданиятини дунёга танитиш, ўзбек тили мавқеини баланд кўтаришга бағишлади.

Алишер Навоий ўзигача бўлган туркигўй шоирлардан Саккокий, Ҳайдар Хоразмий, Атоий, Муқимий, Яқиний, Амирий, Гадоий ва Мавлоно Лутфий номларини ҳурмат билан тилга олади. Лекин форсий шоирлар қаршисига чиқадиган, улар билан дадил беллаша оладиган ёлғиз Мавлоно Лутфийдан ўзга шоир пайдо бўлмаганидан афсусланади.

Ҳамон бадий адабиётда форс-тожик тили етакчилик қилмоқда, ўзбек тилининг имкониятлари яширин қолмоқда эди. Алишер Навоий бу ҳақда шундай ёзади: **«Бу алфоз ва иборатда бу навъ дақойиқ кўпдурким, бу кунга дегинча ҳеч киши ҳақиқатиға мулоҳаза қилмағон жиҳатдин бу яшурун қолибдур... ва филхақиқат, агар киши яхши мулоҳаза ва тааммул қилса, чун бу лафзда вусъат (кенглик) ва майдонида мунча фусхат (очиқлик) топилур...»**

Шоир турк (ўзбек) тилини хазина, чаманзор ҳисоблайди. Бу шундай хазина ва чаманзорки, атрофи эл оёғи етишидан асралган ва қимматбаҳо нарсаларга бошқаларнинг қўли тегишидан сақланган. Аммо **«махзанининг йилони хунхор (қонхўр) ва гулшанининг тикани беҳад ва шумор (сон-саноксиз)»**. Шоирлар илонларнинг найзасидан кўрқиб бу хазинадан баҳра ололмай ўтганлар. Гўё назм тўдасининг гулдаста боғловчилари тиканлар санчилиши зараридан ҳадиксираб бу чаманзордан гулни қўлга киритолмаганлар.

Форс-тожик адабиёти ўзбек адабиётига нисбатан анча қадимий ва бой тажрибага эга бўлгани, бу тилда ҳатто қофия-луғат китоблари ҳам

яратилгани туфайли форс-тожик тилида ижод қилиш бирмунча осонроқ эди. Шунинг учун кўпгина турк (ўзбек) шоирлари ўз она тилларида эмас, балки форс-тожик тилида ижод қилардилар. Натижада ўзбекларнинг маълум гуруҳи форс-тожик тилидаги адабиётдан баҳраманд бўлсалар ҳам, лекин кўпчилиги бадиий адабиётдан бебахра қолаётганди. Алишер Навоий «Ҳайрат ул-аброр» достонида ёзади:

*Форси эл тонди чу хурсандлиқ,
Турки доғи тонса барумандлиқ.*

Алишер Навоий ўзбек шоирларини ўз она тилида ижод қилишга, ҳеч бўлмаганда ҳар икки тилда баробар қалам тебратишга чақирди. У ўзбек адабий тилининг равнақи учун курашни даврнинг энг муҳим иши деб билди:

*Сенга онча ҳақ лутфи воқеъдурур
Ки, то турк алфози шойеъдурур.
Бу тил бирла то назм эрур халқ иши,
Яқин қилмашии халқ сенидек киши.*

(«Садди Искандарий»)

Ана шу йўлда ҳормай-толмай кураш олиб борган буюк шоир Алишер Навоий ўзининг ўлмас бадиий, публицистик ва илмий асарлари билан бутун мамлакатни яққалам қилди ва ўзбек адабий тилининг шуҳратини оламга танитди:

*Турк назмида чу тортиб мен алам,
Айладим ул мамлакатни яққалам.*

Алишер Навоийнинг ўзбек адабий тили равнақи учун кураш олиб боришини Ҳусайн Бойқаро доимо рағбатлантириб турди. Ҳусайн Бойқаронинг ўзи ҳам шу тилда ижод қилди. Алишер Навоий Султон Ҳусайн Баҳодирхон подшолик тахтига ўтиргач ва мамлакат сўровчилик ўрнида ором топгач мамлакат ипига тинчлик гавҳарларини тизгани, жаҳон экинзорига жамият уруғларини эккани, сўз аҳлини юқори даражага кўтаргани, ҳар илмда фойдали асарлар яратилгани, қизиқ китоблар, ажойиб девон, ғазал, қасида ва маснавий турлари юзага чиқиб, ҳаммаёққа таралгани, ўзлари ҳам, гарчи ҳам форсий ва ҳам туркий шеър айтмоққа қодир бўлсалар-да, турк тилининг мавқеини кўтариш мақсадида турк тилида девон яратишга майл қилганини мамнуният билан баён этади. Алишер Навоий «Ҳазойин ул-маоний», «Хамса», «Лисон ут-тайр», «Мажолис ун-нафойис», «Мезон ул-авзон», «Муҳокамат ул-луғатайн» каби ўлмас асарлари билан дунёга машҳур бўлди. Ўша даврда форс-тожик тилида мавжуд барча адабий тур ва жанрларда турк (ўзбек) тилида ҳам ижод қилиш мумкин эканини исботламоқ учун уларнинг ҳаммасида асарлар яратди. Давлат ҳужжатлари ва хатларини форс-тожик

тилидан қолишмайдиган даражада ўзбек тилида ёзиш мумкинлигини куйидагича баён қилди:

«...ва муқобалада форсий алфознинг дилназир иншолари мавжуд ва дилписанд макотиб домлолари маъбуд. То хаёлга андоқ келдиким, турк алфозининг доғи руқъалари ҳамул мисол била айтилгай ва бу тил номларини ҳам ушул минвол била сабт этилгай» («Муншаот»). Ҳар қайси услубда форсигўй шоирлар билан ижодий мусобақалашиб, ўзбек тилининг гўзаллиги ва имконият даражасининг кенглигини намоёиш этди. Бу ҳақда «Мезон ул-авзон» асарида шундай ёзади:

«...Ажам шуароси ва фурс фусахоси ҳар қайси услубдаким, сўз арусига жилва намоёиш бериб эрдилар, турк тили била қалам сурдум ва ҳар нечук қоидадаким, маъни абкорига зийнат ва оройиш кўргузуб эрдилар, чигатой лафзи бшлан рақам ўрдум. Андоқким, то бу мазкур бўлгон тил ва лафз биносидур, ҳеч нозимға бу даст бермайдур ва ҳеч роқамға бу муяссар бўлмайдур».

Лекин Алишер Навоий форс тилида катта ижод йўлига чиқолмаганидан эмас, балки турк (ўзбек) фарзанди эканидан турк (ўзбек) тилининг обрў-эътиборини кўтариш фарзандлик бурчи эканини ҳис этганидан турк (ўзбек) тилида ижод қилмоқни бош вазифа қилиб қўйди. Ҳолбуки, Алишер Навоий ёшлик йилларида форс тилида ижод қила бошлаган ва ажойиб мувафакқиятларга эришаётган, ўз ижоди билан кўплаб форсигўй шоирларни лол қолдираётганди. Алишер Навоий бу ҳақда шундай ёзади: **«Бу сўзлардин ҳасм мундоқ бўлмасун ва муддаий бу навъ гумон қилмасинки, менинг таъбим турк алфозига мулойим тушган учун таърифида муболага изҳор қиладурмен ва форсий иборатқа муносабатим озроқ учун инкор ва нафйиға исрор кўргузурменким, форсий алфоз истийфосин ва ул иборат истиқсосин иши мендин кўпроқ қилмайдур, эркин ва салоҳ (яхши) ва фасодин (ёмон) мендин яхшироқ билмайдур...»**

Шундай қилиб, темурийлар даври Марказий Осиёда уйғониш даври бўлиб қолди. Соҳибқирон Амир Темурнинг тутган доно тил сиёсати туфайли анъанавий форс тилининг нуфузини пасайтирмаган ҳолда туркий тилларнинг обрў-эътиборини кўтаришга имконият яратилди.¹

Турк (ўзбек) тилининг қўлланиш доирасини кенгайтириш, унинг ҳақ-хуқуқини тиклаш, ички имкониятларини тўла намоёиш этишга алоҳида аҳамият берилди. Ана шундай шароитда шеърят султони Алишер Навоий адабиёт гулшанига кириб келди ва турк (ўзбек) тилини шеърят осмонига кўтаришни умрининг мазмуни деб билди. Дунёга донг таратган бадиий асарлари билан турк (ўзбек) тилининг шуҳратини оламга ёйди.

Алишер Навоий буюк шоир, истеъдодли адабиётшуноснигина эмас, балки улкан файласуф олим ҳам. У тасаввуф фалсафасининг йирик вакиллари билан бирдир. Алишер Навоий оламдаги нарсалар ва уларнинг моҳияти, инсоннинг пайдо бўлиши каби бир қатор масалалар бўйича қимматли фикрлар билдиради.

Навоий фалсафасида умумийлик ва хусусийлик, моҳият ва ҳодиса рутбалари

Ҳозирги фалсафада алоҳида рутба (категория) сифатида ажраладиган ва кўпроқ буюк файласуф Гегель номи билан боғланадиган умумийлик ва хусусийлик, моҳият ва ҳодиса, имконият ва воқелик диалектикаси Шарқ фалсафасида, шунингдек, Алишер Навоий мансуб бўлган тасаввуф фалсафасида аллақачон эътироф этилган.

Арасту ва унинг издоши Форобий модданинг объективлигини тан олади. Уларнинг таъкидлашича, модданинг мавжудлиги бизнинг идрок қилиш қобилиятимизга боғлиқ деб ҳисоблаш мумкин эмас. Табиатан мавжудлик табиий сифат ва моҳиятлардир. Бу уларнинг биз идрок қиладиган ва ҳис этадиган белгисидир. Шу билан биргаликда, билишнинг икки босқичи – ҳиссий билиш ва назарий билишни ҳам бир-биридан фарқлай олганлар. Ҳиссий билиш ушлаб, қўл текизиб, ялаб, ҳидлаб сезиш орқали бўлиши ёки кўриш орқали амалга ошиши мумкин. Биринчиси *қувваи ломиса*, иккинчиси эса *қувваи нигоҳий* атамалари билан номланади.

Ҳиссий билиш назарий билишга олиб боради. Бунда хусусийлик орқали моҳият, воқеликлар орқали имконият тикланади. Ҳиссий билишга берилаётган нарсалар беадад кўп ва улар турли ўзгаришларга учраши мумкин. Лекин мазкур ўзгаришлар остида яшириниб ётган битта умумий такрорланувчи белги ҳар бир ўзгарувчида мавжуд бўлади. Ҳар қайси ўзгарувчида мавжуд умумий такрорланувчи белги жавҳар, ўзгарувчилар эса ораз деб номланади.¹

Шундай қилиб, жавҳар оразлар орқали намоён бўлади. Бу фикрлар XIX аср тилшунослигида буюк инқилоб ҳисобланган структурализм ғоялари, хусусан, Ф.де Соссюр, Луи Ельмслев қарашларининг негизи эмасми? Луи Ельмслев ўзгармас нарсани константа деб номлади. Алишер Навоий тасаввуф фалсафасига асосланган ҳолда олам, табиат бутун мавжудот ягона зотнинг кўринишлари (тазоҳири)дир, дейди. Бир вақтлар у «ўзи ўзида» эди. Миқдор жиҳатдан бениҳоят, сифат жиҳатидан хилма-хил ва шаклан беҳисоб конкрет нарсаларнинг имкониятларини ўзида сақлар, шу имкониятларнинг мужассамидай яшарди. Бу вақтда у комил эмасди. Навоий фикрига кўра, «ғунча» эди. У ўзидаги имкониятларни рўёбга чиқармоқчи, абстракт моҳиятини конкретлаштирмоқчи, гулдек очилмоқчи, камолотга эришмоқчи, ўз ҳуснини, маҳоратини намоён этмоқчи ва шу билан ўз ҳуснини чин гўзалликлар, воқеликлар орқали кўриб томоша қилмоқчи бўлди.²

Табиат, бу дунё гўё бир ойна (мирьот), унда Оллоҳнинг акси мавжуд. Борлиқдаги ҳамма нарсада худонинг (ёрнинг) жамоли:

*Чу ёр айлар эмиш барча ерда жавлон ҳусн,
Тенг ўлди Каъба била дайри сумоюн менга*

(«Хазойин ул-маоний»).

Худо ўзининг комиллигини инсон қиёфасида топди. Шунинг учун ҳам барча мавжудотлар ичида шарифи инсондир:

*Барчасини гарчи латиф айладинг,
Барчадин инсонни шариф айладинг.*

Навоий Оллоҳнинг тазоҳирлари бўлган нарсалар оламида инсоннинг ролини улуғлайди. Фаридиддин Аттор фалсафасида Оллоҳ энг комил, борлиқ, табиат, жумладан, инсон эса ҳеч қандай комилликка эга эмас, у алдамчидир, инсоннинг инсон бўлиб яшаб туриши вақтинчалик деб қаралади. Шунинг учун унинг фалсафасига биноан, бу алдоқчи, фоний дунёдан воз кечиб, етти водий: 1) Талаб водийси; 2) Ишқ водийси; 3) Маърифат водийси; 4) Истиғно водийси; 5) Таваҳхуд водийси; 6) Ҳайрат водийси; 7) Фақру Фано водийсидан ўтиб, Оллоҳ васлига восил бўлишга интилиш керак.

Ҳақиқий, абадий бахтли ҳаёт ана шунда экани таъкидланса, Навоий фалсафасида Оллоҳ табиатдаги ҳар бир нарсада зуҳур этиши баён қилинади. Оллоҳ камолотга эришишни истади ва бунга ўзини ниҳоят даражада гўзал ва бой табиат, жумладан, инсон шаклида зуҳур этиш билан эришди. Буни етти водийдан ўтиб, Семурғни ахтарган 30 қуш образи орқали очик ифодалайди:

*Ким, қилиб Семурғни ўттиз қуш ҳавас,
Ўзларин кўрдилар, ул Семурғу бас.*

Демак, табиатдаги барча нарса ва ҳодисалар қандайдир зотнинг – Оллоҳнинг тажаллисидир. Бу табиат зотнинг бевосита кузатишга берилган турли кўринишларидир.¹

Навоийнинг умумийлик-хусусийлик, моҳият-ҳодиса, имконият-воқелик муносабати тўғрисидаги қараши гўзал подшоҳ ҳақидаги ҳикоясида ҳам ёрқин ифодаланади. Ҳикояда баён қилинишича, бир подшоҳ (Оллоҳга ишора) бўлиб, у ниҳоятда гўзаллиги билан барчани мафтун этган. Уни кўриш ҳаммининг орзуси бўлади ва бу орзуга эришмоқ учун кўп азоб чекадилар. Буни билган ўша подшоҳ катта қаср солдиришни ва унга катта ойна (миръот) ўрнатишни буюради. Бундан мақсади шуки, унинг хуснига шайдо бўлганларнинг, унга интилганларнинг, бу йўлда азоб чекаётганларнинг орзуларини қондириш эди. Подшоҳ бу ойнага ўз аксини солади, унда гавдаланади. Натижада одамларнинг шу ойнага назар ташлашлари уни кўрган билан тенг бўлади:

*Қаср – тан, анда кўнгулни кўзгу деб бил,
Кўзгуда Оллоҳ хуснини наззора қил.*

Тазоҳирлар зот ҳақида доим ҳам тўғри маълумот беравермайди. Кўпинча у кишини алдаши мумкин. Шунинг учун оламни билишни Алишер

Навоий икки даражага бўлади: фаҳмий билиш ва идрокий билиш. Фаҳмий билиш кўпинча идрокий билишга тўсиқ бўлиши мумкин. Лекин идрокий билишгина борлиқ ҳақида тўғри ва илмий хулоса беради. Бунинг учун бизнинг ҳиссий билишимизга берилган хусусий кўринишларни бир-бирига солиштириш ва улар ўртасидаги умумий жиҳатларни аниқлаш ва ана шу умумий белги асосида хусусийликларни маълум умумийликка бирлаштириш лозим бўлади. Агар киши фаҳмий билиш даражасида қолиб, хусусийликларни умумийликка бирлаштиролмаса, у ҳақиқий объектив билимга эришолмайди. Буни Алишер Навоий «Лисон ут-тайр»да кўрларнинг фил ҳақидаги ҳиссий билимини баён қилиш орқали жуда аниқ баён этиб беради.

Тил ва нутқ

Алишер Навоийнинг умумийлик ва хусусийлик, зот ва тажаллилар муносабатини белгилаши унга тилшуносликда тил ва нутқ муносабатини очиш, тил ва нутқ бирликларини маълум даражада фарқлаш имкониятини берди.

Ҳозирги тилшуносликда тил ва нутқ бир-биридан изчил равишда фарқланади. Тил ва нутқ муносабатини очиш лингвистик тадқиқотларда муҳим аҳамиятга эга. Шу кунга қадар бу икки ҳодисани бир-биридан фарқлаш дастлаб машҳур немис олими Вилгельм Гумбольдтдан бошланган ва у швейцариялик олим Ф.де Соссюр лингвистик таълимотининг асосини ташкил қилади деб ҳисоблаб келинди.

Лекин Алишер Навоий асарларига эътибор берилса, бу олим Вильгельм Гумбольдт ва Ф.де Соссюрдан анча олдин тил ва нутқ ходисаларини бир-биридан фарқлаганининг гувоҳи бўламиз. Алишер Навоий имконият тарзидаги сўз (тил бирлиги) соҳиби ихтисос (сўзловчи) томонидан турли хил жилвалантирилиши (нутқ бирлиги сифатида реаллаштирилиши) мумкинлигини баён қилади.

«Муҳокамат ул-луғатайн» асарида таъкидланишича, сўз гўё дурдур. Дурнинг жойлашиш ўрни денгиз туби бўлса, сўзнинг жойлашиш ўрни кўнгилдир (хотирадир). Дур ғаввос ёрдамида денгиз тубидан ташқарига чиқарилиб, жилвалантирилса ва ғаввоснинг қиймати жавҳарни жилвалантира олиш қобилиятига қараб белгиланса, сўз соҳиби ихтисос томонидан кўнгилдан ташқарига олиб чиқилади ва нотиқнинг қиймати сўз қўллаш маҳоратига, уни жилвалантириш қобилиятига қараб белгиланади. Денгиз қаърида ҳаракатсиз имконият тарзида турган дурлар ғаввос ёрдамида ҳаракатга келтирилса, кўнгил тубидаги имконият тарзидаги сўзлар ҳам сўзловчи томонидан нутқий жараёнда ўз жилвасини топади.

Бундан кўринадики, имконият ва воқелик, умумийлик ва хусусийлик диалектикаси Гегелдан анча олдин Алишер Навоий асарларида ўз аксини

топган. Тил ва нутқнинг юқоридагидек фарқланиши ҳам ана шу диалектиканинг тилда намоён бўлишининг кўринишидир.

Шакл ва мазмун. Алишер Навоий фалсафасида шакл ва мазмун диалектикаси ҳам марказий ўринни эгаллайди. Шакл ва мазмун ўзаро узвий боғлиқ. Шу билан биргаликда, мазмун шаклга нисбатан бирламчи саналади. Шакл ва мазмун диалектикаси тилда тил ва тафаккур диалектикаси орқали намоён бўлади. Алишер Навоий тил ва тафаккурнинг ўзаро чамбарчас боғлиқлигини, тил фикрни (маънини) ифодаловчи кудратли восита эканини, ана шу восита инсонни комил инсонга айлантиргани, ҳайвондан жудо қилганини эътироф этади. Алишер Навоийнинг тил ва тафаккур диалектикаси ҳақидаги қарашини қуйидаги фикри орқали пайқаш мумкин: **«Чун алфоз ва маскур маҳлуқотдин мурод маънидир»**.¹ Яъни оламдан олган маълум билимимизни ифодалаш, бошқаларга етказиш учун гапирамиз.

Умумий тилшуносликнинг отаси саналувчи Вильгельм Гумбольдт Алишер Навоийдан бир неча юз йил кейин бу фикрни такрорлайди. Унинг баён қилишича, тил фикрни ифодалайди. Ақлий фаолият мутлақо руҳийдир. У нутқ товушлари ёрдамида моддийлашади ва сезги таъсирига берилиш имконига эга бўлади.

Алишер Навоий сўзларда шакл ва маъно диалектикаси ҳақида ҳам фикр юритади. Унинг фикрича, маълум маъно турли шаклларда жилва намоёиш қилиши, бири орқали ўлик баданга тириклик бағишлаш, иккинчиси орқали эса тирик танга захри ҳалокат етказиш мумкин.

Маълум маънонинг турли шаклларда ифодаланиши мумкинлиги, шунинг учун ҳам нутқда бу шакллардан сўзловчининг мақсадга мувофиқини кўллаш имконияти борлиги, уни қай даражада амалга ошириш сўзловчининг маҳоратига боғлиқлигини кўрсатиш орқали сўзловчини нотиклик санъатини эгаллашга даъват этади. Алишер Навоийнинг бу фикрлари кейинчалик лексик услубият (лексик стилистика) деб юритилувчи тилшунослик соҳаси ривожига асос бўлиб хизмат қилди.

Тил ва тилларнинг пайдо бўлиши ҳақидаги қарашлари

Алишер Навоий тилнинг пайдо бўлиши, тилларни вужудга келиши ҳақида ҳам фикр билдиради. Шоирнинг **«Инсонни сўз айлади жудо ҳайвондин»** мисраси олимлар ўртасида хилма-хил фикрлар юритилишига, турли баҳсларнинг туғилишига сабабчи бўлди.

Айрим олимлар Алишер Навоийнинг юқоридаги фикри асосида инсоннинг маймундан пайдо бўлганига ишора қилади, демак, шоир дунёнинг эволюцион йўл билан юзага келганини, бир турдан иккинчи турнинг келиб чиққанини Ч.Дарвиндан анча олдин эътироф қилади, деган хулосага келдилар. Шунинг учун улар Алишер Навоийни материалист деб ҳисоблайдилар.¹ Бу билан Алишер Навоийни ўзларининг «изм»ларидан бирига туширмақчи бўладилар.

Аслида Алишер Навоийнинг юқоридаги мисраси ислом фалсафасидаги дунёнинг пайдо бўлиши, инсоннинг дунёга келиши ҳақидаги қарашларидан бирининг намоён бўлишидир.

Инсоннинг пайдо бўлиши ҳақида мусулмон оламида мутафаккирлар жуда қадимдан буён фикр юритадилар. Уларнинг баъзилари дунёнинг яратилганини эътироф этсалар, бошқалари дунё аста-секин яралган деб ҳисоблайдилар. Ҳар икки қараш фақат мусулмон оламидагина эмас, балки христианлик ва бошқа динларда ҳам учрайди. Хусусан, Қуръони Каримда Оллоҳ қудратли, ҳамма нарсани яратувчи сифатида таърифланади. Худди шундай қараш Инжилда ҳам учрайди. Ҳар икки муқаддас китобда ерда ҳаётнинг пайдо бўлиши, инсоннинг яратилиши, одам аждодининг жаннатдан қувилиши ҳақида бир хил фикр юритилади. Шу билан биргаликда, Қуръоннинг ўзида тирик организм эволюцияси ҳақида ҳам фикр баён этилади. Бундан кўриниб турибдики, муқаддас китобларнинг ўзида оламнинг ва инсоннинг пайдо бўлиши ҳақида зиддиятли фикрлар мавжуд. Бу зиддият Алишер Навоий ижодида ҳам акс этади.

Дунёнинг аста-секин яралиши (эволюцион тараққиёт) ҳақидаги фикр дастлаб ислом оламида арабларнинг қомуси саналувчи «Ихван ас-сафо» («Тозалик оғалари») асарида учрайди. Бу асар Х асрнинг иккинчи ярмида Басрада яратилган бўлиб, ўша даврнинг турли масалалари бўйича фикр юритувчи 51 мақолотни ўз ичига олади.

32-мақолот оламнинг пайдо бўлишига бағишланган. Унда баён қилинишича, дастлаб олам яратилишининг сабабчиси саналувчи моҳият мавжуд бўлган. Бу абсолют яхлитлик ҳали сон эмас, балки барча сонларнинг келиб чиқишига манба саналган. Унинг борликда моддийлашуви иккинчи тараққиёт босқичи – ақли вужудга келтирди. Ақл сезги аъзоларимиз таъсирига берилувчи шаклга эга бўлди. Ундан учинчи босқич – нафс келиб чиқди. Нафс тўртинчи босқич хайули (модда)ни келтириб чиқаради. Потенциал модда ўлчовга эга бўлди ва реал моддага айланди. Дунё шар шаклини олди. Шарнинг ичи зичлана бошлади. Торайиб-торайиб, етти сайёра ҳосил бўлди: Сатурн, Юпитер, Меркурий, Қуёш, Марс, Венера, Ой. Ой сатҳи остидан моддий дунё – эфир, ҳаво, сув ва ер сатҳи бошланади. Бу неоплатонча талқин Басра фалсафа мактаби вакиллари томонидан Арасту таълимоти билан омукта қилинди. Бунга мувофиқ, Яратувчидан бошланган ҳаракат энг қуйи сатҳда – Ерда ўчмайди, балки тесқари ҳаракат – кўтарилиш ҳаракати бошланади. Энг қуйи элементнинг соф вакили минерал саналади. Минерал эволюция имкониятига эга. Ўз таркибини мураккаблаштира бориб, оралиқ бўғин – пўпанак орқали юқорироқ тараққиёт босқичига кўтарилади ва ўзидан ўсимликни ҳосил қилади. Ўсимлик ҳам узоқ муддатли тараққиёт йўлини босиб ўтиб, оралиқ босқич – икки жинсли пальма орқали ҳайвонотга айланади. Ҳайвонот олами ҳам ривожланишда давом этиб, оралиқ босқич саналувчи маймун орқали инсоният оламини вужудга келтиради.

Бошланган ҳаракат тўхтамаслиги керак. Демак, инсоният олами ҳам ривожланишда давом этиши, ривожланишга сабаб бўлган илоҳий кучга

айланиши керак. Шундай қилиб, «Ихвон ас-сафо»да оламнинг аста-секинлик билан, эволюцион ривожланиши орқали бир турдан иккинчи турнинг келиб чиқиши баён этилади. Лекин инсоният оламидан кейинги тараққиётга келганда турли фикрларнинг туғилишига сабабчи бўлади. Басра файласуфлари инсоннинг илоҳиятга айланиши ўзини ҳайвоний ҳирслардан тозалаши, покланиши, маънавий ва тафаккур қобилиятининг тўла камолот босқичига кўтарилиши орқали рўй беради, деб ҳисоблайдилар. Улар ҳайвоний ҳирслар ҳукмронлиги, нафс балоси остида яшайдиган инсонлар ҳайвондан устун эмас, балки ундан кўра тубанроқ эканини баён қиладилар.¹

Худди шунга ўхшаш фикр Абу Наср ал-Фаробийда ҳам учрайди. У ўзининг «Фозил одамлар шаҳри» асарида энг қуйи модданинг аста-секин ривожлана бориши, ўзидан юқорироқ моддага – ер, сув, ҳаво, оловга; ундан сўнг янада юқорироқ ривожланиб, минералга, ундан сўнг ўсимликка, сўнг ҳайвонотга ва ундан сўнг сўзловчи ҳайвонотга айланиши ҳақида фикр юритади. Сўзлаш қобилиятига эга маҳлуқот тараққиётнинг сўнгги босқичи сифатида баҳоланади.²

Алишер Навоий ҳам инсонни сўзлаш қобилиятига эга маҳлуқот ҳисоблайди. Инсон комилликка эришмоқ учун ўзини ҳайвоний ҳирслардан тозалаши лозимлигини таъкидлайди.

Бундан кўриниб турибдики, Алишер Навоийнинг инсоннинг сўз орқали ҳайвондан ажралиб чиққанлиги ҳақидаги фикри ислом оламида мавжуд инсоннинг пайдо бўлиши ҳақидаги анъанавий қарашнинг давомидир.

Дунёда тилларнинг кўплиги, мазкур тилларнинг пайдо бўлиши ҳақида мутафаккирлар кўпдан буён фикр юритиб келдилар. Натижада тилларнинг келиб чиқиши ҳақида хилма-хил фикрлар пайдо бўлди. Булардан энг кенг тарқалгани барча муқаддас китобларда бир хил такрорланувчи Нух ҳақидаги афсонадир. Дунёдаги барча халқлар ва уларнинг тиллар тарқалиши Нух ва унинг фарзандларининг тўфонда турли томонга тарқалиши билан изоҳланади. Алишер Навоий ҳам «Муҳокамат ул-луғатайн» асарида тилларнинг келиб чиқиши ҳақида фикр юритаркан, турк, форс, ҳинд халқлари бир аждоддан – Нухдан тарқалганини қуйидагича баён қилади: **«...Нух пайғамбар (салавотуллоҳу алайх)нинг уч ўғлиғаким, Ёфас ва Сом ва Хом етишур. Ва бу мужмал тафсили будурки, Нух (алайҳиссалом) тўфон ташвиридин нажот ва анинг маҳлақасидин ҳаёт топти, олам маъмурасида башар жинсидин осор ва инсон навъидин намудор қолмайдур эрди. Ёфасники, таворих аҳли Абул-турк битирлар. Хито мулкига йиборди ва Сомники, Абул-фурс битирлар, Эрон ва Турон мамолиқининг васатида воли қилди ва Хомники, Абул-Ҳинд дебдурлар, Ҳиндистон вилодига узатди. Ва бу уч пайғамбарзода авлод ва атбои мазкур бўлгон мамолиқда ёйилдилар ва қалин бўлдилар».**¹

Ер юзида инсоннинг пайдо бўлиши ва турли тиллар ҳамда бу тилларда гаплашувчи халқларнинг келиб чиқиши ҳақида «Ибтидо» китобида шундай ёзилади: **«...Шу зайлда осмон билан Ер ҳамда улардаги борлиқ мавжудот яратилиб бўлди. Худо ўз фаолиятини еттинчи кунда тамомлаб, у кунда**

барча қилган ишларидан тинди... Худованди Карим еру осмонни бунёд этган эди-ю, лекин ҳали ерга ёмғир ёғдирмаган ва ерда ишлаш учун одам ҳам яратмаган эди. Ер юзида ҳеч қандай дашт бутаси ва ҳеч қандай дала гиёҳи ҳам ўсмаган эди. Фақат ердаги буғ кўтарилиб, бутун ер юзини суғориб турар эди. Ўша найтда Худованди Карим ернинг тупроғидан одамни ясаб, унинг димоғига ҳаёт нафасини пуфлади. Шу йўсинда одам тирик жон бўлди».

Исломгача бўлган қадимги турк ёдгорликларида ҳам инсоннинг пайдо бўлиши ҳақида худди шундай фикр баён қилинади. Масалан, «Култегин» ёдномасида шундай дейилади: «Уза кўк тангри, асра йағиз йир қилинтукта, акин ара киси ўғли қилинмис».

«Ибтидо» китобида Одам Ато билан Момо Ҳаво никоҳидан Шит туғилгани ва Шитдан Нухгача яна етти авлод ўтгани (Энуш, Кенан, Маҳолалил, Еред, Ҳанух, Матушалох, Ломак), Ломакдан Нух туғилгани, ўз навбатида, Нух беш юз ёшга кириб, уч ўғил (Сом, Хом, Ёфас) кўргани ҳақида фикр юритилади. Шунингдек, тўфон туфайли Нух ва унинг авлодлари ҳамда Нух кемага чиқариб олган, жонзотларгина сақланиб қолгани, ер юзидаги барча халқлар Нух авлодларидан тарқалгани баён қилинади.¹

Бундан кўринадики, инсоннинг пайдо бўлиши, тўғрироғи, яратилиши ҳақидаги ғояни Алишер Навоий Қуръондан ўз асарига олиб кирган.

Алишер Навоий – чоғиштирма (контрастив) лингвистиканинг отаси

Алишер Навоий ўз она тилида бадий ижод қилиш, она тилининг бутун гўзаллиги, тароватини амалда кўрсатиш билангина чекланиб қолмади. Она тилини ўша даврда бадий адабиёт учун анъана бўлиб қолган форс тилига қиёслаб, бу тилдан ҳеч қолишмаслигини, ҳатто баъзи ўринларда устунроқ туришини илмий жиҳатдан ҳам исботлаб бермоқни ўз олдига мақсад қилиб кўйди. Ана шу мақсадда 1499 йили икки тил муҳокамасига – икки тилнинг чоғиштирма грамматикасига бағишланган махсус асарини – «Муҳокамат ул-луғатайн» асарини яратди.

Алишер Навоийнинг мазкур асари майдонга келиши билан дунё тилшунослигида янги саҳифа очилди. Тилшуносликнинг ҳозирги кунда чоғиштирма (контрастив) лингвистика деб юритилувчи янги йўналишига асос солинди. Чоғиштирма тилшуносликнинг ўзига хос хусусияти шундаки, икки тизимга мансуб тиллар тилнинг барча сатҳлари бўйича бир-бирига солиштирилади. Уларнинг ўзига хос хусусиятлари очиқ берилади.

Афсуски, тилшунослик тарихида чоғиштирма тилшуносликнинг пайдо бўлиши Ғарб тилшуносларининг номи билан боғланади ва бу тилшунослик йўналишининг бошланиши XIX асрдан деб белгиланади. Бу фикрлар Ғарб олимларининг Алишер Навоий асарларидан беҳабарлигидан пайдо бўлган. Агар боҳабар бўлганларида эди, Алишер Навоийнинг лингвистик меросидан ҳайратга тушган ва, сўзсиз, уни чоғиштирма тилшуносликнинг отаси деб

хисоблаган бўлардилар. Чунки «Муҳокамат ул-луғатайн» асарида чоғиштирма тилшуносликнинг барча белгилари мавжуд.

Биринчидан, солиштириш учун турли тизимдаги тиллар олинади. Туркий тилларга мансуб турк (ўзбек) тили билан ҳинд-оврупо тилларининг эроний тармоғига оид сарт (форс-тожик) тили ўзаро муқояса қилинади. Ўрни билан сомиий тилларига мансуб араб тилига ҳам солиштирилади.

Иккинчидан, солиштириш учун келтирилган далилий мисоллар тасодифий бўлмасдан, тилнинг бутун тизимини қамраб олади. Фонетик тузилишдан тортиб синтактик тузилишгача ҳар икки тизимга мансуб тиллар солиштирилади. Уларнинг ўзига хос томонлари ҳақида қимматли хулосалар беради.

Икки тилнинг муҳокамасига бағишланган мазкур асар Алишер Навоийнинг турк (ўзбек) жонли сўзлашув тилини ҳам нақадар чуқур ўзлаштирган, ҳар бир қавмнинг тил хусусиятлари унинг эътиборида бўлган, айти пайтда, форс ва араб тилларининг ҳам зукко билимдони саналган кенг камровли тилшунос эканини тўла намойиш этади.

Бу асар орқали Алишер Навоийнинг фонетик, лексик, грамматик қарашлари ҳақида маълум тасаввурга эга бўламиз.

Фонетик қарашлари

Алишер Навоий даврининг улуғ алломаси сифатида ўзигача бўлган форс ва араб тилларидаги илмий билимларни тўла эгаллади. Араб филологияси чашмаларидан баҳраманд бўлди. Арабларнинг бой лингвистик таълимотидан мадад олди. Хусусан, араб тилшунослигида яхши ишланган фонетик таълимот Алишер Навоийга кучли таъсир этди. Шунинг учун ҳам у товушларнинг артикуляцион-функционал томонига катта эътибор беради ва шу белгига кўра (гарчи у фонема атамасини қўлламаган бўлса-да) товуш типини – фонемани белгилайди. Фонема ва ҳарф муносабатига эътиборни жалб қилади. Улар бир-бирига доимо ҳам мос келавермаслиги, бир ҳарф бир неча фонемани ифодалаши мумкинлигини таъкидлайди. Масалан, «*ёй*» ҳарфи тўрт фонемани, «*вов*» ҳарфи ҳам тўрт фонемани билдиришини айтади.

Фонемани сўз ва морфемаларни моддий жиҳатдан шакллантирувчи ва уларни бир-биридан фарқловчи бирлик сифатида тушунади. Шунинг учун сўз таркибида бир хил фонетик вазиятда келган товушни бошқасига алмаштириб, маъно фарқлаш белгисига қараб фонологик вазифа бажариши ёки бажармаслигини аниқлайди. Бундай усул XX аср бошларида Прага лингвистик мактабида ва Америка дескриптив тилшунослигида қўлланилди ва *дистрибуция* номи билан юритилди.

Алишер Навоий ўзбек тили унлиларининг қатор белгиси бўйича фарқланиши ҳақида фикр юритади ва буни *ў-ӯ*, *у-ӯ* зидланиши асосида далиллайди. Масалан, *ўт* «олов», *õt* «ҳаракат»; *тўр* «тузоқ», *тӯр* «уйнинг тўри»: *ўт* «ютмоқ», *õt* «қаллани ўтга тутиб, тукини куйдириш». Ёки *тер*

«термоқ» – тер (бунда э нозикроқ талаффуз қилинади) «ароқ». Шунингдек, «йой» ҳарфи *и, и* (чўзиқ) ва э фонемаларини ифодалашини кўрсатади.

Бу билан Алишер Навоий ўзбек тилида унлиларнинг чўзиқлик-қисқалик белгисига кўра ҳам фарқланишини айтади. Масалан, биз «I шахс кўпликдаги олмош», биз бигиз». Шундай қилиб, Алишер Навоий фонологик опозицияларда қатор белгиси, миқдорий белги (чўзиқлик-қисқалик)ларни асосий фонологик қимматга эга белгилар сифатида эътироф этади.

Бундан ташқари, қофияда фонетиканинг аҳамиятига эътибор берган ҳолда турк (ўзбек) тилида қофия имкониятларининг кенглигини ишонарли мисоллар орқали очиқ еради. Масалан, *аро* сўзини *саро, даро* билан ҳам, *бода* билан ҳам қофия қилиш мумкинлигини; *эрур* сўзини *хур, ур* билан ҳам, *гурур, сурур* билан ҳам қофия қилиш мумкинлиги, форс тилида эса бундай имкониятлар йўқлигини кўрсатади.

Лексик қарашлари

Алишер Навоий Шарқ тилшунослигида мавжуд бўлган лексика соҳасидаги билимлар билан қуролланган. Ана шу билим асосида турк тилининг луғат бойлигини кўрсатишга интилади. Бунинг учун халқ тилидан форсий эквиваленти бўлмаган бир қанча сўзларни топади. Булар шундай сўзларки, **«барчаси муҳтожун илай дурки (эхтиёжли), такаллум чоғида киши анга муҳтож бўлур. Кўпи андоқдурки, асло анинг мазмунини таҳфим қилмоқ (ифодаламоқ) бўлмас ва баъзиники, англатса бўлғай, хар лафз таҳфими учун (ифодаси учун) неча лафзни (сўзни) таркиб қилмагунча бўлмас».**

Ана шундай сўзларга турк тилидан қуйидаги юзта феълни келтиради: кувормоқ, қурукшамоқ, ушармоқ, жийжаймоқ, ўнгдаймоқ, чекримақ, думсаймоқ, умунмоқ, усанмоқ, игирмоқ, эгармоқ, ухранмақ, торикмоқ, алдамоқ, арғадамоқ, ишанмақ, игланмақ, айланмоқ, эрикмақ, игранмақ, овунмоқ, қистамоқ, қийнамоқ, кўзғалмоқ, соврилмоқ, чайқалмоқ, девдашимоқ, қийманмоқ, қизғанмоқ, никамақ, сайланмоқ, танламоқ, қимирдамоқ, серпмақ, сирмамақ, ганоргамақ, сиғриқмоқ, сиғинмоқ, қилимоқ, ёлинмоқ, мунгланмоқ, индамақ, тергамақ, теврамақ, қинғаймоқ, шиғалдамоқ, синграмоқ, яшқамоқ, исқармоқ, кўнгранмақ, сухранмоқ, сийпамоқ, қораламоқ, сурканмоқ, қуйманмоқ, инграмоқ, тушалмоқ, мунғаймоқ, танчиқамоқ, қуруксамоқ, бушурғанмоқ, бўҳсамоқ, киркинмақ, сукадамақ, бўсмоқ, бурмақ, турмақ, тамшимоқ, қаҳамоқ, сипқормоқ, чичаркамақ, журканмақ, ўртанмақ, сизгурмоқ, гурпашламақ, чипрутмақ, жирғамоқ, бичимоқ, қикзанмоқ, сингурмақ, кундалатмақ, кумурмақ, биқирмақ, кўнгурдамақ, кинаркамақ, кезармақ, дўптулмоқ, чидамоқ, тузмақ, қазғанмоқ, қичиғламоқ, гангирамақ, ядамақ, қадамоқ, чиқанмоқ, кўндурмақ, сўндурмақ, суклатмоқ.

Келтирилган бу феъллар Алишер Навоий ўзбек тилининг имкониятларини кўрсатмоқ учун халқ тилини қанчалар синчковлик билан чуқур ўрганини исботловчи далиллардир.

Навоий юқоридаги феълларнинг баъзилари умумий, бирлаштирувчи семемаси билан бир парадигмани ҳосил қилса ҳам, лекин парадигма аъзоларининг ҳар қайсиси муайян фарқловчи семемага ҳам эга эканини кўрсатади. Масалан, *инграмоқ*, *синграмоқ*, *ўкурмак*, *инчкирмак*, *йиғламоқ* сўзлари «йиғламоқ» бирлаштирувчи семемаси билан бир парадигмага мансуб бўлса ҳам, лекин уларнинг ҳар қайсиси йиғлашнинг хилма-хил кўринишларини ифодалайди. Бир-биридан йиғлаш даражаси билан фарқланади. Шоир фикрини исботламоқ учун мазкур сўзлар иштирок этган бадий асарлардан парчалар келтиради. Масалан,

*Зоҳид ишқни десаки, қилгай фош,
Йиғламсиниру кўзига келмас ёш.*

Йиғламсинмоққа «дард билан яширин оҳиста йиғлаш» белгиси билан фарқланувчи *инграмоқ* ва *синграмоқ*ни зид кўяди:

*Истасам давр аҳлидин ишқингни пинҳон айламак,
Кечалар гоҳ инграмакдир одатим, гоҳ синграмак.*

Сиқтамоқ феъллини *йиғламоққа* зид кўяркан, шоир «йиғлаш» даражаси *йиғламоққа* нисбатан кучлироқ эканини таъкидлайди:

*Ул ойки, кула-кула йиғлатти мени,
Йиғлатти мени демайки, сиқтатти мени.*

Ўкурмак «кучли овоз билан ҳаддан ортиқ ҳаяжонли» йиғи экани билан бошқалардан фарқ қилишини кўрсатади:

*Ишим тоғ узра ҳар ён ашк селобини сурмакдир,
Фироқ ошубидин ҳар дам булут янглиғ ўкурмакдир.*

Инчкирмак «инчка ун билан йиғлаш» семемаси билан бошқалардан фарқланишини айтади:

*Чарх зулмидаким, бўғзумни қириб йиғлармен,
Игирур чарх (урар) инчкириб йиғлармен.*

Яна ҳой-ҳой *йиғламоқ* лафзи ҳам борлиги ва у бошқа парадигма аъзоларидан фарқли белгига эга эканини баён қилади:

Навоий, ул гул учун ҳой-ҳой йиғлама кўп

Ки, ҳе дегунча не гулбун, не гунча, не гул бор.

Бундан ташқари, «май ичиш» семемаси билан бирлашган ичмоқ, сипқормоқ, тамшимоқ лексемаларининг фарқловчи семемаларини ҳам очиб беради ва ҳар қайсисини байт ичида келтиради. Форс тилида буларнинг ҳаммаси битта нўшидан сўзи орқали ифодаланишини айтади.

Алишер Навоий далил учун келтирилган лексемаларнинг ҳар қайсисини шеър ичида ишлатади ва бу сўзларнинг матн таркибидаги бадий-эстетик ролини кўрсатиб беради. Форс тилига айнан таржима қилиш мумкин эмаслигини исботлайди ва бу билан ҳам турк тилининг гўзал томонларини очишга интилади. Шоир синонимик уя таркибидаги сўзларнинг ўзига хос фарқловчи маъноларини топаркан, лексеманинг семантик тузилишининг узвий таҳлилига яқин усулдан фойдаланади.

Турк тилида омонимлар ғоят кўплигини ва бу шеърятда сўз ўйини учун қулай имконият яратишини таъкидлайди. Масалан, *от* сўзи исм, «минадиган жонзот», «ирғит ёки тепкини бос (милтиқни от)» маъноларини; шунингдек, тўртта ва бешта маъноли сўзлар мавжудлигини ҳам кўрсатади. Масалан, **«бор лафзики, бир маъниси ёд қилмоққа амрдур ва бири сулук куй отидур ва ишқ масти ва мажнуни ва бемори муқобаласида соғин деса, ҳар бирига итлоқ қилса бўлур»**. Бундан ташқари, туз, кўк сўзлари ҳам беш маънони билдиришини баён этади.

Алишер Навоий кўп маъноли (полисемантик) сўзни омоним (тажнис)дан фарқлайди. Бир сўзнинг ичидаги турли маъно нозикликлари ҳақида алоҳида фикр юритади. Тажнис – бу жинсдош, яъни моддий томони (ифода томони) бир хил бўлиб қолган турли сўзлар эканини яхши англайди.

Тажнис асосида яратиладиган туюқ жанри фақат туркларда мавжудлигини кўрсатади. **«Ва бу икки байтки, тажниси томдур, ҳам турк шуароси хос сасидурки, сортда йўқтур ва муни туюғ дерлар. Ва мунинг таърифи «Мезон ул-авзон» отлиғ арузга битилибдур, анда қилилибдур»**.

Алишер Навоий икки тилни қиёсларкан, борлиқдаги нарса ва ҳодисаларни номлаш, уларнинг турларини фарқлашда ҳам сорт (форс) тилида эквиваленти бўлмаган сўзларни топади. Масалан, турклар *емоқ* билан *ичмоқни* фарқлаши, сортлар эса бу иккисини ҳам *хурдани* дейиши, турклар *ога-инини* фарқласалар, сортлар биргина *биродар* сўзи билан ифодаланишини таъкидлайди. Шунингдек, туркларда ўрдакнинг ўн иккита (илбосун, ўрдак, сўна, барчин, жўрка, эрка, суктур, олмабош, чақирқанот, олдолдар, олапука, боғчал), қушнинг эса етмишта номи борлигини, сортлар эса уларнинг ҳаммаси учун битта *мурғоби* сўзи билан чекланишини айтади. Отнинг ўн учта номи ва уларнинг бир-биридан фарқи кўрсатилиб, сортларда бундай номлар йўқлиги, туркчадан фойдаланиши таъкидланади. Озиқ-овқатнинг ҳам йигирмата номини келтириб, улар сортларда йўқ эканини айтади.

Таъкидлаш жоизки, баъзи ўринларда туркчага янглиш нисбат берилган сўзлар ҳам учрайди. Масалан, манти асли хитойча, наврўзий асли форсча ва б. Бу ўринда Алишер Навоий юқоридаги сўзларни этимологик нуқтаи

назардан эмас, балки ўша давр турк (ўзбек) тилига ўзлашиш даражасига қараб олган бўлиши керак. Юқоридагилардан кўриниб турибдики, Алишер Навоий турк (ўзбек) тили сўз бойлигининг сорт (форс) тилидан қолишмаслигини, ҳатто баъзи ўринларда устун туришини исботламоқ учун жуда катта изланиш олиб борган. Ҳали ўзбек тилининг изоҳли, диалектал, тематик луғатлари яратилмаган бир даврда ўзбек тили лексик имкониятларини кўз-кўз қилувчи лексик бирликларни аниқлаш учун қанчалар меҳнат сарфлаганини, ўзбек тили уммонидан моҳир ғаввос бўлиб қандай қийинчилик билан дурлар саралаганини тасаввур этиш қийин эмас. Бу Алишер Навоийнинг она халқига, унинг тилига чексиз меҳр-муҳаббатидан яна бир нишонадир.

Сўз ясалиши бўйича қарашлари

Алишер Навоий «Муҳокамат ул-луғатайн» асарида сўз ясалиши бўйича ҳам ўзининг айрим кузатишларини баён этади. У гарчи сўз ясалиш структураси бўйича фикр билдирмаса ҳам, лекин сўз ясашга асос, ясовчи восита ва ясалма тушунчалари ҳақида маълумотга эга бўлган. Хусусан, *-чи* ясовчи воситасининг имконияти кенглиги, асос қисмга қўшилиб, бу қисмнинг маъноси билан боғлиқ турли шахс отларини ҳосил қилишини баён этади. Жумладан, «хунар ва пеша эгаси» маъносини билдиради: *қушчи, қўруқчи, тамғачи, жибачи, йўрғачи, холвочи, кемачи, қўйчи, қозчи, қувчи, турначи, кийикчи, товушқончи*. Бундан кўриниб турибдики, ҳозирги ўзбек тилидаги *-воз* (каптарвоз), *-паз* (ширмонпаз, холвопаз), *-боқар* (қўйбоқар), *-соз* (тамғасоз) каби бир қатор от ясовчилар вазифасини ҳам Алишер Навоий даврида *-чи* аффикси бажарган. Яна *-вул* аффикси ёрдамида шахс оти ёки уруш асбоблари отлари маъноси ифодаланишини кўрсатади: *хировул, қаровул, чингдавул, янковул, сўзовул, патовул, китповул, ясовул, баковул, жиговул, дакавул*.

Шунингдек, от ясовчи *-л* аффикси ҳам мавжудлигини баён қилади: *қаҳол, ясол, кабол, тунқол, бирқол, тўсқол, севаргол*.

Алишер Навоий феъл асосга қўшилиб лексемага гумон, шубҳа маъносини юкловчи *-гудек, -кудек* аффикслари ҳақида ҳам маълумот берадики, аффиксация йўли билан бундай маъно ифодалаш имконияти форсийда йўқлигини айтади: *боргудек, ёргудек, келгудек, билгудек, айтқудек, қайтқудек, ургудек, сургудек* ва бошқалар.

Алишер Навоий сўз ясалиши бўйича махсус тўхталмагани, аффиксларнинг маъно ифодалаш имкониятлари ва бундай имкониятнинг сорт (форс) тилида чекланганини, қўйингки, икки тил баҳсини фамматик сатҳда олиб боргани туфайли бугунги кунда сўз ясалиши, шакл ясалиши атамалари билан фарқланувчи ясалишларни бир-биридан ажратмайди.

Рашиддошнинг *-гач* шакли (*тегач, айтгач, богоч, ёргоч, топқоч, сотқоч*)нинг феълга қўшилиб, унинг маъносига «суръат, йўсунлук» бир маъно юклаши таъкидланди. Шунингдек, етакчи феълга кўмакчи феъллар

қўшилиб, унга қўшимча маъно юклашини айтади: *била кўр, қила кўр, кета кўр, ета кўр* каби.

Морфологик қарашлари

Алишер Навоийнинг морфологик қарашларини ҳам «Муҳокамат ул-луғатайн» асарида баён қилинган айрим фикрларидан пайқаб олиш мумкин.

У ўша даврдаги араб грамматикаси анъанасига кўра сўзларни уч гуруҳга ажратади: исмлар, феъллар ва ҳаракатлар (ёрдамчилар). Гарчи Алишер Навоий сўз туркумларини таснифлашда араб сарфи анъанасига бўйсунса ҳам, лекин турк тилининг ўзига хос хусусиятларини, отларнинг ва феълларнинг характерли морфологик жиҳатларини зукко тилшунос сифатида очиб берди. Алишер Навоий Маҳмуд Кошғарий ва «Ат-туҳфа» асари муаллифидан кейинги туркий тилшунослик билан шуғулланган йирик олимдир. Лекин шоирнинг Маҳмуд Кошғарий асари ва «Ат-туҳфа» билан таниш ёки танишмаслиги ҳақида ҳеч қандай маълумот учрамайди.

Алишер Навоий турк тили морфологияси ҳақида изчил маълумот беришни ўз олдига мақсад қилиб олмасдан, турк тилининг форс тилида бўлмаган морфологик имкониятлари ҳақидагина фикр юритади. Шоирнинг ана шундай фикрларининг ўзиёқ унинг нақадар синчков тилшунос эканидан далолат беради. Хусусан, турк (ўзбек) тилида араб тили морфологиясида мавжуд муфаала феълига мос келадиган феъл шакли мавжудлигини кўрсатади ва бугунги кунда феълнинг нисбат шакллари номи билан ўрганилаётган грамматик категориянинг биргалик нисбат шакли ҳақида фикр юритади. Бу ҳақда Алишер Навоий шундай дейди: **«...араб тилининг сарфий истилоҳининг абвобида бир бобдурки, анга муфаала боби от кўюб турлар... андоқки муораза ва муқобала ва мушоара ва муколама... Ва форсигўйлар мунча фасоҳат ва балоғат даъвоси била бу фойдадин маҳрум. Аммо турк булагоси бу фойдага тааруз қилибдурлар. Ва масдарга бир «шин» ҳарфи йлҳақ қилмоқ била ул мақсудни топибдур. Андоқки, чопишмоқ ва топишмоқ ва кучушмоқ ва ўпушмак...»** («Муҳокамат ул-луғатайн». – Б.186).

Шунингдек, феълнинг орттирма нисбати шакли ҳақида ҳам маълумот беради ва бу нисбат маъноси *-т* аффикси орқали ифодаланишини қайд этади. Масалан, югурт, югурт, чиқарт (бу қўшимчанинг маъноси ҳақида алоҳида фикр юритамиз).

Синтактик қарашлари

Оврупо тилшунослигида XX аср ўрталаридан бошлаб синтаксиснинг синтактик семантика ёки семантик синтаксис номи билан юритиладиган алоҳида бир йўналиши майдонга келди. Бу йўналиш гапнинг мазмуний томонини ўрганишга асосий эътиборни қаратади. Гапнинг мазмуний томонини ўрганиш ҳам турли аспектларни ўз ичига олмоқда. Ана шундай

аспектлардан энг муҳими синтактик бирлик орқали ифодаланган борлик маъно – номинатив маънони ўрганиш саналади. Номинатив маъно синтактик бирликлар ёрдамида борликдаги нарса ва ходисалар ўртасидаги онгда акс этган муносабатнинг ифодаланишидир.

Бугунги кунда синтактик семантиканинг марказини ташкил этган номинатив аспект илдизлари Алишер Навоийга бориб тақалади. Хусусан, асримизнинг 70-йилларида А.А.Холодович, В.С.Храковский ва В.А.Успенскийлар томонидан диатеза термини остида ўрганилган синтактик бирликлар таркибидаги лексемалар ролларига Алишер Навоий алоҳида аҳамият беради. Жумладан, субъектларнинг роллари (ҳаракатни бажарувчи, ҳаракатни бошқа шахсга бажартирувчи ва б.) гап предикатига қўшилувчи нисбат шаклларига мувофиқ ўзгариб бориши ҳақида фикр юритади. *Чопишмоқ, топшимоқ, қучушмоқ, ўпушмоқ* феъллари предикат бўлиб келган гапларда икки субъект баробар ҳаракатни бажаришини айтади.

Ёки турк тилида худди араб тилида бўлгани каби уч сўзли гапнинг маркази саналувчи феъл кесимни орттирма нисбатда келтириш орқали кўп сўз билан ифодалаш лозим бўлган маънони ифодалаш мумкинлигини ёзади: **«Яна арабий сарф истилоҳда икки мафъуллик (субъектлик) феъллар борки, анинг адоси доғи мўътабар ва куллийдур. Андин доғи сортлар орий (четда) қолибдурлар. Ва атрок (турклар) анга ҳам хўброқ важх била мутабаат қилибдурлар. Арабий андоқки, «Аътайту Зайдан дирхаман» «Зайдга ақчани бергиздим», бу таркибда уч лафз (сўз) мазкур бўлур. Алар (турклар) лафзга бир ҳарф орттурғон била мунга ўхшаш бир замирни (ҳарфни) орттурубтурлар, бағоят мухтасар ва муфиз (фойдали) тушубдур. Андоқки, югурт (бир киши бошқа бир кишини югуришга мажбур этган: бири югурган, иккинчиси югурувчига таъсир этган) ва қилдурт...»** («Муҳокамат ул-луғатайн». – Б.187).

Кўриниб турибдики, Алишер Навоий мазмуний синтаксис бўйича илк маълумот берган буюк тилшунос олимдир.

Хуллас, Алишер Навоий тилшуносликнинг бир катор соҳалари – фонетика, морфемика, сўз ясалиши, морфология, синтаксис каби масалалари юзасидан қимматли фикрлар билдиради. Тил ва тафаккур тилнинг ва тилларнинг пайдо бўлиши, тилда умумийлик ва хусусийлик каби бир қанча тилшуносликнинг умумназарий масалалари юзасидан ўз қарашларини баён қилган контрастив (чоғиштирма) тилшуносликка асос солган буюк тилшунос алломадир.

ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУРНИНГ ЛИНГВИСТИК ҚАРАШЛАРИ

Темурийлар саройида бола тарбиясига, темурийзодаларни даврининг барча билимларини эгаллашларига алоҳида аҳамият берилди. Энг билимдон кишилар темурийзодаларга мураббий этиб тайинландилар. Ана шундай тарбия натижасида темурийзодалардан бир қанча комусий билим эгалари,

дунёга донг таратган шоиру алломалар етишиб чикди. Мирзо Улуғбек, Султон Ҳусайн Бойқаро, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Гулбаданбегим, Зебуннисолар шулар жумласидандир.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур ажойиб саркарда, буюк давлат арбоби, талантли шоир, муаррих, географ, этнограф, адабиётшунос, исломшунос, ҳарбшунос, муסיқашунос сифатида дунё илм аҳлига маълум ва машҳурдир.

У тилшуносликка доир махсус асар ёзмаган бўлса ҳам, лекин ўзининг комусий асари – «Воқеанома» («Бобурнома»)сида тилшуносликка доир бир қатор қимматли фикрларини баён қилади.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур Алишер Навоийнинг ўзбек адабий тили истиқболи йўлидаги курашини давом эттирди. У нутқ маданиятига, нутқнинг содда, равон, тушунарли бўлишига алоҳида аҳамият берди. Ижодий фаолиятида доимо бунга амал қилди. Бошқаларни ҳам шунга даъват этди.

Бобурнинг нутқ маданиятига алоҳида аҳамият бериши бежиз эмасди. Чунки антик даврда ҳам, Араб халифалигида ҳам нутқ маданиятига ҳар қандай зиёли кишининг, айниқса, давлат арбобининг эгаллаши лозим бўлган энг муҳим санъат тури сифатида қаралар, фақат шундай санъатни эгаллаган кишигина моҳир давлат бошқарувчиси бўлиши мумкин деб ҳисобланарди.

Бобурнинг ўзи ҳам жангда таҳликага тушган аскарларни бир неча бор жанговар ва таъсирчан нутқи орқали дадиллаштирган, ғалабага ишонч руҳини уйғотган ва шу зайл муваффақият қозонган.

Шунинг учун у ўз фарзандларининг ҳам мазкур санъатни эгаллашини энг муҳим вазифа деб билган. Фақат оғзаки нутқнинг эмас, балки ёзма нутқнинг ҳам содда, равон ва саводли бўлишига эришиш ҳар бир зиёлининг вазифаси ҳисобланган.

Бобурнинг ўғли Ҳумоюнга ёзган мактуби фикримиз далилидир: **«Хатингни худ ташвиш билан ўқуса бўладур, вале асру муғлақдур (жуда чалкашдир). Насри муаммо ҳеч киши кўрган эмас. Имлонг ёмон эмас, агарчи хили рост эмас. Илтифотни то била битибсен, қулунжни ё била битибсен. Хатингни худ ҳар тавр қилиб ўқуса бўладур, вале бу муғлақ алфозингдин (чилкаш сўзлар) мақсад тамом маҳум бўлмайду (тушунмайди). Голибо хат битарда коҳиллигинг (бўшлигинг) ҳам ушбу жихаттиндир. Такаллуф (хашамат, безак) қилай дейсан, ул жихатдин муғлақ бўладур, мундин пари бетакаллуф ва равшан ва пок алфоз (тил) била бити. Ҳам сенга ташвиш озроқ бўлур ва ҳам ўқиғувчиға»** (БН. 65).

Заҳириддин Муҳаммад Бобур жаҳон филологиясининг бешиги бўлган ҳинд ва дунёга шуҳрат қозонган араб филологияси анъаналаридан баҳраманд бўлди.

Бобур ўз асарида бир қатор сўзларнинг этимологияси тўғрисида фикр билдиради. Жумладан, Саволак парбат (Ҳималай тоғи) этимологияси ҳақида ёзади: **«Бу тоғни Ҳинд эли Саволак парбат дерлар. Ҳинд тили била «Саво» – рубъ (яъни чорак – А.Н.), «лак» – юз минг, «парбат» – тоғ, яъни рубъ ва юз минг тоғким, юз йигирма беш минг тоғ бўлғай»** (БН. 343).

Конибодом, Ходарвеш, Шахрисабз, Қарши, Кашмир, Конибил, Масжиди Муқаттаъ сингари жой номларининг ҳам номланиш сабаблари ҳақида маълумот берилади.

Бобур маълум лақаб ёки тахаллус билан изоҳланувчи атоқли отлар ҳақида фикр юритаркан, бундай лақаб ва тахаллусларнинг этимологияси ҳақида ҳам қизиқарли маълумот беради. Масалан, олача лақабининг этимологияси ҳақида ёзади: **«Султон Маҳмудхондин кичик Султон Аҳмадхон эдиким, Олачахонга машҳурдир. Олачахоннинг важҳи тасмияси муни дерларким, қалмоқ ва мўғул тили била ўлтуртгучини «олачи» дерлар. Қалмоқни неча босиб қалин кишисин қирғон учун олача де-де касрати истеъмол била Олача бўлбтур»** (БН. 69).

Қобул вилоятининг тоғлари, тоғларидаги ўсимликлар ҳақида тўхталаркан, бўтака ўтининг номи ҳақида ёзади: **«Ўти тоғининг ва пуштасининг ва жуласининг бирдек бўлур ва хуб бўлур, аксар бутака ўти бўлур, отға бисёр созвор ўттур. Андижон вилоятида бу ўтни бўтқа ўти дерлар, важҳи тасмияси маълум эмас эрди, бу вилоятларда маълум бўлди. Бу ўт бута-бута чиқар учун бутака дерлар эмиш»** (БН. 198).

Араб, ҳинд тилларининг ўзига хос товуш тизими, ўзбек тили товуш тизимидан фарқланиши, шунингдек, ҳар қайси тилнинг шевалараро фонетик фарқланиши, шунинг учун ҳам айрим сўзларнинг мазкур тилнинг фонетик қонуниятига мувофиқлашиши ҳақида фикр юритади. Масалан, «уммунча дейдурларким, бу тоғ элини кас дерлар. Хотирга еттиким Ҳиндистон эли «шин»ни «син» талаффуз қилур». Ана шу фонетик қонуният асосида Кашмир топоними кас этноними асосида вужудга келган этнотопоним экани изоҳланади.

Ламғон топонимини Ламғон ва Ламқон ҳолидаги икки фонетик варианты мавжудлигини таъкидлаб, унинг сабаби ҳақида ёзади: **«Ҳазрати Нуҳ пайғамбарнинг отаси Мехтор Ломнинг қабри Алишанг туманидадир. Баъзи тарихда Мехтор Ламак деб турлар. У элни хили мулоҳаза қилибтурким, баъзи маҳал «ко» ўрнига «ғайн» талаффуз қилурлар, бу яшҳаттин ғолибо бу вилоятни Ламғон дебдурлар»** (БН. 19).

Шунингдек, араб тилида «г» товушининг йўқлиги, бу товуш иштирок этган сўзлар араб тилига ўзлаштирилганда, «ж» товуши билан алмаштирилиши баён қилинади. Масалан, **«норгилни араб муарраб қилиб норжил дер»** дейди. Бундан кўринадики, Бодуэн де Куртенедан анча олдин Бобур *алтернация* ва *корреспонденция* деб номланган ҳодиса ҳақида фикр юритади.

Ҳозирги тилшуносликда мазмуний йўналишнинг кучайиши натижасида эътибор кўпроқ тушунча категорияларига, мазмуний категорияларга тортилмоқда. Маълум бир умумий белгиси билан бирлашган ва ўзаро маълум муносабатда бўлган олам унсурларининг умумлашган образларининг онгда акс этиши тушунча категориясини, маълум лисоний воситалар ёраида ифодаланган борлиқ унсурларининг онгдаги умумлашган образи мазмуний категорияларни ҳосил қилади.

Мазмуний категориялар мазмуний майдонни ташкил этади. Мазмуний майдон назарияси асосида тузилган тезаурус луғатлар пайдо бўла бошлади. Ана шундай луғат Европада 1852 йили инглиз тилшуноси И.М.Роже томонидан яратилди. Шунинг учун ҳам ҳозирга қадар тилшуносликда тезаурус луғат тузишнинг асосчиси П.М.Роже деб ҳисобланади. Аслида, мазмуний майдон тушунчаси, гарчи шу термин билан номланмаган бўлса ҳам, ўрта аср Шарқ тилшунослари ундан хабардор бўлган. Шунинг учун у «Воқеанома»да сўзларни маълум мазмуний майдонга бирлаштирган ҳолда изоҳлайди ва тезаурус луғат тузишнинг ажойиб намунасини кўрсатади.

Ҳиндистон воқеалари ҳақида фикр юритаркан, Ҳиндистоннинг хайвон, парранда, ўсимлик номлари, фасл номлари, ўлчов номларини батафсил изоҳлайди. Ўрни билан бошқа тилларда уларнинг қандай номланиши ҳақида чоғиштирма маълумот беради.

«Хусусан, номларни қуйидагича тематик гуруҳларга бўлади. Хайвонот номлари: *фил, карк, саҳройи, говмиш, нилагов, кутахной, гулахра* аслида гулахрон экандур, яъни қора кийик, тахфиф қилиб «гулахра» деб турлар. Модаси оқдур (I. 341), *маймун* (Ҳиндистоний «бондар» дейдилар). Парранда номлари: *товус, тўти (жангалий дерлар), шорак, луча, дуррож, пулқор, саҳройи товук, чалсий, шом, бўлана, хорчал, тугдок, чарз.*

Сув ва сув ёқаларида юрадиган қушлар: *динг, сорас, маник, лаклак, укор, улуг, бузак, ўрдак (шахмург дерлар), зумаж, сор*, яна бир қушдур *қарга* била *аккага* мушобахати бор. Ламгонотга *мурги жангал* дерлар, *шаппара (чамагдор* дерлар), Ҳиндистон *аккоса (мато* дерлар), *карча, куйил.*

Сув хайвоноти номлари: *илри обий, сенсор, хўки обий, карёл, кокка балиқ...*

Наботот номлари: *анбар, яна бири кайладур, араб мавз* дер. *Анбули, махва кирни, жоман, камрак, кадхил, бадхал, карунда, панёла, гула омила, чирунчи, хурмо, норгил*, араб муарраб қилиб норжил дер. *Тор норунж, лижу, чанбирий, садофал, амродпал, карна, омалбез.*

Гул номлари: *жосун, канир, кияра, жамбулий.*

Фасл номлари: уч фасл бўлур: *тўрт ойи ёз, тўрт ойи пашкал, тўрт ойи киш.* Читор, байсоқ, жит, асор-табистон. Булар хут, ҳамал, савр, жавзо ойларига тўғри келади. Сован, бодун, кувор, котик-пашкал; булар саратон, асад, сунбула, мезон ойларига мувофиқ келади. Агхан, пус, мох, погун – зимистон. Мувофиқи: *ақраб, қавс, жади, далв.*

Кун номлари: *соничар – шанба, айтвар – якшанба, сумвар – душанба, монгалвар – сешанба, будвор – чоршанба, бриспотвор – панжшанба, суқрвор – одина.*

Ўлчов номлари: *рати, маша, мисқол, тула, сер, ботмон, мони, миноса, лак, курур, арб, карб нил, падам, сонг* ва бошқ.

Шундай қилиб, Заҳириддин Муҳаммад Бобур умумўзбек лафзининг барча имкониятларини ишга солган ва устози Алишер Навоий анъанасини давом эттирган ҳолда, ўзбек тилининг сайқалланувида, бадий, публицистик, расмий ва илмий услубининг шаклланишида катта из қолдирган улкан сўз

санъаткори бўлиши билан бирга, тилшуносликнинг графика, ономастика, этимология, лексикография соҳаларининг ривожига муносиб улуш қўшган тилшунос олим ҳамдир.

ЎРТА АСР ЎЗБЕК ЛЕКСИКОГРАФИЯСИ

Ўзбек лексикографияси ўзининг узоқ тарихига эга. Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғатит турк» асари умумтуркий лексикографиянинг намунаси бўлса, XIII – XIV асрлардан бошлаб ўзбек лексикографияси ундан озикланган ҳолда мустақил ривожлана бошлади. Туркийча – форсча, туркийча – арабча таржима луғатлар тузишга эътибор кучайди. Бу эса туркий тилга қизиқишнинг ортиб боргани натижасидир. Мазкур даврда «*Таржумони турки ва ажами ва муғулот ва форси*» (XIII – XIV асрлар), «*Китоби ат-туҳфа аз-заки-йа фи-л луғат-ит туркия*» (туркий – араб луғати, XIV аср), Абу Хайённинг «*Китоби ал-идрак ли-л-исан ал-атрак*» (туркий-араб луғати, XIV аср) сингари луғатлар яратилди.

Айниқса, адабиёт осмонида Алишер Навоийдек ёруғ юлдуз пайдо бўлгач унинг асарларига форсийзабон адибларнинг қизиқиши ортди. Натижада бир қатор туркча – форсча таржима луғатлари дунёга келди. Жумладан, Толи Имонийнинг «*Бадойи ал-луғат*», «*Санглоҳ*», «*Луғати атракийя*», «*Хулосайи Аббоси*» («Санглоҳ»нинг қисқа варианты), Муҳаммад Ризо Хансарнинг «*Мунтахаб ал-луғат*» асари, эски ўзбекча – туркча «*Абушқа*» ва бошқалар.

Алишер Навоий асарлари юзасидан бундай узоқ ва жуда бой лексикографик анъананинг мавжуд бўлиши жуда нодир ҳодисадир. Афсуски, мазкур луғатлар бир неча асрлар лавомида навоийхонларнинг кундалик ҳаётида дастуриламал бўлиб келганига қарамай, лексикография нуктаи назаридан махсус ўрганиш объекти бўлмади. Шунинг учун ҳам С.К.Боровков ўзбек тилшунослигидаги нодир луғатларни лексикографик нуктаи назардан шу кунга қадар жиддий ўрганилмаганини афсус-надомат билан қайд этади.¹

Ўзбек лексикографиясига доир бундай луғатлар дастлаб Оврупо олимларининг диққатини тортди. Улар юқоридаги луғатларнинг кўпини нашр этдилар. Хусусан, «Абушқа» луғати Г.Вамбери (1862), В.В.Вельяминов-Зернов (1869), «Бадойи ал-луғат» А.К.Боровков (1961) томонидан нашр этилди. Натижада жаҳон олимларининг диққати ўзбек лексикографияси тарихига жалб этилди.

XX асрнинг 60-йилларидан ўзбек олимлари юқоридаги луғатларнинг лексикографик хусусиятини ўрганишга киришдилар.²

Таъкидлаш керакки, Алишер Навоий асарлари асосида тузилган луғатларнинг ҳеч қайсиси шоир асарларида нечта сўз қўлланганини аниқлаш ва уни шарҳлашни мақсад қилиб қўймайди. Б.Ҳасанов фикрича, Алишер Навоий асарлари асосида тузилган луғатларда лексикографлар кўпроқ эски ўзбек тилига хос сўзларни танлаб олишга интиланган. «Санглоҳ» ва «Луғати атракийя»га бирмунча арабча ва форсча сўзлар ҳам киритилган. Эски ўзбек тили сўзлари деб олинган лексемалар ичида ҳам ўзбек тилига ўзлашиб, «ўз сўзи»га айланиб кетган бир қатор сўзлар учрайди. Ж.Клосоннинг ҳисобига

кўра, «Санглох» луғатида мўғул, форс, араб ва бошқа тиллардан ўзлашган 970 га яқин лексик birlikлар мавжуд. Алишер Навоий асарлари асосидаги луғатларда араб алифбоси асосида ҳар қайси ҳарфга бир нечта сўз тўпланган ва муайян ҳарф остида тўпланган сўзларни *китоб*, «Абушқа»да *ба:б* дейилган. Ҳар қайси китоб сўзнинг биринчи бўғинидаги унлининг хусусиятига мувофиқ уч бобга бўлинган. Бунда унлининг махсус ҳарф билан ифодаланиш-ифодаланмаслиги аҳамиятсиз бўлган. Улар қуйидаги номлар билан юритилган:

I боб. *Ба:б ал-мафту:ха:т* (а, а унлилари мавжуд сўзлар боби). Масалан, *тамшимак* (аб, 175), *талач* (аб, 172), *майрук* (ЛА, 333 а). *мах* (ЛДА, 333 а) ва бошқ.

II боб. *Ба:б ал-мазму:ма:т* (о, о, у, у унлилари иштирок этган сўзлар боби). Масалан, *чунчук* («Аб, 247), *жонг* (Аб, «53), *толга* (ЛА, 160 а), *қуванмадўм* (ЛА, 286 б) ва бошқ.

III боб. *Ба:б ал-максу:ра:т* (и, ў, э унлилари қатнашган сўзлар боби). Масалан, *сўгнак* (Аб, 287), *бэл* (ЛА, 118 а), *бийа* (ЛА, 119 а) ва бошқ.

«Санглох», «Бадойи ал-луғат»ларда луғат мақоласида феъллар *-мақ, -мак* шаклларида, отлар эса бош келишик, birlik шаклларида берилади. Сўзларни алфавит тарзида жойлаштириш учун сўздаги барча ҳарфлар эътиборга олинади. Демак, ички алфавитга ҳам эътибор берилади. Феъл ва от ўзакларидан ҳосил бўлган турли шакллар шу сўз остида бирлаштирилади. Масалан, *Аш: ашмак, ашурмок, ашамак, ашатмак, ашукмак, ашуктурмак, ашламак, ашланмак, ашўнмак, ашўндурмак*.

Шундай қилиб, Алишер Навоий асарлари асосида туғилган луғатлар ичида «Бадойи ал-луғат» ва «Санглох» луғати тузиш тамойилининг анча мукамаллиги билан ажралиб туради. Рус тилшунослигида XX асрнинг иккинчи ярмида А.Тихонов томонидан ишлаб чиқилган сўзларни уяларга бирлаштириш («гнездовой принцип») асосида луғат тузиш тамойилларн ўзбек лексикографлари томонидан XV асрдаёқ ишланган ва бу тамойиллар асосида луғатлар тузилган.

ЛУҒАТ МАҚОЛАЛАРИНИ ЖОЙЛАШТИРИШ ТАМОЙИЛЛАРИ

Навоий асарлари юзасидан яратилган луғатлар ичида «Санглох» луғат мақоаларини жойлаштиришда изчил ва пухта тамойилга бўйсунди. Б.Ҳасановнинг кузатишига кўра, «Санглох»да луғат мақоалари қуйидаги схема асосида жойлаштирилади:

1. Сарлавҳага чиқарилган сўз.
2. Сарлавҳага чиқарилган сўзнинг фонетик ва орфографик изоҳи ва ундан ҳосил қилинган шакллар.
3. Сарлавҳага чиқарилган сўз ва ундан ҳосил қилинган шаклларнинг грамматик тавсифи.
4. Сўзнинг этимологияси.
5. Сарлавҳа сўз ва ундан ҳосил қилинган шаклларнинг семантик

тахлили.

6. Сарлавҳа сўз ва ундан ҳосил қилинган шакллар семантик тавсифини тасдиқловчи материаллар.

7. Сарлавҳа сўз ва ундан ҳосил қилинган шакллар маъноларининг румий (турк), араб, форс ва бошқа тилларда ифодаланиши.

8. Ўзидан олдинги муаллифлар фикрларига муносабати.

9. Иловалар.

Юқорида таъкидланганидек, Алишер Навоий асарларига тузилган луғатларда кўпроқ туркий, эски ўзбек тилига оид сўзлар сарлавҳага чиқарилган. Айни пайтда, ўша давр учун ўзлашиб кетган айрим арабча ва форсча сўзлар ҳам ўрин олган. Мўғулча сўзлар ҳам анчагина учрайди. «Санглоҳ» луғатида муаллифнинг ўзи томонидан мўғулча деб белгиланган сўзлар юзтадан ортиқ.

Грамматик нуқтаи назардан сарлавҳа сўзлар деярли барча сўз туркумларини ўз ичига олади. «Санглоҳ» луғатида феъллар сўз туркумларига нисбатан кўпроқ сарлавҳа сўзга чиқарилган. Сўзни тўғри ўқиш учун сарлавҳага чиқарилган сўзнинг фонетик тавсифи катта аҳамиятга эга. Араб лексикографик аънанасида Қуръон сўзларини тўғри талаффуз қилишга алоҳида эътибор берилгани учун пухта фонетик тавсифлаш тизими мавжуд бўлган. Ўзбек лексикографлари ҳам араб лексикографларининг бу аънанасидан ижодий фойдаланган.

Араб графикасида ўзбек тили унлиларини тўла ва тўғри ифодалаш кийин. Чунки бир ҳарф бир неча товуш учун қўлланади. Шунинг учун бу ҳарф қайси товушни ифодалаш, қандай ўқилиши кераклигини тушунтириш зарурати туғилади. Ана шу зарурат туфайли фонетик тавсиф ва бу сўзни тўғри ёзиш учун орфографик тавсиф берилади. Хусусан, сарлавҳа сўздан сўнг мазкур сўзни тўғри ўқиш учун *би-фатҳ*, *би-замм* ва *би-каср* сингари изоҳлар берилади. Жумладан, бир сўзни *қўриқчи*, *қироқчи*, *қуруқчи* эмас, балки *қароқчи* деб ўқиш фақат сўздан кейинги *би-фатҳ* фонетик изоҳи орқали амалга ошади.

Ўзбек лексикографлари сарлавҳа сўзига фонетик изоҳ бергандан сўнг грамматик изоҳ ҳам берганлар. Айниқса, грамматик изоҳ «Санглоҳ» луғатида изчил акс этади. Масалан, сарлавҳа сўз феълнинг ноаниқ шакли бўлса, инфинитивдан сўнг шу сўзнинг турли шакллари ҳам келтирилади. Натижада сўзнинг ўзгариш парадигмаси тўла гавдаланади. Сарлавҳа сўз от бўлса, шу отнинг барча шакллари ҳам мазкур сарлавҳа сўздан сўнг келтирилади. Шундай қилиб, сўзнинг грамматик уяси, парадигмаси вужудга келади. Грамматик изоҳдан сўнг этимологик изоҳ ўрин олади. Масалан, «Бадойи ал-луғат»да *адаш* сўзининг этимологияси ҳақида гапириб, аслида аддаш бўлгани, кейинчалик бир «дол» тушиб қолганини таъкидлайди. *Иштон* сўзи *ич тўн* бирикмасидан юзага келганини айтади. Алишер Навоий асарлари асосида тузилган луғатларда сўзнинг семантик таҳлилига ҳам катта ўрин берилади. Бу луғатларнинг деярли ҳаммасида сўз маъноси икки гуруҳга бўлинади: 1) маънойи ҳақиқий ёки маънойи аслий; 2) маънойи мажозий.

Маънойи истиора ҳам ажратиладики, бу ҳам аслида маънойи мажозийнинг бир кўринишидир.

Навойи асарларида деярли барча сўзлар кўп маънолидир. Шунинг учун ҳам сўз маъносини изоҳлашда лексикографлар доимо полисемантизмга дуч келганлар. Натижада ўзбек луғатчилиги тарихида сўз маъносини изоҳлаш ўзининг изчил бир тизимига эга бўлди. Бу даврда яратилган барча луғатларда сўз маъносини изоҳлаш «умумийликдан хусусийликка» тамойилига бўйсунган ҳолда олиб борилди: олдин умумий, тўғри маъно кўрсатилади. Сўнгра сўзнинг кўчма маънолари изоҳланади. Ўрта аср ўзбек лексикографиясидаги сўз маъносини шарҳлаш тажрибасига назар ташларканмиз, ҳайратга тушмай иложимиз йўқ. Чунки XIX аср охирида Оврупо тилшунослигида сўз маъносининг компонент таҳлили деб юритилувчи таҳлил усули пайдо бўлди ва бу усул дунё тилшунослигида катта обрў-эътибор қозонди. Компонент таҳлил усулининг пайдо бўлиши XIX асрда турли фанларда систем-структур методнинг етакчи методга айланиши натижасида майдонга келди дейилади. Тилшуносликда компонент таҳлил усулининг шаклланишига буюк рус тилшуноси А.А.Потебнянинг ҳам қўшган ҳиссаси ҳақида фикр юритилади. А.А.Потебня ўзининг «Из записок по русской грамматике» номли машхур асарида сўз маъноларини икки гуруҳга бўлади: 1) яқин маъно («ближайшее значение»); 2) кейинги маънолар («дальнейшее значение»). Яқин маъно ҳар қандай сўзнинг асосий, бош маъноси, кейинги маънолар эса кўчма маъноларидир. Яқин маъно ҳар қандай лексеманинг нутққа киргунга қадар вокабулада англаган маъноси. Кейинги маънолар эса сўзнинг мажозий маънода қўлланиши натижасида нутқда намоён бўлади. Сўз маъносининг бундай икки гуруҳга бўлиниши, уларнинг ўзига хос хусусиятлари А.А.Потебняга қадар ва тилшуносликда структурализм пайдо бўлгандан бир неча юз йиллар олдин ўзбек тилшунослигида ўзбек лексикографлари томонидан баён қилинган.

МАВЗУИЙ ЛУҒАТЛАРНИНГ ЯРАТИЛИШИ

Тилшунослик тарихида идеографик луғатлар яратиш алоҳида қимматга эга. Бундай луғатларнинг мақсади борлиқ элементлари ҳақидаги маълум тушунча қандай моддий воситалар ёрдами билан ифодаланишини очиб беришдан иборат бўлади. Демак, идеографик луғатларда «борлиқ + борлиқнинг онгда акс этиши + ном» тамойилига бўйсунилади. В.Морковкин, Ю.Н.Караулов фикрига кўра, «тушунчадан» «сўз»га, «концепт»дан «белги»га ўтилади. Шу кунга қадар идеографик луғат тузиш Овруподан бошланган ва бундай луғатлар Роже, Касарес, Робер, Дорнзайф номлари билан боғлиқ деб келинди. Рус тилшунослигида Ю.Н.Караулов идеографик луғат тузиш тамойиллари бўйича махсус тадқиқот олиб борди. Лекин бу муаллиф ҳам идеографик луғат тузиш Овруподан бошланганини эътироф этади.

Шарқ лексикографияси, хусусан, араб ва ўзбек лексикографияси тарихига эътибор берсак, бундай луғатлар Шарқда анча узоқ тарихга эгаллиги

маълум бўлади. Хусусан, ўзбек тилшунослиги тарихида Захириддин Муҳаммад Бобурнинг «Воқеанома»сида идеографик луғатнинг айрим белгиси учраса, Муҳаммад Чангий «Келурнома»си бундай луғатнинг ажойиб намунаси саналади. Ҳиндистонда бобурийлар даврида бадиий адабиётда туркий тилнинг роли катта бўлди. Бобурийлар она тилини сақлаб қолишга интилдилар. Бу тилда ўзларининг гўзал бадиий асарларини яратдилар. Туркий тилни ўрганишга катта эҳтиёж турли луғатларнинг яратилишига олиб келди. Ана шундай эҳтиёж асосида Абу Музаффар Мухитдин Аврангзеб (1658 – 1707) саройида хизмат қилган Муҳаммад Ёқуб Чангий «Келурнома» асарини яратди. Бу асар икки хил луғатнинг ажойиб намунасидир. Луғат 15 бобдан ва 332 фаслдан иборат. Улардан 14 боби араб алфавити асосида жойлаштирилган 400 дан ортиқ феълларни изоҳлашга бағишланади.

Сарлавҳа сўз сифатида феълнинг инфинитив шакли берилади. Ундан сўнг бу феълдан ҳосил бўлган бошқа шакллар келтирилади ва ҳар қайсисининг форсча таржимаси кўрсатилади. Масалан, биринчи бобнинг учинчи фасли *уйқуламоқ* сўзига бағишланади ва у қуйидагича шарҳланади: *уйқулади «хабид», уйқулаптур «хабида аст», уйқулар «хоҳад хобид», уйқулабди «хобида буд», уйқулайдур «михобад», уйқуламади «нахобид», уйқуламаптур «нахобида аст», уйқуламас «наҳаҳад хабид», уйқуламабди «наҳабида буд», уйқуламайдур «намиҳабад, уйқула «бахоб», уйқулама «махоб», уйқуларбиз «миҳабимма», уйқуламасбиз «намиҳобимма»*.¹

Шундай қилиб, ўн тўрт бобда 400 дан ортиқ феълнинг юқоридаги каби турли хил шакллар парадигмаси берилади. Натижада уя луғатнинг намунаси вужудга келади. Охирги 15-боб эса исмлар ва ёрдамчиларни изоҳлашга қаратилган. Бу боб олдинги 14 бобдан тамомила фарқланади. Чунки охирги бобда исмлар мавзу (тема) асосида жойлаштирилади. 9 мавзуга бўлинади:

- 1) осмон ва у билан боғлиқ бўлган тушунчалар;
- 2) ер ва у билан боғлиқ тушунчалар;
- 3) от ва эгарланадиган ҳайвонлар;
- 4) бургутлар ва ёввойи қушлар;
- 5) одам жисми аъзолари номлари;
- 6) қариндошлик номлари;
- 7) қурол-яроғ номлари;
- 8) санок номлари;
- 9) олмош, равиш, боғловчи ва қўшимчалар.

Бу боб 1300 сўз ва 6000 дан ортиқ сўз шаклларини ўз ичига олади. Масалан, 15-бобнинг биринчи фаслида *кўк, қуёш* кунаш – *кун, ай, айдўн, йулдуз, йэтдигэн, ҳулқар, агўл, йаруқ, йаруқлуқ, йашўн-чакўн – ўлдўрўм, булут, йағўш-йағмур, чибар* «майда ёмғир», *қар, муз, чапқун «совуқ шамол», йуз «қиров», йэл, кўрав, сув, ўт, чоғаш* (қуёш иссиғи), *йалўн* (учқун), *чанг, айас, шудрунғ, тонғ, кун, кундуз, кеча, эрта, кеч, ахшам, қоронғу, алав, қўш, йаз, савук, ўсўғ* каби сўзларнинг форс-тожикча таржимаси берилади.

Бундан кўриниб турибдики, луғатнинг охирги боби мавзуйий-идеографик

луғатнинг илк намунасидир. Демак, «Келурнома» икки типдаги луғатни – уя ва идеографик луғатни ўз ичига олади.

ЛУҒАТЛАРДА ГРАММАТИКА МАСАЛАЛАРИ

Ўзбек тилшунослиги тарихида грамматика масалаларини ўз ичига олган луғатлар ҳам учрайли. Ана шундай луғатлардан бири Мирза Меҳдихоннинг «Санглоҳ» луғатидир. Бу луғат «Мобони ул-луғат» («Тил асослари») номли грамматик очеркни ҳам ўз ичига олади. Ана шу очерк асосида Мирза Меҳдихоннинг лингвистик қарашлари ҳақида фикр юритиш мумкин.

Мирза Меҳдихоннинг тўлиқ исми Низомиддин Муҳаммад Ҳоди ал-Ҳусайни ас-Сафавий, отасининг исми эса Мирза Муҳаммад Носирийдир. У асли астрободлик, Эрон шоҳи Нодиршоҳ саройида муаррих ва хаттот бўлиб ишлаган. Меҳдихон «Санглоҳ» луғатини милодий 1760 йили ёзиб тугаллаган (хижрий 1172 – 1173). Бу луғатнинг «Мобони ул-луғат» номли грамматикага бағишланган қисми муқаддима, тарсифдан (грамматика) иборат. Тарсиф қисми олти мабна (қисм)ни ўз ичига олади. Муқаддима қисмида асарнинг ёзилиш сабаблари ва Алишер Навоийнинг бу асар учун манба бўлиб хизмат қилган 12 назмий ва 9 насрий асарлари номи қайд этилади.

Меҳдихон бу қисмда туркий тилнинг форс тилидан ҳам, араб тилидан ҳам фарқ қиладиган ўзига хос грамматика қонуниятлари мавжудлигини таъкидлайди. Тарсиф қисмида араб тилида феълларнинг асоси масдар-инфинитив экани, ўзбек тилида эса II шахс, бирлик, буйруқ майлининг шакли экани баён қилинади. Феълнинг барча шакллари шу асосдан ҳосил бўлишини айтади. Шундан сўнг феълнинг турли шакллари ҳақида фикр юритилади. Биринчи манба ўн бобни ўз ичига олади. Биринчи бобда масдар ва унинг турли нисбат шакллари ҳақида маълумот берилади. Иккинчи бобда эса **феъли мозий** (ўтган замон) шаклларига тўхталади. Феъли мозий шаклларига **-ди** (-тй), равишдошнинг **-н, -бан**, сифатлошнинг **-миш, -ган (-ган, -қан, -кан)** шакллари ҳамда феълнинг **-майдур** шакли киритилади. Учинчи бобда **феъли музори** (ҳозирги-келаси замон) шакллари тавсифланади. Бундай шакллар қаторига **-гай (-гаи, -кай, -қай), -сун (сун), -дик, -а** ва **-р** шакллари киритилади. Тўртинчи бобда **исми фоиллар** (интилувчи шахслар номлари) ўрганилади. Бундай феъллар қаторига **-гучи (-гучи, -кучи, -қучи), -аган (-аган), -р** шакллари ҳамда касб номлари ҳосил қилувчи **-чи, -вул, -гун (-қун, -қун), -чак** шакллари киритилади. Бешинчи бобда **исми мафъул** атамаси остида ўтган замон сифатдоши (**-миш, -лиг, -лик**) **-луг, гун (-гуи) каби**, олтинчи бобда **феъли амр** атамаси билан буйруқ майли шакллари, еттинчи бобда **феъли амрнинг** бўлишсизлик шакллари, саккизинчи бобда **феъли нафи** номи остида феълнинг бўлишсизлик шакллари, тўққизинчи бобда ҳол (равиш ва равишдош) шартлари, ўнинчи бобда аффиксларнинг ўзакка қўшилиш усуллари баён қилинади. Иккинчи манбада феъл шакллари ҳосил этувчи аффиксларнинг фонетик вариантлари ва уларнинг қўлланилиш хусусиятлари ҳақида фикр юритилади.

Учинчи мабна олмошларни ўрганишга бағишланади. Олмошлар *исми ишора* (кўрсатиш олмошлари), *замоири-мунфасала* (бунга кишилик олмошлари ва *-мен, -сен, -биз, -сиз* каби боғламалар киритилади), *замоири муттасила* (бунга эгалик кўшимчалари киритилади) каби турларга бўлинади. Тўртинчи манбада *ҳарф* атамаси остида аффикслар рўйхати ва уларнинг тавсифи бсрилади. Бешинчи манба эса грамматикалашаётган *олмоқ, тушмоқ, билмак, киришмак, йазмак, кўрмак* каби кўмакчи феъллар тавсифига бағишланади. Олтинчи манбада эски ўзбек орфографияси тамойиллари ва айрим сўзларнинг имлоси баён қилинади.¹

Юқоридагилардан кўришиб турибдики, Мирза Меҳдихоннинг «Мобони ул-луғат» асари орқали XVII – XVIII асрлар ўзбек тилшунослигидаги грамматик тушунчалар ҳақида тасаввурга эга бўлиш мумкин.

ХОНЛИКЛАР ДАВРИ ЎЗБЕК ТИЛШУНОСЛИГИ

Соҳибқирон Амир Темур вафотидан сўнг темурийлар ўртасидаги тож-тахт учун олиб борилган тўхтовсиз курашлар натижасида у асос солган буюк империя ўз обрў-эътиборини йўқота бошлади ва майда бўлақларга бўлиниб кетди. Сиёсий тарқоқлик, жаҳон савдосининг денгиз йўллариغا кўчиши оқибатида Буюк ипак йўлининг мавқеи йўқола бориши Туркистоннинг иқтисодий ва сиёсий таназзулига олиб келди. XVII асрда Туркистон Хива хонлиги, Бухоро амирлиги, Қўқон хонлиги, Улуғ жуз, Ўрта жуз, Кичик жуз ҳамда Қашқария (Шарқий Туркистон) хонликларига бўлиниб кетди. Бу хонликлар ўртасида олиб борилган тўхтовсиз жангу жадаллар иқтисодий ва маданий ҳаётнинг тобора ёмонлашувиغا сабабчи бўлди. Шунинг учун ҳам Амир Темур даврида гуллаб-яшнаган, ўзининг юқори чўққисига кўтарилган маданий ҳаёт аста-секин олдинги мавқеини йўқота бошлади.

Хону бекларнинг тожу тахт учун олиб борган курашларидан зериккан Турди Фароғий уларга қарата шундай дейди:

Тор кўнгуллик беклар, ман-ман деманг, кенглик қилинг,

Тўқсон икки бовли ўзбак юртидур, тенглик қилинг.

Ана шундай ижтимоий-иқтисодий шароитга қарамай, маданий ҳаёт бутунлай тўхтаб қолмади. Бу даврда Абулғози Баҳодирхон, Сўфи Оллоёр, Бобораҳим Машраб, Турди Фароғий, Саидо Насафий, Юсуф Қорабоний сингари шоир, тарихчи, файласуф ва табиатшунос олимларнинг асарлари майдонга келди. XVIII асрда Қўқон ва Хива хонлигида маданий жихатдан бир оз кўтарилиш рўй берди. Хусусан, Амир Умархон саройида Умархон бошчилигидаги адабий муҳитда Нодирабегим, Увайсий сингари шоирлар, Хива хонлигида эса Мунис, Огаҳий, Феруз сингари шоирлар ижод қилдилар.

Хонликлар даврида тилшунослик соҳасида махсус асар ёзилмаган бўлса ҳам, тарих, фалсафа, адабиётшуносликка оид асарларда тилшуносликнинг айрим масалаларига доир фикрлар учрайди. Бу жихатдан Абулғози Баҳодирхоннинг «Шажараи турк» ва «Шажараи тарокима» асарлари алоҳида ўрин эгаллайди.

АБУЛҒОЗИ БАҲОДИРХОННИНГ ЛИНГВИСТИК ҚАРАШЛАРИ (1603 – 1664)

Хива хони Абулғози Баҳодирхон ҳижрий 1012 йил раббийул аввал ойининг 15-кунида Урганч шаҳрида туғилган. У ўзбекларнинг қўнғирот уруғидан бўлган.

Абулғози барча фанларни, айниқса, тарих ва адабиётни пухта эгаллаб, даврининг алломаси даражасига кўтарилди. Бу ҳақда муаллифнинг ўзи «Шажараи турк» асарида қуйидагиларни ёзади: **«Бу фақирга худойи таоло иноят қилиб, кўп нимарса берган турур. Хусусан, уч хунар берган турур. Аввал сипоҳгарликнинг қонуни ва йўсиниким, нечук отланмоқ ва юрумак ва ёвга ёсоқ ясамоқ, кўп бирлан юруганда нечук қилмоқ, оз бирлан юруганда нечук қилмоқ. Дўстга, душманга нечук сўзлашмак. Иккинчи, маснавийёт ва қасоид ва ғазалиёт ва муқаттаъот ва рубоиёт ва барча ашъорни фаҳхламаклик, арабий ва форсий ва туркий луғатларнинг маъносини билмаклик. Учинчи, одам аҳдиндин то бу дамгача Арабистонда, Эрон ва Туронда ва Мўғулистонда ўтган подшоҳларнинг отлари ва умрларининг ва салтанатларининг кам ёки зиёдин билмаклик».**

Абулғози Баҳодирхондан иккита тарихий асар мерос қолди: «Шажараи тарокима» (тахминан 1658 – 1661 йиллар орасида ёзилган) ва «Шажараи турк» (1663 – 1664 йиллари ёзилган). Биринчи асар туркман муллалари, шайхлари ва бекларининг илтимоси билан ёзилган, унда туркманлар тарихи ҳақида батафсил маълумот берилади. Бу асарнинг танқидий матни, русча таржимаси ва лингвистик тадқиқоти 1958 йили Ленинградда (ҳозирги Санкт-Петербургда) нашр этилди. 1995 йили эса «Шажараи тарокима» асарини Қозоқбой Маҳмудов Тошкентда нашрга тайёрлади.

Иккинчи китоб «Шажараи турк» турклар тарихини ёритишга бағишланган. Бу асарнинг 7-, 8- ва 9-бобининг бир қисмини Абулғозининг ўзи ёзган. Биринчи бобдан еттинчи бобгача ҳамда 9-бобнинг давоми Абулғози вафотидан сўнг унинг ўғли Анушахон топшириғига мувофиқ Маҳмудбий ибн мулла Муҳаммад Урганчий томонидан ниҳоясига етказилган. Бу ҳақда асарда шундай дейилади:

«...Абулғозихони жаннатмакон бу китобни тасниф қилиб ярмига етканида хаста бўлдилар, ўғилларига васият қилиб турарларким, бу китобни нотаом қўйманг, итмомига саъй қилинг. Ул сабабдин Абулмузаффар валмансур Анушахон ибн Абулғозихон марҳум ва махфурик, бу бадаи бедизоат ва каминаи беиститоат Маҳмудий ибн мулла Муҳаммад замон Урганчий бўлғайман, «бу китобни итмомига еткур» деб ҳукм қилдилар».

Абулғозий Баҳодирхоннинг тилга бўлган муносабати юқоридаги икки асарда ўз ифодасини топади. Муаллиф ҳар икки асарда ономастик (антропонимик, топонимик, этнографик) маълумотлар бераётган пайтда

албатта унинг этимологияси ҳақида сўз юритади. Масалан, «Шажараи турк» асарининг иккинчи бобида Мўғулхон зикрида мўғул этноними этимологияси ва бу сўзнинг фонетик ўзгариши ҳақида шундай дейилади: «**Асл лафз мўғул мунгул турур. Авомнинг тили келмасликидин бора-бора мўғул тедилар. Мунгнинг маъносин барча турк билурлар, қайғу маъносина турур. Улнинг маъноси сода дил, яъни қайғули сода темак бўлур**». Ёки *дўрман* этноними ҳақида қуйидагиларни ёзади: «**...Мўғул тўртни *дурман* дер. Ёт эл бу йигитларга дўрманлар теб от қўйдилар**». Бундан ташқари, одам антропоними ҳақида шундай дейди: «**Лафзи одам араб тили турур. Ернинг қиртишини одим дер. Азроил туфроқни ернинг ичиндан олмади, тақи қиртишиндан олиб эрди, анинг учун Одам тедилар**».

Абулғози Баҳодирхон у ёки бу сўзнинг келиб чиқиши ҳақида фикр юритаркан, уни бошқа тилларга ҳам қиёслайди. Бошқа тиллардаги фонетик ўзгаришларга ўқувчи диққатини тортади. Жумладан, «Шажараи турк» асарининг «Унгут элининг зикри» қисмида *унгут* атамасининг келиб чиқиши ҳақида қуйидагиларни ёзади: «**Хитой халқи ўз юртининг тошидин бир баланд девор тортиб, икки учини тенгизга етказиб эрдилар... Карвон кириб чиқмоқ учун бир киши дарвоза ери қўюб, анга темурдин дарвоза қурдилар. Андағ деворни араб *сад* дер. Туркий тили бирлан *бурқурқа* дерлар. Хитой халқи *унгу* дерлар... Хитой подшоҳлари турк халқининг бир неча жамоага, сизларга ҳар йилда ўн чоқли нимарса берайин, Саднинг дарвозаларини сақласангиз теб берур нимарсасин қарор қилди. Ул турклар ани қабул қилиб, сақладилар... Ул жамоатта *унгут* тедилар. Мўғул тилинда *унгут*нинг «т»си ёйи нисбаттек. Садни *унгу*, сақлағон кишиларни *унгут* тедилар. Садчи теган бўлур».**

Кирайт (қорабуран темақдир), *турқоқ* (пошоҳни ухламай сақлаб турувчи), *қиёт* (мўғул *киён* «тоғдан оққан сел»нинг кўплиги) каби қатор этнонимлар. *Губал* (мўғул *Гу* «яхши», *балиқ* «шаҳар») каби бир қанча топонимлар, *муран*, *водий* каби гидронимлар этимологияси ҳақида ишончли маълумотлар беради. Хусусан, *муран* гидроними ҳақида шундай ёзади: «**Оқиб боратурған улуғ сувни туркий тилинда сой дер. Тожик кечкиндур ва улуқин *рудхона* дер ва араб *водий* дер. Мўғул *муран* дер**».

Абулғози Баҳодирхон у ёки бу сўзнинг маъносини ёритишда мўғул, хитой тиллари материалларига изчиллик билан қиёслайди. Бу эса унинг қиёсланаётган тилларни ҳам чуқур ўрганган полиглот олим эканидан далолат.

Абулғози Баҳодирхон нутқнинг софлиги учун курашди, халқ билан содда тилда мулоқот қилиш лозимлигини уқтирди. Бу ҳақда «Шажараи тарокима» асарида қуйидагиларни ёзди: «**Барча билингким, биздин бурун туркий тарих айтқанлар арабий луғатларни қўшиб турурлар ва форсийларни ҳам қўшуб турурлар ва туркийни ҳам сажъ қилиб турурлар, ўзларининг хунарларин ва устодликларини халққа маълум қилмоқ учун биз мунларнинг ҳеч қайсисини қилмадук, анинг учун ким бу китобни ўқиғувчи ва тинглағувчи албатта турк бўлғуси турур. Бас,**

туркларга туркона айтмак керак, то уларнинг барчаси фаҳм қилғайлар, бизнинг айтган сўзимизни билмасалар андин не ҳосил?..»

Муаллиф ҳар икки асарнинг бошида инсоннинг пайдо бўлиши, тўғрироғи, яратилиши (айни пайтда, тилнинг келиб чиқиши ҳақида ҳам) фикр юритади.

Шу кунга қадар инсоннинг пайдо бўлиши ҳақида турли қарашлар мавжуд. Уларни икки катта гуруҳга бўлиш мумкин. Биринчиси инсонни эволюцион йўл билан пайдо бўлганини эътироф этса, иккинчиси бирданига пайдо бўлганини, дунё яратилганини тарғиб қилади. Дунёдаги деярли барча диний таълимотлар иккинчи қарашни олға суради. Бу жиҳатдан христиан ва ислом динлари ҳам умумийликка эга.

Абулғози Баҳодирхон ҳам ислом динининг вакили сифатида инсоннинг Оллоҳ томонидан яратилганини, инсон тупроқдан ясагани ва жон ато этганини баён қилади. Одам Атодан тортиб то Нуҳ алайҳиссаломгача бўлган шажара барча диний китобларда деярли бир хил берилади. Масалан,

«Шажараи тарокима»	«Ибтидо»
Одам	Адам
Шис	Шит
Ануш	Энуш
Кайнан	Кенан
Махлойил	Маколалил
Бард	Ёред
Ахрух (Идрис)	Хонух
Матушолах	Мотушалах
Лимак	Ламак

Нух	Нўх
Сом Хом Ёфас	Сом Хом Ефим

Турк Ёфаснинг ўгли ҳисобланади ва ундан тарқалганлар турклар номи билан юритилгани эътироф этилади. Бундай қарашга мувофиқ, тилларнинг хилма-хил бўлиши Бобил минорасига бориб тақалади. Дастлаб барча одамлар бир тилда (араб тилида) гаплашган. Чунки Оллоҳ Каъба тупроғидан ясалган инсон суратини Макка билан Тойиф ўртасига қўйиб жон ато қилган ва унинг тили араб тили бўлган.

Одамлар шаҳар ва осмонўпар минора қуришга аҳд қиладилар. Одам фарзандлари қураётган шаҳар ва минорани кўриш учун Парвардигор осмондан тушдилар. Кўрадики, одамзоднинг барчасининг тили бир, шаҳар ва минора қуришдан бошқа нарсаларни қилиш ҳам қўлидан келади. Шунинг учун уларни ер юзига тарқатиб, тилларини ҳам бир-бирига тушунмайдиган қилиб қўйиш керак экан деган хулосага келади ва шундай ҳам қилади. Тилларнинг аралашувига сабаб бўлиб қолган шаҳарни Бобил (аралашув) деб юритдилар.

Абулғози Баҳодирхон «Шажараи турк» асарида Ёфас авлоди бўлган Турк ва унинг шажараси ҳақида батафсил маълумот беради. «Шажараи тарокима» асарида эса турк шажараси таркибига кирувчи Ўғузхон шажараси ҳақида фикр юритилади. Шундай қилиб, Абулғози Баҳодирхоннинг ҳар икки китоби туркий халқлар ва уларнинг генезиси ҳамда тил тарихи ҳақида маълумот берувчи қимматли асардир.

ЧОРИЗМ ВА ШҶРОЛАР ДАВРИДА ЎЗБЕК ТИЛШУНОСЛИГИ

Марказий Осиёнинг табиий бойликлари Пётр I давридан рус мулкдорларини қизиқтириб келарди. Пётр I нинг ўзи Марказий Осиёни забт этиш, бу ўлкадаги қазилма бойликларга, деҳқончилик маҳсулотларига эгалик қилиш мақсадида маҳаллий халқнинг тилини, динини, маданиятини пухта ўрганган кишиларни юбориб, улардан жосус сифатида фойдаланиш режасини ишлаб чиққан.

Ана шу режани амалга ошириш учун 1724 – 1725 йиллари подшонинг ўзи ташкил қилган ва асосан физика-математика йўналишидаги фанлар академияси қошида 1735 йилдан бошлаб гуманитар йўналиш ҳам фаолият бошлади. Бу йўналишда кўпроқ шарқшуносликка эътибор қаратилди. Шунинг учун шарқшунослик йўналишини чуқур биладиган ва бошқара оладиган Зигфрид Байерни Германиядан таклиф қилиб, биринчи академик қилиб сайлади. 1732 йили бир қанча Шарқ тиллари билимдони Георгий Яковлевич Кер Лейпцигдан Петербургга таклиф қилинди. У билан Ташқи ишлар вазирлиги ўртасида рус ёшларидан бир қанчасини Шарқ тилларига

ўқитиб бериш учун шартнома тузилди. Шундай қилиб, шарқшуносларни ўқитишга асос солинди.

Байер ва Кер Шарқ қўлёмаларини ўрганишга ҳам катта эътибор берди. Швед Страленберг томонидан Тобольскда (ўзини Азбакевич деб таништирган) бухоролик таниши орқали Абулғози Баҳодирхоннинг «Шажараи турк» асари қўлга киритилади ва бу асарни Байер лотин тилига, Кер билан ҳамкорликда немис тилига таржима қилади.

Бу даврда Марказий Осиёда хонликлар ўртасида ўзаро курашлар кучайиб борар, Россия империяси мазкур курашлардан жосуслар орқали доимо хабардор бўлиб турарди.

Ниҳоят, фурсат етгач XIX асрнинг 50-йилларидан Марказий Осиё ерларига юриш бошланиб, 80-йилларда тамоман забт этилди. Шундай қилиб, Туркистон мустамлакага айлантирилди. Бу даврда маҳаллий аҳолини тутқунликда тутиш учун унинг тилини амалий жиҳатдан билиш эҳтиёжи туғилди. Ана шу амалий эҳтиёжни қондириш мақсадида бир қатор асарлар майдонга келди.

Русларнинг ўзбек тилини ўрганишга бўлган эҳтиёжини қондиришда, айниқса, чор Россияси томонидан Туркистонга махсус юборилган Н.Остроумов, В.Наливкин ва М.Наливкина, Н.Н.Пантусов катта хизмат қилди. Владимир Петрович Наливкин (1852 – 1918) артиллерия билим юртини битиргандан сўнг Тошкентга офицер сифатида ҳарбий хизматга юборилади ва Хива юришларида иштирок этади. Маълум вақт Наманган уезди ҳарбий бошлиғи ёрдамчиси бўлиб ишлайди. Маҳаллий аҳолининг урф-одати, маданияти, тилини чуқур ўрганиш учун Наманганнинг Нанай қишлоғидан жой олиб, оиласи билан у ерда бир неча йил яшайди. Араб, форс-тожик, ўзбек тилларини мукамал ўрганиб, 1884 йили Тошкентда очилган рус-тузем мактабида муаллимлик қилади. 1890 – 1895 йиллари Сирдарё, Самарқанд, Фарғона вилоятлари мусулмон мактаблари инспектори, Фарғона вилояти губернатори муовини лавозимларида ишлайди. II Давлат думасига депутат бўлиб сайланади. 1917 йили муваққат ҳукумат коалицион комитетининг раиси бўлади.

В.Наливкиннинг ҳаёти ва фаолиятдан кўриниб турибдики, бутун онгли фаолиятини Россия манфаатига бағишлайди ва шунинг ҳисобига ҳукумат томонидан доимо рағбатлантириб турилади.

В.Наливкин хотини М.Наливкина билан биргаликда «Русско-сартовский и сартовско-русский словарь общеупотребительных слов с приложением краткой грамматики по наречиям Наманганского уезда» (Казань, 1884; иккинчи нашри Тошкент, 1912) асарини ёзиб, русларнинг ўзбек тилини, айти пайтда, ўзбекларнинг рус тилини ўрганишлари учун имконият яратди. В.Наливкиннинг «Руководство к практическому изучению сартовского языка» (Самарқанд, 1898) асари ҳам ўзбек тилини ўрганувчи руслар учун узоқ вақтлар қўлланма вазифасини бажариб келди.

Туркистон маданий ёдгорликларини, қадимий осори атиқаларини Россияга етказиб беришда катта хизмат қилган шахслардан бири Николай

Пантусов ҳисобланади (1849 – 1909). У 1871 йили Петербург университети шарқ тиллари факультетининг араб, форс, турк, татар ихтисослигини аъло даражада битиргандан сўнг Туркистон ўлкасига хизматга таклиф қилинади. Туркистон генерал-губернаторлиги махсус ишлар ходими сифатида Қўқон хонлигини тор-мор этишда иштирок этади. Шарқ кўлёмаларини йиғиб, марказга етказиб туради. «Бобурнома»дан бир неча парчаларнинг рус тилига таржимасини нашр этди. У «Материалы к изучению сартовского наречия тюркского языка. Маргеланская сказка о старце и дочери купца» (УЗКУ, КН.12, 1899) асарини ёзган.

Рус босқинининг илк даврида ўзбек тили ва маданиятини ўрганиш ва тарғиб қилишда Николай Петрович Остроумов (1844 – 1930) алоҳида ўрин эгаллайди. У Қозон диний академияси антимусулмон бўлимини битиргандан сўнг Н.И.Ильминский тавсияси ва С.Е.Малов хайрхоҳлиги билан антимусулмон предметлари кафедрасида қолдирилади.

1871 йили доцент илмий унвонига эга бўлади. Н.И.Ильминский тавсиясига мувофиқ, 1877 йили Туркистон халқ таълими инспектори этиб юборилади. 1879 йилдан Туркистон ўқитувчилар семинарияси директори, кейинроқ Тошкент эркалар гимназияси директори бўлиб ишлайди. 1883 йилдан ўзбек ва қирғиз (қозоқ) тилларида, 1885 йили эса ўзбек, қирғиз (қозоқ) ва рус тилларида нашр этилган «Туркестанская туземная газета»га муҳаррирлик қилади.

Н.Остроумов ўзбек тили, урф-одати, тарихи, адабиёти ҳақида юздан ортиқ асарлар ёзади. Ўзбек тилини ўрганишга бағишланган «Материалы к изучению наречия сартов русского Туркестана (ИОАИЭЖ, Т.ХХІ. 1808, вып. 6); Этимология сартовского языка (Ташкент, 1910) асарлари мавжуд.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, рус босқинининг илк даврида рус миссионерлари томонидан ўзбек тили ва ўзбек маданиятини рус босқинчиларига таништириш мақсадида амалий характердаги бир қатор асарлар яратилди. Бу асарларнинг вужудга келиши (уларнинг савияси ва олдига қўйган мақсади қандай бўлишидан қатъи назар) ўзбек тили ва маданиятининг Оврупо олимлари томонидан ўрганилиши ва руслар ўртасида ўзбекшунос туркологларнинг етишиб чиқишида пойдевор ролини ўйнади.

ЎЗБЕК МАЪРИФАТПАРВАРЛАРИНИНГ ЛИНГВИСТИК ФАОЛИЯТИ

XIX аср охири – XX аср бошларида Мараказий Осиёда зиёлилар ўртасида миллий ўз-ўзини англаш ҳисси кучайди. XVI асрдан бошланган маданий, маънавий инқироз туфайли унутилар даражага келиб қолган бой маданий ва маънавий меросимизни тиклаш, кишилар ўртасида ўтмиш маданиятига меҳр-муҳаббат ҳиссини уйғотиш ҳаракати бошланди. Бу ҳаракатнинг яловбардори сифатида жадиличлик майдонга келди.

Жадиждар тараққиётга эришишнинг бош йўли маърифат эканини ҳис қилганлари ҳолда, биринчи навбатда, янги типдаги мактаблар очиш,

замонавий олий мактаблар ташкил этиш, дунё янгиликларини халқ ўртасида тезроқ тарғиб қилиш, кишиларни уйқудан уйғотиш учун матбуотни ривожлантириш; тараққиётимизга тўсиқ бўлаётган иллатларни фош қилиш учун театр санъатини барпо этиш, иқтидорли ёшларни Оврупонинг энг илғор олий ўқув юртларига ўқишга юбориш орқали миллий онгни шакллантириш, миллий ғурур ва ифтихор туйғуларини сингдиришга уриндилар.

Янги типдаги мактаблар очишда Абдулла Авлоний, Иброт, Мунаввар Қори, Сўфизода, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Ашурали Зоҳирий, Абдурауф Фитрат сингари ватанпарварлар жонбозлик кўрсатди. Уларнинг кўпчилиги янги мактаблар учун дарсликлар ҳам ёздилар.

Хусусан, Беҳбудийнинг «Рисолаи асбоби савод», «Рисолаи жўғрофияи умроний», «Рисолаи жўғрофияи Русий», «Китобат ул-атфол» (1905), «Амалиёти ислом», «Тарихи ислом»; Ҳамзанинг «Қизил гул», «Пушти гул», Фитратнинг «Сарф», «Наҳв» сингари асарлари ана шундай асарлардандир.

Жадидлар тараққиёт учун тўсиқ бўлаётган иллатларни фош қилиш, халқни уйқудан уйғотиш учун сахна асарлари ёзиб театр санъатини яратдилар. Беҳбудий, Ҳамза сингари бир қатор адиблар илк ўзбек драмаларини ёзиб, уларни халқ олдида ўзлари намойиш этдилар.

Омма ўртасида маърифатни кенг ёйиш учун фақат мактаблару театр кифоя қилмасди. Дунё воқеаларидан кишиларни баҳраманд этмоқ, кундалик ҳаёт икир-чикирларини, турмуш янгиликларини эл ўртасида ёйиш учун матбуот ҳам зарур эди. Шунинг учун ҳам жадидчилик вакиллари матбуотни йўлга қўйиш ва ривожлантиришга алоҳида аҳамият бердилар. Туркистонда бир қанча номдаги газета ва журналлар нашр қилина бошлади.

Матбуотнинг йўлга қўйилиши ўзбек адабий тилининг шаклланиши ва ривожланиши учун ҳам қулай имконият яратди. Аввало, жадидлар халқимизнинг ажойиб маънавий мероси бўлган тил масаласига алоҳида эътибор бердилар. Улар дастлаб Исмоилбей Ғаспиралининг бутун туркий оламини бирлаштириш, туркий маданиятнинг эски обрўйини кўтариш, умумтуркий адабий тил ва адабиётни яратиш ҳаракатида бўлдилар. Ана шу ғоя таъсирида бир қатор газета ва журналларда усмонли туркча ва татарча элементлар аралаш бўлган бир тилда мақолалар кўплаб босила бошланди. Умумтуркий тилни яратишга газета саҳифаларида тарғибот кучайди. Ана шундай жараёнда мактаблар учун ёзиладиган дарслик ва қўлланмалар қайси тилда бўлиши керак? Туркий тил ва адабиётни бирлаштириш тарафдорлари бўлган жадидларнинг бир гуруҳи дарслик ва қўлланмалар усмонли турк тилида бўлишини маъқулладилар. Бу ҳақда Фитрат куйидагиларни ёзади: **«...Мана шундай кулинч бир ҳолда қолган бурунги зиёлиларимиз: «тилимиз илмий, адабий бир тил эмас экан» деган кулинч бир қарашга келдилар. Мана шунинг билан мактабларимиз, ёзувларимиз усмонлича таъсири остида қолдилар. Матбуотимизга бир оз татарча ҳам қатнашиб қолди. Тошкентда очилган курсларда она тили сабоқларн учун берилган соатларнинг кўпроғи усмонличага берилди. Самарқандда очилган биринчи муаллимлар курсига эса она тили деган нарсa киритилмади.**

1918 йилдаги Маориф шўросининг бир мажлисида ҳам ўткан йилдаги муаллимларнинг курултойида шундай бир қарор берилган эди: «Мактабларимизнинг ибтидоий уч йилида она тили ўзбекча ўқитулсин, ондан сўнг адабий умумий турк тили ўқитулсин!» Бунларнинг адабий умумий турк тили деганлари арабча қатнашган усмонлича эди».

Бу ҳолат табиий равишда жадиличиликнинг бошқа вакиллари ўртасида эътироз туғдирди. Шунинг учун жадиличлик кейинчалик икки оқимга – ўнг ва сўл оқимга бўлиниб кетди. Сўл оқим тарафдорлари «Чиғатой гурунги» номи остидаги тўғаракка бирлашдилар. Гурунг қатнашчилари ўзбек адабий тили ва адабиётини ривожлантириш, ўзбек адабий тилини меъеридан ортиб кетган араб ва форс сўзларидан тозалашни ўз олдиларига бош вазифа қилиб кўйдилар.

Бу йўналишга Абдурауф Фитрат раҳбарлик қилди. Гурунгнинг мақсади ҳақида Фитрат шундай ёзади: **«Сўнгралари ҳаёт мени пантуркизимда қотиб қолишга қўймади. Мен ўзбек миллатчисига айландим».**

1917 – 1918 йиллари Ўрта Осиёда пантуркизм ҳаракати кучаймоқда эди. Айниқса, Тошкентда пантуркизм фикри билан суғорилган турли тўдалар ташкил бўлди.

Турк тиллари, турк адабиётини бирлаштириш шиори остида иш кўрилди. Мактабларда усмонли тили, усмонли адабиёти она тили дарслари ўрнида қабул қилинди. Мана шу ҳаракатга қарши ўзбек тили, ўзбек адабиёти шиорлари остида «Чиғатой гурунги» ташкил қилинди. «Чиғатой гурунги» ўзбек миллатчилигини, ўзбек тили, ўзбек адабиёти шиорлари остида пантуркист тўдаларга ва шунга берилган ўнг жадиждарга қарши курашди.

1918 йили ташкил этилган «Чиғатой гурунги» ўз олдида қуйидаги вазифаларни кўйди:

«Тилимизнинг тугал, юксак, санъаткор бир адабиёти бор. Тилимизнинг адабийлиги арабийликда эмас, ўзидадир. Шунинг тиргизмак керак:

– тилимизни ёт сўзлардан қўлдан келганча тозаламоқ керак;

– адабиётимизни юксатмоқ учун бурунги санъаткор шоирларимизнинг ўлмаган ва ўлмас нарсалариндан фойдаланмоқ ҳам тараққий қилган улушлар томонидан орага солинган умумий асосларга эргашмак керакдир;

– тилимизнинг қоидаларини татарча ёхуд усмонийча қоида китобларидан эмас, тилимизнинг ўзидан олмоқ керак;

– шунинг учун халқ оғзида юрган сўзларни, халқ адабиёти бўлган эртақлар, мақоллар, лапарларни йиғиб текширмак лозим;

– адабиёт ёзғучилик бўлгани учун ёзув қоидаларини, имлони ҳам тузатмак керак».

«Чиғатой гурунги» 30-йилларгача ўз фаолиятини давом эттирди. Фитратнинг таъкидлашича, «Бу вақтгача унинг ўз оллига қўйғон илмий юмушлари бажарилган эди».

Фитрат гурунгнинг раҳбари сифатида тўғарак олдида кўйилган вазифаларни бажаришда етакчилик қилди. У туркийлар жаҳон маданияти хазинасига ал-Беруний, ал-Хоразмий, ал-Фарғоний, Жалололдин Румий,

Бедил сингари буюк даҳоларни етказиб бергани, лекин бу даҳолар ўз асарларини она тилларидамас, араб ва форс тилларида яратгани учун туркий тил имкониятлари очилмай қолгани, ҳазрат Навоий бу тилнинг кенг имкониятларга эга эканини ҳам бадийий, ҳам илмий асарлари билан исботлаб бергани, лекин ул ҳазратдан сўнг яна туркий тил эътиборсиз эканини, унинг тарихда бахтсиз бўлганини афсус-надомат билан тилга олади.

Шунинг учун турк-ўзбек тилининг имкониятларини рўёбга чиқариш, ўзбек адабий тилининг меъёрларини белгилаш 20 – 30-йиллар учун энг долзарб вазифа эди. Бу вазифани ечиш эса, энг аввало, матбуот зиммасига тушарди. Чунки ўша давргача Алишер Навоийнинг адабиёт оламидаги катта обрў-эътибори туфайли унинг асарига назиралар бағишлаш, тил услубига эргашиш натижасида классик ўзбек адабий тили вужудга келди. Назмий асарлар ана шу анъана асосида классик адабий тилда ёзилди. Бу адабий тил эса жонли ўзбек сўзлашув тилидан анча узилган, шунинг учун ҳам кенг халқ оммаси учун тушунарсиз эди. Бу тилни тушуниш учун маълум тайёргарликка эга бўлиш, мактабларда сабоқ олган бўлиш керак эди. Чўлпон Навоийдан то Муқимийгача бир хиллик мавжуд эканини, шунинг учун «кўнгли бошқа нарса истаётгани», Абдулла Қодирийни ўқиб эса ана шу бир хиллик йўқолаётганидан «кўнгли таскин топаётгани»ни баён қилади.

Дарҳақиқат, 20-йилларда ўзбек адабий тилини жонли сўзлашув тилига яқинлаштириш ҳаракати бошланди. Ашурали Зоҳирий бу ҳақда кўйидагиларни ёзади: «...Тилимизни учга бўлиш мумкин: 1) жонли тил; 2) адабий тил; 3) илмий тил. Адабий тил билан илмий тил ўртасида унча фарқ бўлмаса ҳам, жонли тил билан адабий тил орасида (ўсиш ва тараққий жихатидан) анча фарқ бор.

Жонли тилнинг ҳам ўзига махсус кўб қимматли асарлари бордурким, уларнинг барчасига халқ адабиёти дейилур. Бу (халқ адабиёти) адабий ва илмий тилнинг асосидур. Асл табиий тил сўзланатурғон тил, халқ тилидур.

Ҳақиқат шундоқ бўлгани ҳолда, XV асрдан инқилобгача бўлгон даврда халқнинг сўзлашатурғон тили адиблар томонидан кўпол тил, кўча тили саналиб, адабий тилни унга яқинлаштириш камчилик, халқ тилида ёзишлик кўполлик, деб эътиқод этилган. Арабча, форсча луғатларни тикиштириш билан қаноатланмасдан, ҳатто тақрибларни ҳам арабча, форсча қилғонлар.

Демак, араб, форс тиллари наҳвий ёқдан ҳам тилимизга таъсир қилғон. Шунинг учун чиғатой (ўзбек) адабиёти усмонли адабиёти сингари халқдан узоқлаша бошлағон, оддий халқ уни англай олмағон. Уни бари ўқумишли, зиёли синф англай оладурғон бўлғон» («Адабий тил»).

Матбуот тили эса жонли сўзлашувга асосланган янги ўзбек адабий тилининг шаклланишига кўпроқ хизмат қилиши мумкинлигини матбуотни олдинроқ йўлга қўйган туркий қавмлар тажрибаларидан англадилар. Ашурали Зоҳирий бу ҳақда кўйидагиларни ёзади: «Татар

қариндошларимизнинг ҳозирдоғи тил ва адабиётларини бундан ўн-ўн беш йил илгари адабиётларига татбиқ қилинса, қиёс қабул қилмаслик даражада аларнинг тилларини кенгаймоғи миллий ва она тилидаги газеталари билан бўлди. Демак, газета ва журналларнинг дунё аҳволидан ва бошқа тўғриларидан халққа хабар бериб турмоғидан ва бошқа улуғ ва кўзга кўринмайдурғон бир фойдаси бўлурки, ул она тилининг кенгаймоғи ва мукаммаллашмоғидир» («Она тили»). Маҳмудхўжа Бехбудий ҳам адабий тилни меъёрлаштиришда матбуотнинг ролига катта баҳо бериб, қуйидагиларни ёзди: **«Матбуот майдонига биздан мукаддам отилган ва дўстлар ила жариди ва мақолаларга соҳиб бўлган ичкари Русия ва Кафказ мусулмонларини матбуот тили ва ҳам кўча тилига диққатлик кишига маълумдирки, матбуотлари кўча тилидан неча даража олийдир»** («Тил масаласи»).

Жадидларнинг тил масаласига алоҳида эътибор беришлари бежизмас эди. Чунки тил миллатнинг энг асосий белгиларидан биридир. Шунинг учун ҳам: «Қачонки, бир миллат тилини йўқотса, ўз динини ва миллатини йўқотур», – дейди Ашурали Зоҳирий. Бехбудий муҳаррирлигидаги «Ойна» журнали тил масаласига алоҳида эътибор берди. Бу давр матбуотида тилимизни ажнабий сўзлардан имкон қадар тозалаш, ўз тилимизни чуқур ўрганиш ва унга меҳр-муҳаббат билан қарашга ундаш билан бирга, бошқа тилларни ҳам, албатта, ўрганишга даъват этилди. Хусусан. «Ойна» журналининг 1914 йил 31-сонидида «С.А.» имзоси билан босилган «Ҳар миллат ўз тили ила фахр этар» мақоласида муаллиф ёзади: **«Агар тил ва адабиётимизни муҳофаза қилмай, анга ажнабий луғат ва сўзларни қўша берсак, бир оз замонада тил ва миллатимизни йўқотурмиз. Миллатимизни йўқотганда диёнатимиз ўз-ўзи ила, албатта, йўқолур... Бас, бизга тилимизни ажнабий сўзлардан муҳофаза қилмоқлик энг биринчи муҳим бир вазифадур»**. Ёки Абдулла Авлоний мазкур журналнинг 1913 йил 1-сонидида босилган «Икки эмас, тўрт тил лозим» мақоласида ёшларни кўп тил билишга, араб, форс, турк тилини билиш билан бирга Оврупо тилларини, хусусан, рус тилини ўрганишга чақиради. Бу тилларни қанча пухта билсак, аجدодларимиз қолдирган бой маданий меросдан шунчалик фойдаланиш, бугунги дунё фан ва маданияти янгиликларидан шунчалик баҳраманд бўлиш имконига эга бўлишимиз баён қилинади.

Шундай қилиб, XIX аср охири – XX аср бошларида Марказий Осиёда, хусусан, Ўзбекистонда зиёлилар ўртасида миллий ўз-ўзини англаш ҳисси кучайди. Миллий маданиятни ривожлантиришга, адабий тил билан жонли сўзлашув тилини яқинлаштиришга эътибор ортди. Ана шу ҳаракат туфайли тилшунослик масалаларига алоҳида аҳамият берилди.

Илк ўзбек алифболарининг вужудга келиши

XX аср бошларида жадидлар томонидан янги типдаги мактабларнинг очилиши ва унда ўқитишнинг янги-янги усуллари қўлланиши туфайли

болаларнинг хат-саводини тезроқ чиқаришни таъминлайдиган янги дарсликларга эҳтиёж туғилди. Боғчасаройда Исмоилбей Ғаспирали томонидан болаларнинг тез савод чиқаришини таъминлаш учун муваффақият билан қўлланилган «усули савтия» Марказий Осиё жаҳидлари томонидан ҳам маъқулланди. Бу минтақада анъанавий «усули ҳижо»да олиб бориладиган дарслар янги мактабларда «усули савтия» билан алмаштирилди. Мазкур усулнинг афзаллиги амалиётда тезда сезилди ва у омма ўртасида тобора обрў-эътибор топа бошлади. Ана шу усул асосида савод чиқаришга бағишланган бир қанча алифболар пайдо бўла бошлади. «Ўз даври учун инқилобий ислоҳ ҳисобланган бу ишга Туркистонда ҳаммадан аввал Саидрасул Саидазизов, Мунавварқори Абдурашидхонов (1878 – 1931) киришган». Саидрасул Саидазизов 1902 йили «Устоди аввал» китобини, Мунавварқори Абдурашидхонов эса 1907 йили «Адаби аввал» китобларини Тошкентда нашр эттирдилар.

Марказий Осиё мактабларида хат-савод ўргатиш тарихининг билимдони доцент Йўлдош Абдуллаевнинг таъкидлашича, юқоридаги ҳар икки асар кўлёмаси аслида бир вақтда ёзилган. Фақат маълум объектив сабабларга кўра Мунавварқори Абдурашидхоновнинг китоби кейинроқ нашр қилинган.

1917 йилга қадар ўндан ортиқ ўзбекча алифбо китоблари яратилди. Лекин уларнинг ичида алифбонинг ички тузилиши ва бошқа бир қатор жиҳатлардан юқоридаги икки асар энг мукаммали саналади.

«Устоди аввал» 1917 йилгача бир неча бор (деярли ҳар йили) нашр қилингани ва кейинги бир қатор муаллифларнинг (масалан, Абдулла Авлоний) «Алифбо» дарсликларини яратишларига асос бўлиб хизмат қилганини ҳисобга олиб кўида «Устоди аввал»га қисқача тўхталиб ўтамиз.

Саидрасул Саидазизов 1866 йили Тошкентнинг Шайхонтохур даҳасидаги Баландмачит маҳалласида зиёли оиласида туғилган. Маҳалладаги мактабда таҳсил олгач, шу маҳаллада Маҳмуд дастурхончи мактаб-мадрасасида, айна пайтда, Шайхонтохурдаги 1-рус-тузем мактабида ўқиди. 1900 йили мадрасани ҳам, рус-тузем мактабини ҳам битирди. Натижада араб, форс, рус тилларини мукаммал ўрганди.

У 1904 йилдан Туркистон ўқитувчилар семинариясида ўзбек тилидан дарс берган. Худди шу семинарияда В.П.Наливкин ҳам ишларди. 1917 йилдан бошлаб Тошкентда очилган Шарқшунослик институтида ўзбек ва форс тиллари муаллими бўлиб ишлади. У Азизий таҳаллуси билан шеърлар ҳам ёзган.

Саидрасул Саидазизовнинг «Устоди аввал» китоби 1917 йилга қадар 10 марта нашр этилган ва янги очилган мактабларда ёшларнинг савод эгаллашларида жуда катта хизмат қилган, лекин шўро даврида бу китоб эътибордан четда қолди. Фақат айрим муаллифларнинг илмий тадқиқотларидагина асарнинг номи тилга олинди, холос. Шунинг учун у унутилар ҳолга келди.

Фақат андижонлик фан шайдоси Шокирхон Рустамхўжа ўғлининг саъй-ҳаракати туфайлигина асар 1990 йили Андижон босмаҳонасида қайта нашр

қилинди ва иккинчи ҳаётини бошлади.

Асарни шартли равишда уч қисмдан иборат дейиш мумкин. Биринчи қисми алифбо даврини ўз ичига олади. Бу қисм болаларга араб графикаси асосидаги ўзбек алифбосини ўргатишга бағишланади. Мавжуд 32 та ҳарфнинг ҳар қайсиси алоҳида сарлавҳа асосида берилади.

Мазкур ҳарфларнинг алоҳида, сўз бошида, сўз ўртасида ва сўз охирида ёзилиш шакллари кўрсатилади. Ҳар қайси шакл остига шу шакл қатнашган сўз келтирилади. Ундан сўнг ҳар қайси ҳарфни ўзлаштириш учун сўз ичида ишлатилишига қатор мисоллар берилади. 32 та ҳарф билан бирга сокин, пеш, ташдид сингари ҳаракатларнинг қўйилиш ўринлари, вазифалари ўргатилади.

Китобда ҳарфлардан ташқари рақамларнинг ёзувдаги ифодасига ҳам алоҳида ўрин берилади. 32 та ҳарф таништириб бўлингач «Алифбо ҳарфлари» сарлавҳаси остида ҳар бир ҳарфнинг алифбодаги тартиби кўрсатилади.

Иккинчи қисми эса алифбодан кейинги даврга бағишланади. Бу қисмда алифбо билан танишиб бўлган ўқувчида ўқиш ва ёзиш кўникмасини шакллантиришга эътибор қаратилади. Ана шу мақсадда турли хил матнлар берилади. Матнлар «оддийдан мураккабга» тамойили асосида танланади. Дастлаб маълум мавзуй гуруҳга мансуб сўзлар берилади. Масалан, биринчи матн «Одам аъзолари» деб номланади. Иккинчи матн «Одам либослари», учинчиси «Уй асбоблари», тўртинчиси «Ҳайвонот» ва ҳоказо сарлавҳалар остида берилади. Сўнгра мураккаброқ матнларга – боғланишли матнга ўтилади.

Боғланишли матнларнинг тарбиявий томонига алоҳида эътибор берилади. «Хат», «Илм», «Хулқ ва одоб», «Бола ва отаси», «Поклик» ва бошқа бир қатор сарлавҳалар остида турли тарбиявий мазмундаги матнлар, бадиий асарлардан намуналар берилади.

«Устои аввал»нинг учинчи қисми «Алифбои Қуръоний»га бағишланган (48 – 64-бетлар). Унда муаллиф ўқувчиларни Қуръон матнларини қандай ўқишга тайёрлашни мақсад қилиб қўяди. Араб тилидаги айрим ҳарфларни қандай талаффуз қилиш кераклигига алоҳида эътибор қаратилади. Лекин бу қисм Андижондаги нашрда тушиб қолган.

Шундай қилиб, «Устои аввал» янги усулдаги мактабларда болаларнинг тез савод чиқариши учун энг қулай дарслик бўлиб келди.

Маҳмудхўжа Бехбудийнинг тилшуносликка қўшган ҳиссаси (1875 – 1919)

Марказий Осиёнинг XX аср бошларидаги ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётида катта ўрин эгаллаган буюк зотлардан бири Маҳмудхўжа Бехбудийдир. У ўз даврининг ижтимоий-сиёсий ҳаракатларида фаол қатнашган энг йирик намояндаси, янги замон ўзбек маданиятининг асосчиси саналади.

Бехбудий буюк ватанпарвар ва миллатпарвар зотдир. Зеро, ўз Ватанига, миллатига муҳаббати жўш урган, унинг равнақи учун қайғурган ҳар бир маърифатли инсон тил масаласига эътибор бермаслиги мумкин эмас. Чунки тил миллатнинг қалби, миллатнинг бош унсуридир. Маҳмудхўжа Бехбудий дунёқарашининг шаклланишида Русия жадиличлик ҳаракати асосчиси Исмоилбек Ғаспратининг таъсири катта бўлган. Чунки Бехбудий ул зотни ўзига устоз деб ҳисоблайди ва у билан бир неча бор учрашиб, суҳбатидан баҳраманд бўлганидан фахрланади. Жумладан, Исмоилбек Ғаспратининг ўлими олдида Истанбулда учрашгани ҳақида қуйидагиларни ёзади: «7 сана муқаддам Шакурӣ ва бизга меҳмон бўлиб эдилар. У замонгидан кўра энди кўп ориғлаб эканлар. Устод ҳазратларини Истанбулда кўрмоқ ва суҳбат этмак ҳеч хаёлимга ўтмаган эди. Оллоҳнинг лутфи ила устод ҳазратларининг танҳо 7 соат суҳбатларидан у қадар файз топиб мамнун қолдимки, айтган ила адо этолмайман ва ул суҳбатнинг лаззати асло мандан кетмайдур».

Исмоилбек Ғаспрати ҳам Маҳмудхўжа Бехбудийни истеъдодли шогирд сифатида ниҳоятда ҳурмат қилади. Шу сабабдан Маҳмудхўжани Истанбулда учратиб қолиб, кўярда-қўймай ўз хонасига таклиф этади ва Туркистонда амалга ошириладиган маърифий ишлар ҳақида сўраб-суриштиради. Бехбудийнинг бу соҳада қилаётган ишларидан жуда мамнун бўлади ва меҳмонхонадан уни ҳеч кетказгиси келмайди. Ниҳоят, Шош ва Миср сафаридан қайтишда Боғчасаройга, албатта, ташриф буюришини таклиф этади.

Бехбудий 1913 йилдан бошлаб 20 ой давомида ўзи нашр қилган ҳафталик «Ойна» журнали орқали жадиличизм ғояларини тарғиб этади. 1917 йил 27 ноябрга ўтар кечаси эълон қилинган Туркистон мухториятининг маънавий отаси ҳам Бехбудий эди. «Хуррият» газетасининг 1917 йил 19 ноябрь сонидан қозоқ биродарларга очиқ хати эълон қилинади. Унда Туркистондаги барча халқларни хуррият сари курашда бирликка чақиради.

Бехбудий нашр этган «Ойна» журнали саҳифаларида ўша даврнинг энг долзарб масалаларидан бири – тил масаласига бағишланган мақолалар тез-тез босилиб турди. Бехбудийнинг ўзи ҳам бу масалага бағишланган бир қатор асарларини нашр этди.

Маҳмудхўжа Бехбудий «Икки эмас, тўрт тил керак», «Тил масаласи», «Сарт сўзи мажхулдур», «Сарт сўзи маълум бўлмади» сингари бир қатор мақолаларида ўзининг тилшуносликка доир қарашларини баён қилди.

«Тил масаласи» асарида туркий тилларни араб ва форс тилларининг таъсир даражасига қараб гуруҳларга бўлади. Форсий ва арабийни энг кўп қабул қилган тил «усмонли тили» саналади. Бу ҳақда қуйидагиларни ёзади: «Туркларнинг баъзи тоифаси форсий ва арабийни у қадар кўп олдиларки, тиллари туркий, форсий ва арабийдан қўшулиб, «усмонли тили» аталди. Ушбу уч тилни адабиёт ва қоидаларидан боҳабар бўлмагунча усмонли шевасинда ёзмақ мумкин эмасдур».

Муаллиф усмонли тилининг жонли турк тилидан узилиб қолганини, оддий халқ бу тилда ёзилган асарларни тушунмаслигини баён қилади.

Беҳбудий адабий тил билан жонли сўзлашув тилини бир-биридан фарқлайди ва адабий тил билан жонли сўзлашув тили ўртасидаги боғланиш даражаси турлича бўлиши мумкинлигини англайди. Усмонли турк тили билан турк сўзлашув тили ўртасида катта узилиш борлигини айтади.

Кавказ (озарбайжон) ва Қримда (қрим татарлари) яшайдиган турк қавмларининг тили усмонли турк тилига яқинлиги, уларнинг бир-бирини тез тушунишини баён қилади. Бу тилларда ҳам араб ва форс тилларининг таъсири, усмонли туркчага нисбатан бир оз кам бўлса ҳам, кучли экани таъкидланади.

Татар тилида эса араб ва форс тилларининг таъсири юқоридаги тилларга нисбатан анча кам экани, шунга қарамай, матбуот тили адабий ва форсий унсурлардан кутулолмаётгани кўрсатилади.

Туркистоннинг чигатой лаҳжаси кўп шеваги экани айтилади. Беҳбудийнинг фикрича, маданият, адабиёт қанчалик ривож топса, адабий тил ҳам шунчалик такомиллашади. Аксинча, маданият, санъат инқирозга юз тутган мамлакатда, тарқоқлик ҳукм сурган жойда шевалар ривожига шароит яратилади. Жумладан, бу ҳақда у қуйидагиларни ёзади: **«Туркистоннинг ўзига тегишли шеваси турк тилининг чигатой лаҳжаси бўлуб, «Навоий» китоби бу лаҳжанинг гўё муҳим китобидур. Аммо кўпдан бери Туркистонда маданият ва санъати ва адабиёт таданний этгани учун халқ бу лаҳжани бузганлар. Бузмоқ нари турсун, Туркистоннинг ҳар бир шаҳарининг ва ҳатто баъзи бир қасаба ва кўйларининг шеваси бошқадур».**

Бу шевалар араб, форс элементларининг оз-кўплиги жиҳатидан ҳам фарқланишини баён қилади. Чунончи, Бухоро, Самарқанд шеваларига араб, форс тилларининг таъсири кучлироқ бўлса, Қўқон ва унинг атрофидаги шаҳар зиёлиларининг тилида бу тилларнинг таъсири бор экани, Тошкент ва Сирдарё музофотидан араб ва форс тилларининг ҳукми озайиб бориши айтилади.

Туркистоннинг Мовароуннаҳр ва Ҳазор қисмига туркман тилининг таъсири кучли эканини кўрсатади. Шунга қарамай, ҳамма жойда аҳли савод «Навоий», «Фузулий», «Сабот ул-ожизин», «Ҳикмат», «Хувайдо»ларни бир хил ўқиш ва бу китоблар турли ҳудуддаги қавмларнинг тил умумийлигига олиб келиши ҳақида фикр юритади.

Адабий тил билан халқ шевалари ўртасидаги муносабатни яқинлаштиришда матбуотнинг ролига катта баҳо беради. Русия ва Кавказ турклари орасида матбуот яхши йўлга қўйилгани учун адабий тил кундан-кун ривожланаётгани баён қилинади.

Беҳбудий турк тилини араб ва форс сўзларидан тозалаш керак деган айрим жадиличилик вакиллари бу масалага эҳтиёт бўлиб ёндашишга чақиради. Жумладан, «Садойи Туркистон» газетасида **«меҳмон»** сўзини чиқариб ташлаб, унинг ўрнига **«кўноқ»** сўзини қўллаш тавсия этилади. Шу газетанинг 63-сонидан А.Музаффар афанди хандасага доир адабий атамаларга туркий муқобиллар келтиради. Беҳбудий бундай зўрма-зўраки келтирилган

туркий муқобиллар ҳақида фикр юритаркан, тилни арабизм ва форсизмлардан бирданига эмас, аста-секинлик билан, шошилмасдан тозалаш лозимлигини уқтиради.

Ҳеч бир тилнинг бошқа тиллардан озиқланмасдан яшамаслиги, араб тилидан сўнг энг бой тил ҳисобланувчи инглиз тили ҳам бошқа тиллардан бир неча минглаб сўзлар олганини кўрсатади.

Шу билан бирга, адабий тилни жонли сўзлашув тилига яқинлаштириш баҳонасида айрим китобларда шевачилик кучайиб кетаётганини, бунинг натижасида «Андижонда ёзилгани Бухорода, Авлиё-отада ёзилгани Қаршида» тушунилиши қийин бўлаётгани танқид қилинади.

«Китобат ул-атфол» (1908) асарида ёшларга мактуб ёзиш қоидалари ҳақида маълумот беради.

Беҳбудийнинг хат ёзиш қоидаларига алоҳида эътибор бериши бежиз эмас. Чунки хат жамият ҳаётида катта роль ўйнайдиган воситадир. Шарқ зиёлилари шунинг учун ҳам хатга доимо эътибор билан қараганлар. Жумладан, Заҳрирдин Муҳаммад Бобурнинг Ҳумоюн ёзган хат юзасидан билдирган фикрлари бунинг ёрқин далилидир. Беҳбудий ҳам бу асарида ёшларни содда ва равон ёзишга, имкон қадар ажнабий сўзлардан эҳтиёт бўлишга, ўзи тушунмайдиган сўзларни қўлламасликка даъват этади. Хат ёзувчи хат қаратилган шахснинг маълумот даражасини ҳисобга олиши кераклигини таъкидлайди. Хатларни умумий ва хусусий хатларга тасниф қилади. Ҳар икки турдаги хатларнинг ўзига хос хусусиятларини очиб беради. Хатнинг турларидан намуналар келтиради.

Қолаверса, «Румузлар» сарлавҳаси остида тиниш белгилари ҳақида маълумот беради.

Хуллас, Маҳмудхўжа Беҳбудий ўз даврининг алломаси, миллат истиқболи учун оташин курашчи сифатида миллий тилнинг равнақи, унинг истиқболи учун ҳам жон куйдирди ва ўзи асос солган «Ойна» журнали орқали ўзбек адабий тилининг муҳим масалаларини ёритди.

Абдулла Авлонийнинг лингвистик мероси (1878 – 1934)

XX аср бошларидаги маърифатпарварлик ҳаракатида Абдулла Авлоний алоҳида ажралиб туради. У бошқа жадидлар каби янги типдаги мактаблар очиш, газеталар нашр қилиш ва матбуот орқали халқни уйқудан уйғотиш, янги типдаги мактаблар учун янги дарсликлар ёзиш, театрни ривожлантириш, сахна асарлари орқали халқ ўртасида турмуш иллатларини фош этиш ҳаракатида бўлди. Бунинг учун эса сахна асарлари ёзиш билан шуғулланди.

Абдулла Авлоний 1904 йили Тошкентнинг Миробод маҳалласида янги мактаб очди. Бу мактабда савод ўрганишнинг янги технологияси жорий қилинди. Эски усулда савод чиқариш учун бир неча йиллаб вақт кетса, янги мактабда болалар олти-етти ойда саводли бўла бошлади. Мактабда дунёвий

таълим беришга катта эътибор берилди.

Натижада қисқа муддатда мактабнинг доврўғи Тошкентнинг бошқа маҳаллаларига ҳам тарқалди. Шунинг учун мактабга келувчилар сони тобора кўпая борди. Бу ҳақда Абдулла Авлонийнинг ўқувчиларидан бири Юсуф Тоҳирий куйидагиларни ёзганди: «**Шаҳарнинг қарама-қарши чеккасида, темир йўл ишчилари истиқомат қиладиган Мирободда янги типдаги мактаб очилгани ҳақида эшитиб қолдик. Тез орада бу мактабнинг фазилатлари ҳақидаги шов-шувлар, унинг муаллими Авлонийнинг доврўғи бутун шаҳарга тарқалди. Ҳамманинг тилида Мирободдаги мактаб олти ойда ўқиш-ёзишни ўргатармиш, жуғрофиё, ҳисоб, табиатни ўрганиш деган дарслар ўқитилармиш, деган гап юрарди.**

Бизга жуда сирли туюлган бу мактабни ва унинг донишманд муаллимини кўришга ҳаммамиз ошиқардик. Ниҳоят, бир куни уч-тўрттамыз боришга жазм қилдик. Ўқишга қабул қилиндик. Кўп ўтмай кўз олдимизда янги бир дупё очилганига тўла ишонч ҳосил қилдик. Бизнинг болаларнинг олди бир неча йилдан бери мактабга қатнаб юрган бўлса ҳам, мирободликлар олдида уялиб қолдик. Улар ўқиш-ёзиш, ҳисоб масалаларини ҳал этиш, табиат ҳодисаларидан хабардор бўлиш, жуда кўп шеър ва ҳикояларни ёд билишлари билан ҳаммамизни лол қолдиришди. Айни замонда, бизнинг эски мактабимиз бўшаб, Мирободдаги Абдулла Авлоний мактаби биздан борган болалар билан лик тўлди».

Абдулла Авлоний ўзи очган мактабда дарс бериш билан бир вақтда янги дарсликлар ҳам ёзди. Улар ичида «Биринчи муаллим», «Иккинчи муаллим», «Туркий гулистон ёхуд ахлоқ» китоблари алоҳида ўрин эгаллайди.

Бошланғич синф ўқувчиларига савод ўргатишга бағишланган «Биринчи муаллим» китоби октябрь тўнтаришигача тўрт марта нашр этилди. Муаллиф Саидрасул Азизийнинг «Устода аввал» китобига суянган ҳолда, айни пайтда, ўзининг муаллимлик тажрибаси асосида оригинал асар яратган.

Шундай қилиб, Абдулла Авлонийнинг «Алифбо», «Иккинчи муаллим» (1912) асарлари биринчи китобнинг бевосита давоми ҳисобланади. Унда саводи чикқан ўқувчиларни ўқитмоқ мақсадида ахлоқий ҳикоялар, шеърлар парчалар келтиради. Шунинг учун у хрестоматик характерга эга.

Абдулла Авлонийнинг фалсафий, ахлоқий ва тилшунослик бўйича қарашлари кўпроқ 1913 йили юқори синф ўқувчилари учун мўлжаллаб ёзилган «Туркий гулистон ёхуд ахлоқ» асарида акс этган.

Унинг фикрича, инсон ақл-фаросати, тили билан ҳайвондан фарқ қилади. «**Ақл инсонларнинг пири комилн, муршиди ягонасидур. Рух ишловчи, ақл бошловчидир... Ҳайвонлар ўзларига бўлақлар тарафидан келадурғон зулм ва жабрларни шох, тиш, тумшук ва тирноқлари ила қайтарурлар. Лекин... ақл ва идрок соясида ўзига келадурғон зарар ва зулмлардан сақланур. Ер юзидаги ҳайвонларни асир қилиб, бўйнидан бойлаб, ипларини учинчи қўлларига берган инсонларнинг ақлидур.**

Муаллиф ҳар қандай миллатнинг муҳим белгиларидан бири тил бирлиги

белгиси эканини, шунинг учун ҳам тилга эътибор – миллатга бўлган эътибор, аксинча, тилни йўқотмоқ миллатни йўқотмоқ эканини таъкидлайди. Бу ҳақда Абдулла Авлоний қуйидагиларни ёзади: **«Ҳар бир миллатнинг дунёда борлигини кўрсатадурғон ойнаи ҳаёти тил ва адабиётидир. Миллий тилни йўқотмак миллатнинг руҳини йўқотмакдур».**

Шундай экан, ҳар бир миллат ўз тилига эътибор билан қарамоғи, унинг истиқболи учун қайғурмоғи лозимлигини баён қилади. Ўзбек тилининг арабий, форсий унсурлар билан тўлиб-тошиб кетгани, шунинг учун бу тилни ўз ички имкониятлари асосида ривожлантириш, халқ тилига яқинлаштириш зарурлиги кўрсатилади.

«Яхши кўшнингдан олгунча ёмон уйингни қидир демишлар, – деб ёзади бу ҳақда Абдулла Авлоний. – Боболаримизга етушгон ва ярагон муқаддас тил ва адабиёт бизга ҳам камлик қилмас. Ўз уйимизни қидирсак ва ахтарсак, йўқолганларини ҳам топармиз».

Абдулла Авлоний ёшларни ўз тилига ҳурмат ва муҳаббат қўйиш, уни чуқур ўрганиш билан бирга бошқа тилларни билишга ҳам даъват этади.

Муаллиф ижтимоий-руҳий тил ва хусусий, бевосита воқеланган нутқни жуда чиройли ифодалар билан фарқлайди: **«Умумий миллий тилни сақламоқ ила баробар хусусий, оғиз орасидаги тилни ҳам сақламак лозимдур».** Бу билан Абдулла Авлоний тил ва нутқ ўртасида мавжуд бўлган умумийлик-хусусийлик диалектикасини очиб беради.

Муаллиф кишиларнинг алоқа воситаси бўлган тилга қанчалик эътибор лозим бўлса, бу тилдан фойдаланаётган шахслар тилига (нутқига) ҳам шунчалик эътибор кераклигини таъкидлайди. **«Чунки сўз инсоннинг даража ва камолини, илм-фазлини ўлчаб кўрсатадурғон тарозусидир. Ақл соҳиблари кишининг дилидаги фикр ва ниятини, илм ва қувватини, кадр ва қийматини сўзлаган сўздан билурлар».**

Шунинг учун Абдулла Авлоний ёшларни сўздан ўринли фойдаланишга, сўз қадрига етишга даъват этади. Чунки сўз инсоннинг қудратли қуроли, эзгуликка ҳам, разилликка ҳам сабаб бўлувчи тенгсиз воситадир. Ана шуни ҳисобга олган ҳолда муаллиф ёзади: **«Агар сўз ақл ва ҳикматга мувофиқ бўлуб, ўзига ёки эшитувчига бир фойда чиқадурғон бўлмаса, асарилар орасида қовоқари каби қуруқ ғунғурламоқ, фақат бош оғриғидан бошқа нарса эмасдур. Бошимизга келадурғон қаттиқ кулфатларнинг кўпи юмшоқ тилимиздан келадур».**

Шунлай қилиб, Абдулла Авлоний XX аср бошларидаги ўзбек маърифатчиларининг энг ёрқин вакилларида бири сифатида ўзбек миллий педагогикаси шаклланишида, мактаб-маориф фаолиятини ислоҳ этишда, янги дарсликлар яратишда катта хизмат қилган ҳолда, миллатнинг муҳим бир белгиси бўлган тилга ва бу қудратли воситани ўрганадиган тилшуносликнинг ривожига ҳам ўз улушини қўшди.

Ашурали Зоҳирийнинг лингвистик мероси
(1885 – 1937)

20 – 30-йиллар тилшунослигининг энг фаол вакиллари билан бири Ашурали Зоҳирийдир. У Қўқон рус-тузем мактабида, кейинчалик Қўқон ўқитувчилар семинариясида ўзбек тили ва адабиётидан дарс бериш билан бирга, «Садои Фарғона» (1914), «Янги Фарғона» (1922 – 1928) газеталарида адабий ходим бўлиб ишлади. «Садои Фарғона», «Туркистон вилоятининг газети», «Янги Фарғона» газеталарида энг долзарб ижтимоий-сиёсий муаммолар бўйича мақолалар эълон қилди.

Даврнинг ажойиб маърифатпарвар олими сифатида 1917 йили Қўқонда «Дорилмуаллимин» педагогика ўқув юртини ташкил этди.

Ашурали Зоҳирий педагогик фаолиятини журналистик ва илмий фаолият билан қўшиб олиб борди. Тилшуносликнинг турли масалаларига бағишланган мақолалари эълон қилинди. Айниқса, имло масаласи Ашурали Зоҳирий илмий фаолиятида марказий ўринни эгаллайди.

Янги очилган мактабларда болаларни имлога ўргатувчи китоб бўлмагани сабабли у 1916 йили «Имло» китобини ёзади. Бу китобда илк марта араб графикаси асосидаги ўзбек ёзувида тўғри ёзиш қоидалари, пунктуацион қоидалар ўз ифодасини топди.

20-йилларда жадидчилик вакиллари араб ёзувининг ўзбек тили фонологик тизимини ифодалолмаслиги, шу билан бирга, ҳарфлар шакли тез ёзишни таъминлаш учун бир қатор ноқисликларга эга эканини, шунинг учун бу ёзувни ислоҳ қилиш лозимлигини баён қилдилар. Ашурали Зоҳирий гарчи араб графикасини ўзгартиришга қарши бўлса ҳам, 1926 йили Боқуда бўлиб ўтган туркологлар съездида барча туркий халқларнинг лотин ёзувига ўтиши ҳақида қарор қабул қилингандан сўнг бу сиёсат билан баҳслашиш ортиқча эканини тушунди. Шу йили Самарқандда бўлиб ўтган республика тил-имло анжуманида Назир Тўрақуловнинг Боқу таассуротлари бўйича маърузасидан сўнг сўзга чиққан Ашурали Зоҳирий лотин графикасига ўтиш жараёнида араб ёзувида ўз ифодасини топмаган ўзбек фонемалари учун махсус ҳарфлар белгилаш масаласини кун тартибига қўйди.

Бу масалани кўтариб чиқиши ҳам Ашурали Зоҳирийнинг синчков фонолог эканидан далолат беради.

Ашурали Зоҳирий гарчи ўзини «пантуркист» ҳисобласа ҳам, лекин ўша даврда айрим «пантуркист»лар томонидан кўтарилган барча туркий тилларни бирлаштириш, умумтуркий тилни яратиш ғоясига қўшилмайди. Соф ўзбек тилининг тараққиёти учун курашади.

У ўткир публицистик мақолалари билан вақтли матбуотда иштирок этиш билан бирга, матбуот тилининг меъёрлашуви учун жон куйдиради. «Фарғона» газетасининг 1924 йил 21 июнь сонидан эълон қилинган «Олти йиллик ўзбек адабиёти (босма сўзи)га бир қараш» мақоласида шўролар даврининг дастлабки олти йилида матбуот фаолияти ва аҳволи ҳақида фикр юритади. Вақтли матбуот тилида учрайдиган ўзбек тили учун ёт бўлган лексик бирликлар ва грамматик шаклларнинг қўлланишини, айниқса, татар ва усмонли турк тилига хос шаклларнинг истеъмол қилинишини қоралайди.

Жумладан, Туркистон партия ва ижроия кўмитасининг марказий органи бўлиб келган «Иштирокиюн», «Қизил байроқ» газеталарининг 1921 йил бошларигача ҳам «соф ўзбекчалаша олмагани», «фақат Ғози Юнус муҳаррирлик қилгандан сўнг»гина ҳолат ўзгарганини таъкидлайди. Бу газеталарнинг ўзбекчалаша олмагани ва ўзбек ҳаётини холисона ифодалолмаётганининг бош сабаби унга ўзбек бўлмаган, ўзбек «муҳити, турмуши»дан бегона кишилар кўлидан чиқиб келгани кўрсатилади. Шунинг учун мазкур газеталар «адабий ёқдан фойда бермаганликлари сингари, маданий ва иқтисодий ёқдан ҳам» фойдаси бўлмагани танқид остига олинади. Мухтор Башир муҳаррирлигида 1918 йилдан чиқа бошлаган «Халқ дорилфунуни» газетасига баҳо бераркан, тилининг «ўзбекча аралаш татарча» эканини таъкидлайди.

1920 йил 9 апрелдан «Ёш бухороликлар» томонидан бир ойда икки марта чиқаришга мўлжалланган, лекин фақат уч сонигина дунё юзини кўрган «Тонг» номли журналнинг тили соф ўзбекча экани ва «мундарижасининг муҳимлиги»ни мақтайди.

Матбуот тилининг тобора меъёрлашиб бораётганини, лекин шундай бўлса ҳам, айрим газеталар шевачилиқдан ва татарча элементлардан қутулолмаётганини, «бору», «келу», «борсамиз», «келсамиз», «қорайлар» сингари сўз шакллари ишлатилаётгани кўрсатиб ўтилади. Шу билан биргаликда, сўзларнинг ёзилишида хилма-хиллик учраётгани (масалан, **қилалик-қилайлик-қилайлук-қилойлик; қандоқ-қондоқ-қандай** каби), шунинг учун ҳам мутахассислар йиғилишиб, бундай шакллардан қайси бирини танлашни келишиб олиш зарурлигини таъкидлайди.

«Қизил Ўзбекистон» газетасининг 1929 йил 29 март сонида мубоҳаса тариқасида «Тил, атама ва имло баҳслари» рубрикаси остида босилган «Тил ва имло масаласи» мақоласида адабий тил ва жонли сўзлашув тили, улар ўртасидаги муносабат, адабий тилнинг таянч шевалари, атамаларнинг аҳволи ва бундан кейинги истиқболлари, имло муаммолари ҳақида фикр юритади.

Муаллиф адабий тил билан жонли сўзлашув тилини бир-биридан фарқларкан, адабий тилнинг барқарор, жонли тилнинг эса, аксинча, тез ўзгарувчанлик хусусиятига эга бўлишини кўрсатади. «Жонли тил» дейилишининг сабаби ҳам «тез суръат билан ўзгариши»да эканини таъкидлайди. Шу билан бирга, адабий тил муайян қоидаларга, меъёрларга бўйсунуши, жонли тилнинг эса эркинлигига ишора қилинади.

Барча газета, журнал, бадиий ва илмий асарлар адабий тилда ёзилиши, айти пайтда, жонли тилнинг ҳам ўз адабиёти борлиги – бу адабиёт халқ адабиёти дейилиши кўрсатиб ўтилади.

Ашурали Зоҳирий нима учундир адабий тилдан илмий тилни ҳам ажратади. Бу иккиси ўртасида унча фарқ йўқлигини, ҳар иккиси жонли тил билан зидланишини кўрсатади. Адабий тилнинг жонли тилга таяниши, ундан озикланиши лозимлигини, XV асрдан то XX аср бошларигача бўлган ўзбек адабий тилида бу муносабат бузилганини, адиблар томонидан жонли сўзлашув тили «қўпол тил», «кўча тили» саналиб, «адабий тилни унга

яқинлаштириш камчилик, халқ тилида ёзишлик кўполлик деб эътикод этилганини», бу тилда арабий, форсий элементлар жуда кўп қўлланганини, шунинг учун «чиғатой (ўзбек) адабиёти усмонли адабиёти сингари халқдан узоклаша бошлагани, оддий халқ уни англай олмағони, фақат ўқумишли, зиёли синф англай оладурғон бўлғони»ни таъкидлайди.

Дунёдаги аксарият маданий халқларнинг адабий тиллари билан жонли тиллари ўртасида яқинлик борлиги, «адабий тил жонли тил асосига қурилган»и ҳақида фикр юритади. Бу соҳада XX аср бошларидаги адабиёт тили жонли тилга анча яқинлашиб, ҳамиша муваффақиятга эришгани, шунга қарамай, адабий тил бирлигида баъзан «бошвоқсизлик» кузатилаётгани, шу боис адабий тил муайян шевага таяниши лозимлигини баён қилади. Ана шундай таянч шева сифатида Фарғона шевасини тавсия этади. Бунинг бош сабаби сифатида «бу кунги ўзбек адабиётининг тили (ундаги баъзи бир маҳаллийчиликни эътиборга олмаганимизда) Фарғона шевасининг ўзи» эканини кўрсатади.

Ҳар бир уйғониш даврининг ўзига хос хусусияти шундаки, унда албатта миллатнинг асосий белгиси бўлган тилга, тил софлигига эътибор кучаяди. Тилга эътибор кучайган жойда бошқа тиллардан сўз олиш муаммоси кўтарилади.

XX аср бошларидаги жадидчилик ҳаракатида худди шундай бўлди. XX асрнинг 80-йиллари охири – 90-йиллар бошларида ҳам ўшандай ҳаракат кузатилди.

Ашурали Зоҳирий ҳам имкон қадар ўзбек тилининг ўз ички имкониятлари асосида атамалар тизимини яратиш тарафдори бўлади. Унинг фикрича, «агар ажнабий сўзлар олинавурса, тилда софлик битта-битта, сал йилнинг ичида бошқа сўзлар у тилни қоплаб, танимаслик ҳолига келтиради ва ютади». Шунинг учун турмушга кириб келаётган янги тушунчаларни ифодаламоқ учун «ўз тилимизнинг бойлигидан фойдаланмоқ»ни тавсия этади. «Агар бундоқ сўзлар у тилда топилмаса, оврупоча, арабча, форсийчадан олмоқ» лозимлигини уқтиради.

Масалан, телеграф, автомобиль, завут, фабрика сингари сингиб кетган сўзларни «ўз ҳолига қўйиб, паровоз ўрнига ўтхона, электр ўрнига симчироқ, география ўрнига ер билиги, астрономия ўрнига юлдуз билиги, гидрология ва гидрография ўрнига сув билиги, петрография ўрнига тош билиги, аэрография ўрнига ҳаво билиги, минералогия ўрнига маъдан билиги, ботаника ўрнига ўсимлик билиги, агрономия ўрнига экин билиги сингари атамаларни қўллашга даъват этади.

Муаллиф кимё, физика, математика сингари фанлар, умуман, мактаб дарсликларида қўлланувчи илмий атамаларни қатъийлаштириш, бунинг учун туркологлар қурултойини чақириб, шу қурултой қарори асосида иш тутиш лозимлигини кўрсатади.

Ашурали Зоҳирий илмий атамаларнинг фавқулодда муҳимлигини эътиборга олиб, Маориф вазирлиги ҳузурида атама қўмитаси тузиш мақсадга мувофиқ эканини таъкидлайди. Бугунги кунда Вазирлар Маҳкамаси қошида

бундай кўмита фаолият кўрсатаётгани Ашурали Зоҳирий орзусининг ушалишидир.

Имло масаласи Ашурали Зоҳирийнинг тилшунослик фаолиятида марказий ўринни эгаллайди. У рус олими проф. Афанасьевнинг орфографиянинг беш тамойили (асоси) мавжудлиги ҳақидаги фикрини маъқуллайди: 1) савтий (фонетик); 2) шаклий (морфологик); 3) тарихий-анъанавий; 4) чет сўзларни ёзмок асоси; 5) айрилма асос.

Ўзбек ёзувида эса учинчи ва тўртинчи тамойилга таяниб келингани, араб алифбосида биринчи тамойилни қўллаш мумкин бўлмагани, бундан кейин лотин ёзувига ўтар чоғида орфографик тамойилларни ҳам ўзгартириш, биринчи, кўпроқ иккинчи тамойилга асосланиш лозимлигини таъкидлайди. Масалан, «**-ди, -дир, -дан**» кўшимчалари жарангсиз ундош билан тугаган асосга қўшилганда **-ти, -тир, -тан** ҳолида талаффуз қилинса ҳам, шаклий тамойил асосида **ди, -дир, -дан** шаклини ёзиш меъёрлаштирилиши кераклиги, бу тамойил бошқа кўшимчалар имлосида ҳам етакчилик қилиши лозимлиги, шундагина турли ҳудудларда бир хил ёзишга эришиш мумкинлиги баён қилинади.

Ашурали Зоҳирийнинг лингвистик мероси ичида ўзбек тили фонетикасига доир мақолалари алоҳида қимматга эга. Унинг «Қизил Ўзбекистон» газетасининг 1929 йил 31 март сонида «Тил, атама ва имло баҳслари» рубрикасида эълон қилинган мақоласида «Лаб оҳанги тўғрисида», «Чўзғилар тўғрисида», «Сингармонизм тўғрисида», «Бош ҳарф тўғрисида» баҳс юритилади.

Таъкидлаш керакки, 20-йилларда янги алифбога ўтиш арафасида ўзбек тилининг унлилар тизимини белгилаш муҳим масалага айланди. Машҳур тилшунос Я.Д.Поливанов ўзининг «Фонетика ташкентского говора» асарида туркий тиллар фонологик тизимида рўй берган конвергенция, дивергенция ҳодисаларини очиб бериш асосида Тошкент диалектида сингармонизм қонунияти йўқолгани, олти унли фонема мавжудлигини кўрсатганди. Ўзбек ёзувининг ҳам шунга асосланиши лозимлигини таъкидлайди.

Ғози Олим Юнусов, Ашурали Зоҳирий сингари бир гуруҳ ўзбек тилшунослари ўзбек тилида, айниқса, қишлоқ шеваларида сингармонизм мавжудлигини, унлилар эса қатор белгисига кўра фарқланишини, бу фарқланиш фонологик қимматга эга эканини баён қилдилар. Ашурали Зоҳирий ҳам ўзбек тилида сингармонизм мавжудлигини эътироф этади. Лаб оҳанги, гарчи қирғиз тили даражасида бўлмаса ҳам, маълум даражада борлиги, лекин унинг кўшимчаларга таъсир қилмаслиги, ана шу белгини айрим омофонларни ёзишда фарқловчи белги қилиш лозимлигини кўрсатади. Масалан, **уруш** (от, ясама сўз) – **уриш** (феъл), **ўрум** (биринчи ўрум беда) – **ўрим** (хандагим) каби.

Лекин **-дир, -тир, -лик** аффиксларини лаб унлиси қатнашган асосдан сўнг **-дур, -тур, -лук** (ўкутур, тугуклук) тарзида ёзишни таклиф этган Қаюм Рамазон фикрига эътироз билдиради ва кўшимчаларга лаб гармониясининг таъсири йўқлигини эътиборга олиб, морфологик тамойил асосида доим **-дир,**

-тир, -лик ҳолида ёзишни тавсия этади.

Ашурали Зоҳирий ўзбек адабий тилида олтитамас, тўққизта унли мавжудлигини, лотин алифбосида ҳам ана шу тўққизта унли учун ҳарф олиниши кераклигини айтади. Гарчи муаллиф бу фикрини далиллар асосида исботламаса ҳам, Фарғона (Андижон, Марғилон, Кўқон каби) шеваларида маъно фарқлаш учун хизмат қиладиган тўққизта фонема мавжудлигини ҳис қилади. Дарҳақиқат, унлиларнинг палатал белгиси Фарғонанинг бир қатор шеваларида бугунги кунда ҳам фарқловчи белги бўлиб хизмат қилади ва фонологик қимматга эга. Шу билан бирга, Ашурали Зоҳирий айрим муаллифларнинг тўққизтадан ортиқ унли фонемаларга эгаллиги ҳақидаги фикрларининг етарли исботланмаганини ҳам танқид қилади.

Ашурали Зоҳирийнинг ўзбек тилшунослигига кўшган муҳим хизматларидан бири бош ҳарфларни амалиётга киритиш ва бу ҳарфларнинг ишлатилиш ўринларини қатъий белгилаб бериш бўлди.

Ашурали Зоҳирий араб, форс, рус тилларининг билагони сифатида таржима луғатлар яратиш соҳасида ҳам катта хизмат қилди. Унинг 1927 йили нашр этилган икки жилдли русча – ўзбекча мукамал луғати рус-ўзбек тиллари таржима луғатчилигининг асоси бўлиб қолди.

Хуллас, Ашурали Зоҳирий даврининг забардаст зиёлиси, миллат тараққиёти, истиқболи йўлида толмас курашчиси сифатида ўзбек тилининг бир қатор амалий масалаларини ҳал қилишда фаол иштирок этди. Айниқса, имло ва фонетика соҳасидаги кузатишлари ўзбек тилшунослигининг ривожига муносиб ҳисса бўлиб қўшилди.

Абдурауф Фитратнинг лингвистик фаолияти (1886 – 1938)

XX аср бошларида Марказий Осиёдаги маърифатпарварлик ҳаракатида Абдурауф Фитрат, сўзсиз, порлоқ юлдуз каби ажралиб туради.

У араб, форс, рус, турк тилларини мукамал билгани ҳолда, ўзбек тилининг ўзига хос хусусиятларини очиб беришга, ўзбек тилининг туркий тиллар тизимидаги ўрнини ва бундан кейинги истиқболини белгилаб беришга интилди.

Аввало, ўзбек (чиғатой) тилининг бошқа тиллар тизимида тутган ўрни, имкониятлари қанақа? Бу мустақил тилнинг бошқа тиллар билан муносабати қандай ва бундан кейин қай тарзда ривожланиши керак?

Фитрат мазкур саволларга жавоб бераркан, «Шарқ тарихи, адабиётида иккинчи ўрин тутқон турк адабиётининг энг муҳими, энг кўпи, энг қимматлиси чиғатой шевасидаги адабиёт» эканини таъкидлайди. Шунинг учун тилимизнинг ҳам туркий тиллар орасида энг юқори мавқеда туришини баён қилади.

Араб ва форс адабиётининг биринчи сарада туриши бу тилларнинг бойлигидан эмас, балки туркийлардан чиққан шоирларнинг, олимларнинг (масалан, Ибн Сино, Жалолоддин Румий, Форобий, Бедил ва бошқалар) араб

ва форс тилларида ижод қилғонликларида эканини кўрсатади.

Тилимиз шарқ тилларининг биринчиси эканини далиллар билан исботлайди ва туркий адибларнинг кўпи араб ва форс тилларида ижод қилгани сабабли адабиётимизнинг иккинчи бўлиб қолганидан афсусланади.

Абдурауф Фитрат жонкуяр тилшунос сифатида 20-йиллар тил сиёсати қозонида қайнади ва туркий тилларни бирлаштириш сиёсатининг оқибатларини сезгани ҳолда ҳар қайси туркий тилнинг умумий жиҳатлари бўлиши билан бирга хусусий, ўзига хос жиҳатлари кўплиги, шунинг учун ҳар қайси туркий тил мустақил равишда ривожланиши ва ўз халқига хизмат қилиши лозимлигини англади. Шунинг учун ўзбек тилининг бундан кейинги истиқболи ҳақида қайғурди.

Бу ҳақда «Сарф» китобида ёзади: **«...Бутун турк дунёси учун «Бир ялли тил» қабул этмак хаёллари билан овора бўлдик. Тилимизни шунга тўғри юргузмок учун унумсиз тиришдик. Бу хаёлларнинг амалга ошмоғонини билгандан кейин ўз тилимизни тушуна бошладик. Бу йўлда биринчи одимни қўқонлик Ашуралн Зоҳирий отди. Имло битик сўзини ёзиб чиқарди. Ундан сўнгра Тошкентда «Чиғатой гурунги» очилди».**

Фитрат 1919 йил 12 июнда «Иштирокиюн» газетасининг 132-сонидан эълон қилинган «Тилимиз» мақоласида ўзбек тилининг тарихдаги аччиқ қисмати, узоқ йиллар араб ва форс тиллари таъсирида бўлиб келгани, лекин лексик-грамматик жиҳатдан бу тиллардан ҳеч қандай қолишмаслигини таъкидлайди. Унинг таъкидлашича, ҳар бир тилнинг бойлиги у тилдаги сўзларнинг кўплиги (қасрати калимот), ясашиш кенглиги (ундириш кенглиги), боғланиш имконияти (вусъати иштиқоқ), қоидаларининг мукамаллиги (мукамалияти қавоид) билан ўлчанади.

Туркча (ўзбек тили) буларнинг ҳар учаласи бўйича ҳам араб ва форс тилларидан қолишмаслиги, айрим ўринларда улардан устун келишини таъкидлайди.

Эски ўзбек тилидаги арабизм ва форсизмларга муносабат масаласида жуда илғор позицияда туради. Ўзбекча эквиваленти бўлмаган араб ва форс сўзларини ўзбекчаштириш асосида, яъни ўзбек тили фонетик ва грамматик хусусиятига мослаштириш асосида қабул қилишни тавсия этади. Фитрат бу ҳақда куйидагиларни ёзади: **«Ҳозирги сўзларимиздаги арабча, форсчалардан бир нечаси учун туркча топилмайдир десангиз тўғридир. Биз ҳам уларни чиқармоқчи эмасмиз. Уларни олурмиз, лекин ўзимизники қилурмиз. Туркчалаштирамиз. «Қоида»нинг туркчаси йўқдир. «Сарф»нинг-да туркчасини тополмадик. Иккисин дахи олурмиз. Лекин сиз каби «қовоиди сарфия» демасдан, «сарф қоидалари» дермиз».**

Турк (ўзбек) тилида ифодалаш имконияти бўлган араб, форс сўзларини туркчаси билан алмаштириш, бунинг учун ўзбек тилига меҳр-муҳаббат билан ёндашиш, унинг ички имкониятларини чуқур ўрганиш лозимлигини таъкидлайди. Шундай қилиб, Фитрат ўзбек тилидаги арабизм ва форсизмлар масаласида прогрессив пуризм тарафдори бўлади.

Абдурауф Фитрат маърифатпарвар сифатида янги мактаблар учун янги

дарсликлар ёзади. Бошқа бир қатор маърифатпарварлар ҳам бу даврда ўзбек тилининг турли масалаларига бағишланган асарларини эълон қилдилар. М.М.Фаҳриддиновнинг «Туркча қоида» (Тошкент, 1913), Элбекнинг «Битик йўллари» (Тошкент, 1919) ва «Ёзув йўллари» (Тошкент, 1921), Шорасул Зуннуннинг «Ўзбекча тил қоидалари» (Тошкент, 1925), Мунаввар Қори, Қаям Рамазон, Шорасул Зуннуннинг «Ўзбекча тил сабоғи» (Тошкент, 1925) ва бошқалар.

Лекин улар орасида Фитратнинг «Ўзбек тили қоидалари тўғрисида бир тажриба» номли китоби алоҳида қимматга эга ва у ўзбек тилшунослиги тарихида ўзбек тилининг фонетикаси сарф ва нахвини изчил равишда тавсифловчи биринчи грамматикадир. Икки китобдан иборат (сарф ва нахв) бўлган мазкур асар 25 – 30 йиллар ичида олти марта нашр қилинди ва бир неча йил давомида мактабларда дарслик сифатида қўлланди. Грамматика ўз мундарижаси нуқтаи назаридан Оврупо тиллари мундарижаси андазаларига таянди. Бу грамматика кейинчалик бошқа грамматикаларнинг яратилишига асос бўлгани билан ҳам қимматлидир.

Абдурауф Фитрат ўзбек тилининг ўзига хос хусусиятларини очиб бериш, ҳар бир лингвистик ҳодисанинг моҳиятини ифодалай оладиган катъий қоидалар яратиш лозимлигини таъкидлайди. Бу ҳақда ёзади: **«Тилимизнинг истеъдодли, бой бир тил бўлғонини қичқириб сўйладик. Бу тил дўққидир (қўполдир), бунинг ўрнига туркчанинг адабий бир шевасини олайлик деган тил билмаслар билан курашдик, уларни енгдик. Бироқ хануз тилимизнинг белгили қоидаларини майдонга қўя олмадик».**

Таъкидлаш керакки, ўзбек тили кўп шевалилигидан янги ўзбек адабий тили қандай бўлиши, қайси шеваларга кўпроқ таянмоғи лозим деган муаммо бу даврда муҳим масалалардан эди. Фитрат мазкур муҳим масала бўйича фикр юритиб, шаҳар шеваларига араб, форс тиллари таъсири кучли экани, шунинг учун бу шеваларга эмас, балки қишлоқ шеваларига таяниш лозимлигини баён қилади. **«...Бизнинг шаҳарларимиз кўплаб йиллардан бери араб, форсий адабиётнинг ҳукми остида яшайдир. Шунинг учун бизда шаҳар тили бузулғондир. Тилимизнинг соф шаклини даладаги эл-аймоқлардан кўра оламиз».**

Шунинг учун «эл-аймоқлар орасида уларнинг жон озиғи бўлиб турғон» дostonлар, эртаклар, маталлар, лапарлар, ашула-қўшиқларни халқ оғзидан қандай талаффуз қилинса, шундайлигича ёзиб олиш, уларни синчиклаб ўрганиш ва шу асосда маълум илмий хулосага келиш лозимлигини кўрсатади.

Фитрат юқоридаги фикрлари асосида сингармонизмли шевалар ўзбек адабий тилининг таянч шевалари бўлиши керак, деган хулосага келади. Ўзбек тилининг фонетик тизими, морфологик тузилиши ҳақида фикр юритилганда ҳам ана шу бош тамойилдан келиб чиқилади.

Фонетик қарашлари

Абдурауф Фитрат замонасининг етук мутафаккири сифатида Шарқ ва Оврупо тилшуносларининг кўлга киритган ютуқларидан бохабар бўлди. Унинг фонетик қарашлари ўзбек имлосига бағишланган бир қатор мақолаларда ва «Ўзбек тили қоидалари тўғрисида бир тажриба. Сарф» асарида ўз ифодасини топган.

Олим фонема ва унинг вариантлари ўртасидаги муносабатни яхши англайди. Ҳар қандай фонема реал талаффуз қилинганда ёндош товушлар таъсирида турли ўзгаришларга учраши мумкинлиги, лекин уларнинг ҳаммаси бир умумий фонеманинг вакиллари эканини пайқайди. Аввало, ўзбек тили фонемаларини акустик-артикуляцион хусусиятига кўра икки катта гуруҳга бўлади: унлилар ва унсизлар. Бу ўзаро зидланган атамалар фонемаларнинг акустик белгисига кўра таснифланишини жуда тўғри акс эттиради. Соф ундан иборат бўлган фонемалар унлилар, овозга эга бўлмаганлар эса унсизлардир. Акустик жиҳатдан ун белгисига кўра бу икки синф икки кутбни ташкил қилади (бу жиҳатдан сонорлар биринчи гуруҳга мансуб бўлгани ҳолда икки кутб орасида учинчи алоҳида бир гуруҳ бўлиб қолади). Шунинг учун бундай шароитда иккинчи белги – артикуляцион белги ҳам ёрдамга келади. Унлилар «оғиз очувчилар» бўлса, унсизлар талаффуз жараёнида маълум тўсикка учрайди. Бу белгига кўра сонорлар ҳам, жаранглилар ҳам унсизлар таркибига киради.

Шундай қилиб, Фитрат томонидан унлига қарама-қарши қўйилган синфнинг унсизлар деб юритилиши фонемаларнинг ун белгисига кўра зидланишини жуда тўғри акс эттирди.

Кейинчалик ўзбек тилшунослигига рус тилшунослигининг таъсири натижасида рус тилшунослигидаги «согласные» атамаси айнан таржима қилиниб, ундошлар атамаси билан юритила бошланди. Афсуски, бу атама ун белгисига кўра ундан иборат бўлган унлиларга кутбий зидланувчи уни бўлмаган товушлар гуруҳига эмас, балки икки кутб ўртасида турувчи жаранглилар моҳиятига тўғри келади.

Фитрат ўзбек адабий тилида 23 та унсиз фонема мавжудлигини кўрсатади. Улар қуйидагилардан иборат: б, л, т, ч, ж, х, д, р, з, с, ш, г, ф, к, қ, г, н, м, в, х, й. Улардан х, қ, ф фонемалари асл туркча сўзларда кам учраши, шунинг учун ҳам улар асл туркча эмаслигини таъкидлайди.

Фитрат ўзбек тили унлилар тизими масаласида икки хил фикр юритади. 20-йиллар бошларидаги тил-имло қурултойида сўзлаган нутқида ўзбек тилида олтига унли фонема мавжудлиги ҳақида фикр юритса, «Сарф» асарида тўққизта унли ҳақида баҳс қилади.

Фитрат ўзбек тилини туркий тиллар таркибидаги бир тил сифатида барча туркий тилларда у ёки бу даражада мавжуд бўлган сингармонизм қонуниятини акс эттиришини, бу ҳолат эса шаҳар шеваларида форс-тожик тилининг таъсирида бузилганини, шунинг учун умумтуркий фонетик хусусиятини кўпроқ сақлаб қолган қишлоқ шеваларига таяниш жуда тўғри эканини таъкидлайди. Ана шу асосда ўзбек тилида унлиларнинг «йўғон» лик

ва «ингичка»лик белгиси фарқловчи белги вазифасини бажариши ва шу белгига кўра унлилар икки қаторга бўлинишини кўрсатади:

йўғон (орқа қатор)	ингичка (олд қатор)
а	э
ў	ө
у	ү
и	і

Шу билан бирга, йўғон-ингичкалик белгиси бўйича фарқланишга эга бўлмаган «э» унлисининг ҳам мавжуд эканини, жами ўзбек тилида 9 унли фонема борлигини баён қилали.

Сингармонизм қонунияти сўз ясалиши ва сўзларнинг морфологик шаклига ҳам таъсир этишини, шу қонуният таъсирида қўшимчалар ҳам йўғон ва ингичка вариантларга эга бўлиши, йўғон вариант йўғон ўзакларга, ингичка вариант эса ингичка ўзакларга қўшилиши, шу асосда оҳангдошликнинг амал қилиши ҳақида тўхталади. Масалан, *син-* ўзаги йўғон бўлгани учун унга қўшимчаларнинг ҳам йўғон варианты қўшилади: *синган, синмоқ, синиқ* каби; *мин-* ўзаги ингичка бўлгани учун унга қўшимчаларнинг ингичка варианты қўшилади: *минган, минмак*. Фитрат сингармонизмли шеваларга кўпроқ эътибор берганидан ўзбек тилидаги лабланмаган, кенг «о» фонемасини мустақил фонема сифатида эътиборга олмайди. Демак, *ота, она, опа, оз, оч* сингари сўзларнинг олдида келган фонема ўзбек тилининг фонемаси сифатида қаралмайди. Натижада *бор-бар, бос-бас* сингари сўзлардаги унли фонемаларнинг фарқловчи белгилари амалда рад этилади.

Фитрат ўзбек тили фонологик тизимидаги фонемалар нутқ жараёнида бир қанча вариантлар орқали намоён бўлишини, нутқ жараёнида турли фонетик ўзгаришлар рўй беришини кўрсатади. «Сарф»да «товуш ўзгаришлари» сарлавҳаси остида фонетик ҳодисаларнинг баён қилиниши ўша давр тилшунослиги учун катта воқеа эди.

Олим фонетик ҳодисаларни талаффуз қулайлигига интилиш натижаси эканини таъкидлайди. Ҳар қандай фонетик ўзгаришлар замирида қулайликка интилиш ётиши ёш грамматикачилар мактаби вакиллари ва Е.Д.Поливанов асарларида алоҳида таъкидланади. Бу эса Фитратнинг ёш грамматикачилар мактаби ғоялари билан маълум даражада танишлигидан гувоҳлик беради. Унинг Е.Д.Поливанов билан ёнма-ён ижод қилгани маълум.

Фитрат қуйидаги фонетик шароитларда товуш ўзгаришлари рўй беришини кўрсатади:

1) *ўғул, ўрун, кўнгул, буйур* сингари икки бўғинли сўзларга қўшимчалар қўшилиб келганда, иккинчи бўғиндаги тор унлининг тушиб қолиши баён қилинади. Масалан, *ўғлим, ўрни, буйруқ* каби;

2) асос қисми «п», «т», «ч», «х», «к», «с», «ш» каби жарангсиз ундош билан тугаган сўзларга «д», «ғ», «г» сингари жарангли ундош билан бошланувчи қўшимчалар қўшилса, қўшимчадаги жарангли ундошларнинг жарангсизланиши айтилади. Масалан, *тоштим, очтим, экти; боққа,*

очкучи, оскучи; эшиткан, ичкан, тешкан каби. Лекин ёзувда жарангли холда ёзилиши таъкидланади;

3) «қ», «ғ» ундошлари билан тугаган сўз асосига жўналиш келишиги кўшимчаси кўшилганда «ғ» ундошининг «қ» га айланиши кўрсатилади: *тоғ-тоққа, боғ-боққа* каби;

4) «қ», «к» каби жарангсиз ундош билан тугаган икки бўғинли сўзларга эгалик кўшимчаси кўшилганда, икки унли ўртасида қолган «қ», «к» ундошларининг жаранглилашиши таъкидланади: *тупроқ-тупрогим, ойоқ-ойогим, тилак-тилагим* каби;

5) *нима* сўзининг қисқароқ шакли *не* сўзига *учун, этмак* кўмакчи сўзлари кўшилганда кўмакчи сўзлар бошидаги унлининг тушиб қолиши айтилади: *неучун-нечун, не этай-нетай* каби.

Фитрат кўрсатган юқоридаги фонетик ходисалар ҳозирги кунга қадар ҳам дарсликдан-дарсликка кўчиб юрибди.

Фитратнинг фонетик қарашларидан муҳими урғу ҳақидаги илк таълимотидир. Урғу тушунчасини босим атамаси билан ифодалайди. Унинг фикрича, босим кўп бўғинли сўзлардаги бўғинлардан бирининг бошқасидан кучлироқ талаффуз қилинишидир. Фитрат ҳар бир сўзнинг, албатта, босимли бўлишини, босимнинг, одатда, сўзнинг охириги бўғинига тушишини, шу билан бирга, айрим кўшимчалар босим олмаслигини таъкидлайди. Бу ҳодиса кейинчалик А.Ғулом томонидан махсус ўрганилди ва Фитрат фикрларининг кўпи тасдиқланди.

Морфологик қарашлари

Фитрат сўз туркумлари, сўзларнинг граммагик категориялари ҳақида ҳам изчил маълумот беради.

Ҳар бир тилнинг морфологиясида сўз тушунчаси марказий ўринни эгаллайди. Фитрат ҳам «Сарф» асарида сўз ҳақида алоҳида тўхталади. Олим сўз тушунчасига ономосиологик нуқтаи назардан, яъни объектив оламдан унинг умумлашган образининг онгда акс этиши орқали бу умумлашган образнинг муайян моддий восита – товушлар силсиласи ёрдамида ифодаланиши нуқтаи назаридан ёндашади.

Унинг фикрича, «мийаларимизда тукқан «ўй»ни бир-биримизга билдирмак учун энг буйук қуролимиз гапдир. Ўзингизни ўйласангиз, хайвонлардан бирини (отни) ўйласангиз, у хайвон устига ерлашмак учун бўлғон тебранишингизни ўйласангиз, уч маъно ўйлаган бўлурсиз. Бу уч маънони бирлаштириб, бир-бирига боғлаб, ўзингизнинг отка минганингизни ўйлаганда, мийангизда бир «ўй» тукқандир. Шу ўйни бир кишига билдирмоқчи бўлсангиз, «мен от миндим» деб қўясизким, бу айтканингиз бир «гап»дир. Кўринадики, йуқоридаги ўйда уч маъно бўлгани каби, у ўйни билдиргучи «гап»да уч сўз бор: «мен, от, миндим».

Фитратнинг юқоридаги фикрларидан сўзга ҳам, гапга ҳам «маънодан шаклга» тамойили асосида ёндашганини пайқаш қийин эмас.

Фитрат сўзга маъно-моддий асос-оҳанг-урғулардан ташкил топган мураккаб бир бутунлик сифатида ёндашади. У «сўзнинг сўз бўлиши учун маъно билдириши, оҳанг ва босим бўлиши лозим»лигини таъкидлайди. Қўшимчалар «мустақил маъно, оҳанг ва босимга эга бўлмагани учун сўз бўла олмаслиги»ни таъкидлайди.

Фитрат оҳанг деганда ҳар бир сўзнинг «йўғон» ва «ингичка»лик белгисига эга бўлишини тушунади. Ана шу белгилар асосида сўзга шундай таъриф беради: **«Сўз бир маънони билдирган, ўзига махсус оҳанги ва босими бўлган товушлар тўдасидир».**

Сўзларни семантик тамойил асосида, яъни қандай маънони билдиришига кўра от, сифат, сон, феъл, олмош ва кўмакчиларга ажратади. Кўринадики, сўзларни лексик-грамматик гуруҳларга таснифлашда араб тилшунослиги анъаналаридан четлашган ҳолда Оврупо тилшунослиги анъаналарига асосланади.

От

Фитратнинг таърифига кўра, «*билдирган маънога от бўлиб тақалгон сўз от*» дейилади. Отларнинг ҳаммаси борликдаги «кўзга кўринарлик нарса»ни ифодалаши шарт эмас. *Эс, қайғу, зулм* каби «маъноси кўзга кўринмас от»ларнинг ҳам мавжудлиги таъкидланади. Бу билан олим отларнинг маъно жиҳатидан аниқ ва мавҳум турларга ажралишига ишора қилади.

Фитрат отларнинг ясама турлари ҳам борлиги, шунга кўра туб ва ясама отларга бўлинишини кўрсатади.

Ясама отлар маълум ясовчи қўшимчалар ёрдамида от ва от бўлмаган бошқа сўзлардан ҳосил қилинишини баён этади.

Ясама отларни, ўз навбатида, маъносига кўра қуйидаги турларга ажратади.

Отларнинг кичрайтириш шакллари ҳақида дастлабки маълумот берилади. Фитрат отларнинг бундай шаклларини «кичикланган отлар» деб номлайди. Унинг фикрича, «бир нарсани, ёо бир кишини сийламак, ёо кичиклигини кўрсатмак учун унга берилган отга «кичикланган от» дейилади. Кичикланган отлар йасамоқ учун отга *-ча, -гина, -гина, -кина, -қина* қўшиладир: *оғача, китобча, келинча, қизгина, қушқина* каби. Шунингдек, *-чиқ, -чоқ, -чак, -лоқ* қўшимчалари билан кичрайтириш шакллари ҳосил қилиш мумкинлиги, лекин улар кам истеъмолда экани таъкидланади: *қизалоқ, келинчак, қопчиқ* каби.

Отлар тузилишига кўра содда ва қўшма отларга бўлинади. Қўшма отга қуйидагича таъриф берилади: «Икки от ёо бир сифат билан бир от қўшилиб, бир нарсанинг оти бўлғонда қўшма от дейиладир». Қўшма отларнинг қўшилиб ёзилиши баён қилинади. Масалан, *ойболта, оқсоқол* каби. Шунингдек, *маориф идораси, марказий ижроия комитети* сингари икки-уч сўздан ташкил топган ва уларнинг ҳар қайсиси ўз маъносини сақлаб қолган отлар ҳам қўшма от саналиши ва улар ажратиб ёзилиши таъкидланади.

Отларнинг грамматик категорияларидан фақат сон (бирлик-кўплик) категорияси ҳақида қисқача фикр юритилади. *-лар* кўшимчаси бирлик сондаги отларга кўшилиб кўплик ифодаланиши айтилади. Масалан, *қозғоз-қозғозлар, учқич-учқичлар, йогин-йогинлар* каби.

Шундай қилиб, Фитрат отларни маъносига кўра ўрин, қурол, иш отларига; тузилишига кўра содда ва қўшма отларга бўлади. Грамматик шаклига кўра эса бирлик-кўплик шаклидаги отларни ҳамда отларнинг кичрайтириш-эркаланиш шакллари ажаблантилади. Отларнинг энг муҳим грамматик категориялари саналувчи эгаллик ва келишик категориялари ҳақида фикр юритилмайди.

Сифат

Фитрат сифатга таъриф бериб ўтирмай, тўғридан-тўғри унинг туб ва ясама турларга бўлиниши ва ясама сифатларнинг ҳосил бўлиш йўллари ҳақида фикр юритади. Унинг фикрича, ясама сифатлар қуйидагича ҳосил бўлади:

1) *-ли* кўшимчаси ёрдамида: *билимли, отли, оқчали, энли* каби;

2) *-сиз* кўшимчаси ёрдамида: *оқчасиз, билимсиз, отсиз* каби;

3) *-ки, -қи, -ги, -ғи* кўшимчалари ёрдамида: *ташқи, ички, кечаги, шаҳардаги, кейинги, бурунги* каби;

4) *сарғимтил, қизғимтил, кўкимтил* каби бўёқнинг кучсизлигини билдирувчи сифатлар сифатдан *-(и)мтил* кўшимчаси қўшиш билан ҳосил қилиниши айтилади. Шунингдек, *-иш* кўшимчаси ёрдамида ҳам юқоридаги каби маъноли сифат ҳосил қилиниши таъкидланади. Масалан, *сарғиш, қизғиш, кўкиш, оқиш* каби;

5) *-ма* кўшимчасини қўшиш билан «бир нарсанинг бир турли ишлатилганини билдиради»ган сифат ҳосил қилинади: *йозма китоб* (йозилган китоб), *босма китоб* (босилган китоб), *қўшма от* (қўшилган от) каби.

Бундан ташқари, шахс оти ясовчи *-чи*, исми фоил ясовчи *-вчи* ҳамда замон билдирувчи *-моқчи* ва *-макчи* кўшимчалари ҳам сифат ясовчилар қаторида берилади: *темирчи, кўмирчи, йозучи, босучи; йозмоқчи, кетмакчи, ўқимоқчи*.

Фитрат сифатларнинг ясалиши ҳақида тўхталаркан, ясама сифатларни маъносига кўра нисбат сифати, ўртоқлик сифати, жинс сифати ва ўхшатиш сифатларига бўлади:

а) *-ий, -вий* кўшимчалари ёрдамида ҳосил бўлган сифатлар **нисбат сифати** саналади: *адабий журнал, тарихий сўз, фанний мақола* каби;

б) отлардан *-дош, -даш* кўшимчаси қўшиб ясалган сўзлар **ўртоқлик сифати** ҳисобланади: *қўлдош, мунгдош* каби;

в) икки отдан биринчиси иккинчисининг нимадан қилинганини билдирган сўзлар **жинс сифати** дейилади: *кумуш қошиқ, темир совут, олтин узук* каби;

г) *каби, ўхшаш, -дек, -дай, янглиз, сингари* ёрдамчилари билан келган отлар **ўхшатиш сифати** ҳисобланади: *қуёш каби йузи, оловдай кўзи*.

Фитрат сифатларнинг кучайтирув шакллари ҳам ясама сифатлар қаторида беради ва улар «бир нарсанинг сифатига куч бериб айтилган сўзлар» сифатида қаралади: *оппоқ, йоп-йолонғоч, қоп-қора, қип-қизил* каби.

Сифатларда белгининг даражаланиши ҳақида ҳам маълум фикрлар баён қилинади. Жумладан, сифатнинг *-роқ, -рак* шакли ҳақида фикр юритаркан, «бир сифатнинг иккинчи нарсадаги шу сифатдан ортиқ бўлмаганини билдириши» айтилади: *Карим йахши, Жума йахшироқ; пичоқ кескир, қилич кескирроқ; онглироқ, билимсизроқ* каби.

Шунингдек, отлардаги каби сифатларда ҳам «**кичикланган сифат**»ни ажратади ва бундай сифатлар *-кина, -гина* қўшимчалари ёрдамида ҳосил бўлиши кўрсатилади: *йахшигина, каттагина* каби.

Фитрат сифатларнинг муҳим белгиси сифатида «унинг отнинг белгисини билдириши»ни ажратади. Шунинг учун «фёьдан бурун келган сифатлар сифат эмас, «ҳол» деб аталишини таъкидлайди. Лекин унга махсус тўхталмайди.

Сон

Сонлар предметнинг (нарсаларнинг) миқдорини, қанчалигини билдирувчи сўзлар гуруҳи сифатида қаралади. Сифатлар нарсаларнинг қандайлигини билдирса, сонлар қанчалигини билдириши билан улардан фарқланади. Ҳар иккиси ҳам нарсанинг белгисини билдиргани ва предмет билан биргаликда тасаввур қилингани учун уларни сифатлар қаторида ўрганиш мумкинлигини айтади.

Сонларни ҳам туб ва ясама турларга ажратади. Туб сонлар санок сонлар ҳисобланади ва уларга *бир, икки, уч, тўрт, ўн, йигирма, қирқ беш* каби сонлар киритилади.

Ясама сонлар маъноси ва ясовчи қўшимчаларига кўра:

- 1) сира сон;
- 2) улуш сон;
- 3) чама сон;
- 4) саналмишсиз сон;
- 5) ўртоқлик сон;
- 6) оширма сон;
- 7) ўлчов сонларга бўлинади.

Туб сонларга *-(и)нчи* қўшимчаси қўшилишидан ҳосил бўлган сонлар **сира сонлар** қаторига киритилади: *биринчи, иккинчи* каби. Туб сонларга *-(а)р, -тадан* қўшимчалари қўшилишидан ҳосил бўлган сонлар **улуш сон** ҳисобланади: *бирор тангадан, иккита қаламдан, учар дафтар, битар китоб; биттадан китоб, бештадан дафтар* каби.

-лаб қўшимчаси қўшилган ва «чин сонларни англамай, чамалабгина айтилғон» сонлар **чама сонлар** саналади: *ўнлаб китоб, юзлаб киши*,

йигирмалаб бола каби. Шунингдек, «икки санокни бирга қўшиб айтқонда ҳам чама сон бўладир: *икки-уч талаба, йигирма-ўттиз уй* каби.

Санок сонларга *-ов* қўшимчаси қўшилишидан **саналмишсиз сон** ҳосил бўлиши айтилади: *Биров келди. Улар учов бордилар.* Бундай сонларни сифатлар қаторида эмас, балки отлар қаторида ўрганиш лозимлигини таъкидлайди.

Санок сонларга *-ала* қўшимчаси қўшилишидан ҳосил бўлган сон **ўртоқлик сон** деб ҳисобланади. Чунки бундай сонлар «бир ишни бирдан ортиқ кишиларнинг ўртоқлашиб қилганларини билдиради». Масалан, *Биз иккаламиз келдик. Унлар учаласи қолди* каби. Бундай сонларни ҳам худди «саналмишсиз сон каби исмлар қаторида санамоқ йахши»лиги таъкидланади.

Санок сонларга *-ларча* қўшимчаси қўшилиб, «саналмишларни ошириброк кўрсатиши учун ишлатиладиган» сонларга **оширма сон** дейилади: *йўзларча, мингларча* каби.

Булардан ташқари, ҳозирги кунда **нумератив сўзлар** қаторида ўрганилаётган ўлчов билдирувчи сўзлар билан бирга қўлланилувчи сонларни бир бутун ҳолда ўлчов сонлари деб ҳисоблайди. Масалан, *бир йутум сув, ўн қоп арпа, бир чеким тамаки, икки қадоқ узум* каби бирикмаларда *йутум, чеким, қадоқ* сўзлари «**ўлчов отлари**» саналади. Улардан кейин келган *сув, арпа, тамаки, узум* сўзлари эса ўлчов сонларининг саналмиши ҳисобланади.

Муаллиф сонларнинг кўплик шакли билан кела олиши ёки олмаслигига ҳам алоҳида тўхталади. Санок, сира, чама, ўлчов сонлар ва бу сонлар қўшилган саналмишлар кўплик шакли *-лар* билан қўлланмаслигини таъкидлайди.

Саналмишсиз, оширма сонлар ва бу сонлар қўшилиб келган отлар кўплик шакли *-лар* билан кела олиши мумкинлигини кўрсатади: *Болаларнинг учовини кўрдим – Болаларнинг учовларини кўрдим; Унларнинг учаласи келди – Унларнинг учалалари келди; Юз мингларча одам – Юз мингларча одамлар* каби.

Феъл

Фитрат феълга мазмуний ва грамматик нуқтаи назардан ёндашади. Феълнинг ҳаракат билдиришини ҳамда шахс ва замон грамматик маъноларини билдирувчи шаклларга эга бўлишини қуйидагича баён қилади: «*Ҳар бир феъл бир иш билан унинг ишловчиси ҳамда бир замонни билдиради*». Феълнинг бу уч жиҳати унинг уч «бутоғи» саналади. Шу уч бутонинг ўзгаришига қараб феъллар турли ўзгаришларга учраши кўрсатилади.

«Ҳаракат» тушунчаси «иш» атамаси билан, «шахс» тушунчаси «ишловчи» атамаси билан номланади. Масалан, «*Иш ишловчи томонидан ишланса, «мен ёздим» дейиладир. Эшитувчи томонидан бажарилса, «сен ёздинг» дейиладир*», – деб баён қилинади.

Феълнинг шахс грамматик категорияси олти шаклни ўз ичига олишини

таъкидлайди ва бу олти шаклни куйидаги олти рақам билан ифодалашни маъкул кўради:

Б и р л и к	Кў п л и к
1 – йозди	4 – йоздилар
2 – йоздим	5 – йоздик
3 – йоздинг	6 – йоздингиз

Шунингдек, муаллиф феълни бўлишли ва бўлишсиз феълларга ажратади. Бўлишсиз (феъллар *-ма* кўшимчаси орқали ҳосил бўлишини кўрсатади:

Б ў л и ш л и	Б ў л и ш с и з
1 – келди	келмади
2 – келдим	келмадим
3 – келдинг	келмадинг
4 – келдилар	келмадилар
5 – келдик	келмадик

Шундай қилиб, Фитрат феълнинг шахс, сон, бўлишли-бўлишсизлик ва замон категорияларига эга экани ҳақида маълумот беради.

Шахс парадигмасида биринчи рақам билан III шахснинг берилиши ҳам характерлидир. Бу ўринда муаллиф феълнинг шахс маъносини ифодаловчи кўрсаткичга асосланади. Худди отларда келишикларнинг бош шакли (нол шакли) биринчи ўринда берилгани каби, феълларнинг шахс парадигмасида ҳам I ва II шахс кўшимчалари кўшилишига асос бўлган шакл бош шакл (нол шакл) сифатида биринчи рақам билан берилади.

Фитрат замон маъносини ифодалашига кўра, феълни уч замонга ажратади: сўнгги замон, ҳозирги замон ва ўтган замон. Бу феълларнинг ҳар қайсисига алоҳида-алоҳида тўхталади. «Сўнгги замон» феъллари, ўз навбатида, буйруқ, келажак, шарт, ўтинч, кўзғатиш феълларига бўлинади.

Феълларнинг бўлишли ва бўлишсиз «туб шакли» буйруқ феъллари деб юритилади. Масалан, *кел, кет; келма, кетма* каби. Бу феълларнинг шахс-сон ўзгаришига кўра олти шаклга эга бўлиши таъкидланади.

Буйруқ маъносини кучайтириш мақсадида II шахс феъл ўзагига *-гил, -гил* кўшимчалари ҳам кўшилиши мумкинлигини кўрсатади: *кел-келгил, кетгил, боргил* каби. Шунингдек, *-ай, -айин* кўшимчаси кўшилса ҳам худди шу маъно ифодаланиши айтилади: *борайин, келайин, келмайин, кўрайин* каби. Лекин бу маънонинг фақат I шахс шакли ҳақида фикр юритилади. Қолган икки шахс шакллари назардан четда қолади.

-(а)р ва *-(а)жак* шакллари кўшилган феъллар **келажак феъллари** ҳисобланади ва ҳар икки шаклнинг шахс-сон, бўлишли-бўлишсизлик парадигмасини беради:

1 – йозар, йозмас	4 – йозарлар, йозмаслар
2 – йозарман, йозмасман	5 – йозармиз, йозмасмиз
3 – йозарсан, йозмассан	6 – йозарсиз, йозмассиз

Шунингдек,	
1 – йозажак, йозмайажак	4 – йозажаклар, йозмайажаклар

2 – йозажакмен, йозмайажакмен 5 – йозажакмиз, йозмайажакмиз

3 – йозажаксен, йозмайажаксен 6 – йозажаксиз, йозмайажаксиз

-гай, -гай кўшимчаси кўшилган феъллар **ўтинч феъллари**, -са кўшимчаси кўшилган феъллар **шарт феъллари**, шарт феълларига -чи кўшилган феъллар эса **кўзгатиш феъли** ҳисобланади. Масалан, *йозса-чи, йозмасам-чи* каби.

Юқоридагилардан кўришиб турибдики, Фитрат феълнинг майл, нисбат категорияларини алоҳида ажратмай, замон категорияси таркибида ўрганади.

Ҳозирги замон феъллари *-ётир, -моқда* ҳамда *-(й)дир, -(а)дир* кўшимчалари ёрдамида ифодаланиши баён қилинади ва ҳар қайси шаклнинг шахс-сон бўйича парадигмаси берилади. Масалан,

1 – *йозадир, йозайотир, йозмоқда (дир)*

2 – *йозаман, йозайотирман, йозмоқдаман*

3 – *йозасан, йозайотирсан, йозмоқдасан*

Ўтган замон феъллари ҳам ўз ичида уч турга бўлинади:

1) кўрилган феъл;

2) эшитилган феъл;

3) ҳикоя феъли.

-ди кўшимчаси ёрдамида ифодаланган ўтган замон маъноси **кўрилган феъл** атамаси остида берилади. Масалан, *йозди, йоздим, йоздинг* каби.

-ган, -ган, -миш кўшимчалари кўшилган феъл **эшитилган феъл** ҳисобланади: *йозгон, йозгонсан; йозмиш, йозмишман, йозмишсан.*

-(и)б кўшимчаси кўшилган феъл ўтган замон **ҳикоя феъли** саналади: *йозибдир, йозибман, йозибсан.*

Феълларнинг нисбат категорияси алоҳида ажратилмаса ҳам, лекин бу категория ифодалаган маъно ва унинг муайян шакллари ёрдамида ифодаланиши ҳақида баъзи маълумотлар берилади. Масалан, ўтимли феълларни ўтимсизга, ўтимсиз феълларни эса ўтимлига айлантириш йўллари ҳақида фикр юритилганда *-(и)л* кўшимчаси иштирок этган феъллар **мажхул феъл**, *-(и)н* кўшимчасини олган феъл **ўзлик феъл** дейилиши таъкидланади. Масалан, *йувилди-йувинди.*

Фитрат феълдан англашилган ҳаракатнинг объект билан муносабатининг ифодаланишига кўра **ўтимли** ва **ўтимсиз** феълларга бўладики, бу бўлиниш кейинги грамматикалардан қатъий ўрин олди.

У феълларни тузилишига кўра содда ва кўшма феълларга бўлади. Кўшма феълларнинг ҳосил бўлиши, уларнинг имлоси ҳақида батафсил маълумот беради.

Икки ва ундан ортиқ сўзлардан ташкил топган феъллар кўшма феъл саналади. Масалан, *йоза бошлади.* Кўшма феълларда биринчи қисм сўзнинг лексик маъносини, иккинчи қисм эса унга турли хил кўшимча маъноларни ифодалайди. Фитрат ифодаси билан айтганда, «*Маънонинг оғирлиги биринчи феълда бўлиб, иккинчи феълнинг маъноси унга «қайд» бўлиб қоладир*». Феълнинг барча категориал шакллари иккинчи қисмга кўшилиши таъкидланади.

Кўшма феъл кўмакчи қисмининг қандай маъно ифодалашига кўра олти турга ажратилади:

- 1) бошлов феъли: *йоза бошла, кўра бошла* каби;
- 2) йақинлаш феъли: *кўра йозди, қила ёзди*;
- 3) ошиқма феъли: *йозақол, айтақол*;
- 4) давом феъли: *бора берди, йоза берди*;
- 5) бўлдириш феъли: *бора оларман, кета оларман*;

б) *бўлмоқ, қилмоқ, этмак* каби феъллар. Буларнинг отга кўшилиб кўшма феъл ҳосил қилиши айтилади. Масалан, *мумкин бўлди, йахши этдинг, дўст тутдим*.

Таъкидлаш керакки, Фитрат олтинчи турдаги кўшма феълларнинг бирикмага ўхшашлиги, лекин ундан от қисми келишиқ кўшимчалари ололмаслиги билан фарқ қилишини кўрсатади. Масалан, *мумкин бўлди* ўрнига *мумкинни бўлди* деб бўлмайди. *Дўст тутдим* билан *дўстни тутдим* бир-бири билан маънода фарқланади. Биринчиси кўшма сўз, иккинчиси эса сўз бирикмаси.

Кўшма сўз билан сўз бирикмасини бундай фарқлаш усули кейинчалик Оврупо тилшунослигида кенг ёйилди.

Фитрат ҳозирги ўзбек тилшунослигида тўлиқсиз феъл атамаси остида ўрганилаётган *эди, экан, эмиш* феъллари, шунингдек, *эса, эмас* ёрдамчиларини **кўмакчи феъллар** атамаси остида ўрганади.

Кўринадикки, Фитрат феъл ҳақида анча изчил маълумот беради.

Олмош

Фитратнинг фикрича, «от ўрнида алмаштириб» ишлатилган сўзларга «от олмошлари» ёки соддароқ қилиб «олмош» дейилади. Олмошлар уч турга бўлинади:

- 1) от олмошлари:

Бирлик

- 1) у
- 2) мен
- 3) сен
- 2) кўрсаткич олмошлари:
бу-бул
шу-шул
ушбу
мана
мана бу
мана у
у-ул
ўша-ўшал
ана

Кўплик

- 4) улар
- 5) биз-бизлар
- 6) сиз-сизлар

- булар-бунлар
шулар
ушбулар
мановлар
мана булар
мана улар
улар-унлар
ўшалар
ановлар

ана у

ана улар

3) сўраш олмошлари: *ким, нима, қачон, қайда, қайоқ, қанча, неча, нучук, не-чун, нега* каби.

Фитрат кўмакчи сўзлар ҳақида ҳам алоҳида тўхталади. Ҳозирги тилшуносликда юклама, боғловчи, кўмакчилар ҳамда модал, ундов сўзлар таркибида ўрганилаётган лисоний бирликларнинг ҳаммаси **кўмакчи сўзлар** атамаси остида берилади.

Бундай сўзлар маъноларига кўра бир неча турга таснифланади:

1) кучайтириш кўмакчилари: *асру, жуда, ҳеч, албатта, асло, сира, энг, буткул, худди;*

2) ўрин кўмакчилари: *ора, ичра, уза, узра;*

3) қаватлов кўмакчиси: *тагин, дахи, билан, -ла, йана, ҳам, -да;*

4) шарт кўмакчилари: *йўқса, агар, агарчи;*

5) аниқсизлик кўмакчилари: *балким, йо, йоки, йохуд;*

6) орзу кўмакчилари: *кошки, шойад;*

7) ҳасрат-армон кўмакчилари: *эссиз, афсус, аттанг;*

8) ҳол кўмакчилари: *айниқса, хусусан, умуман, зотан;*

9) нисбат кўмакчиси: *сайин;*

10) чеклаш кўмакчилари: *-гина, -гина, -кина, фақат;*

11) чиқариш кўмакчилари: *бироқ, лекин;*

12) тафсир-изоҳ кўмакчилари: *-ким, -ки;*

13) сабаб кўмакчилари: *учун, чунки;*

14) чама кўмакчиси: *-ча (йигирматача);*

15) туйғу кўмакчилари: *оҳ, уй, ой* ва бошқалар. Юқоридагилардан шундай хулосага келиш мумкинки, ҳали ёрдамчи сўзлар, модал ва ундов сўзларнинг ўзига хос хусусиятлари фарқланмайди.

Фитрат ҳозирги ўзбек тилшунослигида отларнинг келишиқ категорияси таркибида ўрганиладиган келишиқ шакллариини барча сўз туркумларидан кейин алоҳида белгилар атамаси остида беради ва улар орасига сўрок юкламаси ҳам киритилади:

-ми сўров белгиси;

-нинг қараш белгиси;

-ники, -ниқи қараш белгиси;

-га, -ка, -га, -қа бориш белгиси;

-ни тушиш белгиси;

-дан чиқиш белгиси;

-да ўрин белгиси.

Шундай қилиб, Фитрат «Сарф» асарида ўзбек тилининг морфологиясини имкон қадар изчил ёритишга интилади. Бироқ бу илк тажриба бўлгани сабабли бир қатор ҳодисалар талқинида янглиш фикрлар учрайди, айрим морфологик категориялар эса ўз талқинини топмайди. Лекин мазкур камчиликлардан қатъи назар, асарнинг яратилиши ўзбек илмий тилшунослиги шаклланишида, сўзсиз, пойдевор вазифасини бажарди.

Фитратнинг синтактик қараишлари унинг «Ўзбек тили қоидалари тўғрисида бир тажриба. Наҳв» асарида ўз аксини топган. Бу асар ҳақида: «Ўзбек наҳви тўғрисида менинг бир тажрибамдир», – дейди муаллиф. Ҳали ўзбек тили синтаксисининг мундарижаси белгиланмаган, синтактик тушунчаларни ифодаловчи атамалар тизими изга солинмаган бир даврда мазкур асарнинг вужудга келиши ўзбек тилшунослиги тарихи учун катта воқеа эди.

«Наҳв» «бутундан қисмга» тамойилига амал қилади. Шунинг учун синтаксиснинг асосий ўрганиш бирлиги бўлган **гап** ҳақида маълумот беришдан бошланади. Гап мақомини белгилашда мантикий йўналишнинг таъсири сезилади. «Бир фикр, бир ўй англатувчи сўз қўшуми»ни гап ҳисоблайди.

Қизиғи шундаки, гап ҳақида умумий маълумот берилгандан сўнг пунктуацион маълумот беришни лозим деб билади. Пунктуацион белгилар гапдан англашилиши лозим бўлган фикрнинг ёзувда тўғри ифодаланиши учун ёрдам бериши Фитратни шундай йўл тутишга даъват этади. Пунктуацион белгилар «туруш белгилари» атамаси билан номланади. Фитрат 12 та тиниш белгиси ва уларнинг вазифаси ҳақида маълумот беради. Булар қуйидагилардан иборат: нуқта (.), нуқтали вергул (;) «бир тиниш атамаси билан», вергул (,) «ярим тиниш атамаси билан» номланади; сўроқ белгиси (?), ундаш белгиси (!), қўш нуқта (:), тирноқлар (««»), йойлар (), тўртқўл ёйлар [], улкан ёйлар {}, чизик (–), нуқталар (...).

Араб ёзувида тиниш белгиларининг изчиллик билан ишлатилмаганини эътиборга олсак, Фитратнинг ёзма нутқни меъёрлаштириш учун тиниш белгиларининг нақадар катта аҳамияти борлигига алоҳида диққат қилганини тушуниш қийин эмас.

Гап бўлаклари ҳақида гап кетганда, Фитрат Арастунинг атрибутив мантиқига асосланган синтактик назарияга таянади ва кесим билан эгани **бош сўзлар** таркибига киритади («Наҳв». 6-бет). Характерлиси шундаки, анъанавий Оврупо тилшунослиги таъсирида кесим билан эгани бош сўзлар (яъни бош бўлақлар) ҳисобласа ҳам, лекин атрибутив мантиқ таъсиридаги грамматикалардан фарқли равишда, гапнинг грамматик шаклланишида кесимнинг ролини биринчи ўринда эканини таъкидлайди. Атрибутив мантиқда эса акцидент сўзлар (белги билдирувчи сўзлар) субстантив сўзлар (белги эгаси)га нисбатан иккинчи ўринда туриши маълум.

Фитратнинг фикрича, **гапнинг тугалланишини, «сўзнинг кесилганини билдирган» сўзлар кесим** саналади. Кесим катнашмаса, «тугал ўй» англашилмайди. Демак, гап бўлиб шаклланомайди. Ана шу белги асосида кесимга қуйидагича таъриф беради: «**Гапдаги сўзларнинг охирида келган, ўз келиши билан сўз қўшумини «гап»га айлантнрадиган сўз «кесим» сўзидир**». Масалан,

Шу чоғда, шу боғда ҳар нарса йумшоқдир.

Ҳар нарса кўкарган, ҳар нарса оппоқдир.

Тонг отди, жаҳон зулмати битди.

Мунгли кеча минг дард ила ўтди.

(Боту)

Юқоридаги парчада *йумшоқдир, кўкарган, оппоқдир, отди, битди, ўтди* сингари сўзларнинг кесим эканини кўрсатади. Шу билан бирга, кесимнинг ифодаланишига кўра икки турли эканига ишора қилади. Биринчи тури *битди, ўтди* сингари, иккинчиси эса *оппоқдир, юмшоқдир* сингари сўзлардан ифодаланган кесимлар. Кейинги типдаги сўзлардан ифодаланганда *-дир* қўлланиши, баъзан эса унинг тушиб қолиши ҳақида маълумот берилади.

«Кесим сўзи ким, нима тўғрисида айтилган бўлса, шу сўз эга» ҳисобланиши таъкидланади. Эганинг ҳам, кесимнинг ҳам уюшиб келиши мумкинлиги айтилади. Шуниси диққатга сазоворки, бугунги ўзбек тилшунослигида гапнинг мазмуний бўлиниши, унда актуал бўлинишнинг ўрни, актуал бўлақлар билан синтактик бўлақларнинг муносабати каби масалалар эндигина ўрганилаётган бўлса, бу масалалар 20-йиллардаёқ Фитрат эътиборини тортган ва маълум даражада «Наҳв»да ёритилган. Агар бу асар ёзилган даврда ҳали Прага тилшунослари тезислари эълон қилинмагани, Матезиуснинг актуал бўлиниш ҳақидаги фикрлари ёйилмаганини эътиборга олсак, Фитратнинг мазмуний бўлақлар билан синтактик бўлақлар ўртасидаги муносабатни ёритгани, улар ўртасидаги муносабатнинг ўзаро мувофиқ келиши ҳам, келмаслиги ҳам мумкинлигини очиб бергани дунё лингвистик таълимоти тарихи учун нақадар муҳимлиги ойдинлашади. Мантиқий бўлақлар билан синтактик бўлақларни солиштираркан, Фитрат куйидагиларни ёзади: **«Гапдан англашилғон «ўй», мантиқчиларча айтганда, «ҳуқум ёки тасдиқдир... «Унинг-да бўлақлари бўлади. Унинг биринчи бўлагига эски мантиқчиларимиз «мавзу», иккинчи бўлагига «маҳмул» дер эдилар. Уйнинг биринчи бўлаги бўлган «мавзу» гапнинг эга сўзига, «маҳмул» эса кесим бўлагига кўпроқ тўғру келадир, лекин туташ тўғри келмайдир. Гап ким-нима тўғрисида айтилса, шу ким-нима ҳар вақт зехний гапимизнинг, яъни фнкримизнинг мавзуи бўлади; бироқ ҳар вақт тилдаги гапнинг «эга» сўзи бўлмайди».**

Асарда мавзу билан маҳмулнинг эга билан кесимга мувофиқ келмайдиган ўринларига қатор исботловчи далиллар келтиради («Наҳв». 8 – 9-бетлар). Бу далиллар бугунги ўзбек тилшунослиги учун ҳам ўз қимматини йўқотгани йўқ. Асарда эга ва кесимдан ташқари бошқа бўлақлар ҳақида ҳам маълумот берилади. Бош сўзлардан бошқа барча бўлақларни «тўлдирғичлар» атамаси остида номлайди. «Эга билан кесимдан англашилган ўйнинг камчиликларни тўлдирмоқ учун келтирилган бўлақлар тўлдирғичлар» саналади (Ўша жойда).

Тўлдирғичлар куйидаги турларга бўлинади: 1) тушум; 2) бориш; 3)

чиқиш; 4) ўрун; 5) биргалик; 6) чоғ; 7) нечунлилик; 8) нечуклик тўлдирғичлари.

Асарда тўлдирғичларнинг юқоридаги ҳар қайси тури ҳақида алоҳида-алоҳида маълумот берилади.

Тушум тўлдирғичи атамаси остида бугунги ўзбек тилшунослигидаги воситасиз тўлдирувчилар баён қилинади. Воситасиз тўлдирувчиларда тушум келишигининг баъзан ишлатилмаслиги, «белгили» воситасиз тўлдирувчи билан «белгисиз» воситасиз тўлдирувчи ўртасида «аниқлик-ноаниқлик» белгисига кўра фарқланишнинг мавжудлиги ҳақида маълумот берилади: *«Аҳмад китобни олди деганда қайси ва қандай китоб олгани аниқ. Лекин -ни кўшимчасини тушуриб, Аҳмад китоб олди деганимизда Аҳмаднинг қандай бўлса-да, бизга маълум бўлмаган бир йо бирдан ортиқ китоб олгани англашиладир»*, – дейилади. *-га, -ча, -довур, -давур* каби кўшимча ва кўмакчилари билан келган тўлдирувчилар **бориш тўлдирғичлари** таркибида ўрганилади. Булар таркибига *«Шарифга берди»* бирикмасидаги *Шарифга* бўлаги ҳам, *«Мактабга кетди»* бирикмасидаги *мактабга* бўлаги ҳам, *«Тонг отганча ўқидим»* бирикмасидаги *тонг отганча* бўлаги ҳам киритилади.

Чиқиш тўлдирғичи атамаси остида чиқиш келишигидаги барча бўлақлар ўрганилади. Масалан, *Китобни Аҳмаддан олдим, Шариф мактабдан чиқди*. Бу гаплар таркибидаги *Аҳмаддан, мактабдан* бўлақлари чиқиш тўлдирғичлари ҳисобланади.

Чиқиш тўлдирғичининг *бери, буён* кўмакчилари билан келиш ҳоллари (*уч ойдан буён (бери)* каби), бу тўлдирғичнинг сабаб, восита (*томга шотидан чиқдим, отам тифдан ўлди*), қисм (*олмадан йўлга олдим*) маъноларини ифодалаш, ортиқлик сифати билан бирга келиши (*Шариф Аҳмаддан билимлироқ, сўзи қиличдан ўткирроқ* каби) ёритилади.

Ўрун тўлдирғичи гапдан англашилган фикрнинг ўрнини билдириши ва *-да* шаклида туриши баён қилинади: *Олдинда оққан сувнинг қадри йўқ...*

Чоғ тўлдирғичи атамаси остида ҳозирги ўзбек тилшунослигидаги пайт ҳоли ифодаланади. Фитратнинг фикрича, *«ўйнинг замонини билдирган гап бўлақларига чоғ тўлдирғич деймиз»*. *-гач,-ганда* шаклли феъллар; *энди, эрта, индин* каби сўзлар чоғ тўлдирғичи бўлиб келиши кўрсатилади.

Билан, била, ила, -ла ёрдамчилари билан бирга келган бўлақлар **биргалик тўлдирғичи** саналади: *Кўнгилнинг истаги ўй билан қонмас (Чўлпон)*.

Сабаб маъносини билдирган гап бўлаги **нечунлилик тўлдирғичи** ҳисобланади. Феълларга *-га, -го* (ёзарга, кўрарга), *-гали, -гали, -қали* (йозгали, кўргали) каби кўшимчалар кўшилган сўзлар шундай тўлдирғич вазифасила келиши таъкидланади.

Очиқ ўқудим, кулуб гапирди, яхши гапирди, русча сўзлади каби бирикмалардаги *очиқ, кулуб, яхши, русча* сингари бўлақлар **нечуклик тўлдирғичи** саналади. Кўринадики, бу атама остида ҳозирги ўзбек тилшунослигидаги равиш ҳоллари баён қилинади.

Фитрат эга билан кесимнинг мослашуви ҳақида ҳам **келишканлик** сарлавҳаси остида маълумот беради. Шунингдек, ҳозирги кунда **тўлиқсиз гаплар** деб юритиладиган гаплар, бундай гапларда тушиб қолган бўлақлар, қандай шароитда бўлақларнинг тушиб қолиши ҳақида «**Гап бўлақларининг тушиб қолиши**» сарлавҳаси остида батафсил фикр юритилади.

Фитрат аниқловчиларни тўлдирғичдан ажратган ҳолда **аниқлов унушмаси** атамаси остида ўрганади. Бирикмали бўлақларни эса гапнинг уйушган бўлақлари деб номлайди. Бу ҳақда шундай ёзади: «**Бир гапда иккита бош сўз билан саккизтача бўлақлари саналадир. Шул асосий бўлақлар гапда йолғиз-йолғиз келгани каби, кўпроқ бошқа сўзлар билан уйушиб ҳам келадир. Биз мана шундай уйушиб келган бўлақларга гапнинг уйушган бўлақлари йо соддача уйушмалар деймиз**». Уйушмаларнинг гапда битта гап бўлаги вазифасида келишини таъкидлайди. Хусусан, «аниқлов уйушмаси ҳолида туриб бир гап бўладир» дейди. Масалан, *Сен мактабнинг богига чиқ. Кеча келган сенинг отанг. Мен бу хатни ўртоғимнинг қалами билан йоздим.*

Аниқлов уйушмасининг икки қисмдан ташкил топиши, биринчи қисми аниқловчи, иккинчи қисми аниқланган деб номланиши, биринчи қисмга - **нинг** қўшимчасининг қўшилиши, баъзан эса унинг ифодаланмаслиги (масалан, **инсон боласи**), бундай вақтда аниқликнинг бўлмаслиги (яъни **инсоннинг боласи** билан *инсон боласи, богнинг қопқаси* билан *боғ қопқаси* ўртасида аниқлик-ноаниқлик белгисига кўра фарқланиш борлиги) ҳақида фикр юритилади. Иккинчи қисмга қўшиладиган ва бугунги ўзбек тилшунослигида эгалик деб юритиладиган кўрсаткични Фитрат **олмош изи** деб номлайди.

Шунингдек, қаратқич бирикмалар сифатловчи ҳам олиб янада кенгайиб келиши мумкинлигини таъкидлайди. Масалан, *Мунгли кечанинг мунгли чоғинда* (Фитрат). Шунингдек, сифат, сонлар ҳам ўзи боғланган от билан биргаликда бир гап бўлаги бўлиб келиши ва улар сифат уйушмалар бўлиши баён қилинади: *Ҳайбатли майдонда бир жавлон этканда* (Боту).

Кўринадикки, Фитрат гап таркибидаги бўлақларни уч гуруҳга: бош сўзлар, тўлдирғичлар ва аниқлов уйушмаларига бўлади. Тўлдирғичлар гапнинг кесими билан тўғридан-тўғри боғланиб, унинг мазмуний бўш ўрнини тўлдириб келса, аниқлов уйушмалари эса тўлдирғичлар ва бош сўзларнинг маъносини аниқлаб келади ва шу бўлақларнинг бўлаги бўлади.

Аниқловчиларнинг гапнинг эркин бўлаги бўлмаслиги, унинг бўлақнинг бўлаги бўлиши кераклиги ўзбек тилшунослигида 80 – 90-йилларда кўтарилди. Фитрат эса унинг ўзига хослигини 20-йиллардаёқ ёзган, бу эса унинг нақадар сезгир тилшунос бўлганининг яна бир исботидир.

«**Гапнинг уйушган бўлақлари**» сарлавҳаси остида бугунги уюшган бўлақлар атамаси билан ўрганилаётган лингвистик ҳодисалар ҳақида ҳам баҳс юритилади. Бундай вақтда аниқлов ва сифат уйушмаларида қаратқич ва сифатларнинг бирдан ортиқ бўлиб келиши таъкидланади. Масалан, *кичкина, чиройли, нозли ҳамда ўйноқ қушчалар инларидан учушиб сайраша*

бошладилар.

Бундан ташқари, равишдош, сифатдош, ҳаракат номи ўрамларининг ҳам гап таркибида битта гап бўлаги вазифасида келиши, бундай гап бўлаклари гап мазмунини мураккаблаштириши ҳақида ҳам 80-йилларда фикр юритилди. Фитрат 20-йиллардаёқ бу ҳақда маълум даражада ахборот беради. «Нахв»нинг 28-саҳифасида қуйидагиларни ўқиймиз: **«Иш отларидан биринчи турлари (йозмоқ, билмак) ҳам иккинчи турлари (йозиш, билиш) гапнинг бир бўлаги бўлганда ўзларига тегишли тўлдирғич билан уйушадилар, ҳам шул уйушма ҳолида бир гап бўлаги саналадир: Мен китоб ўқимоқни севаман. Сен хат ёзишдан қочасан каби.** Бундай ёйик бўлақлар «Хусусий уйушмалар» атамаси остида ўрганилади. Булардан ташқари, *-гучи, -моқчи, -ар, -ган, -арлик, -гулик; -гали, -гали (-кали, -қали, -гач, -иб* сингари қўшимчалар билан келган феъл шакллари ҳам ўзига тегишли бўлақлар билан кенгайиб, улар билан биргаликда битта гап бўлаги вазифасини бажариши баён қилинади. Масалан: *Журналга мақола берувчилар йиғилдилар. Газетага мақола йозмоқчи йигит идорага чақирилди. Бизга кулганларга биз ҳам кулармиз* каби.

Фитрат ҳоким қисми равишдош ва сифатдошлардан ифодаланган ва предикативликни ўзида акс эттирмаган синтактик қурилмаларнинг барчасини уйушма бўлақ ҳисоблайди. Масалан, *Бу кеча китобимни йозиб битиргали ўтургон эдим* гапида *китобимни йозиб битиргали* бўлаги уйушма бўлақ ҳисобланиши билан бирга *«Домламизнинг эси ўзига келгач указни бука бошлади* (А.Қ.) гапидаги биринчи қисм ҳам худди шундай бўлақ саналади. Фитрат тўлиқ ва тўлиқсиз гаплар ҳақда ҳам фикр юритади. Тўлиқ гап «тугал гап» атамаси билан номланади ва у ҳақида шундай дейилади: **«Ўйнинг бутун бўлақлари гапдаги сўзлардан англашилса, йаъни гапдаги сўзлар «ўй»даги маъноларнинг ҳаммасини ифода қила олса, шу гап тугал гап бўладир.² Аксинча, айрим маъноларни ифода қилувчи сўзлар гапда айтилмай қолса, шундай гап эксик гап бўладир».**

Эксик гап атамаси остида тўлиқсиз ва бир таркибли гаплар аралаш ҳолда ўрганилади. Бу икки типдаги гап бир-биридан ажратилмайди. Масалан, *кел, келма, ўтур, йоздим* каби сўзлар йолғизгина айтганда эксик гап бўладир. Шунингдек, *Аҳмад келдимми? деганда «келди»;* **Келган ким?** деганда **«Аҳмад»** сўзлари ҳам эксик гап бўлиши таъкидланади.

Гаплар мақсади ва маъносига кўра: 1) сўраш гаплар; 2) хабар гаплар; 3) тилак гаплар; 4) қайғуришли гаплар; 5) киноя гаплар; 6) кучайтма гаплар; 7) ундашли гаплар; 8) шартли гап; 9) тескари шартли гапларга бўлинади.

Сўраш гапларни ҳосил қилувчи воситалар: сўроқ олмошлари ва сўроқ юкламалари ҳамда уларнинг ўринлари ҳақида батафсил маълумот берилади.

Ҳозирги ўзбек адабий тилида *-ми* юкламаси, мантиқий урғу қайси бўлаққа тушишидан қатъи назар, доимо кесим охирига қўшилади. Ана шу хусусияти билан эски ўзбек тилидан ва айрим ҳозирги туркий тиллардан (масалан, қорачой-болқар, татар тиллари) фарқ қилади. Фитрат эса бу юкламани гапнинг мантиқий урғу тушган бўлагига қўшилишини

таъкидлайди. Бу ҳақда шундай ёзади: «Сўраш гапнинг қайси бўлагига йўналган эса, **-ми** белгиси шул бўлакка йопишиб келадир:

*Карим бу кун ўз чўпонини бозорга йубордимми?
Карим бу кун ўз чўпонини бозоргами йуборди?
Карим бу кун ўз чўпониними бозорга йуборди?
Карим бу кунми ўз чўпонини бозорга йуборди?
Каримми бу кун ўз чўпонини бозорга йуборди?*

Лекин бу қоиданинг қатъий эмаслигини, гапнинг энг охириги бўлагига қўшиш мумкинлиги, юқоридаги гап парадигмасидан фақат биринчиси етарли экани ҳам баён қилинади.

Сўроқ гаплар мазмунига кўра икки турга бўлинади: 1) сўраш гапи; 2) сўровли таниш гапи. Биринчиси сўзловчига номаълум бўлган нарсани сўраш учун ишлатилса, иккинчиси номаълум нарсани сўраш учун эмас, балки унинг тескарисини аниқламоқчи бўлади. Бошқача айтганда, бугунги риторик сўроқ гап ҳақида фикр юритилади. Масалан, *Сизнинг шаҳарда мактабми бор?* («Сизнинг шаҳрингизда, албатта, мактаб йўқ» маъносини беради.)

Бир нарсани кўрмасдан қандай айтасиз? («Бир нарсани кўрмасдан, албатта, айта берманг» маъносини билдиради.) Бирор нарсани ҳодиса ҳақида хабар берувчи гап **хабар гап** саналади. Бундай гаплар ҳам ўз ичида икки турга бўлинади: 1) аниқ хабар; 2) аниқсиз хабар гап. Гапга *балким, эҳтимол, эҳтимолки* қайдларидан бирортаси қўшилса, аниқсиз хабар гапи бўлиши айтилади: *Балким Навоий йиғирма бир китоб йозгон* каби.

Кесими буйруқ, қўзғатиш, ўтунч, шарт феълларидан ифодаланган ҳамда таркибида *кошки, шойад* каби сўзлар қатнашган гаплар **тилак гапи** саналади: *Кўнгул тилаган муродиға йетса киши* (Бобур). *Синамаган отнинг сиртидан ўтма. Шу хатни ўқиб берсангиз-чи* каби.

Таркибида *эсиз, афсус, оҳ, уф, аттанг, ҳай аттанг* каби ҳасрат, армон билдирувчи сўзлар (Фитрат буларни ҳасрат-армон кўмакчилари дейди) иштирок этган гаплар **қайғуришли гап** ҳисобланади: *Эсизким, сиздан айрилдик! Гўё, эмиш* сўзлари қатнашган гаплар **киноя гаплар**, таркибида маълум бўлак такрорланиб келса, **кучайтма гап** саналади. Масалан, *Гўёо биз англамаган! Эмиш, унинг айтгани тўғри чиққон! Кел, кел, карам ила дўстларга. Сени бу кун кўчада кўрармиз, кўчада* каби.

Таркибида ундалмалар (Фитрат «*ундаш оти*» дейди) иштирок этган гаплар **ундашли гап** ҳисобланади: *Йигитлар, қўлингиздан келганча билимингизни оширингиз!*

Ўзбек тилшунослиги тарихида синтактик назария эндигина шаклланаётгани туфайли Фитрат содда гап билан қўшма гапларни кўпинча ажратмайди. Хусусан, бу ҳол **шартли гап** ва **тескари шартли гаплар** талқинида кўзга ташланади. Шартли гап ҳақида қуйидагиларни ёзади: «**Бир гап иккига бўлинса, бир бўлагига шарт феъли қўшулса, шарт феъли қўшулгон бўлак иккинчи бўлакни ўзининг натижаси эмиш** каби

кўрсатса, бундай гапни шартли гап дейиладир. Масалан, *Уйимда унга йахши донлар берсам, балки ул йахшигина фойда бергай* (Элбек). *Йигласа, жуда қизиқ бўлар омиш!* (Чўлпон) *Кўб силлиқ қилсангиз, куйов бўлиб кетиб қоладир* (Чўлпон).

Ҳозирги ўзбек тилшунослигидаги тўсиқсизлик ҳоли ва тўсиқсиз эргаш гапларни Фитрат биргаликда тескари шартли гап атамаси остида ўрганеди. Бундай гаплар ҳақида куйидагиларни ёзади: **«Шартли гапнинг шарт феълидан кейин -да, ҳам кўшилса, тескари шартли гап бўладир. Масалан, Айтмасанг ҳам биламан. Кувсанг-да, борарман. Домлангиз бу хатоларга кўбда ишонса ҳам, кейинрак ўйлай бошлайди** (Жулқунбой). Бундай гапларнинг нима учун тескари шартли гап дейилишини Фитрат шундай тушунтиради. **Айтмасанг ҳам биламан деганимиздан англашилғон «ўй» айтмасанг билмайман деган гапдан англашилғон «ўй»нинг тескарисидир. Бунинг учун у гапларга тескари шартли гап дедик.**

Фитрат кириш сўз, кириш гап ва киритмалар ҳақида ҳам маълумот беради. Бу уч лингвистик ҳодиса бир атама – **кириш сўз** агамаси остида ўрганилади. У бу атаманинг арабларнинг «мўътариза», русларнинг «вводное слово» атамаларига тенг келишини таъкидлайди. Кириш сўз ҳақида Фитрат шуларни ёзади: **«Гап орасида шул гапнинг бўлаклари билан «наҳви» бир муносабат бўлмоғон бир сўз йо бир гап киргизиладир. Мана шул йот бўлуб кирган сўз йо гапка «кириш сўз» дейиладир.** Масалан, *Бизнинг мактабда, Каримнинг айтганига кўра, бу кун дарс бўлмайдур. Дарс бўлмаган, табиий, бизнинг боришимиз керак эмас. Бу гаплардаги Каримнинг айтганига кўра, табиий сўзлари кириш сўзлар саналади.*

Кириш сўзларнинг гапнинг бошқа қисмларидан ёзувда вергул билан ажратилиши, кириш сўзлар гапдан тушириб қолдирилганда ҳам гапнинг маъносига зарар етмаслиги ҳақида фикр юритилади.

Шунингдек, *Бошлангич тарбийанинг бузуқлиги, маълумотнинг чеклангани (тўғриси, жуда озлиги) ота-онадан бир ўксўз бўлуб... қолгани; Самаркентни олмоқга қўшун тортгонда йўл ўртасида Нил дарйосими, Жайхунми деган бир дарйога тўғри келар экан* (Жулқунбой) гапларидаги биринчисида қавс ичига олинган, иккинчисида тире билан ажратилган сўзлар ҳам кириш сўзлар ҳисобланади. Буларнинг биринчиси ҳозирги кунда киритмалар, иккинчиси эса ажратилган бўлак ҳисобланади.

Асар охирида кўшма гапларнинг боғланган ва боғловчисиз тури бўйича «уйушган гаплар» сарлавҳаси остида қисқача (ярим бет) маълумот берилади. Масалан, *Ота кўнгли болада, бола кўнгли далада. Мулла билганини ўқур, товук кўрганини чўқур. Ҳаммалари келдилар, бироқ Карим келмади.*

Фитратнинг фикрича, юқоридаги гапларнинг ҳаммаси уюшган гаплар саналади. Уюшган гапларнинг қисмлари вергул билан ажратилиши таъкидланади.

Шундай қилиб, ўзбек тили морфологияси ва синтаксисининг фан сифатида шаклланишида Фитратнинг хизматлари катта. У биринчилардан бўлиб ўзбек тили морфологияси ва синтаксиси ҳақида изчил маълумот берди.

«Сарф» ва «Нахв»да баён қилинган кўпгина масалалар кейинги ўзбек тилшунослари томонидан ривожлантирилди ва уларга аниқликлар киритилди.

ЎЗБЕК ИЛМИЙ ТИЛШУНОСЛИГИНИНГ ШАКЛЛАНИШ ВА РИВОЖЛАНИШ ДАВРИ (40 – 80-йиллар)

20 – 40-ЙИЛЛАРДА ТИЛ ФАЛСАФАСИ

Шўролар даврида барча фанлар марксистик фалсафага таянган ҳолда ривожлана бошлади. Бундай ҳолат тилшуносликда ҳам ҳукм сурди. Ўтган асрнинг 20 – 50-йилларида тилшуносликда марксизм муаммоси бўйича баҳс-мунозаралар кучайди.

Тил фалсафаси борлиқ, жамият, онгга боғлиқ равишда тилнинг ички тузилиши ва моҳиятини ўрганадиган тил назариясининг таркибий қисмидир. Совет тил фалсафаси 50-йилларга қадар иккита ўзаро зид концепция асосида ривожланди. Уларнинг биринчиси Е.Д.Поливанов, иккинчиси эса Н.Я.Марр концепциясидир. Марризмни танқид қилиш билан шуғулланувчи «тил fronti» гуруҳи бу концепция оралиғида турса ҳам, кўпроқ Е.Д.Поливанов қарашларига яқинроқ эди.

Таъкидлаш керакки, ҳар икки концепция асосчилари ҳам чинакам марксизм тарафдори эдилар. Ҳар иккиси марксистик таълимотни тилшуносликка олиб кирмоқчи бўлдилар. Лекин улар марксизмга турли томондан ёндашдилар.

Хусусан, Е.Д.Поливанов марксизмнинг ленинча талқинига асосланган бўлса, Н.Я.Марр марксизм-ленинизмнинг сталинча талқинига асосланди. Шунинг учун ҳам икки йўналиш бир қатор масалалар бўйича бир-бирига зид келарди.

Улар, бизнингча, қуйидагилардан иборат:

1. *Ўтмиш маданиятига, жумладан, лингвистик меросга муносабат масаласи.* Биринчи йўналиш тарафдорлари социалистик маданият олдинги маданият эришган ютуқларга асосланган ҳолда яратилади, ўтмиш маданиятини ўрганмай туриб пролетар маданиятини яратиш бўлмайди, деган ғояга амал қилади. Аввало, тилшунослик объекти бўлган тилнинг ўзида барча моддий ва маънавий бойликлардан кўра кўпроқ анъанавийликни кўрамиз. Чунки ҳар қандай тил қисман ўзгаришлар билан авлоддан-авлодга мерос бўлиб ўтади. Шунингдек, тилшунослик фани бўйича аждодларимиз қолдирган меросга ҳам таянмоғимиз лозимлигини кўрсатади.

Н.Я.Марр эса, аксинча, эски маданиятга қарши кураш ва янги маданият яратиш, маданиятда ворисийликка барҳам бериш ғоясига амал қилди. Бу ғоя эски маданият билан алоқани тамоман узиш ва бошқаларга ўхшамаган бутунлай янги социалистик маданият яратишни олға суради. Шунинг учун Н.Я.Маррнинг «Тил ҳақидаги янги таълимот»и негизида эскини инкор

қилишга асосланган янгини улуғлаш ётади. Бу назария сталинча фалсафадаги базис ва устқурма муносабатига таянади. Унга мувофиқ, базис ўзгариши билан унга боғлиқ бўлган устқурма ҳам ўзгаради. Янги устқурма вужудга келади. Тилни Н.Я.Марр ижтимоий ҳодиса сифатида устқурма таркибига киритади. Унинг таъкидлашича, совет базиси мутлақо янги экан, унинг устқурмаси ҳам тамоман янги бўлиши керак.

Н.Я.Маррнинг маданий меросга бундай муносабати янгиликни ифодаловчи эзилган Шарқ билан эскиликни гавдалантирган эзувчи Ғарб ўртасидаги антогонизмни эътироф этишга асосланади. Лингвистик анъаналардан воз кечиш, Ғарбнинг тилшунослик назариясига буржуа фани сифатида ёт кўз билан қараш каби нигилистик оқим остида Н.Я.Маррнинг «Тил ҳақидаги янги таълимот»и дунёга келди. Бу таълимот ҳақиқий илмий таълимот деб баҳоланди ва у ноилмий таълимот деб билинган эски лингвистик назарияга қарама-қарши қўйилди.

Н.Я.Маррнинг баён қилишича, эски лингвистик таълимотдан ўзининг илмийлиги билан фарқ қиладиган янги лингвистик таълимот тамомила янги илмий тафаккур асосига қурилмоғи лозим. Кимки эски лингвистик таълимот йўлида тарбияланган ва шу руҳда ишлаш бахтсизлигига дучор бўлган бўлса, у янгича фикрлашга ўтиши, қайта тарбияланиши керак бўлади.

Эски лингвистик таълимотни инкор қилиш ҳаракати «янги ижтимоий тафаккур» байроғи остида майдонга келди. «Қанчалик талантли, фидокор ҳиндоврупосунос лингвистлар фаолият кўрсатган бўлишига қарамай, ҳиндоврупосунослик бошдан-оёқ оврупосунос халқининг шарқ халқлари устидан ҳукмронлиги, босқинчилик сиёсати асосига қурилган ва умрини ўтаб бораётган буржуа таълимотидир», – дейди Н.Я.Марр.

«Тил ҳақидаги янги таълимот» тарафдорлари фақат ҳинд-оврупосунос тиллари билан шуғулланувчиларнигина эмас, балки барча эски тилшунослик вакиллари, шунингдек, мазкур таълимотнинг ҳар қандай оппонетларини ҳиндоврупосунослар деб ҳисобладилар. Жумладан, марризм таълимотининг ашаддий танқидчиси бўлган Е.Д.Поливанов асосан шарқ тиллари тадқиқотчиси бўлса ҳам, маррчилар томонидан ҳиндоврупосунос деб баҳоланди.

Шундай қилиб, ҳиндоврупосуносликда эришилган энг янги ютуқлар ҳам марризм тарафдорлари томонидан буржуача фикрлаш маҳсули сифатида қаралди. Структур тилшунослик марризм таълимоти барҳам топгунга қадар ва ундан бир неча йиллар кейин ҳам буржуа фани таълимоти сифатида қоралаб келинди.

2. Марризм ва Е.Д.Поливанов қарашлари ўртасидаги иккинчи фарқ *тилларнинг тараққиёти ва унинг истиқболи масаласига ёндашувдадир.*

Н.Я.Марр марксизмга кириб келгунга қадар ҳам келажакда ягона бутун дунё тили мавжуд бўлиши ғоясини олға сурганди. Марксистик таълимотга кириб келиши билан марксизмдаги бутун дунёда коммунистик жамият қуриш ғояси унинг бутун дунё тили ҳақидаги ғоясини яна ҳам кучайтирди.

Тилнинг келиб чиқиши ва тараққиётини Н.Я.Марр «кўпдан озга»

тамоийида кўрди. Унга мувофиқ, дастлаб тиллар кўп ва ғоят ранг-баранг бўлган. Тиллар даврлар ўтиши билан бирлашиб, йириклашиб борган. Улар молюска уруғларисимон майда тиллардан қатор типологик трансформациялар орқали юқорига, яъни бутун дунё тилига бирлашишга интиларди. Демак, тиллар тараққиёти шундай экан, келажакда бутун дунё халқлари учун ягона тил ва бутун дунё тили майдонга келади. Марксизмнинг асоси бўлган жаҳонда коммунизмнинг тантанаси ғояси бундай қараш учун назарий асос бўлди.

Шунинг учун тилларнинг тараққиёти кенг асос қисми қуйида, уч қисми тепада бўлган пирамида шаклида кўрсатилди. Кейинчалик дунёда барча тиллар бирлашиб, ягона дунё тили майдонга келиши И.В.Сталин томонидан ҳам олға сурилди,

Е.Д.Поливанов эса марризмнинг бундай қарашини ёқламади. Ҳаёт ҳам Н.Я.Марр ва И.В.Сталиннинг келажакда ягона дунё тилининг пайдо бўлиши ҳақидаги қарашлари фолбинлик эканини тасдиқлади. Шунга қарамай, шўролар даврида юритилган ана шундай тилларнинг бирлашуви ҳақидаги давлат сиёсати рус тилидан бошқа тилларнинг амал қилиш доирасини чеклаб қўйди.

3. Марризм ва Е.Д.Поливанов қарашлари ўртасидаги учинчи фарк тилнинг ва *тилларнинг келиб чиқиши масаласига муносабатдадир.*

Н.Я.Марр тилнинг келиб чиқиш масаласига жуда катта эътибор берди. Унинг фикрича, тилнинг келиб чиқишига қизиқмай туриб ҳеч қандай лингвистиканинг бўлиши мумкин эмас. Ҳар қандай лингвистик таълимот тилнинг келиб чиқиши ҳақида муайян концепцияни олға суриши керак. Шундагина у ёки бу тилларни чуқур ўрганиш самарали бўлади. Шунинг учун ҳам у ўзининг тилларнинг келиб чиқишига ёфас тиллар асос деб фарз қилинган ёфас назариясини ва тўрт элементини (сал, бер, йон, рош) олға сурди.

Е.Д.Поливанов маррчилар билан баҳслашаркан, конкрет лингвистик материалларга эга бўлмай, аниқ фактларга асосланмай туриб тилларнинг келиб чиқиши ҳақида фикр юритиш ғайриилмийдир, дейди.

Марризмнинг тилларнинг келиб чиқиши ва стадиал тараққиёти, барча тиллар негизида тўрт элемент ётганлиги ҳақидаги қарашлари 50-йилларда тилшунослиқда марксизм масалалари бўйича олиб борилган баҳсларда қораланди ва қуруқ фолбинлик сифатида баҳоланди. Маррчилар томонидан буржуа фани сифатида қораланган фактлар асосида тилларнинг тарихий тараққиётини кўрсатиш билан шуғулланувчи ҳиндоврупошунослиқ марризмдан фойдалироқ экани баён қилинди.

4. Марризм ва Е.Д.Поливанов қарашлари ўртасидаги яна бир зиддият *лингвистик белгининг шартлилиги ёки мотивлангани масаласидадир.*

Е.Д.Поливанов лингвистик белги билан у орқали ифодаланган денотат (нарс) ўртасида табиий боғланиш, мотивланиш йўқ, балки уларнинг ўртасидаги муносабат шартлидир деб қарайди ва бу билан В.Гумбольдт, Ф. де Соссюр сингари олимларнинг қарашларини давом эттиради.

Н.Я.Марр эса лингвистик белги билан у орқали ифодаланган денотат (нарса) ўртасида боғлиқлик, мотивация бор деган ғояни олға суради. Бу ғоя антик даврдан буён айрим олимлар томонидан баён қилинган бўлса-да, лекин конкрет тил материаллари асосида кенг тасдиқланмаган, фақат жузъий тил фактларигина унга мос келарди.

Н.Я.Марр лексемалардаги семантик тараққиёт қонунларига эътиборни кучайтириш, шу орқали улардаги мотивацияни аниқлашга эътиборни тортиш лозимлигини кўрсатди. Ана шу асосда лексемаларнинг денотатив мотивланишига асосланган семантик тараққиёт қонунлари йиғиндиси ҳисобланувчи нутқ полеонтологияси йўналиши майдонга келди ва унинг асосида тўрт элементнинг таҳлили ётди. Тилларнинг бутун лексикаси негизида ётган бу тўрт элемент шу тилларнинг келиб чиқишига асос бўлган Ўрта ер денгизи бўйидаги энг қадимги уруғ номлари билан мотивлангани таъкидланди.

Маррчиларнинг Е.Д.Поливанов устидан ғалаба қозониши, Е.Д.Поливановнинг буржуазия тарғиботчиси сифатида бадарға қилиниши ва марризмга асосланган тилшуносликнинг кенг томир отиши ҳамда ягона совет тилшунослиги сифатида эътироф этилиши эндигина камол топиб келаётган ўзбек тилшуносларини ҳам ўзига маҳлиё этди. Натижада ёш тадқиқотчилар А.Ғуломов ва Ф.Абдуллаевнинг илк илмий асарлари, табиийки, марризм ғоялари билан суғорилди. Бу ҳолат, айниқса, лексик бирликларда мотивацияни излашда, *от-ит*, *ака-ука* жуфтликларидан биринчи сўзнинг катталиги ва иккинчисининг кичиклиги уларнинг товуш тузилишида каттаси учун кенг унли «о», «а», кичиги учун тор унли «и», «у» қўлланилишига сабаб бўлган, деб тушунтиришда кузатилали. *От*нинг *ит*дан транспорт ва овдаги функционал ўхшашлиги асосида келиб чиққани ва унда Н.Я.Марр ижод этган «функционал семантика қонунининг кучи бор»лиги таъкидланади. Шунингдек, А.Ғуломов Н.Я.Маррнинг инсоннинг энг қадимти ягона қуроли қўли эди, шунга кўра, бир қанча феъллар дунёнинг кўпгина тилларида «қўл»дан келиб чиқади деган фикри асосида *қил* феълининг *қўлдан* келиб чиққанини баён қилади.

Фаттоҳ Абдуллаев эса «бир қатор ўзбек олимлари Н.Я.Марр асос солган янги тилшунослик фанининг ютуқларига суяниб ўзбек совет тил билимини ривожлантиришда ўз ҳиссаларини қўшаётган»лигидан фахрланади.

Лекин улар 50-йилларда бўлиб ўтган тилшунослик бўйича баҳслардан ўзларига тегишли хулоса чиқарадилар ва марризм таъсиридан тамомила қутуладилар.

ГРАФИКА ВА ИМЛО МАСАЛАЛАРИ

XX аср бошларида жаҳидчилик ҳаракатининг кучайиши, таълим-тарбиянинг тезкор ва таъсирчан усулларига қизиқишнинг ортиши халқимиз ўртасида минг йиллардан буён қўлланилиб келаётган, лекин таълим тизимида тез савод чиқаришга монелик қилган араб графикаси асосидаги

ёзувни ўзбек тили фонетик тизимига мослаштириш, сўзларни қандай қилиб тўғри ва бир хил ёзишга эришиш масалаларини ҳал қилишни кўндаланг кўйди.

Даврнинг илғор зиёлилари халқнинг саводлилик даражасини ошириш учун, энг аввало, ёзув масаласини ҳал этиш лозимлигини англаб етдилар. Шунинг учун ҳам 20-йиллардан бошлаб алифбо ва имло масаласини ҳал этиш умуммиллат манфаатига айланди. 1920 йил 13 декабрда Тошкент шаҳридаги «Бехбудий» клубида тил-имло масаласига бағишланган курултойни ўтказишга тайёргарлик бўйича йиғилиш бўлиб ўтди. Йиғилишга Ашурали Зоҳирий раислик, Вадуд Маҳмуд эса котиблик қилди.

Йиғилиш тил-имло масаласига бағишланган биринчи ўлка зиёлиларининг курултойини 1921 йил 1 январда чақиритишга қарор қилди. Кун тартибига асосий масала сифатида ҳарф ва имло, шунингдек, сарф ва наҳв масалалари киритилди.

Ҳарф ва имло масалалари юзасидан маърузачилар сифатида Фитрат, Ашурали Зоҳирий, Ботулар белгиланди.

Сарф ва наҳв масаласи бўйича Саидали ва Фитрат маъруза қиладиган бўлди. 1921 йил 1 январь куни соат 5 да эски шаҳар ижроқўми биносида тил ва имло масаласига бағишланган биринчи курултойнинг биринчи йиғилиши ўз фаолиятини бошлади. Йиғилишда тил-имлога бағишланган анжуманнинг ташкилий томонлари муҳокама қилинди. 2 январь куни соат 11 да «Бехбудий» клубида 2-йиғилиш бошланди. Бу йиғилишда сўзга чиққанлар ўлканинг турли жойларида таълимнинг аҳволи, она тилининг ўқитилиши, савод чиқариш муаммолари бўйича баҳс юритдилар.

3 январь куни бўлиб ўтган 3-йиғилишда Фитрат алифбо ва имло масаласида маъруза қилди. У ўз маърузасида мактаб-маориф ишини самарали йўлга қўйиш учун, энг аввало, алифбо ва имло масаласини ҳал этиш лозимлигини таъкидлади. Шу кунга қадар фойдаланиб келинаётган араб алифбоси асосидаги ёзувда бир қатор қийинчиликлар мавжуд эканини баён қилди. Араб ёзувида унлиларнинг алоҳида ҳарфлар билан ифодаланмаслиги, ост-уст белгилар асосида унлиларнинг ифодаланиши, кўпинча эса бу белгиларнинг ҳам қўйилмаслиги бир сўзнинг турлича ўқилишига имконият яратарди. Фитрат «жим», «мим» ва «айн» ҳарфларини бир-бирига қўшиш билан ва турли хил ост-уст белгилар ёрдамида бир сўзни 39 хил ўқиш мумкин эканини айтади. Дунёдаги ёзувга эга барча халқлар ёзув орқали маълум ахборотга эга бўлишлари, араб ёзувидаи фойдаланган бизнинг халқимиз эса агар олдин маънони билмаса, сўзни тўғри ўқий олмаслигини кўрсатади.

Шунингдек, имло қоидаларининг йўқлиги бир сўзни эшитилишига қараб турлича ёзишга олиб келди. Буларнинг ҳаммаси савод чиқаришни жадаллаштиришга тўсқинлик қиларди. Фитрат таъбири билан айтганда, овруполиклар бир ярим ойда бутун синф болаларининг тўла саводларини чиқарсалар, бизда ярим йилда ҳам бир синф боласининг ярми савод чиқара олмас эди. Ана шу омиллар имло масаласини ҳал қилиш заруратини

туғдираётганини баён қилди.

Фитрат раҳбарлигидаги янги имлочилар мавжуд араб алифбосини сақлаб қолган ҳолда алифбодаги ҳарфлардан фойдаланиб олти унли учун алоҳида ҳарфлар қабул қилиш; араб ҳарфларининг сўз боши, ўртаси, охиридаги кўринишларидан фақат биттасини – сўз боши шаклини сақлаб қолиш, фақат араб тилигагина хос ундош товушларни ифодаловчи ҳарфларни чиқариб ташлаш; араб сўзларини ҳам ўзбекчалаштириб талаффуз қилиш, соф ўзбек тилидаги 23 та ундош товуш учун 23 та ҳарф қабул қилишни тавсия этди.

Ашурали Зоҳирий Фитратнинг алифбони ислоҳ қилиш ҳақидаги фикрини, асосан, маъқуллаган ҳолда, ажнабий сўзларни ўзбекчалаштиришга қарши чиқди. Уларни араб-форс тилларида қандай ёзилиб келинган бўлса, шундайлигича қабул қилишни тавсия этди. Бу билан татар, уйғур сингари бошқа туркий тиллар билан умумийликни сақлаб қолиш, ўзбек муаллими у ерларда ҳам болаларни имлога ўқита олиш имкониятини сақлаб қолиши мумкинлигини баён қилди.

Шунингдек, у унлилар учун Фитрат таклиф қилган олти ҳарф эмас, балки беш ҳарфни қабул қилиш, «э» билан «и» учун алоҳида-алоҳида ҳарф олиш зарурати йўқлиги, сўз маъносига қараб уларни фарқлаш мумкинлигини билдирди.

Ундошлар масаласида Салоҳиддин Мажидий ўз фикрини баён қилиб, «ф» товушини ифодаловчи «ف» ҳарфини ҳам қўшиб жами 24 ундошни билдирувчи ҳарфларни қабул қилишни тавсия этди. Боту эса Фитрат тавсия этган 23 та ҳарф ичида «э» ҳарфига катта зарурат йўқлиги, шунинг учун 23 та ундош ҳарф кифоя қилади деган фикрни баён қилди.

Шу йиғилишда Боту қўшимча маърузачи сифатида сўзга чиқиб, лотин графикаси асосидаги ўзбек ёзувига ўтиш ғоясини, унинг афзалликларини баён қилди.

Мажлис кўпчилик овоз билан Фифат тавсияларини қабул қилди. Яъни арабча ва форсча ўзлашма сўзларни ўзбекчалаштириб ёзиш; олти унли ва йигирма учта ундош учун ҳарфлар белгилаш; араб ҳарфларининг фақат бир шаклидан – сўз боши шаклидан фойдаланиш. Имло ҳақидаги бу қарор ўзбек тилшунослиги тарихида катта воқеа бўлди. Ҳарфларнинг сони кескин қисқарди. Унлилар ёзувда аниқ ифодасини топадиган бўлди. Бу эса савод чиқариш жараёнини тезлаштиришга пухта замин яратди.

Шунга қарамай, кўп ҳарфлар шаклларининг бир-бирига ўхшашлиги, уларнинг фақат ост ва устга қўйилган нуқталар билангина фарқланиши, нуқтанинг қўйилмай ёки нуқтага ўхшаш доғ тушиб қолиши ёзувни тўғри ва тез қабул қилишга қийинчилик туғдиради. Шунинг учун ҳам араб ёзуви асосидаги ўзбек ёзувидан лотин графикаси асосидаги ўзбек ёзувига ўтиш ҳаракати бошланди.

Натижада 1929 йили Самарқандда бўлиб ўтган тил-имло конференциясида ислоҳ қилинган араб ёзувидан лотин графикаси асосидаги янги ўзбек алифбосига ўтиш ҳақида қарор қабул қилинди. Лекин бу

анжуманда ўзбек адабий тилига сингармонизмли қишлоқ шевалари асос бўлмоғи лозим деган хулосага келинди ва 9 талик унлилар тизими ўзбек адабий тилига қабул қилинди. «Сингармонизм ўзбек тилининг кўрғони» деб баҳоланди. Бу эса имлода бир қанча қийинчиликларни келтириб чиқарди. Имло билан талаффуз ўртасида катта тафовут вужудга келди. 1934 йили имлога киритилган ислоҳ ҳам муаммони ҳал этолмади.

Имлодаги ана шу ноқисликларни илмий асосда бартараф қилиш ўрнига, ана шу камчиликлар рўқач қилиниб лотин ёзувидан рус графикасига ўтиш тарғиб қилина бошланди. Натижада 1940 йил 8 майда ўзбек ёзуви лотин алфавитидан рус графикасига асосланган янги ўзбек алифбосига кўчирилди. 1940 йил 10 июлда рус графикасига мос равишда қайта ишланган орфографик қоидалар тасдиқланди.

Аммо ўзбек адабий тили, унга асос бўлган ўзбек шаҳар шевалари ҳали чуқур ўрганилмагани туфайли айрим ҳарфлар имлосида, аффикслар ва сўзлар орфографиясида, бош ва кичик ҳарфлар имлосида қатор камчиликлар мавжуд эди. Ана шу камчиликларни бартараф этиш мақсадида 1947 йили ЎзФА Тил ва адабиёт институти ҳузурида махсус орфография комиссияси тузилди.

Имло қоидалари 1952 йил май ойидан 1953 йил ноябрь ойига қадар ҳайъат томонидан тўрт марта қайта ишланди, ниҳоят, 1955 йил рисола ҳолида нашр этилди. Узоқ давом этган муҳокамадан сўнг 1956 йил 4 апрелда «Ўзбек орфографиясининг асосий қоидалари» тасдиқланди.

Мустақиллик кўлга киритилиши билан жаҳон ҳамжамиятига эркин кириб бориш, дунёдаги барча мамлакатлар билан коммуникация жараёнини кучайтириш мақсадида рус графикаси асосидаги ёзувдан лотин алифбоси асосидаги янги ўзбек алифбосига ўтишга қарор қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 24 августдаги 339-сонли қарори билан «Ўзбек тилининг асосий имло қоидалари» тасдиқланди.

ФОНЕТИКА ВА ФОНОЛОГИЯ

Ўзбек тили фонетикаси амалий эҳтиёжларни қондириш, ўзбек тилининг товуш тизимида мос ҳарфларни белгилаш заруратидан келиб чиққан ҳолда шаклланди ва ривожланди.

Туркий тиллар товуш тизимининг бошқа тиллардан, хусусан, араб тилидан фарқ қилиши Маҳмуд Кошғарий, Алишер Навоий томонидан баён қилинганди. Алишер Навоий турк (ўзбек) тилининг ўзига хос унлилар тизими ҳақида ҳам фикр юритганди. Лекин тилшуносликнинг алоҳида бўлими сифатидаги фонетиканинг шаклланиши XX аср бошларига тўғри келади.

Хусусан, 1922 йили бўлиб ўтган тил-имло қурултойидаги Фитратнинг маърузасида ўзбек тилининг ўзига хос олти унлилар ва 23 та ундошлар тизими мавжудлигини, ёзувдаги ҳарфлар ҳам худди шу фонемаларни ифодаладиган бўлмоғи лозимлигини баён қилди.

Шунингдек, Е.Д.Поливанов ҳам «Маориф ва ўқитувчи» («Наука и просвещение») журналининг 1922 йил 1-сонида эълон қилинган «Тошкент диалекти товуш таркиби» («Звуковой состав Ташкентского диалекта») мақоласида Тошкент диалектида олти унли ва йигирма иккита ундош фонема мавжудлигини баён қилади. Қадимги турк ва эски ўзбек тилида қатор белгиси асосида зидланган у-ў, о-о̇ унлиларининг кейинчалик бир қатор шахар шеваларида зидланиш белгисининг йўқотгани, бу эса сингармонизмнинг йўқолишига олиб келганини таъкидлайди. Е.Д.Поливанов бундай жараённи ўзбек тилининг ўз ички тараққиёти натижаси эмас, балки ташқи омил – эрон тиллари таъсири натижаси деб тушунади. Шу муаллиф «Ўзбек тили ва ўзбек диалектологияси» асарида ҳозирги ўзбек тилида туркий тилларнинг 9 талик, 12 талик унлилар тизимидан, шунингдек, 9 талик эски ўзбек тили унлилар тизимидан қандай қилиб олтиталик унлилар тизими пайдо бўлганини конвергенция ва дивергенция ҳодисалари асосида илмий жиҳатдан асослаб берди. Тошкент диалектидан бошқа барча ўзбек шеваларида 8-9 талик унлилар тизими амал қилиб келаётгани, бу эса сингармонизм қонуниятининг палатал гармонияси таъсири экани, 6 талик унлилар тизими эса ана шу сингармонизм қонуниятидан халос бўлишнинг натижаси эканини баён қилди.

40-йиллар охиридан бошлаб ҳозирги ўзбек адабий тилининг изчил курсини яратишга ҳаракат бошланди. Муаллифлар гуруҳи белгиланиб, тадқиқот натижалари алоҳида-алоҳида рисоалар сифатида эълон қилина бошланди. Унда ўзбек тилшунослик тарихида илк марта ўзбек тили фонетикаси ўзбек тилшунослигининг таркибий бир қисми сифатида изчил баён қилинди.

1947 йили А.Ғ.Ғуломовнинг «Ўзбек тилида урғу» рисоласининг нашр этилиши билан ўзбек тили устегмент бирликларининг ўрганилиш тарихи бошланди. Унда урғунинг сўз ва мантиқ урғуларига бўлиниши, сўз урғусининг ўзбек тилидаги вазифалари (кульминатив, делимитатив ва делитатив) батафсил изоҳлаб берилди. Бу берилган изоҳлар А.Ғ.Ғуломнинг ўта кузатувчанлик қобилияти билан жаҳон илмий меросидан чуқур баҳраманд бўлган улкан илмий салоҳиятнинг уйғунлашуви натижаси эди. Шунинг учун ҳам эшитиш усули билан хулоса чиқарганига қарамай, кўп бўғинли сўзларда урғунинг даражаланиши, урғусиз бўғинда унлиларнинг редукцияланиши, урғу олмайдиган қўшимчалар ва уларнинг сабаблари юзасидан баён қилинган фикрларини кейинчалик экспериментал фонетика берган материаллар тўла тасдиқлади. Шунингдек, сегмент фонетиканинг марказий тушунчаси бўлган товушнинг икки турини – номловчи унли ва ундош товушлар атамаларини олиб кирди.

1953 йили В.Решетов ва Ш.Шоабдурахмоновнинг «Фонетика. Ўзбек тили фонетикасига доир баъзи масалалар» рисоласи босилди. Ўзбек тилшунослигида **фонема** атамаси илмий истифодага олиб кирилди ва унинг моҳияти тушунтирилди. Унли фонемаларнинг учта дифференциал белгиси: а) тилнинг горизантал ҳаракати; б) тилнинг вертикал ҳаракати; в) лабнинг

иштироки мавжуд экани баён қилинди ва мавжуд олтита унли фонема ўша белгиларнинг мажмуаси сифатида изоҳланди.

Ундош фонемалар ҳам учта белги асосида: а) пайдо бўлиш ўрни; б) пайдо бўлиш усули; в) товуш пайчаларининг иштироки белгилари асосида тавсифланди.

Бу қисм ўзбек тилининг фонетикаси ҳақида мухтасар маълумот берувчи илк асар сифатида аҳамиятга моликдир.

Шунингдек, А.Ғ.Ғуломовнинг «Ўзбек тилида тарихий сўз ясалиши. От» (М., 1955) номли докторлик диссертациясида ҳам морфемалар оралиғида рўй берадиган турли фонетик ўзгаришлар ҳақида сўз ясалишига боғлиқ равишда маълумот берилади.

Лекин ҳали ўзбек тили фонетикасини чуқур ўрганишга бағишланган монграфик тадқиқотлар йўқ эди. Ниҳоят, 1959 йили В.В.Решетовнинг «Ўзбек тили. 1-қисм. Кириш. Фонетика» асари майдонга келди.

Бу китоб ўзбек адабий тили ва халқ шевалари фонологик тизимини ҳамда унинг нутқий жараёнда турлича вариантлар орқали намоён бўлишини тадқиқ этган монументал асардир. Унда маълум бир тил (ёки тилларнинг) фонетик тизимини қайси нуқтаи назардан ўрганишга кўра фонетиканинг турлари, нутқнинг фонетик бўлиниши, товушнинг акустик хоссаси ва физиологик белгиси, нутқ аппарати, товуш ва фонема ўртасидаги муносабат ҳақида батафсил маълумот берилади.

Товуш ва фонеманинг умумийлик-алоҳидалик, моҳият-ходиса диалектикасининг фонетик сатҳдаги тазоҳири сифатида ўзаро зидланиши ва улар ўртасидаги муносабатнинг изчил ўрганилиши ўзбек тилшунослиги тарихида янги саҳифа очди. Системавий-структур тилшуносликнинг куртак ёзишига замин ҳозирлади.

Асарда ўзбек адабий тилида олтиталик унли фонемалар тизимининг эски тўққизталиқ унлилар тизимидан қандай келиб чиққанини конвергенция ва дивергенция ҳодисалари асосида изоҳлаб берди. Лекин ўзбек тилида кенг, лаблашган унли фонеманинг келиб чиқишини Е.Д.Поливанов кўрсатганидек фақат эрон тиллари таъсири асосида деб билмади. В.В.Решетовнинг катта ютуғи шунда бўлдики, ўзбек тилида «о»лашиш жараёнини уч гуруҳга бўлди: 1) Самарқанд – Бухоро диалектларида «о»лашиш; 2) Тошкент диалектидаги «о»лашиш; 3) Фарғона шаҳар шеваларидаги «о»лашиш.

Самарқанд – Бухоро диалектларидаги «о»лашиш қолган икки турдан тамоман бошқача эканини, уларда, дарҳақиқат, «о»лашиш жараёнида эрон тилларининг таъсири мавжуд эканини, кейинги икки турдаги «о»лашиш эски ўзбек тилининг ўз ички имконияти натижасида майдонга келганини баён қилди.

Муаллиф ўзбек тилшунослигида илк бор сўзнинг фонетик тузилиши, сўзнинг морфологик ва фонетик бўлиниши ўртасидаги муносабат, оғзаки нутқда турли фонетик ҳодисаларнинг (аккомодация, ассимиляция, диссимиляция, метатеза, редукция, спирантизация, товушларнинг тушиши ва ортиши, sandhi ҳолатдаги унли ва ундош товушларнинг тушиши ва ортиши)

рўй бериши бўйича атрофлича фикр юритди.

А.М.Шчербак томонидан нашр этилган «Туркий тилларнинг қиёсий фонетикаси» (Л., 1970) китобида туркий тиллар фонологик тизими фонологик оппозициялар асосида ўрганилди. Ўзбек тилининг фонологик оппозициялари ҳақида ҳам маълумот берилди. Бу билан ўзбек тили фонологиясининг шаклланиши учун замин яратди.

1974 йили А.А.Абдуазизов томонидан инглиз ва ўзбек тиллари материаллари асосида «Фонологик системалар типологияси» мавзuidaги докторлик диссертациясининг дунёга келиши ўзбек тили фонологиясининг шаклланиши ва ривожини учун катта аҳамиятга эга бўлди.

Ўзбек тилшунослигида фонологик оппозициялар ҳақида илк маълумот берилди ва ўзбек тили фонемаларининг оппозициялари атрофлича ўрганилди. Диссертация материаллари бу муаллифнинг Н.А.Баскаков, А.Содиқов билан ҳамкорликда ёзган «Умумий тилшунослик» китобига киритилди.

1980 йили А.Нурмоновнинг «Ўзбек тили фонологияси ва морфонологияси» ҳамда 1984 йили А.А.Абдуазизовнинг худди шу номда «Ўқитувчи» нашриётида чоп этилган асарларининг майдонга келиши ўзбек тили фонологияси ва морфонологиясининг таълим жараёнига татбиқ этилишида катта воқеа бўлди. Мазкур асарларда ўзбек тилшунослиги тарихида илк бор морфонология мақоми белгиланди ва уни ўрганиш объекти аниқланди. Бундан ташқари, муаллифлар жамоаси томонидан ёзилган «Туркий тиллар қиёсий грамматикаси. Фонетика» китобида ўзбек тили фонетикаси бўйича қимматли материаллар берилди.

Проф. М.Миртожиев томонидан ёзилган «Ҳозирги ўзбек адабий тили. Фонетика» (Тошкент, 1999) китобида шу кунгача нутқ аппарати ҳақидаги мавжуд бўлган тушунчаларга бир қатор ойдинликлар киритилди.

Шундай қилиб, ҳозирги кунда ўзбек тилшунослигида фонетик сатҳни икки асосда ўрганиш анъанага айланди; 1) тавсифий асосда – фонетика; 2) системавий асосда – фонология. Ҳар икки жиҳат бир-биридан озикланиб, тобора ривожланиб бормоқда.

60 – 70-йиллардан бошлаб ўзбек тили фонетикасини экспериментал асбоблар ёрдамида ўрганиш бошланди. Натижада ўзбек тилининг экспериментал фонетикаси шаклланди. Ўзбек тили экспериментал фонетикасининг шаклланишида А.Маҳмудов, С.Отамирзаеванинг хизматларини алоҳида таъкидлаш лозим. А.Маҳмудов ўзбек тилида урғу, унлилар, сонантларни, ундошлар, нутқ интонациясини; С.Отамирзаева эса Наманган шеvasи фонетикасини, ўзбек тили унлиларини физик асбоблар ёрдамида тадқиқ этди.

Натижада ўзбек тилининг экспериментал фонетикаси вужудга келди ва эшитиш йўли билан чиқарилган фонетик хулосаларга аниқликлар киритилди.

ЎЗБЕК ТИЛИ МОРФЕМИКАСИНING ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ

Ўзбек илмий тилшунослиги шакллангандан буён сўз таркиби масаласига алоҳида аҳамият бериб келинади. Сўз таркиби унга боғлиқ атамалар тизимининг шаклланишида проф. А.Ғуломовнинг хизматлари катта бўлди.

Бу муаммо аслида сўз ясалиши билан узвий боғлиқ равишда кўтарилди. Сўз ясалиш жараёнида маълум ясовчи воситаларнинг (аниқроғи, кўшимчаларнинг) муайян асосга кўшилуви ва бу қисмларнинг ўзаро муносабатини ўрганиш жараёнида сўзни маъноли қисмларга ажратишга тўғри келди. Шунингдек, сўзнинг морфологик таркибини белгилашда ҳам унинг энг кичик маъноли қисмларини ажратишга эҳтиёж туғилди.

Шундай қилиб, сўз ясалиши ва сўзнинг морфологик таркибини ўрганиш билан узвий боғлиқ равишда морфемика масалалари ҳам ўрганила бошланди.

Энг аввало, сўзнинг энг кичик маъноли қисми тушунчаси пайдо бўлди ва ана шу лингвистик тушунчани махсус атама билан аташ эҳтиёжи туғилди. Натижада проф. А.Ғуломов ўзбек тилшунослиги тарихида илк бор Бодуэн де Куртенэ томонидан энг кичик маъноли бирликни ифодалаш учун қўлланган **морфема** атамасини олиб кирди.

Тилшунослик фан сифатида шаклланган даврдан тортиб то системавий-структур тилшунослик пайдо бўлгунга қадар, яъни антик даврдан ХХ асрнинг биринчи чорагигача бўлган даврда асосий тил бирлиги сифатида сўзни эътироф этиш, қолган барча бирликларни сўз асосида изоҳлаш анъанага айланганди. Хусусан, сўздан кичик бирликлар сўзнинг сегмент бирликлари сифатида, сўздан катта бирликлар эса сўзларнинг кўшилишидан ҳосил бўлган бирликлар сифатида изоҳланарди. Демак, тилнинг барча бирликлари сўз асосида айланар ва ана шундан келтириб чиқариларди. Бу концепция табиатшуносликда барча планеталарнинг нима асосида интилишига кўра геоцентрик (барча планеталарнинг ер атрофида айланиши) ва гелиоцентрик (барча планеталарнинг ҳаракат марказида қуёш туриши) назарияларнинг вужудга келгани каби, барча тил бирликларининг асосида сўз туради деган қараш асосида глоссоцентрик (лотинча глоссо – сўз) ёки вербоцентрик (лотинча *verba* – феъл ёки сўз) назария деб юритилади. И.А.Бодуэн де Куртенэ ҳам морфема атамасини тилшуносликка олиб қираркан, уни глоссоцентризм нуқтаи назаридан изоҳлади.

Унинг таъкидлашича, морфема сўзнинг мустақил психик ҳаётга эга бўлган ва шу нуқтаи назардан яна бўлинмайдиган қисми. Кўринадики, бу ўринда морфема мустақил тил бирлигимас, балки сўзнинг таркибий қисми, унинг таркибидаги энг кичик ва бошқа майда маъноли бирликларга бўлинмайдиган қисм сифатида таърифланади.

Морфема сўзнинг таркибий қисми сифатида қаралгани учун ҳам у сўздан келтириб чиқарилди ва сўз таянч нуқта қилиб олинди. Сўзнинг шакллари ҳақидаги таълимот морфология бўлгани учун морфема ҳақидаги фикрлар ҳам ўз-ўзидан морфология таркибида баён қилинди.

Ўзбек тилшунослигида ҳам морфема ҳақидаги қарашлар ана шу назария таъсирида дунёга келди. Шунинг учун устоз А.Ғуломов ҳам морфемани

сўзнинг энг кичик маъноли қисми сифатида изоҳлади. Сўзнинг таркибий қисмлари ва сўз ясалиши ҳақида гап кетганда морфема ҳақида фикр юритди.

Шундай қилиб, ўзбек тилшунослиги тарихида морфема тушунчасининг ва бу тушунчани ифодаловчи атаманинг кириб келиши катта аҳамиятга эга бўлди.

Шуни таъкидлаш керакки, проф. А.Ғуломов даврининг зукко тилшуноси сифатида тил сатҳидаги умумий, ижтимоий-руҳий морфема билан унинг нутқий жараёнда хилма-хил кўринишларда вокеланган морфлар (алломорфлар)ни бир-биридан фарқлади.

Хусусан, «Ўзбек тили грамматикаси»нинг I жилдига ёзган «Кириш» қисмида у қуйидагиларни баён қилади: «...Морфемалар турли кўринишларга ҳам эга бўлади. Масалан, *ишла* сўзидаги -ла элементи *ҳайда* сўзида -да морфемасида келган (лекин *ҳай-ҳайла* феълида яна -ла тусида қўлланган), ҳозир ажралмайдиган *унда* сўзида ҳам аслида шу -да аффикси бор (ун-овоз). Бу -ла ва -да кўринишлари умумий тарзда **морфема** дейилади. Бунинг ҳар бир кўриниши эса **морф** саналади. Демак, морфема морфларнинг йиғиндисидир».

Шунингдек, А.Ғуломов морфемаларни ўрганувчи тилшуносликнинг алоҳида бўлими ажралиб чиқаётганини ҳам ҳис этди. Бу ҳақда у қуйидагиларни ёзади: «Ўзак ва аффиксларнинг анализи морфологияда ҳам, сўз ясалишида ҳам учрайди, лекин бу икки соҳанинг анализи – ҳодисага қандай нуқтаи назардан ёндашиши ҳар хил, шундай бўлса ҳам, барибир ҳар икки соҳа учун умумий бўлган ҳодисалар ҳам бор. Шунга кўра, кейинги вақтларда уларни ёритишнинг янги схемалари пайдо бўлди: дастлаб морфемаларнинг ҳар икки соҳага алоқадор бўлган томонлари айрим берилади, бу айрим қисм морфемика деб аталади, кейин сўз ясалиши, ундан кейин морфология баён қилинади. Бу янги тартиб илмий жиҳатдан пухта асосланган бўлиб, практик томондан ҳам афзалликларга эга».

Шу билан биргаликда, у сўзнинг ясалиш тузилиши билан морфемик тузилишини бир-биридан фарқлади. Муаллифнинг таъкидлашича, сўзнинг морфематик таҳлилида унинг морфемалари аниқланса (*ўқи-тув-чи-лик*), сўз ясаш таҳлилида сўз ясалма сифатида доимо икки қисмга – *ясовчи ўзак* ёки *ясовчи негиз*, *ясовчи аффиксга* ажралади. Олимнинг сўзнинг ясалиш ва морфемик таркиби, морфема турлари ҳақидаги фикрлари «Ўзбек тили морфем луғати» (Тошкент, 1977)нинг кириш қисмида янада изчилроқ ўз ифодасини топди.

Кўринадикки, у морфемага анъанавий ёндашувдан бошқачароқ ёндаша бошлади. Бу билан системавий-структур тилшуносликнинг морфема ва уни ўрганувчи тилшуносликнинг алоҳида бўлими морфемика мавжудлиги ҳақидаги қарашларига яқинлашди. Унинг катта ютуғи шундаки, морфемани морфлар йиғиндиси ҳамда умумлашма эканини эътироф этди. Бу билан морфеманинг тил тизимида алоҳида бирлик эканини тасдиқлади.

XX асрнинг 20-йилларида агглютинатив хусусиятга эга бўлган Америка ҳиндуларининг тилини ўрганган дескриптив тилшунослик вакиллари

томонидан глоссоцентрик назарияга қарама-қарши равишда морфоцентрик назария олға сурилди. Бу қарашга мувофиқ, тил тизимидаги марказий, энг кичик маъноли бирлик морфема ҳисобланади. Қолган барча бирликлар морфема асосида изоҳланади. Морфема маъносини фарқлаш учун хизмат қиладиган ва бошқа майда бўлақларга бўлинмайдиган энг кичик тил бирлиги фонема саналади. Морфема билан морфеманинг қўшилувидан ҳосил бўлган бирликлар конструкция ҳисобланади.

Шундай қилиб, дескриптив тилшуносликда тил бирликлари сифатида **фонема, морфема, конструкция** ажратилди.

Тилнинг ифода ва маъно тузилишлари мавжудлигини таъкидлаганлари ҳолда, дескриптивчилар ифода тузилишининг иккита бирлиги ҳақида: фонема ва морфема ҳақида баҳс юритадилар. Фонема тил ифода тизимининг энг кичик бирлиги сифатида изоҳланади ва маъно фарқлаш учун хизмат қилиши таъкидланади.

Ифода тизимининг иккинчи асосий бирлиги сифатида морфема қаралади ва у тилнинг мазмун тизими билан боғланган ифода тизими бирлиги деб изоҳланади. Энг содда сўзлар бир морфемадан иборатлиги, бошқа сўзлар эса икки ва ундан ортиқ морфемалар қўшилувидан ташкил топиши ҳақида фикр юритилади.

Ифода тизими шу икки асосий бирликнинг ўринлашиш моделлари йиғиндисидан иборат дейилади. Ўз навбатида, морфология ўзаро зич боғланган морфемаларни тавсифлашдан иборатлиги баён қилинади. Морфемаларнинг ўзаро муносабатидан конструкциялар вужудга келади.

Дескриптив лингвистикада тид тизимига сатҳли ёндашувнинг пайдо бўлиши, тилнинг ички тузилишини фонологик, морфологик, лексик, синтактик сатҳларга ажратилиши ва ҳар қайси тил сатҳининг ўзларига хос бирликлари мавжудлигининг эътироф этилиши тил тузилишини ўрганувчи тилшуносликда ҳам ҳар бир сатҳ бирлигини ўрганувчи алоҳида бўлимларнинг ажралишига олиб келди. Натижада тилнинг энг қуйи сатҳ бирликларини ўрганувчи тилшуносликнинг фонология бўлими ажратилгани каби, тилнинг морфемик сатҳ бирлиги бўлган морфемаларни ўрганувчи тилшуносликнинг алоҳида бўлими ажратилди ва унинг номи **морфемика** деб юритилди. Ўзбек тилшунослигида ҳам 70-йиллардан морфемика тилшуносликнинг алоҳида бўлими сифатида ажратила бошланди.

Морфемика тилшуносликнинг алоҳида бўлими сифатида эътироф этилгандан буён ҳам унинг ўрганиш предмети юзасидан хилма-хил фикрлар юритилди. Хусусан, ўзбек тилшунослигида морфемикага бағишланган алоҳида қўлланманинг яратилиши катта воқеа бўлди.

Ўзбек тили морфемикасининг шаклланиши ва унинг ўрганиш объектининг тўғри белгиланишида акад. А.Ҳожиёвнинг хизмати катта. Олим морфемиканинг ўрганиш объекти ҳақида фикр юритаркан, қуйидагиларни ёзади: «Морфемика сўзнинг неча морфемадан ташкил топишини ўрганмайди, балки морфемаларнинг турини, ҳар бир турга хос хусусиятларни ўрганади». Бу морфемик сатҳ бирлиги бўлган морфеманинг объективлигини эътироф

этувчи ва ана шу объектив бирликни ўрганувчи алоҳида тилшунослик бўлимнинг вазифаси ҳақидаги чин илмий баҳодир. Шундай қилиб, бугунги кунда тилшуносликнинг алоҳида бўлими сифатида морфемика ажралиб чиқди. Унинг асосий тамойили ҳақида Т.Мирзақулов қуйидагиларни ёзади: «Морфема сўз таркибида» принциpidан фарқли ҳолда «Морфема тил системасида», «Морфема функционал парадигматик системада» принципига таяниш морфемика объектини кенг планда олиб қараш, морфемага хос белгиларни тўлиқроқ кузатиш имкониятини беради».

Ўзбек тили морфемаларининг худди бошқа сатҳ бирликлари каби сатҳ хосил қилиш хусусиятини, уларнинг парадигматик ва синтагматик муносабатларини ёритишда Т.Мирзақулов тадқиқотларини алоҳида таъкидлаш лозим.

ЎЗБЕК ТИЛИ ЛЕКСИКОЛОГИЯСИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА ТАКОМИЛЛАШУВИ

Сўз ва унинг маънолари ҳақида ўзбек тилшунослиги тарихида жуда узоқ даврлардан буён фикр юритиб келинганининг гувоҳисиз. Лекин ўзбек тилининг бир неча сатҳлардан ташкил топган бир бутунлик экани, ўзбек тили тизимида лексик сатҳнинг ўрни ва лексик бирликларни ўрганувчи тилшуносликнинг алоҳида бўлими мавжудлиги, бу бўлимнинг бошқа бўлимлар билан муносабати каби масалалар, умуман, лексикология ўзбек тилшунослигининг таркибий қисми ва бир йўналиши сифатида XX аср ўрталаридан шаклланди.

Ўзбек тили лексикаси шаклланишида Фахри Камолнинг «Ҳозирги замон ўзбек тили курсидан материаллар» рукни остида чоп этилган «Ўзбек тили лексикаси» ва Я.Д.Пинхасовнинг «Ҳозирги ўзбек тили лексикаси» рисоалари ҳамда «Ҳозирги замон ўзбек тили курсидан материаллар» рукни билан эълон қилинган барча рисоаларни ўзида жамлаган «Ҳозирги замон ўзбек тили» асари катта аҳамиятга эга бўлди.

Бу асарларда ўзбек тилшунослиги тарихида илк марта лексикология ўзбек тилшунослигининг алоҳида бўлими экани, унинг ўрганиш объекти, мақсад ва вазифалари, тилшуносликнинг бошқа бўлимлар билан муносабати белгиланди. Сўз билан тушунча ўртасидаги узвий муносабат ва уларнинг ўзаро фарқи ёритилди.

Сўзларнинг лексик ва грамматик маънолари бир-биридан ажратилди. Фахри Камол бу ҳақда қуйидагиларни ёзади: «Гапни ташкил этган ҳар бир сўз ўзининг асосий лексик маъносидан ташқари, камида бир ёки икки грамматик вазифасини адо этади. Масалан, *пахта гуллади* гапида *пахта* сўзи ўзининг лексик маъноси жиҳатидан техника ўсимлигининг бир турини, *гуллади* сўзи эса унинг гулга кирганини билдиради. Бу лексик маънодан ташқари, гап тузилишида қатнашган ҳар бир сўз бир неча грамматик вазифани бажаради: *пахта* – предмет номини билдиради, бош келишиқда, сон жиҳатидан бирликда келган; *гуллади* – феъл, ўтган замон, бирлик, учинчи

шахс, ўтимсиз, аниқлик майлини кўрсатади. Келишиқ, шахс, замон, майл, ҳаракатнинг ўтимли ёки ўтимсизлиги сўзларнинг грамматик хусусиятидир». (20-бет).

Шунингдек, ҳали ўзбек тили лексикологиясида сўзларнинг узуал ва контекстуал маънолари фарқланмасдан туриб бу асарда сўзларнинг контекст билан боғлиқ маънолари ҳақида фикр юритилади. Кўп сўзлар ўзларининг асосий маънолари билан чекланиб қолмай, турли контекстда турлича маънога ва маъно оттенкаларига эга бўлиши ҳақида гап боради.

Бундан ташқари, сўзларнинг кўп маънолилиги, ўз ва кўчма маънолари ҳақида маълумот берилади. Лекин кўп маъноларнинг турлари кўрсатилмайди. Қолаверса, омонимлар, синонимлар, антонимлар ҳақида қисқача фикр юритилади.

Муаллиф ўзбек тили лексикологияси бўйича кузатишларини давом эттирди. «Ҳозирги ўзбек адабий тили» китобининг лексикология қисми Фаҳри Камол томонидан ёзилган. Унда лексикология олдингилардан бирмунча кенгайтирилди. Сўзларнинг лексик-семантик гуруҳлари ҳақида илк маълумот берилди. Маъно категорияси атамаси киритилди ва бу атама остида полисемия, омонимия, синонимия, антонимия ҳодисалари ўрганилди.

Омонимлар, синонимларнинг ички кўринишлари ҳақида батафсил маълумот берилди. Омонимлар ички тузилиш ва ташқи кўриниш белгисига кўра қуйидаги турларга бўлинади: 1) лексик омонимлар; 2) грамматик омонимлар; 3) морфологик омонимлар (омоморфемалар); 4) фонетик омонимлар (омофонемалар); 5) график омонимлар (омограф ёки омограммалар).

Омонимларнинг бундай бўлинишларида муайян тамойилга бўйсунуш ва етарли илмий далиллаш аломатлари етишмаса-да, омонимлар фарқининг ёритилиши катта аҳамиятга эга бўлди.

Синонимлар ҳам тузилиш белгисига кўра идеографик, эмоционал, экспрессив-стилистик турларга ажратилди ва бу турларнинг бир-биридан фарқли белгилари аниқланди.

Ўзбек тили лексикологиясида илк бор лексик дублетлар ҳақида маълумот берилди. Кейинчалик М.Миртожиев, И.Қўчқортоев, А.Ҳожиёв, Б.Исабеков, Р.Шукуровларнинг лексик омоним, синоним ва антонимлар тадқиқига бағишланган махсус асарлари майдонга келди. Бу асарлар ўзбек тили лексикологиясининг янада такомиллашуви учун хизмат қилди.

Фаҳри Камол ўзбек тили лексикасининг ривожини, унинг тарихий қатламлари, унда умумтуркий, ўзбек, форс-тожик, араб, рус ва бошқа тилларга доир сўзларнинг ўрни ҳақида дастлабки маълумотни берган бўлса, ўзбек тили лексикасининг тарихий қатламлари ва ҳар бир қатламни ўрганишга бағишланган махсус тадқиқотнинг вужудга келиши ўзбек лексикологияси такомиллашувида катта аҳамиятга эга бўлди.

Шунингдек, Фаҳри Камол сўзларнинг кўчма маънолари ҳақида бошланғич маълумот берган эса-да, кўчма маъно турлари, уларнинг ҳосил бўлиш йўллари ёритилмаганди. Ана шу муаммони ёритишга М.Миртожиев

ва Т.Алиқулов бел боғлади.

М.Миртожиевнинг «Ўзбек тилида полисемия» ва И.Шукуровнинг «Ўзбек тилида троплар» асарларининг яратилиши мазкур муаммони ёритишда катта воқеа бўлди. Кўчимларнинг у ёки бу турларини тадқиқ этишга бағишланган алоҳида тадқиқотларнинг дунёга келиши¹ ўзбек тили лексемаларининг кўчма маъноларини чуқурроқ ўрганиш, метафора, метонимия каби ҳодисаларнинг лингвистик моҳиятини очиб беришда катта хизмат қилди.

60-йиллардан ўзбек ономастикаси алоҳида йўналиш сифатида шакллана бошлади. Унинг шаклланишида Э.Бегматовнинг хизмати катта. Проф. З.Дўсимов, Т.Нафасов, Н.Ҳусановлар тадқиқотлари бу йўналишни яна ҳам ривожлантирди.

Ўзбек тили лексикологияси бўйича эришилган ютуқлар синтези сифатида «Ўзбек тили лексикологияси» китоби (1991) майдонга келди.

70 – 80-йиллардан ўзбек тилшунослигига системавий-структур тилшунослик қўлга киритган ютуқлар, унинг тадқиқ этиш методлари кириб келди. Ўзбек тилшунослигида ҳам узвий таҳлил методлари қўллана бошланди. Бу, биринчи навбатда, лексикологияда намоён бўлди. Натижада ўзбек тили лексикологияси тавсифий босқичдан янги босқичга – назарий босқичга, лексикани маълум лексик-семантик гуруҳлардан (ЛСГ) ташкил топган бутунлик, лексик бирликларни муайян маъно элементларининг муносабатидан ташкил топган тизим сифатида ўрганиш босқичига кўтарилди. Бу билан ўзбек тавсифий лексикологиясидан системавий (назарий) лексикологияга ўтила бошланди. Ана шу жараённи проф. Ш.У.Раҳматуллаев ва унинг шогирди И.Қўчқортоев бошлаб берди.

Хусусан, У.Турсунов, Ж.Мухторов, Ш.Раҳматуллаев томонидан ёзилган «Ҳозирги ўзбек адабий тили» китобининг лексикология қисми ўзбек тавсифий лексикологиясидан системавий лексикологияга ўтиш даври, лексикологиянинг мазкур икки йўналиши ўртасидаги кўприк саналади. Чунки унда тавсифий лексикология аънаналари давом эттирилган ва такомиллаштирилган бўлиши билан бирга системавий лексикологиянинг асосий белгиларидан ҳисобланган узвий таҳлил услуби жорий этилди. Бу жиҳатдан китобнинг 2-нашри билан 3-нашри ўртасида ҳам фарқ мавжуд. 2-нашрида сўзнинг мазмуний тузилиши, лексик маъно турлари изоҳида системавий тилшуносликка томон бурилиш сезилган, 3-нашрида бу ҳаракат янада кучайди. Унда лексик маъно семантик қисмларга – семаларга парчалаб ўрганилади. Лексема бир неча семалар муносабатидан ташкил топган бутунлик деб қаралади. Бу семалар ичида маълум бир сема лексемаларни муайян лексик-семантик гуруҳларга бирлаштиришга хизмат қилишини ва у бирлаштирувчи (интеграл) сема ҳисобланишини, айти шу сема ҳажми каттароқ гуруҳдан ушбу лексик-семантик гуруҳни ажратиб олишда фарқловчи (дифференциал) сема бўлиб хизмат қилишини баён қилади. Семик таҳлил усули билан *ака* лексемасининг лексик маъно таркибида қуйидаги семалар ажратилди:

- 1) «киши»;
- 2) «эркак»;
- 3) «туғишган»;
- 4) «ёши катта».

Бу семаларнинг барчаси лексемани бошқа лексемага зидлаш асосида ҳосил қилинди. Натижада системавий тилшуносликнинг тамал тоши саналган фонологик зидланишлар ва ундаги дифференциал ҳамда интефал белгилар ўзбек тили лексикологиясига олиб кирилди.

Лексемалар лексик маъносининг семик таҳлили жорий этилиши, ҳар бир лексеманинг лексик маъноси бир неча семалардан ташкил топиши, шу билан бирга, лексеманинг лексик маъноси муайян тузилишга эга бўлиши ва бу тузилиш идеографик, услубий, туркумлик семаларини ўз ичига олишининг эътироф этилиши билан анъанавий кўп маъноли (полисем) лексемаларни бошқача номлашга тўғри келди. Шунинг учун Ш.Раҳматуллаев мазкур лексемаларни полисемем лексемалар, бундай ҳодисани эса полисемия деб номлади.

Лексикологиянинг тавсифий босқичдан назарий босқичга кўтарилишида И.Қўчқортоев тадқиқотлари катта роль ўйнади. Бу асарларда муаллиф Ф.де Соссюрнинг тилнинг белгилар системаси экани ҳақидаги таълимотига асосланган ҳолда ўзбек тилшунослиги тарихида биринчилардан бўлиб луғат таркибини системавий структур ўрганиш муаммосини кўтариб чиқди ва ўзбек нутқ феъллари мисолида лексемаларнинг системавийлик табиатини ёритиб берди. Р.Расуловнинг ҳолат феълларининг узвий (компонент) таҳлиliga бағишланган тадқиқоти ўзбек системавий лексикологиясининг шаклланишига мустаҳкам пойдевор яратди.

70 – 80-йилларда ўзбек тили лексикасини тизим сифатида ўрганишга бағишланган бир қатор илмий асарлар дунёга келди. Улар орасида Р.Юнусов, С.Ғиёсов, А.Цалкаламанидзе, Б.Жўраев, Р.Сафарова, М.Нарзиева сингари тадқиқотчиларнинг изланишлари алоҳида ажралиб туради. Шунингдек, Ў.Шарипованинг юмуш феълларининг (1996), С.Мухаммедованинг йўналма ҳаракат феълларининг (1999) системавий таҳлиliga бағишланган монографик асарлари пайдо бўлиши ўзбек системавий лексикологиясини янги тадқиқотлар билан бойитди.

Ўзбек лексикологиясининг юқори босқичга кўтарилишида жаҳон системавий-структур тилшунослигининг энг яхши жиҳатларини ўзида мужассамлаштирган ва ўзбек тилшунослари эришган ютуқларни синтезлаштирган «Ўзбек тили системавий лексикологияси асослари» китобининг юзага келиши катта воқеа бўлди. Асарда системавий тилшуносликнинг асосий тушунчаларини изчил баён қилиб бериш, лингвистик оппозициялар ва уларнинг лексик сатҳда намоён бўлиши, лексеманинг бошқа тил бирликлари тизимида тутган ўрни, унинг шакл ва мазмун муносабатидан ташкил топган бутунлик экани баён қилинади.

Муаллифлар ўзбек тилшунослигига илк бор лексеманинг шакл томонини ифодалаш учун А.Мартинс фойдаланган *монема* атамасига қиёсан

номема атамасини олиб кирдилар ва уни лексеманинг мазмун томони бўлган семемага зидлаган ҳолда ҳар қандай лексема *номема* ва семема муносабатидан ташкил топган бутунлик эканини таъкидладилар. Лексема семемасининг таркиби ёритиб берилди. Унинг таркибидаги уч хил сема: 1) атама семаси; 2) ифода семаси (коннотатив семалар); 3) вазифа семаси (функционал семалар) алоҳида-алоҳида баён қилинди. Бир семали ва кўп семали лексемаларни ажратишда муаллифлар, анъанавий лексикологиядан фарқли равишда, дистрибутив лингвистика ютуқларидан фойдаланган ҳолда барқарор бирликлар ва нутқий кўриниш, эркин (ўхшаш) ва боғлиқ (ноўхшаш) қуршов тушунчаларига асосландилар. Лексемаларнинг парадигматик ва синтагматик муносабатларининг ёритилиши ҳамда уларнинг лексик-семантик гуруҳларга ва лексик-тематик (мавзу) тўдаларга ажратилиши, лексик-семантик гуруҳ аъзоларининг марказ-қуршовдан ташкил топиши, бу гуруҳда марказий лексемалар орасида градуонимик, гипонимик (жинс-тур), партонимик (бутун-бўлак), иерархик (поғонавий) муносабатлар каби қатор масалаларнинг ёритилиши билан ўзбек лексикологиясини туркийшуносликда юқори поғонага олиб чиқди.

Шунингдек, ўзбек тилшунослигига лисоний бирликларни мазмуний майдон асосида ўрганиш ҳам кириб келди. Дастлаб бу ғоя ўзбек тилшунослигида И.Қўчқортоев томонидан баён қилинган бўлса, Ш.Искандарованинг ўзбек тили лексикасини мазмуний майдон асосида ўрганиш тамойилларига, Ҳ.Шамсутдиновнинг ўзбек тилида функционал-семантик синонимлар, Ҳ.Ҳожиёвнинг ўзбек тилида ҳурмат майдони тадқиқига бағишланган махсус монографик тадқиқотлари майдонга келдики, бу асарлар ўзбек тили лингвистик бирликларини мазмуний майдон, функционал-семантик гуруҳларга бўлиб ўрганишнинг афзалликларини намоён қилди ва системавий-структур тадқиқ усулларини кенгайтди.

ЎЗБЕК ФРАЗЕОЛОГИЯСИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ

Фразеология тилшуносликнинг бошқа бўлимларига нисбатан янги бўлимдир. У лексикология бағридан XX асрнинг 50-йилларидан мустақил бўлим сифатида ажралиб чиқди.

Фразеологиянинг алоҳида тилшунослик йўналиши сифатида шаклланиши машҳур рус тилшуноси В.В.Виноградов номи билан боғлиқдир.

Собиқ шўролар даврида империя ҳудудидаги барча тилларнинг фразеологияси В.В.Виноградов таълимоти асосида дунёга келди. Жумладан, ўзбек фразеологияси ҳам бундан мустасно эмас.

Ўзбек фразеологиясининг шаклланиши Ш.Раҳматуллаев, Я.Д.Пинхасов, М.Ҳусайнов номлари билан боғлиқ. Бу муаллифлар В.В.Виноградовнинг фразеологизмга ёндашуви асосида ўзбек фразеологизмлари доирасини чегараладилар ва уларни уч гуруҳга таснифладилар: 1) фразеологик чатишма; 2) фразеологик бирлашма (бутунлик); 3) фразеологик қўшилма.

Фақат М.Хусаинов фразеологизмлар таснифига тўртинчи гуруҳни – идеомаларни киритди.

Ўзбек фразеологиясининг илмий асосда чуқур ўрганилиши ва такомиллашувида Ш.Раҳматуллаевнинг хизмати катта бўлди. У ўзининг қатор тадқиқотлари билан ўзбек фразеологиясига асос солди. В.В.Виноградов таъсирида У.Раҳматуллаев фразеологизмлар доирасини анча торайтирди ва фақат кўчма маънога асосланган барқарор бирликларнигина фразеологизмлар таркибига киритди. Хусусан, бу ҳақда у қуйидагиларни ёзади: «Ибора мустақил туркумларга мансуб биттадан ортиқ сўздан таркиб топган бир бутун семантик ҳамда грамматик birlik сифатида гавдаланади. Ибора луғавий маъно англатиш учун хизмат қилади.

Шунга кўра у луғавий birlik ҳисобланади ва шу жиҳатдан сўз билан бир қаторга қўйилади. Масалан: *кўнглидан ўтказди* ибораси *ўйламоқ* сўзини англатган маънони... билдиради. Бу ибораларда биттадан ортиқ сўз ўз маъно мустақиллигини йўқотган ҳолда бир умумий маъно марказига бўйсунди».

Муаллиф «Нутқимиз кўрки» асарида фразеологизмларга муносабатини яна ҳам аниқроқ баён қилади. Унинг фикрича, биттадан ортиқ лексик негиздан таркиб топган, тузилиш жиҳатидан бирикмага, гапга тенг, мазмунан сўзга эквивалент, яхлитлигича устама кўчма маъно англатувчи луғавий birlikка ибора (фразеологик birlik) дейилади. Бу ўринда «луғавий birlik» дейиш билан иборани эркин боғланмадан, «биттадан ортиқ» деб таъкидлаш билан содда сўзлардан, «лексик негизлар» деб таъкидлаш билан аналитик формадан, «бирикмага, гапга тенг» деб таъкидлаш билан кўшма сўздан, «яхлитлигича устама кўчма маъно» деб таъкидлаш билан тўғри маъноли турғун бирикмадан фарқлаймиз».

Бундан кўринадики, у фразеологизм деганда фақат кўчма маънога эга бўлган турғун бирикмаларнигина тушуниш тарафдори. Лекин кейинчалик собиқ шўролар даврида В.В.Виноградовнинг фразеологизмга ёндашуви ва уни уч гуруҳга таснифлаши ўта субъектив экани бир қатор мутахассислар томонидан танқид қилинди.

Ўзбек тилшунослигида ҳам фразеологизмларни белгилашда В.В.Виноградов андазаларидан четлашиш ҳолатлари кузатила бошланди. Натижада фразеологизмлар таркибига фақат кўчма маъноли барқарор бирикмаларгина эмас, балки тилда олдиндан бирикма ҳолида мавжуд бўлиб, нутққа тайёр ҳолда олиб кириладиган барча барқарор бирикмалар киритила бошланди. Натижада мақол, матал, ҳикматли сўзлар ҳам фразеологизмлар сифатида қарала бошланди.

Шундай қилиб, фразеологизмларни тор ва кенг тушуниш пайдо бўлди. Энг муҳими, В.В.Виноградовнинг сунъий равишда уч гуруҳга бўлган семантик таснифи орқага сурилди. Унинг ўрнига фразеологизмларнинг ҳам худди бошқа луғавий birlikлар каби семантик тузилиш таҳлилига эътибор берилди. Фразеологизмларни ўрганишдаги бундай бурилишни ҳам Ш.Ш.Раҳматуллаевнинг ўзи бошлаб берди. «Ҳозирги ўзбек адабий тили» дарслигининг учинчи нашрида фразеологизмларнинг уч хил семантик

таснифидан воз кечилади ва фразеологизмларнинг уч хил семантик тузилиш томонидан таҳлил қилинади.

Ўзбек фразеологиясининг янги мувафакқиятларга эришувида Б.Йўлдошев, Абдумурод ва Абдуғофур Маматовнинг хизматлари катта бўлди. Б.Йўлдошев фразеологизмларнинг коннотатив маънолари, бадий тасвир воситаси сифатидаги имкониятларини атрофлича ёритиб берди. Абдумурод Маматов фразеологик норма муаммосини кўтариб чиқди ва фразеологик норма ҳамда фразеологик вариант ўртасидаги муносабатни кўрсатиб берди.

Абдуғофур Маматов эса ўзининг катор асарларида фразеологик шаклланиш муаммоларини ўртага қўйди ва унинг пайдо бўлиш омилларини ёритди. Фразеологизмларнинг муҳим фарқловчи белгиси мазмуний қайта шаклланиш эканини кўрсатди.

Шундай қилиб, Ш.Раҳматуллаев асос солган ўзбек фразеология мактаби тобора такомиллашиб, ривожланиб бормоқда.

ЛЕКСИКОГРАФИЯ

Ўзбек тилшунослиги лексикография соҳасида жуда катта тарихга эга эканидан хабардорсиз. Лекин ўрта аср лексикографиясида кўпроқ эътибор изоҳли ва таржима луғатларга қаратилган. XX асрнинг 40-йилларидан бошлаб лексикография йўналишлари ҳам кенгайди. Луғатнинг янги-янги турлари: энциклопедик, имло, орфоэпик-морфем, частотали, терс, фразеологик, диалектал, этимологик луғатлар пайдо бўлди.

Илгари яратилган изоҳли луғатлар кўпроқ айрим муаллифларнинг, хусусан, Алишер Навоий асарларида қўлланилган сўзларни изоҳлашга қаратилган бўлса, 40-йиллардан бошлаб лексикография тилшуносликнинг алоҳида тармоғи сифатида шаклланиши натижасида унинг хилма-хил турлари майдонга келди. Умумий ва хусусий изоҳли луғатлар пайдо бўлди. Хусусан, А.Ю.Юнусовнинг «Физиологик терминларнинг изоҳли луғати» (1984), А.Ҳожиёвнинг «Ўзбек тили синонимларининг изоҳли луғати» (1974), Ш.Раҳматуллаевнинг «Ўзбек тилининг изоҳли фразеологик луғати» (1978), «Ўзбек тили омонимларининг изоҳли луғати», (1984), шу муаллифнинг Р.Шукуров билан ҳамкорликда тайёрлаган «Ўзбек тили антонимларининг изоҳли луғати», Х.Ю.Бекмуҳаммедовнинг «Тарих терминларининг изоҳли луғати» каби луғатлар хусусий изоҳли луғатлар саналади.

Ўзбек тилининг барча лексемаларини изоҳлашга бағишланган луғат эса умумий изоҳли луғат ҳисобланади. 60 минг сўзни ўз ичига олган икки жилдли «Ўзбек тилининг изоҳли луғати» (1981) ўзбек лексикографияси тарихида ўзбек тилининг барча лексемаларини изоҳлашга қаратилган илк изоҳли луғатдир. Бу луғат катта меҳнат эвазига дунёга келган ва лексемалар маъноларини ёритишда кўплаб иллюстратив материалларга асосланган, пухта лексикографик тамойилга таянган луғат бўлиш билан бирга, совет воқелиги ва совет тил сиёсатини ўзида тўла акс эттирган луғат ҳамдир.

Шунинг учун унда акс этган сўзликнинг 40 фоизга яқини рус тилидан кириб келган лексемалардир. Ана шуни эътиборга олган ҳолда истиқлол кўлга киритилиши билан ЎзР ФА Тил ва адабиёт институти илмий жамоаси кўпжилдлик «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»ни яратишга киришди.

Ўн олти минг сўзни ўз ичига олган «Ўзбек тили фаол сўзларининг изоҳли луғати» нашр этилиши (2001) бу йўлда қилинган ҳаракатларнинг дебочаси бўлди.

70-йилларда ўзбек энциклопедиясининг яратилиши ўзбек лексикографиясининг улкан ютуғи саналади. Бу луғат ўзбек лексикографияси тарихида илк қомусий луғат бўлгани билан қимматлидир. Шунга қарамай, унда ҳам совет воқелиги, шўролар сиёсати тўла акс этгани учун тарихимиз, миллий анъаналаримиз, маънавий меросимиз бузиб кўрсатилди. Шунинг учун мустақиллик даврида миллий энциклопедияни яратиш энг муҳим вазифа қилиб қўйилди. Унинг нашр этилиши маънавий ҳаётимизда катта воқеа бўлди.

20-йиллар бошларида Е.Д.Поливанов томонидан ўзбек тилининг илк этимологик луғати яратилган бўлса ҳам, лекин у нашр қилинмасдан йўқолиб кетганди. Проф. Ш.Раҳматуллаев томонидан «Ўзбек тилининг этимологик луғати» (2000) нашр қилиниши ўзбек лексикографиясини юқори чўққига кўтарди.

СЎЗ ЯСАЛИШИ БЎЛИМИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА ТАРАҚҚИЁТИ

Сўз ясалиши муаммоси ўзбек тилшунослиги тарихида узоқ даврлардан буён олимлар диққатини жалб қилиб келади. Хусусан, Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғатит турк», Алишер Навоийнинг «Муҳокамат ул-луғатайн», Муҳаммад Чингийнинг «Келурнома», Фитратнинг «Сарф» асарларида ҳам сўз ясалишига доир фикрлар баён қилинган. XX асрнинг 30 – 40-йилларида феъл ва от ясалишига бағишланган махсус асарлар дунёга келди. Лекин сўз ясалиши алоҳида ҳодиса сифатида ва бу ҳодисани ўрганувчи «Сўз ясалиши» тилшунослик фанининг алоҳида бўлими сифатида илк бор А.Ғуломов тадқиқотлари асосида XX асрнинг 40-йилларида шаклланди.

Муаллифнинг 1949 йили нашр қилинган «Ўзбек тилида сўз яшаш йўллари ҳақида» номли мақоласида бу муаммога доир бир қатор масалалар ўша даврдаги тилшунослик назариялари кўлга киритган ютуқлар асосида илмий ечимини топди.

А.Ғуломов сўз ясалиши ҳодисасининг шу кунга қадар тилшуносликнинг қайси бўлимида ўрганилгани ҳақида фикр юритаркан, у хинд-оврупо тилшунослиги андазалари асосида морфология таркибида ўрганиб келинганини танқидий баҳолайди ва бу ҳодисанинг ҳосиласи лексемани туғдиргани туфайли сўз ясалиши тилшуносликнинг лексикология бўлимига кўпроқ дахлдор эканини баён қилади. У бу ҳақда қуйидагиларни ёзади: «Сўз

ясалиши масаласини биз ҳозиргача морфологик планда қараб келамиз, ҳолбуки, сўз яшаш қандай бўлмасин бирор усул билан янги сўз ҳосил қилишдир. Демак, у лексика – сўз баҳсига қарашлидир. Эски грамматик таълимотга кўра, сўз ясалиши ва сўз ўзгариши морфологияда қараларди. Ҳақиқатда эса булар формал жиҳатдангина ўхшаш, функционал жиҳатдан бошқа-бошқа ҳодисалардир: биринчиси – лексик ҳодиса, иккинчиси – синтактик ҳодиса. Бундан англашиладики, сўз ясалишининг морфологик планда қаралиши ҳинд-оврупо тил билимининг установакаларига таянади; ҳинд-оврупо тил билими формал метод билан ишлайди ва ўз диққатини фонетика ва морфологияга бериб, сўз масаласини иккинчи даражали ўринга «ирғитади», семантика ҳодисаларини... сўзларнинг маънолари ҳақидаги таълимотни мутлақо ҳисобга олмайди».

Дарҳақиқат, сўз ясалиши тилнинг икки сатҳи билан узвий алоқадордир. Сўз ясалиши жараёни кўпроқ морфемалар қўшилуви билан боғлиқ бўлгани сабабли у морфология, тўғрироғи, морфемика билан туташади. Ясовчи морфема билан асос морфеманинг қўшилуви натижасида эса янги лексема вужудга келади. Демак, ясама сўз сўз ясалиш ҳосиласи бўлган бирлик саналади ва бу билан лексикология материалига айланади. Ана шу ҳосилани эътиборга олган ҳолда А.Ғуломов сўз ясалишини дастлаб лексикология таркибида ўрганишни тавсия этади.

Лекин сўз ясалиши муаммоси билан изчил шуғулланиш жараёнида сўз ясалишининг лексикологиядан фарқ қиладиган соҳа эканини, унинг ўзига хос ўрганиш объекти мавжудлиги, шунинг учун ҳам сўз ясалиши морфемика билан морфология оралиғида тилшуносликнинг алоҳида бўлими сифатида қаралиши лозим деган хулосага келади. Муаллиф ёзади: «Сўз ясалиши тилшунослик фанининг айрим бир бўлими, мустақил лингвистик соҳа, тармоқ бўлиб, у сўзларнинг ясалишини, янги сўз ҳосил қилишнинг қонун-қоидаларини, моделларини, воситаларини, шу билан боғлиқ ҳолда сўзларнинг тузилишини текширади... Тилшуносликнинг бу бўлимида, биринчидан, янги сўзларнинг қандай ҳосил қилиниши, иккинчидан, мавжуд ясалмаларнинг қандай пайдо бўлгани текширилади... Сўз ясалиш ҳодисаси ўзининг асосий, етакчи хусусиятлари билан грамматика ва лексикологияга яқин туради. Бу хусусиятларига кўра, сўз ясалиши илгари тилшуносликнинг айрим бир соҳаси эмас, балки морфологияда текширилиб келинган. Бундай ўрганиш энг асосий усулда сўз яшанинг ҳам, форма яшанинг ҳам бир тилда (аффиксал ясалиш) бўлиши... каби хусусиятларга асосланади».

А.Ғуломов ўзбек тилида сўз ясалиши муаммоларини монографик тадқиқ этиш чоғида фақат аффикслар ёрдамидагина эмас, балки ундан ташқари бир қанча воситалар ёрдамида янги сўз яшаш мумкинлигининг гувоҳи бўлади. Шунинг учун ҳам муаллиф уларни жамлаган ҳолда ўзбек тилида сўз ясалишининг қуйидаги беш хил тури мавжуд эканини аниқлади: 1) морфологик (аффиксация); 2) синтактик (композиция); 3) лексик (транспозиция); 4) семантик; 5) фонетик.

Морфологик усул сўз яшанинг бу кўрсатилган усулларида фақат

биттаси эканини эътиборга олган ҳолда А.Ғуломов сўз ясалишининг фақат морфология билангина боғлиқ эмаслигига ишонч ҳосил қилди. Шунинг учун ҳам сўз ясалиши морфологиядан ҳам, лексикологиядан ҳам ажратилган ҳолда тилшуносликнинг алоҳида бўлими бўлиши лозим деган фикрга келди.

Шу туфайли «Ўзбек тили грамматикаси. I том. Морфология» китобида ўзбек тилшунослиги тарихида илк бор сўз ясалиши масаласи проф. А.Ғуломов томонидан алоҳида бўлим сифатида ўрганилди.

Шунга қарамай, бу даврда у сўзнинг ясалиш структураси билан морфемик ва морфологик тузилишлари ўртасидаги фарқланишларни эътиборга олмади. Шунинг учун муаллиф сўз ясалиши нимани текширади деган саволга сўз ясалиши бўлими сўзларнинг ясалишини, янги сўз ҳосил қилишнинг қонун-қоидаларини, моделларини ўрганиши билан бирга сўзларнинг тузилишини ҳам текширишини баён қилади. Бу ўринда сўзнинг бир неча тузилишига фонетик, морфемик, ясалиш, морфологик тузилишларга эга бўлиши ва улар ўртасидаги фарқ муаллиф назаридан четда қолади.

Буни пайқаган А.Ғуломов кейинчалик сўзнинг фонетик, семантик, морфологик ва ясалиш структураларига эга бўлган мураккаб қурилма эканини баён қилади ва сўзнинг ҳар бир тузилишининг ўзига хос хусусияти, бошқа тузилишлар билан муносабати ҳақида фикр юритади.

Унинг таъкидлашича, сўзнинг морфологик қисмларга бўлиниши сўз ясашга ҳам, сўзнинг формасини ясашга ҳам алоқадор: иккаласида ҳам ҳосил қилиш йўли (аффиксация) ва воситаси бир хил. Лекин сўзнинг тузилишини ўрганиш – уни қисмларга бўлиш икки хил: морфологик таҳлил ва сўз ясаш таҳлили. Морфологик таҳлил сўзнинг морфологик тузилишини – морфемалар таркибини аниқлайди, шунга кўра у морфема таҳлили деб ҳам юритилади. Бундаги икки қисмга бўлиниш хусусияти «ўзак ва аффикс» тусидаги грамматик зидлик ҳолатидир. Сўз ясаш таҳлили сўзнинг ясалиш структурасини – ясама сўзнинг тузилишини аниқлайди. Бунда: ясовчи ва ясалма, мазкур икки қисм орасидаги мазмуний-морфологик муносабат белгиланали. Масалан, *яхшилик* (яхши – ясовчи сўз, яхшилик – ясалма)... Бундай яшани дериватология текширади: *ўзак + аффикс* ёки негиз + *аффикс: нотинчлик*. Бунда аффикс дериватор саналади.

Кўринадики, муаллиф бу ўринда сўзнинг ясалиш тузилишини морфологик тузилишдан фарқлаган ҳолда доимо уч қисмдан иборат эканини таъкидлайди: ясовчи асос (*ўзак ёки негиз*) + *деривант* = *ясалма* (дериватор).

А.Ғуломов сўзнинг ясалиш тузилиши ҳақида фикр юритаркан, ясалма билан ясовчи қисм ўртасидаги мазмуний давомийлик (мотивация) тушунчасига катта эътибор беради. Дарҳақиқат, бу сўз ясалишида муҳим ўрин эгаллайди.

Сўз ясалиши ҳам объектив борлиқдаги ҳар қандай генетик жараён каби Дарвиннинг турларнинг келиб чиқиши таълимотидаги ирсият ва ўзгарувчанликни ўзида намоён этади. Маълум ясовчи кўшимча кўшилиб ҳосил қилинган янги лексема ясашга асос қисмнинг маъносини давом эттиради. А.Ғуломов шунинг учун ҳам ясама сўзларда янги ҳосил қилинган

элемент билан аввалгиси (яшашга асос бўлгани) ўртасида мазмуний алоқа мавжудлигига эътибор қаратилиши лозимлигини кўрсатади.

Шундай қилиб, ўзбек тилшунослигида сўз ясалиши бўлимининг шаклланиши, бу бўлимга доир атамалар тизимининг изга солинишида профессор А.Ғуломовнинг хизмати катта бўлди.

А.Ғуломов асос солган сўз ясалиши назариясини акад. А.Ҳожиёв янги чўққига олиб чиқди. У А.Ғуломов йўл қўйган айрим ноаниқликларни бартараф этишга интилди. Хусусан, сўзнинг морфемик ва морфологик тузилиши бўйича йўл қўйилган ноаниқликка барҳам берди. Муаллиф сўзнинг морфемик тузилиши деганда унинг неча маъноли қисмлардан – морфемалардан иборат эканини, сўзнинг морфологик тузилиши деганда эса унинг форма яшашга асос бўлган ва форма ясовчи қисмини, яъни икки қисмни назарда тутиш лозимлигини таъкидлайди. Бу жиҳатдан А.Ҳожиёв сўзнинг морфологик тузилиши билан сўз ясалиш тузилиши ўртасида қандайдир яқинликни кўради. Ҳар иккиси ҳам икки таркибий қисмдан – **яшашга асос** ва **ясовчи** қисмдан ташкил топади. Лекин улар ясовчининг нима яшашга кўра фарқланишини таъкидлайди: сўзнинг янги шаклини ҳосил қилса, шакл ясовчи, бир лексемадан янги лексема ҳосил қилса, сўз ясовчи деб қарайди. Шунга кўра морфологик тузилиш қисмлари билан сўз ясалиши тузилиши қисмларини ҳам ўзига хос номлайди: шакл яшашга асос+шакл ясовчи+янги сўз шакли; сўз яшашга асос+сўз ясовчи+янги сўз (янги лексема). Ана шу асосда морфология ва сўз ясалишини бир-биридан фарқлайди. Шакл ясалиши «морфология»нинг, сўз ясалиши эса «сўз ясалиши» бўлимининг объекти саналади.

У рус тилшунослиги андазалари асосида А.Ғуломов, С.Усмонов, О.Қосимхўжаева каби олимлар тадқиқотлари орқали ўзбек тилшунослигига кириб қолган ва мактаб грамматикаларидан қатъий ўрин олган **ўзак** (корень) ва **негиз** (основа) тушунчаларига ва бу тушунчаларни ифодалайдиган атамаларга умуман эҳтиёж йўқлигини таъкидлайди. Муаллиф бу ҳақда қуйидагиларни ёзади: «Бундай қараганда, «негиз»ни сўзнинг лексик маъно ифодаловчи қисми, сўздан шакл ясовчи аффикслар олиб ташлангандан қолган қисми деб тушуниш ва таърифлашда тўғри илмий назарий асос (принцип) бордек кўринади, яъни бунда шакл ясалишига асос бўладиган қисм негиз деб қаралади. Лекин... *теримчиларимизга* сўзининг *теримчи* қисми *тер+им+чи* каби таркибий қисмларга бўлинади. Демак, *терим* сўзида *тер* ўзак экан, ўз-ўзидан *теримчи* сўзига нисбатан унинг *терим* қисми нима бўлади деган савол туғилади... Шундай экан, сўз тузилишини юқоридагича қисмларга ажратиш ва таърифлаш тўла ва тўғри (асосли) бўла олмайди».

Шундай қилиб, муаллиф «сўз ясалиши баҳсида ясама сўз ҳосил қилувчи компонентлар ўрганилиши»ни, «ясама сўз ҳосил қилувчи компонентлар шу сўзнинг ясалиш тузилишини ташкил қилиши»ни, сўз ясалиш тузилиши эса фақат икки қисмдан – яшашга асос+ясовчи қисмдан иборат бўлишини таъкидлайди.

Сўзнинг морфологик таҳлили унинг фақат ясалишига оид тузилишини

ўз ичига олишини, шакл ясалиш тузилиши эса сўзнинг шакл ясовчи кўшимча ва ёрдамчилардан иборат бўлишини баён қилади. Масалан, *унумдорлик+ни* сўзининг морфологик тузилиши икки қисмдан – шакл ясалишга асос бўлган қисм *унумдорлик* ва шакл ясовчи қисм *-ни* дан иборат эканини, *унумдорлик* қисми ички тузилишининг морфологияга дахли йўқ эканини, бу тузилиш сўз ясалиш тузилишига алоқадорлигини таъкидлайди.

Маълум сўз туркумларининг ясалиш доирасида қилинган тадқиқотлар ўзбек тили сўз ясалиши ҳақидаги таълимотнинг ривожини учун муҳим ҳисса бўлиб кўшилди. Хусусан, профессор Ё.Тожиев сўз ясовчи кўшимчаларнинг полифункционаллиги масаласини, унинг аффиксал омонимия билан муносабатини чуқур таҳлил этади.

ЎЗБЕК ИЛМИЙ МОРФОЛОГИЯСИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА ТАРАҚҚИЁТИ

Ўзбек тилининг фонетикаси, морфологияси ва синтаксисини алоҳида-алоҳида бўлимлар сифатида изчил равишда дастлаб Фитрат ўрганди ва ўзбек тилшунослиги тарихида ўзбек тили грамматикасига асос солди. Бу грамматика «Сарф» ва «Наҳв» номлари билан юритилиб, 1925 йилдан 1930 йилгача олти марта нашр қилинди. Шундан сўнг М.Шамсиев, Шербекнинг «Ўзбек тили грамматикаси» (Тошкент, 1932) ва Ҳ.Қаюмий, С.Долимовнинг «Грамматика» асарлари майдонга келди.

Демак, бу муаллифлар, Фитратдан фарқли равишда, ўзбек тилшунослигига грамматика атамасини олиб кирдилар. Лекин грамматиканинг қисмлари эскича сарф ва наҳв атамалари билан қолаверди.

Ўзбек тилшунослиги тарихига морфология ва синтаксис атамаларини О.Усмонов ва Б.Азизов олиб кирди.

Лекин бу асарлар мактаб ўқувчилари учун ёзилган дарсликлар бўлиб, лингвистик ҳодисаларни чуқур илмий таҳлил қилишни ўз олдига мақсад қилиб қўймаганди.

Ўзбек тили грамматик қурилишини чуқур илмий тадқиқ қилиш 40-йиллардан бошланди. Бу ҳаракатнинг яловбардори А.Ғуломов саналади. У бу даврда ўзбек илмий морфологиясига доир бир қатор асарлар ёзди. Шу билан бирга, Улуғ Турсуннинг кўмакчилар, Ҳ.Комилованинг келишиклар, З.Маъруповнинг от ва сифат юзасидан олиб борган тадқиқотлари ўзбек илмий грамматикаси яратилишидаги дастлабки ҳаракатлардан бўлди.

50-йилларда эса ўзбек тилшунослигининг барча илмий кучлари биринчи илмий ўзбек тили грамматикасини яратишга сафарбар қилинди. Бу йилларда «Ҳозирги замон ўзбек тили курсидан материаллар» рукни остида ўзбек тилининг барча сатҳлари бўйича бир нечта рисоалар эълон қилинди. Улар орасида А.Ғуломнинг «Ўзбек тилининг морфологиясига кириш» (1953), «Феъл» (1954), С.Усмоновнинг «Ўзбек тилида ундовлар» (1953), Ҳ.Комилованинг «Ўзбек тилида сон ва олмош» (1953), М.Асқарова, Р.Жуманиёзовнинг «Ўзбек тилида равишдош ва сифатдош» (1953),

С.Фузаиловнинг «Ўзбек тилида равишлар» (1953), Ш.Шоабдурахмоновнинг «Ўзбек тилида ёрдамчи сўзлар» (1953) сингари асарлари дунёга келди. Ана шу рисолалар асосида 1958 йили ўзбек тилшунослиги тарихида биринчи мартаба ўзбек тилининг фонетик, лексик, морфологик сатҳларини; шунингдек, ўзбек тили графикаси, орфография ва орфоэпиясини ўз ичига олган йирик асар майдонга келди. Бундай асарнинг пайдо бўлиши ўзбек тилшунослиги тарихида катта воқеа эди. Бу асар босилиб чиққандан сўнг ўзбек тили морфологиясининг айрим соҳалари махсус монографик тадқиқот объекти бўлди. Жумладан, сўзнинг морфологик тузилишига бағишланган С.Усмоновнинг докторлик ва О.Қосимхўжаеванинг номзодлик диссертациялари ва рисолалари майдонга келди. А.Ҳожиёвнинг «Феъл», «Қўшма, жуфт, такрорий сўзлар» (1963), «Ўзбек тилида кўмакчи феъллар» (1966), «Тўлиқсиз феъллар» (1970) сингари йирик монографиялари яратилди. Шунингдек, ўзбек тилшунослари эришган барча натижаларни жамулжам этиб ёзилган акад. А.Н.Кононовнинг «Ҳозирги ўзбек адабий тили грамматикаси» (1960) китобининг яратилиши ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлди. «Ҳозирги замон ўзбек тили. Фонетика. Графика, Орфография. Орфоэпия., Лексикология. Морфология» китоби яратилгандан сўнг ўзбек тили морфологиясига доир янги тадқиқотларни эътиборга олган ҳолда икки жилдли «Ҳозирги ўзбек адабий тили» (Тошкент: Фан, 1966), «Ўзбек тили грамматикаси». I том. Морфология (Тошкент: Фан, 1975); II том. Синтаксис (Тошкент, 1976) асарларининг майдонга келиши эса ўзбек тили грамматикасининг такомиллашувида катта роль ўйнади. Бу жиҳатдан кейинги асар, айниқса, катта аҳамиятга эга бўлди. У ўзбек тилшунослигининг сўнгги ютуқларини эътиборга олган ҳолда яратилди. Асарда биринчи мартаба сўз ясаши морфология таркибидан чиқарилган ҳолда алоҳида бўлим сифатида ўрганилди. Шунингдек, ўзак морфемалар билан аффикс морфемалар оралиғида рўй берадиган ва бугунги кунда морфонология атамаси остидаги махсус бўлимнинг ўрганиш объекти сифатида қаралаётган турли хил фонетик ўзгаришлар ҳам «Аффиксациялаш фонетик ўзгаришлар» сарлавҳаси остида алоҳида тадқиқот объекти бўлди.

Грамматик категорияларни белгилашда грамматик шаклларнинг маъно умумийлиги ва уларнинг ўзаро зидланиши эътиборга олинди. Жумладан, кўпликни билдирувчи махсус грамматик шаклнинг бирликни билдирувчи нол шаклга зидланиши, бирлик-кўplik формасидаги грамматик оппозиция сон категориясини ташкил этиши ҳақида фикр юритилади (62-бет).

Шунингдек, грамматик шаклларни парадигматик муносабатда ўрганиш муаммоси кўтарилди. Асарда ўзбек тилшунослиги тарихида биринчи бор «бир сўзнинг ҳамма шакллари биргаликда парадигмани ташкил қилиши», «парадигма шу сўзнинг шакллар системасини кўрсатиши», «морфологиянинг сўз шакллари текширадиган қисми парадигматика саналиши» ҳақида фикр юритилади (65-бет).

Бу асарнинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, шу давргача бир қатор муаллифларнинг тадқиқ усулига айланган рус тилшунослари андазалари

асосида ўзбек тилини ўрганиш тамойилларидан воз кечишга, ўзбек тилининг ўз ички материалларига таяниб муайян лингвистик категориялар ҳақида фикр юритишга ва уларнинг ўзига хос томонларини ёритишга интилдилар.

Муаллифларнинг бундай мақсадлари ва эришган натижалари асарнинг сўзбошисидаёқ баён қилинади. У ерда таъкидланишича, ҳар бир ҳодисани бевосита тил материалларидан келиб чиқиб изоҳлашга, ҳодисаларнинг ҳақиқий моҳиятини очишга эришилди. Бу нарса янги-янги илмий хулосаларга келиш билан бирга айрим ҳодисаларнинг ҳозиргача бўлган талқини билан эндиги талқини ўртасидагина эмас, уларнинг эски атамаси билан янги атамаси ўртасида ҳам маълум номувофиқлик келиб чиқади (5-бет).

Бу жиҳатдан асарнинг «От» ва «Феъл» қисмларида худди ана шундай катта ўзгаришлар рўй берди. Хусусан, отларда сон, эгалик категориясининг ифодаланиши шу даражада мукамал, шу даражада ўзбек тили материалларига асосланиб, ўзига хос томонларини чуқур ёритиб берилдики, у туркология фанида от туркумига бағишланган энг сара асар бўлиб қолди.

Қолаверса, феъл қисмида ҳам кўмакчи ва тўлиқсиз феълларнинг вазифалари ўзбек тилининг бой материалларига асосланиб чуқур таҳлил этилди. Шу даврга қадар феълнинг грамматик категориялари сирасида қаралиб келинаётган бир қатор категориялар ўзбек тилига хос эмаслиги (масалан, «вид» категорияси, «ўтимли-ўтимсизлик» категорияси) баён қилинди ва улар ўзбек тилининг грамматик категориялари сирасидан чиқариб ташланди.

Сўзнинг грамматик шакли ва грамматик категориялари ҳақидаги тадқиқотлар кейинчалик ўзбек тили материаллари асосида яна ҳам чуқурлаштирилди. Сўз ўзгариши ва шакл ясалиши каби сўзнинг грамматик шакллари икки гуруҳга ажратишга ҳеч қандай асос йўқлиги таъкидлаган, ҳозирги ўзбек тилидаги грамматик шакл ва грамматик категорияларни ўрганишга бағишланган махсус асарнинг майдонга келиши ўзбек илмий морфологиясининг янада ривожланишига олиб келди.

Ўзбек тилида аффиксларнинг баъзан ортиқча қўлланиши, унинг сабаблари, адабий меъёрга муносабати каби масалаларнинг Н.Маҳкамов томонидан атрофлича ёритиб берилиши ҳам ўзбек тилшунослиги тарихида катта воқеа бўлди.

ЎЗБЕК ТИЛИ ИЛМИЙ СИНТАКСИСИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА ТАРАҚҚИЁТИ

Ўзбек тили синтаксиси тилшуносликнинг алоҳида бўлими сифатида дастлаб Фитрат томонидан «наҳв» атамаси остида ўрганилди. Шундан сўнг Ҳ.Қаюмий ва С.Долимов ҳам икки қисмли «Грамматика» асарини ёзиб, иккинчи қисмини «Наҳв» деб номладилар (1933).

Ўзбек тилшунослигида биринчи маротаба синтаксис номи остида О.Усмонов ва Б.Азизов мактаб грамматикасини нашр этдилар (1939).

Таъкидлаш керакки, бу яратилган китоблар ўзбек тилининг синтактик курилиши юзасидан изчил маълумот берувчи илк асарлар сифатида кадрлидир. Лекин улар фақат болаларни ўқитиш учун мўлжаллангани сабабли амалий қимматга эга бўлиб, синтаксис ҳодисаларини чуқур илмий таҳлил қилишни ўз олдиларига мақсад қилиб қўймаганди.

Ўзбек тили синтактик бирликларини илмий асосда атрофлича ўрганиш XX асрнинг 40-йилларидан бошланди. Синтактик сатҳ бирликларини Оврупо тилшунослигининг ютуқлари асосида чуқур ўрганиш ҳам А.Ғуломов номи билан боғлиқ. У «Ўзбек тилида аниқловчилар» мавзуидаги номзодлик диссертацияси ҳамда бу диссертация асосида майдонга келган худди шу номдаги рисола (Тошкент, 1942), «Ўзбек тилида сўз тартиби» (Тошкент, 1947), «Содда гап» (Тошкент, 1948 – 1955) сингари рисоалари билан ўзбек илмий синтаксиси пойдеворини яратди.

Шундан сўнг А.Н.Кононовнинг «Ўзбек тили грамматикаси» (Тошкент, 1948) асарининг рус тилида нашр этилиши ва унда ўзбек тилининг барча сатҳлари, жумладан, синтактик сатҳ бирликларининг ҳам тадқиқ этилиши ўзбек тили синтаксисига кенг илмий жамоатчилик диққатининг жалб этилишига туртки бўлди.

40-йилларга келиб синтаксисга эътиборнинг қаратилиши бежиз эмасди. 30 – 40-йиллардан собиқ шўролар даврида авж олган марризм таълимоти тилшуносликни ҳам сиёсийлаштиришга интилди ва морфологияни буржуача ёндашув деб баҳолаб, асосий эътиборни синтаксисга қаратди. Шу даврда Н.Я.Марр назарияси таъсирида бўлган ва И.И.Мешчаниновнинг марризм руҳидаги асарларидан илҳомланган ёш тадқиқотчи А.Ғулом бу ҳақда куйидагиларни ёзади: «...Ҳинд-оврупо тил билими формал метод билан ишлайди ва ўз диққатини фонетика ва морфологияга бериб, сўз масаласини иккинчи даражали ўринга иргитади, семантика ҳодисаларини мутлақо ҳисобга олмайди. Янги тил билими... грамматика бўлимларининг янги схемасини беради: бу схема бўйича морфология боби йўқолиб, унинг сўз ясаши бўлими лексикага, сўз ўзгариши баҳси синтаксисга ўтади».

Лекин А.Ғуломов кейинчалик бундай қарашга танқидий ёндашди. Морфология ва синтаксисни грамматикани ўзаро боғлиқ ва бир-бири билан тенг ҳуқуқли икки бўлими сифатида эътироф этиб, бутун илмий фаолияти давомида бунга амал қилди. А.Ғуломов томонидан 1948 йили ёзилган «Содда гап» асари 1963 йили А.Ғуломов ва М.Аскарлова томонидан олий ўқув юртлари ўзбек филологияси факультетлари талабалари учун дарслик сифатида ёзилган «Ҳозирги замон ўзбек тили. Синтаксис» китобига материал бўлиб хизмат қилди. Бу китоб олий ўқув юртлари учун синтаксисдан ёзилган биринчи дарслик бўлиши билан бирга биринчи илмий асар ҳамдир. Шунинг учун у ҳозирги кунгача уч марта қайта ишланиб, тўлдириб нашр қилинди ва асосий дарслик сифатида фойдаланиб келинмоқда. Содда гап синтаксиси ҳақидаги таълимотнинг ривожланишида Ҳ.Комилованинг «Гапда сўзларнинг боғланиши» (Тошкент, 1955), Ғ.Абдурахмоновнинг «Гапнинг ажратилган иккинчи даражали бўлаклари» (Тошкент, 1956), Ҳ.Болтабоеванинг шу

номдаги рисоалари (Фарғона, 1957). Д.Ашурованинг «Гапнинг уюшган бўлаклари» (Тошкент, 1962), А.Сайфуллаевнинг ундалмаларга, кириш ва киритмаларга бағишланган тадқиқотлари, Ф.Убаеванинг «Ҳол» асари, А.Аҳмедовнинг сўроқ гаплар (1965), А.Сафаевнинг бош ва иккинчи даражали бўлаклар, И.Расуловнинг бир составли гаплар, Б.Ўринбоевнинг атов гаплар, сўзлашув нутқи синтаксиси тадқиқига қаратилган асарлари катта хизмат қилди.

Ўз ФА Тил ва адабиёт институти илмий ходимлари томонидан икки жилдли «Ҳозирги ўзбек адабий тили» (Тошкент, 1966) ва икки жилдли «Ўзбек тилининг грамматикаси» (Тошкент, 1975) асарларининг яратилиши ўзбек тилшунослигининг катта ютуғи бўлди. Унда содда гап синтаксиси янги кузатишлар билан тўлдирилди.

Илгари гаплар объектив воқеликни ифодалаш ва предикатив белгисига кўра дихотомик тамойил асосида икки гуруҳга – содда ва кўшма гапларга ажратилган бўлса, кейинги икки асарда гаплар ана шу белгисига кўра политомик тамойил асосида содда, мураккаб ва кўшма гапларга ажратилди. Содда ва кўшма гаплар юқоридаги белгиларга кўра зидланишнинг икки кутбида турса, мураккаб (мураккабланишган) гаплар бу зидланувчилардан ҳар иккисининг муайян белгиларини ўзида намоён этувчи оралиқ ҳолат қилиб кўрсатилади. Бу фикр Ғ.Абдурахмонов томонидан 1971 йили Москвада нашр этилган «Туркий тиллар тузилиши ва тарихи» тўпламидаги «Мураккабланишган гаплар синтаксиси» мақоласида акс этди.

Таъкидлаш кераки, юқорида санаб ўтилган асарларнинг барчасида синтаксиснинг марказий бирлиги бўлган гапнинг асосий белгиси сифатида предикативлик эътироф этилади. Предикативлик рус тилшунослигида атрибутив мантиқ таъсирида шаклланган эга билан кесимнинг муносабати сифатида белгиланди. Гап бўлаклари ҳам предикатив муносабатни ифодалашда иштирок этиш даражасига кўра икки гуруҳга бўлинди: 1) предикатив муносабатда иштирок этадиган бўлаклар; 2) предикатив муносабатда иштирок этмайдиган бўлаклар.

Биринчи гуруҳ гап тузилишининг асоси, зарурий бўлаклари ҳисобланди ва улар бош бўлаклар номи билан юритилди. Атрибутив мантиқда ҳукм аъзолари бўлган субъектга эга, предикатга эса кесим тенглаштирилди. Мантиқда предикат субъектнинг белгисини ифодаловчи қисм сифатида қаралгани учун грамматикада ҳам кесим эганинг белгисини билдирувчи бўлак деб қаралди. Шундан келиб чиққан ҳолда гапда абсолют ҳоким бўлак эга, нисбий ҳоким бўлак (иккинчи даражали бўлакларга нисбатан ҳоким, эгага нисбатан тобе қисм) кесим деб ҳисобланди.

Предикатив муносабат таркибига кирмайдиган бўлаклар гапнинг конструктив бўлмаган, нозарурий, шу сабабли иккинчи даражали бўлаклари саналди.

Бош бўлаклар икки аъзо, икки чўққидан иборат деб қаралгани туфайли бу бўлакларнинг гапда қатнашишига кўра улар икки гуруҳга бўлинди: 1) бир составли гаплар; 2) икки составли гаплар.

Бир составли гапларнинг монографик тадқиқига бағишланган И.Расуловнинг «Ҳозирги ўзбек адабий тилида бир составли гаплар» (1974) номли йирик тадқиқоти дунёга келди.

Гапнинг шаклий тузилиш бирликлари гап бўлаклари рукни остида ўрганилгандан буён гап бўлақларини белгилаш тамойили сифатида бу бирликларнинг гапдаги бошқа синтактик бирликлар билан тобе муносабати белгиланди. Гап бўлаклари фақат тобе муносабат асосидагина аниқланди. Тобе муносабатга киришмайдиган гапнинг синтактик аъзолари гап бўлаклари рукнидан ташқарида қолди. Тенг муносабатдаги бўлақлар ҳам бошқа қайсидир бўлақка тобе муносабатда бўлишига қараб гап бўлаги таркибига киритилди. Натижада гапнинг таркибида иштирок этувчи ва мазмунига кўшимча маъно элтувчи синтактик бирликлар гапнинг синтактик тузилиш бирликлари сирасидан чиқарилди.

Ундалмалар, кириш қурилмалар бўйича узоқ йиллар илмий тадқиқот олиб борган А.Сайфуллаев, уларнинг гап таркибида муайян семантик-функционал қимматга эга бўлишига қарамай, гап бўлаклари саналмаслигига эътироз билдирди, ундалма ва кириш қурилмаларни ҳам гап бўлаклари қаторига киритишга интилди. Гап бўлақларини анъанавий икки даражага бўлишга танқидий ёндашган ҳолда уч даражага ажратишни маъқул кўрди ва кириш қурилмалари, ундалмаларни учинчи даражали бўлақлар сирасига киритишни тавсия этди.

Бу ўзбек тилшунослигида рус тилшунослиги андазалари асосида вужудга келган гапни бўлақларга ажратиш тамойилига илк эътирознинг намойиши эди. Афсуски, шундай катта муаммони кўтариб чиққан А.Сайфуллаев гапни бўлақларга ажратишнинг мавжуд тамойили қандай камчиликларга эга эканини, уни бартараф қилиш йўлларини, қандай тамойилга суянса, зиддият бартараф бўлиши мумкинлигини кўрсатиб беролмади. Лекин мавжуд тамойилга билдирилган эътирознинг ўзи ўзбек тилшунослигида бир воқеа бўлди ва кейинги тадқиқотчиларни бу муаммо бўйича чуқур ўйлашга даъват этди.

«Гап ҳақида синтактик назариялар» китобининг нашр этилиши (Тошкент, 1988) гапда икки чўққили (иккита бош бўлақни эътироф этувчилар) назариянинг келиб чиқиш илдизлари, гапни бўлақларга ажратиш тамойиллари ва унда йўл қўйилган камчиликларни кўрсатиб беришда катта аҳамиятга эга бўлди. Унда туркий тиллар синтактик тузилишида энг муҳим конструктив бўлақ кесим экани, шунинг учун туркий тиллар учун бир чўққили назария мувофиқлиги, гап бўлақларини гапнинг ана шу мазмуний ва грамматик маркази бўлган кесим билан муносабатига қараб белгилаш лозимлиги таъкидланди. Айни пайтда, гап бўлаклари икки даражага эмас, бир неча даражаларга бўлиниши мумкинлиги кўрсатилди.

Ўзбек тили содда гап синтаксисининг такомиллашувида Б.Ўринбоевнинг «Ҳозирги ўзбек адабий тилида вокатив категория» (Тошкент, 1972), Н.Маҳмудовнинг «Ўзбек тилидаги содда гапларда мазмун ва шакл асимметрияси» (Тошкент, 1984) монографиялари катта аҳамиятга эга

бўлди. Бу асарлар ўзбек тили синтаксисини янгича қарашлар, янги йўналишлар билан бойитди.

Ўзбек тили содда гап синтаксиси шаклланиши ва тараққиётида А.Ғуломов хизмати қанчалик катта бўлса, қўшма гап синтаксиси шаклланиши ва тараққиётида академик Ғ.Абдурахмонов ва профессор М.Асқарованинг хизмати шунчалар улуғдир.

Ўзбек тилининг қўшма гапларига доир илк асар Ҳ.Ғозиевга мансуб. У 1941 йили «Ҳозирги замон ўзбек тилида эргашган қўшма гапларнинг состави» номли асари билан ўзбек тилшунослигида қўшма гап синтаксисини ўрганишни бошлаб берди. 1955 йили Фахри Камол «Қўшма гапларга доир масалалар» китобини нашр этди ва унда қўшма гапларнинг мақоми, уларнинг таснифи ҳақида дастлабки маълумотлар берди.

Туркологияда қўшма гапларга доир яратилган энг сара асарларни чуқур таҳлил этган ва уларга танқидий ёндашган ҳолда Ғ.Абдурахмонов «Қўшма гап» (Тошкент, 1957), «Қўшма гап синтаксиси асослари» (Тошкент, 1958), «Қўшма гап синтаксиси» (Тошкент, 1964), М.Асқарова «Ҳозирги замон ўзбек тилида қўшма гаплар» (Тошкент, 1960), «Ўзбек тилида эргашиш формалари ва эргаш гаплар» (Тошкент, 1966) сингари китобларини нашр этиб, ўзбек тили қўшма гап синтаксисининг илмий асосларини яратиб бердилар.

Қўшма гап қисмларининг ўзаро семантик, грамматик, интонацион муносабатларига кўра Ғ.Абдурахмонов томонидан қўшма гаплар уч гуруҳга бўлинади: 1) боғланган қўшма гаплар; 2) эргаш гапли қўшма гаплар; 3) боғловчисиз қўшма гаплар.

М.Асқарова эса қўшма гап қисмларининг мазмун муносабати, тузилиши ва боғланиш йўллари хилма-хил эканини кўрсатиб, ана шу белгига кўра қўшма гапларни дастлаб икки гуруҳга бўлади: 1) боғланган қўшма гаплар; 2) эргашган қўшма гаплар. Боғловчисиз қўшма гапларни эса юқоридаги икки турнинг «ўткинчи тип» сифатида ажратади.

Ҳар икки муаллиф ҳам қўшма гапларни икки ва ундан ортиқ содда гапларнинг мазмуний ва грамматик муносабатидан ташкил топган бутунлик сифатида эътироф этади. Қўшма гап таркибидаги содда гапларни белгилашда эса қисмларнинг таркибидаги эга ва кесим муносабати эътиборга олинади.

Қўшма гап таркибидаги содда гапларни белгилашда боғланган ва боғловчисиз турида қийинчилик туғилмаса ҳам, лекин эргашган қўшма гапларда эргаш гапларнинг гап ёки гап эмаслигини белгилаш осон эмасди. Шунинг учун ҳам Ғ.Абдурахмонов эргашган қўшма гаплар билан содда гапларни фарқлаш асослари ҳақида қуйидагиларни ёзади: «Эргаш гапни ҳам гап деб тушунар эканмиз, эргаш гап ҳам гапнинг ўзига хос хусусиятларини ўзида акслантириши керак. Эргаш гап маълум фикр тугаллигини ифодалаш, предикативлик хусусиятига эга бўлиши ва модал муносабатларни ифодалаш шарт. Эргаш гап ўз таркибида эга ва кесимга эга бўлгандагина гапнинг асосий белгиларини ўзида ифодалай олади. Таркибида ўз эгаси бўлмаган синтактик конструкциялар сўз бирикмаси маълум бир синтактик оборот бўлиб қолади».

Эргаш гапларни аниқлашдаги бу тамойил ўзбек тилшунослигининг таянч нуқтаси бўлиб қолди. Лекин ўзбек тилшунослигига бир чўққили назариянинг кириб келиши эргаш гапларни белгилаш тамойилига ҳам ўзгариш киритди. Икки чўққили назарияда эргашган қўшма гапларни содда гаплардан фарқлашда эргаш гапнинг ўз эгаси бор ёки йўқлиги белгиси асосий таянч нуқта ҳисобланади. Кесимнинг кесимлик белгисига эга бўлиши ёки бўлмаслиги эътиборга олинмайди. Бу эса кейинчалик эргашган қўшма гаплар бўйича мутахассислар ўртасида анчагина баҳсларнинг туғилишига сабабчи бўлди (Бу ҳақда мустақиллик даври ўзбек тилшунослиги бўлимида маълумот берилди).

Шунингдек, ўзбек тили қўшма гаплар синтаксиси такомиллашувида А.Бердиалиев, Н.Турниёзовнинг ҳам хизматларини таъкидлаш жоиз.

70 – 80-йилларда жаҳон тилшунослигида матн лингвистикасининг ривожланиши ўзбек тилшунослигига ҳам таъсир этди ва ўзбек тилшунослигида ҳам А.Мамажонов, М.Тўқсоновларнинг матн лингвистикасига ва матннинг услубий хусусиятларига бағишланган монографик тадқиқотлари вужудга келди. Шундай қилиб, ўзбек синтактик таълимотининг шаклланиши ва ривожланишида А.Ғуломов, Ғ.Абдурахмонов ва М.Асқаровалар катта хизмат қилди. Улар томонидан ўзбек тили синтаксисининг пойдевори яратилди.

А.Нурмонов, Н.Маҳмудов, А.Бердиалиевлар эса узтозлар меросини ривожлантирган ҳолда ўзбек тили синтаксисига системавий-структур усулни олиб кирди.

Мустақиллик даври ўзбек тилшунослиги бошлангунга қадар синтактик бирликларни умумийлик-хусусийлик диалектикаси асосида тил ва нутқ дихотомиясини эътиборга олган ҳолда лингвистик оппозицияларга таяниб ўрганилар. Синтактик моделларни белгилаш муаммоларини ўртага қўйдилар.

Туркий тилларда гапнинг мазмуний ва конструктив маркази кесим эканини, гапнинг эгаси ҳам кесим орқали белгиланиши ва унга тобе эканини, гап бўлақларини гапни гап қилиб туришдаги зарурий ва факультативлик белгисига кўра бир неча даражаларга бўлиш мумкинлигини кўрсатиб бердилар.

ЎЗБЕК ДИАЛЕКТОЛОГИЯСИНING ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ

Ўзбек маҳаллий шеваларини ўрганишда «Чиғатой гурунги» олға сурган ғоя катта хизмат қилди. Бунга кўра «тилимизнинг адабийлиги арабийлигида эмас, ўзидадир, шуни тиргузмак», «тилимиз қоидаларини татарча ёхуд усмонлича эмас, тилимизнинг ўзидан олмоқ» керак эди. Шунинг учун «халқ оғзида юрган сўзларни, халқ адабиёти бўлгон эртаклар, мақоллар йиғиб текширмак лозим» деган қарорга келади. Натижада жонли халқ тилининг ўзига хос хусусиятларини ўрганишга бел боғланади.

Ана шундай ҳаракат туфайли Ғози Олим Юнусовнинг «Алпомиш» достони (1923), «Алла» тўғрисида бир-икки оғиз сўз» (1926) каби мақолалари; «Ўзбек уруғларида қатағонлар ва уларнинг тили» (1930), «Ўзбек лаҳжаларининг таснифидан бир тажриба» (1936) сингари рисоалари эълон қилинди.

Шунингдек, маҳаллий ўзбек шеваларини ўрганиш ва ўзбек диалектологиясининг фан сифатида шаклланишида Е.Д.Поливанов алоҳида ўрин эгаллайди. Унинг бир неча тилларни билиши, эшитиш қобилиятининг ўта кучлилиги ҳар бир тилнинг маҳаллий шеваларидаги фарқли нуқталарни бир эшитишда илғаб олиш имконини берди. Улкан назарий билимга эгаллиги эса тўпланган материаллардан катта назарий умумлашмалар чиқариш имкониятини яратди.

Унинг «Тошкент диалектининг товуш таркиби» (1922), «Тошкент диалектидан фонетик ёзув намуналари» (1924), «Шовот тумани Қиёт-қўнғирот қишлоғи шеvasи» (1934), «Ўзбек диалектологияси ва ўзбек адабий тили» (Тошкент, 1935) каби асарлари ўзбек диалектологиясининг шаклланиши учун асос бўлиб хизмат қилди.

Шунингдек, И.К.Юдахин, А.К.Боровков, В.В.Решетовлар Ғози Олим Юнусов ва Е.Д.Поливановлар асос солган шевашунослик илмининг ривожига ўз ҳиссаларини қўшдилар.

К.К.Юдахиннинг «Қорабулоқ шеvasининг айрим хусусиятлари» (1927), «Чиғатой тили фонетик таркиби ҳақидаги масалалар юзасидан материаллар» (1929); А.К.Боровковнинг «Умлаутли» ёки «уйғурлашган» ўзбек шевалари тавсифига доир» (1946), «Ўзбек шевалари таснифи масалалари» (1953) каби асарлари ўзбек диалектологиясини янги материаллар билан бойитди.

Ўзбек шеваларини тасниф ва тадқиқ этишда, айниқса, В.В.Решетов ва Ш.Шоабдурахмоновларнинг хизматлари катта. В.В.Решетов «Ўзбек тилининг Марғилон шеvasи» (1941), «Ўзбек тилининг Наманган шеvasи ҳақида» (1953) каби мақолалари, «Тошкент вилояти қурама шевалари. Фонетик ва морфологик система» (1952) монографияси; Ш.Шоабдурахмоновнинг «Ўзбек адабий тили ва халқ шевалари» китоблари ўзбек диалектологияси ривожига ва унинг фан сифатида ўқитилишида катта воқеа бўлди.

Икки жилдли «Ўзбек диалектологиясидан материаллар» (I жилд, 1957; II жилд, 1961) асарларининг майдонга келиши, Ф.Абдуллаевнинг «Хоразм шеvasи» (Тошкент: Фан, 1961), «Хоразм шевалари фонетикаси» (Тошкент, 1967); М.Мирзаевнинг Бухоро ўзбек шевалари, С.Иброҳимовнинг Андижон шеvasи тадқиқига бағишланган асарлари, Х.Дониёровнинг «Желашган диалектларни ўзбек адабий тилига қиёсан ўрганиш тажрибаси» (Тошкент: Фан, 1975) А.Шерматовнинг Қашқадарё шеваларига, А.Алиевнинг Наманган шеваларига, Б.Жўраевнинг Шаҳрисабз шеvasига, А.Ишаевнинг манғит шеvasига, Н.Ражабовнинг ўзбек халқ шеваларида феълнинг морфологик тузилишига, М.Носировнинг Қўқон шеvasига, Қ.Муҳаммаджоновнинг Жанубий Қозоғистон ўзбек шеваларига бағишланган тадқиқотлари ўзбек

диалектологиясини юқори чўққига олиб чиқди.

Ўзбек диалектологиясининг кенг фронт бўйлаб раванқ топиши ўзбек тилини лингвистик карталаштириш имкониятини яратди. Шунингдек, лингвогеографик ва ареал тадқиқотлар олиб боришга қулай шароит туғдирди. А.Шерматовнинг лингвогеографияга, Б.Жўраевнинг ареал лингвистикага доир тадқиқотларининг дунёга келиши ўзбек тилшунослигининг катта ютуғидир.

ДИАХРОН ТИЛШУНОСЛИК. ТИЛ ТАРИХИ ВА ТАРИХИЙ ГРАММАТИКА

Борлиқдаги барча нарса ва ҳодисалар доимо ўзгаришда, ривожланишдадир. Бундан алоқа воситаси бўлган тил ҳам мустасно эмас. Тилдаги ана шу диалектик тараққиётни эътиборга олган Ф.де Соссюр уни икки ҳолатда: 1) синхрон ва 2) диахрон аспектда ўрганишни тавсия этганди.

Синхрония узлуксиз ривожланишда, ўзгаришда бўлган маълум тилнинг муайян бир даврдаги ҳолатини, тарихий узлуксиз ривожланиш занжирининг бир халқасини акс эттиради. Шунинг учун ҳар қандай статика (синхрония) динамиканинг бир узви саналади.

Ўзбек тилини синхрон планда ўрганарканмиз, унинг узлуксиз жараёндан «узиб» олиниши нисбий характерга эгадир. Ўзбек тилининг ҳозирги ҳолати аждоқларимиз фойдаланиб келган умумхалқ тилининг давоми, айти пайтда, келажак авлодга ҳам ўтиб бораётган умумий жараёндир. Шундай экан, маълум бир тилни синхрон ҳолатда ўрганиш қанчалик зарур бўлса, унинг тарихий тараққиётини ўрганиш ҳам шунчалик катта аҳамиятга эгадир. Шунинг учун ўзбек тилини синхрон ўрганиш билан биргаликда диахрон тадқиқотлар ҳам олиб борилди. Бу соҳада С.Муталлибов, Ғ.Абдурахмонов, А.Рустамов, А.М.Шчербак, С.Н.Иванов, О.Усмон, Ш.Шукуров, Э.Умаров, Б.Ҳасанов, Ҳ.Неъматов, Э.Фозилов, Ҳ.Дадабоев, А.Матғозиев, С.Аширбоев, Б.Бафоев, Қ.Маҳмудов, Қ.Каримов, Ф.Исҳоқов, М.Қодиров каби олимларнинг хизматлари катта.

Маълум бир тилнинг тарихий грамматикасини ва тарихини яратиш фақат шу тилга доир ёзма манбаларни чуқур ўрганиш орқалигина амалга оширилиши мумкин. Шунинг учун 50 – 60-йиллардан бошлаб қадимги турк ва эски ўзбек тилига доир ёзма манбаларни нашр қилишга, бу манбаларнинг тил хусусиятини ўрганишга эътибор қаратилди.

Аввало, Алишер Навоийнинг «Муҳокамат ул-луғатайн» асари тадқиқига бағишланган Олим Усмоннинг монографияси ўзбек тили ва тилшунослик тарихини ўрганишда катта воқеа бўлди. Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғатит турк» асари уч жилдининг таржима қилиниши (1960 – 1963), бу асарнинг индекс-луғатининг алоҳида жилд сифатида нашр этилиши фақат ўзбек тилшунослигинигина эмас, балки бутун туркология фанининг ютуғи бўлди.

Қ.Маҳмудов томонидан Аҳмад Югнакийнинг «Ҳиббат ул-хақойик»,

Қ.Каримов томонидан Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» асарларининг нашр этилиши, бу асарлар тил хусусиятларининг ўрганилиши ўзбек тили тарихий фонетикаси, морфологиясининг шаклланишида катта хизмат қилди.

А.К.Боровковнинг «Ўрта Осиё тафсири лексикаси» асарини ўз ичига олган «Эски ўзбек тили очерклари» китоби (М.-Л., 1958), А.Н.Кононов томонидан Абулғози Баҳодирхоннинг «Шажараи тарокима» (М.-Л., 1958), С.Н.Иванов томонидан «Шажараи турк» (Тошкент, 1960), Ф.Исҳоқов томонидан Гулханийнинг «Зарбулмасал» асарларининг нашр этилиши ва бу асарларнинг тил хусусиятларининг тадқиқ этилиши ўзбек тили тарихини ўрганишда катта аҳамиятга эга бўлди.

С.Муталлибовнинг X – XI асрлардаги туркий обидалар тили лексикаси ва морфологиясига, А.Рустамовнинг Алишер Навоий асарларининг лингвистик тадқиқига бағишланган монографияларининг дунёга келиши ўзбек тили тарихий лексикаси ва морфологиясининг шаклланишига хизмат қилди. Феъл шакллари тарихий тараққиётга бағишланган Ш.Шукуровнинг илмий ишлари, кўшма гапларнинг ва ўзбек тили фонетикасининг тарихий тараққиётга бағишланган Ғ.Абдурахмоновнинг тадқиқотлари, Э.Фозиловнинг «Эски ўзбек тили морфологияси» (Тошкент, 1965), «Эски ўзбек тили. XIV аср Хоразм ёдгорликлари» (Тошкент, 1967), Ш.Шукуровнинг «Ўзбек тилида феъл майллари тарихи» (Тошкент: Фан, 1980), «Ўзбек тилида феъл замонлари тарихи» (Тошкент, «Фан», 1976), А.Матғозиев, Э.Умаров, Ҳ.Дадабоев, С.Аширбоев, М.Қодировларнинг эски ўзбек тили фонетикаси, лексикаси, грамматикаси бўйича қатор тадқиқотлари ўзбек тилининг тарихий грамматикасини яратишга замин ҳозирлади.

Юқорида баён қилинган асарлардан танқидий фойдаланган ҳолда Ғ.Абдурахмонов ва Ш.Шукуровлар томонидан «Ўзбек тилининг тарихий грамматикаси» асарининг яратилиши ўзбек тилини диахрон ўрганишни юқори чўққига олиб чиқди.

Шунингдек, ўзбек тилшунослари қадимги ва эски турк тили бўйича ҳам илмий тадқиқот ишлари олиб бордилар. Ғ.Абдурахмоновнинг «XI аср эски туркий тил синтаксиси бўйича тадқиқотлар» китобининг Москвада нашр этилиши (1973), Ғ.Абдурахмонов, А.Рустамовларнинг «Қадимги туркий тил» (Тошкент, 1982) китобларининг нашр қилиниши ўзбек туркийшунослигини янги босқичга кўтарди.

ЎзФА илмий ходимлари томонидан «XIII – XIV асрлар туркий адабий ёдгорликлар тили» (Тошкент, 1986) номли китобининг нашр қилиниши ўзбек тили тарихини янги материаллар билан бойитди.

Ҳ.Неъматов эса ўзбек тили тарихини ўрганишга формал-функционал методни олиб кирди.

УСЛУБШУНОСЛИК ВА НУТҚ МАДАНИЯТИ

Ўзбек тилининг ички тузилиш хусусиятини ўрганиш билан бирга 50-йиллардан унинг услубиётини ўрганишга ҳам эътибор қаратила бошланди.

Бундай ҳаракат бошида ҳам А.Ғуломов ва Ш.Шоабдурахмоновлар турди. А.Ғуломов 1941 йили нашр этган «Ўзбек тилида келишиклар» асарида халқ дostonларида келишикларнинг ишлатилишидаги ўзига хос хусусиятларга кенг тўхталган бўлса, Ш.Шоабдурахмоновнинг «Равшан» дostonининг тили ва услуби» (1949) мавзуидаги номзодлик диссертацияси аynи шу муаммога бағишланган дастлабки монография саналади. Ўшандан буён ўзбек тилининг турли функционал услубларининг монографик тадқиқига бағишланган ўнлаб асарлар майдонга келди. Улар ичида И.Кўчқортоевнинг «Бадиий нутқ стилистикаси» (1975), А.Шомақсудов, И.Расулов, Р.Қўнғуров, Ҳ.Рустамовнинг «Ўзбек тили стилистикаси», Р.Қўнғуровнинг «Ўзбек тили стилистикасидан очерклар» (1982), А.Шомақсудовнинг «Ўзбек адабий тили стиллари ҳақида» (1970), «Ўзбек тили стилистикаси», (1974), Б.Ўринбоевнинг «Ўзбек тили сўзлашув нутқи синтаксиси масалалари» (1974), «Сўзлашув нутқи» (1982), А.Мамажоновнинг кўшма гап стилистикасига бағишланган бир қанча асарлари, М.Раҳмоновнинг «Туркистон вилояти газетаси» тили синтактик хусусияти» (1971), Б.Турдиалиевнинг газета тили морфологик хусусиятларига (1969), Б.Йўлдошев, С.Каримовнинг бадиий услуб, Б.Умркуловнинг публицистик услубга, Ё.Тожиевнинг аффикслар услубиётига бағишланган тадқиқотлари ўзбек тили стилистикасининг такомиллашишига олиб келди.

И.Тошалиевнинг «Ўзбек тили услубиёти» (Тошкент: Университет, 1996), «Адабий таҳрирнинг мантикий асослари» (Тошкент: Университет, 1999), Э.Қиличевнинг «Ўзбек тилининг амалий стилистикаси» (Тошкент: Ўқитувчи, 1992), А.Шомақсудов, И.Расулов, Р.Қўнғуров, Ҳ.Рустамовларнинг «Ўзбек тили стилистикаси» ўқув кўлланмасининг нашр этилиши (1984) олий ўқув юртлари филология факультетларида услубиёт фанининг ўқитилишини яхшилашга имконият яратди.

Ўзбек бадиий нутқида қофиянинг ўрни, унинг лингвистик тадқиқи юзасидан И.Мирзаевнинг хизмати катта бўлди.

Ўзбек тили услубиёти бағрида нутқ маданияти шакллана бошлади. Ўзбек нутқ маданиятининг шаклланишида проф. Э.Бегматовнинг хизматларини алоҳида таъкидлаш лозим. Унинг раҳбарлигида ёзилган «Ўзбек нутқ маданияти» очерклар китобида (1988) нутқ маданияти курсининг ўрганиш объекти, мундарижаси, мақсад ва вазифалари назарий жиҳатдан асослаб берилди.

МУСТАҚИЛЛИК ДАВРИ ЎЗБЕК ТИЛШУНОСЛИГИ ДАВЛАТ ТИЛИ ҲАҚИДАГИ ҚОНУН ВА УНИНГ ТАРИХИЙ АҲАМИЯТИ

XX асрнинг 90-йиллари тарихимиз занжирининг олтин ҳалқаси бўлиб қолди. Халқимизнинг асрий орзу-умиди рўёбга чиқди. Шўролар империяси ич-ичидан чириди ва 80-йиллар ўрталаридан зиёлиларимизда миллий ифтихор, ўз-ўзини англаш ҳисси кучая бошлади. Миллий анъаналарни,

миллий маданиятни тиклаш, миллий тил обрў-эътиборини кучайтириш муаммолари кўтарила бошланди. Бундай ҳаракатга собиқ империя ён беришга мажбур бўлди.

1989 йил 21 октябрда ўзбек тилининг Ўзбекистон Республикаси давлат тили сифатида расмий эълон қилиниши ўша давр учун катта тарихий воқеа бўлди. Ана шу қонуннинг чиқиши тилимизнинг рус тили таъсири доирасида сиқилиб, фақат кўча-кўйда ва оилада фойдаланиладиган иккинчи даражали бир тилга айланиб қолиш хавфига чек қўйди.

Ўзбек тили олий даражадаги давлат анжуманларида қўлланиладиган, давлатнинг расмий ҳужжатлари юритиладиган, ривожланиш истиқболи қонун билан белгиланган тилга айланди.

Ана шу нуқтаи назардан бу қонуннинг тарихий аҳамияти каттадир.

Давлат тили ҳақидаги қонун қабул қилингандан икки йил ўтгач республикамиз ўз истиқлолини қўлга киритди. Мустақил республикамизни бир юз йигирмага яқин давлат тан олди. Уларнинг кўпи билан дипломатик муносабатлар ўрнатилди. Ўзбекистон БМТга қабул қилинди. Буларнинг ҳаммаси жумҳуриятимизнинг жаҳон ҳамжамияти ўртасидаги обрў-эътиборини оширди. Ўзбек деган миллат ва унинг миллий тили жаҳон жамоатчилигининг диққатини тортди. Ана шундай шароитда мустақилликни қўлга киритгунга қадар қабул қилинган қонуннинг кўп моддалари ўз кучини йўқотди ёки таҳрирталаб бўлиб қолди. Шунинг учун мавжуд қонунни ислоҳ қилиш зарурати туғилди. Натижада 1995 йил 21 декабрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг IX сессияси «Давлат тили ҳақида»ги Қонуннинг янги таҳририни қабул қилди.

Янги таҳрирдаги қонуннинг муҳим жиҳати шундаки, бунда ўзбек тилининг бугунги жаҳон ҳамжамиятидаги мавқеи ҳисобга олинди. Масалан, собиқ Иттифоқ таркибида бўлганда Ўзбекистоннинг бошқа мамлакатлар билан дипломатик муносабатлар олиб бориши хаёлий бир нарса эди. Бугун эса бу нарса оддий ҳақиқатга айланди. Худди ана шу воқелик қонуннинг 23-моддасида ўз ифодасини топди. Унда Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартнома матнлари давлат тилида ёзилиши таъкидланади. Бу модда ўзбек тилининг жаҳон миқёсида расмий давлат тили сифатида нуфузининг кўтарилишини таъминлади.

Янги таҳрирдаги қонунда Ўзбекистон Республикасининг демократик, тинчликсевар сиёсати аниқ ўз ифодасини топган. Ўзбек тили Ўзбекистон Республикасининг давлат тили сифатида тан олинаркан, бу республика ҳудудида бошқа тилларнинг фаолият кўрсатишига, ривожланишига, Ўзбекистонда яшовчи барча миллатлар ва элатларнинг ўз она тилларида алоқа қилишларига монелик қилмаслиги (2-модда), уларнинг тилларида мактаб-маориф ва маданий муассасалар (5-модда), ноширлик, почта-телеграф, нотариал идоралар, телевидение ва радио бемалол фаолият кўрсатишлари қафолатланган. Бошқа миллат ва элатларнинг тилларига ҳурмат билан муносабатда бўлиш, бу тилларни ривожлантириш учун шарт-шароит яратиш (4-модда) таъкидланади.

Бошқа миллат вакиллари учун ўз она тилларида ўрта мактабни битиргач олий ва ўрта махсус ўқув юртларида ҳам ўз тилларида ўқиш имконияти яратилади (6-модда). Шунингдек, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва жамоат бирлашмаларида иш юритиш, ҳисоб-китоб, статистика ва молия хужжатлари давлат тилида юритилиши баён қилингани ҳолда ишловчиларнинг кўпчилиги ўзбек тилини билмайдиган жамоаларда бошқа тилларда ҳам амалга оширилиши кўрсатилади (10-модда).

Собиқ Иттифокдан ажралиб чиққан айрим мамлакатларда, хусусан, Болтиқбўйи республикаларининг давлат тили ҳақидаги қонунларида республика ҳудудида яшаётган барча фуқароларнинг фақат давлат тилидагина ариза, шикоятлар билан мурожат қилишлари қайд этилади. Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги қонунида эса бу масала жуда демократик йул билан ҳал қилинган. Ўзбекистон ҳудудида яшаётган бошқа миллат вакиллари давлат тилини билмаса, ўз она тилларида мурожаат қилиши мумкинлиги белгиланади (14-модда).

Давлат тили ҳақидаги қонун қабул қилинаётган пайтда вақтли матбуотда бир қатор байналмилал атамаларни тилимиздан қувиб чиқариш, уни араб ёки форс-тожик тилидаги муқобили билан алмаштириш тенденцияси кучайди. Масалан, *радио* ўрнига *овознигор*, *самолёт* ўрнига *тайёра*, *аэропорт* ўрнига *тайёрагоҳ*, *институт* ўрнига *олийгоҳ*, *район* ўрнига *ноҳия*, *студент* ўрнига *илмжў* ва бошқалар. Атамаларни алмаштириш шу даражага етдики, ҳатто мутахассисларнинг ўзлари ҳам янги қўлланаётган атамаларни қайси тушунча учун ишлатилаётганини изоҳлашга қийналиб қолди.

Ана шундай шароитда атамаларни тартибга солиш эҳтиёжи туғилди. Шунинг учун Вазирлар Маҳкамаси қошида Атамашунослик қўмитаси тузилди. Янги тавсия этилаётган атамалар атамақўм тасдиғидан ўтгандан сўнггина ҳаётга йўлланма оладиган бўлди. Ўзбек тилининг янги атамалар билан бойиб бориш йўли янги таҳрирдаги қонунда аниқ ифодасини топди. Еттинчи моддасида янги атамалар жамоатчилик муҳокамасидан ўтгандан кейин ва Олий Мажлиснинг тегишли қўмитаси розилиги билан ўзбек тилига жорий этилиши белгиланади.

Янги таҳрирдаги қонуннинг яна бир муҳим томони шундаки, моддалар сони қисқартирилган. Олдингиси ўттиз моддадан иборат бўлган бўлса, янги таҳрирдаги қонунда айрим ўз кучини йўқотган моддалар чиқариб ташланган.

Янги таҳрирдаги қонуннинг 9-моддасида давлат ҳокимияти ва бошқарув органларида иш давлат тилида юритилиши таъкидланади. Ўзбекистон Республикасининг олий даражадаги анжуманлари давлат тилида олиб бориляпти. Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари раҳбарлари турли даражадаги йиғилишларда давлат тилида чиқишлар қилишлари одат тусига кириб қолди. Ҳар бир раҳбар халқ олдида давлат тилида ҳисоб бермоқда. Бу эса ҳар қайси раҳбар олдида давлат тилини етарли даражада билиш талабини қўймоқда.

Кўриниб турибдики, янги таҳрирдаги «Давлат тили ҳақида»ги Қонун эски қонуннинг оддий таҳрири эмас, балки бугунги тарихий-ижтимоий

шароитни ҳисобга олган ҳолда янги мазмун билан бойитилган янги қонундир. У Ўзбекистон фақат ўзбекларники эмас, бу юртда яшаётган, шу юрт ривожини, истиқболи учун жон куйдираётган барчаники тамойилига амал қилади. Шунинг учун ҳам бу қонун Ўзбекистон Республикасида яшовчи барча халқларнинг манфаатларига мос келадиган энг демократик, энг халқчил қонундир.

МУСТАҚИЛЛИК ДАВРИДА ЎЗБЕК ТИЛШУНОСЛИГИ ЭРИШГАН ЮТУҚЛАР

Мустақиллик маънавий ҳаётимизда туб бурилиш даврини бошлади. Онгимизда асрлар давомида сингиб қолган мутелик психологияси ўрнига эркинлик, ижодкорлик, фидокорлик психологияси пайдо бўлди. Миллий кадриятларимизни, маънавий анъаналаримизни тиклаш ҳаракати бошланди.

Аждодларимиз қолдирган бой маданий меросга меҳр-муҳаббат билан ёндашиш, уларни жаҳон тамаддунига қўшган ҳиссаларини холисона баҳолаш, дунё маданияти ривожланишида аждодларимиз ҳиссаси катта эканидан фахр-ифтихор ҳиссини туйиш психологияси вужудга келди.

Ана шундай шароитда тилшунослик фанида ҳам тилимизнинг ўзига хос хусусиятларини чуқур ва объектив ёритиш, собиқ шўролар даврида фан методологиясига айланган ва объектга бир томонлама ёндашувчи марксистик таълимот занжиридан қутулиш ва оламни билишга бағишланган дунёнинг энг яхши фалсафий таълимотларидан, биринчи навбатда, Шарқ фалсафий таълимотидан фойдаланиш ҳаракати бошланди. Собиқ шўролар даврида «буржуа фани», «марксистик методологияга ёт таълимот» ҳисобланган системавий-структур тилшунослик мустақиллик шарофати билан кенг миқёсда кириб кела бошлади. Натижада рус тилшунослиги андазаларидан қутулиш, ана шу андазалар асосида ўзбек тилшунослигига кириб қолган бир қатор лингвистик тушунчалардан холи бўлиш имкони яратилди.

Мустақилликнинг илк кунларидан бошлабқ тилнинг барча сатҳ бирликларини системавийлик тамойиллари асосида қайта ўрганиб чиқиш ҳаракати бошланди. Ана шундай ҳаракат туфайли ўзбек тили фонологик тизимини лингвистик зидланишлар асосида ўрганувчи ва фонемаларни фарқловчи (дифференциал) ва бирлаштирувчи (интервал) белгилар мажмуаси сифатида эътироф этувчи А.Нурмоновнинг «Ўзбек тили фонологияси ва морфонологияси» (Тошкент, 1992), А.Абдуазизовнинг «Ўзбек тилининг фонологияси ва морфонологияси» (Тошкент, 1994) асарлари майдонга келди. Бу асарларда имконият, моҳият, инвариант саналувчи фонема билан унинг бевосита нутқ жараёнида вариантлар орқали намоён бўлиши ўртасидаги муносабат, яъни инвариант ва вариант муносабати изчил равишда эътиборга олинди. Мустақиллик шароитида ўзбек тили лексикологиясида ҳам катта муваффақиятлар қўлга киритилди. Э.Бегматовнинг кўп йиллик изланишлари натижаси бўлган «Ўзбек исмлари» китобининг дунёга келиши ўзбек ономастикасининг улкан ютуғидир. Ҳ.Неъматов ва Р.Расуловларнинг «Ўзбек

тили систем лексикологияси асослари» китобининг нашр этилиши фақат ўзбек тилшунослигида эмас, балки бутун туркийшуносликда катта воқеа бўлди.

Ўзбек тили морфологиясига ҳам системавийлик тамойиллари дадил олиб кирилди. Грамматик шакл ва грамматик категориялар ўртасидаги муносабат, грамматик шаклнинг ўзига хос ифодаланиш йўллари, грамматик категорияларнинг тил тизимидаги ўрни каби масалалар жаҳон тилшунослиги кўлга киритган ютуқлар асосида ўрганила бошланди.

Собиқ шўролар даврида кўлга киритилган ютуқлар ва йўл қўйилган камчиликлар сарҳисоб қилинди ва камчиликларни бартараф этиш йўлларини кидириш ҳаракати бошланди. О.Бозоровнинг лисоний бирликлар парадигмасида даражаланиш муносабатига бағишланган монографияси, Ж.Элтазаровнинг «Сўз туркумлари ҳақидаги назариялар» (1996), Ш.Шаҳобиддинованинг «Ўзбек тили морфологияси умумийлик-хусусийлик диалектикаси талқинида» (2000), муаллифлар гуруҳининг «Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. Морфология» (2001) асарларининг дунёга келиши мустақиллик берган ҳурфикрлик нишонасидир.

Ўзбек тили синтаксисини системавий ўрганишга жиддий эътибор берилди. Ўзбек тили синтаксисининг системавий тадқиқи икки йўналишда олиб борилди: формал-семантик ва формал-функционал. Ҳар икки йўналиш ҳам ўзбек тилининг ички тузилишини объектив ўрганишда катта мувафакқиятларга эришмоқда.

Биринчи йўналиш бўйича Н.Маҳмудов ва А.Нурмоновларнинг «Ўзбек тилининг мазмуний синтаксиси», (Тошкент: Фан, 1992), «Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. Синтаксис» (Тошкент, 1995), С.Маҳаммадқуловнинг «Ўзбек тилида предикатив синтагма трансформацияси» (Тошкент, 1998) каби асарлари, М.Ҳакимовнинг матн прагматикаси талқинига бағишланган докторлик диссертацияси; иккинчи йўналиш бўйича Р.Сайфуллаеванинг кўшма гапларнинг формал-функционал талқинига доир қатор тадқиқотлари, М.Қурбонованинг «Ўзбек тилида формал-функционал йўналиш ва содда гап қурилишининг талқини» мавзусидаги докторлик диссертацияси ва бошқа бир қатор номзодлик диссертациялари майдонга келди. Бу тадқиқотлар ўзбек тилшунослигини янги поғонага олиб чиқди.

Ҳар икки йўналиш тарафдорларининг умумий томонлари шундаки, уларнинг барчаси тилнинг системавийлиги тамойилига асосланади.

Ҳар икки йўналиш тарафдорлари гапнинг конструктив марказий бирлиги сифатида кесимни эътироф этади. Гапнинг бошқа узвлари шу марказий бўлакнинг мазмуний ва грамматик валентликлари асосида белгиланади.

Ҳар икки йўналиш синтактик моделлар ва уларнинг нутқий жараёндаги турлича гавдаланиши ўртасидаги муносабатларни ёритишга эътибор беради.

Бу икки йўналиш ўртасидаги фарқ фақат мазмун-муносабатдадир. Биринчи йўналиш тарафдорлари шакл ва мазмун муносабатига жиддий эътибор қаратса, иккинчи йўналиш вакиллари лингвистик бирликларнинг

шакл ва вазифасига кўпроқ диққатни жалб қиладилар.

Шакл ва мазмун муносабатини тадқиқ этиш жараёнида шакл ва мазмун бирликлари ўртасидаги мутаносиблик (симметрия) ва номутаносиблик (асимметрия), тағбилим ва тағмаъно, мазмуний синкретизм, синтактик трансформация, синтактик омонимия ва синонимия, коммуникатив бўлиниш ва улар ўртасидаги муносабатлар атрофлича ёритиб берилди.

Шаклий-вазифавий томонни тадқиқ этиш натижасида гапларнинг минимал ва максимал қолипларини белгилаш имкони туғилди. Максимал қолипларни ташкил этган минимал бирликлар ўртасидаги муносабат ва минимал бирликларнинг кесимлик шакли асосида қўшма гапларнинг янги таснифи вужудга келди. Кесимнинг атов (лексик) ва грамматик (кесимлик шакллари) қисмларга ажратилиши ва бу қисмларнинг валентлиги асосида минимал қолипларнинг кенгайишини ўрганиш гапни ташкил этган синтактик узвларни бир неча даражаларга ажратиш имконини берди. Натижада синтактик бўлақларни рус тилшунослиги андазалари асосида фақат бош ва иккинчи даражали бўлақларга ажратиш анъанасидан ташқарига чиқишга имконият яратилди.

Мустақиллик шароитида ўзбек тилининг қўлланиш доираси ғоят кенгайди. Ижтимоий муносабатларда давлат тили имкониятларининг ошиб бораётганини очиб берувчи Н.Маҳмудовнинг «Тил ва жамият», «Тил», «Сўзимиз ва ўзимиз», «Маърифат манзилларида» каби қатор китобларининг нашр этилиши ўзбек социолингвистикасини янги поғонага кўтарди.

Тилшунослик ютуқларини кенг оммага сингдириш, жамоатчилик ўртасида нутқий саводхонлик кўникмасини шакллантириш, кишиларимизни тилшуносликнинг сирли олами билан таништиришда тилшуносликка доир илмий-оммабоп китобларнинг хизмати каттадир. Бундай рисоалар ўзбек тилшунослигида фақат мустақиллик даврида пайдо бўлди. Демак, мустақиллик шарофати билан лингвистик журналистика деб номлаш мумкин бўлган алоҳида йўналиш вужудга келди ва бу йўналишга проф. Н. Маҳмудов асос солди. Шунингдек, А.Рустамовнинг «Сўз хусусида сўз», А.Абдуазизовнинг «Тиллар оламига саёҳат», С. Мўминовнинг «Саломлашиш санъати» сингари рисоалари бу йўналишга муносиб ҳисса бўлиб қўшилди.

Собиқ шўролар даврида давлат тили рус тили бўлгани учун барча республикаларнинг расмий иш қоғозлари рус тилида юритилар, шунинг учун ҳам бошқа тилларнинг, жумладан, ўзбек тилининг расмий иш юритиш услуги ривожланмай қолганди. Шу боис истиклол қўлга киритилиши билан мазкур услубнинг шаклланиши ва ривожланишига алоҳида аҳамият берилди. Н.Маҳмудов, Н.Маҳкамов, А.Мадвалиевлар томонидан «Ўзбек тилида иш юритиш» китобининг нашр этилиши бу муаммонинг ижобий ҳал этилишида катта аҳамиятга эга бўлди.

АДАБИЁТЛАР

1. Абу Али ибн Сино. Фонетика ҳақида рисола / Нашрга тайёрловчилар А. Маҳмудов. Қ.Маҳмудов. – Тошкент: Ўзбекистон, 1979.

2. Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шахри. – Тошкент: Халқ мероси, 1993.
3. Абу Райхон Беруний. Избранные произведения. Т.1. – Тошкент, 1974.
4. Абулқосим аз-Замахшарий. Нозик иборалар. – Тошкент: Фан, 1992.
5. Абулғози Баҳодирхон. Шажараи тарокима. – Тошкент: Фан, 1992.
6. Абулғози Баҳодирхон. Шажараи турк. – Тошкент: Чўлпон, 1992.
7. Аль-Фароби. Избранные трактаты. – Алматы: Ылым, 1994.
8. Абдулла Авлоний. Тошкент тонги. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1979.
9. Алишер Навоий. – Тошкент: Фан, 1996.
10. Ахвледиани В.Г. Фонетический трактат Авиценны. – Тбилиси, 1966.
11. Баскаков Н.А. Введение в изучение тюркских языков. – М., 1973.
12. Боровков А.К. Тюркские глоссы в Бухарском списке. «Мукаддимат ал-адаб». Acta Orient. НИИД. Т.XV, Fass. 1 – 3. 1962. – С.31 – 39.
13. Боровков А.К. Бадои ал-луғат. Словарь Толи Имони гератского к сочинениям Алишера Навои. – М., 1961.
14. Бурабаев М.С. и др. О логическом учении аль-Фараби. – Алма-Ата, 1982.
15. Булгаков П.Г. Жизнь и труды Беруни. – Тошкент: Фан, 1972.
16. Зоҳидов В.Ю. «Лисон ут-тайр» фалсафаси ҳақида мулоҳазалар // «Улуғ ўзбек шоири» тўплами. – Тошкент, 1948.
17. Звегинцев В.А. История арабского языкознания. Краткий очерк. – М., 1958.
18. Изысканный дар тюркскому языку. – Ташкент: Фан, 1978.
19. Кононов А.Н. История изучения тюркских языков в России. Дооктябрьский период. – Л., 1972.
20. Кононов А.Н. Библиографический словарь отечественных тюркологов. Дооктябрьский период. – М., 1974.
21. Кононов А.Н. «Родословное древо тюрков» Абулгазихана. –Л., 1952; – Ташкент: Чулпан, 1995.
22. Хайруллаев М. Абу Наср аль-Фараби. – М., 1982.
23. Маҳмуд Кошғарий. Девону луғатит турк. Т.I – III. – Тошкент: Фан, 1960 – 1963.
24. Мец А. Мусульманский Ренессанс. – М.: Наука, 1973.
25. Мухаммад Якуб Чинги. Келур-наме. – Ташкент: Фан, 1982.
26. Назарова Х. Бобур ва ўзбек адабий тили. – Тошкент: Фан, 1971.
27. Поппе Н.Н. Монгольский словарь «Мукаддимат ал-адаб». Ч.I – III. – М.-Л., 1938.
28. Риргас И.Ф. Очерки грамматических систем арабов. – СПб., 1903.
29. Рустамов А. Маҳмуд Замахшарий. – Тошкент: Фан, 1971.
30. Сагадаев А.В. Ибн Рушд [Аверроэс]. – М., 1973.
31. Стеблева И.В. Захириддин Мухаммад Бобур – поэт. прозаик, ученый. – Ташкент: Фан, 1983.
32. Умаров Э.А. Грамматика староузбского языка «Мабани ул-луғат» Мирза Мехдихана. АКД. – Ташкент, 1967.
33. Умаров Э.А. «Бадаи-ал-луғат» и «Санглах» как лексикографические

памятники и источники изучения староузбекского языка XV – XVIII вв. АДД. – Ташкент, 1989.

34. Фозилов Э. Маҳмуд Кошғарий ва унинг «Девон»и // Ўзбек тили ва адабиёти, 1971. 5-сон. – Б.34 – 39.

35. Фозилов Э. Шарқнинг машҳур филологлари. – Тошкент: Фан, 1971.

36. Философия Абу Насра Аль-Фароби. – Алма-Ата: Ақыл китоби, 1998.

37. Хасанов Б.Р. Принципы составления рукописных словарей к произведениям Навои. АДД. – Ташкент, 1989.

38. Шарипов А. Великий мыслитель Беруни. – Ташкент: Фан, 1972.

39. Касымжанов А.Х. Абу Наср аль-Фараби. – М., 1982.

40. Босимов Б. Абдулла Авлоний. – Тошкент: Ўқитувчи, 1979.

41. Хасанов Х. Маҳмуд Кошғарий. – Тошкент: Фан, 1963.